


АЗИМ СҮЮН

УЗЛИК



Мақолалар, суҳбатлар,
шеърлар, ҳикоялар,
таржималар

«ШАРҚ» НАШРИЁТИ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1999

© «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 1999

ЖИМЖИТ БУЛУТ ИЧИДАН ЧАҚИН

ҲАЁТ УЧУН КУРАШМОҚ ИМОНДАНДИР

Ҳаёт учун кураш деган иборанинг мазмунини шоир ва журналист Азим СУЮНнинг бугунгача босиб ўтган умр йўлини бир бутун ҳолда кўз ўнгингда гавдалантирганда, чуқур тушуниш мумкин.

Ҳаёт учун кураш оддий бир нарса эмас. У одамнинг одамлиги ва одамликнинг белгиси — ироданинг иродалигини кўрсатади.

Кўп одамларни кўрасиз: улар ҳаёт учун курашмайдилар. Балки ҳаёт берган неъматларни изланмай-қидирмай, беллари оғриб жафо чекмай, бир натижани машаққат билан қўлга киритмай, исёнсиз-туғёнсиз қабул қиладилар ва то умрлари поёнигача тасарруф этиб ўтадилар. Уларнинг осойишта, бир маромдаги пором умрларига, топиш-тутишларига, эл аро яшаш-кун кечеришларига ҳавасларинг келади. Бундай ҳаётга эришиш жуда қийин бўлса керак дейсан. Бунинг учун жуда бақувват илдизлардан озиқ олишинг, бақувват заминда кўкаришинг керак дейсан. Аммо ҳаммага ҳам бундай бақувват илдизлар ва бундай эмингарчилик замини насиб этавермайди. Қани энди, мен ҳам шундай тинчгина тинчиган кўлмакда бўлсайдим, кўлмакнинг ўзи бўлсайдим, қани энди, ойлар, куёшлар, осмонлар шундай жимирлаб, оҳиста мавжланиб устимдан ўтиб кетсалар эди, зотан, ҳар қандай гирдоблар, талафотлар, пўртаналар бу тинчгина кўлмакни албатта четлаб ўтади, деб армонларга ботасан киши вақт-бевақт. Лекин бундай осуда ҳаётни қаерга буюриб топасан, азизим. Яхшиси, бундай осойишта жозибани инкор қилмаган, ундан нафратланмаган ва уни таҳқирламаган ҳолда, яна ҳушёр тортиб ўзингга ўзинг ҳисоб бера бошлайсан, йўқ, мен бундай осуда умргузаронликни истамаган, соғинмаган ва уни ўз яқинларим, биродарларим, юртдошларимга ҳам раво кўрмаган бўлардим, деб ишончинг ортади ўйлаб кўрсанг.

Азим Суюн университетда таҳсил олишни соғинди.

Гулдурос қарсақли шеър ўқиладиган давраларни орзу қилди. Одамларга ўз сўзини айтиш иштиёқида ёниб юрди. У қийналиб ўсди. Машаққат нималигини хўб билди. Анча замонлар илк шеърларини бирга ўқидик. Бирга ўйладик. Бирга фикрлашдик.

Азимнинг фикр тинглашга ташналиги ва зийраклигини ёқтириб қолдим. Юпунгина кийинган, кўзлари ҳамиша ўйчан ва маъюс боқадиган бу йигитчанинг ишонгани шеър эди. Шеърга ишониб яшайдиган ноёб одамлар каби зеҳнининг толалари доим таранг ва нозик тортилган эди. У яхшилиқни, яхши сўзни тез уқар, тез қабул қилар, тез риоя этарди.

Шунга қарамасдан, шеър деган ҳур, серфироқ нарса унга осон келгани йўқ. Излана-излана, ўргана-ўргана у ўз қалбидаги мудраб ётган кўҳна ҳужайраларни, мудраб ётган кўҳна оҳангларнинг торларини уйғотди.

Азим кўп тиришқоқ йигитча эди. Эллигинчи йилларнинг нари-берисида дунёга келган болалар шеърият, насрда яхши давра олдилар. Азим ёрқин истеъдодли дўстлари, тенгқурлари, университетдошларига жўровоз бўлди. Уларнинг гулдуросли тўлқинларига муносиб кўшилиб борди.

Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султон, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва яна неча-неча уларнинг тенгдошлари адабиёт ва у орқали ижтимоий ҳаётга миллий эрк орзуларининг янги тўлқинлари, янги садоларини олиб кирдилар. Уларнинг асарлари билан АДАБИЁТ ЯНГИЛАНИШ жараёнига кирди.

Азим Суюн шу авлоднинг садосига ўз жарангдор наърасини қўшди.

Унинг лаёқати чархланишга мойил эди. Чархланса, чархланадиган истеъдодини Азим ўзи кашф этди.

Етмишинчи йилларнинг бошимикин, Азим бир даста шеърларини ийманган, тортинган, бетламаган бир тарзда олиб келди.

— Ўқиб беринг, Иброҳим ака. Бўлади, қол десангиз, қоламан. Бўлмаса, юртимга кетаман. Овчи бўламан. Ёзмайман. Мендан шоир чиқмайди, вассалом! — деб айтди у қаттиқ ҳаяжон ичида. У қийнала-қийнала шу қарорга келганга, аҳдидан қайтмайдиганга ўхшарди. Бундан илгари ҳам унинг кўп машқларини бирга ўқиган ва бирга буларни ҳали матбуотга беришга эрта деган хулосага келгандик.

Азим уйғониб, ўзини англай бошлаган эди. Янги ёзган туркумларида бу баралла сезиларди. Шеърларида

дўлворлик, танги, мардона, бағирдор оҳангларга ўрин алмашаётгани кўриниб турарди. Шеър тошқинлари унинг вужуди, қалбини ларзага келтириб, ростмана ўз забтига олаётган кезлар эди.

— Бундай шеърларингиз кўпми? — деб сўрадим ундан. — Кейинги тўпلامга ҳам етадими?

— Кўп, ака, жуда кўп. Тинмай ёзаман. Лекин ўзим билмайман, бу бало нима, соғманми, телваманми?

Тез орада Азим Суюннинг биринчи китоби — «Менинг осмоним» чиқди. У ижоднинг жўшқин палласига кирди. Шеър унга адирлардан сурон солиб келадирган сел каби ёғилди. Кетма-кет китоблари чиқди. Катта давраларда гулдираб шеър ўқиди. Ўз йўли, қиёфасига эга бир шоир майдонга келди.

Азимдан шеър худди момақалдиروқдан чиққан чақиндек чиқди. Бу тоғ момақалдиуроғи, тоғлар чақинлари, тоғларнинг ёлқинлари эди. Азим саксонинчи йиллар бошида энди ўзини, ўз юртини, ўз тоғларини, ўз юртдошлари ва уларнинг орзуларини тўла очган эди. Унинг шеърига, асарларига, сал кейинроқ журналистика билан шуғуллана бошлагач, публицистикасига Нурота тоғларининг шукуҳлари бутун колорити билан кириб келди.

У Нурота оҳангларини топди. Худди Усмон Бойсуни топгандай, худди Хайриддин Паркентни топгандай, худди Мурод Галатепани топгандай, Азим Нуротани топди. Ахир, кичкинагина бўлса ҳам, ўз ерингни ишғол қилмасанг, дунёга қандай чиқасан, уни қандай ишғол этасан? Азимнинг барча шеърларини ўқинг: ҳаммасида Нурота зарблари, Нурота сойларининг мангу овозлари, бургутларнинг мунгли қийқириқларини эшитасиз.

Баъзан-баъзан газетачиликнинг машаққатли ишларига шўнғиб кетган чоғлар Азимни бир ой-ярим ой йўқотиб қўяман. Сўнг кўришган чоғларда у:

— Тоғларда эдим. Чўққиларга чиқиб кетдим. Чўққиларга чиқиб турмасам, яшолмайман! — деб ҳикоя қилиб беради.

— Чўққиларнинг хатарини севасизми ё ҳавосини? — деб сўрайман.

— Чўққилардан узоқларга боқишни яхши кўраман. Олам фақат чўққилардан бунчалар кенг ва яхлит кўринади, — дейди Азим.

Бу гап унга ярашади. Бу ўша жимжит булут. Бу ўша бағрида чақинларини яширган булут. У чўққиларсиз туролмайди.

Унинг шоир қалби панорамани истайди. Олам ман-зараларидан бир бутун ҳолда такрорланмас тарҳлари, рангларининг ажиб издиҳомларидан завқланади. Балки у чўққиларда кураш завқини туяр. Толиққанда, сусайганда, яна шу завқларни янгиламоқ учун чўққиларга боради. Нуротами, Туркистонми, Чотқолми, Боботоғми, Ҳисорми, Зарафшонми, Олойми, Шоҳимардонми, Қолдирға тизмаларими — чўққиларни пиёда кезади. Ҳиссиётларининг залворини синайди чўққиларда: юрт истиқболини кўришни истайди чўққилардан. Чинми буларнинг бари ё ўйинми — сохтами? Ажратиб олишликни истайди.

Яшаш учун кураш! Азим Суюннинг барча ёзганлари бу — яшаш учун кураш. Шу курашнинг сўзлари. Шу курашнинг илҳомлари.


Азим Суюннинг бадиий журналистикаси ҳам унинг ҳаёт уфқлари қанчалар кенгайиб, ранг-баранг бўлиб, мустақил ва озод Ватаннинг собит зарбларига тўла ҳамоҳанг бўлиб, уни қутлаб, алқаб, суюб, қучиб, эркалаб дунёга келаётгани аён!

Озодлик Азим Суюн ва у мансуб авлоднинг ҳаёт ва орзу уфқларини беҳад кенгайтирди. Уларга янги руҳ, янги нафас бахш этди. Улар миллий мустақилликни орзу қилган, унга эришган, унга бутун инсоний, фарзандлик муҳаббатини берган авлод! Азим Суюн шу авлод сафида собит матонат билан бораётир. Унинг сўзи Истиқлол ишига, миллий равнақимиз манфаатларига жон-дил билан хизмат қиляпти.


Азим Суюн унинг сўзларида азим истиқлол ва унинг фаровон уфқлари гавдаланади.

Иброҳим ҒАҒУРОВ.

Биринчи қисм



Бўронларда бордек ҳаловат...





ШОИРА СУВ ИЧГАН БУЛОҚ

Накурт — Нурота тизма тоғларининг* катта бир дарасига жойлашган чоғроқ қишлоқ. Унда кўз ёшидек сизиб чиқаётган чашмалардан тортиб, бир тегирмон сув берадиган булоқларгача мўл.

Ҳар гал она қишлоғимга борганимда бир булоқдан сув ичиб қайтаман. Бу булоқни қишлоғимиз аҳли — «Зулфия сув ичган булоқ» деб ардоқлашади. Улар четдан келган ҳар бир меҳмонга албатта бу булоқни кўрсатишиб, ундан суюмли шоирамиз бир ҳовуч сув ичганлигини фахр билан сўзлаб беришади. Дарҳақиқат, мен ўзим бунинг гувоҳи бўлганман.

Беш-олти ёшларда эдим. Бир тўда тенгдошларим билан ўйин-кулгидан бошқа эрмагимиз йўқ. Бир куни катта жардан зағча палапонларини тутиб юрган эдик, қўшнимиз — ферма мудирининг ўғли уйларига «шоирлар» келганлигини, улар ҳозир «мошин»дан тушганлигини ҳовлиқиб айтиб қолди. Шоирлар кимлар эканлигига, уларнинг нима иш қилишларига ақлимиз етмасада («шоир» сўзини ўшанда биринчи марта эшитганман, у пайтларда қишлоғимизда яккаю ягона радио шу ферма мудириникида бўларди), қандайдир «муҳим» бир нарсани кўриш иштиёқида ялангоёқ, йиртиқ-ямоқ куйлак-иштонда оёғимизни қўлимизга олиб ўртоғимизникига югурдик.

Кечагидек ёдимда: Етиб борганимизда район, совхозимизнинг уч-тўрт «катта»лари, бир-икки меҳмонлар (кейин билсам Мирмуҳсин ва Ақмал Пўлат ҳам бор экан) ичида бир жувон юлдуздек ёниб турарди! Бу Зулфия эди! Адашмасам, Зулфия опа олма гулли енгил куйлакдайди (аёлларнинг замонавий кийинишларини ҳам биринчи марта ўшанда кўрганман). Ҳозир, Зулфия опа-

Китоб турли йилларда яратилган ва вақтли матбуотда ёритилган асарлардан тартиблаганидан, муаллиф истагича, улар эълон қилинган санада маъқул кўрилган услуб, жумладан, айрим атамалар, ибораларни қўллашдаги ўзига хосликлар сақлаб қолинди. — *Муҳаррирлар.*

нинг ўша туриш ҳолати менга нимагадир кабутарнинг ажиб бир намоишкорона туриш ҳолатини эслатади.

Мезбонлардан бири меҳмонларни ҳовли тарафга бошлади. Зулфия опа энг олдинда. Улар тош кўприқдан ўтишиб, мезбоннинг уйи биқинидаги шарқираб оқиб ётган булоқ бошига келишди. Зулфия опа булоққа ҳайрат билан тикилиб, унга эгилди. Кўлини ювди (кимдир сочиқ олиб келиш учун уйга чопди) ва бир ҳовуч сув ичди!

...Ҳақиқий Зулфиянинг кимлигини, албатта, мактабда ўқиганимда билдим. «Олча гули баргидай, ўйнаб учиб ёғар қор... Ажаб қорга қарайман, Кўзимда яшнар баҳор...» — деб, оҳанглар силсиласига тебраниб шивирлаганларимни, «Ким танимас бизнинг оналарни, Сиз қайда сезмайсиз иссиқ нафасин? Ўлчаб бўлармикан она меҳрини, Тугатиб бўларми айтиб қиссасин?» — деб, хотин-қизлар байрамларида тантанавор ёд ўқиганларимни, «Лобар қизларга»ни ўқиб, мактабдош қизларимиздан «лобар»ликни излаб, уларга пинҳона тикилганларимни энди мароқ билан эслайман. Зеро, бу шеърларни қайси мактаб талабаси билмайди, дейсиз?!

Зулфия! Бу ном биз ёшларга САДОҚАТ тимсоли! Бу садоқат, энг аввало, ДАВРга садоқатдир! Зулфия шеърляти — Давр шеърляти! Зулфия ҳар қачон, ҳар қандай шароитда ўз Сўзининг «ипак йўли»га, собит кудратига ишонди. Зулфия шеърляти изчил, кескин, соғлом шеърляти! Бу шеърлят ҳар хил тебранишлардан, писандалардан холи шеърлят! «Ажиб бир ҳис билан дейман бу сўзни!» — деди у баралла даври ҳақида. У ана шу — «ажиб бир ҳис»га бир умр садоқатда!

Даврга садоқат — умрий садоқатга айланиб кетди! У шеърга кўчди! Шеърдан юракка кўчди! Талабалик йилларимда Абдулла Ориповнинг «АЁЛ» шеърини ўқиб, «бу шеърга Зулфия ҳаёти асос бўлибди-да...» деб ўйлаганлигим рост.

Қолаверса, бу садоқат шеърлятга бўлган садоқатдир. Зулфия проза ёзмади, билишимча, ҳатто хотиралар ҳам ёзмади. У бир умр игна билан қудуқ қазиди — шеър ёзди. Ўзини дуч келган деворга урмади. Булар ҳаммаси биз ёшларга садоқат сабоқларидир.

Ўтган йили ёзда нашриёт топшириғи билан арман шоири Геворг Эминнинг «сўзма-сўз ағдарма» (подстрочник)сини олиб Зулфия опани излаб Дўрмон боғига бордим. Бошимда ўй: «Вақти бўладими, йўқми?..» Ўтган йиллар ичида Зулфия опани учрашувларда, мушоираларда, мажлисларда кўп кўрганман,

аммо юзма-юз учрашиб, гаплашмаганман — журъатсизлик ҳамиша устун келган.

Ёзги чорбоғнинг эшигини Зулфия опанинг қизи Хулкар опа очди. «Бетоб... тагин бир сўрай...», деб Хулкар опа ичкарига йўналди. Бир пайт Зулфия опанинг ўзи «Азим Суюнмисиз ё Усмон Азиммисиз? Иккалаларингизни доим чалкаштириб юраман...», деб эшикдан чиқиб келди. Бу самимият мени гоят қувонтириб юборди. Бир соатлар чамаси суҳбатлашдик. «Мен сизлардан хафаман, — деди опа гап орасида, — мен ҳаммаларингизни яхши кўраман, лекин олдимга нимагадир кам келасизлар, мен эса сиз ёшлар билан суҳбатлашишга иштиёқмандман. Зулфия номини биласизлару аммо шеърларимни ўқимасаларингиз керак», — деб қолди.

Йўқ, мен айтолмадим. Ёд билганларим «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Шалола», «Тун»ларни айтолмадим. «Агар сени алдаса ҳаёт...» (А. С. Пушкин шеъри. Зулфия таржимаси)ни давраларда севиб ўқишимни айтолмадим. «Мушоира», «Ҳарорат»ни қайта-қайта ўқишларимни айтолмадим. Сафарларга чиққанимда — машинада поёнсиз йўлларда кетаётганимда... «Очиқ деразадан ел билан кўм-кўк Осмон отилади деразамизга...» («Қуёшли қалам»дан) деб завқ билан ўқишларимни айтолмадим. Қишлоғимизга борганликларини, булоғимиздан бир ҳовуч сув ичганликларини, уларга кўзлари катта-катта очилиб, ҳайрат билан қараб турган бир тўда бола ичида оқ куйлакли бола — мен ҳам борлигимни айтолмадим. Зулфия келиб кетгандан кейин қишлоғимиз хонадонларида туғилган жуда кўп қизчаларнинг исмларини «Зулфия» қўйишганликларини айтолмадим. Бу гапларни ардоқли шоирамиз олдида айтиб ўтириш ножоиздек туюлди.

Зулфия бугун етмиш ёшда! Зулфия бутун эл-юртимиз булоқларидан сув ичган шоира. Зулфия бугун жаҳон халқларининг булоқларидан баҳраманд бўлган сўз санъаткори. Бугун биз, ёшлар унинг булоғидан қониб-қониб сув ичяпмиз! Бугун юрагимдаги гапларимдан айтгим келди. Айтдим.

«Тошкент ҳақиқати»,
1985 йил 30 ноябрь.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

1. Биринчи асарингизнинг эълон қилиниши тарихини гапириб берсангиз?

2. Бевосита ёзиш жараёни Сизда қай тариқа кечади? Ижодда «туртки» деган тушунча бор. Масалан, Лев Толстой синиб ётган бўтакўзни кўриши билан қалбида, шуурида тўсатдан «чақмоқ чаққану» сизу биз яхши билладиган «Ҳожимурод» деган ажойиб асарини ёзган экан. Сизнинг тажрибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?

3. Қайси асарингиз ўзингиз учун айниқса қадрли? Қайси биридан кўнглингиз тўлмаган?

4. Ижодда кимни устоз деб биласиз?

5. Ёзувчининг актив гражданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?

6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайси-ю, энг бахтсиз кун қайси?

7. Чиқаётган асарларимизнинг қайси камчилиги Сизни кўпроқ ташвишга солади? Ўз ижодингизда ҳам камчилик сезасизми?

8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?

9. Баъзи журналхонлар «фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи ичидан тўқиб чиқарганми?» — деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз?

10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидчи бўлсангиз нима қилардингиз?

11. Ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?

«Шарқ юлдузи» журнали саволларига жавоблар.

1. Журналимиз саволларини кўриб чиқиб, уларга жавоб беришдан олдин кўп йиллардан буён қадрдон бўлиб кетган эски чамадонни очдим. Унда бутун «бойлигим» — барча нашрларим сақланади. Бир сўз билан айтганда: архив.

Ёдимдан кўтарилган экан — биринчи «асар»им 1961 йил «Гулхан» журналининг март сонида босилган «Китоб ўқиган эдим» деган бадиийнамо мақола бўлиб чиқди. Имзо: Азимжон Олимов (отамнинг исми Олим).

Асосий машғулотим — шеърларимдан намуналар эса

1965 йил «Фунча» журналида босилган. Лекин мен «биринчи асарларим» деб 1975 йил «Гулистон» журналининг 11-сонида чоп этилган бир туркум шеърларимни билман. Шеъриятнинг ғоят нозиктаъб тадқиқотчиси Иброҳим Фафуров «Оқ йўл» берган. Имзо: Азим Суюн (Суюн — бобомнинг исми). Шундан буён шу имзо остидаги шеърларни шахсан ўзимники деб ҳисоблайман.

2. Ёзиш жараёни... насрчиларни билмайману, аммо шоирларда бу ҳолат жуда турли-туман кечиши табиий. Асосан тунда — шовқинли ҳаётдан узилиб ишлайман.

«Туртки» масаласига келсак... у азалдан бор нарса. Менинг тажрибаларимда ҳам бўлган — эсимда қолганлари кўп.

1976 йил «Фан ва турмуш» журналининг қайси бир сонида Наури ороли ҳақида ўқиб қолдим. Гап шундаки, бу орол тупроғи фақат фосфатдан иборат. Унда 36 хонадон яшайди. Бу оролнинг эгалари ўз заминларини — Ватанини, яъни фосфатни тинимсиз қазиб олиб, чет элликларга сотади, шу кетишда кетса, тезда орол замини тугайди. Бирдан, ўзи ўтирган шохни арралаб, дарахтдан йиқилиб тушган ўзимизнинг Насриддин афанди ҳақидаги машҳур латифа ёдимга тушди.

Ана шу факт «Замин тақдири» дostonимнинг яратилишига олиб келди.

3. Тортинмайман, айтаман. «Тоғларда куз», «Тутқун», «Туннинг қора сукунатин...», «Чингиз Аҳмаров», «Аёл жангга кирса...», «Куёш ботар пайти...», «Соғинч», «Вола» каби шеърларим, «Қадимги Нурота қўшиқлари» туркумим, «Замин тақдири» дostonим ўзимга ардоқлироқ.

Кўнглим тўлмаганларини эса доимий равишда ишлаб бориш одатим бор.

4. Фалончи деб айтолмайман. Халқ оғзаки ижодини севаман. Халқимиз тарихи — менинг ижодим учун доимий манбалардан бири. Маҳмуд Қошғарий, Яссавий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон тилини ғоят қадрлайман. Прозани кўп ўқийман. Бир гап айтайинми? Энг нодон назмбоздан ҳам ўрганаман.

5. Агар сенинг ижодинг халқингга, жамиятга ўз эзгу таъсир куч-қудратини кўрсатаолса, бу гражданлик, позициянг тўғрилигидан далолатдир.

Тағин бир гап.

Нега бир умр қўлидан қаламини қўймаган Алишер Навоий кези келганда қўлига қилич тутди? Нега Байрон мутлақ бегона элда — Юнонистонда озодлик учун курашувчилар тарафида жангга кирди? Нега Чернишевский

«Нима қилмоқ керак?» деган саволни кўндаланг қўйди? Нега? Чунки, уларнинг сўзи ва фаолияти бир эди!

6. Бахтли дамларни мен нимагадир тез унутаман. Бахтсиз дамлар... бирини хотирлашга рухсат беринг.

1961 йил. Декабрь. Олтинчи синф ўқувчисиман. Аълочиман. Синфкомман. «Шоир» деган номим бор. Хурматим жойида.

Дарсдан мени директор идорасига чақирди. Остонадан киришимни биламан, кучли қўл зарбидан учиб кетиб, йиқилдим. Тепкилаш бошланди. Қанча тепки едим, билмайман. Охири турғазишди. Зўрға турдим, зўрға кўзимни очдим. Қатор турган ўқитувчиларни кўрдим ва... елкамдан маҳкам сиқиб ушлаб турган Турсунқул магазинчини кўрдим. У: «Кеча қаерда эдинг?» — деди важоҳат билан. Мен зўрға «уйдайдим» деб жавоб бердим. «Уйдаминг?» деди у яна. «Уйдайдим» дедим мен. Тагин кучли зарбдан йиқилдим. Директордан тортиб, оддий ўқитувчиларгача бу ҳолга бепарво қараб турар эди. Мен ҳеч нарсани тушунмасдим, бошим, биқиним қаттиқ оғрирди, қалтирардим. Яна магазинчи бир неча бор тепди. Хайрият, илмий мудир «Бўлди, етар...» деди секингина. Кейин у менга «Ростини айт, кеча қаерда эдинг?» деди. Мен яна уйдалигимни айтдим. «Йўқ, сен кеча уйингга бормагансан, магазинга ўғриликка тушгансан, ручка, перо, чой ўғирлагансан, мана, синфдошинг айтди», деб бурчакка ишора қилди. Бурчакда... бир синфдошим — қариндошчам шумшайиб, кўзлари ўйнаб турар эди. Қисқаси, мен туҳматга қолгандим. Қариндошча — синфдош қишлоқ магазинининг ойнасини синдириб, пул ҳисобида 6 сўмлик нарса ўғирлаган, магазинчининг «сен бир ўзинг ўғирламагансан, шеригинг бўлган, шуни айт» деб уриб, тепиб зуғум қилгандан кейин у мени ўзига «шерик» қилиб олганди.

«Ўғри» деган номга эга бўлиб олдим. Исбот қилиб кўр-чи? Кимга борасан? Кимга тушунтирасан? Ҳамма қўлларини бигиз қилиб «ўғри» дегандек бўлади. Озиб-тўзиб кетдим. Мактабга бормаи қўйдим. Синфкомликдан «тушуришган». Одамларга кўринмасликка ҳаракат қилдим. Ҳеч кимсага кўринмай йиғлайман. Одамови бўлиб қолдим. Ана шунда:

Кўй, ифлос сўзларга солмагил қулоқ,
Ҳар хил иғволарга бермагил қулоқ.
Туҳматга йўлиқсанг мабодо агар,
Ўз жойида қарор топадилар ҳақ, —

деб ёздим. (Айнан кўчирдим).

Азбаройи, жиддий фикрлашга ўтдим — одамлар ҳақида бошқача ўйлай бошладим.

Кейин, ҳақиқат-ку қарор топди. Аммо ўша дамларни, ўқитувчиларимнинг «томоша» қилиб туришларини асло унутолмайман. Менинг учун энг бахтсиз дамлар ўзимнинг ҳақлигимни исботлай олмай юрган ўша дамлар эди!

7. Эркин вазнда ёзилган шеърларим талайгина. Кейинги пайтда нимагадир бу вазндан ихлосим қайтди.

8. Инсондаги эътиқод туйғусини жуда қадрлайман. Фаламислик, иккиюзламачилиқдан нафратланаман.

9. Ҳаёт ҳақиқати — бадиий ҳақиқатга айланмаган асарнинг кимга кераги бор?!

10. Танқидчининг вазифаси ёзувчи ва ёки шоир ижоди мисолида ҳаёт ҳақидаги, давр, жамият ҳақида юрагидаги ўз гапларини, ўз ўйларини, ўз хулосаларини қувонч ё изтироб билан баралла айтиш деб тушунаман. Мабодо, танқидчи бўлганимда шу йўлни тутган бўлардим.

11. Шу йил бошида «Сарбадорлар» деб номланган шеърӣ трагедия ёзиб тугатдим. Ҳозир сайқал бериш билан бандман.

«Шарқ юлдузи» журнали,
1986 йил, 12-сон.

СУЙГАН КҮНГИЛ ФАРЁДИ ВА ЁКИ БИР ДҶСТ ЁДИ

Пластинкани қўяман. Оҳиста шикаста кўнгил — ошиқ ноласи — армон қўшиғи теваракни тутади:

Ё кўкдаги юлдузмидинг, етолмадим,
Умид узиб сендан йироқ кетолмадим.
Баҳор чоғи бир ёндингу яшин мисол,
Ғафлат босиб ишқим изҳор этолмадим.
Яна баҳор қайтармикин, сен қайтмасанг,
Қушлар қўшиқ айтармикин, сен айтмасанг.

Нола тобора авжланиб, юракларга бир олис ҳазинлик солиб, куз шамолларига «ўлжа» тушган чорбоғнинг бир четидаги зардолининг қизғиш-сарик япроғидек титрайди:

Бошқа ёрга, айт, ё кўнгил берганмидинг,
Мендан ортиқ ундан вафо кўрганмидинг?

Баҳор чоғи сочинг ювиб кўз ёшимга,
Дил риштасин сочга қўшиб ўрганмидинг?..
Яна баҳор қайтармикин, сен қайтмасанг,
Қушлар қўшиқ айтармикин, сен айтмасанг.

Ошиқ ва маъшуқ! Ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги сир муқаддас! Бу муқаддас сир ошкор бўлди — ошиқ ўз дил тафтига чидай олмай сатрларга кўчирган эди — сатрлар — юрак қақнуслари учиб тор симларига кўнди... Тор симлари узилиб кетишдан кўрқиб-кўрқиб бўзлаяпти...

Маҳмуд сени эслаб ҳар кун ёд этади,
Сени эслаб ҳазин кўнглин шод этади.
Севсанг уни, деразанга боқ ҳар саҳар,
Қалби унинг қушча бўлиб дод этади!
Яна баҳор қайтармикин, сен қайтмасанг,
Қушлар қўшиқ айтармикин, сен айтмасанг.

«Баҳор қайтармикин?..» — бу суйган кўнгли фарёди.

Маромига етказиб куйланган «Баҳор қайтармикин?..» қўшиғи ижрочисини барча яхши билса-да, аммо унинг муаллифи ҳақида жуда кам киши билади. Дарҳақиқат, мен бу қўшиқни ҳар гал эшитганимда беихтиёр талабалик йилларим — Тошкент Давлат Университети журналистика факультетида ўқиб юрган кезларим — «олтин давр»им ёдимга тушади.

Студентлик ҳаётимиз қайнарди! Бир гуруҳ энди бошловчи ёш шоирлар, ёзувчилар: Мурод Муҳаммад Дўст, Абдулла Матёқубов (марҳум; шоир ва танқидчи), Шукур Қурбон, Саъдулла Ҳаким, Йўлдош Эшбек, Рустам Ғаниев, Нусрат Карим, Абдулла Турдиев, Бахтиёр Бобоновлар қаерда «адабий давра» бўлса, ўша ерда ҳозир нозир эдик. Ўзимиз ётоқхоналарда ва ёки бўлмаса бирортамизнинг «кулбаи вайрона»мизга йиғилиб олиб, «қўлбола мушоира» кечалари ўтказар эдик, баъзан тонггача суҳбатлашардик, «ёқавайрон» баҳслар қурадик...

Шундай «Мушоира» кечаларимизнинг бирига кимдир ўрта бўйли, сочлари қалин, тик ўсган, қарашларида қандайдир мунг яширинган йигитни бошлаб келди. «Шоир эмасману, шеър ёзаман. Сизларнинг давраларингизга ҳавас қилиб келдим...» деб айтган гаплари ҳамон эсимда. Танишдик. Бу йигит Маҳмуд Тожибоев эди. Маҳмуд Андижон вилоятининг Асакасида 1948 йилда туғилган. ТошДУнинг математика факультетида

сабоқ оларди. Хуллас, у барчамизнинг қадрдон дўстимизга, давраимизнинг фаол қатнашчисига айланди.

Маҳмуднинг бир оёғи оқсоқ эди, ҳассага таяниб юрарди. У жуда одамшаванда, дўстларига ўта меҳрибон, ҳеч кимдан холис хизматини аямас эди. Кейин унинг кўп сифатларини «кашф» қилдик. Маҳмуд шеърлар, ҳикоялар машқ қилиши билан бирга яхшигина расм чизарди. Фотограф — суратгир эди. Айниқса, тор чертиб, кўшиқ айтганда барчани «сел» қиларди. У ўзи ёзган кўшиқларга куй ҳам басталарди.

Маҳмуд, чамамда, моддий жиҳатдан жуда қийналиб яшарди. Уйдан ёрдам олмасди... Кейинчалик унга Дорилфунун маъмурияти 85-ётоқхонада «Сартарошхона» очиб берди. У бўш вақтларида сартарошлик қилиб, кун кечирарди.

Маҳмуд сўнгги пайтларда давраларга кам кўшилади-ган бўлиб қолди. У бир қизни севарди... Биз «ошиқона»ликка йўйдик. Қиз аввалига унга розилик бергандай юрди, лекин кейинчалик Маҳмуднинг ногиронлигидан «ор» қилдими, узил-кесил рад жавобини берди. Маҳмуд унга кўп шеърлар бағишлади, жумладан, «Баҳор қайтармикин?...» шеърини ҳам. Бу шеърига куй ҳам басталади, ўзи бўзлаб куйлади...

Мен, нафақат мен, барча «давradoш»лар бугун Маҳмудни тушунамиз. Бироқ у пайтлар «тушунмас» эдик. Фақат ўқиш, ижод завқ-шавқи билан ёнардик. Дўстларимиз ҳаётида, кўнглида нима гап борлигига кўп ҳам эътибор беравермас эдик. Студентлик «касали» — ҳеч нарсага тан бермаслик, кўр-кўроналик ўй-хаёлларимизни ўз домига тортган эди. Афсус... дўстлар юрагига қулоқ тутиш керак экан, моддий, маънавий, керак бўлса, шахсий ҳаётларига ҳам аралаштиш керак экан! Бир тонгда Маҳмуд жасадини «Сартарошхона»сидан топдик. У ўзини осиб кўйган эди.

Ўша пайтда дўстлар Маҳмудни «ожизлик»да, «бардошсизлик»да айбладик. Аммо бугун биз ўзни лоқайдликда, бепарволикда айблаймиз!

Маҳмуд Тожибоевдан «Баҳор қайтармикин?...» кўшиғи ёднома бўлиб қолди. Бу кўшиққа Шерали Жўраев муносиб, маромига етказиб қайта куй басталади, куйлади, Маҳмуд номини эл ичига ёйди. Унинг бу кўшиғини бошқа бир қанча санъаткорлар ҳам ижро этди.

Маҳмуд Тожибоевнинг кўпгина шеърлари, ҳикоялари кимда, қаерда, билмадим, аммо унинг бир «Ён

дафтарча»сини унинг яқин дўст-укаларидан бири Анвар Саидмуродов яқинда менга олиб келиб берди. Унда йигирмага яқин катта-кичик машқлари бор экан. Улар эндигина бошловчи шоирнинг қаламидан тўкилган сайқалталаб, оҳорталаб, таҳрирталаб силсилалардир... ва лекин ёш юрак ҳарорати бор!

Биз шулардан уч-тўрттасини танлаб, уларни ўз ҳолича ўқувчи ҳукмига ҳавола этиб, «Баҳор қайтармикин?..» муаллифини — орамиздан бевақт кетган чин инсонни бир бор ёд этиб, руҳини шод этишни жоиз деб топдик.

...Мақолани тугатиб, кўча сайрига отланаман. Баҳор! Баҳор! Гўзал пойтахтимизга ҳам баҳор ўз тароватини ёйди, хушбўй насимларини таратди. Юнусобод томонларда — ариқлар ёқасида ялпизлар-ҳулволар бўй кўрсатди, олчалар, ўриклар қийғос гуллади, толлар «яшил тил»ларини чиқарди...

Ё фалак! Тасодифми... бир тўда ёшлар қўлидаги магнитофонида «Баҳор қайтармикин?..» кўшиғи — мунаввар андуҳ-армон кўшиғи юракларни зириллатиб, ўқеган қийғирдек чарх урарди:

Яна баҳор қайтармикин, сен қайтмасанг,
Қушлар кўшиқ айтармикин, сен айтмасанг...

«Баҳор қайтармикин?..» — шивирлайман ўзимга ўзим. Лекин жавобини ўйламайман... кўшиққа кўнгил тутаман.

Маҳмуд ТОЖИБОЕВ
шеърларидан намуналар

ЖИЛҒА

Сенга ачинаман,
эй шошқин жилга,
Орқангга қайрилиб
сира боқмайсан.
Эҳтимол, шу сабаб
умринг борича
Эгри йўл босасан,
тўғри оқмайсан!

1972

ИШҚҚА ТҰЛА ЮРАК

Ишққа тұла юрак,
муштдек бұлса ҳам,
Буюк бир вулқондек,
қайнаб тураркан.
Таажжуб, шу қайноқ
вулқонни ҳар дам
Инсон ўз кўксида
олиб юраркан...

1972

ЎТИНЧ

...га

Кўзларимга тўлмай аччиқ ёш,
Тўлиб турсин энди нигоҳинг.
Ботса ҳамки мен севган қуёш,
Зора қувса дилимдан оҳинг.
«Бахтим» дея асрар эдим мен,
«Чил-чил» қилди тақдир деган тош.
О, шум ҳаёт чангалида сен
Янчилмайсан нега, қаттиқ бош?!
Ёшларимга қоришиб ўйлар
Тўкилмоқда оппоқ қоғозга.
Қани энди у қувноқ кўйлар,
Қалбим ўхшар йиғлоқи созга.
Дўстларимнинг кўзига бадбахт
Кўзи билан боқмас эдим-ку.
Сира бахтсиз, қуриган дарахт
Ёнида ўт ёқмас эдим-ку.
Наҳот, бу тонг орзуларим туш —
Бир сесканиб кўзимни очсам.
Наҳот, кетди бошимдаги хуш,
Бу қисматдан қаерга қочсам...
Майли, бахтли бўлақол ўзинг,
Бахтим бўлса қўшқўллаб тутай.
Эшитсам, бас, севимли сўзинг,
Севгим асраб умрбод ўтай...
Ўтинчим шу, тўлдирмасдан ёш
Кўзларимга тўлдир нигоҳинг.
Ботса ҳамки мен кўрган қуёш,
Зарра сенинг эшитмай оҳинг!

1972

ФАРД

Баъзилар бор эгилганнинг
юзига тупуради,
Улар кўпроқ кеккайганнинг
йўлини супуради!

1972

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1987 йил 15 май.

БУРИЛИШ ЙЎЛЛАРИДА

Биз кўкда учамизми, сувда сузамизми, ерда юрамизми — қаерда бўлмайлик — ҳаёт ҳақида, инсон ҳақида, фаровон турмуш кечиришнинг туб омиллари ҳақида ўйлаймиз, қайғурамиз. Зеро, шу боис, мавжудмиз — ҳаракатдамиз.

Яшаш йўллари, усуллари ғоят хилма-хил. У ҳар инсонда турли-туман кечиши табиий. Бунда инсоннинг ақл-идроки, фикрлаш йўсуни, дунёқараши, ахлоқи, олган таълим-тарбияси, ҳаётий тажрибаси асосий роль ўйнайди.

Кейинги йилларда жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантиришда кўпгина қийинчиликлар ва салбий воқеалар содир бўлганлиги ҳақида тинимсиз гапиряпмиз, ёзаяпмиз. Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада камайиб кетганлигини баралла айтаяпмиз. Мамлакатимиз экономикасида номутаносиблик юзага келганлигини ошқора тан олаяпмиз. Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиши ҳаётимизда ижтимоий адолатнинг жиддий бузилганлигидандир. Ижтимоий адолатнинг бузилиши эса, таъбир жоиз бўлса, маънавий хўжасизликнинг юзага келишига раван йўл очиб беради.

Биз ўтмишга нисбатан ҳам, келажакка нисбатан ҳам, аждодларимиз ва ворисларимизга нисбатан ҳам бир қадар жиддий масъулиятни унутиб қўйдик. Жамиятимиз ривожини йўлида, инсоннинг маданий, маънавий, маърифий, ахлоқий ривожини йўлида қатъиятнинг бўшаштириб юбордик.

Хўш, биз зиёлилар-чи? Ижодкорлар-чи? Бизнинг овозимиз қайда қолди? Фаоллигимиз қайда қолди? Бу-

гун жонажон Ўзбекистонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, таҳлил қилиб изтиробга тушаман. Нақадар бепарво, лоқайд, муросасоз бўлиб кетган эканмиз, дейман ўзимга ўзим. Бюрократни билмасмидик. Билардик. Ўзбекчаси: амалдор, тўра, расмиятчи, қоғозбоз ва ҳоказо. Айниқса, ўзбек бюрократи антиқа бўлади. Энг муҳим хусусияти: таоми — қоғоз, кийими — қоғоз, кўрпаси — қоғоз, ёстиғи — қоғоз, ўриндиғи — қоғоз... қоғоз... қоғоз... Шоир айтганидек: «дардинг ҳам, қувончинг ҳам қоғозда...» ҳал бўлади. Бир мутафаккир бу тоифани «жамиятимиз сўғаллари» деб атаган эди.

Порахўр, юлғични билмас эдикми? Билардик. Бу нусхалар ҳар бир идорада беозор, қўйдаи юввошгина бўлиб ўтиришарди. Одамига қараб муомала қилишни қийиб юборишарди. Ҳаракатлари буқаламунни эслатади (изоҳ: буқаламун бир пайтнинг ўзида бир кўзи билан олдинга ва юқорига, иккинчиси билан эса орқага ва пастга қарай олади).

Бу порахўр, юлғичлар пул учун, мол-дунё орттириш учун ҳар қандай разилликлардан ҳам қайтмайдилар. Мана бу воқеа шу йил ёзда Жиззах вилояти районларидан бирида бўлиб ўтди.

Одий тракторчи А. А. (ўз илтимосига кўра исми, фамилиясини тўлиқ келтирмадик) не-не машаққатлар билан орттирган озгина ортиқча пулига танача олди, уни ҳовлисида, баъзан дала уватларида боғлаб боқа бошлади. Бир куни уни ариқ ёқасига боғлаб ишга кетди, қайтиб келса, тана йўқ. Шу атрофда ўйнаб юрган болалар чувиллашиб, унга танасини «милисалар» олиб кетганлигини, олиб кетишдан аввал тананинг қозиғини суғуриб, уни пахта даласи ичкарисига олиб кириб суратга туширишганлигини айтиб беришди. Тракторчи ҳамма гапни тушунди (чунки бунақа ишлар бу ерда биринчи марта бўлаётган эмасди). Район милициясига борди. Уни дўқ-пўписа билан қувиб ҳайдашди. «Керак бўлса тананг билан сени ҳам қамаймиз» дейишди. Тўртинчи кун кимдир тракторчига «пулинг бўлса қистир, каттасига» деб «маслаҳат» берди. Ноилож қолган тракторчи қўшнисидан 100 сўм пул қарз олиб «начальник»ка жўнади. Хуллас, 100 сўмни бериб, танасини қайтариб олди. Бирор жойга мурожаат қилиб кўрсин-чи, «милиса» қўлида ҳужжат — тананинг пахта ичида юрган сурати бор!

Ёки қўл остида ишлайдиган жувонни не-не қинғир йўллар, усуллар билан авраб «деҳқон далада, аканг

қарағай Ялтада...» қилиб юрган маиший бузуқ раҳбарларни билмасмидик? Улар колхоз раислари эди, улар совхоз директорлари эди, улар вилоятнинг ишонган прокурори, суд ҳакамлари эди, соғлигимиз посбонлари бўлмиш врачлар эди, катта маъмурий идораларнинг бошлиқлари эди...

Яшириб нима қилдик?! Билардик. Кўрардик. Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олардик. Ёзувчиларимиз кўп ҳолларда оддий меҳнаткаш бир тарафда қолиб, сохта қаҳрамонлар — «дастурхони очиқ қаҳрамонлар» ҳақида ёздилар, журналистларимиз далаларда эмас, ҳашаматли меҳмонхоналардан «репортаж»лар уюштирдилар, фотомуҳбирларимиз «каттакон»ларнинг суратларини газеталарнинг биринчи саҳифаларига чиқардилар!

Йўқ, ҳақиқий ижодкорнинг ижод усули, яшаш усули бу эмас! Халқни алдаб бўлмайди! Халққа ҳақиқат керак! Қандай ҳақиқат? Халқ манфаатларига хосу мос ҳақиқат! Халқ манфаатларига зид келмайдиган ҳақиқат. Мен бир чўпоннинг ўғлиман: Отам: «Ҳақиқат мендай куну тун таёқ судраб қўй боққан чўпон тарафда бўлмаса, ундай ҳақиқатнинг нима кераги бор!» дер эди. Халқ ҳамма нарсани билади. Халқ қалбининг кўзлари жуда катта!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кейинги пленумлари, съездларимиз бизни ўзларига жигарбанд қилиб олди. Халққа ҳақ гапни айтайлик. Бугунги кунларда бўлаётган воқеаларда оддий халқнинг айби йўқлигини, пахтакорнинг, деҳқоннинг, ишчининг, ҳунарманднинг айби йўқлигини баралла айтайлик. Бир ҳовуч кишилар айби, халқимиз айби бўлиб қолмасин! Ҳар бир сўзимизга биз масъулмиз.

Бундан икки-уч йил олдин мен Одил Ёқубов ва Ғаффор Ҳотамов билан Навоий вилояти далаларида бўлдим. Пахта далаларидаги бир учрашувда райкомнинг биринчи котиби бўйи бир метрдан ошмайдиган, қопқора қўлларини яра-чақа босиб кетган қизни кўрсатиб: «Мана бу қизимиз энг илғор теримчи, районимиз фохри», деб қолди. Ўттиз тўрт ёшга кирган бу қиз эса, кейин билсак, бахтсиз экан. Бирор йигит унга «севаман» сўзини айтмаган. Айтмайди ҳам. Шунда Одил Ёқубов бизларга қараб, «Бу қизнинг шундай бўлиб қолишига сиз билан биз сабабчимиз!» деди.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам биз сабабчимиз. Биз, яъни ёзувчилар, шоирлар, журналистлар сабабчи. Бизнинг мақтовлар бу қизни шахсий бахтидан, қизлик маллоҳатидан, аёллик жозибасидан айирган. Биз сўз би-

лан айтганда, бахтсиз қилган. У бизнинг сўзларимизга учиб ўзини «пахта» деган «ошиққа» бағишлаб юборган. Афсус...

Бизнинг ҳақ сўзимиз ҳамма жойда керак. Ўз пайтида керак.

Мен туғилган қишлоғим Накуртга тез-тез бориб тураман. Бундан икки-уч йил олдин борганимда бир неча қишлоқдошларим йиғилиб келишди. Улар 500 хўжалик яшайдиган бу қишлоқнинг яккаю ягона касалхонасини, ўзим ўқиган 15-ўрта мактабни бориб кўришимни илтимос қилишди. Мен уларга «хўп» дедиму, аммо бормадим. Чунки касалхона аҳволи ҳам, мактаб аҳволи ҳам менга маълум эди. Улар ҳақида танқидий мақолалар эълон қилишим керак эди. Нима қиламан бу ишларга аралашиб, ахир, мен шоирман, шоир ҳар қандай майда-чуйда нарсалардан юксакроқ туриши керак, деб ўзимга ўзим таскин бердим. Совхоз директори дўстим бўлиши, район раҳбарлари мени иззат-икром қилишлари хаёлимдан сизиб ўтди. Уларга «гап тегиши» кўнглимга тегди...

Бу йил ёзда ўз-ўзимдан жуда-жуда хафа бўлиб кетдим. Чунки мен ўзим саккиз йил ўқиган, таълим-тарбия олган ўша 15-мактабга бордим. Бордиму лол қолдим. Аҳвол мен ўйлагандан ҳам баттар экан.

Аслида бу мактаб 1961—62 йилларда биз ўқувчиларнинг кучи билан қурилган. Ўшанда ўқиш ўрнига сойдан тош ташиганмиз, лой қориганмиз, сув олиб келганмиз, қисқаси, шу номи мактаб, бино — бор-йўғи 10 хонали иморат ўшанда битиб қолган. Мана, йигирма йилдан ошиқроқ вақт ўтибдики, мактаб ҳовлисига эккан дарахтларимиз каттакон боғ-роғга айланибди. Аммо хоналарига бирорта ҳам хона қўшилмабди!

Ўзим ўқиган синфга кирдим. Ўйилиб-ўйилиб, тешилиб ётган шифтга кўзим тушди, унга анграйиб юриб бораётган эдим, оёғим пол ёриғидан тушиб кетди (бир неча кун оёғимни ололмай юрдим). Мактаб илмий бўлим мудирини Мамарасул Сатторов ёрдамида ёриқдан зўрға чиқиб олдим. Алмисоқдан қолган ўша парталар... ўша доска... Йўқ, аниқроғи, бу парталар 1957 йил дунёга келган (мен биринчи синфга борган пайтда), демак, буларнинг қайси бирларида мен биринчи бўлиб ўтирганман, дарс тинглаганман. Йўқ, ундан ҳам наридаги, яъни 1940 йилдаги парталар ҳам бор экан (шу мактабнинг математика ўқитувчиси Ёлғош Кўчқоров гувоҳлик беришича, 70 фоизи). Бошқа синф хоналари-

даги аҳвол бундан ҳам баттар. Шифт ва поллар илма-тешик бўлиб ётибди. Стол-стуллар хароб, қишда хона-лар иситилмас экан. Табиийки, бу аҳволда дарслар чала ўтилади. Бирорта хонада шкаф деган нарсани кўрмадим. Кабинетлар жиҳозланмаган, замонавий жиҳозлар ҳақида-ку, умуман гап бўлиши мумкин эмас. На мактаб устахонаси, на бирор тузукроқ кутубхона, на спорт зали, на клуб бор! Ҳолбуки, бу мактабда 500 дан зиёд ўқувчи ўқийди. 43 олий маълумотли ўқитувчи иш-лайди. 20 дан ортиқ хўжалик хизматчилари меҳнат қилади.

Мактаб директори хонасига кираман. «Ўша стол...» Шахсан мактаб директори Худоёр Турсунов ўтирган стол ҳам бир неча директорларни кўрган, ўқувчилигим-дан таниш бўлган стол... Ва, ҳаттоки стуллар ҳам, бур-чақдаги ёлғиз сўппайиб турган шкаф ҳам...

Бўғилиб ташқарига чиқаман. Соф ҳаво. Боғларда ҳил-ҳил мевалар пишиб ётибди. Мактаб сўлим жойда жойлашган. Территорияси жуда катта. Ён томонда зи-лол чашма биқирлаб ётибди. Бу ерда инсон зоти ҳавас қилгудек замонавий мактаб-ку мактаб, кичикроқ посёлка қуриш мумкин!

...Бир неча оталар мактабга келишган экан. Сухбат-лашдим. Масала жиддийлашди.

Гап шундаки, бу мактабда, юқорида эслатиб ўтгани-миздек, 500 дан зиёд ўқувчи ўқийди. Ўқиш икки смена-да ташкил этилган. 500 дан ортиқ ўқувчининг 200 таси 13—15 километрлик йўллардан қатнайди. Яна бу йўллар қандай йўллар денг? Бир километри беш-олти кило-метрга тенг келадиган эгри-бугри, ўйдим-чуқур, тош-лоқ, серхатар тоғ йўллари. Ўқувчи ўғил-қизлар пиёда, эшакда қатнашади. Кўкламнинг серёгин кунларидаги селларда кечиклардан ўтишнинг ўзи бўладими? Тоғ қишлоғининг қаҳратонини айтмайсизми?

— Айниқса, қишда юрак ҳовучлаб яшаймиз, — дей-ди уруш ветерани Кўчқор Чоршамов. — Сабаби иккин-чи сменада ўқийдиган болаларимиз дарсдан соат сак-кизда чиқишади. Қиш пайти, бу тун дегани. Шундан кейин ўн беш километрга кетишни бир тасаввур қилиб кўринг. Кўшилиш қишлоғида ҳеч бўлмаса саккиз йил-лик мактаб очилишини орзу қиламиз. Аммо, мана, неча йилларки, орзу орзулигича қолмоқда, районимиз — Қўшработ райони раҳбарларига ҳам, совхозимиз — Ки-ров номидаги совхоз раҳбарларига ҳам бир неча марта ота-оналар мурожаат қилишди. Лекин улар қишлоқлар

тарқоқ жойлашган, хутор системасидан кечинглар, совхоз марказига яқин жойда посёлка бўлиб бирлашинглар, ўшанда мактаб бўлади, — дейишади...

Мен қариянинг гапларини эшитиб район раҳбарларининг (шахсан Қўшработ райкоми биринчи котибининг) Додҳо қишлоғидаги мажлисда айтган гаплари асоссиз ва бемурод эканлигини англадим, ўйладим.

Биламанки, Қўшилиш қишлоғида нафақат саккиз йиллик мактаб, балки ўн йиллик мактаб курса бўлади! Чунки асос бор! Қўшилиш, Лолоҳовуз, Юқориқизил-олма, Беговул қишлоқларида яшайдиган хўжаликларнинг болалари 180 дан ортиқ. Қолаверса, бу ерда совхознинг 90 фоиз пилласи етиштирилади, давлатга мўл-кўл пилла топширилади. Асрий ёнғоқзорлардан, бошқа мевалардан ҳар хил маҳсулотлар йиғиштириб давлатга етказиб берилади.

Ота-оналар Қўшилиш қишлоғида ўз куч-ғайратлари, ташаббуслари билан ҳашар йўли билан мактаб қуришга ҳам рози. Лекин нимагадир бу ташаббусларга ҳам район раҳбарлари тўсқинлик қилишмоқда. Аксинча, рухсат берилиши лозим!

Раҳбарлар 15-ўрта мактаб қошида 50 ўринли ётоқхона-интернат қуриб берамиз, деб ота-оналарга ваъда беришган эди. Аммо ваъда ваъдалигича қолди!.. Ҳозир 25 ўринли ётоқхона-интернат фақат номигагина бор. Аслида ҳеч нарса йўқ. На бино, на бирор жиҳоз бор! Агар Қўшилиш қишлоғида ўрта мактаб очилса, 15-мактабда бир смена ўқитиш ишлари олиб борилиши нақд! Бу қишлоқда яшаётган ота-оналар талаблари қондирилишига тўла асос бор!

Кичик-кичик қишлоқлардан ташкил топган катта Накурт қишлоғининг ёлғизгина касалхонасини ҳам бориб кўрдим. Бу касалхона 15-мактабдан ҳам бешбаттар аҳволда. Отам замонидан қолган бино. Катакдай-катакдай хоналар. Қисқа қилиб айтганда, бу ерда беморлар учун бирор шарт-шароит кўрмадим. Накурт қишлоғи республикамизнинг бир ўғай қишлоғидек таассурот қолдиради кишида.

Бу қишлоқ одамлари умрида ўз қишлоғида бирор марта кино кўрган эмас. Чунки, клуб деган нарсанинг ўзи йўқ. Бирор марта ҳаммомга тушган эмас. Чунки, ҳаммомнинг ўзи йўқ. Бирор марта кутубхонага кирган эмас. Чунки, кутубхонанинг ўзи йўқ...

Одамлар иш билан таъминланмаган. Ёшлар сарсон-

саргардон. Йигитлар-ку шаҳарларга кетиб, жойлашиб қолишмоқда. Аммо хотин-қизларга қийин. Улар арзу додини кимга айтади? Ким тинглайди? Ҳолбуки, шу ерда бирор тиқув фабрикасининг филиалини бемалол очиш мумкин. Бирор гишт заводи қуриш мумкин. Бирор кооператив ташкил қилиш мумкин. Ҳаттоки, гўшт дўкони йўқ! Наҳотки, 500 хўжалик яшайдиган қишлоқ аҳволи шу бўлса?! Шуларнинг барини кўрдиму, ижодкор кўпам андишанинг қули бўлиб қолмаслиги кераклигига ишондим.

Тараққиётнинг куч-қудрати шундаки, у ҳар қандай жамият олдига ўз муаммоларини кўндаланг қўяди. Бу муаммоларни ҳал қилишга янгича онг, янгича кучгайрат, янгича интилишлар зарур. Ана шу ерда ҳақиқий ижодкорнинг истеъдоди азот бўйи кўрсатади. Ана шу ерда эҳтиёжлардан бунёд бўлган овоз янграйди!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1988 йил 5 февраль.

ҲАМ ЙИҒЛАБ, ҲАМ ЙИҒЛАТИБ...

(Иброҳим Ғафуровнинг 50 ёшга кириши
муносабати билан)

Ижодкор ёшлар табиий равишда у-бу маслаҳатга муҳтож бўлади. Адабиётда олдинроқ бир кўйлак тўздирилганлар сўзини кутади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги хизматим тақозоси билан ва ёки шундай... менинг олдимга ҳам ёшлар тез-тез ташриф буюришади. Аксарият ҳолларда илк тўпламларини олиб келишади. Қўлёмаларни ўқийман, баҳоли қудрат яхши-ёмон томонларини кўрсатаман, сатрлар таҳлилларига эътиборларини қаратаман. Мабодо биринчи тўплам арзигулик бўлиб келса, нашрга тавсия этишдан олдин, «Иккинчи тўпламга ҳам тайёр шеърларингиз етарлими?..» — дея сўрашни унутмайман.

Бу менинг сўзим эмас. Бу устозим — бугунги кунда эллик ёшга тўлиб турган, таъбир жоиз бўлса, шоиртанқидчи Иброҳим Ғафуровнинг менга бундан ўн уч йил аввал берган сўроғи. Ўшанда Иброҳим Ғафуров Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қиларди. Мен Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқийш

билан бирга, нашриётда «енгилгина» ишда ишлаб юрардим.

Ақлимни танибманки, нималарнидир ёзиб-ўчираман. Аммо уларни бирор таниқли ижодкорга кўрсатиш... даҳшат! Йўқ, бўлмади, иштиёқ юракка ўт ёқди. Бир куни ўзимга-ўзим сўз бердим: шеърларимни Иброҳим Фафуровга кўрсатаман, бўлади, деса ёзаман, бўлмаса тамом... Қирқ-элликтачасини саралаб, машинка қилдирдим, кўрсатдим. Маъқул. «Гулистон» журнаliga «Оқ йўл!» — ёзиб берди. 1975 йил 11-сонда босилиб чиқди. Кўп ўтмай илк китобимни тайёрладим, кўрсатдим... Қисқа қилиб айтганда, бу илк тўпلامни бир неча марта қайта-қайта тайёрлашга тўғри келди. Ниҳоят... «Энди чиқарсак бўлади, — деди Иброҳим ака, — аммо иккинчи тўпلامга ҳам тайёр шеърларингиз етарлими?..» Иккинчи тўпلامга ҳам етарли шеърлар тайёрлагунча орадан уч йил ўтди... Кейин... бирин-кетин икки тўпلامим чоп этилди.

Мана, йиллар ўтиб, устоз тўйи муносабати билан қаттиққўл, ғоятда нозиктаъб Иброҳим аканинг ўша сўзларини миннатдорлик билан эслаяпман. Унинг ўшанда нақадар ҳақ эканлигига имон келтиряпман. Қанча дўстларимиз биргина китоб чоп этиб, «ғойиб» бўлиб кетишди...

Иброҳим Фафуров ижодини биз, менинг тенгдошларим ҳаммавақт севиб, ардоқлаб ўқиб келганмиз. Кўп нарса ўрганганмиз. Шахсан мен сўзнинг «таъми-тоти» борлигини, «ранги» борлигини, «иси» борлигини Иброҳим Фафуровдан ўрганганман, десам асло хато бўлмайди.

Менинг катта бобомнинг бир алп акаси — Нормуродбой деган ўтган. У ўлими олдидан барча қариндош-уруғларини йиғиб, «Менинг жоним чиққандан сўнг фалончи-фалончи қариндошларимни ертўлага қамаб кўйинглар», — дебди. «Нега?» — деб сўраганларида, у: «...ўша қариндошларим кулишни билмай ўтаяпти, йиғлашни ҳам билмайди. Азамда дўст-душман уларнинг турқини кўрмасин...» — деган экан.

Мен бу гапдан жуда кўп маъно уққанман. Қадрли устозим, улкан билимлар эгаси, улкан олим, танқидчи, моҳир таржимон Иброҳим Фафуров адабиётда ҳам кулиб, ҳам кулдириб, ҳам йиғлаб, ҳам йиғлатиб қалам тебратиб келаяпти. Адабиёт йўли асли шу! Шу йўлда асло толманг, устоз!

1988 йил.

ГУЛХАН ГУРИЛЛАМОҚДА

(Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг X съезди олдида
қилинган ҳисобот)

1988 йил 4 апрель куни Шаҳрисабзда — олис тоғлар орасида жойлашган гўзал Мироқи қишлоғининг бир чеккасида тунни ёриб гулхан гурлади. Гулхан атрофини республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюришган ёш ижодкорлар: шоирлар, носирлар, танқидчилар, рассомлар, актёрлар ва тингловчилар қуршаган эди. Улар тўлиб-тошиб шеърлар ўқишди, қўшиқлар куйлашди, ҳатто тиллардан насрий этюдлар, ҳажвий асарлар жаранглади. Гулхан ўт-алангаси юракларга кўчди. Мен ният қилдим: ўртадаги гулхан сўнару, аммо юракдаги гулханлар асло сўнмасин!

Дарҳақиқат, бу ижодкор ёшлар анжумани эсда қоларлик бўлди. Бир қанча янги номлар кашф қилинди. Айниқса, ижодий союзлар ёшларнинг бир-бири билан танишувлари, кадрдонлашувлари, ҳамкорликни йўлга қўйишлари ибратлидир.

Ҳа, бундай анжуманлар юракларда чуқур из қолдиришлари шубҳасиз. 1980 йил Узоқ Тайгада — бепоён ўрмонлар ичида жойлашган Тува ўлкасидаги бир кеча асло ёдимдан чиқмайди. Енисей — Энасой салобат билан оқиб ётибди. Тун ичида унинг қирғоғида катта гулхан ёқилди. Иттифоқимизнинг барча республикаларидан келган ёш шоирлар гулханни айланишиб, мушоира қилишди. Ўзбекистондан Хуршид Даврон билан бирга қатнашдик. Кечани бошқариш менинг зиммамга тушди. Ярим тунгача давом этган бу мушоира барча юракларда ўз муҳрини қолдирди. Кечада қатнашган шоирлар билан ҳамон мактублар битишамиз, бордикелди қилишамиз. Инсонларнинг қалбини битта қилиб боғлашга кучи етадиган восита йўқдек кўринади-ю, лекин билсак, бу вазифа адабиётнинг қўлидан келар экан. «Адабиётнинг бош вазифаси — ҳаммани бирлаштириб, ҳамжиҳат қилишдир» — деганда улуғ Тагор ғоятда ҳақ эди.

Умр югурик. Йиллар чопагон. Улар, назаримда, яшин тезлигида кечаётгандай. Кечагина эди. 70-йилларнинг иккинчи ярмида адабиётимизга, хусусан, шеъримизга «от ўйнатиб» киришиб келишган менинг тенгдошларим бугун балоғат пиллапояларида... уларнинг овозлари нафақат республикамизда, балки итти-

фоқимизнинг турли нуқталарида ҳам акс-садо бермоқдалар.

Адабиёт ҳамиша ёш ижодкорлар ҳисобига бойиб боради. Жуғрофиячиларнинг айтишларича, Ўзбекистонда олти юздан ортиқ катта-кичик дарёлар мавжуд. Бу дарёларнинг барчаси Сирдарё ҳавзасига ёки Амударё ҳавзасига мансуб экан. Худди шундай, ҳар бир пайдо бўлган ёш ижодкорлар, у қайси жанрда ижод қилмасин, катта адабиётнинг ижодий ҳавзасига мансубдир.

Мана, 80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам бир қанча жарангдор овозлар пайдо бўлдики, бу овозлар бугун адабиёт мухлисларини қувонтирмоқдалар, эртасига умид уйғотмоқдалар. Мен бу ерда А. Қутбиддин, Э. Шукур, З. Мўминова, Абдул Жалил, К. Баҳриев, А. Саид, Ч. Аваз, М. Мамадалиева, З. Мирзаева, М. Исмоил, Р. Файз, А. Ўктам, А. Каримов, Р. Субҳон, Фахриёр, М. Аҳмедов, Д. Шамс, Муҳаммад Ражаб, Г. Муродалиева, Ҳ. Аҳмедова, С. Фахриддинова, О. Икромов, З. Раҳимова, Н. Эшонқулов, С. Ўнаров, Х. Тўйманова, Я. Қосимов, Р. Қўчқоров, М. Номозов каби ёш шоир, носир, драматург, танқидчилар номини ҳеч иккиланмасдан кўрсатиб ўтишим мумкин.

Ёки Ўзбекистон ёш ижодкорларининг VI семинар-кенгаши (1990 йил 12—16 ноябрь) топилмалари: Қўчқор Норқобил, Абдувоҳид Ҳайит, Хосият Рустамова, Лайло Шарипова, Матлуба Азаматова, Ислом Ҳамро, Шухрат Иброҳим, Шавкат Ҳасан, Минҳожиддин Мирзо, Жумагул Сувонова, Раҳим Карим, Икром Остонқулов, Паҳлавон Содиқ, Баҳодир Жўраев, Икром Бўрибоев, Холмурод Абдурахмонов, Сирожиддин Рауф, Маннон Отабой, Иброҳим Пайдо каби шоирлар, Маҳмуд Бўрон, Шодикул Ҳамроев, Абдуқаюм Йўлдошев, Луқмон Бўриев, Хайрулло, Шариф Аҳмедов, Мавлуда Иброҳимова, Тўхтамурод Рустамов, Раҳмон Ҳожимурод, Вали Бобомурод сингари носирлар, Тоҳир Юнусов, Жўра Маҳмудов каби драматурглар келажакларига ҳам бемалол ишонса бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, ўтган съезд оралиғида ҳам ёшларимиз ижодига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси катта эътибор бериб келди. 1987 йилнинг октябрь ойида нашр этиш органларига ёшлар асарларини тавсия этиш бўйича кенгаш ҳайъати тузилган эди. Бу кенгаш ҳайъати 17 таниқли қаламкашдан иборат бўлиб, ҳозиргача самарали ишлаб келишмоқда. Хусусан, улар «Муаллифнинг илк китоби»ни саралайди ва

нашриётларимизга тавсия этади. Бу услуб самараси ўлароқ ўтган тўрт-беш йил ичида қирқдан ортиқ ёш ижодкорнинг илк тўпламлари мухлисларга етиб борди.

...Москва. 1989 йил 15—22 май. Бутуниттифоқ ёш ижодкорларининг IX семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистондан 11 (ўн бир) қаламкаш қатнашди: Яхё Тоға, Эшқобил Шукур, Абдували Кутбиддин, Чори Аваз, Саломат Муҳаммад Вафо, Муҳаммад Юсуф, Дилором Исоқова, Муҳаббат Йўлдошев, Рифат Гумиров, В. Молочников. Улар ижоди яхши баҳоланди. Барчаси СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бундан ташқари, шу йил ҳаваскор қаламкаш — талабалар ўртасида танлов эълон қилинди. 100 дан ортиқ қўлёзма муҳокама этилди. Натижалар ғоятда ижобий бўлди. Кўплаб қаламкашлар кашф этилди.

Меҳнатсевар ёшларимиз ишлашяпти. Тинимсиз изланишяпти. Ўқияпти, ўрганишяпти. Улкан адабиёт не-не ёш овозларни «ютиб» юбормаган, дейсиз. Ёшларимиз «ютилиб» кетмасликка интилишяпти. Топиб йўқотмоқдалар, йўқотиб топмоқдалар.

Бу гаплар билан бугунги ёшлар шеърляти мукамал, оқсаётган жойи йўқ, демоқчи эмасман. Бизнинг ёшларимизни бурчакка олиб бориб қўядиган бир хавф — бу кўр-кўрона тақлидчиликдир. Бугунги кунда А. Ориповнинг, Р. Парфининг, Ҳ. Худойбердиеванинг тақлидчилари оз эмас. Маяковскийнинг тақлидчилари қаерга борган бўлса, уларнинг ҳам ўша жойга боришларига шубҳам йўқ!

Бугунги ёшлар шеърляти хитоблардан, яъни риторикадан қутулиб бормоқда, лекин бунинг ўрнига назмбозлик пайдо бўлмоқда. Сунъий, ялтироқ шеър тўқишлар авжига чиқди, мавҳум, топишмоқнамо ўйинлар кўпаймоқда. Бу халқ ҳаётини билмасликдир.

Жуда кўп шеърлар пайдо бўлдики, уларнинг тагига «Халқ оҳангларида» деб ёзиб қўйишади. Шеър тагига «Халқ оҳангларида» деб ёзиб қўйган билан у халқники бўлиб қолмайди ёки халқ юрагига сингиб кетавермайди. Гап шундаки, уларда фикрлаш оҳанглари халқники бўлиши керак. Ёки «Қадимги кўшиқ», «Фалон асар оҳангларида» каби шеърлар, туркумлар гашга тегадиган даражада кўпайди. Сарбаст нима эканлигини билмай ёзишлар, «учликлар» деб аталмиш чиқишларга нима деса бўлади?! Албатта, гап шаклда эмас, лекин уларни халқимиз қабул қилаяптими, гап шунда!

Шеърлятимизнинг бош вазифаларидан бири ички-

ни ташқарига, шахсий нарсани ижтимоий нарсага айлантиришдир. Ёшларимиз қобиғида қолиб кетмаяптимикин? Дунё қалқиб турган бир пайтда, ҳар бир дунё фуқароси учун ўн беш тонна портловчи модда тўғри келиб турган бир пайтда Ватан тушунчасини, халқ тушунчасини чегаралаб қўймаяптимикин? Бу гаплар ўйлаб кўрилиши керак, деб биламан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшларимиз ижодини мунтазам тарғибот қилишни ҳам изчил йўлга солиб келмоқда. Жумладан, Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Ёшлар овози» кечалари ўтказилди. Республикамиз телевидениесига «Ёшлар овози» кўрсатуви бериб келинади. Деҳқонлар, ишчилар, талабалар билан учрашувлар ташкил қилинди.

Маълумки, қардош халқлар ёшлари ҳаёти, фаолияти, адабиёти билан боғланишда ҳамма вақт қизиқарлидир, мароқлидир. «Адабий дўстлик — абадий дўстлик!» дейди халқимиз. Биз буни назардан қочирмадик. Съезд оралиғида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаси ёш ижодкорларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди. Улар сафида Қозоғистондан, Тожикистондан, Қирғизистондан, Туркманистондан ёш шоирлар, шунингдек, Афғонистондан меҳмонлар келишди. Биз улар билан учрашишга катта эътибор бердик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ва бошқа муассасаларда қатор адабий кечалар уюштирдик. Қизғин суҳбатлар бўлиб ўтди.

Ҳа, гулханлар гурилламоқда. Юракларда гулханлар гурилламоқда. Бу гулханлар ёшларимизни ўз атрофига тортаверсин. Гулханлардек шеър, қўшиқ, куйлар гуриллайверсин!

Азим СУЮН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан
ишлаш кенгашининг масъул котиби.

ЖАҲОЛАТ

Эски қўлёзма — тарих. Маданий, адабий, иқтисодий, идоравий, сиёсий, ахлоқий тарих. Тарих — фахр, орият, шон-шараф, орзу, истиқбол, умид. Тарих — манба, пойдевор. Тарих — донишманд ота. У фарзандларини муносиб яшашга, қодир ҳаёт кечиришга ўргади.

Эски қўлёмаларни, халқ таъбири билан айтганда, «эски китоб»ларни мен ёшлигимдан кўп кўрганман. Уларнинг ўрни яқин-яқингинагача оғилхоналарнинг шифти бўларди, улар хонадон томларида, омборхоналарида латта-путгаларга ўралашиб ётарди, тоқчаларда чанг босиб сарғаярди... Ун икки ёшимда эски қабристоннинг бир четидаги тошлар уюми орасида бир қанча ҳар хил ҳажмдаги китобларни кўргандим. Ҳуқувчи эдик, муаллимларимизга айтсак, «қўяверинглар, уларни ҳеч ким тушунмайди, кераксиз китоблар...» — деганлари ҳамон ёдимда.

Ҳа, бизнинг эски қўлёмаларимиз ота-боболаримизга тақдирдош, сафдош. Улар ҳам таъқиб қилинди, кўмилди, осилди, турмаларга ташланди, «Сибирь» қилинди. Улар ҳам «босмачи» бўлди, «қулоқ» бўлди, «халқ душманлари» бўлди, «хоин»лар бўлди, «миллатчи» бўлди.

Қишлоғимиз кексалари менга шундай воқеани айтиб беришган. Алғов-далғов замонлар бошланган пайт. Нурқул кўр деган кимса «милиса» билан бориб менинг бобомнинг китобларини ҳовлига олиб чиқади. Кигиз устига уларни тўплайди ва «мана сенга китоб...», деб, китоблар устида «рақс» тушади — бобомни қўллари боғланган ҳолда «томоша» қилдиртиради. Бу аслида қасос олиш экан...

Албатта, бундай мудҳиш замонлар ортда қолди. Аммо... Яқинда — олис бир тоғ қишлоғида юз берган куйидаги воқеа...

Бундан йигирма беш йиллар чамаси дунёдан ўтган Нур бобонинг ташландиқ ҳовлиси бузилди. Бир ҳужра бузилаётганда оғзи суваб ташланган каттакон тоқча чиқди — ичи тўла китоб. Янги уйга жой текислаётган Нур бобонинг яқин қариндоши Ҳасан ака шошиб қолди. Ҳойнаҳой, бу китобларни бобо раҳматлик оғир йилларда йўқ қилиб ташлашга кўзи қиймай яширган. Аслида ҳам шундай. Нур бобо Бухоро мадрасасида ўқиган эди...

Ҳасан ака бу китобларни ўқий деса — саводи йўқ. Қишлоғидаги яккаю ёлғиз «мулла»никига йўл олди. Уйга олиб келиб, бир қўй сўйди, уч-тўрт оқсоқолни унинг ёнига чақирди. Мулла эликдан ошиқ китобнинг уёқ-буёғини кўрган, очиб кўриб ўқиган бўлди. Ниҳоят, «бу китоблар «тожики» экан (форсча, демоқчи бўлган бўлса керак), уларни сувга оқизиб юборса савоб бўлади», деб фотиҳа қилди... ва не-не савдоларни бош-

ларидан кечириб, бизнинг дориломон кунларга етиб келган китоблар шу тариқа катта сойда — сувга оқизилди.

Ҳа, бу воқеа сиз билан биз яшаб турган мана шу кеча-кундузда рўй берди. Китоблар жаҳолат қурбонлари бўлди. Эсиз, улар қандай китоблар экан? Қанча-қанча китобларнинг бизгача фақат номларигина етиб келган. Балки, улар шу китобларнинг орасида бўлгандир?.. Эҳтимол, уларда бутун бир тарих ётгандир?... Эҳтимол, уларда номаълум олимнинг ихтиро шарҳлари, номаълум шоирнинг шеърлари бўлгандир?..

Майли, ортиқча ўйларга берилмаймиз. Лекин Совет маданият жамғармасининг Ўзбекистон бўлими ташкил этилганлигини биламиз, ана шу фонднинг шу пайтгача қўлёмаларни асраб-авайлаш, аҳолидан йиғиб олиш бўйича сезиларли бир иш қилмаганлигини айтмоқчимиз, холос. Эл қўлида сақланиб қолган қўлёмаларни топиш, йиғиш, ўрганиш, шаҳару қишлоқларга экспедициялар уюштириш каби зарур ишларни наҳот кечиктириб бўлса?..

Яқинда, Нурота тарафларга борган эдим, эшитдимки, Тожикистондан илмий экспедиция келиб, уйма-уй юриб аҳолидан эски қўлёмаларни арзимас «чой-чақа»лар эвазига олиб кетишибди. Бундай воқеаларни Сурхондарё тарафда ҳам эшитган эдим. Биз қанақа элмиз ўзи? Ҳатто ўз аҳолимиздан ҳам бебаҳо бойлигимиз, илмий ганжимизни ололмаяпмиз? Яна хорижга қўл узатмоқчи бўламиз... Чет эллардаги қўлёмаларимизни излаймиз, ўзимиздагиларни эса сақлаб қололмаймиз!

Юқоридаги воқеа — жаҳолат бир кичкина қишлоқда юз берди. Бундай қишлоқлар жумҳуриятимизда сон мингта. Ишончим комилки, сақланиб қолган қўлёмалар ҳали кўп. Уларни излаш, топиш, сақлаш ва ўрганиш кечиктирилмас вазифа!

Бу вазифаларни амалга оширишда радио, телевидение, вақтли матбуот хизматларидан (эълонлар бериб), жойлардаги маҳаллий қишлоқ советларидан, мактаб муаллимларидан, кутубхона ходимларидан бемалол фойдаланиш мумкин, деб ўйлайман. Не бўлганда ҳам, ортиқ лоқайдлик ва бепарволик қилиш мумкин эмас!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1988 йил 29 июль.

«ҲАР СЎЗИНГ БЎЛСА..»

Яқинда эски шеърӣ машқлар дафтарларимни варақлаб, бир саҳифада Ҳувайдонинг ғазалига кўзим тушиб қолди. Унинг тагига: «Бу ғазални отам мулло Олим Суюн ўелидан 1971 йил 15 июлда ёзиб олдим», деб ёзиб қўйган эканман.

Дарҳақиқат, ўша йили ёзги таътилни қишлоғимда ўтказгандим. Кексайиб қолган отам илтимосимга кўра менга «Чор китоб»ни ўқиб бераётганда саҳифалар орасидан бир нафис шилдироқ қоғозга — «хитой қоғоз»га кўчирилган ўша ғазал чиқиб қолганди. Кейин унутибман.

Бугун Ҳувайдо (Ҳўжаназар Ғойибназар ўғли; туғилган йили аниқ эмас, вафоти 1780 йил) ижоди ҳақида, ҳар қалай, адабий жамоатчилик унча-мунча нарса билади. Унинг 1959 йил ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган «Ўзбек адабиёти»нинг учинчи жилдидан жой олган ғазаллари, мусаддас, мусаммас, рубойлари, 1961 йил шу нашриёт томонидан чоп этилган «Танланган шеърлар»и, баъзи вақтли матбуот нашрлари ва дарсликларда шоир ижодидан берилган намуналар маълум. Лекин мен уларда «Ҳар сўзинг бўлса...» деб бошлангувчи бадиий юксак мақомли ғазални учратмадим. Балки у Ҳувайдо ижоди билан шуғулланувчи олимларимизга аёндир, бирор сабаб бўлиб чоп этилганлари орасига кўшилмай қолгандир, балки назарга тушмагандир... балки у келгуси янги нашрларга асқотиб қолар?..

Шу ўйлар билан бу ғазални суюмли газетамизга тақдим этдим. Кўчириб олаётганимда баъзи сакталиклар юз берган бўлса, аввалданоқ, узр сўрайман.

Азим СУЮН.

* * *

Ҳар сўзинг бўлса қараб сўзла, дилоро, ҳар нафас
Айлагил парҳезким олдингда бўлса хору хас.

Хона холи, уй маним деб, ҳар нечук сўз сўзлама,
Бил, бўлур равзан аро деворнинг кейнида кас.

Шишаи пурмайдин овоз чиқмас текса тош,
Мағзи йўқ бемағзи-чун берди садоҳи жарас.

Зое этма яхши сўзни фаҳми йўқ бефаҳмга,
На билур ширин-шакарнинг лаззатини сағ, магас.

Ҳар киши юрса керакдур ўз мақоми, ҳаддида,
Хар била тенг бўлғуси ҳарчанд лоғ-лоғ дурпарас.

Оқил аҳлина ишорат, ушбу сўз нодонга зарб,
Бўлса ақлинг, эй Ҳувайдо, ушбу сўздур сенга бас.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1989 йил 12 май.

КИЙИМ ЭСКИРГАНИ АЙБГА ҚЎШИЛМАС

(Сухбатдош: ёш шоир Муҳаммад Исмоил)

М. И. Ҳозир ҳамма яхши ишлар қайта қуриш номи остида бажарилаяпти. Қайта қуриш — қон тўкишларсиз қилинаётган ички инқилоб экан, бунда инсоннинг ўзига эмас, унинг маънавий дунёсига «ҳужум» бошланди. Азим ака, сиз шоир сифатида қайта қуриш ишларига қандай таклифларни киритаяпсиз?

Азим СУЮН: — Ҳа, тақдир раиятга юз бурди! Ҳақиқат, адолатнинг боғланган кўзлари очилди! Ақларга эрк берилди! Лойқаланган фикрлар сунбула сувларидай тиний бошлади. Деҳқон назарини илғайман — кўнглида умид уйғониши, чўпон нигоҳига диққат қиламан — руҳ янгилиниши, элимиз сарварлари қалбида покланиш куртаклари, зиёлиларимиз юрагида қайта қуриш ёғдулари...

Беихтиёр кўксингда туйғулар жунбушга келади, халқим, уйғонинг, юз очишинг муборак бўлсин, юрагингни, тафаккурингни, онгу тушунчангни қайта қуришинг муборак бўлсин, покланишинг қутлуғ бўлсин! — дегинг келади. Албатта, покланиш кишининг ҳаммомга туриши эмас. Маънавий покланиш! Инсон маънавий пок бўлмас экан — ҳаёт кечириш тарзи яроқсиз бўлиб қолаверади. Маънавий покланиш эса, таъбир жоиз бўлса, моддий моҳиятга боғлиқ. Моддий моҳият — маънавий моҳиятни шакллантиради.

Жуда кўп ўйладим... Эътиқод — моддий! Инсон нимагадир эътиқод билан яшаши керак! Нимагадир ишониб ҳаёт кечириши шарт! Халқни юксак ишончдан, эътиқоддан айирмаслик ҳар қандай жамият ри-

вожи ва унинг мустаҳкамланиши учун муҳим омилдир.

1961 йилнинг 12 апрели. Бутун инсониятни ҳайратга солиб Ю. А. Гагарин самога парвоз қилди. Ўшанда 6-синфда ўқир эдим. Барча синф ўқувчилари, ўқитувчилар жисмоний тарбия майдонига йиғилдик. Мактабимиз директори Нормурод Қозоқов зўр ҳаяжон билан нутқ сўзлади. У сўзининг сўнгида «Сиз бахтли авлодсиз, ютуқларимиз шу даражага етдики, 80-йилда коммунизмда яшайсиз. «Ур-ра!», — деди. «Ур-ра!» дедик. Бирдан... «коммунизмда яшаш давримиз»га келиб, ҳамма нарса бошқача бўлиб чиқди. Умр эса қирқни қоралаб қолганди!

Бугун халқимиз, қанчалик аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни билиши керак. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари кўп мураккаб жараёнларни бошларидан кечирди.

Гап шундаки, улар Октябрь инқилоби туфайли феодализмдан социализмга «сакраб» ўтганлар. Бу «сакраш» жараёнига В. И. Ленин ўз вақтида диққат-этиборини қаратган эди. Аммо, унинг Ўрта Осиё халқлари учун ғоятда муҳим бўлган бу фикрлари кейинчалик мутлоқ унутилди. «Сакраш»ни унутиш эса Ўзбекистонга қимматга тушди. Нега шундай бўлди?

Биз кўп йиллар ҳар қандай муаммоларни «яшин тезлиги»да ҳал этиб келдик. Кичик ғалабани кўзлаб, катта ғалабаларни бой бердик. Француз классик шоири Гильвик айтганидек: «...муз салтанатида атиргул ўстирмоқ зарур»лигини унутдик.

Бутун бир мамлакат буйруқбардорлик билан бошқарилди. Халқ талаби инobatта олинмади.

Томорқасига ҳам пахта эккан ўзбек деҳқони хароб аҳволга келди: хилма-хил касалликлар, тўйиб овқатланмаслик, камқонлик... Ёзда иссиқ, қишда совуқ бетон уйларда амал-тақалда ҳаёт кечиришлар, илма-тешик «казарма»ларда яшашлар... Чорвадор боши эса «камомат»дан чиқмади.

Бечора ўзбек аёли-ку, «озодлик»га чиққанига минг бир пушаймон бўлди. «Озодлик» уларни пахта майдонларида қора меҳнатчига айлантирди. Улар бора-бора «тирик аланга»ларга айланишни орзу қила бошладилар...

М. И. — Дунёда заррача умиди қолмаган, кўринмас пичоқ — суягигача бориб тақалган кишиларгина шундай қилиши мумкин. Чунки дунёда кишининг суянган илинжи жуда кўп.

Ўша, биз, аёлларга паст назар билан қарайди деган дин — мусулмончиликда ҳам киши ўзини-ўзи ўлдириши бутунлай таъқиқланган, оғир гуноҳ саналган. Одам ҳатто динидан кечибдими, демак, уни бу кўйга солган дард — боши, охири йўқ зулм натижасидир.

Азим СУЮН: — Меҳнаткашнинг хўжайини шунчалар кўпки, ўйлаб ёқа ушлайсан. Қайси бир журналда сурат босилди. Бир деҳқон далада ишляпти... Унинг қаршисида... агроном, раис, партия ташкилотининг котиби, райком вакили, бошқарма бошлиғи, обком котиби... яна қандайдир тафтиш аъзолари... қўлларини белларига тираганича кузатиб туришибди. Деҳқон ишляпти...

Хуллас, оддий меҳнаткаш яшаш учун йўллар ахтарди. Қорин қайғуси кишини не кўйларга солмайди, дейсиз. Қассобга гўшт қайғу, эчкига жон. Бугун қанчалаб бегуноҳ деҳқонлар, чўпонлар сўроқ бериб юришибди. Қайта қуриш даврида оқ оққа, қора қорага ажралиши керак. Ахир, улар битта-иккита эмас, қолаверса, уларнинг бола-чақалари ҳам битта-иккита эмас...

Муҳит, кейинги 20—25 йил ичида янада оғирлашди. Деҳқон болалари чопиқда, яганада, теримда... чўпон болалари отарларда... болалар тирикчилик учун бозорларда... Уларнинг ўқишида, билим олишларида тайин бўлмади, чаласавод бўлиб қолишди.

«Катта»ларнинг болалари эса ҳатто республикаларни тебрата бошлади!

Халқнинг эътиқоди сўнди, ҳеч нарсага ишонмай кўйди. «Қайта қуриш» даврида юксак эътиқод пойдеворларини мустаҳкамлаш билан меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш зарурият бўлиб қолди.

М.И. — Одам ўзини тиклашининг яна бир йўли хотирадир. Халқлар ҳам хотирани тиклаш орқали ўзларини тиклайдилар. Ўзини тиклаш учун бўлган жанглардан олдин ҳам ота-боболаримиз шон-шарафига содиқ қолайлик деган шиор энг кучли ҳайқариқда янтрагани бежиз эмас. Одамга ота-боболарнинг руҳи ирсий ҳолда ўтади. Лекин ўша ирсий руҳнинг хотираси ҳам одамга кўчиб ўтганда эди, биз ўтган асрда ёки ундан олдинроқ нима бўлганлигини ҳеч қандай китобни ўқимасдан ҳам яққол тасаввур қила олардик. Афсуски, одамзод ундай яралмаган экан.

Азим СУЮН: — Шу йил — отам қабри бошига ёдгорлик тоши ўрнатдик. Қабртошга отамнинг шажараси, яъни 14 бобомнинг номини ёздиргандим. Йигилиб

келишган бутун қишлоқдошларим уни кўришиб, хитоб қилиша кетди:

- Аширмат бизнинг ҳам бобомиз-ку?..
- Норбой бизнинг ҳам бобомиз...
- Оллоёр «фалончи»ларнинг ҳам бобоси...
- Ёпирай, тубимиз битта экан...
- Ҳаммамиз бир отадан тарқалган эканмиз-да...
- Бегонадай юрибмиз-а?..
- Азимбой, барака топ, бутун бир қишлоқни бирлаштиринг!

Бу гаплар нима учун ёдимга тушди? Суҳбатимиз тарих ҳақида кетганлигидан.

Тарих — халқни бирлаштирувчи куч! Бармоқларни бир муштга айлантирувчи қудрат! Ҳар бир халқ ўз тарихини билиши, ҳурмат қилиши, эъзозлаши керак. Ўз тарихини назар-писанд қилмаган халқ халқ эмас, ориятсиз, бебурд, манқурт тўдалардир. Улардан ҳар қандай разилликни, нопокликни кутса бўлади. Қай халқ ўз тарихининг қадрига етмайди, ўзга халқ тарихининг қадриятига ҳам етмайди!

Ўзбекистон тарихининг ҳали ўқилмаган саҳифалари жуда кўп. Ва ёки саҳифалари ёлғон, чала ўқитилиб келинмоқда. Ўзбеклар тарихидек бой тарих камдан-кам халқларга насиб қилган. Бу тарих жуда мураккаб, оғир кечган. Шу пайтгача уни ҳеч бир олим алоҳида ва изчил ўрганиб чиқиб, китоб чоп этмади. Ўрганилганлари эса уларнинг чалакам-чатти қирралари, холос... Қадим замонлардан инқилобгача бўлган тарихимиз бир жилди, етмиш йиллик тарихимиз эса уч жилдга жойлаштирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Инқилобнинг бизга берган хизмати шундаки, у туркий элатларни, жумладан, ўзбек элатини халқ сифатида намоён этди. Биз халқимизни бир бутун ҳолда кўрдик, танидик. Илк тарихдан маълумки, ҳозирги Ўрта Осиё заминиде ёки Амударё ва Сирдарё оралиқларида, уларга яқин бўлган жойларда жуда кўплаб туркий қабилалар яшаганлар. Саклар, массагетлар, суғдийлар, уйшунлар, тоҳарлар, қанғилар, оқ хунлар, ўғузлар, ўзбеклар, тухсилар, чиғиллар, қарлуқлар, яғмолар, арғинлар, жалойирлар, барлослар, қавчинлар, арлотлар, сулдузлар, нукузлар, XV аср охирида Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи ўзбеклар — бугунги ўзбек халқининг аجدларидир. Шунини айтиш керакки, бу уруғ, қабилаларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрга ҳар хил даврларда Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистондан келишган. Маҳаллий

туркий қабила ва уруғлар билан чатишиб кетганлар. Бу чатишишлар ҳосиласи ўлароқ туркий қабилалардан қарлуқлар, чигиллар, яғмолар барпо этган қорахонийлар давлати даврида, яъни X—XII асрларда ўзбек элати тўлиқ шаклланди, эски ўзбек тилига асос бўлган қарлуқ-чигил лаҳжаси ёзма адабиёт тили даражасига кўтарилди ва у ўзбек элатининг умумий тили бўлиб қолди.

Бу даврнинг «Қутадғу билик», «Девону луғотит турк» каби ёдгорликлари улуғ қомусномалардир. Бу қомусномаларни бугун ҳатто кутубхоналардан ҳам топиш амри маҳол.

М.И. — Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, озарбайжон, қорақалпоқ, ёқут, татар сингари миллатлар яқин-яқингача турк миллати деб аталарди. Ўрта Осиё то асримизнинг бошигача Турон ёки Туркистон дейилган. Туркистон майда миллатларга бўлиниб ташланмаганда катта давлат бўлиши мумкин эди.

Тарихимиз хунлар тарихи билан ҳам туташиб кетади. Ҳатто мўғул Чингизхоннинг миллати туркларга бориб тақалади. Қўнғирот уруғига мансуб кишилар Чингизхонни бекорга «бизнинг жиян» деб айтмаса керак.

Бобурнинг Ҳиндистондаги давлати «Буюк мўғул империяси» дейилган. Нотўғри атама. Агар аталиши шарт бўлса «Буюк турк салтанати» дейилиши керак.

Азим СУЮН: — Бу ерда шуни таъкидлаб ўтишга тўғри келади, тарих тубига чуқурроқ назар ташласак, халқимиз ҳамиша пароканда яшаб келганлигининг, эътиқоди тўдакашликка, гуруҳчиликка, уруғчиликка, маҳаллийчиликка, тарафкашликка асосланганлигининг гувоҳи бўламиз. Узоққа бормайлик — XIX асрни олиб кўрайлик. Бухоро амирлиги... Қўқон хонлиги... Хива хонлиги... Тошкент беклиги... ва ҳоказо. Икки қўз бир-бирига душман! Ит эгасини, мушук бекасини танимас замонлар...

Қарангки, бизнинг давримизга келиб ҳам ўтмишнинг бундай тубан кўринишларини учратиш мумкин. Айниқса, бу бизнинг ТошДуда — талабалик йилларимизда сезиларли эди, яъни «СурҚаш» — Сурхондарё, Қашқадарё, «ФАН» — Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм ва бошқа вилоят талабалари тараф-тараф бўлиб ҳар хил «ғавғо»лар чиқаришиб туришарди. Ҳатто улар сафида дорилфунун, институт, техникум ўқитувчилари ҳам бор эди. Бундай аҳмоқгарчиликни, бундай кўрликни, бундай нодонликни, саводсизликни ҳеч нар-

са билан оқлаб бўлмайди! Ўз-ўзини гумроҳликка элт-
гувчи халқ вакилларигина шундай қилиши мумкин.
Минг афсуски, бундай кимсалар ижодкорларимиз, кат-
та раҳбарларимиз ичида ҳам топилади. Минг афсус...
сойни сел бузади, элни тил!

Ўтган йили шундай воқеа бўлиб ўтди. Катта бир
идорада ишлайдиган масъул ходим ёнига шахсий иш
билан кирсам, «Қаерликсиз?», деб сўради. Мен: «Ўзбек-
ман, ўзбекистонликман!», дедим. Унинг эса жаҳли
чиқиб кетди...

Битта ўзбек халқи бор, битта республика — Ўзбекис-
тон бор! Ҳеч қандай «лик-лик»лар йўқ!

Яна такрор айтаманки, бундай гуруҳбозликларга, та-
рафкашликларга, майда маҳаллийчиликларга барҳам
бериш вақти келди! Биз уларга адабиёт билан, ўз қала-
мимиз билан, ўз сўзимиз билан курашишимиз керак!
Ўзимиз хулқ-атворимиз билан, хатти-ҳаракатимиз би-
лан намуна бўлишимиз керак! Бу бизнинг ижодкорлик,
гражданлик бурчимиздир!

Мен тарихни жуда яхши кўраман. Келинойингиз
ҳам тарихчи. Халқимиз тарихини, тўғриси айтсам,
кўпроқ кенг билимли, рус, хориж олимлари асарларини
ўқиш орқали ўзлаштирганман.

Ўзбек тарихчилари ҳам кўп иш қилдилар. Аммо
бу «кўп» ҳам кам. Иброҳим Мўминов, Яҳё Фуломов,
Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зиёев каби кенг қамровли
олимларимиз хизматларини жуда қадрлайман. Абду-
раззоқ Самарқандий, Наршахий, Зайниддин Воси-
фий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир
каби тарихчи олимларимизнинг айрим асарлари,
«Абдулланоман»нинг икки жилди, «Васиқалар тўпла-
ми», «Шайбонийнома», «Ирқ битики» ва бошқа бир
қанча адабий, тарихий ёдгорликларни халқимиз бу-
гунги кунда севиб ўқимоқда. Аммо ағдарилмаганлари
қанча?.. Улар араб, форс, рус тилларида ҳаракатсиз
ётибди.

М.И. — Бизнинг тарихимиз ҳақида Европа тарихчи-
лари ҳам кўп асарлар ёзишган. У асарлар деярли таржи-
ма қилинмаган. XIX аср улуғ немис тарихчиси Иоганн
Гердернинг Урта Осиё ҳақидаги хотираларини ўқиған-
нимда, ўз юртим ҳақида шундай таассурот уйғотдики,
бундай ўлкани фақат орзу қилиш мумкин. Лекин бун-
дай ўлка бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ўйлай-
манки, боболаримиз Ибн Сино, Хоразмий, Фаробий,
Фарғоний, Темур, Улуғбек, Навоий, Бегунийлар руҳи

бизни қўллайжак. Лекин, бу руҳ қўллаши учун ҳам тарихни ўрганиш лозим.

Азим СУЮН: — Ўтган йиллар ичида «Ўзбекистон тарихи» бир неча бор ҳар хил ҳажмда нашр этилди. «Самарқанд тарихи» (II жилд), «Хоразм тарихи» (I жилд), «Бухоро тарихи» (I жилд) ўзбек, рус тилларида чоп этилди. Бу, албатта, хайрли иш. Лекин шуни айтиш керакки, бу «тарих»лар ҳали мукамал эмас. Жуда кўп сохталиклар мавжуд. Чалкашликлар қалашиб ётибди. Бир нашр фактлари иккинчи нашр фактларига тўғри келмайди. Кўп жойларда аниқлик етишмайди. Менимча, ўзбек халқи тарихи туркий халқлар тарихидан узилиб олинмаган ҳолда тартибга солиниши керак. У жуда қадимдан бошланади. Бор манбалар ўрганилиб чиқилса ҳам кўп нарса ойдинлашади. Мендан учрашувларда: «Бобур ким бўлган, у ўзбек эмасми?» — деб сўрашади. «Бу қанақаси?» — десам, Бобур Шайбонийхонни «ўзбек» деб сўкади-ку? — дейишади. Тўғри. Бу саволга тарихчиларимиз аниқ-тиниқ қилиб ўзбек тарихига жавоб ёзиши керак-ку! Мен буюк рус тарихчиси Василий Осипович Ключевскийдек ўзбеклар тарихини изчил ўрганиб, ўзбек халқининг мукамал тарихини яратувчи бир зотнинг пайдо бўлишини фақат орзу қиламан.

Бизнинг мактабларда ўрганилаётган «Ўзбекистон тарихи» гоят қашшоқ, ғариб. Ёлғони кўп. Грузин халқи ўз тарихи ҳақида «ёлғон» нашр чиқиб қолгудек бўлса, унинг бирортасини ҳам қолдирмай топиб гулханга ташлар экан. Ўқувчиларимиз ўнинчи синфни битиради-ю, кимнинг боласи эканлигини англамай институтларга йўл олишади. Ё фалак!

Шоир, ёзувчиларимизга келганда, уларнинг ҳар бири ҳеч бўлмаса биттадан тарихий асар ёзиб беришса... Ўзбек тарихи шу тариқа яратилиб қолинармиди?... Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос ул-балоға», «Муқаддат ул-адаб», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Сулаймон Боқирғонийнинг «Биби Марям китоби», «Охир замон китоби», ўғуз қахрамонлик дostonи «Кўрқут Ота китоби», «Ўғузнома», Ҳерман Вамбери таъриф-тавсифни келтирган Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» каби асарлари тарихий жиҳатдан ҳам жуда қимматлидир. Кейинги йилларда англиз тарихчиси М. Бойснинг «Оташпарастлар» тўплами, «Қадимги шарқ адабиёти» матнлари, «Ўзбекистон тарихи манбалари» (Б. В. Лунин тўплаган) матнлари, Фасиҳ Хавофийнинг «Мужмали

Фасихий», «XV—XVI аср Самарқанд ҳужжатлари», «Таворихи гузида Нусратнома» каби тўпламлар рус тилида нашр этилди, улар ўзбек китобхонларига ҳам етказилса, севилиб, талашиб-тортишиб ўқилишига шубҳам йўқ.

М. И. — Энди, тарихимиз билан тўғридан-тўғри алоқа қиладиган пайт келди. Гўри Амир мақбараси ёинки Регистон барча қардош халқларнинг ҳам фахри. Озодликнинг буюк жарчилари Пабло Неруда, Ренато Гуттузо Совет Иттифоқига келганларида «...дастлаб Самарқанд ва Бухорони кўрмаслик — маънавий жиноят», дегандилар. Бу обидалар, маънавий ҳайкалларимиз экан, бу гўзал санъат асарларининг юбилейларини ўтказишимиз, уларнинг яратувчиларини хотирасини ёд этишимиз керак. Шунингдек, ёши мингдан ошган шаҳарларимиз бор. Уларда яшовчи аҳоли ўз шаҳарларининг юбилейларини ўтказиши ўз она-тупроқларига меҳр-муҳаббатни оширади. Масалан, Ховос, Зомин, Пскент, Каттақўрғон, Гурлан, Шовот, Риштон, Кува ва бошқа шаҳарлар.

Тарихимизда тараққий роль ўйнаган воқеалар ҳақида ёзиш, кўпчиликнинг кўнглида бор. Шунинг учунми, Сизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилган «Сарбадорлар» шеърий фожиангиз қатнашувчиларда яхши фикрлар уйғотди.

Азим СУЮН: — Маълумки, сарбадорлар ҳаракати 1337 йилда Хуросонда бошланган. Улар қарийб 50 йил давомида маркази Сабзавор бўлган давлатни бошқардилар. Биласизми, улар ғояси коммуна ғоялари билан хосу мос келади. Бир далил. Саёҳатчи, муаррих Ибни Батута айтади: «...ишғол қилинган жойда бирор нарса — дирҳам ёки динар ётган бўлса, у нарсани эгаси келиб олмагунча ҳеч ким олмас эди...» Сарбадорлар ана шундай ҳалол, софдил, бир-бирига садоқатли, инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши қаттиқ курашган йўқсил кишилар бўлганлар. Яккаҳоқимликни ман қилганлар.

Мен баъзан шундай ўйлаб қоламан: К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин сарбадорлар ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлганларида, албатта, бу воқеалар аҳамиятини Париж коммунаси ёки декабристлар ҳаракатидан кам кўрмаган бўлар эдилар.

Мен бу асарим устида етти йил ишладим (албатта, бу йилларда бошқа анча нарсалар ҳам ёздим). Кутубхоналарда ўтиришга тўғри келди, араб, форс тилларини бил-

гувчи олимларимизни излаб юришга мажбур бўлдим. Ҳар қалай, ёзилди. Энди унинг баҳосини ўқувчи беради. Шунга айтиб қўйишим керакки, менинг асарим 1365—66 йилларда бўлиб ўтган Самарқанд сарбадорлари қўзғолони ҳақида. Воқеаларни баъзи образлар орқали Хуросон сарбадорлари билан боғлашга ҳаракат қилдим.

Тил билишнинг муҳимлигини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Тил билиш — айниқса, ижодкорни узоқ-узоқларга ҳоритмасдан элтгувчи қанот! Араб тилини ёки форс тилини билмаслигим мени «Сарбадорлар»ни ёзишда жуда қийнади. Билганимда янада бошқачароқ ёзармидим...

Катта отам, яъни бобом Суюн Бухоро мадрасасида таълим олган эди. У 1959 йил олчалар пишганда дунёдан ўтди. Бобом саводхонлиги, бой бўлганлиги учун не-не кунларни бошидан кечирмади. У катта ўғли Олимни ҳам эски мактабда ўқитди, ўзи ўргатди. Ана шу саводхонлиги учун отам Олим ҳам анчагина савдоларга дучор бўлди. «Эски мактабларда ўқиганларнинг тирик қолганлари «чўпон» бўлиши керак...» — дебди бир куни колхоз раҳбарлари — отам шундан қариллик нафақаси олгунча чўпонлик қилди. Аммо ҳамиша белбоғида нон ўрнига китоб тугилиб юрганлигининг гувоҳиман. Пода орқасида бўш қолди, дегунча китоб ўқирди, улар Кул Хожа Аҳмад, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Машраб, Фузулий, Рабғузий девонлари эди. Мен ҳали мактабга бормасимдан анча-мунча «сура»ларни ёд билардим. Ҳар йили Рамазон кунлари намоз ўқирдим. Тўртинчи синфга ўтганимда мени «диндор» сифатида мактабдан ҳайдашди. Тўрт ой ўқийшдан қолиб кетдим, отамнинг елиб-югуриши туфайли яна ўқишга қайтдим, бироқ энди мени «эскича» ҳеч нарса қизиқтиролмасди — ўрганаётганим «Араб алифбоси» ҳам қолиб кетди, — бу — «Алифбо» ўзимга аламли ёднома бўлиб қолган — ҳамон авайлаб сақлайман. «Ўқимасанг ҳам кетмон чопишни билаверасан...» — дейишарди яқин-яқингинада совхоз директорлари, колхоз раислари мактаб болаларига.

Қайта қуриш барча халқлар олдига жуда кўп масалаларни қайта кўриб чиқишга, дейлик, дарахтнинг фақат шох-шабадаларигагина назар ташлашга эмас, илдишларига ҳам синчиклаб қарашга олиб келди. Кишилик жамияти ўзи шундай яралган. У ҳамиша янгиланиб, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиб, ўзгариб туриш асосига қурилган.

Мактабларимиз аҳволини тубдан яхшиламас эканмиз, маърифатчилик ғояларини ҳар бир юракка сингдирмас эканмиз — бошимиз нодонликдан, жаҳолатдан чиқмай қолаверади! Бунинг йўли борми? Бор! Аммо ҳамма йўллар иқтисодий шарт-шароитга бориб тақалаверади!.. Шахсий манфаатдорлик бўлмаган жойда эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди!

М.И. — Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Бизнинг маънавий дунёмиз қуриётгани учун ҳам Орол қуриятти. Бизнинг маънавий дунёмиз заҳарлангани учун ҳам пахта майдонларида заҳарли бутифослар уюлиб ётибди. Биз бу балолардан қутулиш учун авваламбор маънавий ҳаётимизни қутқариб олишимиз керак.

Азим СУЮН: — Мана, кўриб турибсиз (суҳбат менинг уйимда кетаяпти), китоб жавонимда анча-мунча араб алифбосида битилган китоблар бор. Бироқ, улар ичида нима бор, рости, билмайман. Ҳали қишлоғимда — отамнинг сандиғида ҳам талайгина китоблар сақланади. Кейинчалик, журналистика факультетига кирганимда — 1-курсда эски ўзбек тили ўқитила бошлади, ўқишга қаттиқ киришдик, ...бирдан бу дарслар «тугаб қолди». Тагин ҳафсала пир бўлди. Ўзимда мустақил ўқишга — ўрганишга ирода етишмади чоғи... Фақат ўзим айбдорман.

Биз тарихимиздан узилиб қолган халқмиз. Буни бугун ҳамма билади. Ҳаётнинг пасту баландини тушунганимиз сари бу масала юзага чиқиб қолаяпти. У чуқурлашиб бораверади. Тил билгувчилар кексаяпти, ўринбосарлар йўқ, қўлёмалар эса ўқилмай сарғаяпти... Ҳай, бу узоқ тарих... Аммо бугунги она тилимиз қай аҳволда, саводимиз жойидами? Қўлимиз нималарга етди? Қайси юлдузни узиб олдик?

Авалло, шуни айтишим керакки, бугунги ўзбек тили сезиларли даражада қашшоқлашди, оҳорсизланди, таъбир жоиз бўлса «сўлим»лигини йўқотди. Назаримда, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Миртемир тилларининг салмоғи камайгандек...

Тил масаласи билан кадрлар масаласи чамбарчас боғлиқ, деб биламан. Нега миллий кадрлар етишмаяпти? Етишмаяпти эмас, жуда кўп. Лекин уларнинг кўпчилиги «тил» билмаслигидан, яъни рус тилини пухта эгаллаб ололмаганидан «юқорилаб» кетолмаяпти. Маълум нуқталарга бориб, бўрига дуч келган йилқидай таққа тўхтаб қолишмоқда. Ваҳоланки, миллий кадрлар масаласи, уларнинг халққа раҳбарлик қилишлари ғоят

муҳим. Миллий кадрларнинг жойларда туриши муҳим. Улар — халқнинг келажаги. Бир юнон файласуфи қайси халқнинг ўз йўлбошчилари, даҳолари бўлмас экан, ўша халқ ер юзидан супурилиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум, деб ёзган.

Бизнинг раҳбарларимиз фақат «ўриндик»ларинигина ўйламасдан, халқимиз тақдирларини жуда қаттиқ ўйлаши керак бўлган вақт етиб келди. Улар халқнинг бугунига масъул, келажагига жавобгардирлар. Виждон, имон кўкрак қафаси ичини ёриб чиқиши лозим бўлган замон етди! «Халқлар ўз озодликларини йўқ қилиш учун эмас, балки муҳофаза қилиш учун подшоҳларни бош қилиб қўйганлар» — деганди Ж. Ж. Руссо.

Жамият ўсувчан. Табиатнинг ўзи сингари ҳамма ғоялар, услублар ўзгарувчан. Янги кунлар келади, янги авлодлар етишиб чиқади, янги ғоялар пайдо бўлади. Уларни яратишда халқимизнинг ҳам ўз ўрни бўлиши шарт!

Бугунги тараққиёт шунга олиб келдики, ҳеч бир халқ бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишдек имтиёзлар берилмаслигини дунё халқлари биргаликда ҳал этишлари зарур! Ҳар бир халқ эркин, озод, тинч-тотув яшашлари ҳаётий заруриятдир!

Биз Афғонистон халқининг ички ишига аралашмаслигимиз, айти пайтда, Америка аралашмаслиги лозим, деб биламан. Халқлар бир-бирига қўл бериб, йўл бериб, дўстона, куч билан эмас, ақл билан иш тутиб яшашлари ягона йўлдир! Ўқувчилик давримизда қайси бир китобимизда икки эчки ҳақидаги эртақ бор эди: яъни икки эчки дарёнинг ўртасида — кўприк устида тўқнаш келиб қолибди. «Йўл бер...», — дебди биттаси. «Ўзинг йўлни бўшат!» — дебди иккинчиси. У дебди, бу дебди, иккиси ҳам йўл бўшатгиси келмабди... ниҳоят, бир-бирига шох ташлашибди... сузишибди... алалоқибат иккиси ҳам жўшқин дарёга қулаб тушибди! Алҳазар, бундай нодонликлардан асрасин!

Мени ҳамма вақт бир нарса ҳайрон қолдиради. Қадим-қадимдан ҳам давлатлар бор эди, мамлакатлар бор эди, халқлар бор эди. Лекин ҳозиргидек чегаралар йўқ эди, юракларгача чегаралар йўқ эди. Ҳозир ҳаммаёқ «девор», ҳаммаёқ чегара. Ишонч қани?..

Давлатни қандай бошқариш ҳақида сўраганларидан Конфуций шундай жавоб берган экан: ҳокимият озиқ-овқат билан етарли даражада таъминланган бўлиши керак, қурол-яроғ етарли даражада бўлиши керак ва халқ

Ўз ҳоқимига ишониши керак. Яна сўрабдилар: Агар иложсиз зарурият туғилиб қолса шу уч нарсанинг дастлаб қайси биридан воз кечмоқ керак? Устоз жавоб берибди: «Қурол-яроғдан воз кечиш мумкин». Яна сўрабдилар: «Агар яна иложсиз зарурат пайдо бўлса, унда қолган икки нарсанинг қайси биридан воз кечиш мумкин?» У қатъий жавоб берибди: «Озиқ-овқатдан воз кечиш мумкин. Қадим замонлардан буён ҳали ҳеч ким ўлимдан қочиб қутулгани йўқ. Бироқ халқнинг ишончи бўлмаса давлат ўзини тиклаб туролмайди».

М.И. — Азим ака, сўнгги саволим. Адабиётда янги оқимлар қанчалик кўп пайдо бўлмасин, халқ оғзаки ижоди халққа энг яқин сўз санъати, кўнгил малҳами бўлиб қолаяпти...

Азим СУЮН: — Адабиётда оқимлар, ҳар хил «изм»лар пайдо бўлган, пайдо бўлаверади. Лекин халқ ўз ҳаётини, қисматини қайси «изм»да кўрса, ўшани ўзиники қилиб олаверади. У эса халқ оғзаки ижоди намуналаридек жаранглайверади.

Танқидчиларимизнинг таъкидларича, менинг ижодимда ҳам халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанглик, ҳаммазмунлик бор. Шундай бўлақолсин.

...Паҳлавон Маҳмуд айтган экан:

Кийим эскиргани айбга қўшилмас,
Айб шунда — гар бўлса кийимда ёмон.

М.И. — Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат.

«Гулистон» журнали,
1989 йил, 7-сон.

ОНА ТИЛИСИЗ ХАЛҚ — ЧИРОҒИ ЎЧГАН ХАЛҚ

Инсон бир умр ўзи билиб билмаган ҳолда эртасидан нимадир кутиб яшайди. То томирларида қон қайнаб турар экан, бу умид уни тарк этмайди. Чин миллат кишиси кенг доирада мушоҳада юритади, ўтмишига суяниб, келажагига ишониб амалия кўрсатади.

Кечагина «зўрлик билан қилинадиган зулм ўрнини пора олган, ижтимоий халқимизнинг энг асосий воситаси қилич эмас, пул бўлиб қолган» (Маркс, Энгельс) бизнинг даврда бугун қайта қуриш меваларига ҳақиқат, адолат зиёларига ташна миллатимиз вакиллари она тилимиз тақдири учун курашмоқдалар. Унинг муста-

қиллиги учун жон фидо қилишга ҳам тайёр ҳолатдалар. Зеро, миллатнинг миллат сифатидаги биринчи аломати ТИЛ! Буни Шарқ фозилу дониш — файласуфлари ҳам, Ғарб марксистлари ҳам бирдек тан олишган.

«Ирқий, қавмий, жуғрофий, сиёсий, иродий кучлардан устун келадиган ва уларга ҳукм ўтказадиган, бизни миллат сўзига боғлаб турган надир?» — деб савол беради буюк шоир ва олим Зиё Кўкалп. Ва бу саволга ўзи шундай жавоб келтиради: «Социология илми шуни таъкидлайдики, бу боғлаб турган нарса — тарбия, маданиятда, яъни туйғуларда иштирок жараёнидир. Инсон энг самимий, энг ички туйғуларини пок тарбия пайтида олади. То бешиқда экан, эшитган аллалари-ла она тилининг таъсири остида ўсади. Натижада энг кучли севганимиз тил — она тилимиздир. Руҳимизга вужуд берган бутун дин, ахлоқ ва гўзалликни ўша тил воситаси-ла олганмиз».

Миллатнинг, халқнинг келажаги биринчи галда фақат она тилга боғлиқлигини сўзи бошқа, амалдаги иши бошқа «мустабид шоҳ» И. В. Сталин ҳам рад этмайди. У «Миллий масала ва ленинизм» асарида «... миллионларча халқ оммаси маданий, сиёсий ва хўжалик тараққиёти бобида фақат она тилида, миллий тилда янгидан-янги муваффақиятларга эриша олади», деб ёзади.

Тарихдан аён: қанча-қанча миллатлар йўқолиб кетганлар. Ўтмишидан ном-нишон қолмаган. Бундай халқларнинг узоқларни кўзлаган ҳаётий ғоялари бўлмаган, буюк сарварлари бўлмаган, ҳамжиҳатликлари, тотувликлари бўлмаган. Куч эса ҳамиша бирликда! Куч бир-бирини иззат-ҳурмат қилишда, севишда, халқ сифатида ўзини тарбиялаб бораверишда! Камолотга интилмаган халқ — халқ эмас!

Албатта, мен бу борада халқнинг маънавий фаолиятини назарда тутаяпман. Қайси бир халқ дунёдан йўқолиб кетган экан, биринчи галда ўша халқнинг она тилиси йўқолган!

Бунга мисол тариқасида инсоният тарихидан ҳозирча бизга маълум бўлган энг қадимий Шумер давлатини кўрсатиш мумкин. Бу серқуёш ўлка Месопотамия ерларида жойлашган бўлиб, Осиёнинг икки улкан дарёси Дажла ва Фуротнинг суви билан таъминланган, унда олти минг йил аввал қадимги даврнинг буюк цивилизацияси — Шумер давлати вужудга келган. Шумерлар цивилизацияси ассирийлар, бобиллар, оккадлар цивилизациясидан кексароқдир, санъати, адабиёти, юнон-

ларникидан қадимийроқдир. Пифагор теоремасини шу мер математиклари ўша пайтдаёқ исбот қилган.

Ана шу шумер халқи тилидан бизга фақат «сопол китоб»ларга битилган афсонавий Нуҳ, аниқроғи, «Библия»даги Нуҳ ҳамда Гилгамиш ҳақидаги шеърӣй парчаларгина етиб келган.

Туркий, яъни ҳозирги тилимизнинг қадимийлиги ҳақида кўп гапириб ўтирмайман. Ва лекин Қутайба босқинларидан кейин она тилимиз келажаги учун курашган буюк тилшуносимиз Маҳмуд Қошғарий номи эсламай ўтиш ножоиздир. «Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни голиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл — уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар» («Девону луғотит турк»дан).

Аммо «замонамиз хоқонлари» боболаримиз асрлар давомида ўз хоқонлик-ҳукмронлик давронларида араб имлосига ўтилган она тилимизни, яъни давлат тилини форс тилига алмаштириб, сиёсат юргизиб келдилар. Натижада Яссавий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отоининг соф тилини форсий, арабий сўзлар «эгаллаб» борди.

«Тил — тил араб аст, форсий шакар аст, туркий ҳунар аст» каби иборалар зиёлиларнинг орасида маталлашиб кетишининг боиси ҳам ана шундан. Буюк Алишер Навоийнинг она тилимиз ҳимояси «жанги»га киришининг ҳам боиси ана шундан. Навоий даврида форс тилида ёзувчилар шу даражага етдики... «Ҳар киро дар даҳон забон бошад, Дар санои шоҳи жаҳон бошад», яъни «Оғзида тили бор ҳар бир кимса жаҳон шоҳига ҳамду сано ўқисин!» бўлди.

Кейинроқ Заҳириддин Бобур она тилимиз софлиги учун курашга ҳаракат бошлади, ҳатто қадимий туркий

имломизни кенг жорий қилиш учун «Хати Бобурий» деган асар ҳам ёзди, бироқ уни оммавийлаштиролмади.

Бугунги кунда адабий жамоатчилик ўртасида гоҳи-гоҳида «тилимизни форсчадан, арабчадан тозалаш» ҳақида гап кетиб қолади. Аммо, менинг назаримда бу бирёқлама, хато қарашдир. Биз эски ўзбек имлосига қайтишимиз жоиздир! «Биз тарихимиздан узилиб қолган халқимиз... Ҳаётнинг пасту баландини тушунганимиз сари бу масала юзага чиқиб қолаяпти. У чуқурлашиб бораверади («Гулистон», 1989 йил, 7-сон.). Битта Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида тўпланган қўлёзмалар ҳозирги кунда 18 минг томдан ошиб кетибди.

Тил либоси — имло! Тилимиз либосидан айирувчилар, кўпчилик таъкидлаганидек, 30-йилларда пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизи XIX асрнинг иккинчи ярмидаги чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига бориб тақалади.

Ўттиз беш йил Туркистонда яшаган, Самарқандга губернаторлик қилган чор маъмури Н. С. Ликошин («Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения». Санкт-Петербург, 1917 г.)нинг ёзишича, Туркистоннинг собиқ генерал-губернатори барон Вревский 1891 йил ўлка вилоятлари ҳарбий губернаторларига йўллаган махфий хатида қўйидаги кўрсатмани берган: «...ишни, жаноблар, шундай ташкил қилиш пайти келдики, маҳаллий халқ (туземцы) рус ва фақатгина рус мактабида ижтимоий фаолият ва давлат хизмати учун зарур билимлар маскани ва тарғиботчиси тимсолини кўришсин ва айни вақтда анъанавий мактаб ва мадрасадан олган билимларининг ҳозирги давлат ва ижтимоий тузумга яроқсизлигини англаб етишсин» (56—57-бетлар). Қарангки, чор генерал-губернатори тарихий маданиятимизни, она тилимизда таълим олишни очикдан-очик таъқиқлаган ёки миллий мактаб-мадрасаларни ёпишни тавсия қилмаяпти, балки уларни фақатгина «ижтимоий ва маъмурий фаолиятда кераксиз» қилиб қўйишни маслаҳат бераяпти. Яна шу юқорида кўрсатилиб ўтилган нашрда айтилишича, Н. П. Остроумов томонидан ишлаб чиқилган эски ўзбек алифбосини кирилл алифбоси билан алмаштириш плани бўлган. Бу план нимагадир ўз пайтида амалга оширилмай қолган.

Аммо «...мамлакатда она тилида кўп мактаблар очиш керак, уларни она тилини биладиган ўқитувчи

кадрлар билан таъминлаш керак», «...бошқарув аппаратларининг ҳаммасини, партия ва касаба союзларидан тортиб давлат ва хўжалик аппаратларигача миллийлаштириш, яъни уларни таркиби жиҳатидан миллий қилмоқ керак», «...она тилида матбуотни, театрлар, кино ва бошқа маданий муассасаларни кўпайтирмоқ керак...», деган Сталин ва у бошлиқ маҳаллий «раҳнаомлар» уни минг либосда турланиб, бошлаб амалга оширдилар. Бу сиёсий «ўйин»лар оқимига қарши турганларнинг тақдири бугун барчага маълум.

Дарҳақиқат, миллат тили ривожини — миллат маорифининг ривожидир. Маориф ривожисиз ҳеч бир миллат, ҳеч бир давлат туб таянчга, яшаб қолишдек пойдеворга эга бўлолмайди!

Бизга маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё халқлари ҳавас билан (баъзилари ҳасад билан) қараб турган Япония XX аср бошида фақат маориф воситаси орқали оз фурсатда улкан юксалишларга эришди. Бу юксалишнинг асосий боиси ўзининг барча куч-қудратини маориф соҳасига йўналтирганлигидадир. Бунинг Туркия мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маориф ривожини эса, аёнки, ўзлигини танишга, миллий маданиятни, миллий саноатни ривожлантиришга, Ватаннинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга, давлат ҳаракатларини халқ орзу-интилишлари, мурад-мақсадлари билан бирлаштиришга олиб келади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, тўла маънодаги ҳуқуқсиз тилли халқнинг келажаги йўқ! Ўзбекларда «чироғи ўчган халқ» деган ибора бор. Зеро, она тилисиз халқ — чироғи ўчган халқ.

Бугун ошкоралик, қайта қуриш замонидан кўп миллатлар, тиллар борасида ҳам «доҳий»га мурожаат қилмоқда: «Кимки миллат ва тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қандай миллий зулмга ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмаса, ундай киши марксист эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас!» («Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» мақоласидан).

Ҳақиқат аён: ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқини берилиши — зарурият!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1989 йил 15 сентябрь.

МУҲАДДИСЛАР УСТОДИ

Йўқ, бу зиёратгоҳ — бухоролик буюк муҳаддис (ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи ва тарғиб этувчи) хоки ётган ер Иттифоқимиздаги қарийб етмиш миллион мусулмон халқларининг ҳаммасига баб-баравар аён эмас. АММО хорихда яшаётган миллатдошлар, диндошлар ичида маълуму машҳур. Унинг дурдона ҳадислари жам этилган «ал-Жомеъ-ас-Саҳиҳ» — «Ишончли тўплам» («Саҳиҳи Бухорий» деб ҳам аталади)и жаҳоннинг турли бурчакларида қайта-қайта нашр этилиб, севилиб ўқилади. АММО Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий номи ҳатто «Ўзбек совет энциклопедияси» (қомуси)да ҳам қайд этилмаган. Буюк олим руҳини бир дам бўлса ҳам ёд, шод этиш учун Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Покистон, Америка, Франция, Англия, Саудия Арабистони, Сурия (Шом), Ироқ, Марокаш, Бангладеш, Индонезия, Жазоир, Иордания, Тунис, Афғонистон, Қувайт, Миср, Никарагуа, Олмония ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар оқиб келишади. АММО...

ҲАДИС: Кимики бировнинг бирор айбини топиб, устидан кулган бўлса, ўзи ҳам шу айбга мубтало бўлмагунча дунёдан ўтмагай.

ҲАДИС: Бир-бирларингизга хайр-эҳсонли, меҳроқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги гиллу гашлик йироқ бўлгай.

ҲАДИС: Ўз мақомида сўзлаб, фурсатни ғанимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб саломат юрган кишига Тангри раҳму шафқат айлагай.

«Аммо»ларни тугатаман.

Самарқанд вилоят, Пойариқ туманига қарашли Хартанг қишлоғи. Хожа Исмоил масжиди. Уни ўз даврида «меъмор» деган ном ҳам олган Бухоро амири Абдуллахон қурдирган. Масжид тўрида олим қабри.

ЛАВҲА: Бу ерда ҳадис илмининг буюк олими Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Исмоил ал-Бухорий дафн этилган. Имом Бухорий 194 ҳижрий (809 милодий) йилнинг 13 шавволида Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигидан илмга берилди. Хусусан, ҳадис илмини пухта эгаллади. 16 ёшида онаси ва Аҳмад исмли акаси билан ҳажга жўнаиди. 4 йил Маккада яшагач, машҳур ислом шаҳарларига сафар қилади, минглаб алломалар билан мулоқотда бўлади. Улардан сабоқ олади, буюк олим бўлиб етишади. Имом Муслим, Термизий (тўғ-

риси: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий) ва Юсуф ал-Фирабрий каби машҳур олимлар Имом Бухорийнинг шогирдларидир.

Имом Бухорий она-юрти Бухорога қайтиб келгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. Илм ва адолат йўлидаги интилишлари амирга ёқмай, Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлади, Самарқандга жўнади. Йўл-йўлакай Хартанг қишлоғидаги қариндошларни кига тушади. Шу ерда касалланиб, 62 ёшида 256 ҳижрий (869 милодий) йилнинг 30 рамазонида вафот этади (Имом Бухорийнинг туғилган, яшаган санаси баъзи манбаларда, жумладан, «Ислом» тўпламида 810—870 деб қайд қилинган).

ҲАДИС: Илм — мўминларнинг ахтариб юрувчи нарсасидир, топган жойидан олади.

ҲАДИС: Имкони борича ва қарда қодир бўлсанг илм ўрган ва маърифатингни зиёда қил.

ҲАДИС: Гарчи Чин (Хитой)да бўлса ҳам илм талаб қилинлар. Чунки толиби илм бўлиш ҳар бир мўмин учун фарздир.

1974 йили Исмоил Бухорийнинг 1200 йиллиги нишонланди. Бизда, деярли ими-жимиди ўтказилди... Адашмасам, вақтли матбуотда ҳам ҳеч нарса босилмади. Ҳаёти ё ижодига бағишланган бирор нашр ҳам бўлмади. Энг ишончли 7250 ҳадисни ўзига жам қилган «Саҳиҳи Бухорий»нинг нашриётларда чоп этилишини-ку фақат орзу қилиш мумкин эди. Ҳолбуки, бу тўплам нафақат ислом дини тарихига оид, балки ислом фикҳи (ҳуқуқшунослик), этнографияси, маросимчилиги ва ҳоказоларга оид ҳадислардан ҳам иборат. Қолаверса, донишмандлик намунаси.

«САҲИҲИ БУХОРИЙ»ДАН ҲАДИС: Ўзингиз учун яхши кўрган нарсани токи мўмин-мусулмон биродарларингизга ҳам раво кўрмас экансиз, камолга етган мўмин-мусулмон бўлолмайсиз.

«САҲИҲИ БУХОРИЙ»ДАН ҲАДИС: Бир миллатнинг ишлари ноаҳил кишилар кўлига тушиб қолса ёки топширилса, шу миллатнинг қиёмат соатини кутаверинг.

«САҲИҲИ БУХОРИЙ»ДАН ҲАДИС: Ботирлик — кишилар билан курашиб йиқитишдан эмас, балки аччиқланган ва газабланган вақтда ўзни тия билишдан иборатдир.

«САҲИҲИ БУХОРИЙ»ДАН ҲАДИС: — Эй, Оллоҳнинг Расули, мазлумга ёрдам берамиз, аммо зо-

лимга қандай ёрдам берамиз, — деб сўраганларида Ра-сулиллоҳ:

— Зулм қилаётган золимнинг қўлидан тутасиз, яъни зулм қилишни манъ этасиз, — дедилар.

Хўш, нимаси ёмон бу ҳикматларнинг?

...Имом Бухорий масжидига 1987 йил Усмонхон Те-мурхон имом-хатиб бўлиб ишга келди. Масжидда 1973 йилдан бошланган ободонлаштириш, таъмирлаш ишля-ри кейинчалик тўхтаб қолган эди.

— Хайрият, «шамол»лар босилиб, «сел»лар тиниб, қайта ишларни бошлаб юбордик, — дейди биз билан суҳбатда имом-хатиб — хориждан келган зиёратчилар учун қадимий усулда иккита дам олиш хонаси — меҳмонхона, емакхона қурдик. Улар замонавий жиҳозларда безатилган. Бундан ташқари ҳаммом, таҳоратхоналар қуриб битказдик. Кичикроқ бўлса-да кутубхонамиз бор. Уни кенгайтиришни ният қилиб турибмиз.

Яқинда Индонезия президенти Сухарто меҳмон бўлиб келиб, қадамжони зиёрат қилиб кетди. Бироқ уятли жойимиз ҳам бўлди...

Имом-хатиб Усмонхон Темурхон, андиша қилибми, давомини айтмади. Бироқ биз Исмоил Бухорий қароргоҳини айланиб, гап нимада эканлигини англа-дик. Энг асосийси, шундай қутлуғ, бутун дунёдан меҳмон кутадиган жой — катта масжид кечиктириб бўлмайдиган таъмирлашга муҳтож. Унинг ички-сиртқи деворларидан кўп жойлари кўчиб тушган, оппоқ шўр қоплаган.

— Ҳамма иш иқтисодга боғлиқ, — дейди бизнинг саволимизга жавоб бериб имом-хатиб, — таъмирлаш хусусида тегишли жойларга кўп бор мурожаат қилдик, аммо гоҳ маблағ йўқ, гоҳ уста-меъмор йўқ, гоҳ махсус хом ашё дегандай...

Биз ўйланиб қолдик.

ҲАДИС: Хайрли ва савобли ишлар — инсонни тур-ли ҳалокатлардан сақлайди.

ҲАДИС: Таомларнинг ёмони — қорни очларни қолдириб, қорни тўқларгина чақирилган базм зиёфа-тидир.

ҲАДИС: Халқ соясидан фойдаланиб турган дарахт-ни кесиб юборган одамни Оллоҳ таоло дўзахга маҳкум этур.

Ўйлайман. Нега бизнинг жамиятимизда қаллоблик, ўғрилиқ, очкўзлик, порахўрлик, зино, муттаҳамчилик,

инсофсизлик, нонкўрлик, ёлгончилик, биров ҳақидан кўркмаслик, ахлоқсизлик бунчалик кўпайиб кетди? Нега? Бу маънавий, руҳий, ботиний дунёмиз қашшоқлигидан эмасмикин? Бу «Саҳиҳи Бухорий» каби умри боқий китобларни Имом Муслим, ат-Термизий, Абу Ҳурайра, ас-Самарқандий, Насоий, ибн Можжа, Ибн Ҳиббон сингари донишмандлар ҳадисларини мутолаа қилолмай қолганимиздан эмасмикин?

Ички руҳият — инсоннинг шахсий ва ижтимоий фаолиятини тўғри йўлга бошқариб турувчи буюк куч-қувватдир!

Сафаримизда ҳамроҳ бўлган ёш шоир Ҳамроқул Асқар, қўли гул шифокор Норқўзи Сориёвлар Исмоил Бухорий масжиди ҳовлисидаги беш туп улкан чинорга қараб туришар эди. Шунда Ҳамроқул чинорларнинг араб алифбосидаги — «б» шаклида экилганини пайқаб қолди. «Бухорий исмининг бош ҳарфи», — деди у.

— Ҳақиқатдан ҳам шундай, — тасдиқлади имом-хатиб, — улар масжид қурилган пайтда экилган, яъни XVI асрда.

Ҳа, Шарқ дунёси — сирли рамзлар дунёси. Ҳадисларда ҳам мен шуни кўраман. Ушбу мақоламиздаги ишоралар ўз эгаларини топар, деган умиддамиз.

Масжид имом-хатиби Усмонхон Темурхон Самарқанд вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котибидан хурсандлигини, яқинда боғ-роғ учун ўн бир гектар ер ажратилганлигини, келажакдаги ишларига умид боғлаётганлигини айтди. Имом-хатибнинг бир яхши нияти жаҳоннинг тўрт бурчидан келадиган азиз меҳмонлар олдида хижолат чекмаслик... Яна бир яхши нияти меҳмонлар учун чинни чойнак, пиёлалар тайёрлаб (ўн беш-йигирма чақирим нарида Самарқанд чинни заводи бор), уларга «Имом Бухорийдан совға» деган маънода ёздириб, туҳфа этишдир. Яна бир яхши нияти Имом Бухорий номидаги мактаблар, кўчалар, совхозлар, ноҳиялар бўлса... Яна бир орзуси бу қадамжо газлаштирилса... Ахир, шундоқ 5—6 чақирим наридан газ қузури ўтади.

ҲАДИС: Менинг номимдан битта оят бўлса ҳам, одамларга етказинг.

ҲАДИС: Ростгўйликдан хавфу хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар.

ҲАДИС: Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабидир.

ҲАДИС: Изн уч мартагача сўралади. Агар изн берилса, кир, йўқса қайтавер!

Йўлда бир кексадан эшитганим:

50—60-йилларда экан, бир хорижий давлатнинг президенти Ўзбекистонга ташриф буюриб қолибди. У Ўзбекистоннинг «катта»сига «Исмоил Бухорий қабрини зиёрат қиламан», дебди. Ўзбекистон раҳбари бундай қабр борлигини билмас экан (эҳтимол билган, билмаслиги мумкин эмас.— А.С.), лекин сир бой бермабди ва «у жойга бориш оғир, кўчалар лой-ботқоқ, ўйдимчуқур, бориб бўлмайди», деб бормасликка кўндирмоқчи бўлибди. Аммо президент «эмаклаб бўлса ҳам бораман», деб туриб олибди. Қўйингки, борибди. Шундан кейин Исмоил Бухорий зиёратгоҳига эътибор берила бошлабди.

Тошкентга келиб, «ойнаи жаҳон»дан эшитганим:

— Арабистон ва Ўзбекистон киночилари ҳамкорликда Исмоил ал-Бухорий ҳақида фильм яратишга қарор қилдилар.

Кошкийди!..

Ўтган йили... суюмли газетамизда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ҳайъатининг раиси, муфти билан суҳбат босилди. Унда янгилиниш, поклиниш мевалари ўлароқ узоқ йилларда топталиб келинган маънавий, диний қадриятларимиз тикланаётганлиги мамнуният билан қайта-қайта таъкидланган эди.

Эртадан Умидимиз катта. Юракларимизда яна ишонч уйғонмоқда. Ўзлимизни танимоқдамиз, Ўзликни таниш — Ўзтиқодда мужассамлашган! Зеро, «Ўзтиқод — мангу ҳақиқат» экан, у зиё каби ҳамisha ўзига чорлайверади:

Ёядирман сўзларимни мисоли тўр, —
Элим, жонинг бўлса унга илиниб кўр.
Ўзтиқодда яша сен ҳам озод ва ҳур,
Замонамга балки қақдинг ярашгай дур!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1990 йил 30 март.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ

«Инсонга ҳаракатига кўра баракат берилади».

Қуръони каримдан.

Бугун онда-сонда бўлса ҳам «биз ҳуқуқий давлат тузмоқчимиз», «жумҳуриятимизнинг тўла мустақиллиги учун курашамиз», «ягона Туркистон халқ жумҳурияти ташкил этиш масаласини кўтариб чиқиш даври етди» каби иборалар тез-тез қулоққа чалинмоқда, даврий матбуот саҳифаларида кўзга ташланмоқда.

Бу табиий ҳол. Муҳит, маънавий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт шунга олиб келди.

Бир асрнинг нари-берисида халқимиз нималарни бошидан кечирмади. Боболаримиз кўкраги чор Россия-си ҳукумати (рус халқининг эмас) қўшинларининг найзаларига нишон бўлди, қонлар дарё бўлиб оқди. Эрк ҳуқуқи ер билан яксон қилинди, ғурури, номуси топталди. Саводхон ўлка саводсизликка юз тутди. Ахлоқий, маърифий-маданий қашшоқлик одатий ҳолга айланди. Бош кўтарганлар дорга тортилди, «Сибирь» қилинди, турмаларда чиритилди.

1917 йил февраль ойида Россияда буржуа-демократик инқилоб амалга оширилди. Бу инқилобга катта умид боғланган муфти Маҳмудхўжа Бехбудий «Улуғ Туркистон» газетасида: «Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини ҳуқуқи, диния ва сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардир. Жиҳод-жаҳд ва жиҳодни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозир бизни жиҳодимиз фикр газет ва басират ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ», — деб ёзди. Аммо Керенский ҳукуматининг Туркистонга мухторият бермоқчи бўлган ваъдаси қолиб кетди... Ленин инқилоби эса йўлни олти-етти йил ўтмасдан бошқа изга солиб юборди...

Халқимиз нималарни бошидан кечирмади. У ўз уйи-ўлан тўшагини, оиласининг ор-номусини, киндик қони тўкилган тупроғини, ота маконининг дахлсизлигини деб «босмачи» — тамғасини ажинлар ариқ қилиб юборган пешонасига бостириб олди. Замон дарёсининг

тўлқинларида гангиб қолган деҳқон «қулоқ» бўлиб кета-верди. Мудҳиш очарчилик йиллари сунъий равишда уюштирилганлиги бугун ҳаммага аён. Бовурим қозоқ халқининг учдан икки фоизи шу йилларда ўлим-тихўрларга ем бўлганлиги ҳақиқат. Истиклол (миллий мустақиллик) йўлини танлаган юзлаб зиёлилар, эл сарварлари кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларга дучор қилинганлиги, қатағон этилганлиги дунёга маълум. Марказий матбуотнинг хабар беришича, Ўрта Осиёдан 46 минг киши қатағон қилинган, шундан 25 минги Ўзбекистондан экан. Австрия адабаси Эбнер Эшенбах «Эзгулик, саховат ниқоби остида ёвузлик қилинмаганда эди, дунёда бу қадар ваҳшийлик бўлмасди» деб ёзганда қанчалар ҳақ эди.

Йўқ, биз бугун «айбдорлар»ни изламоқчи эмасмиз. Лекин унутиш, хотиралардан чиқариб юбориш ҳам мумкин эмас. Хива хони Исфандиёр Хоразмдаги Шўркўл тепалигига чиқиб, «Ў, менинг юртим шунча каттами?...» деб ҳайратда қотган экан. Эҳтимол, халқимиз бошига шунча қулфатлар, бало-қазолар ёғилганлигига қадамидан нарини кўролмаган баъзи калтафаҳм хонлар, беклар айбдордир. Эҳтимол, уруғчилик, қавмчилик, элатчилик, тарафкашлик сингари азалий давом этиб келаётган бузғунчилик ҳолатлари айбдордир. Эҳтимол, фикр авжи, ҳаёт, табиат тараққиёти гуноҳқордир. Балки, худо иродаси шундай-дир... Бироқ, ёдда тутмоқ — зарурият: барча ёвузликлар, ваҳшийликлар бошида, XX аср ибораси билан айтганда, «ҳазрати инсон» турибди. Ҳа, Алишер Навоий ёзганидек:

Вайронадур масканим, андин менга бисёр ғам,
Оҳим била эшикта ўрт, ашким била девор нам!

Хўш, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги «тинчлик йиллари»да халқимиз аҳволи тубдан ўзгардими? Нега саксонинчи йилларда «коммунизм»да яшамадик? Нега Америка Қўшма Штатлари, Япония, Туркия, Жанубий Корея мамлакатларидан сурувидан айрилган айланмабош кўй каби орқада қолиб кетдик? Нега Швеция, Австрия, Норвегия, Финляндия, Канада, Испания янглиғ давлатлар ишчилари бизнинг ишчиларимизга қараганда 4—5 марта кўп маош олиб яшайди? Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, «Уларнинг иқтисодий ҳимояланганлиги, меҳнаткашларининг турмуш даражаси фақат тушимизга кириши мумкин». Нега? Нега як-

каю ёлғиз зангори қозонимиз — Оролдан айрилиб ўтирибмиз? Нега ҳавомиз, сувимиз, тупроғимиз — заҳарзаққум? Нега бунча қалбимиз қашшоқлашиб кетди? Нега юрагимизда бунчалар лоқайдлик; кўзларимизда ўт сўнган? Кексаларимизнинг донишмандлиги, аёлларимизнинг нафосати, йигитларимизнинг соғломлиги қажда қолди? Маънавий қадриятларимиз қайга йўқолди? Нега? Нима сабабдан бошқа халқлар қиладиган ишларни биз қилолмаймиз? Нега ҳам руҳий, ҳам жисмонан мажруҳ бўлиб қолдик?

Бу «Нега?», «Нима сабабдан?», «Нима учун?», «Бойси нима?», сингари туман-туман саволларнинг жавоби битта: МУСТАҚИЛЛИК! Мустақил ривожланмаган мамлакат, эл турмуши ҳеч қачон фаровон бўлиши мумкин эмас!

Ўз-ўзидан яна савол туғилади. Мустақил мамлакат — мустақил жумҳурият, биринчи галда, нималарга таяниши, нималарга куч-ғайратини сарф этиши керак?

«Мамлакат мустақиллиги, тараққиёти, умматлар ва миллатлар бахт-саодати шу юрт ерларининг катталиги, одамнинг кўплигига эмас, балки уларнинг илмига, санъатларининг қай йўсинда тараққий қилгани ва халқнинг маданияти, сиёсий онги қай даражада эканлигига боғлиқ», — деган гапни ўқидим бир қўлёзмада. Оқилона, топиб айтилган!

Менимча, бизда биринчи навбатда маориф ва маданий-маърифий соҳалари авжига бутун диққат-эътиборни қаратмоқ лозим. Миллий боғчаларни кўпайтириш, тарбияланувчилар тарбиясига урф-одатларимизга кўра жонбозлик қилиш, мактаб қурилишларини тубдан изга солиш, ўқувчи-ўсмирларни миллий шарт-шароитдан, адаб-ахлоқ, бир сўз билан айтганда, миллий руҳиятдан келиб чиққан ҳолда ўқитиш, тарбиялаш зарур. Англияда бир синфда 5—6 ўқувчи ўқийди. Бизнинг бир синфга эса 50 га яқин ўқувчи жойлаштирилади. Муаллимлар аҳволига нима дейсиз?..

Маориф ишларини — ҳаётга эш қилмоқ кечиктириб бўлмас вазифадир! Зеро, ожизларга куч-қувват бахшида этгувчи куч — маърифат, деган донишмандлар.

Мактабларимизда, албатта, инглиз, рус, араб тилларини, олий ўқув юртларида шуларга қўшимча равишда турк, хитой, форс, япон, ҳинд тилларини ўқитиш ишларини тартибга солиш жоиз, деб биламиз. Кошкийди, болаларимиз чет мамлакатларда ўқишса, келиб ўз ватанига хизмат қилишса...

Шуни ёдда тутиш керакки, асримиз бошида Япония барча саъй-ҳаракатини маориф ишининг юксалишига сарфлади. Натижасини эса бутун жумлаи жаҳон кўриб турибди. Ҳолбуки, ўша йилларда Туркистон шарт-шароити, ривожланиши орасида Япониядан кўп ҳам фарқ қиладиган жиҳатлари бўлмаган.

Буюк ҳинд адиби Тагор «Россия ҳақида мактублар» эссесида бизга сабоқ бўларлик бир хабар беради: «Бизнинг кунларимизда Туркия даҳшатли оғир юк бўлган диний фанатизмдан озод бўлиш йўлидан қадам ташлаб бормоқда. Туркия тез суръатлар билан маориф ишларини йўлга қўймоқда. Фақат Ҳиндистон уйқуда...»

Бу сатрлар бизни сергаклантириши, тагин унинг «... худди шу маориф воситаси билан қисқа муддат ичида ўз ватанининг ишлаб чиқариш қувватини ошира олди, давлатнинг саъй-ҳаракатларини бутун халқ интилишлари ва орзу-ниятлари билан бирлаштирди» каби мисралар ўйга толдириши лозимга ўхшайди.

Буюк Тагор бизнинг маориф соҳамиздаги таназзулимизни аввалдан кўргани каби шундай ёзади: «Буларнинг хатолари йўқ деёлмайман, жиддий бир хатолари бор. Бир кун бориб у бир бахтсизликка сабаб бўлади. Қисқача айтганда, бу хато шундан иборатки, маориф ишлари бир андозада олиб борилмоқда, бироқ андозага солинган инсон моҳияти барқарор бўлмайди, чунки билим жонли ақл-фаросат билан уланмаса бир кун бориб бу андоза тилка-пора бўлади, ё бўлмаса инсон ақли тор бир доира ичига олинса, бориб-бориб йўққа чиқади ёки одам боласи муруватли кўғирчоқдай бўлиб қолади».

Иккинчидан: СССР таркибидаги «мустақил жумҳурият» номини олар экан, миллий саноат тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ҳам кечиктирмасдан ҳал этиш — зарурият эканлиги барчага маълум ҳақиқат, деб ўйлайман. Саноатимизда техник жиҳозлаш даражаси ғоятда паст, мажруҳ. Асосий тармоқлар эса Марказга бўйсундирилган.

Бизда ишчилар синфи шаклланмаган, дейишади. Тўғрироғи, шакллантирилмаган. Янада тўғрироғи, улар пахта майдонлари учун «жонли темир»ларга айлантирилган.

Туб аҳолини саноат корхоналари жойлашган кентлардан ҳар хил усуллар билан суриб чиқариш шакли мавжуд, деб биламан. Айтайлик, ерни жон-дилдан севган миллий ишчига — «шаҳардаги уйингни топ-

шир, деҳқончилик сенга қулай-ку...» деган «ажойиб» таклиф тавсия этилади ёки оддийгина «ҳали-бери турар-жой бўлмайди», дейилади. Бечора ишчи ёки бўлажак ишчи юкини орқалаб, «отам ишчи ўтмаган-ку...» дея далага йўл олади... Прописка масаласини айтмай қўяқолай. Шундай экан, бизнинг ишчи синфимиз, қолаверса, ҳар бир соҳада миллий кадрларимиз қандай шаклланди?!

Учинчидан: жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка ўтар экан, у қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда катта ислоҳотлар қилиши даркор. Бизнинг қишлоқ хўжалигимизда пахтанинг етакчи тармоқ эканлиги етти ёшли гўдақдан, етмиш ёшли кексага ҳам аён. Пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапирилмаган гап қолмади.

Пахта... Пахта бошқа халқлар тарихида қандай роль ўйнаганлигини билмайману, аммо ўзбек халқи тарихида у унутилмас. Оддий бир мисол: пахта чироққа пилик бўлиб бизнинг кунларгача етиб келди. Тарихий маълумотларга қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бундан икки минг йил аввал ҳам пахта толасидан ип йигирилган, газлама тўқилган.

Қизиқ бир мисол: бундан роса 430 йил олдин Европада оддий чит зиғирпоя, жун, ҳатто ипакдан тўқилган матолардан қимматроқ бўлган. XVI асрда Англия қиролчаси Елизавета жуда катта байрамлардагина чит қўйлак кийиб ясанган. Пахта денгизнинг нариёғидаги узоқ ўлкалардан келтириладиган ноёб нарса ҳисобланарди. Худди ўша вақтларда пахтага инглизлар «оқ олтин» деб ном қўйишган. Европа давлатлари ана шу оқ олтинни забт этиш учун ҳарбий экспедициялар юбора бошлаган. Оқ олтин учун инглизлар Миср ва Ҳиндистон халқларини асоратга солдилар. Хитой халқи устига қўшин юборганлар. Айна пайтда Америка жанубий штатларида эка бошлаганлар. Улар пахта майдонларида ишлатиш учун Африкадан қўллар келтириша бошлаганлар. Америкаликлар пахтани «офтоб болалари» деб атаганлар.

Ўрта Осиё пахтаси учун ўнлаб инглиз жосуслари ҳар хил ниқоблар остида ўлкамизнинг турли туманларини айланиб қайтганлар. Бу борада, албатта, чор Россияси ютиб кетди.

Санъатшунослик фанлари номзоди Абдуманноп Назаровнинг ёзишига кўра: «Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг беш йиллик мунтазам ҳисобот

маърузаларида (қ. Проект отчета ген.-адъютанта К. П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестана. 1881. Спб. 1885.), Н. С. Ликошининг Туркистон иқтисодига бағишланган қатор тадқиқотларида (Н. С. Ликошин, Переселение и переселенцы. Историко-экономический очерк. Самарқанд, 1892) келтирилган аниқ ва батафсил маълумотларга қараганда, Туркистон шаҳар ва вилоятлари иқтисодиёти ушбу давр ва муҳит талабларига мос равишда уйғун ривожланиб келган. Масалан, қатор олтин, мис қайта ишлаш комбинатлари, кўн ва бошқа заводлар (албатта, Европа тушунчасидаги «комбинат» ва «завод» эмас) мавжуд бўлиб, пахта эса етакчи роль ўйнамаган. Чор маъмурияти Туркистонда бошқа саноат жабҳаларини бўғиб қўйиб, асосан пахтачиликни ривожлантириш ва ўлкани Россиянинг асосий пахта базасига айлантиришни мўлжаллаб қатор тадбирларни амалга ошира бошлади. Жумладан, Мирзачўлни ўзлаштириш плани Кауфман даврида туғилиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳаётга жорий қилина бошланди. Солдатское, Славянка ва бошқа аҳоли пунктлари шу аснода пайдо бўлди. Пахта тозалаш заводларини қуриш, Россияга етказиб берувчи савдо ширкатларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, айна вақтда Россиядан келтирилган машинасозлик, металлургия ва бошқа саноат маҳсулотлари билан арзон нархларда маҳаллий бозорни тўлдириш ва уни шу йўл билан бошқа маҳаллий саноат соҳаларини бўғиб қўйиш мўлжалланган «монокультура» сиёсатига олиб келди. Албатта, бундан мақсад нафақат Россиянинг тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлаш, балки маҳаллий аҳолини пахтага занжирсиз «занжирбанд» қилиб, унинг бошқа бойликларини талон-торож қилинишидан фикру зикрини чалғитиш эди. Сталинизм бу сиёсатга янада кенг йўл очиб берди.

Пахта... Сўнгги пайтларда баъзилар онгида пахтани қишлоқ хўжалик тармоқлари орасидан буткул чиқариб ташлаш тамоили пайдо бўлди. Мен бунга қўшила олмайман. «Пахта яккаҳоқимлигини» чиқариб ташлаш бошқа гап...

Деҳқонни пастдан — ердан юксакликка кўтариш лозим, юксакликка кўтариш учун пастдан — ердан жой бериш зарур! Ер бўлганда ҳам Мир Алишер Навоий айтмоқчи:

Хирад деҳқони мундоғ нуктаи дер:
«Ки дона сочқоли яхши керак ер».

Эрк, ҳуқуқ бериш зарур. «Дунёда одам бўлиб яшов учун ҳуқуқ — эрк, ҳам ер керак. Эрксиз, ерсиз одам дунёда яшай олмайди» (Олимжон Тиркишев. «Шўро» журнали, Оренбург. 1917 йил, 17-сон).

Деҳқон етказадиган бошқа неъматларнинг таъриф-тавсифига қалам ожиз. Ҳатто... Ўттиз беш йил Туркистонда яшаб, Самарқанд губернатори бўлган Н. С. Ликошин (Машраб «Девон»и билан қизиқиб, унинг ижоди ҳақида ёзиб, ғазалларини рус тилига таржима қилиб — биринчи бўлиб ўрус ўқувчисига етказган ўша Ликошин)нинг кўрсатишича, 1872 йил Тошкентда вабо тарқалган. Эл қирилади. Шунда «эт (гўшт) емас» деб лақаб олган Бобо Охун Шодмонхўжа эшон фақат хўл мева-чевалар еб тирикчилик қилиб, соғ қолади. Соғ қоладигина емас, балки Чимкент-Туркистон-Тошкентда одамларни хўл мевалар егизиб даволаган экан...

Ва ниҳоят, жумҳуриятимизни тўла, мустақил идора қилиш ҳуқуқи — зарурият, табиий, ижтимоий тараққиёт талаби. Мустақил идора масъулияти ғоят муҳим. Оқил миллий кадрлар идораларда хизмат қилиши муҳим. Тоқим халқ улар билан бевосита ва билвосита гаплаша олсин.

Мустақил жумҳурият ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказишга эришишини таъминлаш керак. Украина, Белоруссия каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз вакиллари бўлиши, ривожланган давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши даркор!

Ўзбекистоннинг Давлат байроғи, Гимни ва Гербини халқ руҳига хосу мос қилиб яратишни таъминлаш керак. Тонгданоқ «Ассалом...» деб ҳамду сано ўқиш етар!

Кишиларнинг сўз эркинлигини, матбуот эркинлигини амалиётда қонунлаштириш даркор. Асримизнинг улуғ донишманди Расул Ҳамзатов айтганидек: «Биз олисларни кўрмоғимиз керак, бизни ҳам олис-олислардан кўришсин; вазифамиз олисроқ сузиш, ерни чуқурроқ ҳайдаш ва жонажон хонадонимизни унутмасликдир».

Жумҳурият мустақиллиги — халқ мустақиллиги. Бу мустақиллик учун ҳар бир азамат ўз ҳиссасини донолик билан кўшиши фарз ва қарз! Ва айниқса, бу борада жумҳурият Олий Кенгаши раҳбарлари ҳам, унинг фуқаролари ҳам Ўзбекистон халқ депутатларига қаттиқ суянади.

«Кулликнинг энг даҳшатли томони шуки, у бора-бора қўлидаги кишанга ҳам меҳр қўя бошлайди», деган экан француз файласуфи Вовенарг. Бундай «меҳр»дан Тангрининг ўзи асрасин!

«Ёш ленинчи»,
1990 йил 4 апрель.

ТҶМАРИС ГУНОҲҚОР ЭМАС...

Кейинги йилларда Ўзбекистонимизда яккаю ягона Ҳамза номли академик театримизга тушмай қўйгандим. Бунинг бир неча сабаби бор. Шулардан бири: бу ерда хизмат қилаётган санъаткорларимизнинг икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳи «Ёш гвардия» театрига кетиб қолганлиги шахсан менга оғир ботганди. Уларнинг «бўлиниш»и академик театримиз шаънига ҳам, санъаткорларимиз шаънига ҳам яхши бўлмаганди, албатта! Ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Яқинда шонли театримизда истеъдодли ёш драматург Салоҳиддин Сирожиддин қаламига мансуб «Тўмарис» спектакли қўйилаётганлигини эшитиб қолдим-у, тушишга аҳд қилдим.

Тўмарис — халқимиз тарихидаги буюк сиймолардан бири. У — ватан тақдири учун курашувчилар сафидаги тенги йўқ Аёл! Бизнинг жамиятимизда Аёл, айниқса, қишлоқларимиздаги «эмин-эркин» Аёл хор-зорликка юз тутди, пахта майдонларида оғир меҳнатга дучор этилди, шамшод қадди букилди, «сув ичса томоғидан кўринадиган» латофати топталди. Унинг ўйлари, интилишлари ватан, миллат, халқ ҳақида эмас, қора қозонини амаллаб қайнатаиш, бир этак боласини эртага оёққа турғазиш ҳақида!

Шундай муҳитда Тўмарисдек қаҳрамон Онамиз образининг саҳнамизда пайдо бўлишини жуда катта воқеа деб ҳисоблайман. Уни ҳамма-ҳамма кўришини, ибрат олишини, билмаганлар билиб қўйишларини истайман.

Мен ҳозир спектаклнинг тўла таҳлилига киришиб ўтирмайман. Аммо «Тўмарис» сўнгги йилларда яратилган (режиссёр Рустам Ҳамидов) асарлар орасида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайман, холос. Тўлақонли Тўмарис образини куйиб-ёниб яратган истеъдодли санъаткор Малика Иброҳимовани, Кай-хусравни маромига етказиб ўйнаган дўстим Теша Мў-

минов ва бошқа бир қанча ролларни суйиб ижро этган ёш санъаткорларимизни олқишламасдан иложим йўқ.

Афсус, минг афсус... 9 март куни «Тўмарис» спектаклига келган томошабин 40—50 кишини ташкил этди. Жуда хафа бўлдим. Кейинги йилларда бутуқлаб кетган энгил-елпи, олди-қочди, баъзида ўта бачканалаштириб юборилган спектаклларга бутун оила аъзоларимиз билан келамиз, бироқ жиддий фикр-мулоҳазалар уйғотувчи «Тўмарис»дек спектаклни кўришга вақт тополмаймиз!

— «Тўмарис»нинг сахнадан тушиб кетиш хавфи бор, — деди менга унинг муаллифи Салоҳиддин Сирожиддин камсуқумлик билан. — Нимагадир томошабин йўқ, бир-икки маротаба белгиланган кунлари қўйилмай қолди. Ҳолбуки, дастлабки пайтларда одамлар залга сиғмай кетган эди, тагин билмадим...

Албатта, томошабинни етаклаб олиб келиб бўлмайди. Аммо бизнинг назаримизда, «Тўмарис» ташвиқоти кўнгилдагидек эмас. Ўзбекистон радио ва телевидениеси, вақтли матбуотимиз унга жиддий аҳамият бериши керак. Ҳатто театр маъмурияти унинг «программа»сини чиқармабди шекилли, бир дона сўрагандим, топиб беролмадилар. Аслида, у томошабинга бепул тарқатилиши керак. Шу қадар совуққонлик! Ё бунинг бошқа сабаблари бормикин?.. Не бўлганда ҳам, жасур онамиз Тўмарис руҳини шод этайлик, унинг овози театримиз тўрт деворидан кенгликларга чиқсин. Бу вазифани эса камолотга интилган халқ фарзандларигина бажаришга қодир! Билиб қўяйлик: «Тўмарис» сахнадан тушиб кетса, Тўмарис гуноҳкор эмас!

«Халқ сўзи»,
1991 йил 14 март.

АЖУНДА СОЧИЛИБ ЁТУРМИЗ

(Туркия ва Ўзбекистон мулоқоти)

Яқинда «Санга» ширкати соҳиби Орифжон Ойдин Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлди ва рўзнамамиз адабиёт ҳамда санъат бўлими муҳаррири, шоир Азим СУЮН билан суҳбатлашди.

Азим СУЮН: — Орифжон, хуш галдин — сафо галдин!

Орифжон ОЙДИН: — Соғ ўл, офият ўлсин! Азимжон, мен ўзбекман.

А. С.: — Биламан, лекин бир туркча лутф қилмоқчи бўлдим-да. «Халқ сўзи» толибларига ўзингиз, хусусий ишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

О. О.: — Жоним билан. Мен андижонлик Обиджон Ойдиннинг ўғли бўламан. Отамиз замон зайли билан Афғонистонга бориб қолган. Эски дунё. Баъзан шер мушук, мушук шер бўлади. Онамиз ҳам Андижон қизи эди. Мен Афғонистонда таваллуд топганман. 1955 йилда Туркияга ўтганмиз. Поки ҳалолимиз тошкентлик. Уй бекаси, икки ўғлим ва бир қизим бор, учаласи ҳам мактабда ўқийди. Эмро деганимиз, яъни бешинчи синф толиби, мен-да ватанга бораман, деб йиғлаб қолди.

А. С.: — Наҳотки...

О. О.: — Ҳа, Оллоҳ шоҳид. Ватан таъриф-тавсифини ғойибона кўп эшитган...

Энди денг, Туркия шарт-шароитида ўртаҳол яшаймиз. Нолимайман. Хусусий ширкатим бор. Саноат институтини битирганман. Тижорат ишлари билан шуғулланаман. Кенгроқ ифода этадиган бўлсам, сизларда нима дейди, бир тери фабрикасининг эгасиман. Ишлаб чиқарадиган хилма-хил маҳсулотларимизни ич ва ташқарига сотамиз. Хусусан, Олмоний (Германия) ва Англия билан савдо-сотиғимиз баривож.

А. С.: — Туркиядаги ўзингиз раҳбарларидан бири бўлмиш «Туркистонликлар жамияти» қандай жамият?

О. О.: — Бу ҳам хусусий. Ҳар қандай оламшумул ишни-да хусусий этиб зимманга олмасанг, унинг фаолияти, натижаси бесамар бўлади. Бизнинг жамият энг аввало бутун дунёдаги туркистонликлар билан маданий-маърифий, иқтисодий муносабатлар ўрнатишга чоғланган. Туркийлар ажун (олам)да сочилиб ётган жуда катта миллат. Ғоят улкан маданият, санъат, адабиёт, маърифатнинг эгалари. Улар бир-бирини билишни хоҳлайдилар, ҳеч бир халқни заррача камситмаган ҳолда ўз тарихлари билан фахрланадилар, улкан бир дарахтнинг бутуқлари экаңликларини, айри-айри ётмасликларини истайдилар. Ўткинчи дунёда, келимликетимли умрда борди-келди қилишни севадилар, тинч-тотув алоқа ришталарини узайтиришга интиладилар. Бунинг нимаси ёмон? Жамиятимизнинг нияти пок, юраги тоза. Унинг барча юмушларига кенг йўл очиб бераётган Туркия давлатидан, раҳбарларидан чексиз миннатдоримиз.

А. С.: — Бултур Туркияда, декабрь ойи чоғи, Туркистонликларнинг II халқаро қурултойи бўлиб ўтди. Унда бизнинг бир гуруҳ ёзувчиларимиз ҳам иштирок этишди. Ана шу қурултой ишларининг амалий натижалари хусусида гапирсангиз.

О. О.: — Ҳаракатда — баракат. Қурултойдан кейин Амиқо, Олмониё, Афғонистонда Танишув (алоқа) марказлари очилди.

А. С.: — Бизда ҳам, яъни «Ўзбекистон-Туркия» дўстлик жамияти иш бошлади.

О. О.: — Биламан, биламан, ташаккур! Ўзбекистон ҳукуматидан кўп хурсандмиз. Қутлуғ ишнинг бошида туришди.

... Хўш, давом этсам, қурултойдан сўнг «Туркистонликлар жамияти» аъзолари тарафидан «Маданий марказ» вақфи биноси қурилди. Уни қуришда нафақат жамиятимиз аъзолари, балки барча туркистонликлар қизғин иштирок этдилар. Тегишли Туркия вазирлари, бошқон (министр)лари катта ёрдам бердилар. Бундан ташқари, Афғонистондан ўзбек болалари таклиф этилиб, улар Истанбул, Анқара дорилфунунларида ўқитила бошладилар. Ўзбекистондан ҳам бориб қолишар, деган умиддамиз... Тағин бир улуғ иш: бутун туркий тилларига муштарак «Алифбо» (лотин ҳарфида) яратилмоқда. Уни Туркия Қултур (маданият) бошқони ўз назорати остига олган. Хуллас, 3—4 ой ичида шунақа ишлар...

А. С.: — Орифжон, Сиз ўзингиз айтмоқчи, иш одами, яъни бизнесмен. Йирик тери фабрикаси хўжайинисиз. Ўзбекистонга келар экансиз, албатта, маълум бир ниётлар билан қадам ранжида қилганингиз табиийдир.

О. О.: — Азимжон, бемақсад одам — саҳро самуми! Келишимдан биринчи мақсадим: келажакда Ўзбекистонда бир тери фабрикаси (заводи) очиш. Ҳукумат доирасида мутасадди кишилар билан гаплашдим. Ватандошларим билан ҳамкорлик қилсам, дейман. Тижорат — дўстлик асоси. «Ипак йўли»ни тижорат туғдирган. Бу йўлни йўқотиб қўйдик. Яна улуғ карвонлар қадимий йўлини топиб, қатнай бошласалар. Тарихи борнинг келажаги бор. Келажакка ишонаман, Ватанга ишонаман, юртдошларимга ишонаман... гарчи ҳозир бирор натижага эришмаган бўлсам ҳам. Келишимдан иккинчи мақсадим: Андижондаги қариндошларимни топиш эди. Она тупроқда бўлдим. Афсуски, бирортасини топа олмадим...

А. С.: — Тирик бўлишса дараги чиқиб қолар...

О. О.: — Иншооллоҳ... Ноумид шайтон.

А. С.: — **Бизнинг шаклланиб келаётган ёш бизнесменларимизга нима тилаklarингиз бор?**

О. О.: — Ажойиб раққосангиз Нурхон Жамол Камолнинг бир сўзини менга айтиб берди: «Дунёга чиқиш керак!..» Ҳа, дунёга чиқиш керак! Ота-боболаримиз каби қўрқмасдан, ҳайиқмасдан. Яна қайтариб айтаман: «Ипак йўли»га чиқиш керак. Сизнинг бир шеърингизни ўқийинми, ишонмайсизми, эшитинг:

Баҳор доим баҳорлигин
аён этар,
Офтоб нури булутларни
ёриб ўтар.
Бижғиб ётган қўлмакларни
кўп кўрдим-ей,
Оқар сувлар ўз йўларин
топиб кетар!

Қўлмак бўлиб ётишдан Оллоҳ асрасин. Оқар сув бўлайлик!

А. С.: — **Раҳмат, Орифжон! Навоий бобомиз айтган эканлар: «Умидим шулки, умидинга етгил!.. «Халқ сўзи»га истакларингиз?**

О. О.: — «Халқ сўзи» бор — Ватаннинг камоли бор. «Халқ сўзи» халқ ва Ватаннинг камолотига камарбаста бўлсин!

А. С.: — **Айтганингиз келсин!**

«Халқ сўзи»,
1991 йил 20 март.

ТИЛЛА ТОПДИ

(ҳикоя)

Эндигина сигирни соғиб, қозикдан унинг бузоқ-часини бўшатаётган Хадича ҳовлида қўранинг эргананини ёпаётган эрига қичқирди.

— Қаранг, Дўмбува келаяпти.

Арзиқул кутилмаган меҳмонни кўриб, шошиб қолди.

— Э, Дўмбува, келинг, келинг, бизникига ҳам келар экансиз-ку...

— Келдик, — деди Дўмбува салобат билан отдан тушиб. — Булбулсойга борган эдим, қуданикига, уйингнинг ёнидан ўтаётиб, раҳматлик отанг Бурҳон акам ёдимга тушиб кетди. Ҳаққига бир дуо қилиб ўтай, дедим.

Дўмбува, аслида ҳозир «Дўм», яъни қишлоқ шўроси раиси эмас, узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққан, лекин тилларда ҳамон «Дўмбува» ёки «Қудратдўм» деб аталувчи қозоқбашара, қориндоргина киши эди.

Арзиқул уйдан офтоба ва сочиқ олиб чиқишга улгурганча Дўм ўз гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ҳовли ўртасида шилдираб оқиб ётган ариқчага эгилди, кўлини чайган бўлди.

— Кираману чиқаман девдим, ҳеч нарсага уринманглар, — деди Дўм ичкарига кириб, кўрпачага чўқар экан, ҳатто ғалати бир ҳолатда ўнг кўлини кўтариб кўйди. — Қани, дуо қилиб юборайлик.

Меҳмон кўзларини хиёл юмиб, қандайдир сураларни кетма-кет улаб узоқ ўқиди. Ниҳоят, кўлларини юзига тортиб:

— Бурҳон акамнинг йиққани, сенинг топганинг бола-чақаларинга буюрсин, илоҳим, ҳузур-ҳаловатини кўринглар. Лекин замон қалтис, дўстдан душман кўп, эҳтиёт бўл. Фақат менга ўшандан икки дона берсанг бўлди. Биласан, Зафарбой Тошкентда аспирант, кўпдан буён тиш кўйдирмоқчи эди. Мендан аямассан, — деб гапини тугатди.

Арзиқул палағда туш кўраётгандай гарангсиб, гап нима ҳақида кетаётганини равшан англамай:

— Сиздан аяйдиган нарсам йўқ, — деди.

— Ҳа, баракалла, ота ўғли! Ўзим билардим аямаслигини. Ростини айт, қанча топдинг ўзи? Бирор кўза бордир?

— Нима, бирор кўза?

— Тилла-да.

— Қанақа тилла.

— Ўзингни гўлликка солма, Арзиқул, ҳозиргина аямайман, дединг-ку! Бугун пешинда отангнинг эски жойини бульдозер билан текислаётиб тилла топиб олибсан.

Арзиқул қаттиқ кулиб юборди.

Ҳақ гап. Арзиқул пешин чоғи кўкламда сел бузиб кетган қишлоқ йўлларини тартибга солиб юрган бульдозерчи Ўтап мўйловга «яримта»нинг пулини нақдгина бериб алмисоқдан қолган хароба ўринни уёқдан буёққа

сурдирди. Шу пайт кўмилиб кетган култепадан бир кумфон чиқди.

— Тиллани ол! — бақирди Ўтап мўйлов Арзиқулга бульдозерини эринмай тўхтатиб.

Арзиқул ичи-сиртига бироз култупроқ ёпишиб қолган кумфонни олиб қоқди, чертиб кўрди, у ён-бу ёнини айлангириб қаради, сўнг сойга ирғитди. Ҳозир у агар оқиб кетмаган бўлса, отган жойида ётгандир. Бор гап шу.

Буни Дўмга тушунтириб жўнатгунича шом ғирашира бўлди. У эндигина уйга кирмоқчи эди, новвос етаклаган кўшниси Жаниқул келиб қолди.

— Ҳа, нима гап? Новвос етаклаб олибсан, тинчликми?

— Тисс!.. Ҳаммасидан хабардорман, — деди Жаниқул сирли қилиб.

— Тун тушишини кутдим, бу новвос сенга, роса йўнғичқанинг кўрпасига боққанман. Сотмоқчи эдим, бегона бўлмасин, дедим. Тилланг куймайди, олавер. Биттагинасини берсанг бўлди — ўзи болалайверади... Лекин, ростини айтсам, бирор маротаба ҳам чинакам тиллани кўлимга ушлаб кўрмаганман. Қанақа бўларкин ўзи?

Арзиқул Жаниқулни уйига бошлаб меҳмон қилди. Сўнг сабрсизлик билан гап пойлаётган Жаниқулга бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Тагин алдама, Арзиқул, қадрдонлигимизга путур етади, — деди Жаниқул новвосини етаклаб йўлга тушар экан.

Соат ўнлар чамаси, бир мотоцикл тириллаб, чироғидан таралаётган ўткир нур тунни қоқ ёриб, сойдан ўтиб, Арзиқулнинг уйига бурилди. Қосим калта, 2-бўлим ҳисоббардори.

— Ўзингдан қолари йўқ, Арзиқул, — дея гап бошлади ҳисоббардор одатдагидан бошқачароқ чаптастлик билан кўришар экан. — Сен тиллаларингни ҳаммасини эплай олмайсан, мана бу корзинкада ўн минг, шунга ярашасини бер!

Арзиқулни ички бир қалтироқ босиб келди. Нима бўлаётти ўзи? Ўтап мўйловни эртагаёқ топиб, адабини бериб кўйишини хаёлидан ўтказди.

— Тилла йўқ, ҳеч қанақа тилла йўқ, — деди Арзиқул титроғини босиб олишга уриниб.

Шу пайт узоқдан машина овози эшитилди.

— Жим! — деди Қосим бошини сарак-сарак қилиб. — Жим, жим! Дире-е-кторнинг машинаси...

Қосим тулкидан қочган товукдай шоша-пиша мотоциклига ўтирди-да, жўнаб қолди.

— Бир қарорга келсанг, мени уйдан топасан!..

... Арзиқул не кўз билан кўрсинки, ҳақиқатан ҳам директор машинадан ўзи ёлғиз тушиб келар эди. У салом-алиқдан сўнг:

— Молдан қанча бор? — деди бепарвогина.

— Қанақа молдан?

— Нима, молни унутиб қўйдингми? Эчки, улоқ-пулоқ дегандай...

— Ҳа-а... Бир сигир, бузоғи билан. Тўртта қўй, беш-олти эчки...

— Жим-м... Энди бойиб кетасан, — деди директор беўхшов. — Аммо лекин шу тундаёқ тиллаларни «гум» қилиш керак. Овоза бўп кетибди. Олиб қўйишади. Бундай ишлар ими-жимиди бўлиши керак. Хомсан! Шеринг ё хотининг, ё болаларинг оғзидан гуллаб қўйишган. Бўлар иш бўлди. Мен уларни «юқори»га ошириб юбораман. Олиб чиқ, уйингга кириб ўтирмайман. Ҳисоблашаверамиз. Омадинг бор экан...

— Менда тилла йўқ, директор бово! Ҳеч қандай тилла топганим йўқ! Қуруқ қумғон топгандик...

— Бас қил, олиб чиқ! Менга йўғу элга борми?

— Йўқ... эски қумғон... анави сойда ётибди, эртага олиб...

— Йўқ, — деди директор важоҳат билан — Қамаласан!..

У эрта саҳарда бола-чақасининг ёнига кириб, дармони куриб, ухлаб қолди. Бир пайт тарақ-туруқдан чўчиб уйғонди. Зўрға кўзини ишқалаб очиб у ёқ-бу ёққа қаради. Кимдир уйдан «лип» этиб чиқиб кетди.

— Хотин, ў хотин, тур! — Арзиқул кичкинтойини бағрига босиб, хориганидан донг қотиб ухлаб ётган хотинини турткилаб уйғотди.

— Қара, уйга ўғри тушибди, шекилли...

...Эр-хотин ҳали юзларини ювиб улгурмасданоқ кўк чироқларини липиллатиб «Милиция» деган ёзувли машина уларнинг уйи ёнида пайдо бўлди...

— Эримни олиб кетишди, — деди қўлтиғига икки нонни қистириб, ҳовлига икки чақирим жойдан кириб келган Эшматнинг хотинига Хадича.

— Ҳа-а... — деди Эшматнинг хотини чўзиб, — тиллаларингни ҳам олиб кетишдими?

Хадича йиғлаб юборди...

«Халқ сўзи»,
1991 йил 12 апрель.

ҲАЙДАРКЎЛ — ИККИНЧИ ОРОЛ

1969 йил ҳамон халқимиз хотирасида. Чунки унинг киши ниҳоятда қаттиқ, кўклами серёғин, сертошқин келган. Ҳалокатлар ҳам озмунча эмасди. Хусусан, ҳозирги Ҳайдаркўл ўрнидаги бутун-бутун овуллар сув остида қолиб кетди. Қанча-қанча қўй сурувлари, йилқи уюрлари, подалар, ёввойи жониворлар, ҳатто одамлар даҳшатли тошқин комида нобуд бўлдилар. Қадимги машҳур Тузкон (Жиззах вилоятидан 50—60 чақирим шимоли-ғарбда, Нурота тизма тоғларининг бир тармоғи — Писталитоғдан 5—10 чақирим шарқда) тор бўғоз орқали Ҳайдаркўл билан қўшилди. Натижада, 1970 йил маълумотига қараганда, кичкинагина кўл майдони 400 квадрат километрга етди.

«Самарқанд вилояти, Жиззах уезди Нурота тизма тоғларининг шимолий ён бағрида Тузлик кўл жойлашган, — дея хабар берилади 1904 йил Санкт-Петербургда нашр этилган «Қатта Қобуснома»да (иқтисодчи С. Н. Южаков таҳрири остида). — Унинг узунлиги 27, эни 13 чақирим. Бу кўл воҳанинг кўпгина қисмини туз билан таъминлайди. Ҳар йили 200 минг пуд туз Бухоро амирлигига ҳам сотилади. Тузли қора балчиқлар соғлиқ учун жуда шифобахш. Улардан маҳаллий халқ фойдаланади. Лекин ҳеч қандай даволаниш муассасалари қурилмаган».

Демак, ҳозирги Ҳайдаркўл асримиз бошларида ҳам «Қатта тузли кўл», «Тузкон» номлари остида мавжуд бўлган.

Бугунги Ҳайдаркўл манзараси бироз бошқача. Унинг Арнасой томонида чоғроқ «Наврўз» посёлкаси бунёд этилган. Мактаб, болалар боғчаси, магазинлар бор. Жиззах балиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжалиги, балиқ дудлаш заводи ишлаб турибди.

— Бир кунда ўртача 10—12 тоннагача тирик, 2 тоннагача дудланган балиқ жўнатамиз, — дейди бирлашма бош директори Толиббой Сафаров, — Тошкент ва Жиззах аҳолисини таъминлаш бизнинг зиммамизда. Ҳозир Ҳайдаркўл сатҳи кенгайиб, туби чуқурлашиб кетган. Узунлиги 200 чақиримдан ортиқ, эни 25. Балиқ тутиш осон иш эмас. 1991 йилда давлатга 2800 тонна балиқ топширишимиз керак. Лекин бу жонивор йилдан-йилга камайиб кетаяпти...

— Тўғрисини айтсак, — суҳбатга қўшилди Сирғалбой Баратов, — икки йилдан буён планни уддалол-

маяпмиз. Бунинг асосий сабаби сувнинг шўрланиши ошиб кетганидандир. Балиқларни табиий ҳолатда урчи-тиш масаласи кескин бўлиб қолди.

Ўролбой Муродимов, Абдувоҳид Ермонов каби хизматчилар ҳам бу ҳақда куюниб гапиришди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, кўкламги жалаю селларни ҳисобга олмаганда, Ҳайдаркўлга турли тармоқлардан, Марказий Мирзачўл коллектори, Киров номли канал, пахта далаларидан чиққан оқава сувлар қуйилмоқда. Улар зарарли химикатлар билан тўлиб-тошган. Балиқ ҳам худо яратган тирик жонивор, ахир! Кўлда уларнинг хиллари кўп: зоғора балиқ (сазан), судак, лаққа балиқ (сом), вобла, леш, илонбош балиқ, ноёб увилдириқ (икра) берадиган жерих...

Қолаверса, кучли буғланиш ҳисобига кўл сувининг сатҳи доимий равишда пасайиб бормоқда. Ҳайдаркўлни маълум даражада тоза сув билан таъминлашнинг иложи борми? Ҳа, бор! Бу манба Сирдарёдан оби-ҳаёт оладиган Чордара сувомбори. Ҳозир у уч метр баланд кўтарилган. Агар Ҳайдаркўлга Чордарадан вақти-вақти билан оқар сув қуйилиб турилса, у биқик ҳолатини ўнглаб олган бўлармиди. Афсуски, Чордара сувомбори Қозоғистон тасарруфида.

Ҳурматли муштарийларимиз Орол қуриб бораяпти-ю, Ҳайдаркўлга бало борми? — дея ҳайрон бўлишлари мумкин. Бунга асос йўқ. Ҳайдаркўл табиий қудратдан яратилибдими, демак, бу бежиз эмас. Уни ҳам Орол каби асрашимиз керак. Қолаверса, у юқорида тавсифлаб ўтганимиздек, 1969 йил июлидаги уч кунлик жалаю тошқиндангина пайдо бўлмаган.

Бугунги кунда Ҳайдаркўл кўкида қушларнинг юзлаб тури учди. Қирғоқларида жайронлар югуради, бошқа турли жониворлар ризқ-рўз топади. Биз табиий муҳитга, иқлимга нисбатан ғоят лоқайд ва бепарвомиз. Агар Ҳайдаркўл Японияда пайдо бўлганда эдими...

Яна бир фикр. Табиий қора балчиқлар кони фойда эканлиги асримиз бошида ҳам маълум экан. Ундан ҳозир ҳам фойдаланишяпти. Семашко номидаги курортология ва физиология институти, бошқа тиббий муассасалар қора балчиқни Ҳайдаркўлдан олишади. Шундай экан, наҳотки, Ҳайдаркўл қирғоқларида баҳоли қудрат бир-икки тиббий муассаса қуришнинг иложи йўқ? Ахир халқимизда бунга эҳтиёж катта эканлиги сир эмас-ку?

Фикримизча, Ҳайдаркўлга ҳам мурувватли инсонлар ёрдами керак. Зеро, қудрати холиқ яратган табиий бойликка беписандлик, сунъий тўсқинлик жиноятдир!

«Халқ сўзи»,
1991 йил 27 апрель.

ВАТАН

Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
Эсдан чиқар они кўргоч кўргон ерим!

Содиқий ХОНДАЙЛИҚИЙ.

Ватан! Қадим-қадимлардан оташ олови сўнмай келаётган муқаддас ўчоқ! Ватан — чироғи мангу ёниқ муборак хонадон! Ватан — суйганларни эр қилган, нонкўрларни кўр қилган илоҳий тупроқ. Ватан — гоҳ кулдириб, беғоҳ йиғлатган мўъжиза қўшиқ, афсунгар наво! Ватан — она тил, ота тарих!

Ватан!... Гулдек гўдак иси келаётган бешикни эслатмаяптими, бу Сўз?! Узоқ қиш кечалари сандал атрофида жамулжам, эртанги кунлар ҳақида гурунглашаётган тугал оилани кўз олдингизга келтирмаяптими, бу Сўз?! Сарин насимларда енгилгина тўлқинланиб, кумуш юлдузлардек товланаётган буғдойзорларни ёдингизга келтирмаяптими? Тандирдан ҳозиргина узилган, тафтию ҳиди уфуриб турган бўрсилдоқ нонни хотирангизга солмаяптими, бу Сўз? Отлар дупурини, қилич-қалқонлар садосини қулоқларингизга олиб келмаяптими, бу Сўз? Фанимнинг танидан жудо қилган, бошини қон тўлдирилган мешга солиб, мағрур сўзлаётган Тўмарис она кўз олдингизга келмаяптими: «Сенга мен эмас, менинг ҳусни жамолим эмас, ота маконим керак эди!..»

Бу Ватан азал-азалдан Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб аталиб келгучи буюк макон кимларга керак бўлмади? Лекин ҳар сафар ҳар қандай ёвга: «Биз Ватан учун, шу Ватанда яшаш учун қон тўкаямиз, сиз душманлар эса қон тўкиш учун яшаяписизлар. Бу Ватан шундай дахлсизки, унда асл эгалари, уни ардоқлаган, севганларгина яшай оладилар. Қон тўкканлар яшай олмайди. Ҳар бир тоши ўққа айланган, гиёҳи заҳарга, суви заққумга, ўраси чоғга айланган!» деди ёвқур боболар.

Ўйлаб қоламан, нега ўзбекнинг куйи бунчалар гамгин, бунчалар маҳзун, бунчалар дил ўртагувчи? Нечун ўзбекнинг қўшиғи бунчалар нолакор, бунчалар андуҳли, бунчалар ситамли? Бунинг боиси бор, албатта. Бино бўлибдики, жабру жафолар чеккан, бош ўчоғи деб, бир парча нон деб, азиз эл-юрти деб — ватани деб олам-олам азоб-уқубатлар чеккан келимли-кетимли халқнинггина куй-қўшиқлари ана шундай фиғонли, армонли, аламли бўлади! «Муножот»ни, «Чўли ироқ»ни, «Ушшоқ»ни, «Шашмақом»ни... истаганингизни тингланг, фикр қилинг. Ватан тарихини билишда куй-қўшиқлар тарихини ўрганиш нечоғлик улуг!

Ҳар бир халқнинг ўз ватани ўзига азиз. Инсоният тарихини кўздан кечирганда, бирон-бир халқ туйғуларини камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, ҳеч бир халқ биздек ўз киндик қони томган тупроққа эл-юрти — Ватанига меҳр-муҳаббат, ихлос, эътимод, садоқат ришталари билан боғланмаган... Азал-умрбод арпа-буғдой, жўхори, тариқ сепиб, ариқ қазиб, боғ-роғ яратиб, бирини кесса ўнини экиб, кўй-кўзи орқасидан юриб — бирини сўйса ўнини кўпайтириб, топса иморат қуриб, қора қозонини ҳалол қайнатиб келган халқ сел келадиган сойга кўприк қуриб, йўл ўртасидаги тошни четга суриб савобга, яхшиликка Тангрисига сизингандек сизиниб келган халқ — ёв оёқлаганда жангдан қайтмаган, алпга айланган. Зеро, Ватан бўйи — ботирлари ва шоирлари билан ўлчанади. Зеро, Ватан умри — халқ умрига тенг!

Юртимиз тарихидаги катта истилолар даври: Спитамен Искандар бошлаб келган юнонларга қарши сўнгги томчи қони қолгунча курашди. Қутайба бошлиқ араб лашкарларини ҳайратга солиб, куликдан фано эркин афзал кўрган Муқанна оловда ёнди, душмани Чингизхонни ҳам ёқавайрон қилиб, ўз онаси, хотини, болачақаси, канизакларини дарёга чўктириб — Ватанни — Озодликни арши-аълога чиқариб (қайси халқ тарихида бундай воқеа бор?) Жалолиддин юрти эрки учун жонини фидо қилди. Мўғуллар билан бўлган жангда яна бир улуг зот — Нажмиддин Кубро Ватан туғини қучиб соҳиби жаннат бўлди. Темур Малик бевақт ҳаётдан кўз юммаслиги мумкин эди, йўқ, уни Ватан тупроғи чорлади: душман тўла юртга қайтди — охири нафасини Ватан ҳавосидан олди! Ё раббий! Буюк Темур Ватанга кўз олайтирган ғанимларга қасос учун яратилгандек...

Ватан — юрак қони! Улуг муҳаддис — Имом Исмоил

Бухорий умри поёнини сездими, Маккаю Мадинадан Ватанга қайтди. Ватанда илм қадрига етмовчилар — жоҳиллар кўп, бироқ у ягона! Ҳа, у ягона! Эртақларда девлар жони ўзида эмас, аллақаерларда: горлардами, қоялар ичидами, сандиқлардами... сақланар экан, чин инсон жони эса ҳамиша Ватанда сақланади! Ўзбеклар тарих тақозоси билан қаерда яшамасинлар, лекин ҳамиша ота маконларига интилганлар.

Олмонияда яшаган, собиқ Бухоро жумҳурияти раиси Усмонхўжанинг ўғли доктор Темирхўжанинг сўзлари беихтиёр ёдимга тушади: «Шуни айтмоқчиманки, Ватандан чеккада ҳам ватанпарварлар яшайди, улар ҳам Ватанни худди сизлар каби севади, улар шу халқ йиғласа йиғлайди, кулса кулади... Ватан — бу илдиздир. Бу юртда илдиз отмаган, унинг тупроғини ҳурмат қилмаганлар бу ерни Ватан қилолмайди. Илдиз — рўпарангда боболар арвоҳи чирқиллаб туришидир. Илдиз — шу ернинг тилини, урфини, фақат тилига эмас, қалбига сингдиришдир. Бизнинг боболар ҳам Туркистонни ватан дейди, чунки илдизимиз бизни кўкартирувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда. Биз бу тупроқни ҳеч қаердан топа олмаймиз. Тупроғини унутган одам — ўзлигини унутган одамдир.

Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!..»

Ҳа, бугунги кунларимизда жони Ватанда сақлангувчи кишилар оз эмас: бу — доктор Боймирза Ҳайит, бу — Вали Қаюмхон... бу — Абдулла Чигатой, бу — қанча-қанчалар...

Халқим ватанпарварлигига, ватан туйғусининг бетимсоллигига мисол тариқасида улуғ турк маърифатпарвари Зиё Кўкалп (1876—1924)нинг «Ватаний ахлоқ» асаридаги қуйидаги воқеани келтириш мумкин: «Татар ҳукмдори Хун давлатининг асосчиси Мэтэга ҳужум қилиш учун баҳона излаб, унинг севган отини беришини талаб қилди. Бу от минг фарсах чопа оларди. Мэтэ ватандошларини яна уруш мусибатига солмаслик учун отини татар хоқонига берди. Лекин татар хоқони тинчимади. Бу сафар у Мэтэнинг энг суюкли хотинини сўради. Беклар Қурултойда уруш эълон қилинишини талаб қилсалар-да, Мэтэ уларга «Мен Ватанимни ўз муҳаббатим ўғрисига алиштирмайман», деди ва севгилисини душманга жўнатди. Бундан кейин татар хоқони Хун ўлкасининг ҳосилсиз, зироатсиз, ўрмонсиз, маъдансиз, аҳолисиз бир парчасини талаб қилди. Қурултой бу фойдасиз ерни бериш мумкинлигини айтди, аммо Мэтэ Ватан бизнинг

молимиз эмасдир, мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган авлодларимизнинг бу ерда ҳаққи бордир. Ватандан бир қарич бўлсин ер бермакка ҳеч кимда ҳуқуқ йўқдир. Демак, уруш этажакмиз!..» дейди ва жангга кирдилар.

Отнинг оқлиги ой ўрнини босмас, дейдилар. Ватан ўрнини ҳеч нарса босолмайди! Бобур ватан тупроғида ўсиб-унган қовуннинг бир тилими устида кўз ёши тўққанлигига ишонмасдан илож йўқ.

Ўзбекман. Ватаним — Ўзбекистон! Туркийман. Ватаним — Туркистон. Ватаним келажаги — Турон!

ВАТАНИМнинг бугунига қарайман. У улкан мамлакатнинг, парча-парча бўлиб ётган мамлакатнинг бир бўлаги. Ватаним — Уйғониш азобларини тортаётган Ватан! У яқин-яқиндагина нималарни бошидан кечирмади?! Фарғона, Бўка, Ўш, Ўзган, Наманган фожиалари шундай ёдимизда. Бегуноҳ тўқилган қонларни Ватан унутмайди! Жаҳондаги жамики ўзбеклар бугун Ватан билан боғланмоқдалар. Туркиядан ўзбек ўғлонлари Аҳад Андижон, Ўрхон Қовунчи, Саудия Арабистонидан Зухуриддин Туркистоний, Аҳмадилла Туркистоний, Афғонистондан Асадилло Ҳабиб, Амриқодан Абдурауф Мақсудий, Олмониядан Темурхўжа Ватан зиёратида бўлдилар. Улар Ватан учун қўлларидан келганча ёрдам беришга тайёрлар.

Термиз, буюк муҳаддис Термизий зиёратгоҳи ёнида бугунги Афғонистон ерларига тикиламан. Унинг қаеридадир, яъни Ҳиротда жаннатмакон бобом Алишер Навоий хоки-туроби бор. Мен уни ўз инон-ихтиёрим билан тавоф этиб келолмайман. Эвоҳ, Бобур бобом хонақосини бир кўришга зорман. Қирқ икки йил илмфанни, адабиёт, санъат меъморчилик соҳаларини гуллатиб яшнатган Ҳусайн Бойқаро бобом қабри ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Ва ёки шайтони лаъин — чор амалдорлари тарафидан қувғин қилинган Зокиржон Фурқатнинг Ёркентдаги сўнгги маконини зиёрат қилолмайман. Бир умр Туркистоннинг бир бутунлиги, мустақиллиги учун жон фидо этган Мустафо Чўқайнинг қабри қаерда экан?

Эвоҳ, улардаги ватан туйғусини, ватанпарварлигини, миллатпарварлигини ҳеч қандай тарозида ўлчаб бўлмайди! Ватан! Ватан — тупроқ! Бугун бу тупроқ заҳар-заққумларга қоришиқ, мажруҳ, ярадор. Аммо тупроқ қанча топталмасин, у барибир чечак ундиради, у боғлар ўстиради!

«Мендан сўранглар, мен кулоқ солгувчи ва ато этгучиман», — дейилади Қуръони каримда. Биз Тангри таолодан Ватанимиз тупроғи дахлсизлигини, озодлиги, эрки, бахти, ҳамиша ёр бўлишини сўраймиз. Унинг муносиб эгалари — қалбида Ватан туйғулари устувор ботирлари, шоирлари, деҳқонлари, хунармандлари, олимлари, санъаткорлари бўлишини илтижо қиламиз. Зеро, **«Замон ўтар, киши тўймас, инсон боласи мангу қолмас»** (Маҳмуд Қошғарий). Аммо халқ омон бўлса — ватан қолур!

ТУТҚУН

Фанимлар таҳқирлаб бешафқат,
Онангдан айрилдинг, дедилар.
Тутқуннинг кўзида, бетоқат,
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.

Кўз ёшлар боиси — ғам, алам,
Ёрингдан айрилдинг, дедилар.
Кўзига боқдилар шод, хуррам, —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.

Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг дедилар.
Ва унинг кўзида сўнгги дард —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!

ТУРОНЮРТ

Менга айтинг, чегара нима?..
Мустабидлар топган ўйиндир.
Сузиб борар уфқда кема,
Бутундир Туронюрт, бутундир.

Ота мозий қаърига тортар,
Ким ўзбек, ким қозоқ, ё хундир.
Юрагимга бир тош зил ботар,
Бутундир Туронюрт, бутундир.

Ҳасратимнинг йўқ эрур чеки,
Турон эли битта будундир.
Қондошлар қон тўкишар, лекин
Бутундир Туронюрт, бутундир.

На-да Бишкек, на Бухоро у,
На Ҳирот, Марв на Истанбулдир.
Ёлғиз яра, ёлғиз даво у,
Бутундир Туронюрт, бутундир.

Тарвақайлаб ўсган шох-шабба,
Бир дарахтга айланган кундир —
Кўтаргум мен офтобранг бода,
Бутундир Туронюрт, бутундир.

ВАТАН

— Улар қандай яшар, биродар,
Тақир саҳро, самум, довулда?
Бу саволни, менга неча бор,
Беришдилар тоғли овулда.

Йўловчиман, саҳроликлар ҳам
Кўноқ этди ўз даврасида...
— Улар қандай яшайди, ошнам,
Қон қақшаган тоғ орасида?

«Мулоқот» журнали,
1991 йил, 6-сон.

«МИЛЛАТ УЧУН ҚАЙҒУРИНГ...»

Оллоҳ таоло ғайратли одамларни яхши кўради.

Ҳадис.

Мен Аҳад Андижон билан Ўзбекистонга илк дафъа келганида кўришгандим. Аммо дилдан суҳбат қуриш «Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви» иш бошланган кунларга тўғри келди. У эндигина қирқ ёшга кирганлигига қарамай, бутун туркий оламда машҳур: Туркиядаги «Туркистон» жамияти президенти, «Туркистон» журналы — дарғисининг бош муҳаррири, Истанбул университети профессори, — тиб илми билимдони, бир қанча илмий асарлар муаллифи, айна пайтда кенг қамровли, серфаолият сиёсат кишиси, самимий инсон.

Бу қизғин суҳбатимиз биргина стол атрофида эмас, кўпгина жойларда: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» даргоҳларида, Ўзбекистон зиёлилари билан бўлган ўзаро учрашувларда, ҳатто тўйларда, йўлларда кечди. Ҳар бир лаҳза Аҳад Андижон учун қимматли: кўриш, билиш, танишиш, чоғиштириш, ўрганишга кунлар етмайди.

Энг аввало рўзномамиз мухлисларининг қизиқишларини ҳисобга олиб, Аҳад Андижоннинг таржимаи ҳолини, насл-насабини, умуман, ўзи ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдим. Зеро, мингнинг отини билгунча, бирнинг зотини бил, дейди халқимиз.

Аҳад АНДИЖОН: — Ўзбек туркиман. 1951 йил Афғонистонда туғилганман. Бир яшарлигимда Туркияга кўчиб борганмиз. Оқшаҳарда бошланғич — ўрта таълимни олиб, 1968 йилда Истанбул университетида тиб (медицина) таҳсилини бошладим. 1974 йилда уни тугатиб, икки йиллик аскарликка кетдим. Қайтиб Истанбул университетига ишга кирдим. Уй бекамиз ерли турк қизи. Ойбек ва Элбек деган ўғилларимиз бор.

Бобомиз Ғойиб Ҳожи замона зайли билан қулоқ қилиниб отилган. Отам Ҳожи Йўлдош 1933 йилда Афғонистонга ўтган, у ерда менинг онам Биби Ҳожида хонимга (асли фарғоналик) уйланган, (аввалги хотини, яъни кўп йиллар Амриқода, ҳозир Туркияда яшаётган Абдураҳим акамнинг онаси Андижонда вафот этган экан).

Биби Ҳожида хонимдан мен ва Зубайдахон дунёга келганмиз. Отам ҳам, онам ҳам ватан дардини юракларига жо қилиб абадул абад бақога риҳлат қилдилар.

Азим СУҲОН: — Жойлари жаннатда бўлсин.

Аҳаджон, «Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви»га сизнинг келишингиздан мақсадингиз нима? Билшимча, сиз ҳозир бирор истақ ёки таклифни ўртага ташламайсиз?

Аҳад АНДИЖОН: — Жуда тўғри. Мен ғоятда муҳим бу учрашувни фақат ўз кўзларим билан кўрмоқ учун келдим! Таассуротларим ёмон эмас, аммо ҳамма гап келишувларнинг самарасида! Шубҳаланаяпман, ўйланаяпман, умид қилаяпман! Ахир, Совет Иттифоқининг иқтисодий, сиёсий қурилмаси республикаларни бири-бирига қаттиқ боғлаган. Уларни бирдан айрим-айрим қилиб юбориш осон эмас. Қолаверса, етмиш йилдирки, шакланган бюрократиянинг ҳам таъсирини бир-икки

кунда йўққа чиқариш хаёлий чўпчак. Хуллас, қаттиқ амалий фаолият кўрсатиш керак бўлади.

Азим СУЮН: — **Ўзбекистон иқтисодий бўҳрондан қандай йўллар билан чиқиб кетиши мумкин, деб ўйлайсиз?**

Аҳад АНДИЖОН: — Ўзбекистон ўз келажагини ёлғиз бошигагина ўйласа, нотўғри бўлур эди. Ахир дунёда бир миллиарддан ошиқ нуфузга эга бўлган Чин (Хитой) давлати бор. Тахминан икки юз миллионлик Ўрусия федерацияси бор. Шундай экан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон (Туркистон) республикалари айро-айро катта куч-қудратга эга бўлишлари мумкин эмас.

Иқтисодий жиҳатдан бир миллатнинг оёққа туриши учун нуфузи 50 миллионга борган бир ички бозорга эга бўлиши керак. Ана шундай ички бозорга эга бўлган миллат тез орада иқтисодий томондан ўзини тиклаб олади ва жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлади. Бу ҳозирда жорий бўлган иқтисодий қоидадир. Шу жиҳатдан қараганда, Туркистон республикаларининг иқтисодий жиҳатдан бир федерация ҳолига келиш мажбурияти ўз-ўзидан ўртада кўндаланг бўлади. Шу шаклда бажариладиган бир иқтисодий қурилма ёлғиз Ўзбекистон Республикасини эмас, бутун Туркистон республикаларини иқтисодий тарафдан кучайтириши мумкин. Олмаотада бўлиб ўтган анжуманга Туркистон республикаларининг раҳбарлари ҳам шу ўйлар билан йиғилишган бўлса ажаб эмас.

Иккинчи бир амалий иш — Туркистон республикаларининг ёлғиз иқтисодий томондан эмас, сиёсий томондан ҳам чет эл мамлакатлар билан қаттиқ алоқа ўрнатишлари кераклигидир. Зеро, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар чамбарчас — бирга олиб борилмаса, оқибати яхши бўлмайди. Жуда кўп нарса ҳукумат раҳбарларига боғлиқ.

Азим СУЮН: — **Халқнинг мақсад-муродларига, интилишларига таржимон бўла олмаган раҳбар раҳбар эмас!**

Аҳад АНДИЖОН: — Жуда тўғри. Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов тарих тақозоси билан юксак лавозимга келди. У киши фаолиятига биз катта умидлар билан қараяпмиз. Сиз айтмоқчи, халқнинг дилига «таржимон» бўлишига ва орзуларини юзага чиқаришда қаттиқ курашишни орзу қиламиз.

Очиқ бозор услубига ўтиш пайтида Туркияга ўхшаган охириги ўн йиллар давомида кўп катта ютуқларга

эришган мамлакатлар билан алоқа қилиш бутун Туркистон республикалари, айниқса, Ўзбекистон учун бағоят аҳамиятлидир. Туркия ички сиёсати билан шуғулланган бир инсон бўлганим учун у ердаги ҳукуматнинг Туркистон республикаларига нисбатан кўп яхши ниятлари борлигини биламан. Ўтган йил ичида Озарбойжон ва Қозоғистон республикалари билан бирга ўртоқлик ишлари амалга оширилди. Туркия бу республикаларга моддий-маданий ва технология томонидан ҳамкорликлар кўрсатмоқда. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам Туркия томонидан ҳамкорлик тўғрисида даъват қилинган. Келажакда таклифлар амалга оширилса, Туркия-Ўзбекистон ҳамкорликлари кўп яхши натижаларга олиб боради.

Азим СУЮН: — «Туркистон» жамияти ҳақида — кўп эшитганмиз. Туркияга борган-келган ўртоқлар сўзлаб беришган. Аммо унинг президентида эшитиш бошқа гап...

Аҳад АНДИЖОН: — Маълумки, Туркияда «Туркистон» жамияти 1954 йил ташкил қилинган. Баъзи сабабларга кўра 1975 йилда ёпиб қўйилган эди. Бу жамият 1982 йилда қайтадан тикланди. Мени президент қилиб сайладилар.

«Туркистон» жамиятига Туркияда яшаётган ўзбек, қозоқ, тожик, туркманлар уюшган. Қисқаси, уларни бир иттифоққа бирлаштириб турувчи жамият бу. Улар тақдирига дахлдор масалалар ана шу жамиятда ўз ечимини топиши мумкин. Бундан ташқари, бу жамият бутун жаҳон туркий халқлари ҳаётига ҳам бефарқ қарамайди... Дунё воқеаларига доимо ўз муносабатларини билдириб туради.

Жамият «Туркистон» деб аталувчи ўз дарғисига эга. У 1987 йилдан буён ҳар уч ойда бир нашр этиб келинади. Қадимги ва ҳозирдаги илмий, иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларни тадқиқ этиб, жаҳон жамоатчилигига билдирамиз. Амалиётимизнинг янада кенгроқ ёйилиши учун 1989 йил «Туркистон илмий тадқиқотлари вақфи»ни ташкил этдик. Унинг ҳам президенти этиб мени сайладилар.

Туркияда ҳар йили уюштириладиган 40—45 анжуманда сўзга чиқаман. Ўн йилдан буён конгресслар, суҳбатлар, турли-туман мулоқотлар уюштирамиз. Хориждан ҳам кўплаб меҳмонларни таклиф қиламиз. Ва айни пайтда ўзим ҳам бутун жаҳон илмий анжуманларида (Амриқо, Олмония, Фарангистон, Швейцария ва

бошқалар) иштирок этаман. Халқларимиз ҳақидаги ҳеч бир гап менинг назаримдан четда қолмайди.

Азим СУЮН: — «Туркистон» жамиятини аввал кимлар бошқаришган?

Аҳад АНДИЖОН: — Туркияда ҳам кўп фидойи одамлар бўлган ва ҳозирда ҳам кўп. Аҳмад Наим Ўқтам, Соли Эркинкўл, Ҳакимжон Қайнар каби докторлар шулар жумласидандир. Ана шу зиёлилар бир пайтлар жамиятимизни бошқариб келишган.

Азим СУЮН: — Туркияда, умуман, хорижий мамлакатларда яшаб келаётган миллатдошларимизнинг Ватан олдидаги қилган хизматларини нимада деб биласиз?

Аҳад АНДИЖОН: — Ота-онанг туркистонлик бўлиши тасодиф, аммо Ватанга хизмат қилишнинг шарт, бу ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган буюк бурч! Албатта, ҳар бир миллатдошимиз ҳам шундай ўйлайвермайди. Ватан йўлида хизмат қилиш учун ҳар бир киши маънавий ва моддий бой бўлиши керак! Фақат қуруқ гап билан ҳамма вақт ҳам мақсадга эришолмайсан. Сизлар кўп йиллар «босмачи» деб атаб келган миллатдошларимиз ҳаёт-мамот ҳарбларида имони йўқлигидан эмас, балки моддий дунёси бўлмаганлигидан енгилганлар!

Туркистонликларнинг етмиш йил мобайнида олиб борган энг муҳим ишлари, ютуқлари — Туркистон (Ўрта Осиё ва Қозоғистон) республикаларининг чет эллар билан алоқалари кесиб ташланган йигирманчи йиллардан то қайта қуриш даврига довур Ватанга тегишли барча муаммоларни ташқи мамлакатлардан илмий, сиёсий ва ижтимоий томонлардан хориж миллатларга билдиришларидир. Хусусан, шахсга сиғиниш ва турғунлик деб аталаётган йилларда Сизнинг зиёлиларингиз овозлари бутун жаҳон бўйлаб баралла эшитилмагани бизга билинди. Имконлари торлиги маълум эди. Ана шундай вазиятда Мустафо Чўқай, Боймирза Ҳайит сингари кўплаб Туркистон фарзандлари ўз асл ватанлари ҳаётларини жаҳонга танитишга, муаммоларини билдиришга катта куч-ғайрат сарфладилар. Ҳали улар хизматларини тарих, Ватан муносиб баҳолашларига ишонаман!

Азим СУЮН: — Четдан кузатган кўзларга ҳамма нарса очиқ-ойдин кўринади. Бизлардаги нималар маъқулу нималар...

Аҳад АНДИЖОН: — Нималар хунук демоқчисиз? Миллат учун яхши иш қилаётганда тезроқ бажараве-

ринг, ammo ёмон иш қилаётганда ўйлаб кўринг деган гап бор. Яхши ишлар сон-саноксиз, айтсам тугамайди. Лекин бир ёмон иллат бор экан, яъни ароқхўрлик. Кўпчилик ичади, шекилли. Миллатнинг, наслнинг айнишига, менимча, иккита нарса сабабчи бўлади. Биринчиси суюқоёқ аёллар, иккинчиси, айтганимдек, ароқхўрлик-майхўрлик. Гўзал тўйларни ҳам ароқсиз ўтказмас экансизлар...

Азим СУЮН: — Охирги савол. Ўзбек вақтли нашрларини оласизларми?

Аҳад АНДИЖОН: — Жамиятимиз «Шарқ юлдузи» дарғисига, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига обуна бўлишган. Бундан ташқари, «Қозоқ адабиёти», «Қирғиз адабиёти», «Совет Туркменистони», «Адабиёт ва санъат» (Тожикистон) каби рўзномалар ҳам оламузу, лекин Олмониядаги бир «Кубонсогнар» фирмаси орқали олишимизга тўғри келади. Истагимиз: уларни тўппа-тўғри Туркия ўзи олса. Бу масала икки давлат раҳбарлари ўртасида ўз ечимини топиши керак. Агар шундай истаклар туғилса биз ёрдам беришимиз мумкин.

Азим СУЮН: — «Халқ сўзи»ни олмаёписизларми?

Аҳад АНДИЖОН: — Жон-жон деб олар эдик...

«Халқ сўзи»,
1991 йил 28 июнь.

САРЧАШМА

(Сухбатдош: журналист Хулкар Тўйманова)

— Азим ака, шоирнинг юкини кўпчилик оғир, айримлар енгил деб ҳисоблашади. Шоир сифатида Сиз ўзингиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Истеъдод туғилади, меҳнат эса уни вояга етказди. Қаттиқ заҳматни, машаққатни, саводни, жамият ва инсонлар олдигади масъулиятни ўз зиммасига олмаган шоир саҳро куюнидек бесамар, беҳис, изсиздир. У ҳаётда ҳеч нарсага эришмайди. Ҳар қандай катта истеъдод эгаси бўлмасин, меҳнат қилмаса, у бора-бора сўниб битади. Демак, шоирлик меҳнати аста-секинлик билан юзага чиқади. Шоир мудом катта бурч, улкан масъулият билан аниқ, тиниқ мақсад учун курашиб яшаши керак. У биринчи галда халқи олдида жавобгар бўл-

сагина суюкли бўлади. Агар шоир фақат ўз дунёсига, ўз гамига бурканиб яшар экан, у шубҳасиз, таназзулга учрайди. Бундайларни шоир деб ҳам бўлмайди. Уларга бағишлаб шундай шеър битганман:

У севади оппоқ тоғларни,
Чақмоқларнинг шиддатин севар.
Кузак ели, яшил боғларни,
Танти офтоб талъатин севар.
Севади у гунча нафасин,
Шабнамларга беназир ошиқ.
Севади у қушларнинг сасин,
Осмон унга зангори қўшиқ.
Юлдузларнинг ҳарир жилоси
Майинобдек кирган қонига.
Тонглардаги найнинг навоси
Ёр ишқидек сингган жонига.
О, баридан буюк, муқаддас,
Она халққа бўлган севгиси.
Авлодларга мангулик мерос
Юрт ва ҳаққа бўлган севгиси.
Севги, севги ҳаққи ул шоир,
Севгисидан топгай саодат.
Англа, эй жон, ўшадир боис,
Ҳатто йиғлаб чекса ғам, фарёд!

Шоир ўз умри мобайнида тўсиқларга, зиддиятларга, зарбаларга учрайди. Уни ҳаётда ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Баъзан эмас, мудом уни оқ ва қора ранглар қуршаб олади. Қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар уни бўғади, гоҳо тушкунлик кайфиятига солиб қўяди. Бунинг сабабини ҳақиқий, ўтюррак шоирнинг ўз давридан илгарилаб кетиши, теварак-атрофидаги иқлимдан деярли норози бўлиб яшашидан излаш керак. Мен ҳам, масалан, бундан йигирма йилча олдин ҳозиргидай турли тўфонларга тўла замона келишини билардим. Чунки биз яшаётган даврда шунга замин ҳозирланаётганди.

Юнонларда шоирларни ярим пайғамбарлар, дейишган. Бу — худонинг ердаги элчилари дегани. Айтайлик, шоир Пушкин ҳам ўз давридан жуда илгарилаб кетганди, у рус ҳаётини жуда аввалдан кўра олган, башорат қилган. Шоирларда шундай зукколик борки, уларда бугунга нисбатан келажакни чуқурроқ идрок этиш қобилияти мужассамлашган. Пушкин каби ягона шоирни ҳам ўз жамияти қабул қила олмади. Ҳаттоки рус подшоси Николай ҳам унинг нима иташини, мурод-

мақсадларини тушунмади, тушунишни истамеди. Шоир... жуда қизиқ бир атама. Гарчи Пушкиннинг ўлимига Николай подшо ўз «ҳисса»сини қўшган бўлса-да, унинг вафотидан сўнг «Менинг Россиям ўз овозидан айрилди!» деб фиғон чекади. Ҳақиқатан ҳам, Пушкин тимсолидаги шоир Россиянинг гўзал овози эди. Ёки Нозим Ҳикмат ҳақида ривоятнамо бир гап бор. Турк подшосидан сўрайдилар: «Сизга ва сизнинг салтанатингизга қарши курашган Нозим Ҳикматни олдингизга тутиб келтирсалар, нима қилардингиз?» Шунда у жавоб берди: «Энг аввало, Нозим Ҳикматни қопга солиб, Қора денгизга чўктирдим. Кейин ўша жойда унга олтиндан ҳайкал қўйдирардим!» Бу нима дегани? Ўша шоҳ Нозим Ҳикматни кўрарга кўзи бўлмаса-да, унинг истеъдодига тан берган. Чунки, Нозим Ҳикмат Туркия шуҳратини бутун оламга олиб чиқди. Булардан кўринадики, шоирнинг елкасидаги юк гоятда залворли, оғир ва лекин чинакам шоир ҳаётда ана шу юкни кўтариб юришдан чўчимайди. Шоирнинг китобларини ўқиган мухлислар, уни четдан кузатганлар «Бу дунёда шоирга маза!», дейишади. Гўёки уларнинг назарида, шоирлик шеър тўқиса тўқиб, ялло қилиб юришдан иборат. Афсуски, шоирликни касб қилиб олганларга ҳаётда текис йўл ҳам, ҳеч қандай енгиллик ҳам, имтиёз ҳам йўқ. Шунга қарамай, шоирлик фахр. У саботли, матонатли, чидамли, бардошлидир. Бу хислат улар билан бирга туғилиб, бирга кетади.

— Азим ака «халқ педагогикаси» деган иборани тез-тез тилга оляпмиз. Ҳозирги тарбиядаги таназзул бизни халқ педагогикасига мурожаат қилишга мажбур этяпти, шекилли?

— Бир донишманднинг шундай гапи бор: «Ҳар кимса ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим!» Мактабларимизга, шоирона тил билан айтганда, ҳаётнинг ўзи кириб бормаса, унинг яхши-ёмон томонлари дарслиklarимизда зуҳур этилмаса, муаллимлар сиймосида жонланмаса, сиз таъкидлаётган таназзул кичрайиш ўрнига каттариб, мадда тўплаб бораверади. Шарқ мамлакатларида, қироатхоналарда, дарсларда, сабоқларда ўта ҳаётий китоблар ўқитилган. «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Минг бир кеча»нинг донишмандона руҳдаги афсона-ривоятларини ўқитишган. «Одобнома» дастурлари асосида таълим берилган. Асосий ва муқаддас дарслик «Қуръон» мактабхоналарнинг танҳо дастури бўлган. Илми толибларнинг ёшига мос-

лаб «Куръон» суралари асосида «Ҳафтияк», яъни унинг еттидан бир қисми ўргатилган. «Куръон»нинг 114 сура-сини 12—13 ёшдаги қобилиятли, зеҳни ўткир болалар ёдлаб олишган. Низомиддин Мир Алишер Ғиёсиддин ўгли Навоий даврида «Ўқуб ўтмоқ — уқуб ўтмоқ» шио-ри расм бўлган экан. Демак, халқимиз «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш»нигина эмас, уқишни ҳам муҳим деб билган. Мактабхоналарда диний китоблардан ташқари, дунё-вий билимлар ҳам ўргатилган. Халқ оғзидаги ахлоқий, маънавий, фалсафий руҳдаги мақоллар, масаллар, лати-фалар, ҳикоятлардан тарбия воситаси сифатида фойда-ланишган.

Бизнинг ҳозирги мактабларимиз ана шундай халқ сарчашмаси бўлган ҳаётий дарсликлардан ажралиб қолди. Аждодларимиз асрлар мобайнида сиғиниб кел-ган Ватанимизнинг катта тарихи ўқитилмай кўйди. Улардан бизнинг мактабларимизни сунъий равишда ажратиб юбордилар. Аччиқ ҳақиқат ойнадаги доғдек кўриниб қолди. Дилимиз хира.

Ўтмишимизга номақбул тошларни отишимиз, та-бийки, маориф тизимига ҳам таъсир этди. Мактабларимиз бутунлай бошқа руҳдаги даргоҳга айланиб кетди. Бу қусур олис эмас, яқин ўтмишимиз билан боғлиқ. Чор Россияси қадимги Туркистон диёрини босиб ол-гандан кейин ҳам моддий, ҳам маънавий парчаланиш юз берди. Биринчи галда ўз имломиздан жудо қилишди. Демакки, тарихимизни, маданий меросимизни, улкан ўтмишимизни ўрганишдан маҳрум бўлдик. Ўзга имлога йиллар мобайнида кўниктиришди. Аввалги имлодан кириллицага ўтиш халқимиз руҳини, турмушини бошқача изга солиб юборди, яъни биз овруполашишга, Оврупо мактабларининг таълим усулини қабул қилишга ўтдик. Бунинг фожиалари бугун ҳаммага аён. Ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва руҳиятидан келиб чиқадиган дарсхонаси, мактабхонаси, қироатхонаси бўлиши ке-рак. Ана шундагина миллат жаҳон тараққиётидан орқада қолмай илгарилаб боради, ривожланишнинг ой-дин йўлидан кетади. Жаҳоннинг бошқа халқлари билан куч синашишга ўзини қодир сезади.

— **Фикрингизни ҳаётий мисол билан исботласангиз...**

— Бугунги кунда тараққиёт чўққисига кўтарилган мамлакат, дейлик, Япония, Туркия маориф соҳасига беҳад кўп маблағ ажратган. Асримиз бошларида Япония бутун куч-қудратини маориф ривожига сарфлади, янги авлоднинг соғлом, ақлан бениҳоя баркамол бўлиб ети-

шувига имконият ахтарди ва бунга эришди. Давлатнинг барча муассасаларида япон тили қўлланилди. Ривожланмаган мактаблар ўз мамлакати учун қайғурадиган уддабурон ва ишбилармон кадрларни етиштириб беролмайди. Инглизлар Ҳиндистондан қувиб чиқарилгач, у ердаги мактаблар ўз она тилига ўтди. Ҳозир бу иссиқ мамлакатда маориф бизникидан анча илгарилаб кетган. Тил миллат ривожи эканлигини, афсуски, бизда кечроқ тушунишди.

Мен шуни иккиланмасдан эътироф эта оламанки, гарчанд бизда ўқитиш усули яроқсиз бўлса-да, минг-минг йиллар мобайнида шаклланган халқ тарбияшунослиги мавжуд. Бу жуда бой мерос, у ўзбекларнинг турмушига маъно бағишлаган. Урф-одатлару таомиллар, расм-русумлар, ўйинлар ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам. Бизда, Ҳулкар, халқнинг тарбиячилик роли замонавий педагогикадан устун қўйилди, бутун иллат ана шунда. Лекин барибир бу бой мерос боқийлигича қолади. Унга ҳозир ҳам келажакда ҳам мурожаат қилишга эҳтиёж туғилаверади.

— **Халқ тарбияшунослиги беҳад серқирра. У ҳеч қачон қуримайдиган денгизга ўхшайди. Халқимиз тилида сайқал топган эртақлар, дostonлар, афсонаю ривоятлар, мақоли масалларни олинг. Ахир улардан тарбия томчилари оқиб турибди, шундай эмасми?**

— Тўғри. Л. Н. Толстой «Мен ҳамма учун ёзаман» деган. Халқ оғзаки ижодининг ўлмаслик сири, сиз айтмоқчи: тарбиячилик ролининг сири ҳаммабоплигидир, халқнинг шахсиятини ўзида акс эттирганлигидир. Оғзаки ижод намуналари — халқ тарихининг муқаддас қисми. У кўкнори хаёлпарастликдан, сохта, тутуруқсиз ранглардан, рамзлардан, мавҳум, заминсиз сўз қалашиқларидан йироқ. Белинский айтганидек, унда «...осмон бору, аммо у ер билан чатишиб, бирлашиб кетган».

Илм маълум гуруҳлар учун ёзилади, лекин ҳақиқий адабиёт кўпчиликка мўлжалланади. Адабиёт тарихидан маълумки, жуда улкан олимлар ҳам ўз мақсадларини тарғиб қилиш учун бадий сўзни «қурол» қилишга тунтинганлар, халққа етиб боришини таъминлаганлар.

Мен ижодкор сифатида халқ оғзаки ижодини севаман. Ундан кўп нарсани ўргандим, ўрганияпман. Баъзилар уни ўта «содда» деб ўйлайдилар, чуқурроқ таҳлил қилишга, «ичи»га киришга йўл тополмайдилар, йўл топишни истамайдилар. Бу сўқмоққа тушиб олиш учун

халқ ҳаётини, турмушини энг оддий кўринишларигача билиш, ҳис қилиш керак. Халқ оғзаки ижодида, дейлик, биргина «гул» сўзининг тасвир жойига, ҳолатига қараб ўн хил маъно товланишини кўрсатиш мумкин. Фольклоршунос олимларимизнинг баъзи «тахлил»ларини кўриб, энсам қотади.

Кўлимда бўлса эди, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби туркум дostonларни мактабларимизда адабиёт дастури сифатида ўқитган бўлардим. Улардаги маънони ўқувчи осон тушунишига ҳеч қандай шубҳам йўқ. Ёки Эргаш Жуманбулбул ўғли дўмбирасида куйланган «Ойсулув», Ислom шоирнинг дostonлари қанчалик мароқли, эшитган сайин эшитгинг келади. Бу ижод намуналарида ўзликни танишга, Ватанни, эл-юртни севишга, ботир, шижоатли, халқпарвар, халқсевар, адолатпарвар бўлишга ундовлар бор.

Табиатга оид, уни муҳофаза қилишга, севишга ундовчи халқ оғзида маълум бўлган айтимлар, битиклар, афсоналар, лапарлар том маънода тарбия воситасидир. Умуман олганда, дарсликларимизда халқ оғзаки ижоди намуналари кам, ниҳоятда чекланган. Холбуки, ўзбек тили дарслигида, табиатшунослик, жуғрофия, ҳатто математикада ҳам халқ ижодидан фойдаланиш мумкин. Масалан, математика дарсини тенглама ва мисоллар билан анча зерикарли тарзда ўтишади. Ваҳоланки, бола зеҳнини ўткир қилишга ёрдам берувчи топишмоқлар тўлиб-тошиб ётибди. Газетхонларда шундай савол туғилиши мумкин: бутун жаҳон роботлашаётган, кибернетика кенг миқёсда қулоч ёйган асрда халқнинг эртакафсоналарга эҳтиёж борми? Бунга жавобимиз шундай: ахир бугун биз кўриб, ҳайратимизни ошираётган темир одамлар, яъни роботлар, космик кемалар ўша эртақларда башорат қилинмаганмиди? Учар гиламлар бугунги учар тарелкалар, самолётлар эмасмикин? Ойнаи жаҳон деганлари Фарҳоднинг Ширин жамолини кўзгуда кўрган мўъжиза эмасми? «Муродхон» дostonида Мурод «паланг» (менимча, фалак оти) отга миниб, қулоғини бурайди ва учиб манзилига етади. Ахир ўша фалак отлари бугунги тайёралар-ку.

Менга қолса, «Ўзбек халқ эртақлари» туркумида чиқарилган жамики китобларни, «Ўзбек халқ мақоллари»ни, топишмоқларни, ҳикоятларни, ҳикматли сўзларни, мақолу масалларни асосий дарслик сифатида мактабларимизга жорий қилган бўлардим. Мени бир

нарсa қийнайди: ҳатто адабиёт муаллимлари ўша машҳур дostonларни ўқишмаган, мағзини чақиб кўришмаган. Демак, улар қандай қилиб болага халқ оғзаки ижоди ҳақида гапира олади?

— Сиз кўпроқ халқона оҳангда ижод қиласиз. Юқорида сиз тилга олган «Гўрўғли», «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Юсуф ва Зулайҳо» ёки «Широқ», «Тўмарис» каби афсоналар, минглаб эртақлар авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Негадир, менинг кузатишимча, бугунги ука-сингилларимиз бу дурдоналарга унчалик ташна эмаслар.

— Начора, бу ҳақиқат, барига тараққиёт сабабчи. Хонадонларимизга телевидение, радио, видеомагнитофон каби мўъжизалар кириб келди. Чиндан ҳам ҳозирги ёшлар биз севиб, суйиб ўқиган дostonу эртақларни, бадий китобларни кам ўқишади. Бу билан уларнинг ота-оналари ҳам, ўзлари ҳам катта хатога йўл кўйишяпти, мен шунга ачинаман. Китобнинг аҳамиятини ҳеч қандай техник тараққиёт намунаси билан тенглаштириб бўлмайди. Сизни қийнаган бу савол мени ҳам изтиробга солади. «Арина Родионовна билан асримиз болаларининг ғойибона суҳбати» номли шеъримда ана шу муаммога жавоб топмоқчи бўлганман.

— Китобхонликни ривожлантириш учун нималар қилиш керак?

— Билмадим, энди... Ўзбекистон дунёда болалар китобхонлиги бўйича охириги ўринда. Чунки бизда болаларбop китоблар жуда кам нашр қилинади. «Чўлпон» нашриёти, Фафур Гулом номидаги ҳамда «Камалак» матбуот бирлашмалари болаларбop китобларни кўпроқ нашр этиши керак. Ҳозир нашриётларни қоғоз танқислиги исканжага олган, лекин бу янги авлоднинг камол топишига биринчи галда омил бўлиб хизмат қиладиган китобларни сифатли, мазмунли қилиб чиқаришга тўсқинлик қилмасин.

Видеолар авлодлар онг-тушунчаларини заҳарляпти. Яқинда Марказий Қўмитанинг махсус қарори кучга кирганига қарамай, ҳамон видеосалонларнинг тизгинини тортадиган мард топилганича йўқ.

Ҳеч шубҳасиз, болалар эртақни жуда севишади, улардаги қаҳрамонлардай зийрак, топқир, мард бўлишга интилишади. Шунинг учун уларнинг кундалик ва ойлик жумҳурият нашрлари — «Ленин учқуни», «Гулхан», «Фунча», «Ёш куч», «Ёшлик», «Сирли олам»да халқ оғзаки ижоди сарчашмаларини кўпроқ эълон

қилиш керак. «Керак, керак», дейверганимиз билан бу иш амалга ошмас экан, фарзандларимиз фан-техника асрининг сеҳру жодуларига мафтун бўлганча, асл дурдоналардан беҳабар, бенасиб юраверадилар. Бас, шундай экан: «бор экан-да, йўқ экан» деб бошланувчи эртақлар, замирида донишмандлик ётган ривоят ва ҳикоятлар, қаҳрамонликка ундовчи афсоналар камданкам одамлар қадам ранжида қиладиган кутубхоналардан лоақал рўзнома ва ойномалар саҳифасига олиб чиқилсин-да.

— Назаримда, биз узоқ йиллар мобайнида ўрис алломаларининг педагогикасига, хусусан, Сухомлинский, Ушинский, Крупская қарашларига сиғиндик. Ваҳоланки, халқимизда улардан минг карра кучли фалсафий, маърифий, тарбиявий характердаги манбалар бисёр. Тарбиямизнинг суюлиб кетиши ана шуларга мурожаат қилмай кўйганимиз оқибатида вужудга келдиёв?!

— Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, ҳар бир халқнинг дарсхонаси унинг ўз руҳиятидан, ўтмишидан келиб чиқиб жиҳозланиши лозим. Ҳақиқатан ҳам биз кўп йиллар давомида халқимизнинг турмуш тарзига, удумларига умуман бегона бўлган, унинг шахсиятига сингишмайдиган дарслик ва қўлланмаларга эга бўлганмиз. Маъмурий буйруқбозлик, мактабларни марказда туриб бошқариш туфайли биз ўз педагогикамизни йўқотдик. Йўқ, балки бундай дейиш керакмасдир, чунки ҳали ўзбекона одобларимиз, одатларимиз сақланган. Руслаштириш сиёсати, мустамлака сиёсати қурбони бўлдик. Тилга олган ўрис олимларининг педагогикаси, яъни тарбияшунослиги шу миллат болалари учун ғоятда мос, биз уни қоралашга ҳаққимиз йўқ. Ҳолбуки, ўзбек ўқувчиси билан ўрис боласи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Рус бола ўз ота-онасини, катталарини сенлаб гапириши уят эмас, афсуски, «ты», «мама», «папа» деган атамаларни беписандларча қўллайдиган ўзбек йигит-қизлари ҳам йўқ эмас. Уларни мен катта йўлдан адашиб қолган «йўловчи»ларга қиёс қиламан.

Мусулмон халқларининг қомуси ҳисобланган Қуръон, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Навоийнинг жамийки асарлари, Фаридиддин Атторнинг Мир Алишер кўз ёши тўкиб ўқиган «Манتيқут тайр», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон» асарлари, Кайковуснинг «Қобуснома»си, ҳинди мажмуа «Калила ва Димна», эҳе, санайверсак, бу

каби дурдоналар адо бўлмайди. Бироқ, айтинг-чи, Навоий бундан мустасно, ўрта мактабларимизда ана шу жавахирларнинг қай бирини ўрганишяпти? Таъкидлаганингиздек, биз ўрис алломаларини валломат, худо даражасига кўтарганмиз. Ҳатто ҳозир ҳам улардан воз кечгимиз келмайди...

— **Бунинг учун жамият айборми, одамларми?**

— Узимиз, яъни жамиятни бошқарувчи кучлар айбдор. Ҳатто Москва ҳам айбдор эмас, маориф тизимини бошқариш оромкурсида ўтирган мансабдорлар айбдор. Ахир дарсликлар ҳам, мактаблардаги муҳит ҳам уларнинг кўрсатмасига асосан шаклланган.

— **Ҳўш, сизнингча, энди нима қилиш керак?**

— Агар миллий мактабларимизда эски ёзувимизни ёппасига ўргатишни йўлга қўя олсак, ёрқин келажакка йўл очган бўлардик.

— **Сўнги саволим анъанага мос. Мактабда асосий ватакчи куч ҳисобланган ўқитувчига, яъни рўзномамиз муштарийларига суҳбатимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда қандай истаklar билдира оласиз?**

— Эзгуликни ҳаммамиз ҳаётдан қидирамиз, тўғри, у турмушда учрайди. Лекин, менинг наздимда, у аввало халқимизнинг ўлмас сарчашмаси — эртагу дostonларда, масалу ривоятларда абадулабад яшайди. Илм ўргатувчиларга, яъни муаллимларга шундай дегим келади: халқнинг орасида юринг, унинг оғзига қулоқ тутинг, унда ҳали айтилмаган эртаklar, ёзиб олинмаган мақоллар ниҳоятда кўп. Болаларни эртаklar олами сари бошланг, мақолларнинг мағзини уларга чақиб бераверинг, кам бўлмайсиз. Дostonларни эса улар билан биргаликда мутолаа қилишга вақтингизни қизганманг!

— **Инсоний тилаklarингиз ҳам бордир?**

— Албатта. Ақлий меҳнат кишиларига аввало мустаҳкам асаб керак. Муаллимларга бардошли асаб тиламан, агар улар шунга эга бўлсалар, соғлиқлари ҳам, кайфиятлари ҳам жойида бўлади.

— **Оқилона тилаklarингиз учун муштарийларимиз ҳамда «Маърифат»нинг минглаб мухлислари номидан миннатдорчилик билдираман.**

«Маърифат»,
1991 йил 13 июль.

СПОРТ — МИЛЛАТ БАРКАМОЛЛИГИ ДЕМАК!

(Суҳбатдош: журналист Юлдуз Каримова)

— Азимжон ака, Сизни ёниқ шоир, публицист сифатида ўқувчиларимиз жуда яхши билишади. Бир қанча асарларингизда, жумладан, «Сарбадорлар» шеърӣи фожиянғизда, «Иморат ва ёки бир томчи сув денғизга айланган Кеча» достонинғизда, «Кураш», «Устоз ва шогирд» синғари яхлит шеърларинғизда халқ ўйинларини, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, спортнинг бошланғич турларини севиб тасвирлагансиз. Улар талқинида ибратли хулосалар яққол кўзга ташланади. Қаҳрамонларинғиз паҳлавонлар, курашчилар, мерганлар, чавандозлар, ботирлар...

— Юлдузхон, мен ҳам кўп тенгдошларим қатори қишлоқда ўсганман. Қишлоқнинг асрлар давомида шаклланиб келган барча ўйинларидан баҳраманд бўлганман. Агар уларни «спорт турлари» деб атайдиган бўлсак, кўпчилиғида қатнашганман. Хусусан, чиллак ўйинида доим ғолиб бўлиб, анча-мунча болаларни «зув»иллатганман, «оқ суяк» қўлимга тегиб қолса белгиланган манзилга «омон-эсон» етказганман, юғуришда унча-мунчага тутқич бермаганман. От чопганман, сувда сузганман, кураш тушганман, кўп тенгқурларимнинг курағини ерга теккизганман, шохма-шох маймундай сакраб қувлашмачоқ ўйнаганман... Эҳ-ҳе, айтаверсам, мақтанчоқликка йўйишинғиз ҳеч гап эмас.

Ана шу болаликнинг, ўсмирликнинг бир дунё кечинмалари, денг, кейин... юртга танилиб, элнинг тилига «шоир» бўлиб тушганимдан сўнг вақти-вақти билан достонларимга, шеърларимга, мисраларимга кўча бошладди. Бу табиий, албатта.

Кўп ҳолларда ижодкор асарларида унинг ҳаёти яшайди. Нурота тоғларининг фарзандиман. Тоғ чайир умр бахшида этади. Тоғлик ҳар бир бола тан олинмаган альпинист, курашчи, юғурик, чавандоз.

— «Таърифи Бодиелдои Самарқандий ва ёки эътиқод ҳақида кўшиқ» деган асаринғизда халқ қаҳрамони Абу Муслимнинг содиқ хизматкори, моҳир юғурик ҳаётини қаламга олгансиз. Наҳотки, Бодиелдои Самарқандий Бағдоддан Самарқандгача (тасавурига сиғдиролма-яшман!) Абу Муслим жасадини кўтариб юғуриб келган бўлса?

— Ҳа, шундай, Бодиелдоининг бу жасорати ҳозирги

марафончиларни эсга туширади. Бу тарихда бор гап. Қадимда подшолар, халқ раҳнамолари ўз ёнларида паҳлавонларни, мерганларни, югуриқларни сақлашган. Айтайлик, ўта тез югурадиган илдам турфа хабарларни жойларга етказишда ас қотган. Улардан амалий ишларда фойдаланишган.

Умуман, қадимда аждодларимиз спортнинг барча шарқона тур ва усуллари билан мунтазам, айти пайтда бир мақсадни кўзлаган ҳолда шуғулланишган. От чопишни, курашни, сувда сузишни, қиличбозликни, найзабозликни, тирандозликни билмаган йигитга таҳқиромуз қараганлар. Ҳатто ўзларини шон-шарафларини ҳимоя қила олмаганларни эркак санашмаган. Подшоларнинг ўзларини-ку, қўяверинг. Улар ҳар тамонлама куч-қудратга, маҳоратга соҳиб бўлишган. Биринчи ёки сўнги кураш икки шоҳ ўртасида бўлган. Айтайлик, икки эл-юрт тақдири подшоларнинг орасидаги ана шу жанг маҳоратига, бугунги замон тили билан айтганда, спорт билан қанчалик шуғулланишларига боғлиқ бўлиб қолган.

Момоларимизни айтмайсизми? Афсонавийларини қўятурайлик, Зарина, Сфаретра, Тўмарисларни эсланг. Уларнинг ҳар бири олий даражадаги «спортчи», машҳур қаҳрамонлардир!

— Спортчининг бурчи нима деб биласиз?

— Спорт — бу майдон! Майдон халқнинг халқ сифатидаги бўй-бастини кўрсатувчи омил!

Руҳи кучли халқ — жисми кучли спортчиларни майдонга чиқаради! (Спортчи атамаси ўрнига марди-майдон сўзини қўллаш жоиз: спортчилар — марди-майдонлар).

Марди-майдонларнинг бурчи биринчи галда ўз халқи шарафини ҳимоя қилишдир. Халқ қадр-қимматини баланд кўтаришдир. Фақат ўз шахсини ўйлаб, гоҳ бу жумҳуриятда, гоҳ у жумҳуриятда «миллати»ни ўзгартириб юргувчи спортчиларни тушунолмаман!

Мен ўзбек марди-майдонлари Руфат Рисқиев, Биродар Абдураимов, машҳур оғир атлетикачи Э. Каримов, Оврупо ва жаҳон чемпиони Р. Салимова, жаҳон кубогининг совриндори Б. Файзиевлар билан бир пайтлар ҳақли равишда фахрланганман.

— Азимжон ака, Сиз юқорида ҳар бир бола тан олинмаган альпинист, курашчи, югуриқ, чавандоз дедингиз, нега улар бутун дунё марди-майдонлари билан беллаша олмаяпти?

— Гап шундаки, бизнинг халқимиз, айниқса қишлоқларимизда спортга жуда нописандлик билан «бекорчилар иши» деб қарайдилар. Қолаверса, спорт билан шуғулланиш, унинг бирор турини эгаллаб, олға интилиш учун на мураббий, на шарт-шароит бор. Спорт билан оз кишиларгина мунтазам шуғулланидлар. Улар ҳам бўлса шаҳарларда... Шаҳарлардаги шарт-шароитлару иқлим ҳам албатта, кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Яна бир гапни айттайинми? Ўзбек болажон халқ, у ўз боласининг доим ёнида бўлишини, «оч қорним — тинч қулоғим» деб сокингина яшашни, кўз олдидагина ишлаб юришини яхши кўради. Невара-чеваралари этак-этак бўлса...

Спортчи эса худди асл шоир янглиғ фидойи бўлиши керак. Ўт-сувдан қайтмасдан, баланд-пастдан ҳайиқмасдан, барча қийинчиликларни сабот-матонат билан енгиб, интилиб, бетиним ҳузур-ҳаловатсиз ҳаёт кечириши лозим бўлади. Бунга ҳамма ўзбек боласи ҳам чидайвермайди. Аммо... халқимизга фидойи марди-майдонлар кераклиги жуда-жуда билинапти-да.

— **Спортнинг қайси турига кўпроқ қизиқасиз?**

— Курашни яхши кўраман. Агар кўпқари ҳам спорт турига кирса, у жону дилим. Катта отам, яъни бобом Мулло Суюн 14 ёшида 2000 отлиқ кўпқаридан улоқни «ҳайт!» деб олиб чиқиб кетиб, тўй эгаси Муҳаммад Тўқсобанинг бир туясини олган экан. Ўн тўрт ёшида-я! Хўш, улардан ташқари сув спортини севаман. Ўқувчилик йилларимда яхшигина волейболчи эдим. Вилоят миқёсидаги мусобақаларда қатнашганман.

— **Ўзбекистон спорт соҳасида ўз миллий кадрларини кўпайтириши учун нималар қилиши керак, деб ўйлайсиз?**

— Жуда оғир савол. Бу соҳанинг кишиси эмасман. Лекин назаримда, айтишим мумкинки, қишлоқ жойларида, мактабларда спортга эътиборни кучайтириш керак. Чунки, ўзбеклар, ўзбек болалари асосан қишлоқларда яшайдилар. Қолаверса, улар кенгликларда эмин-эркин улғаядилар. Ана шу эмин-эркинликни спортга бахшида қилсинлар.

Мавриди келди, шу жойда бир гапни айтиб қўяй. Менинг ўқиган мактабимда (Самарқанд вилояти, Пой-ариқ тумани, Киров номли давлат хўжалигига қарашли 64-ўрта мактаб) спорт комплекси қурилиши бошланганлигига 4—5 йил бўлиб қолди. Аммо ҳануз у битай демайди. Наҳотки, шунчалик бепарволик бўлса? Унинг

битишини кутиб-кутиб қанча толиблар мактабни битириб кетишди. Бу ишни тезлатишга мутасадди ўртоқларнинг ўз диққат-эътиборларини қаратишларини жуда истардим.

— «Пахтакор»нинг ўйинлари Сизни қониқтирадими?

— Йўқ! Асло!

«Пахтакор» ўз таркибини фақат ўзбек йигитларидангина ташкил топтирмас экан, ҳеч нарса ўзгармайди, деб ўйлагувчи шоирлар тоифасиданман.

— «Спорт» муштарийларига тилакларингиз?

— «Охир замон боласи янтоқ устига чиқиб азон айтади» деган гап бор. Даҳшат! Янтоқнинг ўзи нима қувватга эга-ю унинг устига чиқадиган бола жуссаси қандоқ бўлади?

Ҳамма авлодларимиз «азон» айтадиган бола келбатига келиб қолмаслиги учун курашсин!

КУРАШ

Қани, қани, даврани кенг олинг, дўстлар,
Сифмас ахир бу майдонга икки полвон.
Ортингизда жойлар мўл-ку, азаматлар,
Ҳа, сурилинг!.. Ҳей полвонлар, мана майдон...
Полвонларим, ўйин расмин унутмангиз,
Ғолиб бўлиб обрў олинг, фақат ҳалол.
Удумларга асло хилоф иш тутмангиз,
Боболарнинг руҳи сизга мадад бергай. Ол!..
— Шарт боғлайман, Суяр полвон ютиб чиқар,
Сиёғига қара унинг — дев мисоли.
— Хўп, кўрамиз, кўрамиз, ким кимни йиқар,
Келбати сал бундоқ, лекин чайир Али.
— Яша, Али! Азот кўтар, кўтариб ур!
Нима бўлди, йиқилди-ку Али бирдан?
Суяр номард... О, номардлик қилди, ахир,
Жон ҳолатда чалди унинг оёғидан.
Нотантилик қилди Суяр,
Уят полвонга.
Нотантилик қилсанг, жигар,
Тушма майдонга!
Тушма майдонга!
Йиқилса ҳам Али полвон марди-майдон,
Бобо ўйин удумларин бузмади у.
Шараф сенга, Али полвон, ҳей, мард полвон,
Майдон фақат мардларники эрур мангу!

УСТОЗ ВА ШОГИРД

(ҲИКОЯТ)

— Полвонликнинг қирқ сир-хунарин,
Мана, ўғлим, ўргатдим сенга.
Энди боргил, ҳеч қандай полвон
Тушаолмас сенинг олдинга!

Шогирд кетди элни оралаб,
Ойлар, йиллар ой каби оқди:
Бир кун устоз эшигин тираб,
Кимдир таранг мушт билан қоқди.

... Остонада серсавлат шогирд
Турар мағрур уюб қовоғин.
Ерга қараб сўз бошлади хит,
— Нима бўлар энди бу ёғи...

Юртлар кездим, улуслар кездим,
Қолмади мен йиқмаган полвон.
Курагини ерга теккиздим,
Ҳатто бўлса ҳамки арслон.

Ва лекин тан берган йўқ эл-юрт,
Сиз қолибсиз — йиқмасам бўлмас.
Сиз борсизки, доврўғим бебут,
Сиз борсизки, толеим кулмас...

Устоз полвон шогирд полвонга
Бир сўз демай — чиқди кийиниб.
Мардлар жойи — шонли майдонга
Эл-оломон келди йиғилиб.

— О-ё, фалак!.. —
Устоз шогирдин
Бир зарб билан урди кўтариб.
Қалқиб тушди дунёи гардун,
Қулаб тушди кўк тўнтарилиб!

Тўхтанг! Айтгум бу не синоат!..
Сақлаб қўйган эди бус-бутун, —
Қирқ биринчи усулин устод
Шундай номард шогирдлар учун!

«Спорт»,
1991 йил 13 июль.

«ДУНЁ ТИЖОРАТ ИЛА ОБОДДИР...»

Бу сўзлар жаҳонгир Амир Темурнинг Фарангистон қиролига жавоб мактубидан олинди. Дарҳақиқат, одамзод пайдо бўлибдики, олди-берди билан, савдо-сотик қилон машғул. Ва, табиийки, у инсон ҳаётининг муҳим қисмини ташкил қилади.

Жуда кўп қадимий китоблардан маълумки, Шарқ халқлари ўз фарзандларини 10—11 ёшданоқ савдога ўргатганлар. Тижоратнинг сир-синоатидан воқиф этишга ҳаракат қилганлар. Бозорларга бирга олиб бориб, кўзларини пишитганлар. Сарф-харажатнинг мураккаб томонларидан хабардор этганлар. «Пул топиш осон, сарфи қийин» деб қўйишарди ёшлигимизда кексалар.

Мана, «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг тугаб, амалий фаолиятга ўтилганлигига ҳам анча-мунча вақт бўлиб қолди. Аммо мен ғоят муҳим бўлган бу учрашув ҳақида ҳамон ўйлаяман, мушоҳада қилаяпман. У она Ўзбекистон учун нима берди, нима беради? Чет эллардан ташриф буюрган ишбилармонларнинг ҳаммасига ҳам ишонса бўладими? Ўзимизнинг ишбилармонларимиз лафзларида тура оладиларми? Хўб, хорижликларнинг-ку ўз эрки ўзида, бизларники-чи?.. Ҳолбуки, чет эллар билан барча алоқалар эркин асосга қурилмоғи керак. Бусиз ҳеч бир иш амалга ошмаслиги аён.

Агар тўғри бўлса, хорижга сотиладиган маҳсулотлар даромадининг валюта ҳисобидаги 40 фоизи Иттифоқ газнасида қолар экан. Бу тартиб бекор қилинмаса, яна ўз қозигимиз атрофида ўзимиз айланавермаймизми?

Чегаралар-чи? Чегаралар... Ҳамма қилинган амалий ишлар натижаси шу ерда барҳам топмайдимикан? Иттифоқ деган мустаҳкам кўрғон сарҳадлари эркин тижоратга йўл очармикин? Ахир, ҳали Ўзбекистоннинг ўз чегараси йўқ-ку?! Ўзбекистон Марказ тасарруфида-ку?.. Қадимги вақтлар эмаски, Самарқанддан чиққан тижорат карвони ҳеч қандай ҳужжатсиз Термиз орқали истаса Афғонистонда чўкса, истаса Эронда, истаса Хитойда, истаса Маккаи Мадинада чўкса... Ёки у ерлардан истаган молни олиб қайтиб Бухоро бозорига туширса...

Бундай гаплар билан мен «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»ни заррача шубҳалар бўрони остига қўймоқчи эмасман. Гумон имондан ажратар, дейишади яхшилар. «Учрашув» кунларида «Саудия мрамар компанияси» президенти Абдул Ғаффор Нур билан бир неча

бор суҳбатда бўлдим. У киши катта умидлар билан Саудия Арабистонига учиб кетди. Абдул Гаффор ака баъзи ишбилармонлар каби биздан ўз мамнуниятини, фикрларини яшириб ўтирмади: «Ўзбекистондан, қутлуг тупроқ ватанимдан хурсандман, унинг ўқтам, ҳурматли Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовдан жуда миннатдорман. Президент ташаббуси Ўзбекистон тақдирида жуда катта бурилиш ясайди. Фақат бир исти ҳола у кишига етказилса... Бозорга борган харидор ҳам, сотувчи ҳам фойдани кўзлайди. Доим катта фойданинг пайида юрадиган бизнесмен ҳеч қачон ўз рақобатчисининг ишлари юришиб кетишини хоҳламайди. Бу ерда энг аввало хорижда истиқомат қилаётган ва юртга, она Туркистонга ҳурмат-эътиқодини кўнглида авайлаб-асраётган ватандошларимизга суянилса!!! Турли хорижий давлатларда 5 миллиондан зиёд туркистонлик — миллатдошлар истиқомат қилишяпти. Уларнинг аксарияти жаҳон тараққиёти даражасида фаолият юритаяпти. Тақрибан бўлса-да, 5 миллион рақам ҳазилакам эмас. Уларнинг манфаатларини ҳам ҳурмат қилган ҳолда ўзаро муносабатларни ҳеч иккиланмасдан тикламоқ керак. Ватан, юрт туйғуси, фарзандлик, қарздорлик, бурч туйғуси ўлмас бўлиб, бундан ҳатто жониворлар ҳам бенасиб қолмаган. Чин (Хитой) оғир бўҳрон (кризис)га тушиб қолиб, сўнг дастлаб дунё бозори билан боғланишда фақат чет давлатлардаги Чин ишбилармонларига таянишганини бутун бани башар билади. Ўзингники ўзингники-да. Буни ҳали дунё рад этгани йўқ».

Уша кунлари Абдул Гаффор Нурнинг лафзига, яъни берган ваъдасининг устидан чиқиш учун қилган ҳар бир ҳаракатига гувоҳ бўлиб, мутлақ тонг қолдим. У киши қандайдир билим юрти билан шартнома тузган, бир қанча болаларни Саудия Арабистонига ўқиш учун шахсан ўзи саралаб олиши керак эди. Абдул Гаффор ака, у кишининг яқин бир таниши — менинг ҳам дўстим, учаламиз «Волга»да кетаяпмиз. «Сизга бошдан-оёқ Ўзбекистон мрамаридан қурилган бинони (В. И. Ленин номидаги музей биносини назарда тутди) бирров кўрсатаман, ахир Сиз биринчи галда «Мрамар» компаниясининг президентисиз», — деди дўстим машинага чиқар эканмиз. У киши индамади, ўтирганимиздан кейин шофёрга ваъда қилинган жой номини айтиб: «Ҳайданг!» — деди. Музей биносига етай деганда чорраҳа-кесишувга келганда дўстим яна бояги гапини

такрорлади. Абдул Гаффор ака шартга машина эшигини очиб тушиб кетмоқчи бўлди. Зўрға ушлаб қолдик. «Лафз қилдингми, устидан чиқ. Мен фалон пайтга ваъда берганман, боришим керак. Вассалом», — деди жаҳл билан. Қайта ҳеч ким оғиз очмади.

Мен онг-тонг қолиб ўйлаб кетдим. Лафз... У бизда қолдими? Биз ҳам ҳар бир ишимизда ўз лафзимизнинг устидан чиқсак эди, қатъиятлик билан ваъдаларимизни амалга оширсак эди... Лафзсиз одамларга айланиб қолмаяпмизми, ишқилиб?! Худо асрасин! Инсон — ўз лафзи билан улуг! Давлат — ўз лафзи билан барқарор. Айниқса, тижорат ишларида пул эмас, лафз ва иш бирламчидир!

Ҳа, айтаверсанг, гап кўп. Қайта қуриш Ер юзидаги ижтимоий аҳволни ўзгартириб юборди. Узоқ вақт давом этган тоталитар тузум сарҳадлари рамзий маънода кўтариб ташланди. Шўро фуқароларининг кўксига эркинлик шабадаси тегди. Бу эркинлик миллий туйғуларни уйғотди.

Миллийлик доим байналмилалликка интилади. Бугун шундай вазият вужудга келдики, ҳеч бир миллат, ҳеч бир давлат ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. Амриқо қанчалик тараққий этмасин, у барибир ўзга миллатлар, ўзга давлатлар билан муносабатга эҳтиёж сезаверади. Бу хусусият давлат сифатида Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир.

Тоталитар системанинг қатъий тартиблари Ўзбекистонни узоқ вақт ана шу ҳаракатдан тийиб турди. Республикамиз ўзининг барча халқаро ҳаракатларини Марказ орқали амалга оширди. Бу ерда эса мақсадга номувофиқликлар содир бўлди. Натижада бир пайтлар жаҳонга қомусий алломаларни берган Ўзбекистон ХХ асрда жаҳон тараққиётидан узилиб қолди. Бу узилиш ночорлик билан яқунланди. Иқтисодий-технологик ва маънавий турғунлик қашшоқликни келтириб чиқарди.

Қашшоқ ўлкада эса илм, фан, маданият, санъат таназзулга юз тутади. Биз бугун ана шу инқироздан қутулмоқ учун ҳам мустақил давлат сифатида жаҳонга чиқишимиз зарур!

Бунинг учун Ўзбекистонда қайта ишлаш саноатини жаҳон стандарти даражасига етказиш керак. Вақт беҳуда ўтмасдан, тараққий этган мамлакатлардан унумли технологияни Ўзбекистонга келтириш керак. Ана шундай қилинганда, Ўзбекистон хом ашё етиштирувчи базадан маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўлкага айланади.

Аmmo бу жутта қийин кечадиган жараён. Бироқ кўрқадиган нимамиз қолди?..

Агар биз етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлашга эришсак, бундан катта миқдорда иқтисодий наф кўрамиз. Агар Ўзбекистоннинг хазинасида катта миқдорда пул бўлса, биз учун танқис ҳамма нарсани рақобатчиларимиздан сотиб олишимиз мумкин. Эндиги гап қурилиш материаллари ҳақида кетаяпти. Агар унинг таъминоти ҳозирги даражада қоладиган бўлса, Ўзбекистонда иморат қурилиши масаласи 2000 йилгача ҳам кўнгилдагидек ҳал бўлмайди. Асосан қишлоқларда қурилишни яхшилаш керак. Чунки, қишлоқ обод бўлмаса, шаҳар, демакки, Ўзбекистон обод бўлмайди.

Бундан кейинги қурилишларимизда Шарқ колорити устун бўлиши керак. Жумҳуриятнинг географик иқлими ана шуни тақозо этади. Совуқ ўлкаларга мос иморатларни Ўзбекистонда қуриб ташлайверган билан мурод ҳосил бўлмайди.

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви»даги яна бир суҳбатдошим Анқара университетининг кўп йиллик ректори, машҳур икки жилдик «Тарихда Турк давлатлари», «Тарихда турклар» асарларининг муаллифи, кимё фанлари доктори, профессор Тарик Сомер жаноблари бўлди. У юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилишини мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилди.

— Хусусан, — деди у, — Ўзбекистон пахта етиштирар экан, тўқимачилик фабрикаларини мутлоқ қайта қуриши ва технологиясини ўзгартириши зарур. Бу борада Туркия катта ёрдам бериши мумкин. Чунки Туркияда ҳам — Адана, Марашда, Эгей денгизи соҳилларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилади. Оврупо давлатлари, Амириқо, Покистон, Хитой, Корея, Янги Зеландия каби мамлакатлар билан узвий алоқаларда бўлганлиги сабабли пахтадан унумли ҳосил олиш ва унинг технологиясини мукамаллаштириш борасида катта тажриба тўплаган. Қолаверса, тилимиз бир, динимиз бир — битта халқмиз. Бир-биримизга ёрдам бериш, ҳамкорлик этиш, тижорат — савдо-сотиқ ишларини биҳамдиллоҳ ривож топтириш барчамизга фарз ҳам қарз.

Профессор Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги Туркиядаги дунёга донғи кетган «Турк» қурилиш ширкати билан шартномалар тузса, тижорат ишлари ҳисоб-китобини ҳамкорликда ишлаб чиқса, уй-жой тиклаш масалаларини ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг

гапларида жон бор: ахир «Турк» ширкатидан ҳатто Москва ҳам бир неча йилдан буён фойдаланаяпти-ку.

Ҳа, таклифлар кўп. Аммо ҳамма нарсага пул, маблағ керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. Тижорат лозим. Савдо-сотик ривожи керак. Айтайлик, мен Истанбул университети Шарқий Туркистондаги асосий илмий марказ ва Ўзбекистон Фанлар академияси тезда ўзаро шартномалар тузишиб, ягона туркшунослик илмий маркази ташкил қилишни зарурият, деб биламан. Уша илмий марказ қошида умумтуркий маданият обидаларини муҳофаза қилиш фондини ташкил этиш лозим бўлади.

Ҳозир жаҳон тараққиёти шу даражага эришдики, уни компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Япония, Корея каби давлатлар билан Ўзбекистон кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда махсус компьютерлар ишлаб чиқарадиган корхона, завод-чалар ташкил қилсин, дейман. Ўзбекистонда махсус япон тили курсларини очиш лозим, ахир Японияда японча-ўзбекча лугат аллақачон тузилган.

Америкадаги «Боинг» самолётсозлик компанияси билан Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда тижорат масалаларини кун тартибига қўйишларини таклиф қиламан. Бундан икки йил олдин «Боинг» самолётининг асбоб-ускуналарини тайёрлаб, етказиб берувчилардан бири жуда катта завод эгаси ўзбек эди.

Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодий илмий институти Англиядаги (АҚШ, Швейцария) иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи бирор илмий марказ билан алоқа ўрнатиб, капитализм иқтисодиёти назарияси ва амалиётидаги ибратли, муҳим томонларни жумҳуриятимизда татбиқ этишга киришсинлар, дегим келади. Ахир Европа мамлакатлари билан барча алоқаларимиз Амир Темур давридан кейин тўхтаб қолди-ку?!

Ўзбекистонда гўзапоя ва пахтадан қоғоз ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда йўлга қўйишни тезлаштириш зарур, дейман.

Чет элга чиқаётган ватандошимиз тилмочнинг ёрдамига муҳтож бўлмаслиги, бунинг учун Ўзбекистон чет тилларни ўрганишни ҳозиргидан бир неча баробар кучайтириши лозим. Аммо бу жуда қийин. Шунинг учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон сингари йирик шаҳарларда чет тилларни (бирваракайига инг-

лиз, француз, араб ва бошқа) ўргатишга ихтисослашган махсус мактаблар очиш, уни битириш муддатларини сиқиклаштириш керак. Бундан ташқари лотин алифбосини ўргатадиган қисқа муддатли курслар даркор. Лотин алифбосини ўрганиш Америка, Олмония, Англия, Фарангистон (Франция), Италия, Австралия, Канада, Туркия ва бошқа давлатлар билан алоқамиз кучайишида кўприк, яъни ҳарф таниш, тил ўрганишга зина бўлади, дейман. Техника, медицина ва ҳоказо соҳаларда лотин алифбоси қўлланилади, ахир.

Ўзбекистонда етиштирилаётган, жаҳоннинг турли нуқталарида ноёб ҳисобланган маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланадиган махсус маҳкамалар бўлиши шарт, дегим келади.

Хуллас, истакларимиз, таклифларимиз, орзуларимиз мўл-кўл. Улар инobatга олиниб босқичма-босқич амалга оширилиб борилса, халқимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, илло Ўзбекистонимиз истиқболи ёмон бўлмас, дейман.

Ҳар қандай давлатнинг бош раҳбари бугун учун эмас, келажак учун ҳам ишлайди (Пётр I нинг кўзлаган мақсадлари қадим Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида амалга ошди). Яқинда ҳафтаномамизда бир ажойиб истак билдирилди. Унинг қисқача мазмунини бераман: жумҳуриятимиз жуғрофий жиҳатдан жаҳон океанига яқин ерда жойлашган. Океанга чиқиш учун Эрон ёки Туркия ҳудуди бўйлаб жанубга темир йўл қуришимиз керак. Агар шу иш амалга ошса, Ўзбекистонни жаҳон билан боғлайдиган йўл бир неча бор қисқариши мумкин. Ҳозирги кунда Ер юзи аҳолисининг салкам ярми жаҳон океанига 200 километр радиусдаги ерларда яшамокда. Ташилаётган юкларнинг 60 фоизи денгиз транспорти улушига тўғри келади. Жаҳонда Ўзбекистонга ўхшаш давлат кўп эмас. Денгизга чиқиш учун халқаро ҳуқуқдан фойдаланишимиз лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган 1028 (XI)-сонли резолюцияси шунга имкон беради. Агар келишилса, бу йўл Туркия ва Эрон учун ҳам фойдали. Порт қуриш учун ер керак. Келишилади. Ва ниҳоят, ўз миллий флотимиз учун кадрлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш пайти келди.

Қолаверса, Термиз орқали маҳсулотларимизни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга — денгизга олиб чиқолсак, нур устига нур бўларди. Ёки Туркменистон

орқали: Мари — Машҳад йўли билан Эронга, Туркияга — денгизга чиқиш керак.

Ва ниҳоят:

нарх ҳукумат монополиясидан чиқиши, давлат мулкнинг хусусийлаштирилишини тезлаштириш лозим бўлади.

Ушбу ишларни иқтисодий, сиёсий, социологик, маънавий жиҳатлардан қаттиқ амалга оширишда Президентимиз миллий кадрларга таяниши жоиз, деб биламан.

Хулоса қилиб айтганда, биз дунёга талпинмоқдамиз, дунё эса бизга интилмоқда. Қарс икки қўлдан. Ҳурматли муштарийларимиз мени кечирсинлар... аммо бугун дўстлик ҳам қуруқ қўл билан бўлмайди. Тижорат йўли — яшаш тарзи! Начора. XXI аср бўйламоқда. Лекин ҳар қандай асрда ҳам инсон инсон бўлиб қолажак! Бинобарин, «Дунё тижорат ила ободдир!»

«Халқ сўзи»,
1991 йил 18 июль.

ТОҒ ОДАМИ

(ҳикоя)

— Лапашанг, ландовур. Эркак деган ҳам шунақа бўш-баёв бўладими? Теварак-атрофга бундай қарайдида, ахир. Кўрмаяпсанми, одамлар қандай яшаяпти? Ҳаммада данғиллама ҳовли. Ўттиз-қирқтадан қўй. Телевизор, ведео... Анави, сабил қолгур, нимаиди?

— Видеофильм...

— Видеофильм. Ҳамма топармон-тутармон. Битта сенинг уйинг ел гирилласа, қулаб тушай деб турибди. Отам замондан қолган эски кўрғон. Эл орасида бош кўтариб юргулик ҳолим қолмади. Юзимга солгани-солган. Элдор қора: «Бойбича, эски кўрғонингиз тошлари олтиндан бўлмаса, ёнидан замонавийроқ уй қурдилинг. Катта ўғлингиз чўлда раис», — деб кулади. Ўғлим бўлса: «Чўлга кўчиб келинглар, бундоқ одамларга ўхшаб яшанглар», — дейди. Сен эса: «Ҳеч қаёққа кўчмайман, ота уйим, ҳали кўрасиз, кўчиб кетганларнинг бари қайтиб кела бошлайди», — деб билимдонлик қиласан. Кўчмаганинга яраша, тузукроқ уй қурмайсан.

— Эна, мен ҳам одамларга ўхшаб уй солгим келади.

Аммо, нима қилай, битта ойликка қараган бўлсам, беш-олтита жўжабирдай жон бор. Бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув... Уйни тиклашнинг ўзи бўладими? Шифр отлиққа бор, яёвга йўқ. Қишлоқ шўроси раиси тоғам бўлмиш бўлса ҳам устига пул сўрайди. Пора бермаса, бувамни ҳам танимайди.

— Ойлигинг қуриб кетсин, уч-тўрт ойда олтмиш-етмиш сўм пул оласан. Ундан ҳам ҳисобчиларинг юлиб қолишади. Ҳеч бўлмаса, Бекбўл чўпондан ибрат олмайсанми? Шу оддий чўпон-а... Яқин-яқиндагина сўлаги оғзидан оқиб юрарди. Бугун ҳовлисига қара. Учта тўққиз боларли уй. Таг-тугли пешайвони билан тагин. Ҳатто зинхонасини ҳам шифрлатиб олди. Энди элга «гумбирлатиб» кўпқари бераман, деб юрибди.

— Уни билмагандай гапирасиз-а. Давлат молларини алмаштиргани-алмаштирган. Зотли сигирни сотиб, қилтириқ бузоқ олади, семизининг ўрнига тирригини...

— Ҳалоли бўлсин! Қандини урсин! Болам-чақам деган одам шундай қилади. Сенга ўхшаб иккита тоқнинг гулига қараб: «Бу йил майиз берармикин, йўқми?» деб ўтирмайди. Нақ отанга тортдинг. У ҳам сенга ўхшаб бир умр қўл учиди яшади. Эплаб бир тузукроқ жой курмади. Чўпон эди, қурса бўларди. «Болалар катта бўлса, ўзлари куриб олар» — дерди нуқул. «Менга ҳаром ёқмайди», деб ўтди-кетди дунёдан.

— Ростдан, ҳаром ёқмаган-да...

— Ҳаром ёқмайди деган гап — ўзини овутиш фақат. Ландовур эди. Ҳа-ҳа, худди сенга ўхшаб ландовур эди... Акангнинг орқасидан чўлга бординг, дала шийпонига «ёвғон қайнатгич» қилиб қўйди, деб шумшайиб қайтиб келдинг. «Ўзимизнинг тоғлар яхши...» эмиш. Шўринг курсин, «ёвғон қайнатгич» бўлсанг ҳам «мўмай» пулни олиб юравермайсанми? Бир-икки йилда уй-жой қурадинг. Хотинингга ул-бул олиб берардинг сен ҳам бундоқ эркак бўлиб. Ҳалигача енгини осилтириб келинлик кўйлақларини кияди. У ёқда аканг ҳисоб-китобини ўзи эплаётган бўлса... Келиб нима қилдинг? Уста бўламан, деддинг. Чорбоғдаги эски толларни кесдинг — куви яшашга тушиб кетдинг. Кир ювгич мошиналар куви бўлаётган замонда, тол қувиларга бало бормиди?

— Тол қувилар мойининг мазаси бошқача бўлади-да.

— Биладан, шўринг қурғур, биладан. Лекин у қувиларни пишадиган қизлар қоптими? Кўкрагини диркиллатиб юришларини кўрмайсанми? Энг бўлмаса, Назар

магазинчининг қизига бир қараб қўймайсанми? Бошқалари ҳам бир гўр. Замондан орқада қолгансан. Куйганимдан гапираман. Ўқимаганинг панд бераяпти.

— Акам ўқиб олсин, деб қолиб кетдим-да. Кўрмагандай гапирасиз. Кейин уйлансин, дедим. Армияга кетдим. Кейин «ўзинг уйлан, қачонгача оқсочлик қилман» деб туриб олдингиз. Беш-олтита қўйдан ҳам айрилиб қолдик. Кейин отам ўлиб қолди. Келиб-келиб энди таъна қиляяпсизми?..

— Келин, сен уйга кириб тур. Эринг билан бир яхшилаб гаплашиб олай. Бунақа яшаш жон-жонимдан ўтиб кетди.

— Ана, чиқди, офтобага кирган экан... Гапираверинг, нима қил, дейсиз?

— Гўр қил дейман, ер қил дейман. Зийрак момонгнинг боши айланма қўйига ўхшаб қолибсан. Акангнинг ёнига қайтиб бор, дейман. Нима буюрса, шуни қил, дейман. Бошингни ҳам қил, дейман. Берган пулларини ол, қайтарма. Шифрли уй қур, дейман! У ҳам уч-тўрт йилда бир келиб-кетадиган бўлди. Укаси рўйхушлик бермагандан кейин нима қиларди. Келса ҳам жўралари билан Бармоққоя тагидаги булоқ бошига бориб, битта қўйни сўйиб, ўйнаб-кулиб қайтиб кетади. Киндик қони томган уйнинг аҳволидан уялса керак-да. «Мен истаганингча пул бераман, сен данғиллама ҳовли сол» — дедиям, кўнмадинг. «Бировники юкмайди, бир куни таъна қилади. Ўзингнинг уйингда ўтиргандай бўлмайсан», дединг. Яккаю ягона аканг бегона бўлиб қолди-ми?

— Акам бегона эмас. Лекин ёнига бормаيمان. Ҳамма гапни сизга айтаверишим керакми? Қандай пул топишини биламан. Бешикдаги гўдақларига ҳам «ойлик» ёздириб олади. Қўл остидаги одамлар эса зўрға кун кечиришади. Уларни ёлчитмайди. Сизга тўғриси айтсам, улар акамни ёмон кўришади, аммо, иложсиз... ишлашади. Сиз пахтакорларни билмайсиз. Сиртидан қараганда ҳаммаси яхшидай кўринади... Қайси «катта»нинг қўлида ишласа ҳам шу. Менинг орим келади.

— Ҳа, фақат сен биласан. Оринг курсин, ориятли бўлмай ўл. Орли бўламан, деб дунёдан шўртумшуқ бўлиб ўтасанми? Орни бургутга чиқарган! Кўзи «ов»ига ўтмай қолса, ўзини қояга уриб, яксон қилади! Бу замонда орга бало борми? Ўтиб кетган бари. Орсишлар, номуссишлар замони бу! Очдан ўласан.

Икки ўғлингни суннат қилдиришинг керак. Ёши ўтиб бораяпти. Манов ордона қолгур уйдан ҳам одамлар бир чуқум ош есин. Тириклигимда кўрай. Мени ҳам боғлаб берган эмас.

— Қашқа такани сўяман. Ҳаром-харишнинг фарқига борадиган беш-олти қарияни чақириб, тўй қиламан. Яссоқ овчи ҳам шундай қилди-ку.

— Яхшини гапирмайсан. Яссоқ овчинг ҳам сенга ўхшаган. Совхознинг хашак-пашагига қаршиб юриди-да, тоғдан келмайди, бир нима отадими, йўқми, санқигани-санқиган. Шу билан дўстсан-а... кўшмозор бўлгурлар...

— Мени-ку, гўрдан олиб, гўрга соласиз. Уни сўкманг, ишқибозлик-да. Аммо, бечора бўлса ҳам, тоза одам. Ҳаром-ҳаришга қўли бормайди. «Тоғликлар — тоза бўлиши керак. Лойқаланмаслиги керак!» — дейди. «Бизларга қараб, бошқалар андоза олиши керак», — дейди.

— Ҳа, сенга қолса, икковингдан бошқа: ҳамма ўғри, каззоб, муттаҳам, ҳаром.

— Аҳмад муаллим ҳам тоза одам. Ўқувчиларини битта ўша ўзининг тоқзорига олиб бормайди, тоқларини чоптирмайди. Уларни ўзи очади, ўзи кўмади. Мулло Кўчимнинг ўғлини ҳам ўша ўқитган. Ҳозир у Тошкентда, ёзувчи. Келиб қолса, совхоз директорлари ҳам иззат қилади, чопишиб хизмат қилади. Унинг қўлига директорнинг ўзи сув қуйганини ўзим кўрганман.

— Ҳали мени нотозага чиқарарсан. Ёшлигингдан отангнинг орқасидан эргашиб, «бу ҳалол», «бу ҳаром»ни ўрганиб олгансан.

— Отамга тил теккизаверманг. «...Шу кетишда бўлса, қишлоқдаги икки юз хонадондан, ҳеч бўлмаса, биттадан одам қамалади», — дер эдилар. Ана, нима бўлди. Отамнинг айтганига яқинлашиб қолди. Кеча «мелиса»лар ёзги буғдой хирмонига қоровул бўлган Ҳамид чўлоқни, дала нозири Саримбойни, бригадир Қувонбойни ҳам совхоз «катта»лари орқасидан олиб кетишди.

— Вой, нима қилишган экан улар?

— Сотишган, ейишган. Пулларига данғиллама ҳовлилар қуришган.

— Ҳаҳ, ер юткурлар! Қувонбой сарикдан бир қанор сомон сўраганингда «бу давлат хазинаси» деб бермаганди. Гўштга мол ҳайдагич амакинг тинчми?

— Ҳозирча тинч.

— Нега «ҳозирча?..»

— Унинг ҳам «ишкали» бормиш... Шаҳарга гўшт етказиб беришда қандайдир чалкаш қоғозлар тўғрилар экан... Энди тўғрисини айтсам, акамдан хавотирдаман... Урчуғингизнинг ипи узилиб кетди. Нега анграйиб қолдингиз? Чўлларда бўлаётган ишлар олдида, совхозимиздаги ишлар ҳолва эмиш. Аҳмад муаллим ҳаммасидан хабардор. Энди совхоз ишчиларига ҳам «нормал» ойлик беришади, дейди у. Газета, телевизор ру радиоларда шундай дейишибди.

— Анави, икки йилдан буён бузилиб ётган радиони тузатсанг бўларди. Одам дунёдан хабардор бўлиб туриши керак. Эски замон эмас-ку. Қара, қанча гап. Ўзим ковламасам, сен ёрилай, демайсан. Ота-боболаринг, худо раҳмат қилсин уларни, яшашга зап жойни танлашган-да. Қалдирғоч уясидай тоққа ёпишган уй. Юрсанг изинг тушмас сўқмоқ. Дунёни ўт олса — билмайсан. Лекин, ўғлим, ўзимнинг ўғлим-ей, оламнинг қайси бурчида бўлма, ҳалол яшашга етмайди. Ҳалол яшаш керак! Бизнинг пешонамизга ҳам шифрли уй битар. Совхоз «нормал» ойлик беради, дейишибди-ку. Энди, ўғлим, битта гапимга йўқ демайсан. Акангдан хабар олиб кел! Бугуноқ жўна! Келинга айтсанг, нафақа пулимдан йўлкира беради. Аканг, ота-боболарингдан бошқачароқ чиққан...

«Халқ сўзи»,
1991 йил 24 июль.

МЕН МУҲАББАТГА СИФИНАМАН

(Сухбатдош: ёш ёзувчи Матлуба Азаматова)

Матлуба АЗАМАТОВА: — Азим ака, Сиз бир неча йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг масъул котиби бўлиб ишлагингиз. Аёнки, баркамол ижод манзилени кўзлаган истеъдоднинг бош йўли ҳамиша изланишдир. Ёшлардаги қобилиятнинг униб-ўсиши, кўп жиҳатдан уларнинг изланувчанлигига боғлиқ. Ижодкор сифатида Сиз бу жараён билан қизиққанмисиз? Қолаверса, ёш ижодкорларда у қандай кечади?

Азим СУЮН: — Ривоятларга кўра, бўзтўрғай саккиз бола очар экан. Шундан еттитаси ўз қавмига тортиб,

далаю даштда қолиб, биттаси эса булбул бўлиб боғларга учиб кетаркан. Боғларга етмак йўли — булбулга осон кечмаса керак.

Таъбир жоиз бўлса, Истеъдод — ўша булбул — истеъдод туғилади. Истеъдоднинг униб-ўсиши, шаклланиши, унинг ўзлигини англай билишига, табиий, маънавий, ижтимоий шарт-шароит, муҳит-иқлимга боғлиқ. Булбулнинг эса кушандаси кўп...

Истеъдоднинг ҳам... Аммо истеъдод булбул каби жисмонан ожиз эмас.

Тўғри, истеъдоднинг бош йўли — изланиш. Истеъдод энг аввало ўзлигини излайди. Ўзлик эса Сўзда намоён бўлади.

Ижодкор ўз давридан айро яшаши мумкин эмас. Бироқ ижодкорнинг, яъни Истеъдоднинг замондошларидан фарқи шундаки, у ўз давридан илгарилаб кетиши мумкин. Улар етишажак ҳаётда аввалроқ «яшаши» мумкин. Гап шунга келиб тақалаяптики, машҳур фаранг ёзувчиси Антуан де сен Экзюпери айтганидек, «ёзишдан аввал яшаш керак».

«Яшаш» дегани — узун йилларнинг кечиши эмас, қисқа умрда жуда «кўп яшаб ўтган» даҳо шоирлар, ёзувчилар, олимлар сон-саноқсиз. Гап «яшаш»нинг, умрнинг самарадорлигида! Умр самарадорлиги эса болалик дунёсининг нечоғлик бой эканлигида, деб биламан.

Ҳозирги ёш ижодкорларимизнинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Бироқ ўз тенгдошларим, яъни эллигинчи йилларда туғилганлар тўғрисида оз-моз бўлса-да, гапиришим мумкин. Асосан қишлоқларда туғилишган. Ўн-ўн бир йиллик чала-чулпа ўқув... пахта далалари. Икки йиллик аскарлик. Дорилфунун: кундузги ёки кечки бўлим. Ёки акси: дорилфунун, икки йиллик аскарлик, иш, редакция-нашриёт оралиғи. Умр ўтаяпти.

1978 йил «Ёшлик баёзи» тўплами нашр этилиб, унда 48 нафар (аслида, уларнинг сони 100 дан ортиқ эди) ёш шоирнинг шеърлари босилган. Шундан айни пайтда етти-саккизтаси «тирик». Улар ҳам эллик ёшга борганда янада камайишига заррача шубҳа қилмайман. Ҳозир қирқдан сакрашди...

Мана, Сиз айтган «жараён». Айтмоқчиманки, адабиёт — истеъдодларники, адабиёт — фидойиларни-

ки! Шоир Маъданни саройга таклиф қилишганларида: «Саройга ўзим сифсам ҳам оху фиғоним сифмайди» деб бормаган. Ўйлаб кўринг, нима учун бормаган, кўрқоқликданми? Йўқ!

— Азим ака, шоир, шоир шахси ҳақида нима дейсиз. Умуман шеър ҳақида суҳбатлашсак. Давр тақозосими, кейинги пайтлар бу тўғрида кам гапириладиган бўлиб қолди...

— Профессор Алибек Рустамовнинг хабар беришича «шоир» сўзининг луғавий маъноси «туйғучи» бўлиб, урфий маъноси «шеърчи»дир.

Дарҳақиқат, шоир энг аввало туйғу-сезимларга ўз таъсирини йўналтиради. Кейин фикр қўзғайди...

Шоир шахси... Кимдир айтган экан: ҳаёт — театр, инсон — актёр. Шоир ҳам бир актёр-да. Ўзига топширилган ролни ўйнаб ўтади. Лекин қатъий айтишим керак: шоир шахси унинг ёзган шеърларида барибир намоён бўлади. Яъни: юракдаги дард-алам, ғазаб-қувонч, ҳайрат кўзда акс этганидек...

Халқ ичида шоирлар ҳақида, умуман машҳур кишилар ҳақида хилма-хил ижобий-салбий, телба-тескари, оқ ё қора гаплар кезиб юради. Бу табиий. Шахсан мен ундай-бундай гапларга биров бепарвоман (буни лоқайдлик деб тушунмаслик керак). Аксинча, «ёзиб енгилш керак!» дея ўйлагувчиларданман. Ахир кимга... нимани исботлайсан...

Бироқ, шуни биламанки, шоирлар ҳамиша ҳалол, доғнишманд, ҳақиқатпарвар, адолатпарвар, жасур, ғайратли, ватанпарвар кишилар бўлиб келган. Улар тўғрисида қаердадир ҳазиломуз гапирган эдим: шоирлар — оқимга қарши сузишни хуш кўрувчи балиқлардир! Чунки оқим келаётган томонда асл манба бор, поклик, тиниқлик бор, ҳали лойқаланиб улгурмаган умр бор.

Шеър — яратувчисининг ўзи каби қадимий. Биринчи «шеърый хиргойи» ҳам кўнгил майлидан, қалб эҳтиёжидан туғилганлигига заррача шубҳа қилмайман. У бориб-бориб ижтимоий эҳтиёжга айланган. Шеър, кўшиқ айтиб никоҳ кечалари ўтказилган, жангларга кирилган, ғалабалар нишонланган, гўдаклар бешикка беланиб, марҳумлар қабрга қўйилган. Энг кўҳна туркий Шумер давлати харобаларидан қазиб олинган «сопол китоб»лардан шеърый парчалар ўқидик. Нуҳ, Гильга-

миш ҳақидаги маълумотлар ҳам бизга шеърлар орқали етиб келди. Яқин йилларгача биринчи шоир Хомер деб юрар эдик. Бугун маълумки, Хомердан ҳам беш юз йил олдин ўтган катта шоир бор экан. Яъни хетт шоири Киллас.

Ҳар бир халқ шеърятининг ўз тарихи бор. Лекин «шеър ва ёки шеърят тарихи» ҳеч бир халқда системали мукамал ишланган эмас. Эҳтимол, бунга эҳтиёж ҳам йўқдир. Бироқ ҳар бир давр фузалоси унга ўзича баҳо берган, назариялар яратган, амалий машғулотлар олиб берган.

Маҳмуд Қошғарий шеърий хусусиятлар ҳақида анча-мунча маълумотлар беради. Демакки, бугунги ўзбек шеърятининг томирлари асрлар қаърига туташиб кетган. У ўша замонлардаёқ ўз қонун-қоидаларига эга бўлган, маълум шакл-шамойилларни юзага келтирган. Унинг илк ижодчиси — халқнинг ўзи. Халқ ижоди — халқ ҳаёти, тарихнинг оинасидир! Инсон — Ўтмишга суяниб, Келажакка қараб кетаверади!

Умуман, мен учун шеър ҳақида гапириш оғир. Шеър ўқилади, ҳис қилинади, ёд олинади. Назаримда, шеър ҳақидаги «тушунтириш хати» ортиқчадек...

Энди гапимни ўзимнинг қарашларимга «хосу мос» келадиган буюк сиймонинг фикрлари билан якунлайман:

Кайковус: «...шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашилмай-диган, қийин сўзларни ишлатмагил, ўзинггина билиб, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеърни халқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзмайди. Бир хил вазн қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз, тартибсиз, шеър айтмагил. Шеърда зарб ва шаклда альал, яъни вазни тўла бўлса яхши бўлади. Шоирлик қоидасига кўра (шеър ёзишда) санъатдан ғофил бўлмагил», — дейди. Ва тагин кейинроқда «Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки наср — раият, назм подшо мартабасидир. Агар бир нарса раиятга лойиқ бўлмаса подшога ҳам лойиқ эмас».

— Бугунги ёшлар шеърятидан кўнглингиз тўладими?

— Тоғларда бир манзарани жуда кўп кузатганман. Одатда катта, зилол булоқларнинг шундоқ ёнларида тип-тиниқ булоқчалар шилдираб оқиб ётади. Уларга

кўп ҳам эътибор берилавермайди. Агар диққат-эътибор берилса, бу булоқчаларнинг ўзларига хос ажиб таровати, нафосати, гўзаллиги катта булоқларникидан кам эмаслиги аён бўлади ва яна қандайдир тарафлари билан кўнгилларга ўзгача сафолик, хушнудлик бахш этиш куч-қудратига, ўзгача ром қилиш салоҳиятига эга эканлигини илғаш қийин эмас. Уларнинг ўз босиб ўтар йўллари, ўз тақдирлари бор.

Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Карим Баҳриев, Фароғат Камол, Абдул Жалил, Ойгул Маматова, Гулчеҳра Муродалиева, Амир Худойберди, Иқбол, Зебо Мирзаева, Зебо Раҳимова, Фулом Мирзо, Қўчқор Норқобил, Саодат Пўлканова, Хуршида Эшонқуловаларнинг вақтли матбуотда ва нашрлардаги чиқишларини изчил кузатиб келаяпман. Уларнинг бир қисми қишлоқ, туманларда яшашади, у ерларда адабий муҳит, имкониятлар мавжуд деб айтолмайман. Аммо ижодлари билан танишиб чиқсангиз — пойтахтда — «адабий муҳит»да яшаб қалам тебратаётган тенгдошларидан асло орқада қолмаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Зеро, шоир шарт-шароит кутиб, имкон кутиб яшолмайди. У ўзига ўзи ҳар қандай муҳитдан имконият яратади!

Ёшларимизнинг барча ютуқларидан кўз юммаган ҳолда бир гапни айтиб қўйиш керак. Аргентиналик машҳур ёзувчи Хулио Кортасар «Адабиёт — энг жиддий ўйин» дейди. Бу ерда «жиддий» деган сўзга эътибор беринг. Бас, жиддий ўйинда жиддий иштирокчи бўлмоқ керак. Бизга «шеър» деб тақдим этилаётган кўпгина тизмаларни ўқиб, хафа бўлиб кетасан, киши. Уларда кўнгилга «жиз» этиб тегадиган бирор ташбеҳ ҳам учратолмайсан. Кўпчилиги на назм, на наср. Шеърлар изчил қонуниятлар асосида яратилиб келинган, дедик. Айниқса, Шарқ шеърляти. Шундай экан, элнинг шеърдан кўнглини қолдирмайлик, шеър шеър бўлсин-да! Бир қанча хорижий мамлакатларда шеърни «текст» деб атай бошлашди. Шеърнинг прозадан фарқи бўлсин, бўлмаса насрий баён қилавериш керак, уни шеър деб юрмасдан.

Ёки фавқулодда «янгилик» яратиш иштиёқидаги баъзи қаламкашлар «ғунча портлади»га ўхшаш кўп «кашфиёт» қилишди. Тушунаман, лекин бундай сўз

қўлланишларини ножоиз деб биламан. Халқ ҳеч қачон «ғунча портлади» демайди. Бу зўрма-зўракилик!

Абу Райҳон Беруний «Ҳикматлар» китобида хабар беришича, «шарава» деган қандайдир жонивор бўлган. У чақмоқли кунларда чақмоққа сакраб, интилиб беҳудага ҳалок бўларкан. Ёш ижодкор мана шундай ҳолатдан ҳамиша ўзини сақлай билиши керак, деб ўйлайман. Аммо...

Ҳазрат Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да имконияти бўлиб, лекин ижодда камолотга интилмаган шоирларни қаттиқ қоралаган эди... ва ўйлайманки, бундай қораловларга ёшларимиз изн бермас!

— Азим ака, раҳмат. Мана, ёшлар, адабиёт, шоир, шеър ҳақида яхши гаплар айтдингиз. Энди ҳаётга, турмушга қайтсак. Мени кўпроқ ижодкор сифатида ўзбек хотин-қизларининг қисмати, бугуни, келажаги қизиқтиради. Айтгайлик, кейинги пайтда биз замонавийликка интилиб, кўп урф-одатларимиздан маҳрум бўлиб қолдик, меҳр-оқибатни йўқотдик. Шарқона ибо, шарқона мардликдан ғарбона «озодлик», «эркинлик»ни афзал кўра бошладик. Бунинг сабабини Сиз нимада деб ўйлайсиз?

— Мен гапни узоқроқдан бошламоқчиман. Чор Россияси «Оқ мачит»ни эгаллагунга қадар халқимиз турмуши, яшаш тарзи, хусусан, хотин-қизларимиз ҳаёти қандай кечган? Бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Деҳқон далада экин-тикини билан машғул. Хотин уйда — рўзғор ишлари, болалари тарбияси билан банд. Чўпон сурувини ҳайдаб қир-адир кезади. Хотин ҳовлисини супуриб-сидиради, болаларини едириб ичиради. Кўни-қўшнилари иноқ-иттифоқ йиғилишиб, олача, гилам тўқийди, кигиз босади, урчуқ йиғиради, эрини меҳмон кутгандек кутади. Сарбоз йигит — ҳарбда. Вафодор келинчак унинг ҳақиға дуо қилиб, қизлар билан сўзаналар тикишиб, қўшиқлар тўқишиб, омон-эсон қайтишини худодан тилаб, йўлига кўз тутади. Тижорат аҳли «Ипак йўли» бўйлаб дунё кезади, хотин-бола-чақалари билан боғ ҳовлиларига қарайди. Оилани саранжом-сарийшта бошқариб, садоқатпешалик қилади.

Айтмоқчиманки, у пайтларда аёл ўз уйи, «ўлан тўшаги» билан чамбарчас боғланган эди. «Айиқ эди —

сайиқ эди, — эрим эди. Қинғир эди — қийшиқ эди уйим эди» деган мақол эҳтимол ўша даврлардан қолгандир.

Кўп Шарқ мамлакатлари ўз тарихи, анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларидан узилиб қолмаган ҳолда тараққиётга эришди. Аёлни уйдан — оиладан суғуриб олиб, айтайлик, пахта далаларига, завод, турли-туман қора корхоналарга отмади.

Улуғ Туркистон халқи эса шафқатсиз империя исканжасида қолди. Исмоил Фаспирали ёзганидек, тинчгина қувонч-шодлигию, ғам-ғуссаси, ташвишлари билан ўз кунларига омон халқ асоратга солинди. Тарих гувоҳ: ҳар қандай босқинчи — мустабид ўз билганини қилади. Ўзининг мақсадини «ўлар-тирилари»га қарамай амалга оширади. Имон, диёнат, виждон бир чақа. Ҳаром-харишнинг фарқига бормайди. Гул ҳидлаган тўйдим демайди, ахир!

Айниқса, «Оқ мачит»ни эгаллаган босқинчилар билан халқимиз ўртасидаги фарқ осмону ерча эди. Урф-одат, расм-русумлар, удумларимиз мутлақо бир-бирига зид келарди. Оддий қўл ювишдан тортиб, еб-ичишимизгача. Бизлар «ёввойи» эдик, улар «маданий». Улар «маданияти» шундай ошиб-тошиб кетган эдики, «зарурият»дан сўнг қўл ювишни билмасдилар.

Сиз, Матлубахон, шарқона ибо, шарқона мардликдан ғарбона «озодлик», «эркинлик»ни афзал кўрдик, дея куюниб гапираяпсиз, буларнинг сабабларини сўраяпсиз. Аниқ-тиниқ қилиб айтаман: бош сабаби «миллати маҳкума»лигимиз. Бировга қарамлигимиз. Ўз халқимизга ўзимиз сарвар эмаслигимиз. Қуллигимиз, мутелигимиз, тобелигимиз! Ҳар бир жамият ўзининг аъзосини ўз «доми»га тортади, ўз куйига солади, ўз куйига «ўйнатади».

Албатта, тарбия — бош мезон! Лекин оқибатсиз жамиятда тарбиянинг аҳволи ҳаммамизга аён. Бизнинг тарбиячиларимиз кимлару, тарбияланувчиларимиз кимлар бўлар эди?

«Замонага боқ» деган ибора бизда кўп такрорланади. Ҳа, замонага «боқаяпмиз». Айниқса, ёшлар... Ёшлар шундай бир ниҳолки, ел гирилласа — тебранади, шамол эсса — чайқалади, бўрон гувласа — гувранади...

— Европалашиб жараёни йигирманчи асрнинг бир

вакили сифатида мени ҳам ташвишлантиради. Яқинда бир зиёфатда қадаҳ сўзи айтишга тўғри келди. Бир қараганда, бу оддийгина ҳол. Лекин бунинг замирида катта бир гап, аниқроғи, бизнинг катта фожиамиз ётади. Шунда менинг нигоҳим девордаги Зебунисонинг суратига тушди. Қўлимдаги қадаҳ беихтиёр чайқалди. Ўзимдан ўзим ҳақиқий Шарқ қизининг қаршисида уялиб кетдим. Одамлар менинг ҳолатимдан ажабланиб туришарди. Ноилож лабларим ҳаракатга келди. Йиллар ўтиб, менинг қизим ёки набирам мен каби қадаҳ кўтармай, аксинча, акасига ёки турмуш ўртоғига уятчанлик билан, юзини ҳарир рўмол билан яшириб пиёлада чой узатиши учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилдим. Бундай тилак баъзиларга ёқди, баъзилар менинг бу хом хаёлимга астагина кулиб қўя қолишди.

Азим ака, Сиз бунга қандай фикр билдирасиз? Бир пайтлар Алишер Навоийдек буюк алломани, Абдулла Қодирийдай халқимизнинг ажойиб инсонларини мафтун этган аёл образини Сиз қандай тасаввур қиласиз? Улар қандай фазилатлари билан бунга эришишган деб ўйлайсиз?

— Қат-қат китобларда ёзилганига ишонадиган бўлсак, ўзбек хотин-қизлари инқилобгача фақат «тўрт девор» ичида қолиб келган. Кофирлар юртимизни босиб олгандан кейин эҳтимол шундай бўлгандир. Номусли эркаклар ҳамма замонларда ҳам ўз «заифа»ларини ёт кўзлардан холи тутишга ҳаракат қилишган. Лекин аввалги тарихимиздан маълумки, хотин-қизларимиз ўрни эркакларникидан баланд турган бўлса тургандир, паст бўлмаган. Оилада ҳам, жамиятда ҳам. Ёки улар ўйнаб-кулмаганми? Умри йиғи-ҳасратда ўтганми — Йўқ!

Хотин-қизларимиз турмуши буткул шарқона ўзликка асосланган. Керак бўлса, дунё неъматларидан ҳозиргидан кўра кўпроқ баҳраманд бўлишган. Улар жуда қадрланган. «Менга бу фоний дунёда энг сеvimли кўринган нарса — аёл кишидир». «Жаннат оналар қадами остидадир», «Авалло онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил» деган ҳадислар бор. Улар бежиз айтилмаган.

Мана, Сиз замонавий зиёфатни гапирдингиз. Қизнинг қўлида қадаҳ. Бу қадаҳни Сизга ким тутқазди?

Чуқурроқ ўйланг, «Оқ мачит» забт этилган кун... бу қадаҳ қўлингизга қўнмадимми?

— Биз етмиш йил ўз камбағаллигимиз билан мағрурланиб яшадик. Чунки бизни шундай руҳда тарбиялашди. Яратаётган моддий бойлигимиздан ўзимиз фойдаланмай, уларни узоқ йиллар мобайнида чўзилиб турган очиқ панжаларга тутдик. Моддий етишмовчиликдан жуда хунук иллатлар келиб чиқди. Баъзи қизларимиз, аёлларимиз юзидан ҳаё пардаси кўтарилди. Нафақат йигитларимиз, балки аёлларимиз ўртасида ҳам жиноятлар сони кўпайди. Шоир сифатида бу фожиа Сизни безовта қилмайдими? Халқ дардининг куйчиси сифатида тарихга нима совға қила оласиз?

— Камбағалнинг кўрган куни қурсин, деган гап бор. Камбағаллик билан мағрурланиб бўлмайди. Камбағаллик — кишан. Ҳеч ёққа боролмайсан. Камбағаллик — қанотсиз қуш, парвози йўқ. Бизни кишанга ўргатдилар, қанотсиз учиш мумкин, деган ақида билан алдаб келдилар.

Тўқ оиланинг болаларига қаранг: соғлом, бақувват, чиройли, хушбичим. Камбағал оиланинг болаларига қаранг: касалманд, камқон, камсуқум.

Турли-туман ёлғон ташвиқотлар кимга қаратилган. Халқимиз шуни англаб олиши керак. Ҳар бир сохтакорликка анграйиб ишонавериш лақмаликдир! Биз ижодкорлар бошимиз кетмасдан туриб уларнинг кўзларини очишимиз керак.

Жуда кўп жиноятларнинг илдизи етишмовчиликка бориб тақалади. Тўғри айтдингиз: аёлларимиз ўртасида ҳам жиноятлар кўпайди. Бизнинг жамиятимизда моддий ва маънавий инқироз, айниқса, ҳозир юзага қалқиб чиқди. Хон хонга келиб йиғлар, хон келиб хотинига йиғлар, деган ровийлар. Худди шундай замон бу! Хон қилолмаган ишни хотин қаёқдан қилсин? Дард кўп, ғам кўп, алам кўп. Бир қорнингга йиғлайсан, бир қадрингга. Топган кўрпанг бошингга етса, оёғингга етмайди, оёғингни ёпай десанг бошинг очиқ қолади... Жиноят устига жиноят. Бири ўзига ўт қўяди, бири боласини сувга отади, бири иложсизликдан телба, бири кимдандир қасд олади. Ахир аёл «жони қирқта» бўлса ҳам тош эмас-ку...

Ҳа, ўтмишда аёлларимиз эрлар каби жасур, довурак, оқила бўлишган. Она тарихимизда бунга мисоллар

истаганингизча топилади. Сфаретра, Тўмарис, Зарина, Бибиҳоним, Зебунисо, Гулбаданбегим, Нодира, Анбар отин, Қурбонжон додҳо...

Битта мисол: милоддан олдинги VI аср ўртасида Эрон шоҳи Кир I сақлар билан қилган жанглардан бирида уларнинг ҳукмдори Аморгани асир олади. Воқеадан хабар топган Аморганининг хотини Сфаретра уч юз минг эркак ва икки юз минг аёлдан иборат қўшинга бошчилик қилиб Кирнинг лашкарларини тор-мор этади ва эрини тутқунликдан озод қилади.

Усома ибн Мунқизнинг «Ибратли китоб»ида эса бир шарқ аёлининг жасурлиги қуйидагича тасвирланади:

«...Матоларингиз борми? — сўрайди душман қарши-сига тик чиққан Аёл.

— Матони нима қиласан? — масхаралаб кулишди ёвлар.

— Сизларга кафан тикаман? — деди Аёл».

Ёки оқила қиз ҳақидаги сабоқни эшитинг:

«Она ёлғиз ўғлининг раъйини қайтармай, у айтган қизни сўроқлаб унинг уйига борди, топди ва улар ўртасида қуйидаги синов савол-жавоби бўлиб ўтди:

Она: — Э, қизим, қишда кимимсан? Ёзда кимимсан? Кузда кимимсан?

Қиз: — Қишда ўчоғингизман, ёзда — қувватингизман, кузда файзи-баракатингизни йиғиштиргувчингизман.

Она: — Э, қизим, отанг уйи нимангдур?

Қиз: — Э, онажон, туғилиб дунёни кўрган панжарамдир.

Она: — Қизим, сенинг супургинг қаерда туради?

Қиз: — Она, супургим азонда ва кун ўртасида қўлимда, кеч — оқшом оёғим остида бўлади.

Она: — Отанг қаерга кетди?

Қиз: — Отам беш сўмга беш юзни алмаштиргани кетди (изоҳ: беш сўмлик қуённи тутаман деб беш юз сўмлик отни миниб овга кетди, эҳтимол, от ишдан чиқар дегани).

Она: — Қизим, онанг қаерга кетди?

Қиз: — Онам ўликни тирилтиргани кетди (яъни ўликка, азага демоқчи).

Она: — Баракалло, она сутинг, ота нонинг ҳалол, қўшганинг билан қўша қаригил, овмин!»

Шундай қилиб, она ўша донишманд қизни ўғлига олиб берган экан.

Ҳозир ҳам жасур, оқила аёлларимиз жуда кўп. Улар қайноқ давримиз дарёсида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай турли-туман жабҳаларда хизмат қилишяпти.

Ўзимга келсак... «Аёл» деган дoston устида ишлаяпман. Битиб қолар. Кўрамиз...

— Ҳукмдор аёллар ҳақида гапириб ўтдингиз. Бизнинг асримизда ҳам Индира Ганди, Беназир Бхутто, Тэтчер каби аёллар улкан давлатларни бошқаришди. Замонамизнинг ўзбек аёллари ўртасида ҳам давлатни бемалол идора қила оладиган, халқи учун жонини фидо қила оладиган аёллар етишиб чиқишига ишонасизми?

— Ҳа, бир пайтлар бутун бир давр — онахоқонлик деб аталган. Шарқда ҳукмдор аёллар кўп ўтганлиги ҳам рост. Лекин уларнинг барчаси барибир эркаклар тасарруфида бўлган. Аёл аёл-да. У она, кўнгилчан, шафқатли... тахт устида эса одам одамга бўри! Умуман, сиёсатда шундай!

Замонамизда аёллар ҳукмдорлиги энг ривожланган, ўта маданиятли жамиятда бўлиши мумкин.

Яқинда бир эски танишимни учратиб қолдим. Кўп йиллар район партия кўмитасининг учинчи котиби бўлиб ишлаган. Гапдан гап чиқиб, «тушунадиган одам-сиз-ку» деб юрагини ёзиб қолди.

Айтишича, ҳали институтни битирмасданоқ «ёш, чиройлисиз, аппаратга сиздек қизлар керак», деб ишга олишибди. Бирдан «катта» бўлиб кетган қиз... ундан бундан келган совчиларни назар-писанд қилмай қувиб солибди. Бирор йигит журъат қилиб гап қотса, муносиб кўрмабди. Бора-бора одамлар унинг қизлигини ҳам унутиб қўйишибди. Шу-шу турмушга чиқолмабди, тоқ ўтаётган экан.

«— Мана, ёшим ҳам қирқдан ошди, — дейди у чуқур уҳ тортиб, — бир оилани гуллатиб-яшнатишим мумкин эди. Болаларим бўлишини бирам истайманки, уларни фақат тушларимда кўраман...»

Ёки янада Сиз айтмоқчи «давлатни бемалол идора қила оладиган» ҳукмдорликка интилаверсангиз... Йўлдаёқ «улоқ» қилиб кетишади. Оила хароб, гап-сўздан ер силкинади. Эр — инфаркт, бола-чақанинг юзи шувут.

Қариндошлар борида «ҳа-ҳа», йўғингда қорасини ҳам кўрсатишмайди.

Матлубахон, умуман, шу саволингизга халқда зўр жавоб бор-да, яъни: яхши қиз маҳалласидан ортмайди.

— **Нима, Сиз хотин-қизларнинг ўқиш ва хизмат қилишларига қаршимисиз?**

— Йўқ, йўқ, мени тушунмадингиз. Хотин-қизларнинг ўқиши, маърифатли бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Бу ҳақда «Муошарат одоби» номли китобнинг муаллифи Олимат ул-Банот ғоят оқилона ёзади: «...Дунёда мавжуд бўлган инсонларнинг ярми хотунлардур. Оиланинг бахту саодати ҳам хотунларнинг ақллилигию илмли бўлмоқларига боғланмишдир. Хотунлар яхши тарбияли болаларни етиштирурлар. Уларнинг тарбиялари орқали дунёда улуг зотлар етишиб чиқиши муқаррардир.

Агар хотун ўқиган бўлса ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз биледи. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади...»

Бу донишманд аёл сўзларига мен яна нима қўшимча қилишим мумкин?

Хотин-қизларимиз ўзларига муносиб ишларда хизмат қилсин. Ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ураввермасин! У энг аввало она эканлигини — алла айтишни, бешик тебратишни, боласини ювиб-тарашни, гулдай парваришлашни, уйини супуриб-сидиришни, таом тайёрлашни, қозон-товоғини... унутиб қўймасин! Бир сўз билан айтганда оиланинг асоси — ўзи эканлигини ёдидан чиқармасин! Таянч тарбиячи эканлигини ҳар қачон эсида тутсин. Эркаклар эса уларга бутун шарт-шароитлар ҳозирласинлар, хосу мос иқлим яратсинлар!

— **Мамлакатимизда бир йилда миллиондан ортиқ оила ажрашиб, 350 мингга яқин бола тирик егим бўлиб қолмоқда экан. 1940 йилдан 1980 йилгача Иттифоқда ажралган оилалар сони 4,5 марта, жумҳуриятимизда эса 1960 йилдан 1987 йилгача 10 мартага кўпайишини қандай изоҳлаш мумкин?**

— Бизнинг жамиятимизда оиланинг пойдевори йўқ, бузиб ташланган. У «мен сендан камми?» деган рўёга қурилган. «Тенг ҳуқуқлилиқ» деган гап нисбий тушун-

ча. Эр билан хотин, умуман инсон ҳеч қачон теппа-тенг бўлолмайди. Табиат нотенг яратган, бири баланд, бири паст. Фақат қалбан, ўзаро муносабатда тенг бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган фактлар фожиаси — «тенглик» талашишлар «самара»сидир. «Оила қуришлик — нина учуда қаср қуриш билан тенг» эканлигини буткул унутишлар оқибатидир. Менинг бу шахсий фикрларим эру хотинга баб-баравар тааллуқдир.

Мақол: (Эрлар наздида) Дўстинг ким — хотининг, душманинг ким — хотининг. (Хотинлар наздида) Дўстинг ким — эринг, душманинг ким — эринг.

Ҳадис: — Эркакнинг либосини кийган хотинга ва хотин либосини кийган эркакка Оллоҳнинг лаънати бўлсин!

— **Келинойим ўқиганми?**

— Ўқиган. Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих куллийетини битирган. Тўрт боланинг: бир қиз, уч ўғилнинг онаси.

— **Азим ака, «Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!» номли жуда гўзал, мухлисларингизга ёд бўлиб кетган туркумингиз бор. Агар, сир бўлмаса, унинг яратилиш тарихидан ўқувчиларни хабардор қилсангиз?**

— Мен МУҲАББАТга сиғинаман. Муҳаббат мен учун узоқдан кўриниб тургувчи машъал эмас, қўлимда ЧИРОҚ! Сиз айтган туркум — муҳаббатим маҳсули!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1991 йил 9 август.

ЯПОНИЯ ЖАННАТ ЭМАС, АММО...

Бундан икки-уч йил бурун кунчиқар мамлакати ҳисобланмиш олис Японияда «Японча-ўзбекча луғат» нашр этилганлигини эшитиб ҳайратлангандим. Яқинда эса ўзбек тилида гапира оладиган ва ёза оладиган япон олими — Токио дорилфунуни адабиёт куллийети доцент-ти, шарқшунослик кутубхонасининг илмий ходими Хисао Кумацу билан танишиб жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Тўғриси, тил билиш одатий ҳол ҳисобланиши керак. Хорижий давлатларда аслида ҳам шундай. Лекин шун-

доқ ёнгинангда ўз она тилини — ўзбек тилини билмай, билишни истамай, билса ҳам «юмалоқ ёстиқ» қилиб гапирадиган, гапирса ҳам ўз фикрларини икки энлик қоғозда ифода этолмайдиган жужун (манкурт)ларни кўравериб... ёки Ўзбекистонда етмиш йилдан буён яшаб, ўзбек тилининг «ў» ҳарфини ҳам «ҳазм» қилолмай келаётганларнинг гоҳ очиқ, яширин таъна-дашномларини эшитавериб... сабр-тоқат билан кун кечираётганингда... бирдан бир япон сен-ла она тилингда эркин, равон суҳбат қурса, гурунглашса ҳайратланмай, севинмай бўладими, ахир?!

Хисао Кумацу жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган давлатнинг фарзанди. Электронлаштирилган, компьютерлаштирилган мамлакат олими. Аммо гоят самимий, нозиктаъб, мулойим, хушфеъл инсон.

«Японларнинг ҳам армони борми?» — деб сўрадим ундан ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. «Армонсиз одам, ҳатто армонсиз давлат бўлмайди, — деди у жилмайиб. — Бизнинг ҳам армонларимиз кўп, уларни қўятурайлик, бироқ ўша техникалашган, машиналашган, роботлашган диёримизда табиий одамгарчилик, инсонгарчилик туйғулари тақчил бўлиб бораяпти. Айтайлик, бир ота-онанинг икки фарзанди бир дастурхон устида бемалол суҳбатлашиб ўтиролмайди. «Темиртан»лар билан банд, улар билан кўпроқ «суҳбат» қуришади. Бундай ҳаёт кечириш кейинги йилларда ёшларимиз ичида сезиларли норозиликларга сабаб бўлмоқда. Темирлар ҳеч қачон инсонга инсондек дўст бўлолмайди...»

Хисаони, унинг дардини тушунгандек бўлдим. Аммо менинг Ўзбекистоним бугун Япония каби мамлакатлар ривожи, тараққиёти сари интилмоқда. Мен унга шу ҳақда сўзлаб бердим. Хисао ҳам мени тушунгандек бўлди. Тараққий этиш йўлларини ўзича шарҳлади.

«Энг аввало, — деди у, — ҳамма соҳада бирдай иш юритувчи тил — ўз она тилингиз бўлиши керак. Фақат она тил орқалигина инсон сийратидаги бор мавжуд имконият юзага чиқади! Она тил билангина асл маърифатга эришилади. Миллий кадрлар пайдо бўлади. Ахир, она тилда иш юритилмаса ҳақиқий юрт эгалари қаёқдан туғилади? Бегона тиллилар... сизнинг Ватанингиз учун эмас, ўз шахси ва ўз ватанлари манфаати, дея

гоҳ ошкора, гоҳ яширин ҳолатда ҳаракат қилади. Инсон табиатан шундай яралган.

Мамлакатингиз тараққиётга эришаман деса, тезроқ чин истиқдолга — мустақилликка эга бўлмоғи керак! Мустақиллик ягона бўлади. Унинг иқтисодий, сиёсий... каби турлари йўқ.

Мустақилликка эришган мамлакат, албатта, биринчи галда ўз ички имкониятларини ишга солади, чет давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилади. Ўзбекистоннинг ички имкониятлари жуда катта. Мен ишонтириб айтаманки, Японияда ҳам бундай имконият йўқ. Тангри берган сахий офтоб, табиий бойликлар, тенгсиз иқлим... эҳ-ҳе, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ!

Тагин бир гап. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон, Туркменистон ҳар бир жабҳада қадимги Туркистон каби ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурят бўлади. Ахир, йўлингиз бир, сувингиз бир, ҳавоингиз, тупроғингиз бир! Тақдирингиз бир! Хабарим бор... Халқларингиз орасидаги нифоқ — узоқ қуллик занжирларининг узилишига эмас, балки, янада яшовчанлигига хизмат қилади!

Япония жаннат эмас, аммо мустақил давлат. Унинг бахти фақат шунда!»

Хисао Кумацунинг бу мулоҳазалари менинг учун янгилик эмас. Йигирма-йигирма беш йилдан буён шундай ўйлаб келаман. Лекин буюк бир мустақил давлат олими фикрлари билан ўзимнинг қарашларим хосу мос, муштараклигидан, рости, ичимда хурсанд бўлиб қўйдим. Унинг гапларини жим туриб эшитдим.

Хисао «Ўзбекистон тараққиёт талаби билан ҳам мустақилликка эришолмаслиги мумкинми?» деган саволимга «Ҳа, чин демократик кучлар, партиялар хилма-хиллиги бўлмаса мумкин, узоқ давом этиши мумкин!» — дея қатъий жавоб берди.

Шундан сўнг уни тарих, адабиёт, санъат доирасидаги суҳбатга тортдим. Ўзи, қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим. У рози бўлди.

— 1951 йил 28 февралда туғилганман. Лекин бу муҳим эмас. Муҳими: йигирма йилдан буён XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ва XX аср бошларидаги Туркистон тарихи, адабиёти билан шуғулланиб келишим. Асосий ишим Фитрат фаолияти ва ижоди ҳақида.

«Фитратнинг «Мунозара» асари ҳақида қайдлар» деган илмий рисолам 1981 йилда Анқарада нашр этилган. «Фитрат ва «Ёш бухороликлар»нинг фикр ҳаракатлари тадрижи» деган рисолам эса инглиз тилида чиққан. Бундан ташқари «Бухоро маҳаллаларига доир», «Бухоро ва Қозон», «Ўрта Осиё мусулмонларининг аҳволи», «Тошкент эшонлари», «Андижон қўзғолони ва Мадали эшон», «Қўқон ва Истанбул» сингари мақолаларим турли манбаларда эълон қилинган.

Туркияда уч йил тадқиқотлар олиб бордим. Турк ва ўзбек тилларини шу ерда ўргандим...

Ҳа, Хисао ўзбек, турк тилларига самимий муҳаббат қўйган. У бундан ташқари инглиз, рус тилларини ҳам пухта эгаллаган олим. Хисаонинг тил билишдаги ютуқларини кўриб, ўзимизнинг бечора «тилсиз» олимларимизнинг ношудлигини эсладим. Кўпчилиги ҳатто ўз она тилларида эркин гаплашишни билишмайди-я, ёзиб-чизишни-ку қўяверинг!

Хисаонинг айтишича, умуман ҳозир Японияда, ўзбек тилини билишга қизиқиш кучайган. Киато университетига чиғатой-ўзбек тили ўқитилаяпти экан. Мано деган профессор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сини япон тилига таржима қилибди. Бир қанча мутахассислар назарлари Алишер Навоий, Абулғозийхон, «Шайбонийнома» муаллифи Муҳаммад Солиҳ, Убайдуллахон ва бошқа шоир, олим, давлат арбоблари ижоди, ҳаёти, фаолиятларини ўрганишга қаратилмоқда экан. Энг муҳими, ўзбек тилини ўргатувчи дарслик яратилибди...

Хисаодан бундай қизиқишлар изоҳини сўраганимда, қуйидагича жавоб берди: — Бизнинг ҳисоб-китобимизга қараганда, дунёдаги жамики ўзбеклар сони йигирма тўрт миллионни ташкил этади. Бундай қадимий ва катта халқнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёс! Шундай экан, Ер юзидаги ҳар бир ўзини билган миллат ўзбек тилини, тарихини, маданиятини, адабиётини, санъатини ўрганмаслиги, унга эътиборларини қаратмаслиги мумкинми?..

Японияда ўзбеклар яшаш-яшамаслиги билан ҳам қизиқдим. «Билишимча, — дейди у — бизда озчилик — уч-тўрт оилагина яшайди, аммо қондошларингиз татарлар билан бир юз йигирма-бир юз эллик оилани таш-

кил этади. Яқинда Япония ҳукумати бу мусулмонлар учун алоҳида масжид қуриб бермоқчи. Улар ўз урф-одатлари, расм-русумларини унутган эмас».

Хисао Кумацу бугунги Ўзбекистон билан бир олим сифатида чуқурроқ танишга ҳаракат қилди. У Самарқанд, Бухоро, Андижон вилоятлари сафарида бўлди. «Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари ва маданиятини сақлаш жамияти»да, Тошкент тумани «Ленин йўли» давлат хўжалигида ажойиб гурунглар берди. Филология фанлари номзодлари, олимлар Ортиқбой Абдуллаев, Нўмонжон Раҳимжонов, «Ёдгорлик» илмий-ишлаб чиқариш фирмасининг бош директори Амирсаид Усмонхўжаев ва камина Хисао суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Дунёнинг бир четида ўзбек тилини ўрганиб, халқимиз тарихини, маданиятини оламга ўзича танитаётган япон дўстимиздан миннатдорлигимизни яшириб ўтирмадик, унга, япон халқига аталган яхши сўзларимизни айтдик.

«Халқлар, давлатлар иттифоқи икки кишининг оддий мулоқотидан, дўстлигидан бошланади, мана бизлар дўст бўлдик, энди навбат Ўзбекистон ва Японияга...» — дейди Хисао ширин жилмайиб.


Хисао Кумацу Қозонга учиб кетди. Ундан Истанбулга ўтади. У ўз ватанига борганидан сўнг илмий ишлар билан шуғулланишидан ташқари бирор япон мактабида ўзбек тилидан дарс бермоқчи!

Омад сенга ёр бўлсин, ўзбекнинг дўсти, дўстим Хисао Кумацу!


«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1991 йил 16 август.



Иккинчи қисм



Ҳуррият ҳақиқатлари





МУСТАҚИЛЛИК ҚАСИДАСИ

Эриб оқди тоғларнинг қори,
Йиғлаб кўзин очди гунчалар.
Мустақиллик кутган диёрнинг
Соғинчими улуғ шунчалар?!
Халқим!
Бахтинг қуёши билан,
Қара,
Ташлаб ярим жаҳонни,
Ўзин иссиқ оташи билан
Қутлаб турар Ўзбекистонни!
Мустақиллик! Бу нима ўзи?
Нечун бунча ҳайрат ва қувонч?
Нега чақнар шоирнинг кўзи,
Нечун бунча юрак унга оч?!

* * *

Ҳофизам илдизи — олис асрлар,
Хотирамдан ўчмас ола-тасирлар.
Кунтуғардан чиққан хун боласимен,
Тун боласи эмас, кун боласимен.
Емакка илк бора туз солғон бобом,
Юксакка минг бора кўз солғон бобом.
Офтоб-ла туғишган аждодларим бор,
Ёлғиз халққа аён имдодларим бор.
Юртим сарҳадида нур соқчи бўлган,
Турк илк бор уй қуриб, чироқчи бўлган.
Алп Эр Тўнга бобом, ғолиб шер бобом,
Турк ўлмади, қадди тикланди мудом.
Байроғида ҳамон ой, юлдуз уйғоқ,
Тўққиз минг йилдирки, ўткир кўз уйғоқ.
Турон эдинг, сен тонг эдинг, шон эдинг,
Кўк — турк эдинг, кўрк — эдинг,
Туркистон эдинг.
Турк тик бўлган, ёвга чўкка тушмаган,
Ҳақ рост тарихингга қўлка тушмаган.
Китобинг йиртилган, тилланг таланган,

Аммо кўкрагингдан имон кўчмаган!
Беруний, Фаргоний, ибн Синолар,
Илмда тиклаган буюк бинолар,
Жаҳонни сўраган минг-минг донолар,
Ўтмиш сени билган, эрта тан олар.
Ҳайратда қолдирди сайёраларни
Темур бобом қурган миноралари.
Довруғин тиклади Турон заминни,
Олтин ҳарф-ла битиб қутлуғ номингни.
Офтобнинг нуринаи якқалам айлаб,
Турк сўзин байроғин осмонга бойлаб,
Навобий бобомиз дуолар ўқир,
Девонин ўпамиз ҳар кун авайлаб.
Туркистоним, туркий шоним, турк қоним,
Турк — тик, турк кўрк, турк кўп туркий жаҳоним.

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин.

* * *

Боболар хислатин санаб бирма-бир,
Фурурдан тож кийиш мавруди эмас.
Биз фақат, сочилиб ётган жавоҳир —
Барибир жавоҳир эрур дедик, бас!
Заминдай яшил тўп сада қайрағоч,
Барглари зич — шохлар ўришганидан,
Биз бормиз — келганда қилич яланғоч,
Боболар қўлга қўл беришганидан.
Нозиклар эшилса, яралиб сиртмоқ,
Йўғонни боғласанг, қолганда тугун,
Хоқонлар бирлашмай ўтса-да тарқоқ,
Мана, биз бир халққа айландик бугун!
Қандай унутайлик, «оҳ»лар йиғилган...
Бир шердил азамат чиқмагунча то, —
Она юрт, эл билан бирга туғилган
Наврўз қадамига зор эдик ҳатто!
Ҳа, парча заминга зор эди деҳқон,
Кўкка кўтармоққа — ердан берди жой.
Қабул эт, халқингни раҳматин, ўғлон,
Бошингдан учмасин ҳеч қачон Ҳумой!
Саҳнда сўққабош турган қоялар
Асоси бўлгандай яхлит тош илдиэ,
Бизни бирлаштирди буюк ғоялар
Ва миллий фурурдек унда Бош илдиэ!
Олисга бўйлаган яктан чўққилар
Ортидан елгандек бутун Қоратоғ,

Халқим, келаяпсан қоя ўғиллар —
Ортидан, бошингда эътиқод — байроқ.

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Эй, сен — ҳар зарраси тўтиё юртим,
Кўзлар кўриб, диллар англаб топинди.
Юлқилаб ошқору пинҳон ҳар ғаним,
Кўнгил туморларинг кимга сотилди?
Ҳавас ё ҳасаднинг қўлида кетган —
Термизий қабридан парча тошингни
Куйма олтинга-да алишмас Лондон...
Излаймиз боболар олтин бошини...
Йигирма асрлик Будда жилмаяр
Тошкентнинг бир унут вайронасида.
Бухорий дастхати йўлга сарғаяр
Бегона юртларнинг кошонасида.
Қовунлар исига тўлди еру кўк,
Армоним осмону фалакда гирён,
Сарсондир Ҳиндистон йўлида бир руҳ:
«Мозорим бўлсайди, кетсам Андижон...»
Меҳроблар топталди — зада имоним.
Кимга пул манбаи, — кимларга безак —
Ўғирлаб кетилган бағрим — Ислоннинг
Нодир китоблари ўзимга керак!
Эй, бугун бағримда чандон йиғилган
Дардлардан ўктам минг имкон туғилди,
Ўтмишу эртамини суйган, боғлаган —
Мустақил ҳукмимга яшил туғ энди.
Ўзлигин англаган ҳарки доно эл
Бешикдаги ўғлон «Полвоним», — дейди.
Халқим, қақдинг кўтар, ўзлигингни бил,
Ўз уйингда ўзинг бек бўлгин энди!
Ҳаммомпиш ўйнаган боланг ясаган
Қамиш ҳуштагию варрагидан то, —
Чингиз Аҳмар жоду билан безаган
Нигоҳи руҳпарвар малагидан то, —
Момолар ислимий нақшларни тиккан
Дурралар, жойнамоз, қийиқларгача,
Асрлар яшаб, етмиш йилда чўккан
Миноралардан кўчган синиқларгача
Кўнгилдан тўкилган гавҳардек асра,
Руҳинг кенгликларин беимонлардан.
Кўзтумор билан ҳар қизингни ясат,
«Муножот»лар ишқи кетсин жонларда...

Отам, онам — халқим дастурхонингдан
Бахраманд бўлсину дил, тили ростлар,
Ўзингга буюрсин юрак қонингдан
Сайқал топган ҳарки боқий мерослар.

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукаммал бўлсин!

* * *

Неча йил ўғрига таланди карвон,
Юрак кишанларнинг ёнида ётди.
Қуёш Шарқ уфқида кезиб бесамар,
Барибир Фарб деган оғушга ботди.
Соядаги гуллар ўсдилар маъюс,
Қисмат инъомидан ҳамон умидвор.
Йўл четида мунглиғ аёлни кўриб,
Карвон йўлларида йиғлайверди қор.
Қунлар — эгатларга чўзилди умид,
Ёлғиз армонларнинг ёнини олди.
— Пахта оқ умрига гўдак қонию
Заҳматкаш аёлнинг жонини олди.
Қуёшнинг бешафқат олов селида
Давом этаверди аёл кўрган туш.
Қўллар гўзапоя қисмати-ла бир...
Шунча узоқлашиб кетдингми, Кумуш?
Асрлар руҳларни аёвсиз эгиб,
Кўкрагини кериб, кезганда ёлғон.
Она вужудида бўйлари қолиб,
Тупроқ қучаверди ўттиз уч минг жон.
Ҳар баҳор қирларни майсалар кўмиб,
«Булбул гул ишқида айласа нола»,
Аёл йўлларига тўшайди «чаман»
Ўттиз уч минг чечак — армонли бола.
Миллат кўксин магар ўйса жароҳат,
У гулхандек ёнган аёл оҳидир.
Онани кафтида тута олмаган
Замоннинг ювилмас чўнг гуноҳидир.
Чирқиллаб тумшуғин тутар полапон
Онаси авайлаб келтирган донга.
Аёл! Сен меҳринг-ла ҳаёт берасан
Чайқалиб турувчи жумла жаҳонга.
Ҳамон йўл четида карвонни кўтиб,
Ризқу насибангни тераверасан.
Энди сен юртингга биз узоқ кутган
Алпомиш, Барчинлар бераверасан.

Энди сен кўксингда улгайтган гўдак
Бойчиборда учар, Фиротда учар.
Дунёни қадимдек шавкатга кўмиб,
Эрк деган енгилмас қанотда учар.
Лаҳзалар ўтмишга борур айланиб,
Шамол сочларингни ўйнар паришон.
Аёл! Шу лаҳзада руҳинг танидан
Аста сидирилиб тушмоқда кишан...
Қанча суюнсангиз ярашар бу кун,
Бу кун бошингизга бахт қуши қўнди,
Шу йўлда жон фидо қилмоқлик мумкин,
Аёллар, истиқлол муборақ энди!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Сочилиб, соврилиб келди бу чаман,
Тул қолган аёлдай дилда фиғони.
Ўзлигин қоплади қоронғи туман
Тўнғизга қўналға бўлиб макони.
Сандувочлар қақшаб тузоқда қолди,
Бу элнинг севинчи узоқда қолди.
Бойўғли бек бўлиб, тегирмон тоши
Деворнинг остида, шувоқда қолди.
Тўпларга тутилиб Минораи Калон —
Ҳамон лайлакларнинг тумшуғида қон.
Мунғайиб-мунғайиб юртга боқади —
Кўзига кўринар на бошоқ, на дон.
Дарахтлар оҳ урар, дарёлар оқмас,
Тандирлар ўртаниб чўғини топмас,
Емирилиб имонли буюк бир диёр,
Тупроғини босмиш тикан билан хас.
Сарғайган қамишдай сарғайган гўдак,
Сиздан қадрлими бир дона кўсак,
Дардлар дарё бўлиб оқизмас бизни,
Елкада кўтариб кетсак гар сизни...
Борини бериб ҳам, бўҳтонлар олган,
Зорини айтиб ҳам, зорланиб қолган,
Сомондай сарғайиб ҳар ён сочилиб
Тола-тола бўлиб толиқиб қолган —
Халқим, ўз ҳолингга ўзингсан ҳайрон,
Топганинг қотган нон ва зардоб айрон,
Тутундай хўпиқиб қорайган қумғон,
Меҳнатинг яхши-ю айтганинг ёлғон,
Боймиз деб бағрини кериб айтганлар,

Айтсинлар, қайдалар тилла — кумушинг,
Тоғларни емириб, бериб қайтганлар
Осон қилолдим би́рор юмушинг?!
Номимиз улуғ-у, супраимиз қуруқ,
Имон ва адолат — топилмас уруғ,
Қаққайган ғор каби бўм-бўш оғзимиз,
Тишимиз бўлса ҳам, йўқдир тилимиз.
Чумоли сингари тинмай гивирлаб
Кўмилиб келдик биз чанг, қора ерга.
Ҳар ўтган ўткинчи қўлини қадаб —
Қулсан деб ботирди вужудинг терга.
Ўзбегим-ўзбегим, англа ўзлигинг,
Борлигингни энди айлагин аён.
Бу тупроқ сеники, бу юрт сеники,
Сеники мавжланган бу ёруғ осмон.
Емирилган юртингни юксакка кўтар,
Сени шарафласин қадимий Турон!
Дарёларинг мавжланиб, тўлганиб оқсин,
Боғларинг товланиб кўзларни ёқсин,
Жаннат деб аталган бежаннат макон
Йўқликни куйдирсин, йўқликни ёқсин!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Ҳуррият, қийналиб кетарсан,
Қийналиб кетарсан биз билан.
Эгилмас бошингни эгарсан,
Судралиб юарсан тиз билан.
Чунки тошбақага дўст бўлмас чаён,
Чунки ҳокимликнинг оқ нони ширин.
Барибир хиёнат қилиб қўяр қон,
Санчади заҳарли нишин яширин.
Душман қўрқинч эмас, хоинлар — қўрқинч,
Сотилган нишонни танир харидор.
Сотиб ўрганганга сен-да мис ё тунч
Кабии жўн буюмсан — келганда бозор.
Юз йиллаб қуликнинг сабогин ўқиб,
Саводи чиқмаган гумроҳлар қанча.
Елкангга тиг келса қочарлар қўрқиб,
Ҳанжар — ўтмас пичоқ, ўшалар — ханжар.
Йўлдошинг бўлса-да зилдай машаққат,
Азоб оёғингга босса ҳамки чўғ,
Сен бизга чидагин, бизга қил тоқат,
Ахир, сендан ўзга паноҳимиз йўқ.

Яна дўстларинг бор — руҳ қўрғонини
Бермаган ўткинчи кулги, кўзёшга.
Тангридан сўрадик улар жонини,
Уларга паноҳ йўқ тангридан бошқа.
...Ана, маъюсгина жилмаймоқда — куз,
Булутларнинг қалин чеккаси синди.
Кўринди эртага қуёш солган из,
Бошинг тошдан бўлсин, ҲУРРИЯТ, энди!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Бугун тўй қилади юртига тикиб
Дунё ўзбеклари чўғ дийдаларин.
«Туронга учсам, — дер, — қанотлар битиб», —
Қай кун ночор кетган обидаларим.
Турк, Олмон, Амриқо, Арабистондан
Қатор-қатор келар қутлов карвони.
Ушалди жаҳонга сочилиб кетган
Минг-минг ўзбекларнинг орзу-армони.
Мақсудий, Сайхонли ҳаяжонини
Бугун тушунмаслик гуноҳдир оғир.
Бегона элларда юртни соғиниб,
Яшашдан азобли ғам борми, ахир!
Ахир, боролмасанг она ватанга,
Тавоф этолмасанг бобонг қабрини.
Муҳожирлик дарди кам каби яна
Тортсанг «хоин» деган туҳмат жабрини!
Улуғ Туркистоннинг дарвозалари
Бугун ланг очилди жумла жаҳонга.
Ватандош! Меҳрингни кўрсатгил энди,
Садоқатинг кўрсат ота маконга!
Деворлар қулади, маломат тинди,
Қондошлар истиқлол муборак энди!
Истиқлол — истиқбол муборак энди!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Истиқлол дилларни тўлдира келди,
Чирмовуқ илдинин сўлдира келди,
Асл инсонликни билдира келди.
Уйғониш замони муборак, юртим.

Ёмоннинг ёлғони — ёлғон ёмони,
Ёлғоннинг замони — замон ёлғони.
Қаллоб мустабиднинг — эврилиш они, —
Фош бўлган ёлғони муборак, юртим.
«Кеча ва кундуз»дан иборат ҳаёт,
Кундуздан бўлди мосуво, наҳот?
Кундуз шуъласидан кўқарган баҳор,
Чўлпоннинг армони муборак, юртим.
Синди зулумотнинг кўрғошин ранги,
Оқариб отмоқда истиқлол тонги,
Дилга нур йўлласин, қўлласин Тангри,
Армоннинг Чўлпони муборак, юртим.
Фикр эркин бўлмай озод бўлмас руҳ,
Кўнгил озод бўлмай тўкилмас андуҳ,
Нурланиб, ҳурланиб келганда шукуҳ,
Имтиҳон довони муборак, юртим.
Илоё, ўзингдан ўрмасин зобит,
Бемаҳал ҳеч уйдан чиқмасин тобут,
Виждонинг тиф бўлсин, имонинг — совут,
Ясавий имони муборак, юртим.
Истиқлол кўзлари тийрак боладир,
Минг йиллик тарихдан сабоқ оладир.
Ўзбек омон бўлса, у ҳам қоладир,
Чўнг тарих ўғлони муборак, юртим!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

* * *

Қўлда қотган нонимни бошга суртиб тош қилдим,
Урай дедим армонни, аммо тишлаб ош қилдим,
Чеки йўқ азобзорда бор-йўғимни лош қилдим,
Гуноҳ эди ўзгада, лек ўзимни фош қилдим.
Бугун кумрилар ичра чарх урувчи зот бўлдим,
Сайёдидан қутулган оҳудай озод бўлдим.
Келинимга айтаман, тилла қошин қадасин,
Куёвимга айтаман, белбоғини боғласин,
Қуда-анда, кўн-қўшни бир-бирини сийласин,
Пажмурда кўнгилларни эрк сўзи-ла айласин,
Бугун кўчқорлар сўйиб, тўй бергич мардон бўлдим,
Мардон бўлдим-а, ахир, мулкима султон бўлдим.
Кўзларимнинг сувини оқизай олмазорга,
Қарғишимни қайтариб отаман дилозорга,
Ҳаммангизни чорлайн сабуҳий лолазорга,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ўхшамаймиз-ку хорга.
Самарқандда Сиебнинг гувилаши зўр бўлди,
Барча ичи қоралар шувиллашиб кўр бўлди.

Фарғонада тутуннинг ўйнашини кўрсангиз,
Бухорода човгуннинг қайнашини кўрсангиз,
Белида бир даста гул қуйлашини кўрсангиз,
Воҳ, тошкентлик озод қиз қувнашини кўрсангиз,
Томоғимга тиқилиб йиғи келди, бол бўлди,
Юзларимда сирпаниб, қиёмлар зилол бўлди.
От кўяман Кўқонга шаҳидларимни йўқлаб.
Номусимни пок тутган шоҳидларимни йўқлаб,
Лаҳадин нола тутган йигитларимни йўқлаб,
Минг йиллик мадоримни, иликларимни йўқлаб.
Қурбон фарзандларимга Қуръон тиловат бўлди,
Оллоҳга солган эдим, охир ижобат бўлди.
Омон-омон, омон-ай, қўйсангиз-а нозларни,
Булбуллар нағмасига созланг энди созларни,
Лазгига ўйнасак-чи авжлатиб овозларни,
Қанча кутдик кўкракдан учувчи бу гозларни.
Қанча кутдик, қанчалар дунё зим-зиё бўлди,
Алам бор-да, ҳа, майли, озроқ дийдиё бўлди.
Энди бу ёғи хайр, қуту барака берсин,
Эллашайлик қўллашиб, яхши маърака берсин.
Омаду сиҳат берсин, истиқлол абад берсин,
Ҳаммамизга муҳаббат, яна муҳаббат берсин.
Дунёнинг бир бурчида азиз шараф-шон бордир,
Қадр-қиймат топган эл — Ўзбекистон бордир.
Шу борлик учун қасам, шараф-шон учун қасам,
Қора қон тарих учун, тахтли тонг учун қасам,
Чўк тушиб дуо берган онайижон-чун қасам,
Тандаги жон-чун қасам, қондаги қон-чун қасам,
Ҳақиқат ягонадир, шу ҳақиқат бор бўлмас, —
Ганжи мулкига халқим ўзи эга, ёр бўлмас.

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукаммал бўлсин!

* * *

Бекор эрур тилла тожу тахт,
Бекор эрур бахт кераклиги,
Илдиз ила тирикдек дарахт —
Мустақиллик — Халқ тириклиги!
Мустақиллик, демак тирик тил.
Тирикдир Эрк, Озодлик, Тенглик!
Мустақиллик — қўрғон эмас, бил,
Мустақиллик — бепоён кенглик!
Унда яшар барча биродар,
Закий Дўстлик унга қоида.

Эркин меҳнат нурдек баробар,
Биров ётмас биров пойида.
Мустақиллик! Куйлайман сени,
Бор овозим, йўлларим билан.
Мустақиллик! Асрайман сени,
Керак бўлса қўлларим билан!
Халқим!
Юртим!
Бошингда Ҳумо,
Уни асра, учиб кетмасин!
Қора кучлар бордир доимо,
Толенигни забун этмасин!
Мустақиллик! Қутлайман сени,
Бор санъатим, баётим билан.
Мустақиллик! Асрайман сени,
Керак бўлса ҳаётим билан!

* * *

Ватан мустақиллик нурига тўлсин,
Жаҳон харитаси мукамал бўлсин!

**Тилак ЖҶРА, Азим СУЮН, Абдусайд КҶЧИМОВ,
Тўра МИРЗО, Муҳтарама УЛУФ, Мукаррама
МУРОД қизи, ҚУТЛИБЕКА, Саъдулла ҲАКИМ,
Шарифа САЛИМОВА, Абдували ҚУТБИДДИН.**

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1991 йил 13 сентябрь.

ЎЗЛИК

Миллий ўзлигини билмаган миллатлар бошқа миллатларга емиш бўлмай.

**Мустафо Камол Отатуркнинг
мақбараси деворидаги ёзувлардан.**

Минг эшитгандан бир кўрган аъло, деб бекорга айтмаслар экан. Туркияга бир ҳафталик сафарим ва унда кўрганларим бисёр китоблардан ўқиганларимдан, сўнгги пайтларда борган, келган дўстларимдан эшитганларимдан албатта, маъқулроқ кечди десам хато қилмаган бўламан.

Москванинг Шереметьево қўналға (аэропорт)сидан кўтарилган учоқ (самолёт)имиз уч ярим соат деганда

Истанбулга қўнди. Учоқда асосан марказликлар эди. Улар катта-катта сафар тўрваларини судрашиб (кейин билсам, чайқовчиликнинг уйини куйдирадиганлар шундай учоқларни тўлдиришиб қатнар эканлар) апил-тапил тушиб кетишди. Учоқда ўнга яқин одам, бир қозоқ бовурдош академик ва мен қолдим. Биз Анқарага ҳаво йўлини давом эттиришимиз керак эди. «Туркий улуслар шеъриятида турк тили» мавзусида бўладиган халқаро тўпланди (симпозиум)га шошилардик.

Учоқ ойнагидан қўналғага қарайман. Ёш-ёш йигитлар қора шим, қора туфли, оқ кўйлақда галстуклар тақиб хизмат қилишиб юришибди. Ҳайрон бўлиб академикка қарадим. У менга бу одатий ҳол: «Турк қардош ўта маданиятли халқ» эканлигини тушунтиришга тушди...

Анқара қўналғасида Туркия Ёзарлар Бирлиги (Туркия Ёзувчилар уюшмаси)нинг масъул котиби Сафар Қутлуғ хушкалом билан кутиб олди. Ў, уларнинг хушкаломлиги... Бу ҳақда Туркияга бориб келган бир неча адибларимиз кўп яхши сўзлар ёзишди. Бари тўғри. Биз жуда қўполлашиб кетганмиз. Бутун сафарим давомида бақир-чақирларни, жеркиш, сўкиш, бир-бирини ҳақоратлашларни, ё биров-бировига қўлларини бигиз қилиб гапиришларни, тупугини сачратиб оғиз кўпиртиришларни кўрмадим. Каттаю кичик, ёшу қари тенгдек. Бир-бирига айтилган сўз: қонун! Ё бор, ё йўқ. Ҳаммаси оҳиста, ҳурмат билан айтилади. Лафз, ваъда — қонун! Бир ишни «хўп» деб бажармаслик жиноятга тенг.

Туркия Ёзарлар Бирлиги Бош Бошқони (биринчи котиби) доктор Маҳмат Дўғон мени худди эски қадрдонидай кучоқ очиб кутиб олди. Ёзувчилар Бирлигининг бошқа барча масъул кишилари: Четин Бавдар, Аҳмед Қоратемир, Маҳмат Камол, Байрам Билда Тўқал, Исмоил Ҳожи Фаттоҳ ҳам юзларини юзларимга қўйиб қўришдилар (уларда шундай одат бор экан). Барчаси Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинганлиги билан қутлашди.

— Ўзбекистон мустақиллигини Туркия тан олмаяпти-ку, — дедим мен. Мезбонлар ҳозир Туркиянинг ҳамма жойида, айниқса, зиёлилар ўртасида гап шу ҳақда кетаётганлигини, қизгин баҳслар бўлаётганлигини айтишди. Кейинги кунларда эса бунга ўзим гувоҳ бўлдим.

Туркия Ёзарлар Бирлигининг расман 500 аъзоси бор. Аммо Туркияда ҳам Ўзбекистондаги каби ёш ёзувчилар, шоирлар, олимлар кўп. Улар Бирликда тез-тез йиғилишиб туришади. Кўплаб анжуманлар, суҳбатлар ўтказишади. Фақат биздаги янглиғ «ёқабўғишлар» йўқ. Миллат, Туркия давлати, туркий халқлар тақдири тўғрисида кўп қайғурадилар. Катталар ёшларга, ёшлар катталарга ўта иззат-икром билан ўз фикрларини изҳор этадилар.

Туркия Ёзарлар Бирлигига Ўзбекистондан расман ташриф буюрган биринчи шоир мен бўлиб чиқдим. Менинг боришим муносабати ила турк ёзувчилари, зиёлилари, телевизон, радио журналистлари, газетачилар, ноширлар, оддий китобхонлар йиғилишди. Улар Ўзбекистон, умуман Туркистон ҳаёти, халқ турмуши, ҳозир кечаётган миллий уйғонишлар билан жуда қизиқдилар. Мен мезбонларнинг барча саволларига баҳоли қудрат жавоб бердим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ёзувчиларимиз фаолиятлари ҳақида, Ўзбекистон, ўзбек-турклари, шахсан президентимиз Ислон Каримовнинг бисёр сермасъулият ишлари тўғрисида сўзлаб беришга тўғри келди.

Мен битта нарсага амин бўлдимки, ижодкор ҳамма жойда масъул, жавобгар. У ўз халқининг овози! Ижодкор ҳеч қачон хато қилиши мумкин эмас! Табиб хато қилиши — бемор ўлими. Ижодкор, ғояшунос хато қилиши миллат таназзулига сабабчи бўлиши мумкин!

Бу фикрлар Анқара университетидаги «Турк ўчоқлари» жамиятидаги учрашувларда ҳам, «Турк юрти» дарғисининг умумий нашриёт мудири, «Турк ўчоқлари» Анқара шўъбаси бошқони, доктор Ўрхун Қовунчи, Ғозийн университети тил-адабиёт факультети мудири, доктор Мустафа Эсан уйларидаги шахсий суҳбатларда ҳам мени асло тарк этмади.

Туркия Ёзарлар Бирлиги Бош Бошқони Маҳмат Дўғон ҳам уйига таклиф қилди. У 14 йилдан буён Ёзарлар бирлигига раҳбарлик қилади. Унинг турк миллати учун қилаётган хизматлари беқиёс. Хусусан, Турк «Сўзлик» (изоҳли луғат)и, бошланғич синфлар учун яратилган «Илк сўзлик»и, тарихга оид кўплаб илмий ишлари таҳсинга лойиқ.

Туркияда мамлакат тарихи жуда эҳтиром қилинади. У ёшларга жиддий тарзда ўқитилади.

Турк маданияти бошқонлиги (министрлиги)нинг

этнография музейида бўлдим. Бу музей ходимлари билан Ўзбекистондаги тарихий музейларимиз ходимлари, тарихчиларимиз, археологларимиз узвий алоқада бўлишлари керак экан, деб ўйлаб қолдим. Чунки Туркия турклари ва Туркистон турклари тарихи битта эканлиги ушбу ерда яққол ўзлигини намоён этади. Умуман, туркий халқлар тарихи биргаликда яратилиши зарур! Бу ерда жуда кўплаб нодир қўлёмалар ҳам сақланади. Ким билади, дейсиз, Туркистон — Ўзбекистон тарихига оид китоблар улар орасида ҳам бордир... Анқара қалъаси — энг қадимги Анқара. Бу қалъа не-не жангларнинг, савашларнинг гувоҳи бўлган. Эҳтимол, Амир Темур ҳам ушбу қалъа тепасига кўтарилиб, бутун Анқарани томоша қилгандир, ўзича гурур туйгандир... Амир Темур ва Боязид Йилдирим жанг қилган катта майдон — сайхонликнинг бир қисмида ҳозир Анқара қўналғиси (аэропорти) жойлашган. Машҳур «фил жанги» шу ерда кечган. Умуман, Темур номи билан боғланган жойлар Анқарада анчагина. Икки жаҳонгир жанглари ҳақида суҳбатлашиб, буюк гофил боболаримиз, деб кулишдик.

Анқара ҳисорига (қалъа) Маҳмат Дўғон, булғор-турк шоири Али Байрам, Туркия шоири Али Оқбош ва камина кўтарилиб бордик. 3 миллион нуфузга эга Анқара пойимизда...

Али Байрам шеър бошлади:

Анқара, Анқара, қародир тошинг,
Қартоғлар ювоши (уяси) эголмас бошинг,
Сен бўлдинг жон уйи буюк савашнинг,
Сенга инонмоққа келдик, Анқара...

Навбатни Али Оқбош олди:

Анқаранинг ташина боқ,
Кўзларимнинг ёшина боқ,
Душман биза бош қолдирмиш,
Шу фалакнинг ишина боқ...

Шеърхонликни мен давом эттирдим... Яна бир ҳамроҳимиз Байрам Билға Тўқал Гўрўғли (Кўрўғли) достонларидан куйлаб юборди...

Оҳ, бу шеърлар, кўшиқлар, достонлар, куйлар — бир бутун, бир миллатнинг жон томирларидир!

Бир бутунликни мен ҳамма жойда ҳис қилдим,

эшитдим, кўрдим. Бекорга турк деҳқони улуғ туркистонликлар ҳақида «тили-тилимга тўғри, дини-динимга, дили-дилимга тўғри» демайди-да!

Ана шу туйғу Хўжа Байрам Вали зиёратгоҳини тавоф қилганимда ҳам, 50000 киши бир пайтда намоз ўқиб туриб кетадиган Хўжатепа жомесиди илк марта намозхонлар билан бирга жойнамозга бош қўйганимда ҳам менга йўлдош бўлди.

Бугунги Туркиянинг ғаллачилик вилояти ва жуда қадим маданиятининг бешиги бўлган Кўнёга сафарим 23 октябрнинг тонгидан бошланди. Анқарадан чиқиш биланоқ Қрим қирларини, тоғларини эслатувчи манзаралар намоеън бўлди. Яшил ўрмон... кейин Нурота, Ғаллаорол дашт адирларини ёдга солувчи ерлар... Аммо Кўнё шаҳри... яна мўъжиза!

Кўнё сафарини ҳар қандай сайёҳ Жалолиддин Румий мақбара-масжидини зиёрат қилишдан бошлаши аниқ. Билмадим, мен шундай қилдим. Буюк шоир мақбарасини, унинг салаф-халафлари зиёратгоҳларини, мавлавилар хонақоҳларини кўриш бахтига мурасар бўлганимдан кўзларимга ёш келди. Жалолиддин Румий чашмасидан сув ичдим, «Соқоли шариф»ни (Муҳаммад Пайғамбар соқолидан бир улги солинган садаф сандиқ, ундан ҳамиша гул ҳиди таралиб туради) тавофладим.

Айтишим керакки, Жалолиддин Румий даҳоси шундай мўъжизаки... Жалолиддин қазо қилганда унинг отаси ўз қабридан туриб кетган экан...

Ҳар бир дунё кишиси Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни кўриши керак бўлганидек, Туркистондаги Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиши лозим бўлганидек, бу жойларни ҳам фақат кўриши, зиёрат этиши керак. Минг ёзганинг билан таъриф-тавсифини келтиролмайсан! Шоирларнинг қалами ожизлиги шу ерларда билиниб қолади!

Кўнёда Туркистон мужоҳидларидан Анвар пошшо саркотиби, шоир (марҳум — 1976 йил) Аҳмад Хокининг бир тўртлигини ёзиб олдим, яъни ул демишки:

Мен хокийам, нор (анор)
истамам,
Алдагувчи ёр истамам.
Вайрона қолсин бу кўнгил,
Таъмира меъмор истамам.

Мен қатнашадиган симпозиум баҳорга қолдирилибди. Сабаби: кутилмаганда миллий палатага депутатлар сайлови бошланибди. Туркияда сайлов пайти ҳар қандай анжуман, йиғилишлар тўхтатилар экан.

Дарвоқе, мен сайлов нима эканлигини кўрдим. Демократия нима эканлигини кўрдим. Ҳозир Туркияда олти йирик партия мавжуд. Шулардан миллий палатага 450 депутат сайланади. Қайси партия 51 фоиз депутат чиқарса, ўша ҳукумат тузиб, мамлакатни бошқаришга киришади. Давлат бошлиғи — президент. У парламент аъзоларидан сайланади, парламент қабул қилган қонунларни эълон қилади, халқаро ишларда Туркия давлати номидан иш кўради. Ва у олий бош қўмондонлик вазифасини бажаради.

Сайловларда халққа кенг эркинлик, демократия берилган. 18 октябрь кун, яъни сайловдан икки кун олдин «Тўғри йўл» партиясининг Анқара Бош майдонида сайловчилар билан бўлган учрашувида қатнашдим.

Бир пайтлар Анқара валиси бўлмиш Навдод Тандун номидаги Бош майдон одамлар билан тирбанд. Ҳамма тарафда: бинолар пештоқларида, дарахтларда, машиналарда, одамлар қўлларида Туркия байроқлари хилпирайди.

Сон-саноқсиз жойларига номзодларнинг суратлари осилган. Номзодларни ташвиқот қилгувчи рўзномалар, варақалар сотилмоқда. Ширин-шакар шарбатлар, сувлар, ҳар хил егуликлар сероб. Бировнинг биров билан иши йўқ. Ҳатто саккиз, ўн қаватли бинолар устларида одамлар... Майдон ўртасига ўрнатилган махсус «сўри»дан номзод ва унинг ишончли вакиллари жой олган. Улар микрофонда бирин-кетин сўзлайди. Сўзлари Буюк Туркия давлати ҳақида, буюк турк халқи ҳақида, миллат келажаги барқарорлиги ҳақида. Ё фалак! Бутун майдон аҳли қўлларини кўтаришиб «Яшасин буюк Турк миллати!», «Буюк Туркия омон бўлсин!» каби калималарни бир зарб билан ҳайқариб такрорлашади! Ана халқ, ана миллат!

Биз Ўзбекистонда халққа, демократияга ишонишимиз керак. Мустақиллик йўлларида эркинлик жуда жуда зарур! Айниқса, сўз эркинлиги — зарурият!

Туркия сайловлари ҳақида кўп ўйладим. Ҳар бир партиянинг ўз дастури бор. Ҳар бир номзоднинг-да, ўз дастури... Уларнинг барчасида халқ фаровонлиги учун кураш... Ҳолбуки, мамлакатда ҳамма нарса бор. Магазинлар мева-чевалар, егуликлар билан тирбанд, кийим-

кечаклар, мол-ҳоллар ошиб-тошиб ётибди, бозорларда жондан бошқа ҳамма нарса топилади.

Бу ерда инсон яшаши учун барча қулайликлар мавжуд. Уйда туриб дунёнинг исталган жойи билан исталган пайтда телефон орқали гаплашиш мумкин. «Туркистон» жамияти президенти, «Туркистон» даргиси (журнали) муҳаррири моҳир жарроҳ, дўстим Аҳад Андижон уйдан, яъни Истанбулдан Тошкентга — уйимга телефон қилсам, Ойгулхон шошиб қолди. У «ростдан Истанбулдан қўнғироқ қиляпсизми?» деб қайта-қайта сўради. Билмадим. Аҳад Андижон аёлининг овозини эшитмаганда унинг хаёлидан нималар кечарди?

Истанбул... Бу шаҳар ҳақида кўп ўқигандим. У Мармара денгизи ва Босфор бўғозининг паст-баланд соҳилларида жойлашган. Осиё ва Европани Босфор бўғози устига қурилган икки улкан кўприк туташтириб туради. Усмонли турклар салтанатининг пойтахти бўлган Истанбул бугунги кунда ҳам Туркиянинг энг катта мўъжизавий шаҳри ҳисобланади. Истанбулда 500 дан ортиқ масжид, шунингдек, саройлар, ибодатхоналар, фавворалар мавжуд. Сулаймония, Боязид, Аҳмадия, Кўк масжид, Шаҳзода масжидлари, Аё София жомеъ масжиди шулар жумласидандир. Уларнинг миноралари осмонни кўзлаб тик турган ракеталарни ёдга туширади...

Биз бугунги кунда бозордан безиллаб қолдик. Афсуски, бизнинг бозор ҳали бозор эмас. Истанбулдаги Боязид бозоридан нима борлигини эмас, нима йўқлигини қидириш керак. Э, воҳ, бизнинг бозорлар қачон тўлар экан? Аҳли тижорат чайқовчиликдан қутулиб, қачон ҳақиқий савдо соҳиблари бўлар экан? Қачон?

Аҳад Андижон ҳамроҳлигида бутун Истанбулни айланиб юрар эканман, она Ўзбекистоним, унинг бугунги афтода ҳоли асло кўз ўнгимдан кетмади.

Ҳа, эрк тақчиллиги бор жойда ҳамма нарса тақчил! Ҳамма нарса давлатники деган жойда халқ юпун, оч, қашшоқ, гадо! Ҳа, шахсий манфаат бўлмаган жойда юксалиш, тараққиёт йўқ! Бугун буни барча тушуниши керак. Хусусиятлаштиришдан қўрқмаслик керак! Туркияда ер деҳқонники, сув деҳқонники, лекин биздагидек фақат тилда ва қоғозда эмас! Мустафо Камол Отатурк «Миллат улуғи ким?» деган саволга Султон Салим (XVI аср) сўзи билан «Деҳқон» деб жавоб берган.

Хуллас, Туркияда ҳамма нарсага фақат давлат эмас — халқ хўжайин! Ҳозир ҳатто темир йўлларни ҳам

давлат тасарруфидан чиқариш масаласи кўрилмоқда экан.

Истанбулда кўплаб туркистонликлар яшашади. Ҳаммаси ўзига тўқ, бой-бадавлат, Ўзбекистон мустақиллигини эшитишиб, бошлари осмонда.

...Заргарлик моллари соҳиби Шавкат Ойнунал хонадони. Бу хонадонда Жамол Камол, Тўра Мирзо, Тоҳир Қаҳҳор, «Баҳор» ансамблининг бир гуруҳ раққосалари ҳам меҳмон бўлишган экан. Шавкатжон уларга кўпданкўп салом йўллади. Мен Истанбулда Шавкат Ойнуналдек ажойиб дўст топганимдан қувондим.

Умуман, Туркияда кўп яхши кишилар билан суҳбатлашдим, кўпчилиги билан дўстлашдим. Ёш адиб, Туркия Ёзарлар Бирлиги мукофоти совриндори Шуқури Қорача, югославиялик турк шоири, ёзувчи ва расом Адҳам Баймоқ, ёзувчи Ориф Ой, телевизион журналисти Неъмат Жамол, бўлажак фан доктори Ёқуб Дилмурод ўғли ва бошқалар билан мактублар йўллашиб туришга аҳдлашдик.

Туркияда, айниқса, битта нарсадан беҳад севиндим. Буни ўзимча ЎЗЛИК деб атадим. Мен ҳамма насада ўзликни кўрдим, ҳамма насада ўзликни ҳис қилдим. Бу ўзлик Туркияни дунёга олиб чиққан, бўй-бастини кўрсатган. Келажакка эш қилган. Ўзлик, бу маҳдудлик эмас. Билъакс, ўзлик дунёвийдир!

Туркиянинг илк пойтахти бўлмиш Бурса шаҳрида Туркия давлат раҳбарларидан бири, яъни жаноб Канон Эврен «Туркия — дунё турклигининг сўнгги қалъасидир!» деган экан. Ҳа, Туркия «сўнгги қалъа» бўлиб келди. Аммо, иншооллоҳ, XX аср тонгида сўнгги қалъа бўлиб қолмагай! Унинг сафига ўзлиги билан Ўзбекистон ва бутун Туркистон қўшилгай! Мазлум турк қалъалари қўшилгай! Омин!

* * *

Юнус ЭМРОдан

Сўрдим сари чечакдин
Юзинг недан саридир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Оҳим тоғлар эритир.

Яна сўрдим чечакдин
Сизда ўлим бормидир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Ўлимсиз ер бормидир.

Яна сўрдим чечакдин
Қишин нерда бўлирсиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Қишин тупроқ бўлирмиз.

Яна сўрдим чечакдин
Тамуға* кирармисиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Ул мункирлар еридир.

Яна сўрдим чечакдин
Учмаға** кирармисиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Учмағ одам шахридир.

Яна сўрдим чечакдин
Гул сизни нениз бўлур.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Гул Муҳаммад теридир.

Яна сўрдим чечакдин
Атони*** билармисиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Ато мингдан биридир.

Яна сўрдим чечакдин
Қирқларни**** билармисиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Қирқлар Оллоҳ ёридир.

Яна сўрдим чечакдин
Рангни нердин олурсиз.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Ой ила Кун нуридир.

Яна сўрдим чечакдин
Бўйнинг недир эгридир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Кўнглим Ҳаққа тўғридир.

Яна сўрдим чечакдин
Ота-отанг бормидир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Бу не ажаб сўровдир.

* Тамуғ — жаҳаннам.

** Учмағ — жаннат.

*** Ато — Одам Ато назарда тутилмоқда.

**** Қирқлар — ғайб валиларининг бир гуруҳи.

Яна сўрдим чечакдин
Сен Каъбани кўрдингми.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Каъба Оллоҳ уйидир.

Яна сўрдим чечакдин
Боққа кирсам не бўлир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Мени исла — кетавер

Яна сўрдим чечакдин
Сен Сиротни кўрдингми.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Ул ҳамманинг йўлидир

Яна сўрдим чечакдин
Кўзинг нечун ёшлидир.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Багрим яра-тошлидир

Яна сўрдим чечакдин
Юнусни билармисан.
Чечак айтир, эй дарвиш,
Юнус Қирқлар ёридир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1991 йил 8 ноябрь.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

«Озодлик» радиостанцияси ҳақида талабалик йилларимдаёқ эшитгандим. Аммо унинг туб мақсадлари, йўналишлари моҳияти менинг учун қоронғи эди. Қайта қуриш бошландию... Кўзларимиз катта очилди. Бу радиостанция тўғрисида ҳам ижодкорларимиз ўз юракларида пинҳона ётган гапларни аста-секин, тортиниб-тортиниб бўлса-да, юзага чиқара бошладилар. Бир куни бир шоир дўстим «Азим, сизнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чиққан «Бурулиш йўлларида» мақолангизни «Озодлик» шарҳлади, яхши гапларни айтган экансиз...» деб қолди. Иккинчи куни Жамол Камол, Пирмат Шермухаммедовлар ҳам шунга ўхшаш сўзларни каминага билдирдилар. Кейин... «Озодлик» шеърларимни, публицистик мақолаларимни эшиттира бошлади.

Шу йил ёз кунларининг бирида эса уй телефоним қаттиқ жиринглади. Трубкани кўтарар эканман, ундан: «Ассалому алайкум. Бу Азим Суюн хонадоними? Мен Мюнхендан гапираяпман. Темур Хўжаман», деган майин, ширали овоз эшитилди. Шу тариқа, телефон алоқаси ҳам ўрнатилди. «Озодлик» радиосидан ўз овозимни тинглай бошладим. Яқинда эса «Озодлик» радиосининг ўзбекча эшиттиришлар шўъбаси бошлиғи (директори) Ёқуб Турон билан кўришдим. Аввал телефон орқали танишган эдим. Эски қадрдонлардек суҳбатга киришиб кетдик. Мен суҳбат асносида «Халқ сўзи» рўзномасига интервью беришни сўрадим. Ёқуб ака бажонидил рози бўлди.

— Ёқуб ака, энг аввало «Озодлик» радиостанцияси ҳақида маълумот берсангиз. Гарчи бугунги кунда ижодкор-зиёлиларимизнинг бир қисми унинг эшиттиришларидан хабардор бўлса-да, кўпчилик...

— Тўғри, кўпчилик бохабар эмас. Бу — табиий. Бир кечаю кундузда бир соатлик эшиттириш нимааям бўларди! Қолаверса, советлар томонидан «Озодлик» радиостанцияси эшиттиришларини «бўғиш» фақат 1988 йилнинг ноябрига келиб тўхтатилди. Унгача, эҳ-ҳе... қандай тўсиқлар ўйлаб топилмади, халқни чалғитиш учун не бўҳтонлар тарқатилмади!

«Ғаним ва душман радио» деб тинимсиз қораловлардан қулоқлар қоматга келди.

Ниҳоят, мана, ошкоралик, демократия, қайта қуриш даври сиёсати амалга ошгандан кейин улар ўзлари ҳам тушунишдики, дунё ёпиқ шаклда қолмаскан, халқларда эркин сўзлашишга эҳтиёж бўлса, уларни доимий равишда бўғиш мумкин эмас экан.

Энди «Озодлик» радиостанцияси ҳақидаги маълумотларга келсак...

У Америка Қўшма Штатлари конгресси томонидан маблағ билан таъминланган мустақил радиостанциядир: Унинг ғояси, мақсади: халқлараро эркин фикр алмашиш ва улар орасида дунёда тинчлик ўрнатиш учун демократияни, айниқса, Совет Иттифоқида эркин фикрлашни кучайтириш, мустаҳкамлаш ва ишонч туғдириш. Ва мумкин қадар тўғри, ҳақиқий, ҳақиқатга асосланган манбалардан маълумотлар олиб, тингловчиларга етказиш.

«Озодлик» радиоси ҳеч қачон, ҳеч бир шахс, ҳеч бир гуруҳ, партия, тузумнинг тарафини олмаган ва олмоқчи ҳам эмас. Ва шундай тарафсизлик фаолиятини давом

эттиради. Шу йўлда олиб борган ишлари билан фахрланади. Чунки бетарафлик билан қанча ҳақ фикрни, эркин маълумотни тарқатсангиз, халқ сизга шунча ишонади.

«Озодлик» радиостанцияси 22 тилда эшиттириш олиб боради. Ҳурис тилида 24, қолган тилларда 1—2 соатдан...

— **Муштарийларимизни кўпроқ ўзбек шўбаси фаолияти қизиқтириши табиий...**

— Албатта. Ўзбек шўбасида ўн бир киши ишлайди. Муҳаррирлар, таржимонлар, мухбирлар, техник муҳаррирлар... Дастурларимизни биринчи галда Ўзбекистонда яшаётган ўзбеклар қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тузамиз. Аммо бу эшиттиришларимиз сарҳаддан ташқарида ҳаёт кечираётган ўзбекларга дахлдор эмас, деган фикрни билдирмайди. Инсон ҳамма жойда инсон. Ўзбек ҳамма жойда ўзбек! Барчасининг хоҳиш-истакларини инобатга олмаслик мақсадга мувофиқ эмас.

Халқимиз нима истайди, ўз ватанида туриб нималарни билмайди, унинг тақдирига доир нималар сир тутилмоқда, қандай ҳақиқатдан беҳабар?.. Дунёнинг қай нуқтасида не воқеалар юз берди? Янгиликлар. Хабарлар... Биз ҳамма-ҳамма нарса билан қизиқамиз ва аниқ-тиниқ маълумотлар асосида эшиттиришлар тайёрлаймиз.

— **Айтайлик, Ўзбекистонда кечмиш бирор ҳодисани марказий матбуот бузиб талқин этади. «Озодлик» радиоси тез ва ҳеч оғишмай ўз пайтида хабар беради. Бунинг сири нимада? Наҳотки, шунчалик тез ва аниқ ишласаларингиз?**

— Ҳа, шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Воқеалар бузиб талқин этилса, кеч хабар қилинса — бунинг халққа қизиғи йўқ. Дунё аҳлига ҳам керак эмас! Сири оддий — асл манба ва ишчанлик!

— **Ёқуб ака, мана, Ўзбекистон аҳволи билан танишибсиз. Ўзбекистон бўҳронда... Сизнингча, кўпроқ нималарга эътибор бериш керак?**

— Азимжон, биринчи галда халқда тўла мустақилликка ишонч руҳи барқарор бўлиши лозим. Шусиз ишлар юришмайди. Ишонч эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўзбекистонни иккинчи қўл идора қилмаслиги шарт! Буни халқнинг ўзи кўриб туриши керак. Назаримда, энди ўзбек халқини алдаш мумкин эмас...

Иккинчидан, иқтисодий режаларни жасорат билан тузиш зарур. Хавфсираш, шубҳа, ваҳима, қўрқиш келажакни барбод қилиши мумкин. Халқимизнинг буюк ўтмиши, тарихи бор! Демак, буюк тажрибаси бор! Халқ ҳаётини қайта яратишда сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, ахлоқий «қайта қуриш»да ана шу чўнг тажрибага суяниш ўта муҳимдир! Қаранг, Африқодаги кичик бир давлатки, мустақиллик йўлига кириб, ўзини тутиб олди... Ўзбекистонга нима бўлди? Тўғри, бир аср нари-берисидаги империячилик жуда муҳиш вазиятни келтириб чиқарди, аммо бу дегани — Ўзбекистон тамом, Туркистон тамом дегани эмас! Ўзбек тамом дегани эмас! Марказдан бошқаришни тамоман тугатиш табиий зарурият бўлиб келаётибди. Ер ислоҳоти ўтказиш заруриятга айланаётибди. Ўзбекистонни ташқи дунёга танитиш ва ташқи дунёдан-да ўрганиб тараққий эттириш, ривож йўлига бошлаш лозимдир!

Ана, 20—30-йилларда, айтишим мумкинки, ўзбек халқининг энг асл зиёлилари, диндорлари, хунармандлари, дониш тожир-савдогарлари, Ўзбекистондан четда туриб бўлса ҳам, курашни давом эттириш учун чиқиб кетдилар. Бу ерда қолиб курашишнинг иложи қолмаганидан кейин шундай қилишди. Аммо улар ўзлари билан ақлдан бошқа ҳеч нарса олиб кетишгани йўқ. Хунарни, тажрибани, билимни, ишни олиб кетдилар. Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида жойлашишди. У ерларда ҳам асли ўзбеклар яшашарди. Нима бор эди ўша жойларда. Ҳеч нима. Борганлар яратишди! Ерликлар билан биргаликда яратишди. Қўли гул, дили гул эди бу ўзбекларнинг! Бир гап билан айтсам, ҳайрон қолманг, Азимжон: афғон қардошга чопон, маҳси-калиш тикишни ҳам ўргатган ана шу муҳожир ўзбек бўлади.

Бу муҳожирларнинг бир қисми Афғонистондан Арабистонга ўтди. Саҳроларни ўзлаштиришди. Экин-тикинларни мўл-кўл қилди. Бадавийларни маданийлаштиришга катта улуш қўшди. Туркия, Америкага кетдилар. Америкаликлар ҳеч кимни кучоқ очиб кутиб олганлари йўқ. Ўз ақли, меҳнати самараси ўлароқ бойидилар бу ўзбеклар. Албатта, оғир йилларда ўз юртларидан жой берган барча давлатлардан миннатдормиз, уларга ҳурматимиз чексиз, лекин ўзбек халқи меҳнатқашлигига, хунари, ақлига ҳам қойил қолмасдан илож йўқ. Буни айтмасдан иложимиз йўқ! Нега шундай халқнинг асл Ватани — Ўзбекистон бўҳрондан чиқиб кетолмас экан?.. Икки-уч йилда чиқиб кетади! Фақат

орқага йўл йўқлигини ҳамма-ҳамма миллатдошлар билишлари керак!

— **Қизгин гапларингиз учун ташаккур. Президентимиз билан учрашибсиз...**

— Ҳа, Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислон Каримов қимматли вақтларини ажратиб, мени қабул қилдилар, у киши билан ўзаро суҳбатлашдик, фикр алмашдик. Мен у кишига «Озодлик» радиосининг тўғри, ҳақиқий, аниқ маълумот беришини айтдим ва ишонтирдим, деб ўйлайман. Ва яна шуни дедимки, биз ҳеч бир партиянинг, ҳеч бир сиёсий гуруҳнинг, ҳеч бир ҳаракатнинг тарафини олмаймиз, ишларига аралашмаймиз, лекин ҳақиқатни билиш учун турли гуруҳлар, кишилар, партия аъзолари билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг фикрларини олиб, ҳар қайсилариникини эшиттирамиз. Баҳони эса халқнинг ўзи берсин.

Муҳтарам Президент билан орамизда қизиқ савол-жавоб бўлиб ўтди. Мен «Озодлик» радиосининг бир шўъбасини Олмаотада очиш учун тайёрланаётганлигимизни айтиб қолдим. У киши «Нега Тошкентда эмас?» дедилар. Мен «Сиздан сўрамоқчи бўлиб турган эдим...», дея баъзи масалаларни ўртага ташладим. У киши ўша заҳотиёқ аниқ ҳаракат қилдилар: Тошкентда «Озодлик» радиоси муҳбирига мен илтимос қилганимдек бир хона эмас, икки хона ва телефон ажратиб бериладиган бўлди.

— **Табриклайман! Қутлуғ иш бўлибди.**

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ...

— **Ёқуб ака, ниҳоят ўзингиз ҳақингизда ҳам сўзлаб беришингизга гал келди.**

— Мен 1943 йилда Афғонистонда туғилганман. 1971 йил Кобул университетининг иқтисод факультетини битирдим. Бир қанча вақт Афғонистон молия вазирлигида ишладим. 1978 йилда Англияга кетдим. У ерда иқтисод ва молия олий мактабида ўқидим. Икки йил илмий тадқиқот ишлари ила шуғулландим. Магистрлик даражасини олдим. Кейин Англия план бошқармасида бошқарувчи ўлароқ хизмат қилдим.

1978 йилда Мюнхендан «Озодлик» радиосининг баъзи ходимлари Англияга конференцияга келишган экан, улар мени Олмонияга, яъни ўзлари билан бирга хизмат қилишга таклиф этишди. Менинг нутқим уларга ёқиб қолган экан-да. Розилик билдирдим. Ишляпмиз...

Шуни айтишим керакки, бизнинг оиламизда она тил ҳам, ота тил ҳам фақат ўзбек тили. Ўз тилингни ҳеч

нарсга алмаштириб бўлмайди. Беш фарзандимиз бор. Энг катта ўғлим Аҳмад Турон 26 ёшда. Англия университетини битказган. Ҳозир менежерлар ширкатида бошқарувчи вазифасида ишляпти. У Америка юқори даражали бошқарувлар ассоциацияси аъзоси ҳам. Аҳмаджонни Тошкент университетида ишлашга таклиф этишляпти. Фарид Турон эса кимё муҳандислигини битирган. Ширкатда инженер бўлиб ишляпти. У Ўзбекистонга бораман, дейди. Қизим 22 ёшда. Бизнесмен ва иқтисод факультетида (Англияда) ўқияпти. Тўртинчи фарзандим Масъуджон Мюнхенда халқаро байналмилал мактабни битириб, Англияга кетди ва университетда таҳсилни бошлади. Энг кичигимиз 14 ёшда, 9-синфда ўқияпти. «Чол-кампир» билан бирга.

Мен юқорида айтиб ўтганимдек, ўша оғир йигирманчи — ўттизинчи йилларда ҳеч ким Ўзбекистондан — Туркистондан қоп-қоп олтин орқалаб муҳожирликка чиқиб кетгани йўқ. Эртага қайтиб келамиз, босқинчилар кетишади, деб ишонганлар. Бир қарияни билардим, қачон суҳбатлашсангиз «сал пайтда Туркистонда тинчлик бўлади, иншооллоҳ, ҳаммамиз Ватанга қайтамиз», дерди. «Бир-икки соат денг» дея баъзи кексалар ҳазиллашсалар, уришиб қоларди. У ана шундай умид билан дунёдан ўтиб кетди.

Бу гапларни нима учун айтаяпман? Менинг отам ҳам катта савдогар бўлган. Бу ерда бола-чақаси қолган. Уни қамашган. Қамоқдан бир амаллаб қочган. Афғонистонда бизнинг волидамизга уйланган. Ўз меҳнати билан бизни вояга етказди. Менга бойлик тариқасида ақл ва хунарни қолдирди. Мен ҳам болаларимга катта мол-мулк йиғаётганим йўқ, топганимни уларнинг ўқишлари, билим олишлари, хунар эгаллашлари учун сарфляяпман. Фарзандларимга қолдиражак бойлигим шу бўлади.

— **Раҳмат. Кошки, ҳамма оталар ҳам Сиздек ўйлашса. Энди, Ёқуб ака, халқимизга тилакларингиз...**

— Тилакларимни қай бирини айтай?! Энг аввало шу кунлар насиб этиб, дийдор кўришиб турганимиздан бахтиёрман. Мен бундан 14 йил аввал ҳам Ўзбекистонга келган эдим, аммо бошқа Ўзбекистонга келган эдим... Бугун уйғонаётган, эркинлик нашидасидан оз бўлса-да баҳраманд бўлаётган, мустақиллик эълон этиб турган Ўзбекистон давлатига келдим.

Мустақилликни сақлаш олий мақсад бўлсин! Бунинг учун халқимиз қўлни қўлга бериши, юракни

юралка пайванд этиши жоиз. Бугун дунёдаги ўзбеклар бир-бирларини кўллаб-қувватлашлари, бугун дунёдаги туркийлар ҳамжиҳат, ҳамфикр дунёдаги қон-қардош, дўстлар, мусулмонлар якдил, яккамағиз бўлишлари жоиз!

Бир аср нари-бери халқимиз топталди. Тарихимиз, кадр-қимматимиз, ору-номусимиз, нону-насибамиз топталди. Хору зорликка юз тутди. Етар!

Биз кимларнинг авлодимиз? Дунёга билдирайлик: Беруний, Ибн Сино, Темур, Улугбек, Навоий, Али Қушчи, Хоразмий, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Бобур авлодимиз, ахир! Ўш, Ўзган, Қўқон, Фарғона воқеалари муносабати ила дунё матбуоти бизни «ёввойи»га чиқарди. Ким ёввойи экан, ўйлаб кўрайлик. Тил, дил, иш бирлиги сиёсатимиз бўлсин. Эркинлик, озодлик туғи халқимиз бошида мангу ҳилпирасин!

Ҳа, бизга маълум, Туркистонни топтаганлар, туркистонликларни топтаганлар, ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, қорақалпоқни хор-зор қилганлар ўз сиёсатларининг таназзулини кўриб турибдилар, аламзадалар жон беришлари қийин бўлаяпти. Аммо худо шоҳид, ибтидонинг интиҳоси бор, зулмнинг таназзули бор, оққан дарё оқмай қолмайди. Бир баҳри муҳитда иссиқ сув ҳам, совуқ сув ҳам ҳаёт кечиради.

Қайта-қайта қайтарадиган гапим: халқим, Мустақиллигинг, абадий бўлсин! «Озодлик»да фақат бахтинг куйлансин!

«Халқ сўзи»,
1991 йил 13 декабрь.

«ТИРИКЛИКНИНГ ҒАМИ ҲАМ СОВҒА...»

(Икки ижодкор мусоҳабаси)

— Қору ёмғирга тўйиниб чиқиб, ҳамал шамолини эмиб, тин олиб ётган қир-адирлар этаги. Бир туп гужум. Унинг остига шолча тўшалган. Одам Ато кўш ҳайдаяпти. Бўрсилдоқ тупроқдан дон-дун иси, йўқ-йўқ нон иси анқияпти. Одам Атонинг бироз мадори қуриб, кўнгли озди. Ана, шу пайт қир ортидан Момо Ҳавво кўринди.

Бир қўлида тугунчак, бир қўлида сув тўла чойдиш... Одам Атонинг бир пиёла чойдан, бир бурда нондан, бир оғиз тотли сўздан бутун чарчоғи чиқиб кетди. Момо Ҳавво унга ийиб қаради.

Ай, эски дунё! Одам Ато билан Момо Ҳаввонинг фарзандлари кўп бўлди. Улар ажун-очунга сочилиб кетди. Иқлимга мослашиб бири оқ, бири қора, бири буғдой тусини олди. Яна бири... Ўғиллари марди-майдонга, қизлари соҳибжамолга айланди. Улар бир-бирларини гоҳ таниди, гоҳо танимади. Замонлар ўтаверди. Аёл — мўъжиза, Аёл Сирга дўниб бораверди. Лекин аёлда барибир Момо Ҳаввонинг оналиги, соддалигию оддийлиги боқий қолди!

Оналик! Аёлни — ўтга ургувчи Куч! Селга — кечирувчи Қудрат! Тоғу даштга элтувчи Илоҳи!

Оналик! Матонат, сабр-бардош, керак бўлса тош, керак бўлса чечак рамзи!

Ана, энди ривояту сифатлашлардан кечиб, мақтову олқишлардан тийилиб Аёлнинг, Оналикнинг дардчил куйчиси билан, шоири билан мулоқотга киришамиз.

Ҳалима Худойбердиева!

Шоирамиз номини Ўзбекистонда эшитмаган, билмаган одам жуда кам десам саҳв ўлмас. Унинг ўт-оташли шеърлари кириб бормаган шеърпараст кўнгил бормикин? Унинг парламент минбарларида туриб ўртага ташлаган қизгин фикр-мулоҳазаларини тинглаб, мушоҳадага ошно бўлмаган дил топилармикин?

Шоирамиз билан суҳбатимиз Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар овозаси ҳали тиниб улгурмаган нотинч кунларда кечди. Шоира — она қаттиқ изтиробда эди.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА: Одам боласи қашқир эмаски, бир-бирига тиш ботираверса. Аммо, тиш ботирдилар. Алҳазар! Айбдорлар изланаяпти. Доим шундай. Кўргулик содир бўлади, сўнг сабабчиларини қидиришга тушамиз. Аслида, ҳаммамиз маълум маънода айбдормиз. Биз, ниҳоятда катта-кичик лоқайд, бепарво одамларга айланиб қолганмиз. Зийраклик, хушёрлик, ҳамдардлик бизга ўғай бўлиб қолган.

Асримизнинг мутафаккир ёзувчиси Маркеснинг «Ошкора қотиллик» қиссаси воқеалари ёдингиздами? Қисса қаҳрамони «мен бугун фалончини ўлдираман» деб, қабиҳ ниятини ошкора эълон қилади. У куни билан ҳамма таниш билишларга ҳатто нотанишларга ҳам ўша сўзларни такрорлайди. Бироқ одамлар бу гапларга

«шунчаки» деб қарайди, эътибор беришмайди. Қис-қаси, у ҳақиқатан ҳам одам ўлдиради. Ўлим чархи яна бир бор шармандали айланади.

Замонамизнинг улуғ адиби бу асарида қон-қони-мизга сингиб кетган, инсоният бошида қиличдек муаллақ осилиб турган бепарволик, лоқайдликни улкан ижтимоий фожаи сифатида таҳлил этади. Феълимиздаги бу қусурлар нафақат бизнинг, балки барча собиқ «совет халқ»ларининг йўлдоши бўлиб қолган. Алҳазар!

Оналар оёққа қалқийдиган пайт келди! Етар! Афғонистонда шаҳид кетган, қурбон бўлган фарзандларимиз, жигарларимиз етмасмиди? Ўш-Ўзган қирғинлари, Фарғона, Кўқон, Паркент, Бўка фожиалари озмиди? Қанча-қанча оналаримиз, опа-сингилларимиз оҳ-фарёдлари, алам-изтироблари каммиди? «Совет Армияси» деган сафдан майиб-мажруҳ қайтганлару ўлганлар камлик қилаётганмиди? Азимжон, биз ҳал қилгувчи лаҳзаларда болаларимизнинг ҳаётию тақдирини бой бериб қўймайпмизми?

Азим СУЮН: Менга қолса Ҳалима Худойбердиева ижодини, унинг шоир юрагини даврнинг тарағ торларига ўхшатган бўлардимки, ҳеч истисносиз бўлиб ўтган, ўтаётган ҳар бир ҳаётий жараёнлар бу юракдан ўз акс садосини топмоқда. Гоҳ мунгли, гоҳ забардаст, гоҳ тасдиқловчи, гоҳ инкор этувчи... умуман, бу йўлларда у ўзининг ўчириб бўлмас изларини қолдириб бораёпти, деб айтишга ҳар жиҳатдан ҳақлимиз.

Ўзига тўқ, кўркам, хушбичим, оқ дўст,
Йиғлайман, Сизгамас, кўкси бедоғ дўст,
Пок, нопокни бирдай суёвчи тоғ дўст,
Йиғим сўлаётган болалар учун.
Олма сабоғидай ингичка бўйин,
Гоҳ етиб, гоҳ етмай, кўрмадик тўйин,
Ўлмасайди... буюк бўларди тайин,
Йиғим ўлаётган болалар учун.
Ичиб, учиб ётган боболари деб,
Тўзғиб, кўчиб ётган боболари деб,
Бир-бирини сотган боболари деб
Тўлов тўлаётган болалар учун.
Ишонч йўқ, имону, ҳаж додларига,
Жаҳолат муҳр урган каж ёдларига,
Бир-бирин қирганда, ажодларига —
Ўхшаб кетаётган болалар учун.

Биз бугун неки хатоликка йўл қўйсак, қайсидир бир манзилда адашсак, юртга нифоқ уругини сочсак — буларнинг барчаси учун, шоира айтганидек, келгуси авлодлар «тўлов» тўлаши лозим бўлади. Бўлгуси насларимизга қандай мерос қолдирамиз — бу айтилаётганларда юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан ҳисоб сўрамоқда, жавоб талаб қилмоқда.

Мен бу ерда «Ўш-Ўзган фарёди» устида алоҳида тўхталмай ўтсам, инсофдан бўлмайди. Мана унинг адолатсизликка, бегуноҳ тўкилган қонларга қасос бўлиб янграган, шаҳидлар руҳига муножот-марсия сифатида тугилган туркумига кирувчи шеърлардан бири.

БИЗЛАР ОЖИЗ...

Биз қайда-ю, ҳақиқат, ҳаққа,
Бағир очган осмон қаерда?
Шарпа сезсак тўхтаймиз таққа,
Юрагида арслон қаерда.
Ҳали узоқ бизлар чўкиб тиз
Яшагаймиз. Хоқон қаерда?
Тиниб-музлаб қолган қонимиз
Алмаштирмоққа қон қаерда.
Йў-ўқ, гарчанд кетмади шўримиз,
Очимиз оч, тўқимиз тўйган.
Бизлар ожиз она бўримиз,
Болаларин одамлар сўйган!
Бугун дунёи-дун тескари,
Бўриларни одамлар тишлар.
Сенга одам бўлиб ўсгани
Йўл қўймайди бугунги ишлар.
Кўз ёшимиз кетгандир қуриб,
Қон ювмоққа кўз ёш етмайди.
...Боласининг қасосин бўри
Ўз гўрига олиб кетмайди...

Одатда шеър шарҳланмайди. Шеър англанади. Англаш баробарида қалбингизда нелардир уйғониб, шоиранинг алангали туйғулари юрагингизда паноҳ топади.

Мен шу ерда Ҳалима Худойбердиева ижодида қасоскорлик руҳи устунлиги билан ҳам бошқа ижодкорлардан кескин фарқ қилишини айтишим керак. Танқидчи Озод Шарафиддинов шоира ижоди хусусида тўхталиб, унга мана бундай таъриф беради: «Ҳалима фожиавий руҳни

бергандә шундай сўзларни танлайдики, бу сўзлардан тутун, дуд чиқиб тургандай туюлади». Ҳаққи рост. Одамлар ёвузлашганида Ўш-Ўзганда бўлгандай, ҳатто қашқир-бўрилар ҳам ожиз қолмоғини у жуда моҳирлик билан очиб бера олган.

Бало Олой тоғ ошганин унутдинг,
Бало бизга ёндошганин унутдинг,
Қорачиқлар ўйиб олингани-ю,
Қароргоҳларда қон тошганин унутдинг.
Унутганининг куйсин икки дунёси!
Тозаланиб, қизғиш гилам ёзилиб,
Қонли излар кетаверсин босилиб,
Лабларининг четларидан қон сизган,
Болачалар тураверсин осилиб,
Унутганининг куйсин икки дунёси!

Ҳа, бу ўйлар шоира кўзи билан рассом монанд кузатилган фожиалар, сатрлар ҳали узоқ йиллар бизни ҳушёр яшашга ундаб турадики, иншооллоҳ, бундай дўзахий жараёнлар қайта бошимизга келмас. Бундай шўришу кулфатлар, «тарихимизнинг энг кир ва қора» кунлари такрорланмаслиги учун ҳам у кунларни, оташин шоирамиз айтганидай «Унутганининг куйсин икки дунёси!»

Бизнинг бир асрнинг нари-берисида «улуғ давлат» паноҳида ўтказган умримиз, «ютганимиз», ютқазганимиз, бугунги тушиб қолган ҳолатимизни англаб етмоғимиз учун қуйидаги шеър мушоҳадаси етарли деб ўйлайман.

Ўтказмадик умрни ётиб,
Ё ўтириб, ўйларга ботиб.
Юрдик, ботиқ изларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Ҳаммада-ку — ҳар хил кўз аён,
Бир хил қилмоқ шарт бўлди баён.
Хиёл ўткир кўзларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Минг дард чеккан ўзимиз силлиқ,
Минг тош теккан сўзимиз силлиқ.
Қирқ қиррали сўзларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Бир хил бўйу энимиз
Бир хил имон, бир хил — динимиз.
Хиёл тикроқ бошларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.

Ортга боқиб сесканасан-ов,
Қани дов бош, қани имон-дов.
Яйдоқ дала... боқмас ҳатто ёв,
Шудгор қилиб текисладилар.
Мен мозийга кўрқиб қарайман
Тошлар туриб кетадими деб,
Бошлар юриб кетадими деб, —
Текисланиб кесилган бошлар.
Бари ўтди, ўтди қиргин, дор,
Букун кўзим ёшин қилар сел.
Фикри ўзгир бир фарзандга зор
Шудгорланиб текисланган эл.

Ҳалима Худойбердиева ижодида муқаддас юрт камоли, бугун бошимизга қўнаётган Ҳумо қуши — мустақиллик, унинг бешикдаёқ турли таъзику фитналарга дучор бўлаётган тақдирини хусусидаги шеърлар алоҳида ўринни эгаллайди. Гапнинг очиги, шоира Ватанимиз мустақиллигини илк шеърларидаёқ орзу қилган эди. Орзулар муайян вақт ўтиши билан истибдодга қарши исён ва нафратга айланди. Унинг ҳар бир шеърини ўзбекистоннинг чўнг дарди бир рамзий ифодани, мажозий образ ёки нозик шаъма орқалими акс этар, бундай шеърлар тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб, шеърхон юракларни ҳаяжонга соларди.

Элим сени муте кўрсам,
Кўздан қолай, кўзим куйсин.
Дема, унда не деюрсан,
Сўздан қолай, сўзим куйсин.
Тўтимасман, бир бийрон тил,
Дил бўлмаса ор, имон дил.
Тил бўлмаса дарду, қон тил,
Тилим деган сезим куйсин.
Ҳар толада бир шоҳлик бор,
Ўлмаё етсам, эл бахтга ёр.
Қолаверса эл зор, ночор,
Маним шоҳлик кезим куйсин.
Қай пайт мотамсаро кўрдим,
Иғво, фитна аро кўрдим.
Ғамдан юзин қаро кўрдим,
Маним шоир юзим куйсин.
Ў, кўп сирлар бўлар-ку фош,
Кўрарманми, етиб бардош.
Кетсам, эл қолса эгик бош,

Тутаб гүрим — изим куйсин.
Ў, чин ҳурлик бахти катта,
Етажакмиз биз албатта.
Мен етмай ўтсам, у ўтди,
Маним ўғлим — қизим куйсин.

Ҳалима Худойбердиева ижодини синчиклаб кузатсангиз, ҳамма эл назарига тушган ижодкорларда бўлгани каби, ўтмиш адабиётимизга туташлик, бобокалонларимизга хеш-ақраболикни кузатасиз. Ришталари мустаҳкам, боболар руҳи мададкор бўлган жамики сара туйғулар шоиранинг дарду аламларига қўшилиб, юракнинг энг тубидан вулқон билан шешър бўлиб, муножоту марсия бўлиб отилиб чиқади.

Боғ кўрмадик кирганда боққа,
Доғ қўшилди доғ узра доққа.
Кўнгил лим-лим тўлган ...Тўкмоққа
Ёшли қорачуққа кетгаймиз.
Қиш ортидан ўтар кўклам , ёз.
Тополмасмиз. Кўнгли мослар оз.
Ўзимиздай ғарибга пешвоз,
Биз тушмаймиз, чўкка кетгаймиз.
Умрнинг тонг, шомларида ҳам
Бутлансак деб чекдик, озор, ғам.
Боламизнинг томларидан ҳам
Ўтаверар чакка, кетгаймиз.
Зарб ермиз. Зарб тушириб ёвга,
Тирикликнинг ғами ҳам совға.
Дунёларга сиғмаган ғавғо.
Бир кун жим-жим, йўққа кетгаймиз.

Ҳа «тирикликнинг ғами ҳам совға» каби ҳикматнома сатрларни шоира шешърларида кўплаб учратиш мумкин. Туйғулар яланғоч ҳис-ҳаяжонлардан кутулиб, ранглар, мушоҳадалар ўткирлашгани сайин, фикрлар фалсафийлашади. Ҳар бири гўзал бир ҳикматга айланиб бораверади. Назаримда, Ҳалима Худойбердиева шешърлари ҳикмат бўлиб дунёга келади.

Ҳалима Худойбердиева сўнги йилларда халқимиз бошига тушган кулфатлар, ғам-андуҳлар, фожиалар акси ўлароқ «Ўш-Ўзган» фарёди силсиласига ҳамоҳанг, қатор фарёдди шешърларни юрак қони билан суғурди. Халқимиз «совет армияси» сафларидан темир тобутларда қайтган ўғлонлари боис озмунча озор чекдимми? Ҳалима Худой-

бердиева бу катта ғамни бутун даҳшати билан ихчамгина «Каромат» шеърисида «тобутларда сарсон «армон»ларни ўз армони даражасига кўтарди.

Кўнглимда кўнглимнинг минг синиғи бор,
Кўнглим ғамларининг ўткир тиғи бор,
Йиғи бор, олдинда катта Йиғи бор,
Элнинг болалари ўлмас бекорга.
Обдон ювган билан ювиларми қон,
Қотилига қочиб йўлга чиққан жон,
Тобутларда сарсон, армон-а, армон,
Бу болалар қони ёзилмас қорга.
Бу кун тинч денгиздай қалқсанг-да, тек, жим
Қаърингдан ўкирик келмоқда, халқим,
Эртага бу жонсиз болалар қалқиб
Жонли виждонларни тортажак дорга!

Мен бу шеърларни ўқир эканман, яна бир бор дунёдаги жамики рўй берган воқеа-ҳодисалар, энг аввало азал-абаднинг энг олий ва муқаддас мўъжизаси — аёл қалбида зарбланишига, садо беришига амин бўлдим.

Ҳар не ул бузди, бу борин тузди,
Бу борин тузди, ҳар не ул бузди.
(Алишер Навоий. «Сабъайи сайёр»дан.)

Ҳ.Х.: Худойим, элимга подшоҳлик бер! Ўз мамлакатига, ўзлигига ўзи шоҳлик қилсин! Бу йўлдаги тўла мустақиллик учун кураш биз учун ҳамма нарсадан қиммат! Буни бугун барча бир тан, бир жон бўлиб англаши керак! Фузорлик Майна Ҳасановани биласиз. У ҳақда ёзувчи Шерали Тошматов «Эрк қуши» деган роман ёзган. Шоирларимизнинг унга бағишланган шеърлари ҳам талайгина. Мана, шу қиз Зайнаб, Зоҳида, Зебо номлари билан разведкачилик қилган. Ёшлигидан етим қолиб, тоғаси қўлида тарбияланиб, кейин Очилбек деган бухоролик бир бекка зўрлик билан турмушга чиқиб, охири эрини ўлдириб, инқилобчиларга қўшилиб, «босмачилик»ка қарши курашади. 1922 йил Ўратепада «босмачи»лар қўлига тушади. Улар Майнани чап қўли, кўкраклари ва тилини кесиб қийноққа соладилар. Қизил аскарлар тарафидан қутқарилди. Москвада даволанди, умрининг охиригача (1943 йил) кекса большевиклар уйида (Москва) яшади. Хўш, мен нима демоқчиман?

Мен Майна Ҳасанованинг, ана шу каби қаҳрамонларнинг, адашган бўлишса-да, ЭЪТИҚОДИга бошим бир умр саждада эканлигини айтмоқчиман. Улар ҳурриятга, озодлик, эрка ишондилар. Халқимиз бахти, миллатимиз тақдири, хотин-қизларимиз келажаги учун дилда тўлиқ ишонч-эътиқод билан жон фидо қилдилар.

Биз бугун Майна Ҳасанованинг ажодлари қалбидаги эътиқодни ўз мустақиллигимиз йўлидаги кураш эътиқодига айлантиришимиз керак! Агар мустақил Ватан учун ўшалар эътиқоди каби улуг эътиқод билан курашмасак... яна бой бериб кўйишимиз ҳеч гап эмас! Йўқ аминманки, ҳозирги курашимиз, мустақиллик йўлидаги жон фидолигимиз энди бесамар бўлмас!

Мен тушимда қонли кўлни кўраман,
Қиш. Қон томчилаган йўлни кўраман.
Бобомнинг ўлолмай қийналганларин,
Жасади ўрнида қулни кўраман.
Алаҳсирайманми... иситмам чиқиб,
Отам — тагин битта қулни кўраман.
Магаданми, Тюмень шахталарида
Оёғида кишан, ғулни кўраман.
Кейин... онам келар қуш янглиғ учиб,
Саратонда жами жонзод сўлади.
Дориланган сувдан ютоқиб ичиб
Ўқариқ бошида онам ўлади.
Ўйлагандим, онам отин бўлади,
Тўлишиб ой бўлар, олтин бўлади,
Ёраб... у... ўттизда ўтин бўлади —
Илма-тешиқ ўпка, силни кўраман.
Бобом — поймол қулим, топиб келаркан,
Отам кишан ғулин ўпиб келаркан.
Онам кўзларини ёпиб келаркан,
Ўзимни — кўнгли чил-чилни кўраман.
Ингичка жони қил, қилни кўраман.
Ўзимнинг ўрнимда — сумбати одам,
Кўнгли ғамга ҳаммол, филни кўраман.

А. С.: Оҳ, бу ёвуз империя! Инсон бошига не кунларни, не кулфатларни солмади! Қандай «ўйин»лар қилмади у! Болани падаркуш, акани сингилга қотил, бир қориндан талашиб тушган Ҳасан-Ҳусаннинг бирини «оқ», бирини «қизил», душманни қаҳрамон, ҳақиқий қаҳрамонни душман, чин миллатпарварни «босмачи», босмачини «миллатпарвар» этди!

Аёл! Момо Ҳавво авлодларини ўша Одам Атога таом тайёрлаб, чой қайнатиб, оғирини енгил қилиб садоқатпешаликдан ўзга ўйи бўлмаган Момо Ҳавво авлодларини бу тузумчалик хору зор қилган, хўрлаган жамият бўлмаса керак?! Тагин нималар бор оддинда?

Ҳ.Х.: Азимжон, Аёлнинг жамиятдаги ўрнини белгилашдан аввал, унинг оиладаги ўрнини белгилаш мутлақ жоиз деб биламан. Бу борада мен Навоий бобомдан кўмак оламан: «Яхши аёл — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса — кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошқор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у, тесқари айланувчи фалакдан бошингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак.

Уйланган одамнинг баъзи қийинчиликлари осонлик билан битади, аммо, қийинчиликлар орта борса хавфли бўлади. Бу хилдаги чигалликларни бартараф қилишда умидсизланмай, сабр-таҳаммул қилинса, ҳар қалай бирга яшаш мумкин бўлади».

Ана, яхши аёл таърифи, хислатлари. Бизнинг серғавго, серғалва, сершовқин, долғали замонамизда Аёлнинг тагин ҳам бурчи, вазифалари, юмушлари ўн чандон ошди, десам хато бўлмайди. У энг аввало уй, оила бекаси. Оиласини унутган аёлнинг қелажаги йўқ! Оиласини гулдай яшнатиб қўйиб, кейин бошқа айтайлик, идоравий ишларда муваффақиятга эришса, унга «балли» дейишдан ўзга сўзимиз йўқ!

Бу гапларни нима учун айтаяпман? Шунинг учунки, бизнинг жамиятда хотин-қизлар шу пайтгача нафақат оила тебратишда, балки катта жамоат ишларида ҳам хизмат қилишиб келишди, ўйлайманки, бу юмушлар шарт-шароит тақозоси билан яна давом этади.

Татар халқининг, умуман, туркий халқларининг йирик маърифатпарвар олими Ризоуддин Фаҳруддин ўғлининг «Оила» деб номланган китобида... «... юртининг идора қилиш илми хотунлар учун керакли бир илмдир.

Юртни идора қилиш илмини билиб, шунинг амалиёти билан машгул бўлиш, хотунларнинг кўнгилларини бузуқ фикрлардан, исроф ва ясаниш каби бузуқ сифатлардан поклайди, эрининг назарида ҳурматини, болалари қошида мартабасини орттиради, халқини тузатади», деб ёзади.

Дарҳақиқат, Аёл жамиятда ҳам ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлиши лозим. Албатта, буни мавжуд шартшароит белгилайди. Менинг назаримда, ўзбек хотин-қизлари бугунги кунда ҳимояга муҳтож. Ким ишлашни хоҳлайди, ким хоҳламайди, бу ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Лекин оила доирасидан ташқари ишлаш — меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган аёлга имконият яратиш жоиздир.

Яқинда Наманганда вилоят хотин-қизлар конференцияси бўлиб ўтди. Биласиз, водий тарафларда дин, хотин-қизлар масаласига турлича қараш мавжуд. Ана шу конференцияда «Дининг кўнгилда, қўлинг ишда бўлсин» деган ибратомуз гап янгради. Мен бунга тўлиқ кўшилдим.

Ўзбек аёллари мустақил Ўзбекистонда катта кучга айланиши керак. Унинг мураббийлиги оиласи доирасидагина бўлиб қолмаслиги лозим, деб ўйлайман. Улар миллатимиз, мамлакатимиз, динимиз тараққиётига ўз улушларини қўшишга қодир! Бир марта бериладиган ҳаётда фақат кузатувчи бўлиб ўтириш мумкин эмас. Биз ахир она Тўмарис, Сфаретра, Бибиҳоним, Зебунисо, Увайсий, Нодира, Қурбонжон додхо, Кенагасхоним, Анбар отинлар авлодларимиз. Бу аждодларимизнинг жамиятда ҳам хизмат ва мавқелари беқиёс бўлган!

А.С.: Ҳалима Худойбердиева шоира, «Саодат» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати ва ибратли уй бекаси, беш боланинг онаси. Ўйлайманки, қанча-қанча хизмат, юмушга у қачон улгуради?! Йўқ, улгуради!

Машҳур «Муошарат одоби» рисоласининг муаллифаси Охун Лутфуллоҳ Сулаймоний қизи Олима ул-Банот шундай ёзади: «Оиланинг бахту саодати ҳам хотинларнинг ақлли-ю, илмли бўлмоқларига боғланмишдир. ... Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз биледи».

Куйидаги гап эса Ҳалима опа юқорида тилга олинб ўтган «Оила» китобидан: «Хотунлари тарбияли бўлган халқ — тарбияли-ю, хотинлари тарбиясиз бўлган халқ

тарбиясиз, хотинлари тиришқоқ, тадбиркор бўлган халқ — бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир».

Ҳа, Ҳалима Худойбердиева каби илми, тарбияли, тиришқоқ, тадбиркор, иродали аёлларимиз бор экан, халқимиз маърифатпарвар, миллатпарвар бою бадавлат бўлишига ишонгим келади!

«Халқ сўзи»,
1992 йил 8 апрель.

КҮНГИЛ КҮНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Хориждаги ватандошлар.. Улар ҳақида бундан ҳатто икки йил аввал ҳам «егти ўлчаб бир кес»иб гапирар эдик. Ваҳима, шубҳа тўрлари юрагимизни ўраб-чирмаб олганди. Иншоолоҳ, бу тўрлар синдирилиб тушиб бораяпти. Тақдир тақозоси ила ўзга юртларга кетиб яшаб қолган, ўша ерларда туғилиб, аммо ота-боболари ватанини асл ватан деб билган, бугун эса жонажон Ўзбекистонимизга келаётган қондошларимизга ҳурмат, иззат-икром, меҳрибонлигимиз самимий кечаяпти. Ватандошларимиз ҳам бизга тўлиқ ишонч, эътимод билан қарашаяпти. Бир сўз ила айтганда, тил тилни, дил дилни топаяпти.

Яқинда Саудия Арабистонидан уч киши бизни йўқлаб таҳририятимизга кириб келди: танишдик. Абдураҳмон МАРҒИЛОНИЙ — «Уммал-қуро» жомеси профессори. Инглиз адабиёти мутахассиси. Муҳаммад Саид ҲАСАН — давлат ва дин усуллари факультети профессори, Маккада яшайди. Абдулбосит Абдулҳодий НАМАНГОНИЙ — Тоифда истиқомат қилади, меҳмонхоналар соҳиби. Абдураҳмон Марғилонийнинг қайиноғаси. Улар каминага Саудия Арабистонидаги таниш дўстлардан салом келтиришибди.

Суҳбатимиз қизиқ кетди. Суҳбатга мен кўпроқ Абдураҳмон Марғилонийни тортдим. Унинг шеърлари, қиссалари, илмий мақолалари нафақат араб, балки бошқа тилларда, жумладан, инглиз тилида ҳам босилган экан...

Азим СУЮН: — Муҳтарам Абдураҳмонжон (у менинг тенгдошим), Сизларда ижод эркинлиги қандай тушунилади?

Абдураҳмон МАРҒИЛОНИЙ: — Инсон ҳур туғилади. Ҳур яшаши ва ҳур ўлиши керак! У фақат

Оллоҳнинг қули. Бошқа ҳеч кимсага қул эмас. Ижодкор инсонга ҳуррият — зарурат. Ҳурриятда, эркинликда яшаб ижод қилган қаламкашда ўз калимасига эгалик масъулияти буюк бўлади! Ҳуррият бор жойда масъулият бор! Агар жамият, тўғрироғи, жамият тепасидаги кимсалар ижодкор тилини, яъни шоир, ёзувчи, олимнинг тилини кессалар, халқнинг тилини кесган, қулоғига қум қуйсалар, халқнинг қулоғини беркитган, кўзини кўр қилсалар, халқнинг кўзини ўйган бўладилар!

Саудия Арабистонида ижод эркинлиги — масъулият ҳурриятлигида, каломингга эгамисан — ижод қилавер!

— **Азим СУЮН: гапга Абдулбосит Абдулҳодий Намангоний аралашди:** — Бизда шоирни, олимни халқ ҳам, давлат раҳнаомлари ҳам жуда қадрлашади. Уларга ишонишади...

Абдураҳмон МАРФИЛОНИЙ: — Илм, маърифат асос бўлмаган давлат таназзулга юз тутиши тарихдан аён. Азимжон, ўзингизга маълумки, Олмония (Германия) сўнгги урушда собиқ СССРга ютқазди. Унинг бутун-бутун қурилишлари, бинолари, заводлари, фабрикалари, кўчалари, борингки, ҳамма нарсаи вайрон бўлди. Энди Олмонияни тиклаб бўлмасдек эди... Лекин тикланди. Кўп ўтмасдан тикланди. Хўш, боиси надир? Боиси: урушдан омон-эсон қолган халқи илмли, маърифатли, зиёли, бунёдкор эди! Олмонияни ана шу халқ тиклади. Олмония давлатининг асоси ўша халқ эди!

Худо кўрсатмасин-ку, Япония баҳрул-наҳр (океан)нинг шундоқ биқинидан жой олган, бирор улкан зилзила бўлиб қолди, дейлик. Нима бўлади? Халқи омон бўлса, Ер юзининг истаган жойидан Япониядан да юксакроқ давлат қуриб олади. Чунки японлар ўта илмли, маърифати пойдор, қўли гул, хунарли халқ. Билими осмон халқ!

Азим СУЮН: — **Абдураҳмонжон, бизнинг Ўзбекистондаги илм-маърифат, фан таназзулига ишора қилмаяпсизми? Ватаннинг кўп жойларида бўлибсизлар, кўрибсизлар...**

Абдураҳмон МАРФИЛОНИЙ: — Четдан қараган кўзга ҳамма нарса тез ташланади. Ютуқ ҳам, камчилик ҳам яққол кўринади. Мен олим одамман. Нафақат кўзим билан... ақлим билан кўраяпман. Назаримда, қайта қуриш... энг аввало мияларда амалга ошиши керак! Мустақиллик тилдан, диндан, фандан, маърифатдан, тарбиядан бошланмоғи лозим. Булар иккиламчи нарсалар эмас. Диний илмлар Ўзбекистонда ёмон кет-

маяпти чоғи, бироқ дунёвий илмлардан ҳам ортда қолмаслик даркор. Менинг қондошларим ақли илм-фан билан, кўли хунар билан обод бўлишини жуда-жуда истайман. Оллоҳ баракали ҳаракатни яхши кўради. Шунда қорин ҳам, кўнгил ҳам тўқ.

Азим СУЮН: — Биз ҳозир кўпроқ иқтисодий жиҳатдан ўнгланиб олишга ҳаракат қиляпмиз...

Абдурахмон МАРФИЛОНИЙ: — Нима ҳисобига? Чет давлатлардан тайёр маҳсулотлар олиб келиш ҳисобигами? Қўлдан берсанг қуш ҳам тўймайди, дегувчи эди отам. Ҳақ гап! Ўзбекистон ўзи тайёр маҳсулот ишлаб чиқармас экан, ўз-ўзини таъминламас экан, жаҳонга тайёр мол сотмас экан... қадами калта, кўли қисқа бўлиб қолаверади. Бу гўдакка ҳам аён ҳақиқат!

Сизларда ҳали ҳамма нарса давлат тасарруфида. Муҳтарам Президент Ислоҳ Каримов кўп яхши фармонлар эълон қилибди, аммо ижроси суст, назаримда. Мен буни сафаримиз давомида билдим, эшитдим, кўрдим. Мана ер бериш ҳақидаги фармонни олиб кўринг. Ер ҳали деҳқонники эмас... Барча ривожланган давлатларда хусусий мулк 80 фоиздан юқори. Буюк Британия давлат ширкатларини ҳам одамларга сотган. Давлат ўз халқига ишониши керак!

Дунёда энг қийин нарса ҳукумат қилиб берадигани. Энг осон нарса эркин одамлар муомаласида қилинадиган иш. Адолатли қонунларни кучайтириб, уларга барчанинг бирдек риоя этишини таъминлаш заруратга айланибди...

Тагин бир масала. Эшитдимки, чет давлатлардан кўплаб технология олиб келинаётган эмиш... Ў, бу йўл ҳам яхши эмас. Унинг усталарини ҳам олиб келиш лозим бўлади... Ҳамма билан алоқа қилиш керак. Аммо уларга қарам бўлмаслик ниҳоятда муҳим...

Азим СУЮН: — Абдурахмонжон, мен бошда Сиз билан адабиёт ҳақида, ижод тўғрисида суҳбат қурмоқчи эдим. Суҳбатимиз бошқа изга тушиб кетди. Ўзбекистон давлатининг бугуни, ўтмиши, келажаги, сиёсати, иқтисоди, маърифати ва ҳоказолар ҳақида мен ҳам кўп ўйлайман, анча-мунча ёзганман... Лекин на чора, буюк мутафаккиримиз Аҳмад Яссавий айтмоқчи «...барча нарса мен дегандек бўлмас эрмиш». Бироқ, барибир айтиб қўяй, бугун биз учун ҳамма нарсадан, ҳатто жонимиздан ҳам — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ муҳим!

Узр, охириги бир савол Абдурахмонжон. Ватанда энг кучли таъсир этган нарса нима бўлди?

Абдурахмон МАРФИЛОНИЙ: — Оҳ, юракка тегдин-гиз. Бизлар — дунёнинг ҳеч бир жойида қатра кўз ёши тўкмаган уч киши... Ўзбекистонда йиғладик. Муҳаммад Саид ҲАСАН ҳам, Абдулбосит АБДУЛҲОДИЙ Намангоний ҳам, камина Абдурахмон МАРФИЛОНИЙ ҳам бирдек йиғладик. Бу йиғи — Сиз айтган **МУСТАҚИЛЛИК... МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН** давлати учун тўкилган севинч, шодумонлик кўз ёшлари эди!

«Халқ сўзи»,
1992 йил 15 апрель.

«УЛКАН БИР ГУЛ КАБИ...»

Али Оқбош ҳозирги замон турк шоири. У 1941 йилда туғилган. Истанбул университети адабиёт факультетида таҳсил олган. Ўнга яқин китобнинг муаллифи. Камина Али Оқбош билан Туркия сафарига танишдим. Ва унинг бир неча шеърларини турк туркчасидан ўзбек туркчасига табдил қилдим. Шулардан бир жуфтини муҳтарам газетхонларимиз эътиборига ҳавола этаман.

Азим СУЮН.

Али ОҚБОШ

КЕЧАЛАР

Ҳей кечалар, кечалар,
Тош тишлаган чечанлар...
Оқшом тушур, ой келур,
Кўёш нерда кечалар?
Чақирсам тушарларми?
Кўкда ҳам уйлар борми?
Суйдим-у сайламадим
Юлдузлар — гулчеҳралар.
Юлдузлар олай-олай,
Боқиб-боқиб кулар ой!
Йўлин топсанг, эниб кел,
Дилда сўзим бир талай.
Юлдузли атлас чодир,
Ёр қайси диёрдадир?
Ёз келди, у келмади,
Қулоғим еллардадир...

ҚУТЛУҒ ТОШ

Профессор Шукру Элчин менга Тангри тоғидан бир тош келтирмиш. Мен эса унга ушбу шеъримни армуғон этаман.

Бу кеча бароқ, ой сини-сини*,
Олис иқлимларга қанот ёзаман,
Учгил, хаёл қушим, — олиб уч мени,
Кетгумдир ўзга бир аср узра ман:
Сайр этармиз бир-бир Чинни, Мочинни,
Оромижон Қоф тоғларин кезамиз,
Ўтўкан**да мангу бода ичамиз.
Бошла, шу инжа йўл элтар Туронға,
Унда мудроқ ўрмон, тоғлар кўлкаси.
Савашлар тўш-тўша, жон берар жонга,
Эшитилар ўқдек нағаллар саси.
Бир арзиҳолим бор Баҳодир Хонга;
Қалқсин орадаги замон пардаси,
Кечмишни яширган тумон пардаси.
Субҳидам кўзғалган бир туман черик
Кўнгиллари ипак, ёллари қати***,
Бир онда дафъатан қопламиш ерни,
Хилқат улар учун яратмиш отни.
Отамиз Тангриқут Мэтэдан бери
Кўрилмасмиш бундай ер салтанати,
Қанотли отларнинг хур салтанати.
Бир нозли қуш каби гўё оғар жон,
Бу тоғларда ҳар тошга бир бош инар.
Шаффоф сув мисоли ерга оқар қон,
Ҳар йилга уч сулҳ, беш ҳарб-саваш инар.
Боболар қилич-ла ёздиғи дoston,
Қалам-ла ёзилса кўп ёвош инар,
Эшитсам, кўнглима бир оташ инар.
Оқ сочли элчининг келтирган тоши
Бир Ҳажар ал-авсад — бир қутлуғ қоя,
Унга ўтиргандир балки Қуршадин****,
Бу жойдан боқгандир юлдузга, ойга.
Ў, бунда кечмишдир минглар савашини,
Ҳокимлик этилмиш Ўрол-Олтойга
Ва йўллар очилмиш хур Қизилойга*****,

* Сини — баркаш.

** Утўкан — Тангри тоғидаги илк турк макони.

*** Қати — гаранг.

**** Қуршадин — Кўктурк хоқонларидан бир шаҳзода.

***** Қизилой (Қизиллма) — жой номи.

Тангри тоғи, — балли она-Ватанга,
 Ўз ранги кўчмишдир ўзин юзига.
 Йилларким қиличлар кирмамиш қинга,
 Гоҳо Чинга урулмиш, гоҳо ўзига.
 Тоғ чўққиларидан кўчган пўртана
 Турумиш киргунча энг гўзал динга;
 Бизларни чорламиш Макка, Мадина.
 Қадрини билурмиз тупроғин, тошин,
 Учган қушнинг, эсган ернинг қадрини.
 Қадрини билурмиз қавм-қариндошнинг,
 Кўчган элнинг, қолган элнинг қадрини.
 Қадрини билурмиз сулҳнинг, савашнинг,
 Қирмизи қон, ипак тўрнинг қадрини,
 Оллоҳ яратгани қулнинг қадрини.
 Мен бир далли Туркман, тилимда турки,
 Отим тиззаламиш — отдан тушмишам.
 Ҳаромилар киймиш обойи кўрки*,
 Шон-шуҳрат ва салтанатдан тушмишам.
 Терсина дўнаюр фалакнинг чархи,
 Бирин-бирин ўнгди кўрқинчли тушим,
 Бу водийга самовотдан тушмишам.
 Келмиш-кетмиш ипак юкли карвонлар,
 Бирда уйғондимки, кўп шомга дўнмиш.
 Асрлар ортида нидо, суронлар,
 Бир ён тўқлик, бир ён очликка энмиш.
 Йўл узоқ, вақт эса кўп чопоғондир,
 Водийлар йўл бермас: қояли, тошлик,
 Даврон югрук отин ҳайда, қардошлик.
 Фазо асри... ҳаммаси ўзгача бунда.
 Дунё бомба каби портлая билур.
 Ўйлаб ўтирилмас йўл кесишганда,
 Тариқча куч филни ўлдира билур.
 Тарих илк онамиз Тангри тоғинда
 Қандоқ бир хотира сақлая билур,
 Қандоққи, юзини оқлая билур.
 Доим қутлуғ эмас, йўқ, инсон ақли,
 Шимариқ, суюмли, золим ва олчоқ.
 Олам бир-бири-ла қонли, пичоқли,
 Ботирни ўзига тортади ботқоқ,
 Ўзин ичиндадир ҳам мева қурти.
 Қуёш мангу Шарқдан чиқажак бироқ,
 Улкан бир гул каби ҳилпирар санжоқ!**

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
 1992 йил 1 май.

* *Обойи кўрки* — либос номи.

** *Санжоқ* — туғ, байроқ.

БИТТА ТОМИР ЭКАНМИЗ...

Шу йил май ойнинг охирларида Туркиянинг Бурса шаҳрида «Туркия халқлар адабиётида туркий тил» мавзусида ўтказилган улкан симпозиумда Ўзбекистондан ҳам бир гуруҳ шоир ва зиёлилар иштирок этдилар. Улар орасида халқимизнинг суюкли шоирлари Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Хуршид Даврон ва Азим Суюнлар ҳам бор эди.

Бу катта анжуман таассуротлари хусусида Азим Суюн мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шоирлари, ёзувчилари, олимлари, бир сўз билан айтганда, зиёлилари бирлашган халқнинг ўзи бирлашадди. Фуқаролари орасида аҳиллик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик кучли бўлади. Икки аср оралиғида бутун туркий миллатлар ўртасида парокандалик, одамларнинг беўхшов эзилиши гоҳида катта куч билан, гоҳида бепарволиклар, лоқайдликлар ила улкан узилишларни келтириб чиқарди.

Бурсада ўтказилган бу нуфузли анжуман шундай узилишларнинг ўрнини тўлдиришга, топталиб, йўқолиб кетаётган аъёналаримизни тиклашга катта хизмат қилди, десам катта хато бўлмас. Унда жуда муҳим бир масала ўртага ташланди: «яъни Бутун туркий адабий тилини яратиш муаммоси муҳокама қилинди. Бу борада туркиялик олимлар ва ёзарларнинг фикри ҳам, айтайлик, Юнонистондан келган шоир, Ироқ ёхуд Эрондан ташриф буюрган адибнинг ҳам, Татаристон ёки қадим Туркистондан борган ижодкорларнинг ҳам фикри, мулоҳазаси яқдил бўлди.

Унда 21 та давлатдан вакиллар қатнашдилар. Туркия Ёзарлар бирлиги ташаббуси билан илк бор ўтказилган бу йиғинда ўқилган шеър ёхуд айtilган ҳар бир дардли сўз бутун туркий эл фарзандлари юрагини ларзага солди. Айниқса, биз — собиқ совет жумҳуриятлари зиёлиларини ҳайратга солган нарса бу анжуманга Туркия ҳукумати жуда катта эътибор билан қаради. Қатнашчилар номига шахсан бош вазир Сулаймон Демирал телеграмма йўллаб туркий халқларнинг илк дафъа бирлашиб турганлигини самимий қутлади.

Симпозиум номига уларга мавжуд бўлган барча партияларнинг раҳбарлари, вазирлар, ҳатто ўрмончилик вазири ҳам қутлов юбориб бу бирликни табриклади.

Энг қувонарлиси, бу нуфузли симпозиумда Туркия

Ёзарлар Бирлиги илк бор таъсис этган учта мукофот ўз эгаларига топширилди. Биринчи — Юнус Эмро номидаги мукофот ўзбек шеърятининг ардоқли вакили Эркин Воҳидовга берилганидан беҳад суюндик. Иккинчи — Навоий номидаги мукофот озарбойжон шоираси Феруза Меҳмедли хонимга, учинчи Фузулий номидаги мукофот эса қозоқ шоири Тулибой Мўлдағалиевга берилди.

Айниқса анжуман кунлари қондошларимизни бизнинг шоирларимиз ўқиган шеърлар ҳайратга солди. Яна бир янгилик, мени 1993 йилда Лондонда бўладиган Жаҳон ёзувчилари симпозиумида қатнашишим учун «Жаҳон санъат ва маданият академияси» Президенти, Нобель мукофотига номзоди қўйилган Усмон Туркойнинг ўзи шахсан даъват этди. Навбатдаги анжуманни Олмаотада ўтказишга келишиб олдик.

«Туркистон»,
1992 йил 9 июнь.

Маҳмат ДЎФОН

ТИЛ ИНҚИЛОБИ

(Туркия тил сиёсати тарихидан)

Маҳмат ДЎФОН Туркия Ёзарлар Бирлиги раиси, йирик тилшунос олим, тарихчи, фан доктори. Унинг турк «Сўзлик», «Изоҳли луғат», бошланғич синфлар учун яратилган «Илк сўзлик» каби китоблари маълум ва машҳур.

Камина Маҳмат Дўфон таклифи билан бултур октябрь ойида Туркияда бўлдим. Сафар чоғида қизгин суҳбатлар қурдик. Маҳмат оға Ватанга қайтар вақтимда бир неча китобларини менга совға қилди. Шулардан бири «Бегона тил маданияти» тўпламидир. Бизнинг илтимосимизга кўра, дўстларимиз филология фанлари докторлари Низомиддин Маҳмудов ва Насимхон Раҳмонов ушбу мажмуадан айрим парчаларни ўзбек тилига таржима қилишди. Уларни ўқиб, турк тили тарихида бўлиб ўтган ҳодисалар айни замонда ўзбек тилида кечаётган жараёнларга ғоят ўхшашлигига амин бўласиз.

Азим СУЮН.

ТИЛ ИНҚИЛОБИ — бир тилни чет сўзлардан тозалаб, ўрнига янгидан киритилган унсурларни, сўзларни жорий этиш билан боғлиқ ҳаракатдир.

Туркияда давлат томонидан бошланган бундай ҳаракатга ўхшаган ҳодисалар бошқа ўлкалар тарихида ҳам рўй берган. Францияда XVI асрда бошланган лотинчага қарши кураш XVII асрда Француз Академиясининг ташкил топишига олиб келган. Ҳозир ҳам Францияда бегона сўзларнинг тилга кириб келишига қарши курашадиган яққа ёки оммавий турдаги ҳаракатлар мавжуд. Англияда эса бошқа тилларга оид сўзлар ишлатилишига имкон берилганига қарамай, вақти-вақти билан лотинча ва французча сўзларга қарши турадиган кучларнинг борлиги диққатга сазовордир. Олмонияда эса бегона сўзларга қарши кураш XIX асрда тўла ғалаба қозонган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мажаристонда (Венгрия) мажарчани чет сўзлар таъсиридан ҳимоя қилиш машаққатли кечди. Бу мамлакатда фин, чех, булғор, серб, араб ва форс тилларидан кирган сўзлардан тилни тозалаш йўлида баъзи ишлар амалга оширилган.

«Тил инқилоби» тушунчасини тўлиқ ифода этадиган ягона қўлланманинг Туркияда амалга оширилгани ҳақида гап юради. Ойдинликларнинг миллий-маданий меросдан (эски ёзув, адабий асарлар) юз ўгириши Туркияда юзаки ҳаракат — тил қурилиши, тараққиётида жуда ҳам кўп сунъий фарқларни келтириб чиқарди.

Ислоҳотдан сўнг матбуот воситалари орқали амалга оширила бошланган юзаки ҳаракат 1912 йили «Ёш қаламларнинг» «Янги лисон» ҳаракати билан бошқача тус олди. «Янги лисон» ҳаракатининг ислоҳот давридаги муҳим хусусияти тил тараққиётидан юз ўгириб, сунъий унсурларни юзага келтириши эди. «Янги лисон»чилар ўзларини мажбурлаб арабча ва форсча сўзлардан узоқ туришга ҳаракат қилдилар: Мақсад — халқ тушунадиган ягона тил — оғзаки тил билан адабий тил ўртасидаги фарқни бутунлай бартараф этиш эди, «Янги лисон» ҳаракатининг Умар Сайфуддин, Зиё Кўкалп, Маҳмуд Эмин (Юрдақул) каби илғор намоёндалари «Тилимиз — туркчадир» шиорини кўтариб чиқдилар ва тилда «тозаловчи» сифатида алоҳида фаолият кўрсатдилар. «Тозаловчи»ларнинг фикрига кўра (Энг машҳур намоёндаси Фуод Кўсарайф) тилдаги ҳамма бегона унсурлар бирор-бир мамлакатдаги тил

материаллари ўрнини тўлдиролмайди. Миллий адабиёт оқимининг намоёндалари ҳам кўпинча биринчи гуруҳга яқин бўлиши билан бирга, ўрни келганда иккинчи гуруҳга ҳам яқинлашар эдилар. Шунга қарамай, «Тил инқилоби» атамаси узлуксиз равишда бир қатор босқичлардан сўнг қўллана бошланди.

1928 йилнинг сўнгги ойларида исломий турк ҳарфларининг ўқиш, ёзишда қийинлиги ҳисобга олиниб, лотин ҳарфлари асосли қабул қилинди. «Ҳарф инқилоби» сифатидаги бу ҳаракат пайтида, масалан, туркчанинг таркибига мос ўрхун алифбоси эътиборга олинмасдан, ғарбдаги лотин алифбосига мурожаат этиш ғарбга қараб йўл тутиш ҳаракатларининг муҳим белгиси эди.

Лотин алифбосини тайёрлаган расмий ҳайъат луғат тайёрлаш мақсадида кенгайтирилди. Мустафо Камол Отатурк турк тарих конгрессининг ёпилиш (11 июл, 1932 йил) кечаси Самиҳ Рифъатга раис сифатида, Равшан Ашраф (Унайдин)га эса котиб сифатида мажбурият юклади ва эртаси куни «Турк тилини ўрганиш жамияти» тузилиши учун расмий мурожаатнинг ишлаб чиқилишини таъминлади. Қисқа муддатдан сўнг жамият томонидан I Турк тил қурултойи чақирилди (26 сентябр, 1932 йил). Бу йиғинда тил расмиятчилигига қарши ёлғиз Ҳусайн Жоҳид (Йалчин) ўз фикрини билдирди. Тилнинг табиий тараққиётини ҳисобга олган Ҳусайн Жоҳид бундан сўнг тилга кирадиган чет унсурларда мезон бўлиши кераклигини исботлади. Ҳусайн Жоҳиднинг гапидан расмий доиралар ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Бу қурултойдан кейин, дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаганидек, баъзи кўринишларда тилни бошқаришга киришилди.

Тил билан алоқадор ишларни ҳал қилувчи асосий муассаса Мустафо Камол Отатуркнинг идораси эди. Идорага таклиф этилган турли маслак ва турли табиатли одамлар гўё туркча сўз ҳимоячилари сифатида майдонга чиқдилар. Натижада ёзув тили жуда қисқа муддатда қандайдир кимса тарафидан бўлган расмий таъйиқ остида тушунарсиз ҳолга келди. Бу аҳволдан эса ҳаракат ичидаги соғлом фикрли кишилар норози бўла бошладилар. Бунинг устига айрим кишиларнинг хотираларида қайд этилишича, Мустафо Камол «Биздан сўнг нима бўлса ўзгаражак, лоқал биз уларга фурсат қолдирмай, масалани ҳал қилайлик», деб австралиялик бир олим томонидан ривожлантирилган Куёш — тил

назариясига ургу берди. Бу назарияга таяниб, бир қанча чет сўзларнинг туркча ўзакдан иборат эканлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилди.

III Тил қурултойи 1936 йили Қуёш — тил назарияси доирасида йиғилди. Шу тариқа, 1932 йили бошланган тил инқилоби бошқача бир йўлга кирди. Ўша даврда яшаган тил ишлари билан шуғулланганларнинг хотираларига кўра, Отатурк тилда инқилоб бўлмаслигини тушуниб етди. Тил инқилоби йилларидаги фаолияти билан машҳур бўлган Жавот Эмри Отатуркнинг «Икки нарсада инқилоб бўлмас, тилда ва мусиқада» деган гапини ёзган эди. Тилдаги сунъий тежамкорлик Отатуркдан кейинги даврда ҳам баъзан юзага чиқиб турди.

Тилдаги сунъийликка қарши курашлар кўп партияликка ўтиш билан боғлиқ ҳаракат кучайган пайтларда юзага чиқди. 1948 йил 22 октябрда Истанбул Муаллимлар уюшмаси тил конгресси чақирди. Бу конгрессда шундай тезис илгари сурилди. 1. Тил инқилоби илмга алоқадор бўлмаган бир партиянинг сиёсий ўйинидир. 2. Давлатнинг зўравонлиги билан мактаб дарсликларига сунъий калималар киритилди...

1970 йилдан кейин тил сунъийлиги радио ва телевидение каби оммавий ахборот воситаларида кенг тус олди. Тил инқилоби натижасида тилимиз баъзи арабча ва форсча унсурлардан тозаланди. Бу мажбурий ҳаракат кўп томонлама ва узоқ муддат маданий бойлигимизни номақбул оқибатларга олиб келди.

Асрлар бўйи ўз бойлигини намоиш этиб келган турк тили XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб ўн аср давомида оқиб келган ўзанидан бурилишга мажбур қилинди. Давлатнинг турли шаклда тилга аралашуви масаланинг янада мураккаблашувига сабаб бўлди. Ягона муомала воситаси бўлган тил вақти келиб озчиликнинг аргоси ҳолига тушиб, халқ билан алоқа йўллари беркилди.

ТУРК ТИЛИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛИШИ, чет тил унсурларидан тозаланиши жуда жиддий равишда амалга оширилди-ю, аммо ғарбий тиллардаги унсурларнинг тилга кириб келишидан кўз юмилди. Ҳатто ўз вақтида туркчада илм қилиш мумкин эмас деган ўй билан бир тур унсурларнинг кириб келишига нормал ҳолат сифатида қаралди. 1935 йили чоп этилган «Усмонличадан туркчага муқобиллар маълумотномаси»да Ғарб тилларидан олинган сўзлар ичида тақлидий сўзлар билан ундов сўзлар жуда кўп учрайди. Французча екол

(мактаб), женерал (генерал), универсал, гегемония, бюллетень, символ каби сўзлар ўқул, женел ва женерал, эврэнсе, эжеменлик (гегемонлик) беллетень, симге каби туркчага даъво қиладиган сўзлар сифатида кириб келди. Бундай сўзлар туркча сўз даъвоси билан расмий тилга ва дарсликларга зўрлаб тиқиштирилди.

Тил инқилоби тарафдорлари ислом маданияти даврасига аралашувидан кейин арабча ва форсчадан сўз олишни қаттиқ танқид қилдилар, ўзлари ҳам шу йўлдан кетдилар. Фарбдан кириб келган тушунча ва ашёларга асл туркчадан эмас, Фарбдаги манбалардан ном ахтаришга уриндилар. Шундай қилиб, тил инқилоби чет тил сўзларига қарши ўт очган бўлса-да, бир ҳовуч Фарб тилларидаги сўзларнинг кириб келишига замин ҳозирлади. Ёзув тили билан оғзаки тил фарқини маълум босқичга олиб чиқиш натижасида юзага келган халқчил тилнинг тараққиётини илмий мезон орқали эмас, ҳиссий ва бир лаҳзалик мақсадлар билан тайин этишлари сабабли тил илмийликдан узоқлашди. (Тил инқилобининг энг жўшқин даври бўлган 1932—1938 йилларда Турк тил қурумининг амалга оширган нашрлари кўп бўлиб, узоқ мунозаралардан кейин юзага келди).

Тил инқилобига алоқадор кучлар Мустафо Камол Отатурк ташкил этган асосий муассаса томонидан (Турк тил қуруми) ҳаракатга келтирилди. Мустафо Камол бу қурумга ишбилармонлар банкидаги сармоясининг бир қисмини ҳар йили мукофотлаш йўли билан сарф қилган. Лекин шунга мувофиқ турк тилининг табиий тараққиётини йўлга солувчи ҳаракатлар шу тариқа қурум атрофида мустаҳкамланмади. Шунга кўра қийинчиликлардан чиқиш йўли ибтидойи ва ўткинчи бўлди.

«Ўзбекистон адабиёт ва санъати»,
1992 йил 7 август.

АСЛ ТУЛПОР ЭРУР ЎЗБЕКНИНГ ОТИ...

ҚАЕРДАДИР БОҒ ҚИЗИ — булбулнинг «чаҳ-чаҳ»и авжига чиқди: «Тонг отаяпти, бир ажойиб тонг отаяпти. Одамлар ухлайверасизми, туринглар, тонг ҳуснига тўйинглар!»

Қаердадир дашту адирлар ўғли — тўрғай осмону фалак бағрига сингди, шундай куйлаб бердики, оппоқ

булутлар паҳмоқ кулоқларини «динг» қилиб тинглади. Уни фақат гафлат босган одамларгина эшитолмади.

Ҳаққуш бу тун охирги марта «оҳ» урди: «Ҳақ...» У бир умр ҳақни излайди, ҳақиқат излайди. Аммо тагин тополмади. Одамларга илтижо қилди: «Ҳақ... Ҳақни топинглар! Одамлар турунлар!»

От тўрт оёқда туриб ухлайди. У хўрознинг дарғазаб қичқириғидан сесканиб кетди: «Тўрт оёқда туриб ҳам ухлайверасанми? Бепоён яйловларга чиқ, чоп, югур, қувна, яйра, сойлоқларга туш, шаталоқ от!»

Тонгдан қўрқмаганлар бирин-кетин кўзларини уқалашиб, керишиб, патирлашиб, ўз тилларида чуғурлашиб тура бошладилар.

Бу дунёда тонг сеҳридек куч бормикин? Тонгдек қудрат бахш этгувчи салоҳият топилармикин? Тонгдек руҳ яйратувчи афсун, дуо, наво қайда бор? Одамлар айтинглар!

Қуёш, бу жодугар, унинг нурлари
Шомда нурлар эмас — гафлат иплари.
Тонгги нурларига ишонгил фақат,
Ул нурлар тириклик, ул нурлар ҳаёт,
Инқилоб ясайди танингда бари.

Ҳа, тонг — борлиқда Инқилоб ясайди! Ҳар куни шундай. Ундан фақат бедорларгина хабардор. Ундан фақат кўзи очиқларгина эмас, қалби уйғоқлар баҳраманд!

Она диёримизда тонг отди! Мустақиллик — истиқлол тонги бу! У буюк инқилоб ясапти! У мана, бир йилдирки халқларимизнинг асрий армонларини рўёбга чиқармоқни ваъдалаяпти! Озод, эркин ҳаёт бахшида этмоқчи бу тонг! Зеро, Озодлик, Эркинлик — Инсоннинг ўз қалбини, ўзлигини ўзига қайтаргувчи мўъжизавий кучдир!

Хон хонга келиб йиғлар, хон келиб хотинига йиғлар, деган замонлар ўтди, деб ишонгим келаяпти. Сўзнинг отаси — бирлик, онаси — чинлик. Чин сўзимизни айтадиган давру давронлар келди, деб умидланаяпман. Инсоннинг жамиятдаги тутган ўрнини фақат унинг ҳаракатдаги фаолиятигина белгилайди. Халқимиз заҳмати, меҳнати қумга синган бир томчидай самарасиз, беиз йўқолмас, дегим келаяпти. Энди Гул супурги бўлмас, ахир!

Тил ўзимизники бўлди. Бу тириклик аталмиш ҳаётда энг муҳими шу эмасми? Ўзга тилда чала мулла бўлиб,

ярим-ёрти кимса бўлиб юришдан ҳам ортиқ даҳшат, ваҳшат борми дунёда?! От аяган — от минар. Тилингни аяганинг рост бўлсин, халқим! Энди уни тараққий этган жаҳон тиллари мақомига кўтар, халқим! Ўшанга арзийди бу улуг тилинг!

Асли ўзи тил, эл, эрк, ер дахлсиздир! Тангрим асли шундай яратган ўзи! Лекин Яратганни ҳам тан олмайди бу одамзот...

Туркиядаги ватандошларим менга бир нақл айтди. Эмишки, Тангри таоло башарни — халқларни яратиб, уларга ер бўлиб бераётган экан, нима бўлибди-ю... ўзбекларга ер етказолмай қолибди. Шунда ўйлаб-ўйлаб ҳозирги ерини — Туркистон — Ўзбекистон заминини берибди. Асли у жаннат учун ажратилган ерлар экан... «Воҳ...», — деб юбордим мен бу нақлни эшитиб, Туркистоннинг забт этилганлиги ҳақидаги хушхабар Сенат мажлисида (Санкт-Петербургда) эълон қилинган пайтда Россия империяси молия министри Вишнегородский жаноблари «Туркистон — ўрис тожидаги энг нодир гавҳардир!» деб ҳайқариб юборганлиги бежиз эмас, ахир!

Бу келимли-кетимли очунда жаннатни истовчилар ошиб-тошиб кетган, ҳозир ҳам мўл-кўл, бундан кейин ҳам хоҳлаганингча топилади. Еринг дахлсизлигига ҳушёр бўл, халқим! Қотил пичоғи ҳамиша қинсиз!

Ў, йўл ва йўлдош, деган гап бор, дунёда! Аввало шуни айтай. Халқим, сенинг ўз йўлининг — Ўзбекистоннинг ўз йўли бўлмоғи керак! Унинг йўлидан, бунинг йўлидан кетамиз, деган гаплар бекор. Ҳеч бир халқ ҳеч бир мамлакат тап-тайёр йўлдан кетолмайди. Тарих тақозоси, табиат зарурияти бу! Албатта, тараққий топган давлатлар тажрибаси, йўл-йўриги, дастурларидан ижодий фойдаланиш бошқа гап!

Халқим, ўз тугимингда, Ўзбекистон йўлида йўлдошингга ҳушёр боқмоғинг, «ишон-у шубҳа қил» нақлига амал қилмоғинг жоиз. Йўлдоши ёмонни ёв олар, дея китобларга битиб қўйгансан ўзинг? Чунки мустақил давлатинг энди оёққа тураяпти. Учган ўқнинг ақли йўқ!! Шамол бир куни ўнгдан эсса, бир куни сўлдан эсади. Ҳаммомдан оқиб чиққан оқава ҳам ўзини сув санайди. Гўёки сенга маслаҳат бериб, чўнтагингга кўз тиккувчилар оз эмас, дейман. Чироқ соясини, қозон куясини кўрмас экан. Тез-тез тарихингга, кечмишингга боқиб йўлни давом этказсанг, овинг юради — ишончим комил. Ови юрганнинг эса дови юради!

Истиқлолинг — Мустақиллигинг, Нонинг, Эркинг, Еринг бутун бўлсин-да, тараща чала ёнса тутуни кўзни кўр қилади! Сичқон нариги омборга ўтаман деб, ерни ўйиб, кавлаб-кавлаб мушукнинг олдидан чиққан экан... Шундай бўлмасин, дейман, халқим!

ҲАММА БАЛО-ҚАЗО ҳаракат тўхтаб қолган жойда. Куйган бута тез кўкаради. Куйиб-куйиб бўлгансан, ҳаракатинг билан кўкарасан! Бу йўлда даврон сарбонлари, йўлбошчиларинг донишманд, йигитларинг орли, жасур, аёлларинг тўқ назар бўлсин! Оллоҳ, душманингни ҳам ақли билан яратган бўлсин! Беидрок мухалифларга эса улуғ Амир Темур бобомиз айтиб қўйган экан: «Дарё қушин ёмғур билан қўрқутма!»

Халқим! Отга мингансан. Умидим шулки, бир кун келиб аҳли жаҳон «Асл тулпор экан ўзбекнинг оти!» («Алпомиш»дан) деяжак!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1992 йил 28 август.

ТОҒЛАР ОРАСИДА

Ўроқбой ўн икки йилдан буён ростмана отбоқарлик қилади. Аслини сўрасангиз, болалигидан буён. Чунки отаси Сирлибой ака Ражаб ўғлининг ўттиз беш йиллик умри уор орқасида ўтган. Шубҳасиз, бу йилларнинг бир қисмига болаларининг ҳам йиллари қўшилишиб, чатишиб, эш бўлиб кетган. Ўроқбойдан: «қанча пайтдан бери йилқи боқасиз?» деб сўраганимда у ҳеч иккиланмай: «Эсимни таниганимдан бери бўлса кераг-ов», деб жавоб берганида ажабланмадим.

...Ўша кунни суҳбатимиз қизигандан қизиди. Осмон-ўпар тоғлар ораси. 1932 йили экилган ёнғоқ ости. Ёнғоқни Сирлибой ака ўз қўллари билан эккан. Тошсупа. Тошсупанинг шундоқ пастида тоғ дарёси шарқираб оқиб ётибди. Қалин дарахтлар шоҳларида гуррак «ғур»иллайди. Читтаклар бутуқдан бутуққа учиб қўнади. Булбуллар «чаҳ-чаҳ»и кўнгилни сел қилади. Қаердандир ҳаққушнинг «ҳақ...» деган товуши эшитилиб қолади. Осмон ғоятда тиниқ, ола булутлар муаллақ қотиб қолгандек. Сарингина ел эсади. Бел бўйи ўт-ўланлар билинар-билинемас тебранади. Ўқтин-ўқтин ён тарафдаги кичкина камардан от кишнаши қулоққа чалинади.

Давра қуюқ. Зиёфат жойида. Ўроқбой меҳмонлар ёнига қишлоқдошлари Тиловқобил, Ёлғош, Қиличбой, Олтибой, Эшбек, Жалил каби ажойиб суҳбатдошларни ҳам таклиф этган. Эҳ, бу тоғлиқларнинг берган гаройиб гурунглари, ҳар қандай шоиру журналистларнинг жонини олади. Мен билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчиси, дўстим Лутфулла Мамасолиев ҳамроҳ бўлиб борган. Биз улардан кўпроқ нарсани тинглашга ҳаракат қиламиз.

— Бу тоғларда отларнинг энг биринчи душмани нима? — деб сўрайман Ўроқбой ва Сирлибой акадан.

— Илон! — дейди улар бирваракайига. Сўнг Ўроқбой тушунтиради. — Азимбой ака, бу Нурота тизма тоғларини ўзингиз ҳам бир йилқибоқардан кам кезмаган бўлсангиз керак-ов, биласиз, бизда жуда илон кўп. Айниқса, кўлвор илон. Шу дейман, сабил қолгурлар, кулча бўлиб — ўзларини офтобга солиб ётишади. От бечора бориб искайди. Шартта тумшуғидан чақиб олади. Тамом. От ана шу илонга келганда, ақлсизлик қилади... шундай ақлли жонивор.

— Бўри-чи, бўрига алданади-ку?

— Ҳа, бўри алдайди. Асли, бўри йилқига ҳарба қилмайди (хужум қилмайди, демоқчи). Бўри кучукка ўхшаб эркаланиб ётади. Гўё беозор, ювош, майин. Йилқи бориб кўрмоқчи бўлади (эҳтимол ўйнагиси келар), тумшуғини тутиб ҳидлайди. Ана шу пайт бўри ҳақиқий йиртқичга айланиб, йилқининг қаншаридан шаппа тишлаб, қўйиб юбормайди. От орқага тисарилиб бор кучи билан қутулиб кетмоққа ҳаракат қилади, бўри эса ўзига тортади. Шундай бир ҳолат келадики, бўри отни қўйиб юборади, катта куч билан орқага тортаётган йилқи зарб билани йиқилиб тушади. Қашқир унинг устига қоплондай отилади. Йилқи туриб бўпти... Бўрида азроилнинг бир туки бор, деб бекорга айтишмаган-да. Бир марта пангатлик машҳур Сафар мерганни бўри олиб кўяй, деган. Нима бўлган денг, Сафар мерган бўрилар кўпайиб кетиб, уларга қопқон қўйган. Тонгда бир бўри қопқонда ётибди. Секин борса, ўлиб қолганмиш. Ростакамига. Қопқонни ечиб олмоқчи бўлибди. Тўхта, дебди у яна ўзига ўзи, милтиғим билан бир туртиб кўрай-чи... Кўндоғи билан туртибди. Шунда денг, бўри унга сакраб отилибди, хайрият, оғзи милтиқнинг кўндоғига етибди — чайнаб ташлабди. Ана шундай. Йилқи нима бўпти...

— Йилқингиздан кўп олганми?

— Юз бош йилқи боқаман. Тўқсони бия. Қолгани айғир. Шу пайтгача бўри ололгани йўқ. Лекин илон чақиб ўлганлари бор. Ёрдамчиларим Уролбой Хушматов, Тожибой Жўраевлар ҳам жуда ҳушёр, зийрак, жон куйдириб ишлайдиганлардан. Бўриларга олдиравера-мизми...

Аммо-лекин ўзи йилқилар кўрқоқ келади, албатта, бўрилар олдида. Бўри бирини олса, бошқалари қочиб кетишади. Пода, яъни сигир, ҳўкизлар ундай эмас. Бўри уларнинг бирортасига ҳарба қилса бошқалари бўкиришиб ёрдамга етиб келишади. Бўри устига тап-тортмай бостириб боришади. Охири бўри қочиб кетиш-га мажбур бўлади.

— Уроқбой, — дейман унинг чайир, миқти жуссасига сер солиб, — айтайлик, бир йилқи тоғнинг қай қолпида қолиб кетди ёки йиқилиб, ярадор бўлиб, касалланиб ёки ўлиб қолди. Шуни қандай топасизлар?

— Тоғда хабарчилар кўп. Биласиз, ғажир деган бургутсифат йиртқич қуш бор, бирор жойда айлана ясашиб учиша бошласа, у ерда билингки, гап бор... Ғажирлар, айниқса, жониворлар мурдаларини тез топишади... Улар зўр «санитар» қушлар!..

Уроқбой Сирлибой ўғли атиги еттинчи синфни битирган. Аммо ўқинмайди. Қўлидан иш келадиган одам ҳар қандай шароитда хор бўлмайди. Ҳунарсиз, касбсиз одамдан кўрқулик, дейди у.

Ў, бу юксак тоғларнинг ҳар бир тошини билгувчи, ҳар бир гиёҳини кўзига суртгувчи, ҳар бир жониворини ардоқлагувчи оддий отбоқар йигитнинг бобомиз Амир Темурга бўлган эътиқодини кўрсангиз эди. Ўша куни Уроқбой Темурнинг маҳорат билан ишланган катта портретини ўтирган супамизнинг ёнига олиб келиб тик ҳолатда турғазиб қўйди. Ҳаммамиз ҳайратдан ёқа ушладик. Дунёнинг бир четигаги олис дарада жаҳонгирнинг улкан сурати... Уроқбой ҳайратимизни янада оширди: сурат ёнига бир қилич олиб келиб, ерга санчди. Кейин ҳикоясини бошлади:

— Озиб-ёзиб умримда бир маротаба Самарқандга борганман. 4-синф тарих китобидан Амур Темурнинг суратини йиртиб олиб, чўнтагимда сақлаб юрардим. Шу суратни бир армани рассомга (тасодифан танишиб қолган экан) ўша ерда чиздирдим — қанча пул десанг ҳам бераман дегандим, мана, чизиб берди. Қилични эса яқинда эски тош кўрғондан топиб олдим. Ҳали зангла-ри ҳам кетгани йўқ. Бир пайтлар ўзимизнинг боболари-

миз яширишган бўлса керак-да... Ўроқбойнинг беш фарзанди бор. Шундан тўрттаси янги мактабда ўқийди. Болалари қатнайдиغان мактабга ҳали ном берилмаган. Унга Амир Темур номи берилишини истайди, аммо... ҳозир ном қўйиш ҳам талаш. Шундай бўлса-да, фарзандларнинг дафтарлари устига «Амир Темур номидаги мактабнинг... фалон синфи ўқувчиси...», — дея ўз қўллари билан ёзиб қўяди.

Ўроқбой тагин бир армонини сўзлади. «Совет замониде бизнинг Қоронғул қишлоғига Ильич чироқлари келмади, — дейди у. — Энди Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди, электр чироқлари келармикин? Бизлар ҳам, ҳеч бўлмаса болаларимиз телевизор кўрармикин, радио эшитармикин ўз уйида. Кўшнимиз Маъмур бово уйимда бир «свет»ни кўрсам эди, деб ўлиб кетди бечора...»

Биз ҳам мум тишладик. Қанийди, қўлимиздан келса, кун-тунни демай фақат меҳнат қилиб ётган шу оддий кишилар хонадонларига электр чироқлари келтириб беролсак. Афсус...

Биз машинамиз турган жойга бир соат нари-берисида амаллаб етиб келдик. Тоғлар ортда қолди. Бурилиб қарайман. Ана шу тоғлар орасида бир йигит бор. У Пангат ижара хўжалигининг бир уюр йилқисини боқади. Ҳалол, покиза, жўмард, меҳнаткаш, мағрур ва оқкўнгил. У, айниқса, Темур бобо хотирасини жуда эъзозлайди. Темур бобо ҳам отларни яхши кўрган эмиш... У яна айтадики, Темур бобо отларининг туёқлари ёрилиб кетмаслиги учун сувланган нам латталар билан боғлаб қўйиб, тез-тез даволаб турар экан... У яна айтадики, дунёда отдан вафодор нарса йўқ эмиш...

«Халқ сўзи»,
1992 йил 4 сентябрь.

ТИЛЛАШУВ

Шоир Азим Суюннинг ушбу гўзал бадиаси билан редакциямиз яна бир рукнини бошламоқчи. Биз бу рукнимизни «Жаннатмонанд гўшалар» деб атадик. Ростдан ҳам, бу худо берган ва худо ёрлақан юрт. Унинг қайси гўшасига боқманг — у хоҳ кўм-кўк водийлар бўлсин, хоҳ сариқ товланган саҳролар бўлсин, хоҳ мўъжизакор тоғлар бўлсин, хоҳ кўкрақдор, азамат адирлар бўлсин —

азалий бир тилсимни ўзида яшириб ётади, бу тилсим замирида ҳудудсиз бойлик ва некбахтлик мавжуд. Шу некбахтликни Яратган бизга раво кўрди. Муяссар бу бебаҳо еримизга муносиб фарзанд бўлиш учун тун-кун қайғурмайликми? Ери учун қайғурмаган фуқаро ва инсон деб ўзини аташга лойиқми?

Сиз ҳам, азиз ўқувчи, Азим Суюн ҳикоя қилаётгандек гўшаларни биларсиз. Дарвоқе, атрофингиз бари шундай гўшалар-ку! Улар ҳақида бизнинг «Жаннатмонанд гўшалар» руқнимизга ёзиб юборинг.

Иброҳим ҒАФУР.

Бу йил меҳнат таъғилимнинг бир қисмини ўзим туғилиб ўсган Накурт қишлоғида — Нурота тизма тоғларининг орасида ўтказдим. Сентябрь ўртаси. Кундуслари мўътадил ҳаво. Кечалари эса этни бироз жунжиктирувчи салқинлик. Ҳамма тирикчилик билан банд. Тўйлар бўлиб турибди. Мен улардан бўшаб бир тонгда тоғнинг ичкарасига, яъни энг тўрига қараб йўл олдим. Мақсадим, ёлғиз сайр этиш ва шу эрта кўкламда Робинзон Крузо каби турмуш кечираётган ўқитувчим Барот Суяр ўғли ҳамда кўп йиллар чўпонлик таёғини судраган Нарзи Раим ўғлини кўриш, улар билан гурунглашиш иштиёқи эди.

От жilовини ўз маромига қўйиб бердим. Тип-тиник осмон. Болалигимдан ошно манзаралар: дўлана, ирғай, ёввойи бодом, олмурт, жинғил, бодомча, наъматак, учқат, қорабароқ, арчаларнинг поёнсиз тизими... Ёввойи гулхайри, далачой, маврак, жамбил, ялпиз, кийикўт, алқорўт, шувоқ, арбик, бўймадарон, арпабодиён, ёввойи райҳон, бўзбош, андиз ва бошқа минг тусли ўт-ўланларнинг ўткир ҳиди... Юракнинг туб-тубидан завқ тошади. Симириб-симириб нафас оламан. Нимагадир ҳайқиргим, гоҳ нимагадир хўрлигим келиб, йиғлагим келади... шаҳарларнинг шовқинида кўп қолиб кетган эканманми?

Тўптол сайҳонлигига етганимда кечикдан бир гала каклик потирлашиб учишди. Баъзилари ўрга қараб йўрғалашди. Гарчи қўлимда ўқлоғлик милтиқ бўлса-да, отмадим. Бу тоғ маликаларининг ортидан кўринмай кетишганча кузатиб турдим. Улар буримга ўтиб бир-бирини чорлаб сайрашга тушишди.

Ҳангисини халалаб бир киши Кумушли камари қирғоғидан тушиб келди. Саломлашдик. Қўшни сойлик

Усто Ҳайдар ака экан. У Тошкентда бўлаётган воқеалардан сўради, нарх-наволарни суриштирди. Гап айланиб келиб, «Бизда бироз қимматчилик...», дедим. «Қимматчилик ўтади, қаҳатчиликдан асрасин, — деди Ҳайдар ака, — қаҳатчиликни биз кўрганмиз. Йўлингиз тушса, Каттақамишлоққа боринг, акангиз Нарзи у ерни жаннатга айлантириб юборган...»

Мен ҳангоматалаб одамман. Фаройиб тақдирли кишилар суҳбатини ўта яхши кўраман. Саргузаштларга ўчман. Аллақачон бир маромдаги ҳаёт жонимга теккан...

Каттақамишлоқ дарасига кираверишдаги булоқ бошида уч алқорни кўрдим. Бири йўлчор, иккинчиси совлиқ, учинчиси эса унинг шу йилги кўзичоғи эди. Улар менга дикрайиб қараб туришарди. Бейхтиёр тақимимга босиб келаётган милтиққа қўл чўздим. Алқорлар шу зумда ўрни қиялаб сакраб қочишди ва ўнг ёнидаги кичик камарга кириб йўқолишди. Ўзимни сўқдим. Барибир отмас эдим, нима қиламан милтиққа қўл чўзиб, томоша қилмайманми?..

Дарадаги чоғроқ сайхонлик. Ит қаттиқ ҳуриди. Хайрият, боғлоқлик экан. Пидана поялари билан ўраб-чирмаб ёпилган чайладан Нарзи аканинг аёли, яъни чечамиз чиқиб келди. Юлқинаётган итига «ёт, ёт»лади. Ит бирпасда жимиб қолди.

Чечам мени танимади. Тоғбегилардан биронтаси бўлса керак, деб ўйлади чоғи. «Азимбойман...», дедим. У «Тошкентдаги шоир»нинг ёлғиз бу ерларда пайдо бўлишини тасаввур қилолмади. Анграйиб қараб турди. Нарзи акани сўрадим. «Ҳозир, ҳозир келади, отдан тушинг...», — деди ниҳоят.

Чайла олдига кўрпача ёзилди. Тош ўчоқда қора кузғундай чойдиш шағиллади. Нарзи ака келди. Мен у киши келгунча бутун сайхонликни кузатиб чиқдим. Бир тарафда кенгина қовун-тарвуз пайкали. Ҳандалакларнинг иси димоқни ёради. Мен бу хуш бўйларни унутаёзган эканман. Қовунларнинг, лофи билан, йигирма турлари бор-ов... Бир тарафда картошка, карам гуркираб ўсиб ётибди. Яна бир тарафда помидор, пиёз, сабзи, лавлагилар яшнаб турибди. Яна бир тарафда... қўйингки, одамзот учун нима табиий егуликлар бўлса — ҳаммаси бор. Ҳатто каклик тумшугидай келадиган тизим-тизим қалампирларгача экилган. Нозбўй (райхон), карнайгул, печакгуллар кўзни қувонтиради. Ариқлар, сойлар бўйига турфа ниҳоллар экиб ташланган. Улар ёввойи ўрмон билан қўшилиб кетган.

— Ота-бобонгизга раҳмат, Нарзи ака! — дедим сидқидилдан.

— Тирикчилик-да, бўш ётган қора ерлар, Азимбой ука, — деди у камсуқумлик билан.

Суҳбатимиз қизиб кетди.

НАРЗИ АКА 68 ЁШДА. Умр бўйи «совхоз»нинг бир отар сурувини боқди, керак бўлса подасига ҳам қаради. Лекин, тўғриси, нолимайди-ку, бири икки бўлмади. Баҳоли қудрат ҳаёт кечирди. Нафақахўрликка чиққандан кейин ҳам бир неча йил мол боқди. Охири кўйди. Болалари эр етди. Энг кичигини ҳам уйли-жойли қилди. Ўйлаб-ўйлаб кўкламда мана шу кимсасиз овлоқ дарага кўчиб чиқди. Бундан қирқ-эллик йил аввал бу ерда боболари яшаган. Замон зайли билан улар тоғларни ташлаб этакларга, чўлларга эниб кетишган, тўғрироғи, қувишган, кўчиришган. Тошдеворли уйларининг чолдеворлари ана вайрона ётибди. Эҳ-ҳе, бу ерларда не-не воқеалар кечмаган, сўнгилари қизил аскарлар, «босмачи»лар... Хуллас, бир аждодлар руҳи шод бўлсин, деди-да. Қолаверса, замон ўзгарди, эркинлик, мустақиллик деган гаплар ростга ўхшаяпти. Илгарилари бекор ётган бир парча ерга бирор нарса қадасанг, «бу давлатники...», «бойиб кетаяпсан...», «қулоқ бўлмоқчимисан...» деб от югуртириб келишарди. Ҳа-ҳа, яқингиналарда ҳам аҳвол шу эди.

— Нарзи ака, — дейман осмонўпар чўққиларга боқиб, — тоғларнинг суси босмайдими, қўрқмай-сизларми, айниқса тунлари... ёввойи чўчқалар, қашқирлар, илонлар кўп бу тоғларда...

— Ҳамма нарса одамзотдан қўрқади, — дейди у донишмандлик ила сийрак чўққисоқолини силаб, — мен илгаридан ўрганиб кетганман, кампирим ҳам кўникиб қолди, келгуси йилдан бошлаб кичикроқ уй қурмоқчиман, ростмана яшаймиз.

— Нонни чечам ёпадими?

— Йўқ, ҳозирча ўғилларим олиб келиб туришибди. Икки-уч кунда иссиқ-совуғимиздан хабардор улар.

— Қанча картошка олишингиз мумкин?

— Бир, бир ярим тоннани мўлжаллаяпман. Бу кўпми-озми, билмадим, бироқ одамлар пастдан келиб мендан картошка олиб кетаяпти. Бир неча тўйларга ҳам биз эккан картошка яради. Ҳатто сабзи, пиёзларимизни ҳам олишаяпти...

Ў, бундай кишиларга қойил қолмасдан илож йўқ. Бир килограмм картошка излаб бозор изғийсан, уни

хам топсанг, от баҳосига оласан. Қандингни ур, Нарзи ака! Топганингиз ҳалол! Қанийди, сиздек соҳибкорлар эл ичида кўпайса, қаерга бўлса ҳам эксайди! Юрт дастурхони тўлсайди!

Ўттиз, қирқни қоралаган йигитлар, қизлар тут шиниси нима эканлигини билармикин? Йўқ, билмаса керак, билишига шубҳам бор. Мен ўша куни яна бир «Робинзон Крузо» — Барот Суяр ўғли чайласида қўноқ бўлдим. Бу мухтарам зот менинг жуғрофия ўқитувчим. Ҳаёт тақозоси билан ўн олти ёшидан бошлаб муаллимлик қилган. Қирқ олти йил мактабда сабоқ берган, 1989 йил давлат Барот акага нафақа тайинлади. Ана шу муаллимим дастурхонида ўша куни тут шиниси тановул қилдим. Тоти тилимни тарс ёриб юборди...

Табиатни жони-дили деб билган Барот ака ҳам отабоболаридан қирқ бир йил бурун қолган Саритош сайҳонлигига кўчиб чиқди. Ёлғиз кампири билан. Бу яхшими ё ёмонми? Билган у дейди, билмаган бу. Лекин Барот ака бу хилват ташландиқ гўшаларни қайтадан обод қилмоқчи! Инсон, энг аввало, ўзи учун оиласи учун тер тўкади, топганидан ортгани жамиятники. Бу азалий қоида. Баландпарвоз гаплар ортиқча!

Барот Суяр ўғли тўлиб юрган эканми, юрагини дарё қилиб оқизди: — Ёшим икки кам етмишда. Лекин тиниб-тинчигим келмайди. Болалик йилларимнинг кўп пайтлари шу ерда ўтган. Жуда қадрдон бу жойлар. Болаларимга, невараларимга ҳам улар қадрдонлигини қайтарсин, дейман. Шунинг учун, мана, эски сайҳонликни тош билан ўраб, девор қиляпман. Ўғлим Бўтабек ёрдам беряпти. Худо хоҳласа, уч-тўрт йилда яна жаннатмакон бўлади. Ахир қирқ йил аввал бу ерлар қуюқ дарахтзор эди. Кўриб турибсиз, беш-олти туп ёнғоқ, тўрт-беш туп тутдан бошқа ҳеч нарса қолмаган. Аёвсиз кесилди. Колхоз колхозман, деб кесди, совхоз совхозман, деб кесди. Фалончи мен раисман, деб кестирди, пистончи мен даюсман, деб кестирди. Ҳеч ким экиш керак, демади... Мен энди, энг аввало, шу тоғлар кучоғига минг-минглаб дарахт экиш керак, дейман. Чунки тоғлар обод бўлса даштлар, водийлар обод. Арча эксанг, қияда қор туради, ўт-ўлан мўл-кўл бўлади. Қор сувга айланиб, ҳў-ў, Тўсинсойини тўлдиради. Унинг сувини Митаннинг пахтаси ичади, боғ-роғини яшнатади, полизини қовжиратмайди. Азимбой, овозларинг бор, раҳбарларга айтмайсизларми, водийни, гуллаб-яшнатмоқчи бўлган каттакон аввало тоғларига куч-қув-

ват беради. Ахир, Ўзбекистон жуғрофий жиҳатдан тоғлар ўлкаси ҳисобланади! Ўрмончилик вазирлиги нима иш қиляпти? Тоғлар, тоғ олди ерлари ўшаларга қарайдими ўзи?.. Вилоят ҳокимлари ҳам тоғларни ўзларининг қаттиқ назоратига олиши керак!

Э воҳ, ҳаммаси ота гап! Барот ака узоқ гапирди. Аммо уни мендан бошқа тинглайдиган кимса йўқ эди. Бешбармоққоя жим. Туятош жим. Менга шу улуг тоғлар ҳам бирдан мунгайиб қолгандек туюлди.

ДАРҲАҚИҚАТ, ёдимда: Эллагинчи йилларнинг охирлари. Биз саккиз-ўн ёшли болалар эдик. Кўкламда жалалар ёғиб, тоғдан катта сел келарди. Селда кесилиб тайёрланган болорлар, ходалар оқарди. Кейин билсак, ўша йиллар тоғ дарахтларига қирон келтириляётган экан. Олтмишинчи йиллар охирига келиб эса катта селлар ҳам, ёғочлар ҳам оқмай қўйди. Сонсиз-саноқсиз толлар, тераклар, шамшодлар, мевали дарахтлар шу тариқа йўқотилди! Бирни кессанг — ўнни эк, бирни сўйсанг — ўнни ўстир, деган мақол батамом ёддан чиқиб кетди!

Барот Суяр ўғли «Қирқ йил қуриб ётган ариққа қайта сув чиқиши бор», «Оққан дарё оқмай қолмас», «Қирқ йил вайрон ётган ер — қирқ йил обод бўлади» каби ибораларни қайта-қайта такрорлади. Ўқитувчининг қуюнчаклик билан гапирган бу гапларининг эртасига ишонгим келади!

— Барот ака, — дейман хаёлларимни тўрдай йиғиштириб олиб, — ҳў, Саритош қоясининг одам оёғи етмас жойида бир оила урки яшарди. Улар ҳар йили болаларди. Уккилар шомларда, тунларда ваҳимали сайрарди. Болалигимда кўп эшитганман. Бундан беш-олти йил аввал ҳам. Улар ҳали ҳам шу ердамикин?

— Йўқ, — дейди муаллимим оппоқ бошини сарак қилиб, — икки йилдирки йўқ. Уккилар товуши менгада ўсмирлигимдан қадрдон эди. Улар авлоди ўша қояда жуда кўп йиллардан буён ҳаёт кечириб келишарди. Афсус, энди йўқ. Назаримда, бутун бир сулола тугатилган. Бу қандайдир бетавфиқ овчилар иши... тагин билмадим.

— Овчилар кўпми?

— Истаганингизча топилади. Бир нечтаси ўта ёвузлашиб кетган. Нима кўрса отади, нима топса ейман дейди. На худодан, на бандадан кўрқади.

Энди ўзим бир мулоҳазани айтиб ўтай. Жанубдан Зарафшон водийси билан, шарқдан Сангзор дарёси во-

дийси ва шимолдан Қизилқум чўллари билан чегараланган Нурота тизма тоғларининг ҳайвонот дунёси-да, ўсимликлар олами-да жуда бой, Ҳатто юксак қоялар, чангалзорларда қоплонлар яшашади. 1975 йил давлат томонидан Нурота қўриқхонаси Жиззах вилояти сарҳадларида ташкил этилган. Аммо Самарқанд тасарруфидаги қисми қаровсиз ҳолатда. Ана шу Самарқанд тарафидаги Размос, Накурт, Кувкалла, Фужум, Пангат ва бошқа қишлоқларнинг юқориги, яъни тоғ олди жойларида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон Давлат қўмитаси ўрмон хўжаликлари ташкил этиши жуда-жуда зарур, деб биламан. Марҳамат, мутахассислар ўрганиб чиқишсин. Етарлича шарт-шароит мавжуд. Мен накуртлик билимдон агроном Саъдулло Хушматов билан бу ҳақда суҳбатлашдим. У кишининг айтишича, агар, биз юқорида айтиб ўтган ерларда ўрмон хўжалиги ташкил этилса, давлат ҳам, халқ ҳам катта-катта фойда кўради.

Хўш, бунда нималар кўзда тутилади?

Биринчидан, турли-туман мевалар: ёнғоқ, бодом, жийда, хандон pista, олма, олча, беҳи, анор, наъматак, дўлана, ўрик, шафтоли, узумлар етиштирилади.

Иккинчидан, юзлаб табиий доривор ўсимликлардан халқимиз учун ўта зарур бўлган доривор неъматлар тайёрлаб олинади. Албатта, уларнинг биринчи навбатда ихотаси сақланади.

Учинчидан, терак, қарағай, тол ва бошқа қурилишлар учун зарур бўлган дарахтлар экилади, пайти келиб йиғиштириб олинади, ўрнига қайта-қайта кўпайтирилади.

Тўртинчидан, балки, энг асосийси, ноёб ҳайвонот олами ихоталанади. Шуни мутасаддилар унутмасинларки, Нурота тизма тоғларидаги алқорлар тури дунёда яккаю ягона бўлиб, фақат шу ерлардагина сақланиб қолган. Бундаги парранда-даррандалар хили ҳам бошқа тоғларда учрамаслиги мумкин. Бир машҳур адибнинг шундай гапи бор: «Инсон қўли билан яратилган мўъжизани қайта қуриш мумкин, бироқ йўқ қилиб юборилган Табиат мўъжизасини тиклаб бўлмайди. Биологик зот ҳисобланувчи ақл эгаси — Инсон буни унутмаслиги зарур, шундагина у зотига берилган номни оқлайди — исми-жисмига мос келади».

Юқоридаги ишларни амалга оширишда маҳаллий кадрлардан, яъни накуртлик, пангатлик, гарашалик, қаробдоллик мутахассис ва табиат жонкуярларидан

фойдаланиш ўта муҳимдир! Чунки улар шу жой табиатини, шарт-шароитини, қолаверса, одамларини яхши билишади, ким билан қандай муомала этишни, қаерда қандай иш юритишни жойига қўйишади. Мен тоғларни сайр этиб, Нарзи, Барот ака ва таътил кунларим давомида бошқа тоғликлар билан қизгин суҳбатлар курганимда ана шундай хаёллар бошимдан кечди.

...Соя бир бетлади. Отим бошини қишлоқ томон бурдим. Ўнгурлардан, зирвалардан какликларнинг хонишлари эшитилади. Бургут секин айлана ясаб учади. Бир қийғир тоғ чумчуқлари галасига ўзини урди. Чумчуқлар тариғдай тирқираб кетди. Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Узунмўлага етганимда отим бошини сарак қилиб, қулоқларини дикрайтириб Арбиклисой оғзига тикилди. Мен ҳам бурилиб қарадим. Тулки экан. У бир тош устига лип этиб чиқди-да, кичкина, лекин тик боқувчи кўзларини менга қадади. Бироқ шу заҳотиёқ, милтиғим борлигини сезди шекилли, тошдан ўзини пастга ташлаб зим-зиё бўлди.

МЕН БУГУНГИ КУНИМДАН жуда хурсанд эдим. Ўқитувчим билан фикрлашдим. Нарзи ака гурунгини олдим. Энг муҳими, кўп йиллар ўтиб, она тоғларим ила қайта тиллашгандай бўлдим...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1992 йил 16 октябрь.

ВАТАН ЮКИНИ ЮРАГИ БОР КЎТАРАДИ

(Суҳбатдош: Шавқиддин Баҳри)

— Азим ака, кўп ижодкорлардан «Келажагингизга ишонасизми» десангиз, «икки дунё бир қадам» дейишади. Суҳбатимизни шу саволдан бошламоқчиман...

— Мен ўзимни ҳаётда жуда кўп кечиккан ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман. Бунга асос бор. Биринчи синфга тўққиз ёшимда борганман. Отам чўпонлик қиларди (жойи жаннатда бўлсин). Раҳматли билан қирадир, тоғу тош кезиб юраверибман. Нурота тоғларининг тошларида менинг изларим қолган... Ўнинчи синфни кечикиб бўлса-да битирдим-у Тошкентга, журналистикага югурдим. Яна кечиккан эканман. Худо бераман деса қўшқўллаб берар экан, хизматга чақириб қолишди, кетдим... Суруниб, суяниб беш йил деганда «йиғлаб-сиқтаб» сиртқи бўлимга жойлашдим. Бу пайтда тенгдошларим

шоир «аталиб» қолишганди. Ўша шоирликка — келажатимга ишониб эмас, интилиб яшадим. Ҳамон интиланман, лекин менга «икки дунё бир қадам» эмас.

— Қишлоғингизга ҳар сафар борганингизда энг кўп нимани ўйлайсиз?

— Қишлоғимга соғинч билан бораман. Айтарли икки-уч кун ҳеч нарса ҳақида ўйламайман, тўртинчи кунга қолмай узоқ-узоқ ўйлай бошлайман. Болалигимнинг муқаддас хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли сурур, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош уйида яшай олмайман. Тош уйдан безиб тош шаҳарга ҳамма қатори яшолмаслигим судраб олиб келади.

— Азим ака, кечирасиз, ҳамма қатори яшай олмаслигингизнинг асосий сабаби нимада?

— Ўзингизга ойдек маълум, бу ижодкор қавми, хоҳлайсизми, йўқми, бошқалардан турфа табиати билан ажралиб туради. Ижодкорнинг руҳи, туйғулари доим безовта.

Роҳатидан азоб чекар,

Азобидан роҳатда.

Биров: «Бу ким?» деб сўрса гар,

Шоир, дердим, албатта.

— Шоир бўлмаганингизда қайси касбни танлаган бўлардингиз?

— Шоирликни. Жиддий айтаяпман. Жуда бўлмагандай шу «азоб»га бошқа касбни алмаштириб олардим. Ахир, эсимни таниганимдан буён нималарнидир қоралайман. Очигини айтсам, худо менга ёзишни насиб қилмай, фақат ҳозирги ақл-тушунчани, қалбни берганида, албатта, тоғбеги касбини пора бериб бўлса ҳам эгаллардим. Ўрмончилик вазири лавозимигача етардим. Азбаройи буни руҳим табиат билан уйғунлашиб кетганидан айтаяпман.

— Қаламкашлар ичида: «Шоирлардан Азим Суюн энг кўп машина минган» деган гап юради...

— Толиблик йилларимдаёқ бир тенгдош адиб мен ҳақимда: «Азим Суюн катта мансабдор бўлиб кетади...» деб қитмирланиб юарди. Холбуки, мен мансаб машинасига минишни ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Ўша ёзувчи ҳозир мансабу машинасиз юролмайти, каминада, биласиз, на мансаб, на машина бор. Агар шахсий машина ҳақида сўраётган бўлсангиз, икки йилми, уч

йилми машина миндим, аммо хаёлпарастлик қурсин, аварияга учраб, худога шукур, ҳозир омон-эсон «икки оёқли трамвай»да юрибмиз.

— **Юқори лавозимда ишлашни хоҳларминдигиз?**

— Хоҳлайман. Айнан ҳозир. Чунки, биласизми? Ўз ички ва ташқи имкониятларимни амалга ошириш учун. Ўзбекистон Мустақиллик йўлига кирди. Унинг буюк ўзлигини жаҳонга олиб чиқиш керак. Қаердадир ёзгандим: ўзлик... бу маҳдудлик эмас, билъакс, ўзлик дунёвийдир! Ана шу дунёвий ўзликни рўёбга чиқаришда, яхши маънодаги «лавозим» қўл келиши мумкин. Кўчманчи кўчини нор, Ватан юкани юраги бор кўтаради. Ва лекин... Шоирликни ҳар қандай мансабдан юқори баҳолайман.

— **Асосан қайси ижодкорлар билан борди-келдингиз бор?**

— Айтолмайман. Кўнгиллар нозик... Аниги, «фалончи-фалончилар» билан.

— **Тенгдош ижодкорлар ичида «энг зўр шоир» деб кимни ҳисоблайсиз?**

— Ҳеч кимни, аммо ўзича ҳамма шоир зўр. Баҳони эса халқ беради.

— **Эшитишимча, сиз «севги» таъсирида шоир бўлган экансиз?**

— Шундай десак ҳам бўлади. Шунинг таъсирими, айтганингиздек, ишқий кечинмалар менинг ижодимнинг талай қисмини ташкил этади. Ўша «етим» севгининг мевасини ҳозир Мажнун, Лайлилар еб юришибдида. Аммо, фақат бу туйғу билангина шоир бўлиш қийин. Унинг ёнида истеъдод ҳам керак экан.

— **Ҳаётингизда яхшиликка кўп дуч келганмисиз, ёмонликка.**

— Ёмонликка. Бироқ унча-мунча нарсаларга парво қилмайман.

— **Сиз учун энг муҳим нарса нима?**

— Бола-чақамнинг, оиламнинг, жондошларнинг, елкадошларнинг соғлиғига нима етсин, мен учун.

— **Нимага қизиқасиз?**

— Кўрмаган нарсаларимни кўришга, дунё кезишга... Паррандаю даррандаларнинг ҳаётини кузатишга иштиёқим баланд. Айтайлик, товуклар дон еганда нимага чайнамай ютиши, кечаси ётишию эрталаб турганда биринчи қилган ҳаракати қизиқарли. Ҳозир жони-ворлар ҳаёти ҳақида китоб ёзаяпман. Насрда.

— **Ҳеч йиғлаганмисиз?**

— Эркаклар йиғламайди, дейишади. Бекор гап. Қалбсиз одамгина йиғламайди. Кўп йиғлаганман, лекин пинҳона. Гоҳ иложсизлик, хақсизликдан бўлса, гоҳ гўзалликдан, ҳайратдан кўз ёшлари тўкканман.

— **Ўлимдан кўрқасизми?**

— Ўлим барҳақ. Фақат ҳар кимни, ҳатто оддий жониворни ҳам худонинг ўзи бевақт ўлимдан асрасин.

— **Оилада бахтлимисиз, шоирликда?**

— Оилада бахтлиман. Шоирликда... пича кечиккан бўлсам керак, деб ўйлайман.

— **Азим ака, сал галатироқ савол: Нима учун кўп ижодкорлар бир неча марта оиласи билан ажрашади?**

— Кечирасиз, «кўп ижодкор» эмас, икки-учтасида шундай ҳол содир бўлган бўлса ҳам сизга «кўп» бўлиб туюлади. Чунки улар кўз олдингизда, ҳамма танийди, биледи. «Танилган» кишини (нафақат ижодкор) орқасида эса гап-сўз, асосли-асоссиз гийбатномаларга ўхшаш «хангома»лар илондек судралиб юради. Айниқса, бу орада бечора машҳур санъаткорларга қийин, шоирларга ҳам осон эмас. Ҳолбуки, бир қоровулни биланман — етти марта уйланиб, етти марта ажрашган. Аммо ҳеч ким «нима учун кўп қоровуллар бир неча марта оиласи билан ажрашади», деб сўрамайди...

— **Қонун билан йўл қўйилганда нечта хотин олган бўлардингиз?**

— Қонуний битта бўлгани маъқул-да.

Ким қўшалоқ хотин олса гар,
Бошқа ғамнинг тушмас изига.
Ким қўшалоқ хотин олса гар,
Ўзин ғами етар ўзига.

Ҳозир қўшхотинлик ҳақида гаплар оралаб қолди. Балки... қўшалоқ ғамни олиш олдидан ўйлаб кўриш керакдир. Айниқса, ижодкорлар.

— **Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?**

— Рафиқам Ойгулхон — тарихчи. Асосан болаларим тарбияси билан шуғулланади. Бияни ишлатсанг, қулуни бўлмас, деган тақводорлар орасидаги машҳур мақолга амал қиладиганларданман. Учтаси мактабда ўқишади. Беш ёшли Камолиддин жаҳонда кетаётган воқеалар, ҳодисалардан андоза олибми... тўполон билан банд.

— **Шу кунларда ёзган энг охирги шеърингизни ўқиб беринг?**

— Марҳамат, эшитинг.

БИР СИР БОР

Бир сир бор кўнглимда
айтилмаган,
Бир анор... донаси
ситилмаган,
Оқ қоғозга ҳатто
битилмаган,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!

Тоққа айтсам уни
тоғ ёриллар,
Гул излаган каби
боларилар,
Ундан чиқиб келар
гулпарилар,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!

Сунбуланинг суви
гулобдир-ку,
Маст бўлурсан ичсанг
шаробдир-ку,
Асли ҳаёт сири
офтобдир-ку,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!

Йиртқич йўлбарс унга
эл бўлади,
Булбул куйлаб-куйлаб
сел бўлади,
Ким ошнодир, чиндан
йўл бўлади,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!

Бу кун, Азим, жабрин
тортадурман,
Азоб дардин чекиб
ётадурман,
Фақат ёлғиз сенга
айтадурман,
Сир қолмас, эй Чечак, эй Гул!

«Оила ва жамият»,
1992 йил ноябрь, 49-сон.

МЕНИНГ ИККИ ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИР ДЎСТИМ

1978 йил, Москвада «Ўзбек шеърляти кенжа авлодининг иждодий ҳисоботи» бўлди. Бу анжуманга менинг бир гуруҳ иждодкор тенгдошларим билан бир қаторда Қорақалпоғистондан Жиянбой Избоскан ва Ҳикматилло Айимбетлар ҳам қатнашдилар. Биз ўшанда танишган эдик.

Мана шунга «ҳаш-паш» дегунча ўн тўрт йил бўлибди. Бугунги кунда Ҳикматилло ҳам, Жиянбой ҳам Қорақалпоқнинг кўзга кўринган шоирларига айланишди. Эл оғзига тушган бир неча китоблар муаллифлари. Ҳикматилло Айимбет менинг бир китобимни қорақалпоқ тилига таржима қилди ва нашр этказди. Жиянбойнинг эса ўзбек тилида китоби чоп этилди.

Яқинда бу дўстлар каминага янги мажмуаларини юборишибди. Ҳар иккаласидан қуйидаги шеърларни таржима қилдим ва уларни муҳтарам шеърхонларга тақдим этишни дўстлик бурчи, деб билдим.

Азим СУЮН.

Жиянбой ИЗБОСКАН

БИР ТОЛ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Буткул яшилликка бурканган чирой —
Бир тол ўсар эди сойнинг бўйида.
Унга жилмаярди тепасида ой,
Еллар айланарди унинг кўйида.
Сербутоқ новдалар — қушларга маскан,
Хушнуд кечар эди ҳар бир дамлари.
Сукланиб боқарди бутун бир ватан
Беғубор августнинг ҳур оқшомлари.
Қиличдай бир йигит — ёв-ғаними йўқ,
Ҳасаду бахиллик... йўқ бир тушунча.
Унинг илдизлари бамисоли ўқ,
Умри — мангуликдир... унингча.
Ҳайҳот! Бир қиш келди!
Қаҳрли бўрон
Бизнинг қаҳрамонни олди забтига.
Охир-оқибатда ёвуз тўпалон
Кулатиб ирғитди сойнинг кифтига!

...Ў, қайта ҳаётбахш насимлар эсди,
Баҳор ҳам қутилди қиш панжасидан.
Тагин аввалгидай ям-яшил ўсдим, —
Мен — ул
Қулаб тушган тол новдасиман...

* * *

Йигит боши — бахтиёр —
Юлдуз билан йўлдош бўлур.
Кўнгли — суйгани дилдор —
Ярашиқли — сирдош бўлур.

Лекин курмак ошга тушса,
Чопган қилич тошга тушса,
Йўқчилик — дор бошга тушса,
Турлик ғавғо маош бўлур.

Тақдир ели бирдек елмас,
От ўлса-да, қаъда ўлмас.
Ёр содиқдир — неки бўлмас, —
Бошга кўтар, — жондош бўлур.

* * *

Юзларга урилди кузак нафаси,
Хушрўй кунларимиз ўтиб кетдими?
Қулоққа чалинар турналар саси,
Айрилиқ дамлари келиб етдими?
Буткул берган эдинг эркингни менга,
Юрак кўзи билан боқдим кўркиннга,
Кўксимда гурлатган олов-ўтинга
Сув сепиб — ўчириб ишқинг йитдими?
Ў, қандай севардинг мени илгари,
Ишонгим келмайди — рўёдир бари,
Манбаи қуриган чашма сингари
Наҳотки, тугади, оқиб битдими?

БИР СУЛУВГА

(ҳазил)

Ажабланманг, эсимдан оғсам,
Ерликмикан ва ёки ойлик?..
Бирон-бир сўз қотайин, десам,
Одам уялгидай чиройлик...

Ҳикматилло АЙИМБЕТ

Т О Ш

Бир иморат қурмоқ нияти
Бу устага эди муддао.
Юлдуз учиб... етиб фурсати
Улкан тошни келтирди илло.
Ингранди тош болға зарбидан,
Бужир бўлиб кетди бетлари.
Нима истар тоғ фарзандидан,
Пайраҳадай учди этлари.
Зарб устига зарб оғир-оғир,
Тушунгандай бўлди, ниҳоят,
Қаҳ-қаҳ уриб ёрди у багир —
Пойдевор бўлмоқ ҳам жасорат!

* * *

Олов пуркар тўрт ёққа
Саратоннинг офтоби.
...Мана, қизлар булоққа
Етиб бориб тўхтади.

У ён-бу ён кўз солиб
(Бағри тўла — сирларга).
Пақирларга сув олиб
Тарқар пана — қирларга,

Чечаклардай ярқиллаб
Устларидан қуйишар...
Муздек сувда салқинлаб
Уй-уйига қайтишар.

...Ў, келгуси кўкдамда
Оққанида жилғалар,
Қушлар базми — айёмда
Бунда тошади гуллар.

Шунда ўт бул қумлардан —
Танимассан бу ёқни...
Қизлар сочган сувлардан
Гул кўкарган сиёқли...

МАЗЛУМХОН СУЛУВНИНГ САРОЙИГА БОРГАНДА

Беназир кўркини унутган бугун
Қадимий гўзаллик, қадимий чирой.
Деворлар, пештоқлар боқарлар маҳзун,
Кузак боғларидай шип-шийдам сарой.

Қўш қабр дўппайиб турар ичида,
Ошиқ-маъшукмикин?.. — уйга ботдим жим.
Балки шоҳ, малика ётибди бунда,
Балки икки гадой, икки ёв балким!..

На тарих, на ғайб беради садо,
— Қўш қабр, ҳой, қўш қабр, сўйла-чи бир зум,
Мен келдим йироқдан — асрлар — аро, —
Кимсиз, сўзланг, ассалому алайкум!..

Сукунат... ва фақат даштлар эпкини...
Каптарлар... руҳларми?.. равоқда лолдай...
Дафъатан потирлаб учади,
Мени
Сарой эгасига ўхшата олмай.

ЁЛГИЗ ТЕРАК

Отангдан олтов бўлсанг-да
Ватанинга ёлғизсан.
(Мақол)

Келганмисиз қорақалпоқ юртига,
Яккам-дуккам ёлғиз терак тебранар.
Ой қалқиган тунлар қараб кўркига
Юрагим эранар, кўнглим эранар.

Тонг нурларин энг илгари қаршилар,
Шом шуъласи уни ўпиб ботади.
Сахро сувларини шарбатдай шимар, —
Осон эмас, теран томир отади.

...Бир ўримга келар сочилган йўллар —
Сафардан қайтаман чақмоқ ургандай.
Шоҳ ёзиб — рақс тушиб у кутиб олар,
«Ватанинга ёлғизсан», деб тургандай.

«Халқ сўзи»,
1992 йил 18 декабрь.

«ҚИРҒИЗИСТОНДА ЎЗБЕКЛАР, ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИРҒИЗЛАР БАХТЛИ ЯШАСИНЛАР!...»

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Ўш вилоятида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баёнотомани имзоладилар.

Азалий-абადий она-еримизнинг бир бутунлигини кўрмоқчи бўлсангиз, юксакликдан қаранг, кўкдан кузатинг. Тоғлар силсиласи бир-бири билан тутшиб ётибди, чўллар, даштлар, қир-адирларга елка ташлаган, қарсиллаган қоя ён бағирларидан бошланган булоқлар, ирмоқлар қаерлардадир «қўл беришиб» дарёларга айланган — шундай бўлса, йўллари ойдин, умрлари узоқ бўлсин!

Боқийлик манбаи — табиат. Табиатдан, борликдан ҳикмат туйганлар донишманддирлар, оқилдирлар, йўлбошчидирлар!

Ўтган шанба куни Ўш шаҳри нурга тўлди. Ўзбек йўлбошчиси билан қирғиз элбошисининг бир-бирига қучоқ очиши — тили тилига тўғри, дили дилига тўғри, дини динига тўғри, йўли йўлига тўғри икки халқнинг юрагини тошириб юборди. Ўшликлар кўчаларга кўчиб чиқишди, деб лоф қилаётган бўлсам, кўрганлар айтишсин. Болалар, ўсмирлар, ёшлар йўл бўйларида икки давлат рамзи — байроқчалар кўтаришиб уларни ҳаволарда силкитишиб, шоду хуррамлигини изҳор этдилар, чоллар, момолар қўлларини ёйишиб дуо бирла олий мақсадларга тилакдошлиklarини билдирдилар, йўлларга нурлар сочдилар.

Мурод-мақсад нима эди? Бунингдек мақсад Ўш вилояти ҳокимлигининг улкан мажлислар залида қабул қилинган «1994—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси иқтисодий интеграциялашни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баёнотома (декларация)»да ўз ифодасини топган.

— Бу декларация Ўзбекистонни ҳам, Қирғизистонни ҳам янги босқичга кўтаришига, тараққиётда ўзаро алоқаларда, ҳамкорликда муҳим ўрин эгаллашига аминмиз, — дейишди Ислом Каримов билан Асқар Акаевлар имзо чекиб бўлишгач, ҳар икки томон қат-

нашчиларига қарата. Қарсақлар, олқишлар янгради. Ўзбекистон делегацияси орасида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳокимлари ҳам бор эди. Уларнинг бу ерда ҳозир бўлишлари бежиз эмасди. Ислом Абдуғаниевич йиғилишда муҳим бир таклифни ўртага ташлади: Ўзбекистон томонидан шу уч вилоят ҳокими, Қирғизистон томонидан Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳокимлари ўзаро йиғилишиб, яхши кўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга аҳдлашиб олишлари керак.

— Ўзбек халқи билан қирғиз халқи ўртасида бошқа бировнинг воситачилик қилиши шарт эмас, — деди Ислом Каримов қатъий, — билиб қўйинглار, кимки орамизга тушса... ораларини бузамиз, деганидир! Биз дўстона маслаҳатларни қабул қиламиз, аммо ўз фикримизга эгамиз.

Бу жиддий мулоҳазаларга чорловчи ўктам гаплар Президент Акаевга ғоят мақбул бўлди. Беш вилоят вакилларининг сентябрь ойида Наманганда учрашиб олишлари ҳақидаги гаплар қизгин маъқулланди. Бугунги имзоланган ҳужжатни амалга ошириш бўйича эса иккала мамлакат бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислигида ишчи гуруҳлари тузилди. Сентябрь ўрталарида ишчи гуруҳи йиғиладиган бўлди.

Юртбошимиз Ўш вилояти ҳокими Абдуғани Эркабоевни юксак лавозимга тайинлангани муносабати билан табриклашни ҳам унутмади.

Маълумки, Президентимизнинг сиёсий фаолиятида тинчлик учун кураш, барқарорлик учун собит саъй-ҳаракат изчилдир. Одатда бу фазилат кўпинча ўз мамлакати, халқи доирасидан чиқиб, умумбашарийлик касб этган йўлбошчиларга хосдир. Улар нафақат ўз миллати, балки бутун дунё халқлари, элатларнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришлари учун ўзларини масъул, дахлдор, деб биладилар.

Ислом Каримов матбуот конференциясида журналистларга берган жавобларида хоҳ катта, хоҳ ёш давлат бўлсин, улар ўртасида тинчликни сақлаш, халқлар орасидаги барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида-алоҳида урғу бериб таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Бундан уч йил олдин бўлиб ўтган Ўш фожиаларини унутиб бўладими, ахир?! Зеро, инсоният — умум-биродарлик қадриятлари билан ардоқлидир, тирикдир!

Кун пешинга оққанда мезбонлар ўзбек делегациясини Қорасув тумани Қурбонжон додҳо номидаги колхоз

далаларига таклиф қилишди. Президентимиз гуллаган гўзаларни кўздан кечирди. Хўжалик раҳбарларини саволларга кўмди. Айни пайтда уларга дўстона маслаҳатлар берди. Хусусан, пахта ўрнини тамаки эгаллаётгани ҳақида ўз фикрини билдирди.

— Жаҳон бозорида пахтага ҳамиша харидор топилади, — деди Ислом Каримов, — тамакига эса — аҳён-аҳёнда. Қолаверса, бу экинга кетадиган меҳнат пахта-никидан ортиқ бўлса ортиқки, лекин кам эмас. Агар пахтачиликда, хусусан, техника, ўғит масаласида етишмовчилик бўлса, биз бажонидил ёрдам берамиз. Сизлар боринглар, водийдаги бизнинг уста пахтакорларимиз келсинлар, хуллас, борди-келдимиз узилмасин!

Президентимиз пахтани камайтириш осон, лекин унга бўлган меҳрни қайта тиклаш қийин, деди. Бевосита пахта пайкалида давом этган бу гурунғ қишлоқ аҳли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги вазифаларга бориб тақалади. Голландия сафари эса олинди, иқтисодий ислохотнинг бориши ва олти ойлик иш якунларини таҳлил қилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кенгашидаги гаплар ҳақида сўз юритилди. Бугунги раҳбарнинг вазифаси тонна, гектар, центнерга маҳлиё бўлиш эмас, балки одамлар баракали ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиш, қўшимча иш ўринлари вужудга келтиришдан иборатлиги алоҳида уқтирилди. Бу фикрларга Асқар Акаев ҳам тўла қўшилди.

Мен бундай катта учрашувда биринчи бор қатнашим. Юрагимда неки ҳис-ҳаяжон кечган бўлса — айтмасам бўлмас. Ўшда Ислом Каримовдек Юртбошимиз борлигидан фахрланиб, гурурланиб кетганимни яширмайман. Чунки, уни ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бошига кўтаргудек эъозлаганининг гувоҳи бўлдим. Ўша куни бўлган бир воқеани сўзлаб берай.

Колхозчилар билан учрашиш учун икки Президент машинадан тушишди. Катта йўлнинг икки четида эл-улус гиж-гиж. Улар орасидан эллик ёшлар чамаси бир аёл қўлида конверт билан Президентлар томон юрди. Табиийки, тартиб сақловчилар аёлни тўхтатмоқчи бўлишди. Шунда ҳамроҳим, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Шавкат Яҳёев: «Опахон, хатингизни ўзим Президентга бериб қўяман», деб хатжилдни олди. Елимланган конверт ичида Ислом Каримовнинг номига ёзилган хат бор экан. Унда шундай сатрлар битилган:

«Ассалому алайкум, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов! Сиз икки ярим йил аввал Ўш шаҳрига келганингизда ўн тўртинчи неварам туғилди. Исмини Исломжон қўйгандик. Ҳозир у соғ ва дуркун ўсмоқда. Исломжонларнинг тинч ва осойишта ўсиши учун Сиз каби ғамхўр раҳбарлар ҳамиша омон бўлсин. Ҳурмат билан, Исломжоннинг бувиси Кларахон Носирова».

Хат орасида икки ярим яшар Исломжоннинг расми ҳам бор эди. Шу кичик бир ҳолатда халқнинг Президентимизга чексиз меҳри мужассам эди.

Президентимиз хайрлашув чоғида: «Қирғизистонда ўзбеклар, Ўзбекистонда қирғизлар бахтли яшасинлар!» — деди. Бу чинакам муқаддас шиор! Ҳа, бу шиор, бу калима Хон Тангри чўққисиди садо беражак, Иссиққўл қирғоқларида янграяжак, Чу водийси узра ёйилажак, «Манас» мисраларига қўшилажак, Чингиз Айтматов дафтарларига кириб боражак!

Ҳа, бу шиор, бу калима Фарғона қир-адирларида ўйноқлаб юрган болакай дилида жо бўлажак, Зарафшон дарёсининг шўх-шан сувларига қўшилиб куйланажак, Бухоро минораларининг шуълаларида аксланажак, Нурота тоғларида наво таратажак, Сурхон яйловларида Қорақалпоқ даштларида қўшиққа айланажак, шоирларимиз шеърларида бўй кўрсатажак! Иншооллоҳ!

**«Ўзбекистон овози»,
1993 йил 17 август.**

КЎКСИМИЗДА ВАТАН ЯШАЙДИ

ЁШ ИЖОДКОРЛАР — ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

Азим СУЮН: — Бугунги учрашувимизга биз махсус тайёргарлик кўрмадик. Чунки, шоирлар, қолаверса, ижодкор халқи билан юзма-юз мулоқот ўтказилса, мавзу ҳам, суҳбатнинг йўналиши ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлаверади.

Кўпдан буён сизлар билан самимий юракдан суҳбатлашишни ўйлаб қўйгандик. Бугунги ўткинчи иқтисодий қийинчиликлар турмуш тарзига бироз таъсир ўтказяпти, албатта. Бу мураккабликларни ҳал этиш йўлида Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатнинг тўғри ва одилона эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги даврамизда таниқли шоирлар билан биргаликда эндигина илк китоби чиққан ёки чиқиб улгурмаган умидли ижодкорлар ҳам қатнашяпти. Ҳозир қизиқ бир даврни бошдан кечириямиз. Айниқса, уч-тўрт шоир йиғилиб қолса, «Ҳозир ким шеър ёзаяпти?» деб бир-биримизга қараймиз. Ҳамма жим. Нега? Чунки, китоб чиқариш мушкул, қоғознинг нархи баланд.

Худога шукур, ёзувчи-шоири, ижодкори кўп халқмиз. Бундан қанча суюнсак, мақтансак арзийди. Лекин уч-тўртта китоби чиқиб танилган шоир ортигаям бир қайрилиб қараши, бизнинг изимиздан яна кимлар келаяпти? — деган савол ҳар биттамызни қийнаши керак. Хуллас, бугунги учрашув баҳона яна битта сирни айтиб қўяй: «Ўзбекистон овози» газетаси қошида давра суҳбати курсак. Биз бу билан ҳеч қандай уюшма ёки иттифоққа даъвогарлик қилмоқчи эмасмиз. Янги-янги номларни кашф этиш ва уларнинг яхши асарларини матбуотда ёритиш, бир-биримизга ҳам маънавий, керак бўлса моддий томондан кўмаклашиш.

Қани энди ҳар битта матбуот нашри, қолаверса, радио ва телевидение қошида ҳам шундай ёшлар суҳбати бўлса. Бу жуда катта хайрли иш бўларди. Бундай бадий давралар аввал ҳам бўлган. Ёшлар бундай давраларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борадилар. Вақти-вақти билан улар йиғилишиб, режаларни белгилаб олишади. Даврада кўтарилган масалаларни, энг яхши асарларни газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз.

Энди шу кундаги яна бир асосий мавзу — мафкура хусусида гаплашсак. Чунки, бугун миллий истиқлол мафкурасини яратиш йўлида хайрли ишлар олиб бориляпти. Катта тарихни ҳар биримиз ўқиганмиз. Ҳар қандай замонда қандай давлат тузилмасин, унинг ўз мафкураси бўлган. Усиз мумкинмас. Шундай экан, бизнинг Ўзбекистонда ҳам бутунлай янги бир босқич сари йўл очилляпти. Ўз мафкурамызни яратишимиз шарт. Келинлар, бизлар ҳам бу масалага ўз муносабатимизни билдирайлик.

Миразиз АЪЗАМ: — Мени бир нарса қувонтириб турибди. У ҳам бўлса, газетани ёш ижодкорлар қўллаб-қувватлашга интилаётгани. Чунки, авваллари бундай анъаналар маданият соҳасига яқинроқ нашрларда бўларди. Жуда савобли ишга қўл урибсизлар. Бугунги ёшлар анча дадил ва ўткир. Уларнинг сафи катта. Фақат озгина мадад, хайрихоҳлик керак.

Энди мафкура ҳақидаги мулоҳазаларимни айтсам. Энди ўзлигимизни англаяпмиз. Шул боис ҳам ўзимизнинг ҳақиқий мафкурамизни яратиш устида ҳаракатлар бошланди. Унинг бутунлай бошқача бўлиши аниқ. Чунки, истиқлол, озодликнинг туб моҳияти ўзгача. Бундай кунларга, эҳ, кимлар орзу қилиб етолмаган. Шунинг учун жуда қадрли ва қимматли саналмиш ҳурриятни ҳимоя қилайлик.

Албатта, бундай қийинчиликлар баҳонасида айримлар ўйламай-нетмай бўлмағур гапларни ҳам айтиб юришибди. Уларни ким деб аташни ҳам билмайсан, киши. Ҳеч бир замонда инсоният бирон нарсадан кечмасдан туриб яхши кунларга етмаган. Яхши кунлар ҳали олдинда.

Биринчи навбатда истиқлол мафкурасини яратишда халқнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этиши керак. Зиёлилар, шу жумладан, ижодкорлар айниқса фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Ҳар биримизнинг тилимизда, дилимизда «шу истиқлол халқимники, элимники, қолаверса, менинг ўзимники» деган ғурур, фахрланиш туйғуси турсин. Эртага менинг болаларим ҳам шу сўзнинг қадрига етсин, деганлар бугун ўзлигини англасин, кўзини очсин. Чор атрофга, ҳатто ҳар бир дарахтга ҳам ўз мулкидай муносабатда бўлсин. Мафкура осмондан тушмайди ёки четдан биров келиб ҳам яратиб бермайди.

Анвар ОБИДЖОН: — Ўзи анчадан бери ўйлаб юрувдим. Балки бу ўйларимни кенгайтириб қоғозга тушириб ҳам берарман. Аввал бизда Туркия йўли, Жанубий Корея модели деган гаплар юрди. Бу ҳам аслида керак. Бироқ, Ўзбекистоннинг шароити тамоман бошқача. Бошқачалиги шуки, бу сир ҳам эмас. Ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турувчи кучлар доим шаҳарда бўлса-да, уларнинг айримларида эллик, баъзиларида ўттиз фоиздан кўпроқ, камроқ дегандай маҳаллий аҳоли яшайди. Барибир миллатнинг асосий макони қишлоқда. Мафкура яратишда ана шуни ҳисобга олиш лозим. Аввало, одамлар истиқлолга қанчалик ишонишса, унинг мафкурасига ҳам шунчалик ишонишади. Ҳозир биринчи босқичда яшаяпмиз. Албатта, бирданига ҳамманинг қорнини баравар тўйдириб бўлмайди. Бу осонмас. Аста-секин амалга ошадиган тадбирлар ҳали кўп. Менимча, истиқлолнинг биринчи меваси барибир адолат. Бир нарсани эсдан чиқармайлик: одамлар ҳаммиша адолатсизликдан безган. Ҳозирги кунда ана шу адолатсизликка қарши кураш

борасида анчагина ишлар ҳам қилинди. Оддийгина мисол: яқиндагина Президентимизнинг ўзлари Сирдарёдаги катта йиғинда ҳам ана шу адолатсизликдан бежизга куйиниб гапирмадилар-да.

Биз истаймизми-йўқми, барибир, иқтисод биринчи ўринда туради. Лекин иқтисоддаям барибир адолат керак. Мана мен қишлоқ ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳар ойда гоҳ икки марта, гоҳ уч марта бориб келаман. Даладаям, колхоздаям ишлаганим учунми, ҳамқишлоқларим мендан ҳеч нарсани яширишмайди. Бемалол айтишади. Шунча кўриб, кузатиб юрганимнинг битта хулосаси шуки, қишлоқда баъзи чиқарилган қарорлар бажарилмаяпти. Президентнинг биринчи марта қишлоқда ер бўлиб бериш ҳақидаги фармони қандай кўтаринкиликка сабаб бўлганини биламан. Бу фармонни одамларнинг ўзлари қанчалар қадрли эканлигини биздан кўра яхшироқ билишади. Яна бир муҳим масала, ер муаммоси. Бу кимларгадир арзимасдек бўлиб туюлар. Лекин мен барибир Президентга қойилман. Шу хусусда алоҳида фармон чиқариб одамларга ем-хашак тарқатишни йўлга қўйди. Шу майда кўринган нарсани ҳам ҳал қилишда оқилона йўл тутди. Чунки, қишлоқда буғдой, нон масаласи давлат йўли билан ҳал қилинади. Аммо рўзғорни ушлаб турган муҳим нарсалардан бири чорва, қишлоқдагиларнинг жамғармаси ҳам тўйга аталган мол-мулки ҳам, ҳатто азага сақлаб қўйган сўнгги илинжи ҳам туёқ экани ҳеч кимга сир эмас. Аввал бошида бу ишда анча қатиқ назорат олиб борилди. Лекин бугунги кунда, назаримда, сал сусайгандай. Ҳамма билганича иш тутаяпти, шекилли. Илгарилари айтардик, бизда пахта шулхасининг бир-икки фоизи қолади холос, деб. Қолгани Россия, Болтиқбўйи ва бошқа жойларга тарқаб кетади. Ҳозир асосан ўзимизда қоляпти, дейиляпти. Агар пахта 6 миллион тоннадан 4 миллионга тушган бўлса, бу шулханинг ярми ўзимизда қолаётгандаям аввалгига нисбатан 20—30 баробар кўп бўлиши керак. Лекин ўзгариш кам. Исталган вилоят ёки туман, боринги, хўжалик раҳбаридан сўранг, ҳеч ким бизда шулха кўп демайди. Бу жуда жиддий масала. Тегишли вазирлик оддийгина бўлиб кўринаётган шулха ва кунжара тақсимотини кўриб чиқиши керак. Қани, қанчаси қаерга кетаяпти, қанчаси хонадонларга тақсимланаяпти. Давлатга ҳалиям минг раҳмат, гўшт, ун, ёғ ва бошқа керакли маҳсулотларни махсус рўйхат бўйича халққа тарқатаяпти. Нега энди

шулханиям асосан гўшт етказиб беришнинг муҳим манбаи ҳисобланган хонадонларга шундай рўйхат билан тарқатиш мумкин эмас?! Агар шу масалани тўғри йўлга қўёلسак, гўшт муаммоси ҳам тезроқ ҳал бўларди.

Ижтимоий ва маънавий адолат доимо эгизакдир. Газлаштириш, сув билан таъминлаш масалалари ҳақидаям фармонлар чиқди. Колхоз, совхозларда, борингки, туманлардан махсус колонналар уюштирилиб пойтахт — Тошкентга қовун-тарвудан тортиб ҳар хил мева-чева, сабзавот маҳсулотларигача олиб келиниб, энг арзон нархларда шаҳарликларга сотилади. Вилоятларда фалон хўжаликдан, деб олиб чиқишади. Нега энди шаҳардан фалон туман ёки хўжаликка деб, олайлик, Чкалов ё бошқа бир катта заводдан мана шунча труба арзон нархда олиб бориб берилмайди. Кийим-кечакларни-ку, қўяверинг.

Юқорида айтдим, яна қайтараман, ўзбекларнинг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Лекин, авваллари ўзбеклар жисмонан заиф, билимсиз, деган ғалати гап-сўзлар, таъна-дашномлар юрарди. Аслида, жисмонан соғлом бўлмаган одам ҳеч нарсага эришолмайди. Бугун, хайрият, ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида қайғурилмоқда. Ҳалиям эсимизда. Президентнинг шахсан ўзлари махсус соврин қўйиб Шаҳрисабзда катта кураш мусобақаси ўтказган эди. Лекин яқинда эшитиб қолдим. Теннис бўйича ҳам қандайдир нуфузлироқ соврин қўйишибди. Булар яхши. Аммо, бизда оммавийлашмаган спорт турларига ҳозир катта маблағ ажратиладиган вақт эмас. Ўзбекистонда, мана, чим хоккей нисбатан тараққий этган, Покистон, Ҳиндистон чавгончилари даражасида ўйнайдиган спортчиларимиз бор. Ҳозир ҳеч ким бунга эътибор бермайди. Тўғри, футбол ҳам оммавий. Лекин унга шароит яратиб бериш учун катта маблағ керак. Таклифим: мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг ўрнига ўқувчиларни самбо билан шуғуллантириш керак. Кам маблағ талаб қилади, ҳам чиниқтиради, ҳам болалар бақувват бўлади. Унга махсус «тўшак»лар ҳам керакмас. Буни оммавий ҳаракатга айлантирсак, ўйлайманки, ўзбек самбочилари шу йўл билан яқин икки-уч йилда жаҳонга танилади.

Икром ОТАМУРОД: — Аввал «Ўзбекистон овози» ташкил этаётган ижодий давра суҳбатлари тўғрисида. Бу катта хайрихоҳлик ва эътиборнинг туғилаётганидан далолатдир. Боиси, халқимиз буюк, миллатимиз улуф

деймиз. Аслида, шу халқ ва миллатнинг буюклиги ва улуғлигиям авлодларнинг бир-бирларига бўлган иззат-хурматининг сақланиб қолганида кўринади. Бугунги ижодий муҳит қай аҳволда? Мураккаб савол. Ҳаммамиз ўз қобилиятимизга ўралиб қолдик. Катталар ўзи билан, кичиклар ўзи билан ўзи оворадек. Уч-тўртта кўпроқ кўйлак йиртган акалар, яшириб не қилай, тўғриси, бугунги ёшларни танимайди ва билмайди. Асарларини ўқишини-ку қўяверинг энди. Шу даврада қатнашаётган ёшларнинг номини эшитса, елка қисадиганлар бор. Ҳали бирон марта шуларнинг яхшироқ шеъри ё ҳикоя, чиқишларини кўриб, ўқиб, «болам, укам, жуда зўр нарса ёзибсан-ку, балли!» деганларини эшитганим йўқ. Билмадим, бу ниманинг оқибати? Ҳаммамиз биламиз, катта адабиётни яратиш ёки улуғ ижодкорларни вояга етказишда катта-катта хайрихоҳлик ва эътиборнинг алоҳида ўрни бор. Газетанинг бу ташаббуси ана шу умидларнинг уйғонаётганидан дарақдир.

Модомики, бизлар эртамининг ёруғ бўлишига ишониб яшаётган эканмиз, аввало, мана шу буюк келажакни юзага келтириш бугунги ёшларнинг бошини силашдан бошланади. Агар, шулар бугунги тикланаётган умидли кўприкдан омон-эсон ўтиб олсалар, ўз ўринларини топсалар, эртага шу улуғ давлатнинг эгалари бўладилар. Бу фақат адабиётгагина тааллуқли гаплар эмас, балки Ўзбекистон меники, шу мамлакатга хизмат қиламан, деган ёшларнинг эртасини белгилайди. Адабиёт катта майдон.

Ҳаммамиз биламиз, тарихдан маълум, ўша XIX асрда рус адабиётида, қолаверса, журналлари ҳузурида давра суҳбатлари ташкил этилгани катта адабиёт яратишга ҳисса қўшган. Шу тажрибалардан сабоқ олиш керак. Бугун бизда китоб чиқариш осонмас. Ҳозир айрим нашриётлар энг яхши миллий асарларни чоп этиши керак. Энг кучли иқтидорларни қўллаб-қувватлашнинг бирдан-бир йўли газета ва журналлар ҳузурида шундай давра суҳбатларини ташкил қилишдир.

Миразиз Аъзамнинг бу даврада қатнашаётганидан хурсандман. Чунки булар тенги адиллар шундай давраларда қатнашиб, ёшларнинг руҳини кўтариб, мадад берсалар қанчалар яхши. Мана, бугун битта эшик очилди. Энди фақат ишлаш керак. Майли, китоб қилиб чоп этиш ёки эълон қилиш мушкулдир, лекин уларни эшитилса, фикр, мулоҳаза билдирилса, кўнгли кўтарилса қанча мадад бўлади-ку, ахир! Кўнгиллари тоғдай ўсади-

ку уларнинг. Мана, ўзбошимчалик билан ҳозир кимлар ўз ҳисобидан қатор-қатор савияси паст, маза-матрасиз китоблар чиқариб ётибди. Бу китобларни, очиги, ҳеч ким ўқимайди. Уларнинг касри балки ҳозир билинмас. Лекин кейин бунинг азобини тортамиз.

Энди мафкура масаласига келсак, Анвар аканинг гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Ҳозирги пайтда тузилаётган турли хил жамғарма ва хайрия ташкилотларининг ҳисоби йўқ. Барибир ана шуларнинг юки бориб-бориб қишлоққа тушади. Мафкуранинг ана шундай қирралариям бор-да. Иккинчи бир жиҳати — мафкура ҳеч қачон бирон-бир гуруҳга хизмат қилмайди. Ёки бировларнинг мақсад ва ниятлари учун ҳам яратилмайди. Хўш, мафкурани агар зиёлилар яратса, айрим савдо расталарида савлат тўкиб ўлтирган олифта хонимлар ва йигитлар уни қандай қабул қилади? Улар мафкуранинг «м» ҳарфиниям тушунмайди. Чунки уларнинг мафкураси — Пул. Бизда жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб қабул қилинган ўзимизнинг Конституциямиз бор. Балки, энг катта мафкурамизнинг ўзи шудир. Яна бир жиҳати, истиқлолнинг шаклу шамойилини тўла тасаввур қилолмасликнинг битта касаллиги — юқорида Анвар Обиджон айтди — иқтисодий адолатсизлик экан. Мен шу ўринда фикрсизлик касофати ҳақида ҳам айтмоқчиман. Бунинг қирралари нима? Одамлар ўзлари учун эмас, балки муносабатлар учун яшаётгандай. Оддийгина меҳнатни олинг: одам ўз бола-чақасини боқиш ёки рўзғорини тебратиш учун кун бўйи ишлайди. Ёки бўлмаса, тил ҳақидаги қонуннинг бажарилишини қаранг: гўё қонун ўз-ўзидан ишлаб кетадигандек. Ҳар бир одамнинг юрагида шу юртга, халққа гурур уйғониш керак.

Азим СУЮН: — Шунинг учун ҳам бу масала халқ муҳокамасига ташланди-да. Давра суҳбатини ўтказишдан ҳам мақсадимиз шу. Бир нарсани унутмайлик: бизда аввалдан мафкура бўлган. Унинг илдизи, асоси бор. Тарихга бир назар солинг, Ўзбекистон давлатчилиги қадим-қадимдан ривожланиб келган. Милоддан аввалги VIII—VI асрлардаёқ кўҳна Хоразм ва Бақтрия давлатлари бизнинг энг биринчи давлатларимиз эди-ку! Ана шуларнинг ҳам мафкураси бўлган. Турк ҳоқонликлари, қорахонийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, теурийлар, бобурийлар, шайбонийлар давлатчиликларининг тарихи ниҳоятда узун. Уларни ўрганиб, илгари сурилган ғояларни ўзлаштираётган ёмон

бўлмас. Ҳаммасининг бош мезонида Одамийлик туради. Одамийликнинг мезонида эса Адолат туради. Ватанпарварлик, халқпарварлик ҳам ана шундан келиб чиқади. «Кутадғу билиг»да бир гап бор экан. «Инсондан азизроқ нарса бор», — дейилади. Ҳайрон қоласиз, наҳот энди одамдан ҳам улуғ нарса бор бўлса, деб. Инсондан азиз нарса бу унинг инсонийлиги экан. Мафкурамиз асосида ҳам ана шу одамийлик, инсонийлик, инсонпарварлик ётиши керак.

Сирожиддин САЙИД: — Талай муаммолар, рўзгор тебратиш, тирикчилик ташвишлари, бу ёғи юрт бошига тушган қийин тарихий синов — янги пулни муомалага чиқаришдек хийла мушкул паллада шеърияту шоирлик ҳамда бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган истиқлол мафкураси хусусида гурунг қилиб ўтирмақ, четдан қараганда, кимларгадир ғалати туюлар. Модомики, ушбу даврада бу мавзулар кўйилган экан, қимтиниб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугунги шеърят қандай, кечагиси қанақа эди, эртага нима бўлади, унинг қадди-басти келажакда қай тарзда намоён бўлади? Мен бу саволларга жавоб беришга қийналаман. Ҳаммага маълум, жайдаригина бир ҳақиқат бор: яхши шеърлар яшаб қолади, ёмонлари унутилади. Элнинг машҳур шоири бир йил бурун шеъриятда деярли воқеа бўлган шеърини «бу шеър эмас, бор-йўғи агитка» деб тургандан кейин, бу мавзуда андак сукут сақлаб, андиша билан фикр юритмоқ керак.

*«Сийна лиммо-лим аламдир, малҳамдин йўқ дарак,
Янги олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак»,* — деган ҳикматли байтни Хўжа Ҳофиз бувамиз неча юз йиллар бурун айтиб кетганлар. Бу ҳикмат ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Шоир дўстларимиз, қолаверса, мана шу даврада қатнашаётган ёшлар ҳам яхши, зўр шеърлар ёзишяпти. Қоғоз танқис бўлган пайтда китоб чиқаришнинг иложи қийин бўлса-да, яхши китобларни мутолаа қилмоқ имконияти бор. Ариқ тўлиб сув оқса, майсалар қаддини кўтаради, қоғоз ҳам бир кун келиб сароб бўлар.

Насиб этса, юртимиз бир ажиб гулзорга, обод ва шершуқх бўстонга айланмоққа чоғланиб турибди. Иншооллоҳ, ўшанда ҳаммамиз йиғилишиб бир шеърхонлик қиламиз. Бу кунларга оз қолди.

Зебо МИРЗАЕВА: — Биз бу кичик даврада туриб катта бир давлатнинг мафкураси ҳақида, унинг қандай

бўлиши ҳақида муносабат билдириб мулоҳаза қилишимиз яхши. Ҳар бир мезон, албатта, ҳақиқатга таяниши керак. Ҳақиқат «Ҳақ» сўзидан келиб чиққанидек, биз ҳам Ҳақ амалларига таянганимизда қанчалар муаммоларни, чигалликларни тўғри ечиб олган бўлардик. Мафкура кимга хизмат қилиши керак? Мана шу саволга жавоб изласак тўғрироқ бўларди. Менинг жавобим битта: халққа хизмат қилиши керак. Халқ мафкурага эмас, аксинча, мафкура халққа хизмат қилсин. Советлар даврида ёлғон мафкурага хизмат қилганимиз етар энди. Давлатнинг оғир юкини ҳар доим ҳам халқ кўтарди. Кечаги одам дарров бугун ўзгариб қолгани йўқ. Ушаўша одамлармиз. Энди нима қилиш керак? Юрагимизда инқилоб ясашимиз керак! Истиқлол, озодлик қандай неъмат эканлигини чуқурроқ англашимиз керак! Булар насихат ё йўл-йўриқ кўрсатиш эмас. Авваллари Ёзувчилар уюшмасида ёшларга жуда яхши эътибор бериларди. Биринчи китобларга тавсиялар берилар, уй-жой билан таъминлашда ёрдам кўрсатиларди.

Фулом МИРЗО: — Яқинда бир жойда икки мамлакат фуқароларининг битта нарсага бўлган муносабатларини кўриб ҳайратга тушдим. Америкаликлар тиббиёт институтига меҳмон бўлиб келишибди. Бир қизиқ воқеа рўй берди. Залда Ўзбекистон ва Американинг давлат байроқлари илиб қўйилган. Лекин, бепарволик оқибати бўлса керак, меҳмонларнинг байроғи қийшиқ илиб қўйилибди. Америкаликлар кирганларидаёқ бу ҳолатни кўришди-ю, таржимон орқали бу хатони тўғрилаб қўйишларини айтишди. Бизникилар бўлса жим. Охири, меҳмонлар ҳадеганда жойларига ўтиравермагач, домлар хатони тўғрилашди. Шундан сўнггина улар бемалол жойлашишди. Мана шу оддийгина (бу биз учун!) бўлиб кўринган воқеадан билса бўладики, улар ўз байроқларини шунчалар қаттиқ ҳурмат қилишаркан. Мана буни ҳақиқий фидойилик деса бўлади. Шундан сўнг улар бизга ўз Конституцияларининг суратини тақдим этди. «Бизда ҳар бир фуқаро бу Конституцияни қаттиқ ҳурмат қилади», деди улардан бири. Уларга менинг ҳавасим келди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бизлардаям эътиқод шаклланыпти. Барибир, ана шу маънавий юксалишларнинг бошида адабиёт туради. Ҳозир аҳвол бошқача. Катта йўлнинг бошида турибмиз. Лекин мени бошқа бир нарса ташвишга соляпти. Адабий муҳит нега қийин шаклланыпти? Эрта бир кун келиб мамла-

катимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб кетиши аён ҳақиқат. Лекин адабиётнинг тақдири не кечади? Оддий мисол: Ёзувчилар уюшмаси ва Адиблар Иттифоқи билан, қани, қайси бир нашриёт ҳамкорлик қилаяпти? Аслида, улар бир-бирисиз яшай олмаслиги керак. Аммо бугун бемалол яшаяпти. Мана, эндиликда лотин алифбосига ўтишга киришяпмиз. Биламан, энди нашриётлар дарслик ва қўлланмалар, нари борса, ҳомий топган муаллифларнинг китобларини чоп этиш билан банд бўлади. Мафкура руҳият билан боғлиқ нарса. Руҳиятни эса адабиёт ўрганеди.

Сирожиддин РАУФ: — Мафкура ҳар қандай давлатнинг қиёфасини, адолатнинг тамойилини, мезонини белгилайди. Мафкура аввалдан бизда шаклланган, илдизи бор деб Азим ака айтиб ўтди. Яна бир муҳим жиҳат, халқимизнинг бой урф-одатлари ҳам ана шу мафкурага замин бўлади, деб ўйлайман. Шундай мафкура яратишга одамларни ишонтира олсак, улар давлатимизнинг эртасига ишонади. Бугунги учрашув жуда хайрли ишни бошлаяпти. Хўш, китоблар чиқариш имкони сал чекланган экан, ўзимиз йўл излайлик. Газета-журналлар, радио-телевидениеда уларни тарғиб қилиш имконияти бор-ку. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир таклифни айтиб ўтсам: менимча, шу даврага мамлакатимиздаги етакчи нашрларнинг бош муҳаррирларини ҳам таклиф қилсак яхши бўлар эди.

Иқбол МИРЗО: — Адабиётнинг бош мақсади инсонийлик бўлса, мен шундай ўйлайман: масалан, шоир муҳаббат ҳақида ёзаётган шеърлари билан ҳам Ўзбекистоннинг эртасига хизмат қилади. Шу ерда эътибор хайрихоҳлик ҳақида яхши гаплар бўлди. Ёшлар ҳақида қайғурилди. Лекин умидли, иқтидорли ижодкорларни авайлаб-асрашимиз керак. Бу деганим қаровсиз, ҳолимиз хароб деганиммас. Худога шукур, тўрт мучамиз омон. Ишляпмиз турли жойларда. Аммо адабий муҳит йўқ. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Кун ўтказиш билан банд. Шунинг учун мени бир ўй қийнайди, ҳам қувонтиради. Авваллари адабиётда даврлаштириш деган нарса бўларди. Уруш даври, урушдан кейинги тинчлик даври ва ҳоказо. Агар бир кун келиб, шу бугунги кунни адабиётшунослар даврга бўлсалар, истиқлол даври ва бундан кейинги босқичларда менинг тенгдошларим Салим ё Фулом, Зебо ё Гулчеҳра, Рустам ва бошқаларнинг ҳам номлари бўлишига ишонгим келади. Ўзбекистон бизларники. Унинг эртасининг буюклигиям, ёруғли-

гиям рост. Бу катга карвоннинг юки енгил эмаслигини ҳам кўриб турибмиз.

Зебо МИРЗАЕВА: — Мени яна бир нарса ташвишга солади. Бугун пойтахтда ҳақиқий фидойилар юрибди. Агар улар ўз қишлоқларига кетсалар, биламан, яхши яшаб кетишади. Лекин, бизларнинг пешонамизга битилган, билмадим, тақдирми, қисматми, Шеърят деган улуғ бир дард бор. Усиз яшолмаймиз. Тўғри, китоб чиқариш қийин. Менинг атрофимда ҳали уй-жойсиз, ҳатто пропискасиз юрган айрим иқтидорли тенгдошларимни биламан. Айниқса, прописка масаласи ҳақида анчадан бери кўп гапирилади. Бир суюнаман, бир куюнаман. Хуллас, эртанги кунга ишониб яшаяпмиз.

Азим СУЮН: — Мана, дўстлар, бугунги мулоқотимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Уйлайманки, бу даврада айтилган мулоҳазалар фақат шу давра иштирокчиларининггина эмас, балки кўнглини Ватан меҳри тўлдириб турган ва шу улуғ халқнинг қувонч-ташвиши билан яшаётган ҳар битта ижодкорнинг дил изҳорлари десам, хато бўлмас. Бугун кўп самимий фикрлар билдирилди. Уларга муносабат билдириш ёки шарҳлашнинг ҳожати йўқ.

Энг қувончлиси, бизнинг газетамизда адабий давра пайдо бўлди. Мен тузилган адабий давранинг қандай фаолият юритиши хусусида батафсил тўхталмайман. Мутасаддилар режаларни белгилаб олишади. Энди фақат ғайрат билан ишлаш керак. Бу муборак остонадан кимлар ҳатламаган дейсиз. Бугунги кунда элнинг энг ардоқли ва суюмли шоир-ёзувчилари, қолаверса, давлат арбоблари, зиёлилар, хуллас, яхши инсонлар (бу дунёдан ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!) учун ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаётган «Ўзбекистон овози» газетасининг эшиклари доимо очиқ бўлган. Бундан кейин ҳам очиқдир.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти бугунги ўтиш даврида ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, рағбатлантириш борасида қатор хайрли фармонлар қабул қилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ёки ёзувчи ва шоирлардан иборат бир гуруҳ адибларни ўз ҳузурларга чорлаб, самимий, чин юракдан дардлашганларини бир эсланг. Орадан кўп вақт ўтмасдан «Истеъдод» жамғармасини тузиш тўғрисида фармон эълон қилинди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси Юртбошимизнинг катта бир мамлакат халқининг ташвишлари қаторида эртанги куннинг эгалари

бўлмиш ёшлар тўғрисида алоҳида қайғураётганидан да-
лолатдир. Лекин, ана шу хайрли фармонларни бажариш
ва ҳаётга татбиқ этишда бироз лоқайдлик, эътиборсиз-
лик сезиляпти. Ҳамон жойларда сансоларликлар, кўп
иқтидорли ёшларнинг китобларини чоп этиш, уларни
уй-жой билан таъминлашда қийинчиликлар борлиги
сир эмас. Биргина мисол: Президентимиз ёш ижодкор-
ларга шароит яратиш, бинобарин, уларни уй-жой билан
таъминлаш хусусида фармон чиқарган эди. Аммо ана
шу уйларни тақсимлашда адолатли йўл тутилаяптими?
Бу жумбоқ. Шу муаммони одилона ҳал этишда назорат
ўрнатилса яхши бўларди.

Хуллас, бугунги мулоқот баҳонасида аввало ёш
ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва истиқлол мафкура-
сини яратиш тўғрисида айтилган фикр-мулоҳазалар
ўртага ташланди. Давра суҳбатини яқунлар эканмиз, шу
лаҳзаларда менинг кўнглимдан бир ёруғ умид ўтаётир.
Ижодкори, зиёлиси уйғоқ халқнинг, миллатнинг эртаси
ёруғ бўлади. Илло, ана шу ниятлар ҳар битта Ўзбекист-
тон фуқаросининг йўлдоши бўлсин!

Давра суҳбатини Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.

«Ўзбекистон овози»,
1993 йил 23 ноябрь.

«КЕЛАЖАКНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТИШИМИЗ КЕРАК»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ
ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИГА РАСМИЙ-АМАЛИЙ
САФАРИ ЯҚУНЛАРИГА ДОИР**

Инглиз ёзувчиси Даниел Дефонинг «Робинзон Крузо»
романини илк бор ўқиб чиққанам кечагидай ёдимда. Бу
асар инсоннинг беқиёс иродасини, мардона куч-қудрати-
ни намоиш этади. Қахрамон битта уруғдан бугдойзор,
битта туёқдан егулик-ичкилик, ёввойисифат кимсадан
дўст яратади. Ёввойи табиат қўйнида ёлғиз қолса-да,
сабр-бардош, чидам кўрсатиб, сезги-сезим, ақлу ҳуш
билан омон қолади ва ниҳоят яна жамиятга қайтади.

Турган гапки, бугунги Ўзбекистон Робинзон Крузо
тақдир тақозоси ила тушиб қолган қора ўрмон эмас.
Унда инсон учун, халқ учун асрлар оша шаклланиб кел-
ган шарт-шароит, ишлаб чиқариш имкониятлари мав-

жуд. Лекин гап ана шу мавжуд асослардан оқилона фойдаланишда қолган. Дунёда бор бўй-басти билан ростмана чиқишда, инсониятга ўзлиги билан кўшилишида, чинкамига фаровон ҳаёт кечиришда қолган. Бизнинг, фикри ожизимизча, Президент Каримов ана шундай мушоҳадалар боис тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқда.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги мустақил Ўзбекистон Президенти сафарга борган ўн олтинчи мамлакат. Икки йил нари-берисида шундай миқёсларни забт этишнинг ўзи бўлмаслиги салпал фикрловчи ҳар бир одамга аён. Ва яна шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, қилни қирқ ёрган, ҳар бир нарсдан нуқул фойда кўришни кўзлаган турфа хил давлат раҳбарлари билан очиқчасига гаплашиш, музокаралар олиб бориш театр сахнасида кўғирчоқ ўйнатиш дегани эмас. Сехрли диёрларга қадам қўйиш жаннатмонанд боғларда сайр-томоша ёки мовий денгизларда фараҳбахш кезишлар дея тушунганлар ҳам катта хато қилишади.

Маълумки, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия сафари олдидан Ўзбекистон Президенти Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Вильфрид II Тальвицни қабул қилган эди. Ўз навбатида сўнг Тальвиц Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби йўллади ва унда баъзи истакларини ҳам баён этди: «Жаҳон банки ислоҳот йўллари собиқ Совет Иттифоқи республикалари ўртасида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий андозалари хусусиятига ҳамда ташқи ресурслар зарурати масаласига бўлган талабга асосан бир-биридан фарқ қилишини эътироф этади. Биз Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида узоқ муддатли муносабатлар боғланишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу — Сизнинг молиявий сармоялар бўйича эҳтиёжингизга ва ҳукумат ўтказаяётган ислоҳотлар дастурига кўмак берувчи тўловлар нисбатини тезда ўзини қоплайдиган маблағ билан таъминлашга мос тушган бўлур эди».

Президент Каримовнинг 23 ноябрь куни «Ротшильд энд Санз ЛТД» банки раҳбарияти ва ишбилармонлари билан мулоқоти юқорида баён қилинган истакларга хосу мос келди. «Ротшильд энд Санз ЛТД» — Буюк Британиядаги 20 та йирик ва етакчи банклар сафидан жой олган хусусий банкдир. 1798 йилда ташкил топган. Банк раиси сэр Эвелин де Ротшильд. Унинг асосий фаолият соҳалари банк иши, хазинадорлик ва корпора-

тив молиялашувни қамрайди. Бу банк қимматбаҳо металллар билан операция қилиш бўйича халқаро банклар ичида пешқадамдир.

Президент Каримов банкирлар билан суҳбатда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислохотлар, жумҳуриятимизнинг иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари, муаммоларни келажакдаги вазифаларигача тўхтади. Чунки, бу зарурат: токи бу корчалонлар мустақил Ўзбекистон тўғрисида тўлиқроқ маълумот олсин. «Сизлар, — деди Президент, — ё Ўзбекистон ҳақида ростдан ҳам ҳеч нарса билмайсизлар ёки жуда эҳтиёткор одамларсиз... Марказингиз нега жуда суст фаолият кўрсатяпти? Бизда қанча-қанча олтин кўрагини захга бериб ётибди...» Бу лутфга банк вакиллари шўх-шан хайрихоҳлик билдириб кулишди. Орадан парда кўтарилди. Савол-жавоблар бошланиб кетди.

Албатта, инглизлар ва айниқса, уларнинг ишбилармон вакиллари Марказий Осиё ҳақида, Амир Темур юрти тўғрисида билмаслиги мумкин эмас. Жаҳон афкор оммаси орасида бир омади гап юради: «Қаерда петрол — нефть ва олтин захираси бўлса, ўша ерда британияликлару америкаликлар ҳозир у нозир». «...Эҳтиёткор одамларсиз», — деган дангал гап билан Президент Каримов банкирларнинг қулфи дилини очиб юборди. Илк самара юз кўрсатди: суҳбат сўнгида банкнинг эксперт маблағини таъминлаш директори Роберт Скаллон яқин ойлар ичида Ўзбекистонга сафар қилиб, расмий шахслар билан иш доирасида муҳокама қилиш истагини билдирди.

Навбатдаги учрашув Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг раҳбарлари, йирик вакиллари, ётақчи ишбилармонлари билан бўлиб ўтди.

Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки 1990 йилнинг бошида Франция Президенти Ф. Миттеран ташаббусига кўра ташкил этилиб, унинг штаб-квартираси Лондонда жойлашган. Банк фаолиятдан кўзда тутилган мақсад уни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга бинонан бозор муносабатларини кўзда тутган очиқ иқтисодиётга ўтишга ёрдам бериш, демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига содиқ бўлган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида хусусий ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Банк ўз аъзоларига структуравий ва тармоқ иқтисодий ислоҳоти, шу жумладан, монополиядан, марказла-

шувдан холи бўлиш, нодавлат мулкани хусусийлаштириш ишларини амалга оширишда кўмаклашиш орқали шу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ кўшилишига имкон яратади.

Банкнинг биринчи Президенти этиб Франциянинг кўзга кўринган жамоат арбоби Жак Аттали сайланган эди. 1993 йилнинг августидан унинг ўрнини илгари Халқаро валюта фонди бош директори, сўнгра Франция банки президенти лавозимларида ишлаган халқаро молиявий доирада таниқли Жак де Ларозьер эгаллади.

Ўзбекистон мазкур банкка 1992 йил бошида СССР-га тегишли бўлган акциялар республикаларга тақсимланганидан сўнг аъзо бўлди. 1992 йилда Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга нисбатан стратегия қабул қилди. У бизнинг банк ва ишбилармонлик тузилмаларимизга маслаҳат бериш борасида анча-мунча ишларни амалга оширди.

Ана шу Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкнинг ҳашаматли залида Президент Ислом Каримов Жак де Ларозьер, бош котиб Барт ле Бланк билан учрашди. Қизғин ва самимий ўтган учрашув аниқтиник дастур-ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

Вақт зиқ, дастур пешма-пеш. Президент Каримов ўз қароргоҳида ҳам тинч турмади. Ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, Ўзбекистон матбуотида, Юртбошимизни кўп мақтайверманглар, деган маънода сўз юритилди. Бу ҳақда Президентнинг ўзи ҳам бир неча йиғинларда таъкидлади. Шундайку-я, аммо биз матбуотчиларнинг ҳам ўз вазифамиз, қолаверса, масъулиятли бурчимиз бор: қилинаётган ишни ҳаққоний ёритиш, кўрсатиш, халққа етказиш! Мен бугун ўзим гувоҳ бўлган тадбирлар, мулоқотлар, учрашувларни шарҳлаяпман, холос.

Шу йил сентябрь ойида Тошкентда Халқаро банк конференцияси ўтказилганда «Морган Гренфел» банки вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинганди. Ўшанда «Ўзбекнефтгаз» ва Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси билан музокаралар юритилганди. Ислом Каримов шу куни «Морган Гренфел» директорлар кенгаши раиси Мартин Веббни қабул қилди. Шундан сўнг «Рио Тинто Цинк» компанияси раҳбарлари билан ҳам мулоқот ўтказди. Кечга яқин эса Ташқи ишлар бўйича Давлат вазири Дуглас Хогни ҳам қабул қилди. Уларга Мустақил Ўзбекистон ҳақида сўзлаб беришдан эринмади. Айниқса, Дуглас Хог билан бўлган суҳбат жуда қизғин

кечди. Унинг «Сизлар бугун ўз валютангизни жорий қилаяпсизлар, иқтисодиётингиз истиқболини қандай тасаввур этаяпсиз?...» деган саволига нисбатан Президент Каримов ўз ниятини ошкора билдирди: «Биз тезроқ Европа ва жаҳон бозорига чиқишимиз керак!» Ва шу пайтгача кўплаб мамлакатлар билан қилинаётган ҳамкорликлар хусусида ҳам очиқчасига сўзлаб берди. Буюк Британиянинг Ўзбекистон билан қўшма корхоналар тузишда Олмония, Франция, Туркия, Швейцария ва бошқа айрим давлатларга нисбатан «оқсаётганлиги»ни ҳам айтиб ўтишни унутмади!

24 ноябрь куни, айниқса қизгин ва янада самарали воқеаларга бой бўлди. Президент Каримов «Побджой» пул ишлаб чиқариш компаниясини бориб кўрди. Унинг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Шундан сўнг «Лонро» компаниясида ишлаб чиқаришни кўздан кечирди, компания директори, етакчи мутахассислар билан мулоқот ўтказди.

* * *

Мотоциклчиларнинг фахрий кузатувида Юртбошимиз Букингем саройига ташриф буюрганида юракларимиз ҳаприқди. Сарой олди байрам тусини олганди. Баланд пештоқда Ўзбекистон байроғи ҳилпирарди. Британияликлар ҳайрат билан томоша қилардилар. Шунга айтиш керакки, мезбонлар ҳақли равишда Букингем саройи билан фахрланадилар.

Букингем саройи қиролича Виктория ҳукмронлик қилган даврдан буён Британия қиролларининг қароргоҳи ҳисобланади. Сарой Букингем герцоги уйи ўрнида қурилган бўлиб, 1762 йилда қирол Георг томонидан сотиб олинган. Сарой қурилиши 1825 йилда Георг IV даврида Жон Нэш лойиҳасига кўра бошланган. 1830 йилда Георг IV вафотидан кейин қурилиши Уильям IV давом эттирди, у Жон Нэшни ишдан бўшатиб, ўрнига Эдвард Блорни ёллади, қурилиш 1830 йилда қиролича Виктория тахтга ўтирганида тугалланди. Шундай қилиб, ўн саккиз яшар Виктория ушбу саройда истиқомат қилган биринчи қироличадир. Айни пайтда Букингем саройида Буюк Британия қироличаси Элизабет II яшайди.

Президент Ислон Каримов қиролича Элизабет II зоти олиялари билан учрашиб, икки мамлакат халқларининг ўзаро маънавий-маданий алоқалари ҳақида суҳбатлашди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов қиролича Элизабет II зоти олияларининг улкан портретини кўпдан буён ишлаб юрарди. Қарангки, сурат маромига етиб, уни ҳам Буюк Британияга олиб кетишга тўғри келди. Ва рассомнинг ўзи қиролича портретини Ўзбекистон делегацияси номидан музейга рамзий совға сифатида топширди.

Даунинг Стрит 10 1735 йилдан буён Британия Бош вазирининг расмий қароргоҳи ва хизмат жойи ҳисобланади. Бу уй сэр Жорж Даунинг томонидан қурилган хусусий уйлар ичида Даунинг Стритдаги сақланиб қолган учта уйдан биттасидир.

Британиянинг кўпчилик Бош вазирлари Роберт Уолполдан бошлаб бу уйдан хусусий ва расмий қароргоҳ сифатида фойдаланишган.

Даунинг Стрит 10 нинг 250 йиллиги 1985 йил 4 декабрда нишонланган. Ўшанда байрам зиёфатига Бош вазир томонидан қиролича, шунингдек, ўша даврда ҳаёт бўлган барча Британия Бош вазирлари таклиф қилинганди.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қиролигига расмий-амалий сафарнинг асосий воқеаларидан бири куннинг ўртасида ана шу Даунинг Стрит 10 даги қароргоҳда рўй берди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Буюк Британия Бош вазир Жон Мейжор жаноблари ва бошқа давлат арбоблари кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига давлат мадҳиялари янгради. Қуроли Кучлар вакиллари фахрий қоровул бўлиб турдилар. Президент саф олдидан ўтди. Сўнгра Ислом Каримов ва Жон Мейжор қароргоҳнинг иккинчи қаватида музокараларга киришдилар. Музокаралар самарали яқунланди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво йўлларини очиш ва бир давлат фуқароларининг иккинчи давлат ҳудудида эркин юриши ҳақидаги шартнома, битим ҳамда меморандум имзоланди. Амалга оширилган ишлар кенг доирада юқори баҳоланди. Бу ҳақда Буюк Британия кундалик матбуотида бир қанча мақолалар ёритилиши фикримизга далилдир.

Куннинг иккинчи ярми Президент Ислом Каримовнинг Британия саноати конфедерациясида Буюк Британия ишбилармонлари вакиллари билан учрашувидан бошланди.

Британия саноати конфедерацияси бир талай ком-

паниялардан иборат бўлиб, улар мамлакатда ишга яроқли аҳолининг ярмидан кўпини иш билан таъминлайди. Конфедерацияга Буюк Британиядаги юзлаб йирик компанияларнинг деярли ҳаммаси аъзодирлар.

Конфедерация — партиядан холи мустақил сиёсий ташкилот бўлиб, у фақат саноат ва тижорат компаниялари ва таркибига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, улгуржи ва чакана савдо, тоғ-кон ишлаб чиқариши, молиявий соҳа ва суғуртани ўзига олган бизнеснинг барча секторларидан иборатдир. Британия саноат конфедерацияси, шунингдек, 150 савдо ассоциацияси ва уларнинг муассис компанияларини ҳам намоён этади. Британия бизнесининг бош таъминотчиси бўлган бу ташкилотнинг асосий мақсади ҳукумат ва жамоатчиликнинг ижтимоий ишлаб чиқариш муҳимлигини, шунингдек, ишбилармонлар ҳамжамиятининг эҳтиёжлари, фоялари ва муаммоларини тушунишини таъминлашдир.

Президент Каримов йиғинда нутқ сўзлади. «Лонро» компанияси гуруҳининг ташкилотчи-генерал бошқарувчиси Д. Бокнинг жавоб нутқидан сўнг эса Ўзбекистон Геология давлат қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати «Лонро» ва Халқаро молия корпорациялари билан «Даугизтау» ва «Омонтайтау» олтин конларини ўзлаштириш бўйича «Омонтайтау — Гелдфилз» қўшма корхонаси тузиш ҳақидаги битим имзоланди. Мазкур масканлар ўз таркибида қайта ишлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари юзасидан махсус усулни талаб этувчи олтингугурт ҳамда бошқа моддаларга бой. «Лонро» ўзи эга бўлган олтин қазининг дунёда пешқадам ҳисобланган биоксид технологиясини жорий этишни таклиф қилди. Қурилишнинг дастлабки капитал харажати 109 миллион долларни ташкил этиб, унинг 30 миллионини «Лонро» компанияси, 70 миллионини эса Халқаро молия корпорацияси қарз шаклида ажратадиган бўлди. Ўзбекистон томонининг ҳиссаси геологик қидириш ишлари ва қўшма корхонани ишга тушириш харажатларини ташкил этади. Йирик миқёсли технологик тадқиқотлар ўтказиш ва техникавий-иқтисодий жараёнларни расмийлаштириш учун 15 ой, қарзларни расмийлаштиришга 3 ой, корхона қурилишига 12 ой кетиши мўлжалланди.

Битим бўйича дастлабки маҳсулот 1996 йилнинг биринчи ярмида олиниши керак. Икки қўшма корхона лойиҳа қувватига эришганда йилига 125—150 миллион доллар ҳажмида маҳсулот тайёрлайди.

Президент Ислом Каримов учрашув сўнгида матбуот конференцияси ўтказди. Унда Буюк Британия ва бошқа чет эл журналистлари қатнашди. Юртбошимиз уларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб берди. Ўзбекистонни журналистларга танитишда бу ерда ҳам асло эринмади. Биладики, уларнинг доимо қулоғи динг, тили узун...

Шу куни кечқурун Буюк Британия Савдо ва саноат вазири жаноб М. Хезлтайн рафиқаси билан Қироллик ҳукумати номидан қабул ўтказди.

Сафарнинг сўнги 25 ноябрь куни эрталаб самолётда Манчестер халқаро аэропортига учиб борилди. Мартабали меҳмон эҳтиром билан кутиб олинди. Сўнг Президент ва делегация аъзолари «Джи Пи Ти» компаниясига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов компания директори Т. Коубб билан учрашди. Ташриф давомида «Джи Пи Ти» фаолияти тақдироти бўлиб ўтди. Конструкторлик бюроси ва телефон станциялари жамламасини йиғиш цехи билан танишилди.

«Джи Пи Ти» — 90 йилдан зиёд давр мобайнида электр алоқаларини ривожлантиришда олдинда келаётган Британия компаниясидир. Компания телефон аппаратларидан тортиб, марказий алоқа ва узатиш асбоб-ускуналаригача ишлаб чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, Буюк Британияда телефон алоқалари аъло даражада йўлга қўйилган. Айтайлик, сиз енгил автомобиль ёки юк машинасида кетаяпсиз, хоҳласангиз дунёнинг ҳар қандай нуқтаси билан бир зумда боғланишингиз мумкин! Фақат ўша нуқтада телефонлар ишлаб турса, дасталар узиб олиб кетилмаган бўлса...

Хуллас, сафар чоғидаги сўнги шаҳар Ливерпульда-миз. Президент Ислом Каримовни Ливерпуль мэри Майкл Блэк ва бошқалар кутиб олди. Муҳтарам Юртбошимиз Ливерпуль пахта ассоциациясига шошилди...

Ливерпуль пахта ассоциацияси — жаҳонда тан олинган нотижорат, носавдо ташкилот бўлиб, у фақат пахта хом ашёси ва толаси муаммолари билан шуғулланади. Ассоциация томонидан ишлаб чиқилган савдо қоидалари исталган икки мамлакат ўртасида пахтани олди-сотди қилишда қўлланилиши мумкин.

Ливерпуль пахта асоциациясининг арбитражлик қоидалари пахта сотувчи ва сотиб олувчи аксарият мамлакат қонунчилигига киритилиши мумкин. Ассоциация томонидан рўйхатга олинган фирмалар билан доимий

алоқа қилиш ва маслаҳатлашув ёрдамида ассоциация адолатли ва умум эътирофни қозонган савдо тажрибасини сақлаб туришга интилади. Пахта савдосига дахлдор бўлган барча турдаги компаниялардан 58 мамлакатдаги 400 та компания Ливерпуль пахта ассоциациясида рўйхатдан ўтказилган.

Ассоциация фаолияти устидан умумий назорат унинг аъзолари сайлаган Директорлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Директорлар Кенгашига Президент, Вице-президент, Хазиначи, Экс-президент, директорлар киради.

Ливерпуль пахта ассоциациясининг асосий вазифалари пахта олувчи ва сотувчилар учун бир хилда қўлланладиган қоида ва маромларни ишлаб чиқиш ва сақлаб туриш, баҳсларни ҳал қилиш учун ягона арбитраж тизимини яратиш, пахта савдоси билан боғлиқ бўлган халқаро муаммоларни муҳокама қилиш учун анжуманлар ўтказиш, пахтани лаборатория тадқиқотларида таҳлил этишдан иборат.

Мўътабар меҳмон шарафига Авлиё саройида Ливерпуль пахта асоциацияси номидан қабул маросими ўтказилди. Ислом Каримовни Ассоциация президенти жаноб Николас Строинк кутиб олди. Ҳар икки томон нутқ сўзлади. Фикр алмашилди. Иш-хизмат сафари Ислом Каримовнинг фахрий меҳмонлар дафтарига битган куйидаги дастхати билан хотима топди:

Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам Ўзбекистон ҳақли равишда Ливерпуль пахта ассоциациясига аъзо бўлиб кирди.

И. КАРИМОВ (имзо), 25 ноябрь, 1993 йил.

Сафар давомида Лондон шаҳри мэри Лорд Польш Ньюалл билан суҳбатлашиш имконияти туғилди. Иқтисод фанлари магистри унвонига эга бу одамнинг ниҳоятда дилкаш ва самимийлиги орадаги пардани кўтариб юборди.

— Биз Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин юртингизга қизиқишимиз ортди, — деди у. — Президентингиз ҳаммамизда юксак таассурот қолдирди. У киши иқтисодчи эканини эшитганимдан кейин янада қизиқишим ортди. Жаноб Каримов менга ўзбекларнинг миллий тўнини кийгизганида бу лутфдан бениҳоя хурсанд бўлдим. Ўзбекистон пойтахти — 2 миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган Тошкент дунёнинг олди шаҳарлари қаторида туради. Эндиликда шаҳарларимиз ўртасида ўзаро алоқани кенг йўлга қўймоқчимиз.

«Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади» деган ҳикматнинг тўғрилигига олис Европа мамлакатада яна бир бор ишондим. Альберт Эйнштейн номидаги халқаро тинчлик мукофоти лауреати, жаҳон маданияти ва санъати ассоциацияси президенти, шоир Усмон Туркой Буюк Британия фуқароси бўлиб, Лондонда яшашини билардим. Буни қарангки, у киши Ўзбекистон давлат делегацияси ташрифи ҳақида хабар топиб биз турган жойга етиб келибди. Усмон Туркой билан икки йил муқаддам Туркия заминидан танишган эдик. Қадрдонимиз билан гурунгимиз қизиб кетди. Ҳамсухбатимиз ўзбеклар бугун инглизлар билан тенгма-тенг музокара юритаётганидан бениҳоя хурсандлигини қайта-қайта такрорларди.

— Президентингиз жаҳон ишбилармонларининг эътиборини Ўзбекистонга қаратиб жуда тўғри қилаяпти, — деди у тўлқинланиб. — Чунки бу асрда ҳар қандай давлат, айниқса ёш давлат дунёнинг ривожланган мамлакатлари орттирган тажрибаларни ўрганиши жоиздир. Донишманд Шарқнинг нодир қўлёмалари Буюк Британия музейлари ва кутубхоналарида сақланишини яхши биламан. Ўтмиши буюк халқнинг келажаги буюк бўлишига ишончим комил. Ахир халқларимизда «Оққан дарё оқмай қолмас» деган гап бор-ку!

Давлат делегацияси ташрифи жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан зўр эътибор билан кузатилди. «Останкино» телевидениесининг Лондондаги мухбири Александр Маликовнинг илтимосига кўра Президентимиз интервью берди.

— Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридаёқ қатъий интизом йўлини танлади. Буни ҳар ким турлича баҳолайди. Лекин халқимиз осойишталиги учун барча тадбирларни кўряпмиз. Сафар натижаларига келсак, у жуда самарали ўтди. Имзолаган ҳужжатларимиз мустақкам заминга эга. Англиялик ишбилармонлар гуруҳи Тошкентга келиб, ҳамкорлик масалаларини жойнинг ўзида ҳал қилишади. Ўйлайманки, бизни ўрганиш муддати тугади. Биз танлаган йўлни жаҳон афкор оммаси эътироф этишмоқда. Буюк Британия сафари ҳам бунинг исботидир.

Ҳа, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига Ўзбекистон расмий давлат делегациясининг сафари ниҳоясига етди. Президентимизнинг Ливерпуль пахта ассоциациясида Ўзбекистонда соғлом авлод учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида

айтган гаплари дилимда муҳрланиб қолди. «Ўзбеклар болажон халқ, ўйлайманки, инглизлар ҳам болаларни яхши кўришади. Демак, ана шу болаларимиз учун, келажакимиз учун қўлни қўлга, дилни дилга бериб ишлашимиз керак. Бугунни унутмаган ҳолда келажакни ўз қўлларимиз билан яратишимиз керак. Юракларимиз билан яратишимиз керак!»

Ҳикоямиз бошида инглизларнинг адабий қаҳрамони Робинзон Крузо ва унинг инсоний куч-қудрати, беқийс иродаси, сабот-матонати ҳақида эслаган эдик. Бунёдкор башариятнинг бир қисми бўлмиш ўзбек халқи ўз келажagini яратиш йўлида чинакам мўъжизалар яратишига асло шубҳа йўқ.

Тошкент — Лондон — Манчестер —
Ливерпуль — Тошкент.

«Ўзбекистон овози»,
1993 йил 30 ноябрь.

«БИЛМАГАНЛАР БИЛСИН БИЗНИ...»

Мен у билан тунги Лондон кўчаларини сайр этардим. Миллион-миллион чироқлар кўзни қамаштирарди. Реклам ёритгичлари гаройиб кўғирчоқлардек бамисоли рақсга тушиб порларди. Қайси йўлдан ёки йўлакдан кезманг, икки тарафдаги улкан бинолар ичкарига чорларди: ажойибот харид моллари ғуж-ғуж магазинлар, ёш-яланглар тўла барлар, ресторанлар, афишаларида турфа хил оламни акс эттириб тургувчи театрлар... Гарчи мен уларни нигоҳларим ила зимдан кузатиб кетаётган бўлсам-да, аммо у буларга мутлақо бепарво эди. Назаримда, ёнгинамда инглиз романларидаги ёхуд фильмларидаги... дунё юмушларига қўл силтаган қаҳрамон кетарди. Биз узоқ айландик.

— Ҳоримадингми, Азимбей, — деди у бир пайт оҳиста, — истасанг таксида сайр этамиз. Мен розилик билдирдим.

— Усмонбой оға, инглизнинг таксиси қадим файтунларни эслатаркан...

— Нафақат эслатади, айни, — деди у. Ва шундай улкан мамлакат эгалари қадимий анъаналарга ўта содиқлигини муҳаббат ила сўзлай кетди. Унинг бу боладаги сўнгги сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранг-

лайди: «Буюк Британиядаги инглизлар қанчалик тараққиётга эришмасин, бироқ ота-боболарининг урф-одатларини қаттиқ ушлаган. Бутун дунё халқларига бу буюк давлат ўз анъаналарига ружу қўйиши билан ҳам намуна бўлиб келмоқда...»

Менинг ҳамроҳим жаҳон адабиёти ва маданияти оламида машҳур, асли қибрислик турк, аммо Англия фуқароси УСМОН ТУРКОЙ эди.

* * *

БИЗНИНГ ўзбек матбуотимиз негадир ҚИБРИСни КИПР деб ёзади. Ҳолбуки, бу оролнинг аҳолисини румликлар «Қубрус» деб, турклар эса «Қибрис» деб атайдилар. Кипр қаердан чиқди? Бу номаълум. Бадиий адабиётда, жумладан, Фафур Фулом таржимасидаги «Отелло» фожиасида Қибрис атамаси тўғри ишлатилган.

Оврупо билан Африка оралиғидаги денгизни эса жуғрофия дарсликлариди ва матбуотда ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ деб ёзамиз. Руслар бу денгизни «СРЕДИЗЕМНОЕ МОРЕ» деб аташади. Бу «Қитъалар оралиғидаги денгиз» деганидир. Биз бу атаманинг мазмунига яхши эътибор бермасдан, уни сўзма-сўз таржима қилиб «ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ» деб олганмиз. Бу — қандай мантиқсиз ва маъносиз эканлигига аҳамият ҳам бермаганмиз. Турклар ва Ўрта Шарқдаги бошқа юртларда у «Оқ денгиз» дейилади.

Жуғрофия дарсликларига биз ҳам «ҚИБРИС» ва «ОҚ ДЕНГИЗ» атамаларини киритишимиз лозим. Россия шимолидаги Оқ денгизни эса «ШИМОЛИЙ ОҚ ДЕНГИЗ» деб қабул қилишимиз мумкин.

Хуллас, Қибрис, Оқ денгизнинг шарқ томонида, Туркиянинг жанубида жойлашган жуда гўзал ва стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ороллардан бири бўлиб, ҳудуди 9251 квадрат километр. Фарбдан шарққача узунлиги 225 километр, шимолдан жанубгача кенлиги 93 километр дир.

Қўшнилари: Туркия — 71 километр, Сурия — 98 километр, Миср — 384 километр масофада. Юнонистон эса 900 километр узоқдадир.

Қибрис аҳолисининг миллий таркиби жуда қоришиқ, у ерда миллатлар кўп. Аммо энг кўпчилиги румлар ва турклардир. Румлар қадимги румоликларнинг қолдиқлари бўлиб, улар юнонлардан (яъни, бизнингча, греклардан) бирмунча фарқланишади. Аммо тиллари кескин фарқли эмас, бир-бирларини англашади. Рум-

лар Қибрис аҳолисининг учдан икки қисмини, турклар
уддан бир қисмини ташкил этади.

Бу икки ёндош халқнинг ҳамдўстлигига асосланиб,
1960 йилда ҚИБРИС ЖУМҲУРИЯТИ тузилган эди.
Жумҳуриятнинг тинчлигини уч давлат — Англия, Тур-
кия ва Юнонистон (Греция) кафолатга олганди.

Қибрис жумҳурияти тинч-тотув яшаб турганда,
Юнонистонда миллатчилик ҳаракати бошланиб, ЭОКА
деган қуролланган ҳарбий юнон офицерлари сездир-
масдан Қибрисга кела бошладилар ва Қибрисни бу-
тунлай юнонлаштириш пайига тушдилар. Бунинг учун
махфий равишда румликлар қуроллантирилди. Аста-
секин туркларни қириш ва уй-жойларидан ҳайдаб,
эгаллаб олиш авжига чиқди. Шу тариқа, оролда икки
жамоа ўртасида ихтилоф вужудга келди. Юзлаб турк
қишлоқлари яксон қилинди. Қатли омлар тўхтамади.
Ун минглаб турклар Туркияга қочиб ўта бошлади. Тур-
кия ҳукумати кафолатчи давлатларнинг бири сифатида
Қибрис турклари ҳам ўз Қуролли Кучларига эга
бўлиши керак, деган қарорга келди. Юнонистон рум-
ликларни қандай қуроллантирган бўлса, Туркия ҳам
туркларнинг шундай қуролланишига ёрдам бера бош-
лади. Оқибат шу бўлдики, 1974 йилда Қибрис иккига
бўлинди. Қибриснинг учдан бир қисмини ташкил
этувчи шимолий минтақасида ШИМОЛИЙ ҚИБРИС
ТУРК ЖУМҲУРИЯТИ тузилди. БМТ бу актни
маъқулламади. Аммо ШИМОЛИЙ ҚИБРИС ТУРК
ЖУМҲУРИЯТИ билан Жанубий Қибрис ҳукумати
ўртасида тинчлик битими имзолаш учун ҳаракат ҳозир
ҳам давом этмоқда. Туркларнинг Президенти Рауф
Денктош билан румларнинг Президенти Василиу АҚШ
орачилигида бир неча марта учрашдилар. Аммо ҳозир-
ча бундан бирон катта ижобий натижа чиққани йўқ.
Бу эса иккала томонни — туркларни ҳам, румларни
ҳам безовта қилиб келмоқда.

Ана шу Қибриснинг Узан қишлоғида туғилиб ўсган
Усмон Туркой шахси ҳақида, унинг дардчил фалсафий
шеърляти, ўнлаб адабий-маърифий мақолалари, изти-
робли драмалари хусусида амалий-ҳаётий фаолияти
тўғрисида собиқ «совет халқи» ҳеч нарса билмайди.
Ростдан ҳам, биз кўп нарсани билмасдик. Биздан асл
ҳақиқатни, асл моҳиятни сир тутиб келишарди.

Камина Усмон Туркой билан 1992 йилда Туркиянинг
яшил Бурса шаҳрида бўлиб ўтган Бутундунё туркий
халқларининг шеърлят анжуманида танишган эдим.

1927 йилнинг 16 февралда таваллуд топган Усмон Туркой Гирна шаҳрида инглиз олий мактабига кириб ўқиди. Сўнг Англияда Ҳозирги замон тиллари мактабининг газетачилик-журналистика бўлимида таҳсил кўрди. Лондон университетининг фалсафа факультетини тугатди.

Усмон Туркойнинг бугунга қадар инглиз ҳамда турк тилларида 14 та китоби нашр этилган. Шеърлари француз, итальян, швед, чех, Бразилияда португал, Аргентинада испан, Хитой Халқ Республикаси, Гонконг ва Тайванда хитой, Ҳиндистонда ҳинд тилларида, Таиландда тай тилида, Қувайтда, Катар ҳамда Мисрда ва тагин бир қанча элларда бир қанча тилларда босилиб чиқди.

1988, 1990 йилларда Қитъалараро шеърият уюшмаси томонидан Нобель мукофотига номзод этиб кўрсатилди ва Чад давлатининг маданият ва санъат бирлиги ҳамда кўпгина адабиёт профессорлари томонидан қўллаб-қувватланди. Усмон Туркой йигирмага яқин халқаро шеърият мукофотининг соҳиби бўлган. Улар орасида Альберт Эйнштейн академияси таъсис этган «Эйнштейн», Италия халқаро поэзияси мукофотлари бор. Туркча китоблари эса Истанбулдаги илғор зиёлилар томонидан кўплаб нашр этилган. Ҳозир Усмон Туркой Лондонда туркча ва инглизча иккита журнал чоп эттиряпти. Шунингдек, у Ҳиндистонда чиқадиган ойлик журнал — «Поэт»нинг Шарқ бўлими бўйича ҳамда «Интернейшел поэтс» журналида Европа бўлимида муҳаррирлик қилади.

Усмон Туркой АҚШдаги Сан-Франциско шаҳрида жойлашган Бутундунё санъат ва маданият академиясининг халқаро бошқарма кўмитасининг раиси ҳамдир. У жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган санъат, маданият, адабиёт кунларида, конференция ва съездларида қатнашиб, адабиёт ва санъат, маданиятнинг толмас фидойиси сифатида танилган...

...Усмон Туркой билан суҳбатимиз «Ҳайдер-парк» яқинида жойлашган «Континентал» ресторанида давом этди. Мен унга ўзбек давлатчилиқ тарихини муфассал баён этишга ҳарақат қилдим. Буюк алломаларимиз, саркардаларимиз ва Ўзбекистоннинг бугуни келажаги ҳақида сўзладим. Айниқса, адабиёт мавзуларидаги суҳбатимиз қизигандан қизиди. Ростки, Усмон оға бугунги ўзбек адабиёти ҳақида, умуман олганда, Марказий Осиё халқлари адабиёти ҳақида хира тасаввурга эга. «Мен кирилча билмайман, шунинг учун хабарсизман, — дейди у

Ўзини оқламоқчи бўлгандай, — лекин Чингиз Айтматовни унча-мунча биламан». Ҳа, шунинг учун мен суҳбатдошимга бугунги ўзбек адабиёти, унинг фидойилари ҳақида имкон қадар ҳикоя бердим.

Балки қондошимиз Усмон Туркой учун 1994 йил кўп хайрли ниятлар, омадлар йили бўлиб келса ажабмас. Агар худо насиб қилса, у туркий халқлар орасида биринчи бўлиб Нобель мукофоти соҳиби деб эълон қилинар...

Бугун у ҳақда хаёлан ўйлаяпман-у, негадир эсимга туркнинг буюк шоири Юнус Эмронинг

*Билмаганлар билсин бизни,
Билганлара салом ўлсун... —*

деган оташнафас сатрлари келаверади. Шунда бир ҳақиқатга ишондим: Дунё бизларни тан олди. Бемалол борди-келдилар қиялпмиз. Туркий халқларнинг ҳам катта тарих саҳнасида ўз ўрни борлиги эътироф этиляпти. Энди ҳеч бир ҳадик-хавотирсиз кўнглимизни очиб «Билмаганлар билсин бизни» дея ҳайқирсак арзийди.

* * *

Суҳбатимиз ниҳоясида у менга ўз суратлари ва китобларидан бир нечтасини тақдим қилди. Усмон Туркой шеърларини таржимага бердик. Қуйида ана шу шеърлардан бир туркумини эълон қиялпмиз.

Азим СУЮН.

«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 13 январь.

Усмон ТУРКОЙ

БИСМИЛЛО

Бу кеча тушимга кирди
Ҳар тонгда туғадиган қуёш,
Бу кеча қуёшдан узилди ўзга дунё,
Бу кеча фазога учирилди илк сунъий йўлдош —
Жимитгина бир ой.

Бу кеча оламда айрича тезлик, физ-ғиз бор.
Тупроқда фазо, фазода оташ, оташда юлдуз бор.
Бу кеча дунёмизнинг орбитасида
Йўлдошлар сайёр.

Бу кеча жаранглаб бисмилло ила урди соат,
Бу кеча бисмилло ила чақирди қалам:
Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила
Ётоқдан турдим хотиржам.

На шуҳрат, на шараф, на шон...

Бисмилло, бисмилло... шишди бош чаноғим.

На булут, на уфқ, на юлдуз...

Бисмилло, бисмилло... узайди шом чоғим.

На томир, на мушак, на суяк, на қон...

Бисмилло, бисмилло... чўзилди билакларим,

Оғзим, кўзларим, қулоқларим,

Олувчи ва берувчи аъзоларим.

Бисмилло, бисмилло эгасиз,

Ёппа-ёлғиз.

Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила

Чўзилганча Сомон йўлида ётардим.

Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила

Фазоликларга мисралар сотардим,

Сизларни тушунтирар, англатардим.

Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила

Кўёшдан ерликларга сўз қотардим

Ва юлдузларни ғужум-ғужум узум каби узиб

Лўттивозлар бошига пизиллатиб отардим.

ОҚ ДЕНГИЗНИНГ МОВИЙ ИНЖУСИ ҚИБРИС

I

Оқ денгизнинг мовий инжуси Қибрис!

Туғилганим, илк кўёш нурларини кўрганам,

Шеърдан, тинчликдан, вазминликдан

нафас олганим ўлка!

Ҳозир сени ўттиз беш минг

қадам юксакликда

Ҳиндистондан Лондонга учаркан

Учоқнинг дарчасидан кузатмоқдаман.

Топинганча жамолингни

ютмоқдаман юрагимга,

Соғинч билан ҳижрон доғин

ютум-ютум ичмоқдаман.

Кўкларнинг мовий рангида

Тутамоқда олов-олов фикрларим.

Кучоқлаб тушларимда сени,
 ўпарканман, тупроғингни
Севги, эҳтиром тўла туйғулар ила,
Кўряпман: яраларинг ҳануз тузалмаган...
Ёлвораман ич-ичимдан бекитиқча,
Ёлвораман яна бир бора:
Ўйланмаган, шошилинч эҳтиросларга
Бериб қўйма ўзингни,
Бағрингда қонга
 ва кинга жой берма...
Рухимнинг теранидан
 ўтиниб сўрайман:
«Эй, борлигимнинг муқаддас тупроғи,
 ўлкам маним!
Сўз бер шундай сокин,
 осойишта қолишга
Ва сўнгсиз тинчлигу
 ором юрти бўлишга!»

II

Товушларнинг, рангларнинг
 ва чексиз зулматларнинг —
Коинотда ҳар нарсанинг
 ўз тили бор —
Уларни маънога
айлантира оласиз.
Чунончи, менга
яқинлашган кунботар
Ва миллион бор
жилваланган шуъла
Муסיқа тили билан сўзлайди
Ва тушларим ложувард
оққушларга айланар,
Учишда ўтаётган
вақтнинг бир тилимида
Мени тебраётган бешик ичида
Ҳамон ўша гўдак,
сенинг парчанг эдим.
Сенинг ўз ўглинг: гоҳ йиғлардим,
Гоҳ жилмаярдим
шеърий бир нафислик-ла...
Бугун, шу онда,
сендан жуда юксакларда,
Қибрисим, ўлкам маним!

Инсон қўли тегмаган
Миллионларча тонна қордай
оқ пахтани эслатувчи булутлар
Сенинг сирларингни маънога айлантириб
Бош-кети йўқ ушбу паллада
Синиқ, узгун қалбимга қуймоқда...
Бу қалба айрилиқнинг
ўчмас доғлари
Изоларим билан қўшилиб
Ёсуман сўриларининг,
лимон ва пўртахол гулларининг,
Эски шароб тулумларининг
ичидаги дунёнинг
Ва сарин найсон елларида
Кумуш рангли денгизлардай
Долғаланган, гул очган
зайтун дарахтларининг
Муסיқасини акс этгирмоқда
ўтаётган онлар аро...
Энди соғинчларим
уммонига тик чўмаман
Барча эски ва янги тушларим билан...
Ва шу онда ҳар вақтдагидан
ҳам яқинлигимни
Ҳис этаман бугун коинотда.

III

Эвоҳ, бирдан ўзимни ва
тушларимни эзилгандай кўрдим:
Умидсизликнинг музтоғлари орасида
Севгим чормихида,
овозим бўғилганди...
Чунки ҳақиқат дунёси билан
тушлар дунёси
Шу қадар бошқа-бошқа,
шу қадар чатишиққи,
Дод дегим келади ва қалтирайман,
У ён-бу ён тўлғонаман оромкурсимда...
Ғарбга қараб учаётган учоқ ичида
Сен, гўзал ва нафис
кўксингни нақшлаган
Зайтун дарахтларинг, боғларинг,
пўртахол боғчаларинг билан
Тинч-сокин уйқуга ётар экансан,
Сирли ҳасратларим, алам тўла,
маъюс ва ҳазин

Муסיқага айланмоқда йўлингда
шаҳид бўлганлар учун,
Йилт-йилт ёнган руҳлар учмоқда,
Йўлида жон берганлари
тупроқлар узра...
Ҳилоллимидилар, хочлимидилар?..
Ўлимнинг дини йўқ.
Нечук миллати бўлсин!
Ўлим моддий оламда
шундай бир ҳодисаки,
Одамзотни бир-бирига қўшиб юборар.
Мана, қара, бир замонлар
инсон бўлганлар
Ер билан кўк орасида
бир макон топиб
Йилт-йилт ёниб
уни қандай ёритмоқдалар.

IV

Титроқ қалб-ла мен
кузатган манзара энди
Юлдузлар ва руҳлар
ҳоким бир маскан эди.
Гўё ҳамма эшиклари очилиб кўкнинг,
Ҳамма тўсиқлари йиқилган эди.
Бир замонлар булар бари
ўз инсонимиз —
Бир тупроқнинг фарзандлари
— қиз-ўғлонимиз
Энди ушбу чексиз зулматлар аро
Ўхшайдилар юлдузларнинг
тўдаларига:
Мана, бири учаётир
ост-уст вазнсиз,
Бири эса оқаётир
думли юлдуздай
Ва узоқда шаҳид бўлган
гўдак руҳлари —
Ўтда куйган парвоналар
ила ўйнашар,
Сассиз, қутли ўт рақсига,
тўла муҳитда...
Эй Қибрисим, она юртим,
сенга учоқнинг

Дарчасидан: «Хуш қол!»
дея қўл силкитаман.
Уруш кўпдан битган.
Урушлар ўлдирар ва ўлар.
Фақат инсонийлик абадий, холос.
Жаннат бор-йўғи бир рамздир.
Шарқ хорижи бир руҳ ҳолатида.
Инсон ўзидан кечишни идрок қилса,
Уни фақат тинчлик, ёлғиз тинчлик ва меҳр
Ер юзига индиражақдир.

ШОИР БОЛАНИНГ ТОНГГИ ДУОСИ

Тангрим,
нима бўпти, ҳар кун шундай
Кўк юзи беғубор,
Ҳаво иссиқ бўлсин.
Бешбармоқ тоғининг нарёқларидан
Кўёш бизга қараб онамдай кулсин.
Покиза севинчлар-ла дудоқларимиз
Ўпсин нурга чўмган титроқ чечакларни.
Жун йигирсин момолар,
Эмизсин бир тўп нур болаларни оналар.
Қалдирғочлар тебратсин бешикларни.
Тангрим,
нима бўпти, ақл чироғимиз
Ёруғ бўлсин, йўлда итни тошламасин.
Сувдай ёд бўлсин-у ҳар сабоғимиз,
Муаллим бир кун ҳам
Дарсни таҳқирдан бошламасин.
Тангрим,
нима бўпти, бир умр бўйи
Ўтли қўшиқлар айтсин чўпонларимиз.
Унутилсин дала-дала унган фиғонларимиз.
Бирга-бирга ер тепсин, сакраб улоқларимиз,
Тангрим,
нима бўпти, ёруғ нурларинг
Бизни йирик гуллар кўнглига ёр айласин.
Тоғдан тоққа соврилсин капалак тўзларимиз.
Қатта товуқлар очсин қопқамизни.
Каккули соатдай вақтида сайрасин
Уйқу телбаси хўрозларимиз.

Фу-гу дея гуғуласин кабутарлар,
Учиб юрсин учоқларида ниначилар,
Гўзал қўшиқлар айтсин зағизғон
Ва бизни қўрқитмасин,
Туннелдан чинқириб поезд чиққандай,
Уясидан қаршимизга даъватсиз чиққан
Сарсари қора илон.

ТҮРТ ЙЎЛ ОҒЗИДА УЙҒОНИШ

Дедим: Сен айтган
тонг ўлкасими шу?
Уфқлар чароғон, ер юзи умид,
кўклар беғубор?
Қай тилда сўйлар бу соҳилларда
кечалари юлдузларга сув?

Деди: Бу чин инсонлар,
бу ҳақиқий диёр!
Кўрарсан улар нурли
йўллардан келишларини!
Оёқлари нофармон тупроқ,
қўллари энди кирган баҳор!

Бир овоз янгради
чақмоқ чақиб бўшлиқда,
Шаҳар нурларига қоришди.
Юрардим вазмин одимлар ила
Кўклам ва уруш кемалари
оқара бошлаган уфқда.

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
бошқачадир бу кун бу дунё,
Бир кардиограмма, илм даври
ва механик шовқинлар ила
Бир кўчки бўлиб тушди
устимга Америка, Овруро, Осиё.

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
компьютерлар ишга тушди бир бошдан.
Нил соҳилида бир буғдой бошоғи,
Оқ денгизда уруш кемалари.
Лабларимда бир қўшиқ:
«Финжонни ўярлар тошдан...»

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
одамлар югурарди ўнгга, сўлга,
Рангпар юзларида ваҳм,
юракларида қўрқув.
Кентлар эмас, қитъалар тушганди
мубҳам, серташвиш бир йўлга.

Дедим: Шулар бўлса керак
пўлат эритган эллар,
Бири тупроқ портлатиб юксалган қоя,
бири ойдан сакраган сиймо...
Ва ниҳоят бир қара:
қуриган лаблари қандай кулар...

Деди: Тайёр бир ёқилги,
Бироқ уларда ҳам суяк, тери, қон...
Ишлашар тарих оқими ичра
— билмасдан бу қандай макон.
Чунки уларни оқизган сув
қандай ирмоқлиги ноаён...
Овоз янгради яна бир бор:
сесканиб қўзғалдим жойимдан.
Уруш кемалари ўтар эди
очиқ денгизларимдан.

ЭСКИ ДЎСТ ЭСДАН ЧИҚМАС...

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Инсон ҳамиша имконият излайди. Имконият ахтариб ўзини гоҳо сувга, гоҳо ўтга уради. Заминда яшаб туриб, кўкка қўл чўзади. Аммо кўпинча ўша излагани имконият шундоққина ёнида турганини у пайқамайди.

1994 йил Марказий Осиё республикаларининг элбошилари, қолаверса, халқлари учун хайрли бошланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бу минтақада жойлашган давлатларни ички имкониятлар мамлакатлари, дейиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Президентлари — И. Каримов ҳамда Н. Назарбоев ташаббуси билан 10 январь куни Тошкентда икки давлат ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисида имзоланган тарихий шартнома бу қутлуғ ва савобли ишларнинг муқаддимасидир.

Улар мустақилликка эришганларидан сўнг алоҳида-алоҳида давлат қуришга мойиллик билдирганлари ҳеч кимга сир эмас. Бу борадаги дастлабки уринишлар эса гўё самара бераётгандай туюлди. Лекин бу уринишлар ўзаро ҳамкорликсиз, бирлашувсиз мураккаб кечиши сезилиб қолди. Халқ йўлбошчилари бу минтақада ёш, мустақил давлатлар бир-бирисиз яшай олмасликларини тезда англаб етдилар.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Алматига учди. Қозоғистон раҳбари Тошкентга келди. Биргаликда Нукус сафарига отландилар. У ерга Қирғизистон Республикаси Президенти, Туркманбоши, Тожикистон раҳбари етиб бордилар. Ҳаммамизга бирдек «оғриқли нуқта» бўлган Орол муаммоси ўртага ташланди.

Қирғизистон Президентининг таклифига биноан Президентимиз Бишкекка етиб борди. Ҳар икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқалари йил сайин эмас, ой ва кун сайин ривож топиб бораётгани ҳаммага маълум. Мустақилликнинг илк одимлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий қўшничилик ва ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. «Ўзбек халқи билан қирғиз халқи ўртасида бошқа бировнинг воситачилик қилиши шарт эмас» деган эди Ислом Каримов 1993 йил 14 август куни амалий ташриф билан Ўш вилоятида бўлган чоғида. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Баёнотомани имзолаган эдилар. Ушбу тарихий ҳужжатда Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга, пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган халқ хўжалиги тармоқларини, илм-фан кўламини жадал ривожлантиришга, экспорт имкониятларини кўпайтириш мақсадида кооперациялашга, учинчи мамлакатлардан хом ашё ва маҳсулотлар келтиришни камайтиришга қаратилган ҳаётий муҳим ўзаро манфаатлар алоҳида қайд этиб ўтилган эди. Шу йилнинг 16 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қирғизистонга ташрифи чоғида бир қатор муҳим ҳужжатларни Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан биргаликда имзоладилар. 1994 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида савдо-иқтисо-

дий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Қирғизистон Республикаси Миллий банки ўртасида ҳисоб-китоб ишларини ташкил этиш тўғрисидаги ўзаро битимлар тузилди.

Энг қувончлиси шундаки, бир-бирини тўла тушуниш ва ўзаро ишонч вазиятида ўтган учрашув чоғида ҳар икки давлат раҳбарлари қадимий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, барча соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни бундан ҳам чуқурлаштириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар. Ҳар икки мамлакат Президентлари ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида бир-бирларини хабардор этдилар. Шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтираётган жуда кўп масалалар муҳокама этилди. 1993 йил январь ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар ҳар икки давлат иқтисодийетини ривожлантириш ислохотларни чуқурлаштиришга катта истиқболлар очиб бергани алоҳида қайд этиб ўтилди. Ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан қатъий битимларга эришилдики, у Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий интеграциясини янада ривожлантиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Ўз навбатида Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ҳам шу йил 10 январь куни Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномани жуда юқори баҳолади ва Қирғизистон раҳбариятининг мазкур шартномага, томонларнинг розилиги билан қўшилажagini маълум қилди. Ягона, иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома мустақил мамлакатлар ўртасида товар, хизмат, сармоя, ишчи кучининг эркин ҳаракати, шунингдек, ҳисоб-кредит, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини келишилган ҳолда олиб боришни таъминлайди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-ғайратларини бирлаштириш тўғрисидаги бу янги қарор яқин ўртада бу мамлакатларнинг фуқаролари ўз ҳудудларидан чиқишда ва киришда юклар ва анжомларини божхона кўригидан ўтказишни бекор қилишни кўзда тутади. Шунингдек, божхона тўловлари ҳам бекор қилинади ҳамда ҳар хил турдаги чек-

лашлар, солиқлар, тўловлар мунтазам камайтириб борилади. Бу учала мамлакат Марказий (Миллий) банклари ишларини ўзаро алоқаларини ихчамлаштириш мақсадида тегишли тадбирлар белгилайдилар.

Қисқаси, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иқтисодий иттифоқини яратиш тўғрисидаги шартномага тўла-тўкис мос келиши алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Чунки, бу янги қадам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иқтисодий интеграциясини янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Ислом Каримов қайд этиб ўтганларидек, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг барча учун очиқлиги мустақил давлатлар ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг тамал тоши ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимизнинг бир гапини келтирмоқ жоиздир. «Бозор бир давлат ичида бўлмайди. «Ипак йўли»дан қатнаган карвонларни эсланг. Ҳа, буни ўзбек ҳам, қирғиз ҳам, қозоқ ҳам, тожигу туркман ҳам унутмаслиги керак. Минг йиллар давомида бирга бўлиб келган бу халқларнинг келажаги ҳам бирга яратилиши заруриятдир».

Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, ўзаро муносабатларни кенгайтиришда учала мамлакат — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик жуда катта аҳамият касб этади. МДҲ доирасидаги алоқаларни кенгайтиришда бу уч мамлакат президентларининг ҳамжиҳатлик билан қилаётган саъй-ҳаракатлари, сўз ва иш бирлиги таъминланаётгани минтақавий бирлашувни мустаҳкамлаш йўлида янги саҳифа очди.

Бу фақат иқтисодиётдагина эмас, балки маданият, санъат, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўпгина соҳаларда ҳам ёрқин истиқболлар очилишини таъминлайди. Масалан, шуни қувонч билан айтмоқчимизки, диёримизда шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон Республикаси кунлари, август ойида эса Қирғизистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари ўтказиладиган бўлди. Мунтазам равишда кўрғазмалар уюштириб туриш, ҳамкорликда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника асосларини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим

чора-тадбирлар кўриш белгилаб олинди. Замонавий фан ва технология ютуқларидан фойдаланиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишидаги ҳамкорлик янада кучаяди. Қирғизистон ва Ўзбекистон бўйлаб ўтган «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилади, биргаликда туристик маршрутлар ишлаб чиқилмоқда. Спортнинг кўпгина турлари бўйича спартакиада, биринчиликлар ва мусобақалар ўтказилади.

Амалий ташриф чоғида Президентимиз Ислон Каримовнинг Марказий Осиё халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик ва тинчлик аънаналарини мустаҳкамлаш, осойишталикни барқарорлаштириш борасидаги баракали фаолияти юқори баҳоланди. Аввал хабар қилинганидек, «Руҳоният» маънавий тикланиш халқаро Ассоциацияси кенгаши Ислон Каримовни «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти билан тақдирлаган эди. Ташриф чоғида Президентимизга шу мўътабар мукофотни топшириш маросими бўлди.

Бу воқеанинг аҳамиятини қуйидаги мактубдан ҳам билиш мумкин.

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА!

Муҳтарам Президент, қадрли Ислон Абдуғаниевич!

Шу дақиқада, яъни Қирғизистон пойтахтида Сизга юксак мукофот топширилаётган бир паллада, Сизнинг ҳозирги Туркистон равнақи учун қилаётган хизматларингиз хусусида кўплаб илиқ сўзлар айтилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат суверенитети ва мустақиллиги дунё билан тинчлик-хотиржамликда ва ўзаро ҳамкорликда яшашга қодир бўлсагина, фаровонликка эришади. Аммо — Ўзбекистон ва Қирғизистон шунчаки қўшниларгина эмас, илдизи, маданияти бир қон-қардош мамлакатлардир. Тақдирнинг бу тухфаси қардошлик билан гуллаб-яшнайти, худбинлик билан эса, аксинча, барбод бўлиши мумкин.

Халқлар қардошлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида Сиз ҳали кўп ишлар қилишга қодирсиз. Сизни яхши билганим учун ҳам шу гапни айтаяпман.

Чингиз АЙТМАТОВ,

1994 йил 14 январь, Люксембург».

Муштарийларимиз эътиборига «Рухоният» халқаро Ассоциацияси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим деб топдик:

У 1992 йилда ташкил этилган, асосий вазифаси — жаҳон умуминсоний маънавий бойликларни ташвиқ қилиш, миллий маданиятларни қайта тиклашдан иборат. Унинг Москва, Ўш, Жалолобод, Талас, Норин, Чўлпонота шаҳарларида бўлимлари мавжуд. Ассоциация маркази эса Бишкек шаҳрида жойлашган.

«Рухоният» Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Германия, Эрон, Туркия, Хитой ва Мўғулистондаги илм-фан, маданият, давлат ва жамоат арбоблари билан амалий алоқалар ўрнатган.

У «Йилнинг энг яхши кишиси», «Сармоядорлар ва ишбилармонлар», шунингдек, Қирғизистон ва Қозоғистон оқинларининг «Акт-та-дай» кўрик-танловларини ўтказди. Ассоциация «Қирғизистоннинг 2000 йилгача бўлган маданий қурилиши мажмуи», «Манас аили» маданий туристик мажмуи», «Қирғиз халқ маданияти тарихи» кўрик-танловларини эълон қилди.

ЮНЕСКО рўйхатига олинган бу Ассоциациянинг фахрий аъзолари бутун дунёга маълум ва машҳур кишилардир. Жумладан, уларнинг сафида Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов, ёзувчи, академик Сиддиқбеков, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, шоир Ўлжас Сулаймонов, ёзувчи Пиримқул Кодиров, мусаввир, жамоат арбоби Церетели, актёр, кинорежиссёр Губенко, адиблардан Мустай Карим, Давид Кугултинов, Расул Ҳамзатов, Габриел Гарсия Маркес, Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, япониялик кинорежиссёр Акира Курасава, машҳур жамоат арбоби Беназир Бхутто, ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майор ва бошқалар бор.

«Рухоният» халқаро Ассоциациясининг Президенти Охун Тўхтасартов Ислом Каримовга олий мукофотни топширар экан, тоғлардек юксаклик, денгиздек теранлик, фазодек кенглик унга хос эканлигини айтди. Марказий Осиё тинчлиги ва осойишталиги, барқарорлигининг таянчи бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади. Президентимиз кўксига Ассоциациянинг олий нишонини тақиб қўйди, низомга кўра унинг елкасига зар чопон ёпди, оқ қалпоқ кийгизди, оқ от, оқ шунқор совға қилди.

* * *

Унутилмас учрашувлар тугагач, Қирғизистон ва Ўзбекистон санъаткорлари иштирокида катта концерт берилди. Шу концертда бир қирғиз оқинининг:

Бошинг доим
бир бўлсин,
Ислом,
ёшинг минг бўлсин,

дея ҳаяжон ила айтган ўлани қирғиз халқининг Ўзбекистон Президентига бўлган улуғ эҳтиромини ифодалади.

... Самолёт ойнасидан пастга қараймиз. Бир-бирига занжирдек боғланиб қетган буюк тоғлар силсиласи. Бу тоғларнинг бир ёни Ўзбекистон, бир ёни Қозоғистон. Бир томони Қирғизистонга боғланган бўлса, яна бир томони Тожикистон ва Туркменистонга уланиб кетган. Икки дарё оралиғида яшаётган халқларнинг, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, бозори ҳам, мозори ҳам битта. Бу оға-ини халқларни ажратиб бўлармикан? Алпомишу Манаслардан мерос бу юртни, бу заминни бўлиб бўлармикан? Асрлар давомида бир-бирига елкадош бўлиб яшаган халқларимиз бугун ҳам қадимгидек эт билан тирноқ бўлиб бирлашса, жипшашса, уларни ҳеч ким ҳеч қачон ажрата олмайди.

Илоҳим, дунё тургунча бир-биримизни авайлаб-асрайлик. Катта-катта карвонларимиз ўтган абадий йўллар тикланаётгани рост бўлсин.

Тошкент — Бишкек — Тошкент.

«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 18 январь.

ХАЙРЛИ ФАСЛЛАР

Тўрт фасл. Унинг ҳар бири уч ойдан. Ҳар бирининг ўз хислати, фазилати, таъбир жоиз бўлса, ўз имконияти, ўз имконсизлиги бор. Мухтасар қилиб айтганда, тўрт фасл ўз тош-тарозусига эга.

Суяксиз тил суяк синдирар. Суяк синдирмоқчи эмасман. Аммо тўрт фасл дунёнинг қай нуқтасида ўз «бурчи»ни бирдек ўташини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Эшитгандирсиз:

Фалон... жойда олмалар қийғос гулаб, мева тугади, лекин пишмай, ерга дув-дув тўкилиб адо бўлади.

Фалон... жойда турли-туман ғуж-ғуж узумлар бир маромга келади-ю, шарбат йиғолмайди. Фалон... жойда йўлбарстус тарвуз ё бўрикалла сели бармоқларни «шип-шип» ёпиштира олмайди. Ва ҳоказо.

Бунга не боис? Боиси шулки, «фалон... фалон... жой»ларда тўрт фасл ўзлигини тўлиқ намоён эта олмайди, яъни мукамал кечмайди. Ҳар ўтган булутдан ёмғир кутма. Оллоҳ иродаси бу.

Аммо менинг мамлакатим Ўзбекистонда ҳар бир фасл ўз пайтида тўлин ойдек тўлади. Ва айниқса унинг Ёзи! Ҳатто янтоқлар шакар бойлайди, жўхори поялари тотларини болалар шимади, гулларидан асал сўради. Ай, халқнинг ўзи зўр айтган: Бу тупроқнинг арпа-бугдойидан-да ош бўлур...

Бироқ, қўлимнинг синиғи — енгим ичида. Барибир, айтмасам — бўлмас: шундай Тупроқ, шундай Ватан узоқ йиллар хор бўлди, эли кўранда бўлди. Не бўлса — ўтди, не келса — йитди. Бугун нолишга ўрин йўқ. Илонни тасбеҳ, деб қўйнига солиб юрган замонлар ортда қолди.

1994 йил Ўзбекистонимиз учун жуда хайрли бошланди. Шундан бошим осмонда. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари — Ислон Каримов ҳамда Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан 10 январь куни Тошкентда икки давлат ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисида имзоланган тарихий шартнома аҳамиятининг баҳоси жуда баланд. Ён қўшним — жон қўшним. Узоқдаги қуйруқдан товоқдаги чарви афзал. Сарҳаддан... учиб ўтган қушнинг жонига қасд қилмоқ инсофданми? Сирдарёнинг балиғини «чегарадан нега ўтасан»... деб тутиб бўлармикан. Амударё қайси сарҳад тоғларидан бошланади-ю, қай чегараларни босиб ўтиб кетади...

Ў, бу Юртларнинг офтоби битта, замини ягона, дарёлари бўлинмас, тоғлари ажралмас, тўрт фасли бирдек кечади! Ҳамиша елкадош бўлиб, нафасдош бўлиб яшамоқдан ўзга чора йўқ уларга. Буни қисмат, дейдилар. Шунинг учун муҳтарам ўзбек Президенти Алматига учди. Қозоқ элбошиси Тошкентга шошилди. Икки дўст қўлдош Нукусга отланди. Нукусга қирғиз Президенти, Туркманбоши, тожик раҳбари етиб бордилар. Катта дастурхонга «Орол» қўйилди.

Бир кун ўтар-ўтмас Президент Ислон Каримов Қирғизистонга ташриф буюрди. Бишкекда қирғиз халқининг олқишини кўрмапсиз. Мен унинг гувоҳиман.

Хуллас, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари бир-бирини тўла тушунмоқдалар. Кўлни-қўлга, дилни-дилга боғламоқдалар. Ўзаро ишонч вазиятини яратмоқдалар. Қадимий жондошлик алоқаларини мустақкамламоқдалар. Барча соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни амалиёт заминига кўчирмоқдалар!

Тўрт фасл. Унинг ҳар бири уч ойдан. Ҳар бирининг хислати, фазилати, таъбир жоиз бўлса, имкониятию имконсизлиги бор. Мухтасар қилиб айтганда, аниқ ўз тошу-тарозусига эга. Аммо... У дунёнинг қай нуқтасида ўз «бурчи»ни бирдек ўтайди? Ўзим жавоб бераман: Фақат қадимий Туркистонда!

«Замон — Ўзбекистон»,
1994 йил 27 январь.

ОЛИС ВА АФСОНАВИЙ ДИЁРДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯ МАМЛАКАТИГА РАСМИЙ-АМАЛИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Япония дунёнинг манаман деган етти буюк давлатлари қаторига киради. Лекин, унинг табиий иқлим шароити ва жуғрофий жойлашуви Америкаю Канадага ҳам, Англияю Францияга ҳам, Германияю Италияга ҳам ўхшамайди. Тилга олинган давлатларнинг бирови кўп асрлик салтанати билан кучли бўлса, яна бошқаси бой табиий ресурслари туфайли иқтисодий юксаклик даражасига эришгандир. Япония эса тараққиётнинг ҳозирги поғонасига ўз йўли билан кўтарилган бўлиб, бу айнан Ўзбекистонни қизиқтириб қолгани тасодифий эмас.

Ҳа, биз Япония билан бир қитъадамиз. Лекин бу олис ва афсонавий диёр ҳақида тасаввурларим асосан китоблар ва журналлар орқали эди. Энди эса Японияни билиш учун уни бориб кўриш, бугунги томир уришини ҳис қилиш керак экан, деган хулосага келдим. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов мазкур тарихий ташриф олдидан Япониянинг Республикамиздаги элчиси Укэро Магосакини қабул қилганида Япония аллақачон

келажакка — XXI асрга тамал тоши кўя бошлаган илғор давлат, деб таърифлаганида минг бор ҳақ эди.

Келинг, муҳтарам газетхон, Япония ҳақида айрим эътиборли маълумотлар билан сизни ошно этай, токи бу сирли диёрнинг маълум жиҳатлари ҳаммамиз учун равшанлашса.

ЯПОНИЯ ҳаммаси бўлиб 4000 га яқин орол ва оролчалардан ташкил топган яхлит мамлакатдир. Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю деган 4 та макондан ташқари қолган қуруқлик қисми ушоқ ороллардан иборат. Уларнинг умумий майдони 378 минг квадрат километр. Албатта, бу — баҳри уммон узра сочилган ерларнинг сатҳи, оролчалар эса кўплаб масофага узилиб кетган. Агар Ер курраси бўйлаб кенг қамровда қарасак, Япониянинг энг шимолий чеккаси Краснодар ёки Севастопол билан бир хил кенгликда жойлашганлиги маълум бўлади. Жанубий нуқтаси эса Карочи ва Абу-Даби шаҳарлари жойлашган кенгликка тўғри келади. Мамлакат пойтахти — Токио Туркменистоннинг жанубий марралари билан бир нуқтададир. Бу диёрни тоғлар ва вулқонлар ўлкаси, дейиш мумкин. Умумий майдонининг 75 фоизи тоғлардан иборат. Япон альплари тизмасининг энг юксак чўққиси денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда. Иқлими хилма-хил. Шимолий худудларида совуқ 40 даражага тушадиган жойлар бор. Жанубий оролларда эса ёзги ҳарорат 30 даражагача чиқади. Аҳоли сони жиҳатидан дунёда еттинчи ўринда туради. Бир квадрат километрга ўртача 327 киши тўғри келади. Чунки худудининг кўп қисми тоғлик бўлиб, ундан фойдаланиш қийин. Энг катта шаҳарлари океанга туташиб кетган.

Дунёнинг ҳамма томонлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидан бораётган Президентимиз Ислом Каримов Япониянинг янги Бош вазири Цутому Хатанинг расмий таклифига кўра бу диёрга боражаги эълон қилинганида Ўзбекистон фуқароларининг кўнгиллари янада чароғон бўлди. Демак, яна бир минтақа бизга яқин бўлади, иқтисодий ислохотнинг чуқурлашуви учун муҳим омил ишга солинади.

Ана шундай хаёллар билан биз тушган самолёт Токио шаҳрининг «Ханэда» аэропортига оҳиста кўнганини ҳам сезмай қолибмиз. Анъанавий, расмий, лекин қалбларни тўлқинлантирувчи кутиб олиш маросими. Океан тарафдан эсган шабада ёнма-ён ўрнатилган

Ўзбекистон ва Япония Давлат байроқларини оҳишта ҳилпиратади.

Кўз олдимизда буюк мамлакатнинг буюк пойтахти — Токио бутун салобати билан намоён бўлиб турарди. Бейхтиёр хаёлимга «Токио вақти билан соат олтию ўттиз» деган китоб ёдимга тушди. «Нью-Отани» меҳмонхонасига кириб бораётганимизда соатга қарайман: олти ярим. Йўқ, бу сафар Токио вақти билан эмас, Тошкент вақти билан шу дақиқаларни кўрсатарди. Орадаги фарқ эса тўрт соат. Демак, кун кеч бўлиб қолган. Бошқа ҳолатда бўлганда бемалол дам олиш, қарийб ўн соатлик парвоздан сўнг нафас ростлаш мумкин эди. Лекин Президентимиз фурсатни бой бермаслик пайдан бўлиб, қизгин ишга киришиб кетдилар. Юртбошимиз Япон-Ўзбек иқтисодий алоқалари қўмитаси раиси, «Мицуи» фирмаси раиси жаноб Кумагаини қабул қилди. Сафарнинг эртанги кунини дастурида кўзда тутилган икки мулоқот — Япония Савдо ва sanoat вазири жаноб Эйжара Хата ҳамда Молия вазири Хирохита Фуджи билан учрашувлар шу куниеқ ўтказилди.

Мен буни бежиз таъкидлаганим йўқ. Президентимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг яхшиланиши учун қанчалик жон куйдираётганини шу мисолдан билса бўлади. Япония бугунги тараққиётга 40 йилда эришибди. Биз ана шу муддатни мумкин қадар қисқартиришимиз керак. Бунинг учун ҳар бир кун, ҳар бир соат ганимат.

Хўш, япон мўъжизасининг сири нимада? Бу савол биз билан сафарга борган ҳар бир ўзбекистонликнинг дилида турарди. Буни аввало ўз ватани, киндик қони тўкилган табаррук замини билан чексиз фахрланадиган япон халқининг табиатидан, атрофга муносабатидан изламоқ керак. Токионинг чароғон кўчаларига, осмонўпар биноларига қараб ҳайратимиз ошади. Ажиб бир ҳолат: аҳоли кўп, ҳаммаёқ озода, ойнадай ярақлайди. Бу — ўша одамларнинг юксак маданиятли эканлигидан. Ҳар ким ўз ишини, бурчини сидқидилдан бажаради. Тартиб-интизом японларнинг мураккаб электрон соатларидай аниқ йўлга қўйилган. Одамлар бир-бирларига шу даражада хушмуомала, хушахлоқки, бунга фақат ҳавас қилиш мумкин. Агар улар шундай аҳил, ҳамфикр, хайрихоҳ бўлмаганларига бугунги буюк давлат қурилармиди?! У ёғини суриш-тирсангиз, бу юртда деҳқончилик қилишга атиги 11 фоиз яроқли ер бор. Хом ашё ҳам асосан четдан кел-

тирилади, табиий ресурслар чекланган. Лекин Ер юзидаги энг сўнгги янгилик, охирги ютуқ Японияда жуда тез қўлланилади. Лўнда қилиб айтганда, бу диёрда технология юксак даражада жорий этилган. Шундай экан, Японияга нима керак? Ўзбекистонга ўхшаган хом ашёга мўл ҳамкор керак. Бизга эса Япония каби мукамал технологияларни рўёбга чиқарувчи шерик керак. Бу уйғунликдан иккала томон ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга ушбу ташрифи ана шу жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга моликдир.

Ташрифнинг иккинчи кун и воқеаларга бой бўлди. Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши билан алоқаларни ривожлантириш бўйича махсус кўмита тузишга аҳд қилган Япон парламенти ташаббускор гуруҳи аъзоларининг учрашуви нонушта билан қўшиб ўтказилди. Яъни, ана шу фурсат ҳам бежиз кетмади. Президентимиз шундан сўнг Япониянинг «Киодо Цусин» агентлигига интервью бердилар. Шу кун Император Саройи ўз тарихида илк бор мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентини кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримов рафиқаси билан Япония Императори Акихито ва унинг рафиқаси билан учрашдилар. Унутилмас дақиқалар давом этарди. Ҳар иккала томон бир-бирларига энг эзгу тилакларни билдиришди. Олий мартабали меҳмон шарафига зиёфат берилди. Президент ўзига ажратилган қароргоҳда Япония экспорт-импорт банки директори жаноб Ямагути, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик фонди президенти жаноб Нишчигаки, «Мицубиси» фирмаси президенти жаноб Морохашаи, «Марубени» фирмаси президенти жаноб Харунани қабул қилди.

Шу кун расмий ташрифнинг тарихий лаҳзалари кечга яқин бўлди. Ислом Каримов Япония Бош вазири Цутому Хата билан учрашди. Улар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Бу тарихий ҳужжатда томонлар иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ўзаро ишонч ва тушуниш, тенглик ва суверенитетни ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ривожлантиражақларини билдирдилар. Бу муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ва Япония халқларининг муштарак манфаатларига жавоб берибгина қолмай, балки Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш ишига муҳим ҳисса

бўлиб қўшилиши таъкидланди. Томонлар БМТнинг мавқеи ва нуфузини кучайтириш ҳамда БМТ Устави мақсадларини унда баён этилган тамойилларга монанд амалга оширишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар. БМТ ва давлатлараро ташкилотларда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда низоларни тинч-тотув ҳал этиш мақсадларида фаол маслаҳатлашиш ва ҳамкорлик қилиш келишиб олинди. Томонлар сиёсий мулоқотларни кенгайтириш икки ёқлама муносабатларни ривожлантиришнинг қулай ва самарали йўли эканлигига ишонч билдирдилар. Япония томони Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган ислоҳотлар ва халқнинг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган сиёсатнинг боришига юксак баҳо берди ва бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ниятида эканлигини изҳор қилди. Ўзбекистон томони мазкур иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Японияда иқтисодийётни бошқариш тажрибасини ўрганишдан манфаатдор эканлигини баён этди. Япония томони бозор тизимига ўтишда техникавий ёрдам миқёсларини кенгайтиражагини билдирди.

Томонлар фан ва технология, маданият, санъат, таълим, туризм каби соҳаларда алоқаларни ривожлантириш зарурати борлигига келишиб олдилар. Икки мамлакат ўртасида маданий алмашувни йўлга қўйиш, бунда анъанавий санъатни сақлаш ва Ўзбекистонда япон тилини ўрганиш бўйича мавжуд негизни такомиллаштириш юзасидан фикр билдирилди.

Президентимиз Ислом Каримов Япония Бош вазир Цутому Хатани Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюришга таклиф этди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов ва Япония Ташқи ишлар вазири Кодзи Какидзава икки мамлакат муносабатлари ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекдилар.

18 май қароргоҳда Япония Молия вазири маслаҳатчиси жаноб Чино ва чет эллар билан маданий алоқа қилиш фонди президенти жаноб Асао иштирокидаги учрашувдан бошланди. Шундан сўнг Токио шаҳридаги губернаторликка ташриф буюрилди. Мустақил матбуот маркази биносида Ислом Каримов япон ва хорижий журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди. Матбуот конференциясида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётгани таъкидланди.

Шу куни «Кейданрен» иқтисодий ташкилотлар федерацияси штаб-квартирасида ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Японияда тадбиркорлик соҳасида бой тажрибага эга мутахассислар кўплиги ҳаммага маълум, албатта. Бу мамлакатда фермер хўжалигини юришиш ҳақида икки оғиз сўз. Қишлоқ хўжалиги учун атиги 11 фоиз майдон мавжудлигини юқорида айтгандик. Яна бир рақам: Японияда фермер хўжаликлари ҳажми кичик бўлиб, эгаллаган майдони ўртача 1,2 гектардан ошмайди. Чунки, ернинг ўзи кам, фермерлар уни кўзга тўтиё қилиб ишлатишади. Ҳар бир қарич ердан кўпроқ ҳосил ундиришга ҳаракат қилишади, бунда ерни ўғитлашга ва юксак технологик асбоб-ускуналарни ишлатишга зўр берилади. Японияда истеъмол қилинадиган мева ва сабзавотнинг учдан икки қисмини фермерлар етиштиришади.

Ислом Каримов, одатдагидек ишбилармонлар билан учрашувларда бир зумда ҳамсуҳбатларини ўзига қаратиб олди. Ташриф кунлари «Япония иқтисодиёти» газетаси Ўзбекистон Республикасида 1500 та қўшма корхона мавжудлиги, унинг атиги 8 таси Японияга тегишли эканлигини ёзди. Суҳбат асносида ана шу рақам ҳақида сўз кетди. Ишчанлик ва ўзаро ҳазилмутойиба йўғрилган суҳбатда Президентимиз японларнинг бу борада фаол эмасликларини таъкидлаб ўтди. Маҳаллий ишбилармонларнинг жавоби бундай бўлди: биз бўлгуси ҳамкоримизни узоқ вақт синчиклаб ўрганамиз, тўла ишонч ҳосил қилгач, муносабатларни йўлга қўямиз. Маълум бўлишича, япон мутахассислари бир ярим йил мобайнида Ўзбекистондаги аҳволни кузатишаётган экан. Бу мамлакатдаги осойишта ҳаётнинг барқарорлиги келгуси алоқаларга кафолат бўлиши мамнуният билан тилга олинди. Албатта, ўз юртимиз ҳақида олис Японияда шу гапларни эшитиш биз учун ёқимли эди.

Куннинг иккинчи ярмида Киото шаҳрига йўл олди. Нимада денг?! Учқур темир йўл поездида. Соатига 240 километр тезликда юрадиган бу шинам поезднинг тезкор ҳаракати, менимча, Япония тараққиётининг бугунги суръати ва маромини рамзий ифодаб тургандай. Янги пойтахт (Токио сўзининг мазмуни шундай)дан эски пойтахт — Киотога етиб бориш учун 2 соату 36 минут кифоя қилди. Елдек учадиган бу поездларнинг етиб келишига қараб соатингизни тўғрилаб олишингиз мумкин. Японлар бу поездни Синкансэнэ,

деб аташади. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий маркази саналмиш Киото шаҳрида ҳунармандчиликда шойи тўқиш, чинни ва бронзадан бадий буюмлар, диний маросим ашёлари тайёрлаш мактаби яратилган. Машинасозлик ва металлургия, тўқимачилик, тивувчилик, электротехника, озиқ-овқат, шиша, керамика саноати корхоналари бири-биридан бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу шаҳар айни пайтда халқаро туризмнинг ҳам марказидир. Шаҳарнинг равон кўчалари бўйлаб борарканмиз, ширин-шакар гўдакларнинг рамзий расмларига кўзимиз тушади. Таржимоннинг изоҳ беришича, Японияда 5 май — болалар куни экан. Бу тасвирлар ўша байрамда қўйилган экан. Зеро, иззат-икром, одоб-ахлоқда ўзбекларга ўхшаб кетадиган японлар болажонлик бобида ҳам ибратормуз халқ. Фарзандини эъозлаган, унинг келажаги ҳақида қайғурган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Шаҳарнинг «Миako» меҳмонхонасига жойлашганимиздан сўнг Президентимиз «Эн-Эйч-Кей» давлат телекомпанияси саволларига жавоб берди. Юртбошимизга берилган саволлардан хорижий мухбирларнинг Ўзбекистонга қизиқиши катта эканлиги сезилиб турди.

Япон журналистлари Ўзбекистонда динга муносабат қандайлигини бир неча бор сўрашди. Бунинг сабабини Киотодаги ибодатхоналарда бўлганимизда тушундим. Японияда синтоизм ва буддизм динлари кўплаб анъаналарни шаклланишига омил бўлиб келган. Синтоизм сарчашмаларида қадимий тарих ва афсоналар ётади. Ривоят қилишларича, руҳий кучлар табиатда, дарахларда, тоғларда, денгиз ва шамолда яшаб келган. Одамлар бу кучларга сиғинишлари ва табиат билан уйғунликда яшашлари керак. Илгари одамлар табиатга тавоб этган бўлишса, кейинроқ эҳромларга бориб ибодат қилишган. Эрамиздан олдинги олтинчи асрда пайдо бўлган буддизм дини эса Японияга Хитой ва Кореядан ўтган. Биз «Хэйан» (Тинчлик ва хотиржамлик) ва «Киёмид-зуцера» (Муқаддас сув) ибодатхоналарида бўлганимизда, бу икки дин японлар маънавиятини қандай бойитганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ислом Қаримов халқнинг азалий анъаналари эъозланиб келаётганлигини ана шу ташриф давомида таъкидлади.

Расмий-амалий сафарнинг сўнгги куни Осака шаҳрида бўлди. Ҳаммамиз беихтиёр Андижон вилоятидаги Асака шаҳрини эсладик. «Мацусита» корхонасидаги иш тарзи билан танишдик. Президентимиз Ўзбекис-

тонда «Панасоник» маҳсулотлари алақачон халқимиз ҳаётига сингиб кетганини, республикамизда ихтисослаштирилган «Панасоник» дўконлари борлигини айтганда, корхона вакилларининг юз-кўзларида жонланиш сезилди. Бир зумда ўртадаги «девор» йўқолди. Ислон Абдуғаниевич келгусида ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш кўпроқ самара беришни таъкидлади. Айни пайтда ўзбекистонликлар бу корхонанинг энг сўнги ютуқлар асосида чиқарган маҳсулотларини кутадилар, деб ишонч билдирди. Президент таклифига кўра, «Панасоник»нинг Ўзбекистонда филиали очиладиган бўлди.

Осакадаги «Танабэ» дори-дармон заводига қилинган ташриф сафарнинг сўнги манзили бўлди. Ислон Каримов Японияда тиббиёт ҳам намунали йўлга қўйилганлигини, шу сабабли бу мамлакат аҳолисининг узоқ умр кўриши борасида дунёда олдинги ўринда эканлигини таъкидлади. Япония ҳукуматининг Ўзбекистонга 5 миллион долларлик тиббий ёрдам кўрсатишга қарор қилганлиги ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадам, деб баҳоланди.

— Биз Ўзбекистондек ҳамкор топганимиздан хурсандмиз, — дейди фирма директори жаноб Киносхита.

Тўрт кунлик сафар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Унинг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси учрашув ва таассуротларга бой бўлди. Япония биз учун кашф этилган бўлса, Япония учун Ўзбекистон ҳам янгидан кашф бўлди.

— Президентларингиз ниҳоятда донишманд одам экан, — дейди Япония Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Кишикиро Амае. — Ҳар бир сўзида ҳамкорларга нисбатан ҳурмат шундоқ сезилиб турибди. Жаноб Каримовдай раҳбари бор халқнинг бахти баркамол.

Афсонавий ва сеҳрли диёр билан хайрлашар эканмиз, ҳаммамизнинг руҳиятимиз янгилангандай бўлди. Албатта, мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Япониядан технология олиб келса, ҳамкорликда корхоналар курси, маҳсулот айрибошласа айни муддао. Лекин, назаримда, Ўзбекистон бу мамлакат одамларидан касб-корга меҳрни, ҳар қандай вазиятда ҳам доно ечим топишни, хотиржам ва босиқ муносабатни ўзига юқтирса, ишларимиз янада юришиб кетган бўлур эди.

Президент Ислон Каримов ҳар бир ташрифда энг эътиборли жиҳатларга, ибратомуз ҳолатларга алоҳида урғу бериб келдилар. Бу саъй-ҳаракатлар Юртбошининг

Ўз халқи ҳаётини яхшилаш учун кечаю-кундуз жон куйдираётганлигига шаҳодатдир. Тўрт кунда бажарилган ишни мазмун-моҳиятига кўра, асрларга тенг дейиш мумкин. Бунга япон мутахассисларининг баҳосидан ҳам, Президентимизнинг самолётда биз журналистлар билан қилган суҳбатида ҳам ишонч ҳосил қилдик. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон пайти келиб Япония каби буюк давлатлар сирасидан жой олажак. Бунга шубҳа йўқ!

Тошкент — Токио — Киото — Осака — Тошкент.

«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 21 май.

ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Кеча мамлакатимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган воқеа рўй берди: Ўзбекистон ишончли, бардошли ўз пулини муомалага киритди. Севиқли ватанимизнинг муқаддас рамзлари муҳрланган ўзбек пулига дилда зўр ифтихор билан назар ташлаймиз. Унда Ўзбекистон Давлат герби, юртимизнинг жаҳонга машҳур ёдгорликлари тасвири туширилган. Унда камаланинг етти ранги гўё диёримиз табиатидан қувват олгандай товланиб турибди. Ҳали йиллар, неча-неча даврлар ўтади. Лекин 1994 йилнинг 1 июли муҳим тарихий воқеа сифатида ёдга олинаверади. Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан Олий Кенгаши Раёсатининг кўшма мажлисида шундай дедилар: «Мустақил Ўзбекистон халқи буюк воқеа арафасида турибди. Биз иқтисодий мустақиллик йўлида янада улкан қадам ташлаяпмиз: ўз миллий пулимизга эга бўляпмиз. Аслини олганда — бу ҳам бир саодат. Биз буни теран ҳис этишимиз, миллий пулимизни янги туғилган фарзанд каби бағримизга бошишимиз, у билан ғурурланишимиз, асраб-авайлашимиз, куч-қувватли, қадри баланд бўлиши йўлида фидо-корона меҳнат қилишимиз лозим». Бу сўзлар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросида чексиз фахрланиш, ғурурланиш туйғусини уйғотадики, бунинг аҳамиятини вақт ўтган сайин кучлироқ ва теранроқ ҳис этамиз. Юртбошимиз «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармон-

га имзо чекканда халқимиз бу тарихий ҳужжатни зўр шоду хуррамлик билан, келажакка ишонч билан кутиб олди. Ҳа, қўлимизга олган миллий пулимиз байрогимиз, туғромиз, мадҳиямиз, Конституциямиз сингари давлатимиз ва халқимизнинг рамзи, мустақиллигимизнинг муқаддас белгисидир! Мана энди биз дунё билан тенгма-тенг муомала қиламиз. Эндиги асосий вазифамиз — пулимизнинг харид кучи, қуввати, қадрини ошириш, халқимизнинг юксак ор-номуси ва ғурурини жаҳон миқёсида сақлай билишимизда қолган.

Келажакда пулимизнинг қадрини сақлаш учун бугундан, айти шу дақиқалардан ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бунинг маъноси баъзилар ўйлаётганидан анча чуқурроқдир.

Ҳўш, пулимиз қудрати ва қадрини қандай қилиб оширишимиз мумкин? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт имкониятини кенгайтириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорини синчиклаб ўқиган киши бунга тўла жавоб топиши мумкин. Агар диққат билан қаралса, ҳозир маънавият ва иқтисодиёт бир нуқтада туташадиган палла келди. Балки бу фикр кимларгадир ғайритабиий туюлади. Лекин биз иқтисодий жабҳадан марраларга фақат юксак маънавият орқали эришишимиз мумкин. Ўзбек халқи бой маънавий маданий мерос, шарқона ва умуминсоний қадриятларимизга эга эканлиги бутун дунёга аён. Зотан, халқимизнинг тарих синовларидан эсон-омон ўтиб келганлигининг илдизлари ҳам ана шундадир. Дам Мағрибдан, дам Машриқдан бизга не-не хуружлар бўлмаган дейсиз? Халқимизни ер юзидан супуриб ташлашгача ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун не-не зўравонлар муқаддас тупроғимизга бостириб кирмаган дейсиз? Аммо Ўзбекистон бугун ҳам жаҳоннинг манаман деган мамлакатлари билан тенгма-тенг муомала қиляпти. Бизни дунё таниди, тан олди. Агар шу пайтгача Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрнини табиий бойликлари, меҳнаткаш халқи, табаррук замини белгилаб келган бўлса, эндиликда миллий валютаси ҳам сўзини ўткир, одимини дадил этишида, қаддини ўктам тутишида ҳал қилувчи омил бўлмоғи керак.

Дарҳақиқат, маънавият ва иқтисодиётни бир-биридан ҳоли тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири жуда катта. Улар бами-

соли темир йўлнинг икки изига ўхшайди. Мустақил ҳаёт поезде ана шу йўллардан боражак. Маънавияти, маърифати ва қадрияти юксак халқ ҳамиша тарихда кучли бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ва ниҳоят, Юртбошимизнинг айна миллий валюта-ни муомалага киритиш ҳақидаги фармонга имзо чеккан кунда болалик оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармон қабул қилингани келажаги буюк Ўзбекистонимиз ҳақида муттасил гамхўрлик кўрсатилаётганлигининг яққол белгисидир. Бизнинг халқимиз болажон, серфарзанд халқ. Биз бу билан фахрланамиз. Дунёнинг кўпгина халқлари айнан шу борада ҳам бизга ҳавас кўзи билан қарайдилар. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда болали оилаларни ижтимоий кафолатлаш ғоятда муҳимдир. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чунки келажаги буюк Ўзбекистонимизни айнан шу ёш авлод янада юксакларга кўтаради. Ҳамма гап энди ёш авлодни чин маънода ишбилармон ва тадбиркор инсонлар қилиб вояга етказишда қолган.

Пулимизнинг қадрини ошириш учун экспорт имкониятларимизни кенгайтириш, маҳсулотларимизни жаҳон меъёрлари даражасига етказиш каби долзарб масалалар бугун иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари олдидан кўндаланг турибди. Бу вазифаларни шарқона донишмандлик, чинакам тадбиркорлик ва эпчиллик билан бажаришимиз талаб этилади. Мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий қадам чин маънода қутлуғ бўлиши, миллий пулимиз юксак манзилларга поёндоз бўлишига астойдил ишонамиз.

«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 2 июль.

ВАТАН ШАРАФИ, МИЛЛАТ ОБРЎСИ ДЕБ...

Ҳар бир мамлакатда, хоҳлайсизми-йўқми, икки хил ғаним бўлади. Биринчиси — давлатнинг дахлсизлигига хавф солиши мумкин бўлган ташқи ғанимдир. Мамлакатнинг иккинчи бир ғаними борки, у дафъатан кўзга ташланмайди, зимдан ҳунар кўрсатиб, юрт яхлитлигини емиради. У четдан келмайди, балки ичдан ҳаракат

қилиб, ташқи кўриниши турли ниқобларда бўлади. Уни енгмай, парчаламай туриб, мўлжалланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов эл фидойиларини ана шундай душманга қарши аёвсиз курашга чақирди.

Президентимиз даъватига жавобан халқ, айтиш мумкинки, оёққа турди. Ўзбекистонни ўз ватаним деб ҳисоблайдиган, унинг қийинчиликларини шахсий қийинчиликларим деб ҳис этадиган фуқаролар чақириқни қизгин қарши олдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ жойларда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш борасида бутун жамоатчилик томонидан кенг кўламда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жипсликка, барқарорликка зимдан путур етказадиган ички ғанимликнинг энг ҳафвли ва ашаддий кўринишларидан бири коррупция, порахўрлик, рэкет бўлиб, у одамлар орасида аҳиллик ва осойишталикка раҳна солади. Жиноят оламининг «машҳур» намояндalarидан аксарияти фаолияти тегишли органларнинг изчил ҳаракати натижасида тугатилди. Лекин бу борада асло хотиржамликка берилиб бўлмайди. Бунинг учун аввало ҳамма ерда жамоатчиликнинг мавқеини оширмоқ лозим. Муаммоларни ҳал этишда, у ёки бу ҳодиса ва воқеаларга баҳо беришда, авваламбор, жамоатчиликнинг фикри ҳал қилувчи омил бўлмоғи даркор. Шу маънода, маҳаллалар фаолиятини жонлантириш, кишилар хатти-ҳаракатини назоратга олиш ниҳоятда муҳимдир. Ман-ман деган зўравонлар ҳам маҳалла аҳли олдида, жамоатчилик олдида ҳеч нарса қилолмаслигини яхши биламиз.

Одамлар кўнглига ишончсизлик уруғини сепадиган ички ғанимлардан яна бири — бу тўрачилик, сансалорликдир. Кишиларнинг эҳтиёжларига, ҳақли талабларига беписанд қараётган раҳбарлар, аслини олганда, сиёсатимизга раҳна солаётирлар. Уларнинг тўралашиб кетганлиги одамларда адолат деб аталмиш муқаддас тушунчага шубҳа уйғотмоқда. Топган-тутганини уй-жой қуришга сарфлашдек ота-боболаримиздан қолган анъанага кўра меҳнат кишиси ўз оғирлигини давлатга ташламай, деб банк идорасидан имтиёзли кредит сўраса-ю, уни «эртага келинг, индин келинг» деб овораю сарсон қилишса ёки умуман рад жавобини беришса! Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида бу ва шунга ўхшаш жиддий камчиликлар қаттиқ қораланди ва тегишли ташкилот-

лар фаолиятига муносиб баҳолар берилди. Аини пайтда халққа ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишларни жонлантиришга қаратилган тегишли ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган ғанимлардан яна бири бу — лоқайдлик ва бепарволикдир. Унинг энг хавфли жиҳати шундаки, лоқайдлик кўзга кўринмайди, лекин ундан келадиган зарар ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бепарволик бор жойда энг яхши фармонлар ҳам, пухта ўйлаб тузилган тадбирлар ҳам амалга ошмай, қоғозларда қолиб кетаверади, ишда олға эмас орқага кетиш, депсиниш бошланади, кишиларда ишончсизлик пайдо бўлади.

Ташаббус кўрсатмай, мавжуд имкониятларни қидирмай, ҳамон боқимандалик кайфиятида фаолият юритаётган айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзимизни ўнглаб олишимизга, тараққиётимиз суратларини тезлаштиришга тўғаноқ бўлмоқдалар. Эл манфаати, юрт манфаати, олдимизда турган буюк мақсадлар манфаати бундан кейин ана шундай кайфиятдаги раҳбарлар билан муроса қилиш мутлақо мумкин эмаслиги масаласини кун тартибига ниҳоятда қатъий қилиб қўймоқда.

Жойларда рўй бераётган боқибеғамлик, хўжасизликларнинг сабаби нимада экан, деб ўйланиб қоласан киши. Одамлар билан суҳбатлашганда, таҳририятимизга келаётган хатлар билан танишганимизда назорат ва талабчанлик, раҳбарларда шахсий масъулиятни ҳис этиш бўшашиб кетганлиги кўпроқ кўзга ташланмоқда. Аслида, бозор тизимига ўтилиши муносабати билан эркин иқтисодий ҳаракатга шароит яратиш мақсадида назорат қилувчи баъзи идоралар қисқартирилган эди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, инсофсизга эрк бериб бўлмайди. Чинакам иқтисодий эркинлик шароитида фаолият юритишга айримларда инсоф ва диёнат ҳали етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шу сабабдан ҳам назорат ва талабчанликни кучайтириш орқали тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш даркор.

Ишчи ва хизматчиларнинг кундалик меҳнатдан сўнг уйга етиб олишига транспорт ўз вақтида топилмаса, тоби қочганда қўнғироқ қиламан деса, телефони «соқов» бўлса, бир амаллаб «тез ёрдам» билан боғланса-ю, уни соатлаб кутса, дардига малҳам изласа-ю лекин керакли дори-дармон топилмаса?! Қани, айтингчи, шундай аҳвол билан бундан кейин ҳам муроса

қилиб бўладими? Инсон турмушига, бинобарин, кайфиятига таъсир қиладиган бундай нуқсонларни ўзимизга эп биламизми?! Президентимизнинг Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида оддий меҳнат аҳли гамини ейишга, уни ҳар тарафлама ҳимоя қилишга, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган кўзга кўринмас ганимларга қарши шафқатсиз кураш очишнинг кенг қамровли улкан дастури белгилаб берилди.

Яхши яшашимизга, юксалиш суръатларимизни тезлаштиришга, истиқлол неъматларини тотимизга халақит бераётган шахслар ҳаракатини, таъбир жоиз бўлса, манзил сари елиб бораётган бедов оёғига тушов ташламоқчи бўлган ганимларга таққосласа бўлади. Уларга қарши курашда барча вазирликлар ва идораларнинг, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни ва мавқеи бор. «Ўзбекистон овози» ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг халқ оммасининг мададига таянган ҳолда бу борадаги ишларни жонлантиришга даъват этилганлигини яхши ҳис қиламиз. Камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш бундан кейин ҳам газета фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб қолади.

Юртнинг асл эгалари — бизнинг ўзимиз. Юртимизда шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда, хўжалик, корхона ва ташкилотларда тартиб ўрнатиш, тегишли раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш, камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташлаб, уларни собитқадамлик билан тугатиш йўлида ўзимиз жон куйдирмасак, биров бизга четдан келиб тартиб ўрнатиб бермаслигини ҳар биримиз тушунмоғимиз даркор. Ўзбекистонликман деган ҳар бир инсон борки, юрт шаъни, Ватан шарафи, миллат обрўси йўлида жон чекиб меҳнат қилиши, нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлиши даркор. Ҳозирги давр, унинг мураккаб муаммолари, халқ манфаатлари ҳар биримиздан шуни талаб қиляпти.

**«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 23 июль.**

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТИ

Дунёда байрамлар кўп. Мамлакатда ҳам байрамлар кўп. Бир турфаси борки, ийди умумий, яъни — сизники ҳам, бизники ҳам.

Яна бир гап шуки, байрамни санадан фарқламоқ керак. Етмиш тўрт йил тугал саналарни санаб адоғига етмадик. Юртимиз манглайига қуллик тамғаси урилган саналарни ҳам миямизга байрам дея тиқиштирдилар. Биз ҳам уларнинг байрам эканига ишондик. Ҳар йили еттинчи ноябрь куни кўчаларни тўлдириб оққанамизга бугун ўзимиз ишонмай турибмиз.

Ёдингизда бўлса, аввалига Наврўз қайтиб келди. Наврўз учун курашда халқимизнинг истиқлолга ташналиги бўй кўрсатди. Наврўз тикланиши — халқимиз шаъни ва шавкати тикланиши жараёнида биринчи босқич бўлди. Шу сабаб, бу гўзал байрам биз учун ҳам баҳор ва ҳам озодлик учун курашиш тимсолига айланди.

Бор-йўғи уч йил ичида кўзқарашимиз бу қадар ўзгаради, деб ҳеч ўйламаган эдик. Бу ҳам — истиқлол шарофати. Истиқлол сабоқлари истиқлол нашидаси қадар зўр ва суръатлидир.

Диний байрамларнинг тикланиши ҳам миллий ғурур камолоти билан боғлиқ. Бугун ийди рамазон ҳам, ийд ал-фитр ҳам истиқлолнинг узвий йўлдошлари каби ид-рок этилади.

Мустақиллик байрамининг аҳамияти нимада?

Бундай савол шаккоклик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо шу хил савол мамлакат Президентининг тилида янграгани масала моҳиятига чуқурроқ боқишни тақозо этмайдими?

Дарвоқе, Президент бу саволни янада кескинроқ қўйди: **Ўзбекистон мустақиллиги кимга ва нима учун керак?**

Албатта, истиқлолни иймон иши деб тушунган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли жавобни топиш учун эмас, балки мустақиллик ва унинг муборак номини олган байрамнинг аҳамиятини яна бир карра баҳолаш учун айтилгани аниқ.

Президент таъкидладики, халқимиз бу муборак кунни неча асрлар давомида орзу этди, унинг бу орзу йўлида чеккан жафолари беҳисоб. Қадриятлар топталди, удумлар мазах этилди, миллий онг захарланди.

Дўппи кийган, рўмол ўраган ўзбек зоти борки, масхара қилинди, тазийқ остига олинди.

Авваламбор, деди Президент, мустақиллик, бу — шу халқнинг, шу миллатнинг ўз тақдирини ўз қўлига олгани. Ўз урф-одатлари, удумларини тиклагани. Ўзига хос ва ўзига мос йўлни тутгани. Булар — оддий ҳақиқат. Буюк ҳақиқатлар шундай оддий бўлади. Буюк ҳақиқатлар турли чиройли сўзлар ва иборалар либосига бурканишга зор эмас.

Истиқлол, мустақиллик моҳияти шуки, у давлатни давлат этади, миллатни миллат этади, унинг шарофати билан давлати ва миллати қудратини англаган, сезган, онги ва иймони тугул, жисмининг ҳам ҳар бир хужайрасига сингдирган инсонлар авлоди нафақат ўзи, балки келажак авлодлар учун баркамол ҳаёт тузишга бел боғлайди.

Эл не деб топғай мениким, мен ўзимни топмасам.

Ҳазрати Навоий бу сўзларни худди миллатимизнинг бугунги кунини кўзлаб айтгандай. Унинг ёд этилмиш сатри бугун ҳар биримизнинг умримиз шиорига айланса арзигулик.

Озодлик боис, миллий мафкура, миллий онг тушунчалари қайтадан ва янгича шиддат билан жунбушга келди. Давлат, жамият, оила қадар барча ижтимоий кўламларга таъсир ўтказди. Мамлакат тараққиёти одимларини белгиловчи мезонга айланди.

Миллий мафкура — шунчаки тор тушунча эмас. Жамият мақсади адолат этиб олинган экан, мафкурамиз маҳдудлик ва биқиқликка рағбат бермайди. Мамлакат Президенти шу жиҳатни алоҳида таъкидлаб айтдики, мана шу муқаддас заминда яшаётган, мана шу муқаддас заминни ўз ватаним деб юракдан ҳис этган, шу ватан ўтмиши, бугуни ва келажagini ўйлаганда жони жизиллаб турган ҳар бир инсонга, унинг миллати ва мазҳабидан қатъи назар, муносиб ҳаёт қурмоқ керак.

Бунинг учун замин бор. Замин шуки, улуғ тарихимиз, чексиз маънавий меросимиз, моддий бойлигимиз, меҳнатдан қочмайдиган заҳматкаш халқимиз бор.

Буларнинг бариси бир-бирига зарб этилса, шундай қудратли омилга айланадики, мўътабар заминимизда яшаётган фуқаролар ва уларнинг азиз фарзандлари учун муносиб ҳаёт яратиш мақсади табиий бир ҳол сифатида англанади.

Президент биздан мана шу оддий мақсад ва оддий ҳақиқатни англашни талаб этмоқда. Бунга унинг маъ-

навий ҳаққи бор. Негаки, унинг пешонасига ана шу гоёга жонини тикмоқ ёзилган. Масъулияти ҳам шунга яраша.

Ватанни ўзи каби севмоққа чорлаётган кишини мақташ, кўларга кўтариш асло шарт эмас. Фуқародан талаб этиладиган вазифа ҳам жуда оддий — меҳнат ва журъат бобида имкон қадар ҳамкор бўлиш.

Мустақиллик ҳақида гап кетаркан, баландпарвоз гаплар ва қуруқ мадҳияларни четга суриб, зикр этилмиш оддий ҳақиқатни янада оддий қилиб халқ онгига етказиш бугунги асосий вазифадир.

Тантанавор байрам ва жиддий сарфу харажатлар не учун керак, деб сўраган ҳар бир кишига ҳам ана шу оддий ҳақиқатни эслатиш даркор.

Яна шунинг англамоқ керакки, мустақиллик учун кураш истиқлол кунига етиш ва уни байрам деб белгилаш билан тугаб қолмайди. Мустақиллик — ҳар кунлик меҳнат. Оғир, машаққатли ва шарафли меҳнат. Истиқлол ўз мевасини бермоғи учун бизнинг саботимиз керак.

Мустақиллик байрамининг аҳамиятини сўз билан ифода этиш қийин. Уни барчамиз юрак билан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик байрами — биз учун ягона байрам. Энг миллий ва энг ўзбекона байрам. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз жонланади, чирой очади, ораста бўлади. Бу байрам фуқарони фаолроқ ва фидойироқ бўлишга чорлайди, қийинчиликлардан чўчимасликка, эртанги фаровон кун шукуҳини англаб етишга, керак бўлса, ўшал орзиқиб кутилаётган кунлар ҳаққи ҳурмати учун барча ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечишга ўргатади.

Вақт — энг катта муаллим, деган бир ҳикмат бор. Озодликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол кунини — халқимизнинг қадимий тарихида янги фаслни, умидлар барқ уриб гуллаган фаслни бошлаб берди. Илло, бу фасл ғунчалари беҳато очилажак. Биздан талаб этилаётган нарсаларнинг моҳияти ҳам оддий — жипслик, меҳру оқибат ва меҳнат.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида бизга яна бир бор эслатган оддий ҳақиқатларнинг маъноси ҳам ана шунда.

«Ўзбекистон овози»,
1994 йил 16 август.

«НИЯТИМ ХАЛҚ ОРЗУ-АРМОНЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ»

— Азим Суюн Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 72-Зомин сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган ва рўйхатга олинган.

Азим Суюн (Азим Алимович Суюнов) 1948 йилда Самарқанд вилоятининг Нурота туманидаги Накурт қишлоғида (ҳозир Пойариқ туманига қарашли) деҳқон оиласида туғилди. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

У ўзининг меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлади. Ҳарбий хизмат бурчини ўтаб қайтгач, Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимида таҳсил олиш билан бир пайтда пойтахт қурилишларида ишлади. Кейинчалик «Тошкент университети» кўп нусхали газетасида адабий ходим, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррирлик қилди. Университетни битиргач, Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасида адабий маслаҳатчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, «Халқ сўзи»да бўлим муҳаррири вазифаларида ишлади. Ҳозирги пайтда «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири лавозимида меҳнат қилмоқда.

Шоирнинг ўндан ортиқ китоблари ўзбек тилида чоп этилган. Серқирра ижод намуналари инглиз, араб, рус, турк, қozoқ, қирғиз, тожик ва бошқа тилларда нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси.

Замоннинг бугунги томир уришини дилдан ҳис этган таниқли адиб ва журналист «Ўзбекистон овози» газетаси жамоасига етакчилик қилиш билан бирга Президент Фармониغا биноан таъсис этилган Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази кенгаши аъзоси сифатида ҳам энг эзгу ғояларни илгари сурмоқда. Оилали, беш нафар фарзанди бор.

— Азим ака, Сиз «Ўзбекистон овози» газетасига бош муҳаррир бўлмасингиздан анча аввалроқ халқ назарига тушган эдингиз. Мамлакатимиз нуфузли газеталаридан бирига раҳбар бўлганингиз эса, назаримда, Сизни халққа янада кўпроқ яқинлаштирди. Лекин бугунги сайловчи обрў-эътиборига қараб эмас, балки депутатликка номзоднинг дастурига қараб овоз беради.

Шундай эмасми?

— Аввало, шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, бу галги сайловлар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг биринчи бор демократик йўсинда, яъни кўппартиялилик асосида ўтказилаёпти. Иккинчидан, янги Олий Мажлис илгариги парламент идорасидан мутлақо фарқ қилади. Негаки, у жаҳон андозаларига мос олий ваколат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва келажагини белгилловчи қонунлар, қарорлар ва бошқа устивор ҳужжатларни қабул қилади. Шу боис ҳам бўлажак сайловда қатнашаётган номзод депутатлик маъсулиятини аввалбошданоқ чуқур ҳис этиши лозим.

Энди депутатликка номзод сифатида менинг сайловолди дастурига келсак, у — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сиёсий дастурига ҳамоҳангдир. Кўпчиликнинг ижодий маҳсули саналмиш мазкур ҳужжатда жамият, давлат, халқ, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор устивор масалалар қамраб олинади. Партиянинг сиёсий дастури «Ўзбекистон овози»да эълон қилинганлиги учун у ҳақда батафсил тўхталмайман. Бевосита ўзимнинг ўй-режаларимга келсак, мамлакат Олий Мажлиси депутати бўлиш учун чиройли дастурнинг ўзи кифоя эмас, деб ўйлайман. Сиз халққа яқинлашиш ҳақида гапирдингиз. Ҳар бир инсон ўз Ватани ва халқининг кичик парчаси ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган ижтимоий муҳитнинг мўъжаз умумлашмасидир. Унда, дейлик, менда ёхуд сизда шу юрт, шу элнинг ижобий ёки салбий хусусиятлари акс этади. Шу маънода, мен ҳам ўзимда халқимизнинг илғор маънавий хусусиятларини тўплашга уриниб, не-не ташвишли ва қувончли кунларни бошдан кечирган юртимга муносиб фуқаро бўлишга интилиб яшаяпман. Ижодкорлар табиатан халқ билан ҳамнафас бўлиши керак. Мен ҳеч қачон ўзимни халқдан айри ҳолда тасаввур этмаганман. Таржимаи ҳолим бунга гувоҳ. Меҳнат фаолиятимни оддий ишчиликдан бошладим. Армия хизматидан сўнг Тошкент қурилишларида ишлаганман. Бу боис халққа таяниш, халқдан мадад олиш, у билан бамаслаҳат иш юритиш кўнглимда яшаётган доимий муддаомдир.

Ҳаётимизда матбуотнинг, қаламнинг қудрати, кучи беқиёс. Ҳукуратимиз ва халқимизнинг менга билдирган жуда катта ишончи «Ўзбекистон овози» сингари отахон ва номдор газетага бош муҳаррир бўлиш маъсулиятини зиммамга олишга далда берди. Мен халқимизнинг тур-

ли табақалари — деҳқонлар, ишчилар, зиёлилар фаровонлиги учун хизмат қилишга бел боғлаганман. «Ўзбекистон овози» бутун халқимизнинг газетасидир, бутун халқимиз билан нафақат яқин, балки бир тан, бир жондир. Ниятим ана шу кучни халқ орзу-армонлари рўёбга чиқиши учун сафарбар этишдир. Дабдабали ваъдалар бериш, сайловчиларни бажариб бўлмайдиган ишларга, хаёлот оламига чорлаш фикридан йироқман. Бугунги кунда биринчи даражали вазифа ислохотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини яхшилаш, кучли ижтимоий ҳимоя ва соғлом авлодни шакллантириш сиёсати учун курашиш, маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтариш, ҳамма жойда мустақкам тартиб ва интизом ўрнатиш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллашни таъминлаш устивор вазифалардир. Депутатнинг бурчи ушбу масалаларни очишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар, дастурларни рўёбга чиқаришдир. Яна аниқроғи, назаримда, дастур — ижтимоий-сиёсий программдир. Депутат фақат ижтимоий фаол шахс эмас, балки жамоат ва сиёсат арбобидир. Шу маънода, менинг депутатлик дастуримда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мақсад ва вазифалар қамраб олинган. Дастурнинг асосий мақсади — номзодим қўйилаётган минтақанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволини яхшилашдан иборат. Мен бу мақсадимни ҳукуматимизнинг янги сайланадиган парламенти эътиборига бутун бўй-басти билан ҳавола этишимга кўзим етади. Чунки дастурни тайёрлашда сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа бир қанча соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб ишладим. Ҳозир «ундоқ қиладурман, мундоқ қиладурман» қабалида ваъдалар беришим нокамтарлик бўлур эди. Умуман, бу мавзуда кўп гапириш мумкин, лекин мен амалий ишлар ҳақида сўз юритиш тарафдориман.

— Сиз Тошкентда яшайсиз ва фаолиятингиз ҳам шу ерда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодингиз Жиззах вилоятидаги 72-Зомин сайлов округидан кўрсатилган. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Депутатлик лавозим ҳам, мансаб ҳам, имтиёз ҳам эмас, балки қора меҳнатдир, халқнинг меҳнатига камарбасталиқдир. Менинг тушунчамда Ватан ягона бўлиб келган. Ўзбекистон ягона, унинг ҳар бир нуқтаси, ҳар бир гўшаси — шу ўлка фарзандиман, деган

одам учун азиз, мукаррам. Менинг Тошкентда яшашим ёки Зоминда яшашим ёки Қорақалпоғистоннинг олис бир бурчагида яшашим Ватан олдидаги бурчимни адо этишимга халал бермаслиги керак. Президентимиз Ислам Каримов ўтган йилнинг апрель ойида Жиззах вилояти кенгаши сессиясида айрим раҳбарлар ўртасида тарқалган маҳаллийчилик ва уруғчилик кайфиятини танқид қилиб, шундай деган эди: «...Агар шу ярамас иллатлардан қутилмас эканмиз, биз ҳеч қачон ҳақиқий миллат бўлиб шакллана олмаймиз. Илгари бу кайфиятга зимдан ва атайлаб рағбат берилар эди. Бугун биз, бутун Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, Ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турганимизда, «Сен — зоминликсан», «сен — форишликсан» ёки «сен — жиззахликсан» деб тоифакашлик қилиш гуноҳи азим эмасми? Қачон биз халқ бўламиз?!» Ишончим комилки, жиззахликлар, бинобарин, зоминликлар ҳам Президентимизнинг бу сўзларини дилларига жо қилишган. Мен қалам тебратганимда ҳам алоҳида минтақа учун эмас, умуминсоний қадриятларни дилимга тугиб ижод қиламан. Бугун умрим давомида майда маҳаллийчиликка қарши курашиб келаман. Қолаверса, мен Самарқанднинг Нурота тоғларида туғилиб, ўсганман. Зомин ҳам тоғли минтақа, менинг киндик қоним томган юртга кўп жиҳатлари билан ўхшайди. Мен шу кунларда пойтахт шаҳарда яшасам-да, қалбан ўзимни тоғ кишиси деб ҳисоблайман. Тоғликларнинг турмуш тарзини, кайфиятини, муаммоларини яхши биламан. Зоминликларнинг қувонч ва ташвишлари Нурота тоғларида мени соғиниб яшаётган онамнинг, оға-ини, ака-укаларимнинг қувонч ва ташвишларига ўхшашдир.

— Сизга муқобил қўйилган номзод зоминлик. Унинг имкониятлари кўпроқ эмасмикин? Сайловчилар зоминликлар-ку, демоқчиман-да... Бу сизни чўчитмаяптими?

— Йўқ. Депутатликка номзодлар қўйилиши ҳам ўзига хос кураш. Бу курашда ғолиблар ё мағлублар эмас, балки зиммасига кўпроқ масъулият тушганлар бўлади.

Зоминнинг бағри кенг, меҳнаткаш, самимий, ориятли, ғурурли халқи мени ягона Ватанимиз фарзанди сифатида тушунадилар, деб ўйлайман. Муқобил номзодимга катта ҳурмат билан қарайман. Қалбида халқ ишончини қозониш истаги бор экан, унга зафар тилайман. Кимнинг кўпроқ овоз олишини эса сайловчилар ҳал қилишади. Мен бир бутун Ўзбекистон давлати туй-

ғусини дилида эъозлаган зоминликларга ишонганим учун ҳеч нарсадан чўчиганим йўқ.

— **Айтайлик, бўлажак сайловларда сиз ғолиб чиқиб, Олий Мажлис депутаты бўлдингиз. Депутат сифатида биринчи амалга оширадиган ишингиз нимадан иборат бўлади?**

— Ҳозир биз сайловолди курашнинг илк босқичида турибмиз. Сайловчилар билан яқиндан танишиш, уларнинг ўй-фикрлари билан ошно бўлиш учун кўп иш қилиш керак. Яхшиси, бу саволингизга кейинроқ жавоб берсам...

— **Аввалги сайловлар билан эртанги сайловнинг фарқи, бугунги депутатлар билан эртанги сайланажак депутатларнинг олдига қўйиладиган вазифаларнинг фарқи ҳақида кўп гапирилмоқда. Лекин кечаги сайловчи билан бугунги сайловчи ҳам фарқ қилади-ку! Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?**

— Бугунги сайловлар тўла маънода мустақил давлат ҳудудида ўтаётган эркин, демократик сиёсий тадбирлардир. Илгариги сайловларда совет тузумининг асорати сезилиб турарди. Улар юқорининг кўрсатмаси билан аввалдан тайёрланган сценарий асосида ўтарди. Бугунги сайловларда эса мустақиллик руҳи яққол сезилиб турибди. Сайловчилар ҳам мустақил фикрлайдилар. Улар ўз қарашларига, позицияларига эга. Ҳар бир номзод ҳақида бемалол ўз фикрларини изҳор эта оладилар. Улар кимни депутат қилиб сайлашни, кимга овоз беришни жуда яхши билишади. Бу сайловларнинг демократик шароитда ўтаётганидан, сайловчиларнинг юксак сиёсий маданиятидан дарак беради.

Қайтариб айтаман, бугунги депутатни мустақил мамлакатнинг сиёсий арбоби дейиш мумкин. У ишчи бўладими, деҳқонми, врач бўладими, давлат арбобими, бундай қатъи назар, парламентда ўз овозига эга. Бугунги депутат ҳар жиҳатдан — ҳам иқтисодий-сиёсий, ҳам маданий-маънавий жиҳатдан билимдон бўлиши шарт. Зеро, истиқлолнинг истиқболи бугунги депутат зиммасига ана шундай масъулиятни юклайди.

Тагин бир гап. Илгарилари айрим номзодлар овоз олиши учун ўз округларида ноёб буюмлар савдосини ташкил қилишган. Сайловчилар «умри қисқа» бу хизматга лаққа ишонишган эди. Эндиги сайловчи бунақа тузоққа илинмайди, албатта. Қолаверса, эндиликда халқнинг эътиборини бундай йўл билан жалб этиш қонунга хилоф деб баҳоланади. Сайловчиларни ҳавойи

гаплар билан маҳлиё қилиш, депутат вазифасига кир-майдиган ишларни бажаришга ваъда бериш ҳам кескин қораланди.

— Бизга ўзингиз, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз. Ўйлаймизки, бу газетхонларни ҳам, сайловчиларни ҳам қизиқтирса керак?

— Дарвоқе, оилам... Аёлим ТошДУнинг тарих факультетини битирган, ҳозир номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораяпти. 5 нафар фарзандим — икки қиз, уч ўғлим бор. Яқинда, худога шукур, бобо ҳам бўлдим.

Суҳбатдош Абдужалол ҚАЮМОВ.

«Истиқбол сари»,
1994 йил 15 декабрь.

МУҚАДДАС ТУРКИСТОН ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида кўрилган масалалар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги, буюк келажагимиз йўлидаги муҳим қадамлар бўлиб қолди. Айниқса, сессияда Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзлаган нутқ бундан кейинги маънавий-маданий ҳаётимизда, фаолиятимизда улкан аҳамият касб этажаги шак-шубҳасиздир. Юртбошимиз ўз нутқида халқимиз кўнглидаги энг азиз туйғуларни уйғотишга қодир масалаларни тилга олиб ўтди. «Тасаввур қилин-ги, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади, — дейилади мазкур нутқда. — Бундан чиқарадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир».

Дарҳақиқат, мана шу сўзларнинг мағзини чақиб кўрсак, ота-боболаримиз неча йиллардан бери орзу қилган, курашган, қурбонлар берган улуғ гоё — Туркистон халқларининг аҳиллиги, қон-қардошлиги, тинчлиги ва ҳамкорлиги давримизнинг энг муҳим, ҳаётий долзарб масаласи эканлиги ойдинлашади. Қолаверса,

бу улуғ орзу-ниятларнинг юксак минбардан айтилиши, бу ҳаракатга ёзувчилар, зиёлилар, маданият ходимлари даъват қилиниши ҳар қандай ижодкорни ҳам тўлқинлантиради.

Тўғри, биз авваллари ҳам ўзаро дўстлигимизни, яқин ҳамкор-ҳамфикрлигимизни ҳурматлаб-эъозлаб келардик. Масалан, дейлик, ўзбек тилига жуда кўплаб қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ адиб ва шоирларининг асарлари таржима қилинган, адабий ва маданий алоқаларимиз озми-кўпми бор эди. Шунингдек, ўзбек ёзувчилари, шоирларининг китоблари ҳам шу халқлар тилларига ўгирилган, китоб бўлиб чиққан. Шу жумладан, менинг шеърларим ҳам. Ёки, адабий давраларда туркий халқларнинг яқинлашувини орзу қилиб гапирган вақтларимизда ҳам биз бу ғоянинг келажак учун муҳимлигини ҳис қилардик. Лекин, энди шундай бир давр келдики, бу ғоя янада долзарблик касб этди, Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи барча аҳоли учун ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Юртбошимизнинг ўткир сўзлари биз ёзувчиларни янада фаолроқ, янада жонбозроқ, аҳилроқ бўлишга чақирадики, токи халқларимиз Туркистон ғоясининг моҳиятини теранроқ англашлари учун масъуллигимиз ортади.

Менинг қозоқ ижодкорлари орасида ҳам, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ зиёлилари орасида ҳам яқин дўстларим кўп. Менинг кўнглимни улар яхши билгани каби, мен ҳам уларнинг дилидаги олий орзуларни чуқур тушунаман. Ишончим комилки, Президент Ислам Каримов ўртага қўйган масала: «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланувчи жамоатчилик ҳаракати, унинг мазмун-моҳияти, келажак учун нақадар муҳимлиги ижодкор дўстларим қалбларида ҳам акс-садо уйғотади, ҳеч ким-ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳа, азизлар, улуғ орзулар, ёрқин келажакимиз йўлида амалий ишлар бошлаш даври келди!

Мен анжуман залида мана шундай умидлар оғушида тўлқинланиб ўтирдим...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1995 йил 12 май.

УЛУФ ДАРГОҲГА ТАЪЗИМ

— Мен университетнинг журналистика факультетида 1971—77 йилларда ўқиганман. Менинг энг яхши йилларим шу ерда қолди. Ҳам ўқидик, ҳам уқдик. Бу муқаддас даргоҳ нафақат илм даргоҳи, балки ҳаёт университети ҳамдир.

Мен у йилларимни ёрқин хотираларим билан эслайман. Бугунги университет талабаларига ҳавас билан, ихлос билан қарайман. Чунки, улар мустақил Ўзбекистоннинг талабалари. Бизлар ғоявий мустабидлик даврида ўқидик. Маълум қобик, чегаралар ичида яшадик.

Ёшлик йилларини талабалик билан ўтказганга нима етсин. Ҳозирги ёшлар олаётган билимлар бизникига қараганда бошқача. Биз ўқиган даврда ҳатто Яссавийни бошқача ўқитишарди, Чўлпоннинг машҳур романини яширин ўқиб, қўлма-қўл кўчириб ёдлаганларимиз ёдимда. Шу боис бугунги талабаларга тилагим Ўзбекистон мустақиллигининг қадрига етсин дейман. Озодлик, эркинлик, ҳурлик байроқларини баланд кўтаришсин дейман.

Домларимизга сиҳат-саломатлик тилайман. Уларнинг яхшиликларини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Уларга истагим: бизга айтолмаган, айтиши мумкин бўлмаган ҳур фикрларини, озод мушоҳадаларини бугунги талабаларга етказсинлар.

«Тошкент университети»,
1995 йил 14 сентябрь.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!

Янги юз йилликнинг бўсағасида Туркистон халқларининг йўллари бирлашади. Халқларнинг тақдирлари, етакчи ғоялари, ҳурриятлари, мактаб ва китоблари, дорилфунун ва сабоқлари уйғунлашади янги аср бўсағасида. Юз йилликнинг остонасида халқларнинг осмонлари, тупроқлари, дарёлари, яйловлари бир-бирига қўшилади. Халқларнинг қўшиқлари бир-бирига қўшилади XXI аср остонасида. Осмонлар қўшилиб битта баланд ва мусаффо осмонни, тупроқлар қўшилиб Туронзаминни пайдо қилади. Энди туркий эл-элатлар айтган туркуларни тушунмоқ учун тилмочга эҳтиёж

йўқ. Энди мутаржимга зарурат йўқ қўшиқни, сўзни, қувонч-кулгуни ҳис-идрок этмоқ учун. Қўшиқлар қўшилиб битта забардаст қўшиқ, дарёлар қўшилиб битта катта дарё, маконлар қўшилиб ягона иқтисодий макон пайдо бўлмоқда. Иморатлар бирлашиб, Шарқнинг нақ юрагида бемисл мустаҳкам бир қаср бунёд бўлади. Ҳодисалар қўшилиб дунёнинг нақ марказига тарихий бир ҳодиса содир бўлаётир. Бозорлар қўшилмоқда, созлар, овозлар қўшилмоқда. Энди бу ҳодисани куйламоқ учун шунга яраша соз бер, овоз бер! Энди бу маскани юрагимизга жойлаб, юрагимизда асрайлик! Қадимга пойдевор устида янги Туркистон қад ростламоқда. Эй қари дунё, кўр ва ҳавас қил бизга — «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!»

* * *

Бугун тунда ухлай олмадим. Тунда осмон янада улканлашиб кетгандек, юлдузлар осмонни янада кенгайтириб юборгандек туюлади. Юлдузлар тартиби — сирли харитага ўхшайди. Шу дақиқада қадим Туркистон тупроғидаги чироғи ўчмаган барча уйларнинг дарвозаларидан юлдузлар харитасига боқаман. Бутун Туркистон битта одамга, осмон фақат Туркистоннинг осмонига айланиб боради. Мана бу юлдуз Ўзбекистон, бу юлдуз — Қозоғистон, буниси — Қирғизистон, бу — Туркменистон, у эса — Тожикистон, дейман ичимда ва уларни бир-бирига боғловчи чизиқ тортиб чиқаман. Бешта юлдузни бир-бирига боғлаб қўяман. Энди улар ҳеч қачон бир-бирларидан ажралмайдилар.

Марказий Осиё минтақасида эллик миллиондан ортиқ аҳоли яшайди... Тагин юлдузларга боқаман. Ва шу бешта порлоқ юлдузни бир-бирига боғловчи эллик миллиондан кўпроқ нурли риштани кўраман. Нурдан бутун Туркистон осмони зиёга чулғанди. Яна яхшироқ қарайман. Ва шу бешта юлдузнинг ғоят қадим замонлардан буён бир-бирига жуда мустаҳкам қилиб боғлангани, бешта юлдузнинг бу тизимини на чақмоқлар, на момогулдураклар буза олмаслиги идроким қатларига етиб келади.

Йўлларнинг энг ёруғи Сомон йўлидир. У Ерни Само билан боғлайди. Одам билан Оллоҳ ўртасида кўприкка ўхшайди. Бу ёруғ кўча бешта юлдуз — Туркистон юлдузлари масканидан янада юқорига ўтиб кетади.

Осмон ойдин тортаётган Туркистон иқболидай оқарди. Тонгда кўчага чиқаман. Туркистон осмонига

куёш чиқади. У бутун Туркистоннинг замини самосини бирдан, бир пайтда, бир хил ёритади, Туркистоннинг куёши — Мустақиллик куёши. Туркистоннинг куёши — Келажакнинг куёши.

Йўқ, йўқ, Туркистоннинг ўзи дунёнинг куёшига ўхшайди. Ахир, ҳар бир туркистонлининг юраги, икки қароғи ва пешонасида чарақлайди-ку шу Куёш! Ахир, Туркистонда қурилаётган катта-кичик ҳар бир уй ўз деразаларини кенг очади-ку шу Куёшга. Туркистон ўзи Куёшга қараган битта катта уй эмасми?! Мен Куёшга салом бераман, Куёш ҳам таъзим бажо келтиради: «АС-САЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!»

* * *

Оламда халқлар бирлигидан кўра қудратлироқ куч йўқ! Бу бирлик янги замоннинг ҳам талаби, ҳам эҳтиёжи. Бу бирлик янги Марказий Осиё давлатларини Туркистон халқларининг саодат манзилларига бошлаб борувчи ягона тўғри йўлдир. Янги замоннинг ягона тўғри йўли — Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий уйғунлашуви. Шунда бешала мустақил давлатнинг ҳам ҳарбий-мудофаа қудратини ошириш, халқ хўжалиги — бутун инфраструктурасини ривожлантириш учун кенг уфқлар очилади.

Марказий Осиё минтақаси иқлим шароити, жуғрофий жойлашиши, ер ости ва ер усти захираларининг сероблиги, ишчи кучи ресурсларининг кўплиги билан ҳамisha чет давлатларнинг эътиборини тортиб келди. Умунан жаҳонда санокли бўлган, космик фазони илмий тадқиқ этиш — ўрганиш марказларининг энг йирикларидан бири — Бойқўнғир космодроми шу минтақада жойлашган. Ўз космодроми, ўз денгизи, нефть-гази, олтин, қимматбаҳо металллар, кучли энергетика базаси, йирик алюминий заводлари мавжуд минтақада ягона иқтисодий макон барпо этиш ўлканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини кучайтиради. Бу иқтисодий бирлик бизни катта жаҳоннинг катта цивилизациясига қўшади, бирлаштиради. Юксак цивилизация йўлидаги катта жаҳон биз томон юз буришга зарурат, биз билан юзма-юз бўлишга, биз билан ҳисоблашишга ижтимоий эҳтиёж сезмоқда. Ва айтмоқдаки: «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!»

Асрларча фурсат мобайнида зиёлиларимиз Туркистон рамзини сабр дарахти тимсолида кўриб келдилар. Энди сабр дарахти тимсолига таҳрир киритиш, бешта

улкан шохлари бирлашиб, туташиб кетган қудратли чинор дарахтини УМИД ДАРАХТИ деб аташ фурсати етди. Зотан, ана шу умид дарахтини ниҳоллигидан эъзозлаб, унга умр бахш этишда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қарвонбоши эканлиги, қардошларнинг илк Халқаро қурултойига ташаббускор бўлганлиги тарих солномасида мангу муҳрланиб қолади.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, УМИДЛАР ДАРАХТИ — ТУРКИСТОН!

Мағжон ЖУМАБОЙдан

ТУРКИСТОН

Туркистон — икки дунё эшигидир,
Туркистон — Ер туркининг бешигидир.
Туркистонда туғилишдай энг ажиб бахт
Туркийларга Тангри берган насибидир.

Қадимда бул юрт номи эди Турон,
Туронда мард туркийлар тутган макон.
Туроннинг тақдири бор айқаш-уйқаш
Бошидан кечган унинг не бир замон.

Туроннинг гармселдай тарихи бор,
Ўт бўлиб кўкка ўрлар у шиддаткор.
Туроннинг ерин-сувин ёддан билган
Туркийга теран хаёл ҳамиша ёр.

Туроннинг ҳадсиз-чексиз чўли қандай,
Денгиздай канори йўқ, кўли қандай!
Туроннинг дарёлари, ўзанлари
Бир тошса, чўлни босган сели қандай!

Туроннинг тоғлари бор кўкдан ошган,
Бошини мангу оппоқ сочлар босган.
Бағрида эрка булоқ ўйноқлайди,
Тоғ аро зилол сувлар тўлиб-тошган.

Чўллар бор, ел югурмас, сап-сариқ қум,
Мозордай, ҳеч бир ун йўқ, сукутда, жим.
Жон-жонивор бўлармиди чексиз қумда,
Ўйнаса пари ва жин ўйнар балким.

Туроннинг денгиз каби кўллари бор,
Мавж урар чексиз-ҳадсиз Денгиз — Орол.
Бир четда хосиятли Иссиқкўлнинг
Бағрида дунё кўрган туркий кўкёл*.

Окс, Яксарт — Жайхун, Сайхун оқа келган,
Туркийлар бул икковин дарё деган.
Муқаддас икки дарё ёқасида
Боболар мазори бор — азиз маскан.

Туроннинг Тёншондай тоғи қалай,
Жуфт бўлмас Тёншонга тоғлар талай!
Мард туркни беихтиёр олқишларсан
Кўкка теккан Хонтангрига қарай-қарай.

Балхашни оғушлаган Тарбағатай,
Жўтали, ер киндиги — Помир, Олой.
Қозиқурт хосиятли тоғ бўлмаса,
Тўфонда Нўҳ кемаси тўхтар қалай?

Туроннинг ери ҳам ёд, эли ҳам ёд,
Куюндай бошдан кечган куни ҳам ёд!
Шоҳлик қуриб, Туронни бийлаб турган
Мозийда энг машҳур хон Афросиёб.

Азалдан бу юрт чалган мардлик куйин,
Биласан тарих очсанг Турон жойин.
Хосиятли Туронга хумор бўлган
Аввалда Кайхисраву Зулқарнайн.

Ер юзида Турондай ер бормикан?
Туркийлар каби ё бир эл бормикан?
Ўтқир ақл, ўтли ғайрат, югурик хаёл,
Туроннинг эрларидай эр бормикан?

Туғилмас одамзотда Чингиздай мард,
Тубсиз фикр, темирбадан ва донишманд.
Чингиздай арслоннинг бир номи ҳатто
Одамнинг юрагига берар мадад.

Чингиздан — Чигатой, Ўгдей, Жўжи, Тўле,
Отага тортиб ўсган бари бўри.
Чингизнинг лашкарбоши — икки кўзи:
Йўлбарс Субутой ва кўкёл Жебе.

* *Кўкёл* — туркийларга муқаддас саналган Она Бўрига ишора.

Туроннинг Тарағайдай бийлари бор,
Ундан Темур туғилган — ўт шиддаткор.
Ўт сочиб ер юзига улуғ Темур,
Чақмоқдай чарақлаган такрор-такрор.

Туронни мақтамасман ўзим якка,
Шусизоқ номи кетган ҳамма ёққа.
Олим борми фалакнинг сирийн очиб,
Билимда тенглашолса Улуғбекка?!

Тоза қон — турк қонидир хосиятли,
Шул қондан — Ибн Сино Абу Али.
Сеҳр десанг арзийди мўл билимин,
Туғилдими бундай одам ерда ҳали?

Туркийнинг ким билмайди мусиқасин,
Форобий жаранглатди уд ноласин.
Чертганда тўқсон тўққиз турлантириб,
Юпаниб ким тиёлди кўзнинг ёшин?

Туронда турк ўйнаган мисли чақмоқ,
Туркдан бошқа ўт-олов жон борми шундоқ?
Туркийлар энчи олишиб тарқалганда
Қозоқда қолмаганми қора шангроқ?

Турон бул — арслонларга Ватан бўлган,
Туронда қозоғим ҳам хонлик қурган.
Қозоқнинг қашқа йўлли Қосимхони
Туроннинг талай ерин бийлаб турган.

Одил хон кам бўлмади Назардайн,
Алашга Есимхоннинг йўли тайин.
Тавкедай донишманд хон қурган экан
Қултўбанинг бошинда Қурултойин.

Бул Турон азалданоқ Алаш ери,
Туронсиз тарқалмаган ҳеч хумори.
Туроннинг тупроғида тинчлик топган,
Алашнинг арслони — Абилай эри...

Хуморлаб ким изламас туққан элин?
Тулпор ҳам қўмсамасми туққан ерин?
Шимолнинг шоввозлари — қалин Алаш,
Турон ҳам била билсанг — сенинг еринг!

Аввалда Окс, Яксарт — Жайхун, Сайхун,
Туркийлар дарё деган бул икковин.
Муқаддас икки дарё ёқасинда
Бобонгнинг мозорини топ ва сифин!

1922 йил, Тошкент.
Қозоқчадан Азим СУЮН ва Музаффар АҲМАД таржимаси.

«Ўзбекистон овози»,
1995 йил 21 ноябрь.

ҲАҚИҚАТ БОР ЖОЙДА ХАЛҚ БОР!

Абадиятнинг бўйи қадамлар билан ўлчанади. Мана, бугун улуғ соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур йилига, гўеки, унинг абадиятга дахлдор салтанатига кириб келдик. Ҳайрон бўлманг, мустақил мамлакатимизнинг ўтган йилдаги теран мазмунли ҳар бир куни соҳибқирон давлатчилигининг тарихига ҳисса бўлиб қўшилди. Уни бойитди. Соҳибқирон абадиятининг давоми — мустақил мамлакатимизнинг ҳар бир йили. Соҳибқирон давлатининг шон-шавкати, адолати, фаровонлиги ва ободонлигини бешинчи йилга қадам қўйган ИСТИҚЛОЛ қарор топтирмакда. Зотан, 1996 йилни Амир Темур йили деб беҳуда атамадик. Бу — жаҳонгирнинг қайтиши. Бу фуқаропарвар инсон номи билан боғлиқ бўлган Марказий Осиё Уйғониши — Ренесансининг қайтиши. Амир Темурнинг «Ёмонлиқдан яхшилиқ илгари керакдур» деган шиори ҳар биримиз учун 1996 йилнинг бош сарлавҳаси бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Келажак йил — мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий барқарорлик йили бўлади.

Турналар яна учиб кетди. Тоғларга яна қор тушди. Қорни яна соғиндик. Қорсиз, оламда оқлик озайиб қолганга ўхшайверади. Байрам арафасидаги нафас ростлаш онанда деҳқон ҳам, зиёли ҳам босиб ўтган йўлига бир қур назар солади. Ҳисоб-китоб қилади. Янги режалар тузади. Вазифалар белгилайди.

Ўтаётган йил таҳлилларга бой бўлди. Деҳқону раҳбарнинг, молиячию матбуотчининг меҳнати чуқур таҳлил қилинди. Айниқса, матбуот ишидаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Бу борада бир эмас, бир неча марта катта, давлат миқёсидаги анжуманларда

тўғри, топиб айтилди. Газета-журналларимизнинг бир хиллиги, журъатсизлиги, лоқайдлиги қаттиқ танқид қилинди. Ўзбек матбуотининг маълум даражада тор, биқик доирада ўралашиб қолгани ҳамда бунинг объектив ва субъектив сабаблари рўй-рост, очиқчасига муҳокама этилди. Куруқ танқид билан чекланиб қолмасдан, матбуот ва журналистлар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Журналист ўзи ким? Унинг ҳаракат майдони қаер? Бу майдоннинг чегараси борми? Бўлса қаерда? Қалам аҳлининг бу саволларга аниқ жавоб топиши жуда муҳим. Назаримда, журналист — ижтимоий ҳаётни ўрганувчи. У жамиятнинг табиби бўлиши керак. Унинг оғриқларига тўғри ташхис қўйиши, даволаш йўлларини кўрсатиб бериши зарур. Журналист тоғ оҳусидек сезгир ва зийрак бўлиши, овчидек барча айланма ва тўғри йўлларни билиши лозим. У — халқ юрагининг таржимони. Журналист ҳеч қачон ёлғон гапирмаслиги, ўз виждонига қарши ўлароқ қўлига қалам тутмаслиги керак. Зеро, унинг сўзи, яъни матбуотнинг сўзи миллатнинг, бутун эл-улуснинг сўзидир. Бу сўз, шубҳасиз, одамлар қалбига таъсир этади, дардига дармон бўлади. Журналистнинг сўзи оммани янгидан-янги меҳнат ғалабалари сари ундаш, ёруғ келажак сари чорлаш қувватига эга. Журналист ўзининг шахсий манфаатларини умуммиллат манфаатларига уйғун эта олган, уни шахсий манфаатидан устун қўя олувчи ижтимоий ШАХСдир. Журналистнинг виждони — жамиятнинг, халқнинг виждони. Шунинг учун журналист ўз Ватани фуқароларинигина эмас, бутун инсониятнинг, Ҳақиқат ҳазрати олийларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун журналист ҳаракат қиладиган майдоннинг чегараси йўқ.

Журналистнинг ўзини ким ҳимоя қилади? Сир эмас, турли даражадаги айрим раҳбарларнинг фаолият майдони журналистик таҳлил, матбуот танқиди доирасидан холи бўлиб қолди. Республика, вилоят, туман миқёсидаги бундай ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбарлар, афсуски, оз бўлса-да учрайди. Мабодо, журналист «нобоб» раҳбарни матбуотда «боблаб» танқид қилиб қўйса турли жойлардан бош муҳаррирга қўнғироқлар бўлиб қолади. Ҳатто, бундай «беодоблик»ка қўл урган журналист ва муҳаррир билан муносабатларни ойдинлаштириш бошланади. Минг надоматлар бўлсинким, матбуотга, журналистлар ишига тўсиқ бўлувчи бундай нохуш ҳоллар аҳён-аҳёнда бўлса-да учраб туради. Яхшиямки,

газета-журналларимиз ўз «муросасиз» мухбирларини ҳимоя қилиш қудратига эга.

Матбуотнинг интеллектуал даражасини, ҳозиржавоблигини ошириш билан бир қаторда, унинг моддий пойдеворини мустақамлаш борасида ҳам жиддий бош қотириш зарур. Бизда чет эл журналистларидан қолишмайдиган моҳир, иқтидорли журналистлар оз эмас. Уларнинг моддий таъминоти яхшиланса, журналист моддий жиҳатдан дахлсиз бўла борса, бу газета-журналларда чоп этилаётган мақолаларнинг савиясига ҳам ижобий таъсир қилади. Натижада матбуотнинг ижтимоий позицияси мустақамланади, камчиликларга нисбатан муросасизлиги ортади. Бундай моддий базани ким яратади? Албатта, ўзимиз — журналистлар, ноширлар. Бизни кўпинча тадбиркор эмасликда айблашади. Йўқ, биз газета-журналлар қошида маърифий-маданий йўналишдаги кичик корхоналар ташкил қилиб, нашрларнинг моддий-иқтисодий пойдеворини яратиш борасидаги қатъий режаларимизга эгамиз. Гапнинг очигини айтганда, бу йўналишдаги ишларимизда баъзан айрим тўсиқларга, бизни тушунмасликларига дуч келар эдик. Энди журналистлар ўз ишларида, матбуот ишига ислохотларни дадил жорий этишда бевосита Президент белгилаб берган қатъий қоидаларга таянадилар. Қоғоз захираларимизнинг кўпайиши, қоғоз фабрикаларимизга эга бўлишимиз ўзбек матбуот ишига инқилобий таъсир этган бўлур эди.

Биз ҳам кўп саҳифали газеталар ташкил қилишни, мавжуд газеталаримиз саҳифаларини кўпайтиришни орзу қиламиз. Ҳар бир газета ўз ўқувчисига, ўз харидорига эга бўлса, ўзбек матбуоти ҳам дунёга чиқса деймиз.

Газетанинг ўқишли бўлиши, ўқувчилар эътиборига тушиши кўп жиҳатдан унинг дизайни, безатилишига ҳам боғлиқ. Шу мантиқдан келиб чиқиб, газеталаримиз чет эллардаги каби рангли, безаклар билан чоп этилишини истаймиз. Лекин бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биз ўз фаолиятимизни жонлантиришда давлатнинг кўмагига кўз тикиб ўтирмаймиз. Ўзимиз бунинг чора-тадбирларини қидирамиз. Нега бизда халқаро журналистлар йўқ? Биз бунинг олдини олиш мақсадида журналистларимизни чет элларда ўқитмоқдамиз. Улар хорижий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Чет эл журналистлари билан тажриба алмашмоқдалар.

Матбуот ходимларининг замонавий журналистик

ускуналар, жиҳозлар билан етарлича таъминланиши бу йўналишдаги фаолиятимизни ривожлантиришга сезиларли таъсир этган бўлур эди. Ҳа, демак, биз ҳам чет эл янгиликларини рус тилидаги бир-иккита газеталардан олишдек ачинарли ҳолга чек қўйиб, хорижий мамлакатларда ўз мухбирларимизга эга бўламиз.

Ўзбек матбуотининг махсус мухбирлари, айтайлик, Лондон, Вашингтон, Париж, Техрон, Қоҳира каби дунё пойтахтларидан ўзбек тилида ахборот узатишлари бизни гоътада мамнун этган бўлур эди. Шубҳа йўқки, шундай кунлар яқин.

Ҳақиқат бор жойда халқ бор, дейилади мақолларда. Матбуот — бу ҳақиқат жарчиси, ҳақиқат кўзгуси демакдир. Бу кўзгуда ёлғон, сохта гап акс этмаслиги зарур. Акс ҳолда, матбуотдан халқнинг кўнгли қолади. Матбуотни ҳақиқатнинг қаноти дейиш мумкин. Бу қанотлар қанчалар кучли бўлса, ҳақиқатнинг парвози ҳам шунчалик юксак бўлади.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида, Халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида, Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган матбуот ходимлари билан учрашувида, ундан сўнг Тошкентдаги дипломатия корпуси, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан бўлиб ўтган очиқ ва ошкора мулоқотда биз — матбуот ходимлари зиммасига аниқ вазифалар юклади. Бизга кўпдан ана шундай аниқ йўлланма зарур эди. Ҳаётдан орқада қолиш, бепарволик, мудроқлик каби иллатлар энди бизнинг фаолиятимизда мутлақо бегона нарсалар бўлиши керак. Матбуот — ҳаётнинг қон томири. Унда бугуннинг нафаси уфуриб туради. У мамлакат ва халқ ҳаётини, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва куюнчаклик билан акс эттиради. Бунинг учун энг зарур бўлган матбуот ва сўз эркинлиги мавжуд.

Журналист Ватан ва халқнинг дастёри, хизматкоридир. Президент Ислон Каримовнинг бизга кўрсатган руҳий ва маънавий мадади Янги йилда янги куч, янги ғайрат билан ишлашимиз учун илҳомлантиради. Биз бутун билим ва иқтидоримизни шу юрт, шу эл бахтсаодати учун бахшида этишга тайёرمىз.

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 1 январь.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИ — ИНСОНИЯТ ЙЎЛИ

Эл-юрт учун қилинадиган сидқидил хизмат — инсониятга ҳам хизматдир. Тарихни халқ яратади. Лекин халқнинг ўзи алоҳида олинган шахслардан жамланади. Шунинг учун демократик жамиятлар инсон шахси ва умуман Шахсга алоҳида эътибор қаратади, яъни ҳар қандай ҳаракатнинг бошига шахсни қўяди. Тарих ва жамиятни ростакамига шахслар ҳаракатга келтиради, илғор ғоялар, маслаклар шахслар онгида пайдо бўлади, сўнг халқ, миллат, инсоният учун тараққиёт манбаига айланади.

Шуни назарда тутиб, биз «Миллий тикланиш» саҳифаларида ҳам инсоният учун, ҳам ўз мамлакатлари тарихий, ижтимоий-маданий тараққиёти учун мислсиз хизмат қилган ва қилаётган йирик давлат арбоблари, ҳозирги жаҳон сиёсатининг тан олинган атоқли намоёндалари ҳақида ҳикоялар бериб боришни мўлжалладик. Бугун шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир...» Негадир донишманд адибнинг мана шу каломи бот-бот эсимга тушаверади. Ўйлайман. Тарихимизнинг ўчмас битикларига айланган воқеа-ҳодисотлар умр лаҳзаларидай кўз олдимда бир-бир ўтаверади. Ўқиганларим ҳайратга солаверади. Зеро, ҳар бир инсон ўз ватанининг бир парчасидир. Унинг қўнгил табиатида шу юртнинг ҳарорати, шу элнинг меҳр-муҳаббати ўз тажассумини топган бўлади.

Не тонг, Туркистон тупроғининг қанчалар қадрли ва муқаддас эканлигини биз баъзан тўлалигича ҳис қилавермаймиз. Аксинча, хорижда шул Ватаннинг бир сиқим тупроғини кўзига тўтиё айламоққа зор юрган қондош ва жондошларимиз бу ҳақда кўп ва хўб сўзлаб юрадилар. Улар: «Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимдадир», — дея лутф қиладилар. Ватанни ўз вужудларининг бир аъзоси каби олиб юрадилар. «Кўзим қорачиғини Ватан дарахтига кўзмунчоқ каби осиб қўяй», — дейдилар улар. Қаранг, бу сўзлар бағридан қанчалар жоннисорлик силқиб туради. Алҳол, ўз Ватанини севмаган, қадрламаган одам бошқа ҳеч нарсани севолмайди, қадрлай олмайди. Ўзинг туғилган юртга муҳаббат қўймоқ учун катта юрак керак, қалб керак. Мен бежизга сўзимни «мозийга қайтиб иш кўрмоқ»дан

бошламадим. Бугунги ўтаётган ҳар бир кунимиз синов лаҳзаларига айланаётган паллада ўтмишга назар солмоқ савобдир.

Тарихни ҳаммамиз ўқиганмиз. Гарчи шўролар тарихини ўзимизникидан кўпроқ ўқиб-ўрганган бўлсак-да, барибир Вақт деган олий ҳакам бизга бошқа бир ҳақиқатнинг юзини очади. Истиқлол, озодлик шамоллари Ўзбекистон заминиде эса бошлаганидан сўнг, биз ўзимизни қайта танидик. Энди шу юртга, шу тупроққа эгалик ҳисси янада ёрқинроқ уйғона бошлади. Улуғ боболардан қолган бой мерослар, урф-одатлар, ҳикмат нурлари илму урфон, ҳидоят нурига йўғрилиб кўнглимизни, йўлимизни ёритди. Бир-биримизга кўпроқ меҳр кўргиза бошладик. Дунёда ўзбек деса елка қисадиган халқлар ҳам аста-секин биз билан тиллашмоққа киришди. Ўзбекистон овози жаҳонга ёйилди. Дунё бизни таниди, биз ҳам дунёга чиқдик.

Дилимиздан тилимизга бир калима сўз кўчади: «Илоё, уйимизда, юртимизда тинчлик бўлсин!»

«Бу дунё бир кўҳна соз...», дейди машҳур шоир. Кўп талатўпларни кўрган Туронзаминда неча-неча асрлар мобайнида қанча ислоҳотлар ўтказилди. Ҳеч иккиланмасдан айтмоқ керакки, бу қадим тупроқ дўсту душманга ҳам паноҳ, ҳам синов майдони бўлган. Бир неча минг йиллик тарихнинг залворли юки халқимиз юрагида яшаётир. Уни ўчириб ҳам, унутиб ҳам бўлмайди. Фақат бир ҳақиқатни тан олмоқ керак, ЎЗБЕК — сабр-қаноатли миллат. Унинг бағри кенг, юраги тоза, «салом»ни, «алик»ни билади. Ҳаммага бирдек меҳрли, қўли очиқ. Буларнинг бари унинг табиатига хос. Шул боис ҳам хорижликлар гоҳ ҳасад, гоҳ ҳавас ила «бу миллатнинг кўкрагини кўтариб юрганлар ўтиб кетган-ку, ҳозир нега жипслашиб, бирлашиб боряпти-я», дея ҳайрат ила айтган гапларидан ҳам биз ҳўб ғурурлансак арзийди.

Бунда ҳеч қандай сир-синоат йўқ. Бу халқ эртасини бугун кўриб турибди. Ўзининг куч-қудратини, неларга қодирлигини ҳам англаб етди. Ўз тараққиёт йўли, истиқболи вазифаларини аллақачон белгилаб олди.

«Ўзбекистонда миллатлар ўртасида қон тўкилмайди», «Фарғона воқеалари» бошқа қайтарилмайди...» Билмадим, сизга қандай, лекин мен Президентимиз айтган бу сўзларни ҳали-ҳануз энтикиб хотирлайман. Боиси, айни ўша кунлари ватанимизда нотинч вазият ҳукмрон эди. Бир оғиз сўз камлик, иккитаси кўплик қилаётганди. Ўшанда у киши мардона туриб ана шу

гапни айтди. Бу оддий далда эмас, собит сўз эди. Шундан кейингина халқнинг юрагига ёруғлик, нур энди, одамларда эртанги кунга ишонч уйғонди. Уйлаб кўринг, ўша пайтда ким шунақа аниқ ваъда, субутли лафз қила оларди? Лекин у киши ҳеч қандай ҳадиксиз, хавотирсиз, аксинча, қатъий ишонч ила шу сўзларни айтди. Сўзида турди ҳам!

Хорижни қўя турайлик, бундан тўрт-беш йил аввал бир қозонда қайнаган собиқ СССРдаги айрим мамлакатларда юз берган, баъзиларида эса ҳозир ҳам давом этаётган бошбошдоқликларни эсланг. Тоғли Қорабоғ, Сумгаит, Гуржистон, Боку, Чеченистон ёки ён қўшнимиз Тожикистондаги қирғинлар...

Тарихнинг ана шундай аччиқ сабоқлари халқимиз кўзини очгани аён. Қолаверса, бу халқ бошқа миллатларга қараганда кўпроқ заҳмат ва азоб тортган халқдир. Бунга тилсиз тупроқ гувоҳ. Ҳаммасини мозий «сўзлайди». Кўр бўлсанг ҳам кўрнамак бўлма. Катта йўлга чиқаётганимизда адашганлар, алданганлар ҳам бўлди. Ҳар хил бўлар-бўлмас, ёлғон-яшиқ, миш-мишларга ишониб, катта қарвондан узилиб қолганлар бугун пушаймон.

Дунёда моддий бойлик эвазига сотиб олиш, алмаштириш мумкин бўлган нарсалар кўп. Лекин шундай неъматлар борки, уларни пул бирлигида ҳам, бошқа бирон мезонда ҳам ўлчаб бўлмайди. Айтайлик, инсон саломатлиги шундай бебаҳо бойлик саналади. Жамият учун, давлат учун тинчлик-тотувлик бамисоли саломатлик каби беқиёс хазинадир. Йигирманчи асрнинг шу безовта босқичида тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бутун инсоният тақдирида биринчи масала бўлиб қолди. Тинчлик бўлса, қолган ишлар бир маромда кетаверади. Тинчлик бўлса, эзгуликлар бўлаверади. Тинчлик бахт келтиради.

Қизиқ, тинчликни сақлаш учун тиним билмаслик, яъни курашиш талаб қилинади. Бу борада яқин ўтмишимизга кенгроқ қамровда назар ташласак, Президент Ислон Каримов фаолиятининг ушбу муҳим қирраси ёрқин намоён бўлади.

Четдан қараганда, Ўзбекистон азалдан тинч-аҳил яшашга тайёр ўлкадай кўринади. Аслида, шундайми? Ислон Каримов республика тепасига келганда унга оғир, зиддиятли ва пароканда вазият мерос қолганди. Ҳали Фарғона жароҳатлари битмаган, унинг устига

марказнинг асосий тазйиқи, Москва матбуотининг хуружи бу ярага туз сепиб турарди. Ислом Каримов раҳбарликнинг илк дақиқаларидаёқ халқнинг елкасига «ёпишиб олган» марказ вакиллари — «десантчилар»дан халос бўлиш чорасини кўрди. Ана шундан кейингина одамлар энгил нафас ола бошладилар.

Республика ҳали Москва чангалида эканлигидаёқ Юртбошимиз мустақиллик ҳақида орзу қилди. Йўқ-йўқ, биз бу гапни асло ҳозирги замонга мослаб гапирётганимиз йўқ. Ишонмасангиз, Москва ва чет эл газеталари мухбирлари саволларига Ислом Каримовнинг ўша пайтда берган жавобларини ўқиб кўринг. У Михаил Горбачев билан Болтиқбўйига бориб келгач, у ерда одамларни мустақиллик учун курашдан қайтариб бўлмайди, деган гапни айтишга жазм этган. Яна бир қатор интервьюларда Москва иттифоқдош республикаларга гўё ўзининг бир вилоятидай қараётганлигини танқид қилди. Бу гапларнинг собиқ марказ матбуотида айтиш ўша давр учун чин маънода жасорат эди. Қолаверса, собиқ иттифоқ измида турган бир пайтда Ўзбекистонда президентлик бошқарувини жорий этиш ташаббуси ҳам мустақиллик сари интилишнинг яққол далили бўлади. Тасаввур қилинг, Белорус собиқ СССР тарқалганидан икки ярим йил кейин президентлик бошқарувини жорий этди. Ўзбекистонда бу ҳаракат ҳали иттифоқ ҳукмронлиги вақтида амалга ошган эди. Энди ўйлаб кўринг, бу Президентнинг мустақил сиёсий тафаккурга эга эканлигига, узоқни кўра олиши ва вазиятни тўғри баҳолай билишига далил эмасми?

Ислом Каримовнинг бу ташаббусини ҳар ким ҳар хил баҳолади. Собиқ СССРнинг турли бурчакларидан «Қани, Ўзбекистон раҳбари ишни нимадан бошлар экан?» дегандай кузатиб туришарди. У 1990 йил баҳорида бўлган биринчи сессияда: «Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман, у билан ҳамкорлик қиламан», деганида кўпчилик астойдил қувонди. Ўзбекистон раҳбарининг Президент сифатида биринчи чеккан имзоси эса кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдорини икки баравар кўпайтириш ҳақидаги фармон бўлди. Онани эъзозлаган, илк таъзимини волидасига бахш этган фарзанд кам бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди.

Ислом Каримов республикани жаҳондаги илғор

мамлакатлар даражасига кўтариш учун хориж билан алоқа қилиш кераклигини ич-ичдан сезарди. Лекин ҳали Москва жиловни қўйиб юбормас, ҳамма нарса унинг рухсати билан амалга ошириларди. 1990 йилнинг 27 сентябрида Ўзбекистонга дунёнинг таниқли сиёсат арбоблари — ГФР бундестагининг аъзоси, Иқтисодий алоқалар комиссиясининг раиси Х. Шварц ва чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш уюшмасининг раҳбари Б. Бишоп (АҚШ) ташриф буюрдилар. Президент уларни қабул қилиб, ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олди. Ўша йили Тошкентда Совет — Афғон учрашуви ўтказилди. Ислом Қаримов мазкур анжуманда қатнашаётган Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон делегацияларининг аъзоларини қабул қилди, жафокаш афғон диёрида тезроқ тинчлик ва тотувлик бошланишига истак билдирди.

Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдирад, тўртовлон тугал бўлса унмаганни ундирад, деган доно айтим бор. Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбари фақат республикамизда эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасида омонлик, осойишталик бўлсин, деб жон куйдирад, бунинг учун беш давлат раҳбарларининг бирлашуви муҳимлигини дил-дилидан ҳис қиларди. Биринчи учрашув Алматида бўлди. Учрашувда беш раҳбарнинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон халқларига мурожаатномаси эълон қилинди. Унда қуйидаги сатрлар бор: «Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, қайси конституцион меъёрларга ва қайси жамиятга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этилиши, иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро муаммолар самарали ҳал этилиши учун барча ишларни қиламиз». Бу катта мақсад йўлидаги ишларнинг бошланиши эди. Муҳитнинг бутун қаршилигини саф бошида турган қайтариб боради. Қолганлар унинг изидан юрадилар. Ҳатто оддий қуш бўлган турналар ҳам ўз йўлбошчилари метин кўкраги, гайрат-шижоати уфуриб турган жуссаси билан очиб бераётган йўлдан боради.

Ислом Қаримов Марказий Осиёдаги ҳар бир республика раҳбари билан алоҳида музокаралар олиб борди. 1991 йил Наврўз байрами арафасида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига ташриф буюрди. Бу тарихий сафар бир неча ой илгари икки халқ юрагида қолган жароҳатга малҳам бўлганди. Шу ерда илк бор Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида Дўстлик

ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Орадан бир ой ўтгач, Ислом Каримов Туркменистонга ташриф буюриб, қўшни республика билан ҳам шундай шартнома имзолаб келди. Бу сафарларнинг ҳаммаси 1991 йилнинг август ойи ўрталарида беш республика раҳбарларининг Тошкент учрашувига тайёргарликлари эди, десак янглишмаймиз. Президентнинг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон пойтахти яна тинчлик ва дўстлик рамзи бўлди.

Ислом Каримов барча учрашув ва матбуот конференцияларида Президент сифатидаги биринчи бурчи — тинчликни сақлаш эканини такрорлади. Ҳар қандай митингбозлик, қўча юришлари битта чақалоқнинг жонига арзимади, деди доим. Айни пайтда Ўзбекистонга келган меҳмонларни ҳам шунга чорлади. Чунончи, Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида қуйидаги жумлалар бор: «Қадимдан Шарқ халқларининг илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкорлик янада ривожланиб, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончимиз комил».

Ислом Каримовнинг хорижга қилган илк сафари 1991 йил 17—19 августда Ҳиндистонга бўлди. Орадан кўп вақт ўтмаёқ Ўзбекистон ўз мустақиллигини жаҳонга эълон қилди. Кишанлар парча-парча бўлди. Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт деганларидай, энди Ўзбекистон биринчи Президенти бошчилигида ўз истиқлол йўлига кирди.

Мустақиллик эълон қилингандан бир ой ҳам ўтмасдан, буюк мутафаккир Алишер Навоий юбилеи арафасида, Тошкентда жаҳон ўзбекларининг биринчи халқаро учрашуви бўлди. Унда АҚШ, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Ирландия, Туркия, Австралияда яшаётган ватандошларимиз иштирок этдилар. Юртбошимиз томирида Ўзбекистон, Туркистон дея қони гупиллаб ураётган ватандошларимизга қарата шундай деди: «Биз ўз кучимизни яхши биламиз. Ўз халқимизга ишонамиз. Биз тинчлик ва осойишталик тарафдоримиз ва фақатгина тинчлик йўли билан, биронта инсоннинг бурнини қонатмасдан ўз мақсадимизга эришишга ҳаракат қиламиз ва ўз ниятимизга етамиз, иншооллоҳ!» Бу даъват бутун дунёда акс-садо берди.

Орадан кўп ўтмай Истанбулда «Қора денгиз иқти-

содий ҳамкорлик минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё республикалари» мавзуйига бағишланган жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилди. Анжуманнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида ижтимоий ҳамда иқтисодий ислохотлар йўлидан тез ва дадил қадам ташламоқ учун Ўзбекистоннинг кучоғи чет мамлакатларга ва чет мамлакатларнинг бағри ҳам Ўзбекистонга очик бўлиши кераклигини айтди. Сал ўтмай Ислон Каримов Хелсинкида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида ўз мамлакатини жаҳоннинг манаман деган раҳбарларига таништирди: «Бу қадар мўътабар анжуманда Ўзбекистоннинг овози биринчи бор янгради. Айни шу боисда ҳам биз овозимизни аввалбошданок халқимизнинг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган эзгу орзулари ифодаси деб тушунишларини истаймиз».

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳонга аён бўла борди. 1993 йилнинг 18 июнида Швейтсариядаги «Форум Фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти сессиясида Президент ташқи сиёсатимиз асосларини баён этиб берди. Чунончи, ташқи иқтисодий фаолиятимизда суверенитетни ҳурмат қилиш, барқарорликни ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуроли ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини тақиқлаш ва оммалаштирмаслик қоидалари асос қилиб олинганлиги алоҳида таъкидланади.

Қўшнинг тинч — сен тинч. Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг Тожикистонда тинчлик ва озоиштиликни тиклаш ва қарор топтириш йўлида олиб бораётган кураши алоҳида мақола учун мавзу. Шундай бўлса-да, курашнинг айрим қирралари ва самаралари ҳақида қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Юрт сардорининг азалдан бир дуторнинг икки тори бўлиб келган тожик биродарларимизга чинакам ҳамдардлик, саховатпешалик қилганини биргина мисолда яққол кўриш мумкин. Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ қисқа муддатда қардош Тожикистон аҳолиси учун 400 тонна ун, 10 тоннадан зиёд гуруч, макарон маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи, 5 тонна шакар, кўплаб дори-дармон, кўрпа-тўшак, болалар кийимлари ва пойабзаллар, чодирлар жўнатилди. Бу оддий мурувват ёхуд хайр-эҳсон эмас, балки ўзбекнинг тожикка бўлган меҳр-муҳаббати, хайрихоҳлигу дарддошлиги ифодаси эди.

«Тожикистон овози» газетасида босилган қуйидаги

сатрларни ҳаяжонсиз ўқий олмайсиз: «Ҳафталаб оғзига нон тегмаган ёш болалар учиб келаётган вертолётларга қараб: «Бу бизнинг отамиз Ислом Каримов, у киши бизга нон юборган, нон», — дея бақириб-чақирганларини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Вужудингда жунбушга келган улкан миннатдорлик туйғуларини ифодалаш учун на сўз, на сифат топасан, киши».

Шу ўринда Ислом Каримовнинг Тожикистон воқеаларига жонкуярлик билан муносабатда бўлганлигига яна бир мисол келтириб ўтмоқ жоиздир. 1993 йилнинг июль ойида Алмати шаҳридаги олиймақом учрашувлардан сўнг бўлган матбуот конференциясида мухбирлар тожик-афғон чегарасида юзага келган танглик ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон раҳбарларининг бу муаммога муносабати хусусида саволлар беришганда, Ислом Каримов бу муаммонинг беш жиҳатига муфассал тўхталганди. Айти пайтда у Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир деб ишонч билдирганди.

Ислом Каримов табиатига қуруқ кузатувчанлик, кутиб туриш одати бегона. Агар Тожикистондаги олов ўчирилмаса, у бошқа республикаларга ўтиши аниқ, Ислом Абдуғаниевич бу ҳақда 1992 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга мактуб йўллади. «Бош котиб жаноблари, — деб ёзади Президент ўз хатида, — мазкур минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мўътабар ташкилотингиз номидан ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда зарур чораларни кўриш мақсадида дарҳол БМТнинг махсус комиссиясини юборишингизни Сиздан ўганиб сўрайман».

Худди шундай бўлди: жаҳоннинг энг нуфузли ташкилоти ўз вакилини Тожикистонга юборди. Бутрос Ғолий бу билан чекланиб қолмасдан, Ислом Каримовга жавоб хати йўллади. Унда Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турганлиги таъкидланади.

Тожикистондаги ўзбек жамияти раиси Қурбон Сатторовнинг Президентимизга йўллаган хатида шундай сўзлар бор: «Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, жафокаш Тожикистондаги биродаркушлик уруши олови сўндирилишида Сизнинг саъй-ҳаракатингиз беқиёс бўлди. Аждодлари юзлаб йиллар шу сарзаминда яшаб

келган ўзбеклар пароканда бўлиб кетишдан асралдилар, тожик миллатининг мавжудлиги ҳам сақланиб қолди». Бу гапларни минтақада яшаётган эзгу ниятли ҳар бир одам айтиши мумкин. Ислон Каримов Тожикистон муаммосини жуда катта халқаро анжуманларда ҳам дадил кўтариб чиқди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1994 йил декабрда бўлиб ўтган Будапештдаги конференцияси минбаридан И. Каримов Америка қитъаси ва Европадаги асосий етакчи давлатларнинг раҳбарлари диққатини Тожикистон масаласига қарата олди.

Ислон Каримовга хос фазилатлардан бири шундаки, Ер шарининг бирор нуқтасида ўқ отилар, инсон қони тўкилар экан, у ўзини хотиржам ҳис этолмайди. Будапешт анжуманидан бир ҳафта ўтиб, 1994 йил 12 декабрда И. Каримов АҚШнинг Тожикистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси С. Эскудерони қабул қилди. АҚШ ҳукумати вакили билан учрашувда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Тожикистондаги вазият, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги кескинликни бартараф этиш, жафокаш тожик халқига мутараққий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамини уюштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Дўст ҳам, кимнинг ким экани ҳам бошга синов тушганда билинади, дейдилар. Ўзбек билан тожик бир боғнинг гул ва булбули, улар айро ҳолда бахтли бўлолмайди.

Нафақат Тожикистон, айна чоғда ён ва жон қўшнимиз Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон билан ҳамдўстлик, қардошлик ришталарини чамбарчас боғлаш йўлида Ислон Каримовнинг бетиним меҳнати, саъй-ҳаракати ва ғайрат-шижоатини эслашнинг ўзи кишига завқ-шавқ бағишлайди. Масалан, Қирғизистон билан муносабатларимизни олайлик. Ҳар икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқалари йил сайин эмас, балки ой ва кун сайин ривожланиб бораётгани ҳаммага маълум. Мустақилликнинг илк одимлариданоқ Ислон Каримов ташаббуси билан ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий қўшничилик ва ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. «Ўзбек халқи билан қирғиз халқи ўртасида бошқа бировнинг воситачилик қилиши шарт эмас», деганди Президентимиз Ўш вилоятида бўлган чоғида. Юртбошимиз Бишкекдаги расмий учрашувларда ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида гапирди: «Бозор бир давлат ичида

бўлмайди. «Ипак йўли»дан қатнаган карвонларни эсланг. Ҳа, буни ўзбек ҳам, қозоқ ҳам, қирғиз ҳам, тожигу туркман ҳам унутмаслиги керак. Минг йиллар давомида бирга бўлиб келган бу халқларнинг келажаги ҳам бирга яратилиши заруриятдир».

Ҳа, дарвоқе, Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро муносабатларни кенгайтиришда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик катта аҳамият касб этмоқда.

МДХ доирасидаги алоқаларни кенгайтиришда бу уч мамлакат Президентларининг саъй-ҳаракатлари, ҳамжиҳатлиги, сўз ва иш бирлиги таъминланаётгани минтақавий бирлашувни мустаҳкамлашда янги саҳифалар очаяпти. Ахир, маслаҳатли тўй тарқамас дейдилар.

Юқорида қайд этилган амалий ташриф чоғида Президентимизнинг Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничилик ва тинчлик анъаналарини мустаҳкамлаш, осойишталикни барқарорлаштириш борасидаги оламшумул фаолияти юқори баҳоланди. «Руҳоният» маънавий тикланиш халқаро Ассоциацияси кенгаши Ислом Каримовни «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти билан тақдирлади. Бу юксак мукофот халқлар биродарлиги, тинчлик, тотувликни қарор топтиришга беқиёс ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбобларига берилади. Мукофот соҳибига диплом, нишон билан бирга тинчлик тимсоли сифатида оқ от, оқ шунқор совға қилинди, эгнига зар чопон ёпиб, оқ қалпоқ кийгизилди. Шундай юксак мукофотнинг биринчи соҳиби Президент Ислом Каримов бўлди. Бундай эътироф халқимизнинг кўнглини яна тоғдай ўстирди. Зеро, ишонган кишинга бошқалар ҳам ишонаётганини кўрсанг, ишончинг янада ортади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тарихан қисқа муддат ичида Ислом Каримовнинг хорижий мамлакатлар билан ўрнатган ўзаро алоқа кўприклари ҳақида ўйлаганимизда, унинг ғайрат-шижоатига қойил қолмай илож йўқ. Атиги тўрт ярим йил мобайнида у Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Покистон, Финляндия, Австрия, Эрон, Миср, Германия, Нидерландия, Франция, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироллиги, Ҳиндистон, Япония, Польша каби мамлакатларга расмий дўстона сафар уюштирди. Аини пайтда Ўзбекистон

заминида Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Финляндия, Малайзия, Корея, Хитой, Франция каби давлатларнинг олий мартабали раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Тинчлик ва ҳамкорликни кўзлаб бир қатор тарихий битим ва шартномалар имзоладики, бу Ислоҳ Каримовнинг ўз халқи олдидаги буюк хизматларидир. Яхшиси, Юртбошимиз ҳақида чет эллардаги сиёсий ва жамоат арбоблари билдирган мулоҳазаларга қулоқ тутаюлик. Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилотининг президенти, доктор Мурод Ғолиб шундай дейди: «Президент Ислоҳ Каримовнинг тинчлик ва осойишталик йўлини чин дилдан қутлайман. Ўзбек халқи чин маънода бахтли халқ». Германия матбуоти Ислоҳ Каримовни «Марказий Осиёдаги энг кучли Президент», Ўзбекистонни эса «Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг осойишта ва ривожланаётган мамлакат», деб тан олди.

Юртбошимизнинг хорижий давлатларга сафарларида шуни пайқаш мумкинки, тили калимага келмаган баъзи бировлар айтганидек, «моддий ёрдам сўраб» эмас, аксинча, тенг ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, барча жабҳаларда алоқаларни йўлга қўйиш, халқаро муаммоли масалаларни сиёсий йўл билан ҳал этиш, Марказий Осиё минтақасида, умуман, Ер юзида тинчлик ва осойишталикни, барқарорлик ва хотиржамликни таъминлаш Ислоҳ Каримов фаолиятининг асосий қирраларини белгилайди. Бугун Ўзбекистоннинг дунё ташқи сиёсатида тутган ўз ўрни бор. Иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик ривож топиб, мустаҳкамланиб бораётир. Донишмандлик ва ташаббускорлик билан иш тутаётган Президентнинг халқаро майдонда ҳам нуфузи, ҳам эътибори ортаётганлигидан ҳеч ким кўз юмолмайди.

Ислоҳ Каримов қайси мамлакатда бўлмасин, ўзининг изчил йўлига, тинчлик ва осойишталикни сақлашга содиқлигича қолмоқда.

У ҳинд давлатининг асосчиси Маҳатма Ганди ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйиб, зиёрат қилгач, хотира боғига бир туп ниҳол ўтқазар экан, тўлқинланиб айтди: «Бу ниҳолнинг туб-томирлари халқларимиз ўртасидаги дўстликдек бақувват ва чуқур бўлсин».

Ислоҳ Каримовнинг Францияга қилган сафари ҳам ташқи сиёсатда янги уфқлар очгани ҳеч кимга сир эмас. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран (руҳи шод бўлсин) Ислоҳ Каримовнинг Парижга таш-

рифининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, уни шундай таърифлайди: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин». Ўз навбатида Юртбошимиз расмий қабул маросимида сўзлаган нутқида: «Халқимиз катта эҳтиром билан қарайдиган француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг «Бутун дунёда тинчлик ғояси барча миллатлар мулкидир. У энг юксак бахт-саодат сифатида тинчликни талаб қилади», — деб айтганди. Буюк инсонпарвар ёзувчининг бу сўзлари ўзбек халқининг айтимига ҳамоҳанг: «Элга эл келса давлат, элдан эл кетса кулфат». Қаранг, бирорта учрашув йўқки, у ерда албатта, тинчлик деган муқаддас сўзга Президент урғу бермаган бўлса.

1993 йил 23 октябр куни — БМТ ташкил топган кунда ҳамда Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасининг расмий очилишига бағишланган тантанали маросимда Ислом Каримов иштирок этиб, шундай деди: «Гўзал Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхонаси очилаётгани катта тарихий воқеадир. Бу тарихий ҳодиса умумжаҳон ташкилоти тузилган кунда рўй бераётгани алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жўшқин, зиддиятли даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу нуфузли ташкилот Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш мақсадида семинар чақиради, деб умид қиламиз. Республикамиз пойтахти Тошкент унга муносиб жой бўла олади».

Барқарор тинчликка интилиш Ислом Каримов ҳаётининг мазмунини ташкил этишини ифодаловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Саодатли турмушимизни белгиловчи бирдан-бир омил — тинч-тотув яшаш эканлигини у ёки бу минбардан туриб бор овозда ҳимоя қилаётганлигининг ўзи Президентнинг изчил ташқи сиёсатдаги залворли одими нақадар аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Баралла овоз билан эътироф этиш керакки, Президентнинг ўзбек давлатчилигини тиклаш йўлида, тинчлик, тотувлик, осойишталик, хотиржам меҳнат қилиш йўлида олиб бораётган жонкуярлиги, фидойилигини таърифлашга сўз тополмайсиз.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, уст-боши-

миз бутлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги — ҳамма-ҳаммаси юртимиз осойишталиги ва барқарорлигига, бир-биримиз билан аҳил-иноқлигимизга, ҳамжихатлигимизга боғлиқ. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир ҳикмат бор: кўпчилик бирикса, тоғни қулатар. Мозий бу ҳикматни ўз синовидан ўтказган. Асли одам боласи яхшилик учун туғилган экан, нурафшон эзгулик сари мудом интилиш керак. «Новое русское слово» газетаси (АҚШ): «Ўзбекистон Республикасида барқарорликни сақлаб туриш Каримовнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда», дея ҳақ гапни ёзганди. Ушбу газетада ёзилган куйидаги жумлаларга кўз югуртирамик: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг сиёсий фаолиятига эътибор бериб, беқарорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништира ёмон бўлмас эди. Можаронинг олдини олиш бундай можарони тугатишдан ҳам муҳимроқ вазифадир. Эҳтимолки, Каримов можаро энди куртак отаётган уни бартараф этиб, халқаро ҳамдўстликнинг миллиардлаб маблағини тежаб қолаётгандир. Балки у Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатишга арзир».

Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» шартномасига 22-аъзо бўлиб кирди. Бу ўзбек давлатчилиги йўлида Президентимиз ўзининг изчил сиёсати — тинчлик сиёсатини собитлик билан амалга ошираётганининг бир ифодаси бўлди. Зеро, мамлакатимизда барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва фуқаролик осойишталигини биринчи ўринга қўйилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Ислам Каримовнинг тинчлик сиёсатида халқ қисмати, Ватан манфаати дунёвий муаммолар ва Ер шари тақдири билан узвий равишда боғланади. Шунинг учун ҳам бу сиёсатнинг қиммати баланд. Унинг ҳаётийлиги эса халқ турмуши билан боғлиқлигида, инсон қарашлари ва эҳтиёжлари, орзу-умидлари билан уйғунлигида.

Президент Ислам Каримовнинг тинчлик сиёсати ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислохотлар билан узвийлиги сабабли дунё давлатчилиги тузигида алоҳида, ўзига хос ўринга эга. Айни пайтда, унинг ўз овози ва ўз сўзи бор. Шунинг учун ҳам Каримовнинг дунё минбарларидан айтган ҳар бир сўзи диққат билан эшитилади, алоҳида кузатилади, таҳлил этилади ва баҳоланади. Пировардида дунёвий муаммо-

ларни ҳал этиш борасидаги асосли, мазмун-мағизли мулоҳазаларни инобатга олинади. Бунга Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа қатор халқаро минбарларда, нуфузли давлатлар раҳбарлари билан учрашувларда кўтарилган масалалар, билдирилган фикр ва таклифлар яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати ривожланиб, такомиллашиб борапти. Бу сиёсат Ўзбекистоннинг дунёвий мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга мамлакатнинг ички тараққиётида ҳам кучли таъсир қувватига эга. Президент эса ўз фаолиятининг ҳар бир дақиқасида мамлакат тараққиётини тинчлик сиёсати билан вобаста этмоқда. Ана шу уйғунликнинг ўзи ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда барқарор, яхлитлашган, тўлақонли жонли сиёсатни вужудга келтирди.

Президентнинг ўзи ғоят тифиз фаолиятини дунё мамлакатларидан айри ҳолда тасаввур этолмайди. Турли мамлакатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида ҳар икки мамлакат ва қолаверса, бутун Ер шари тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш орзу-умиди билан яшайди. Воқеаларга бир назар ташлайлик. Президент Каримов Туркияда туркий тилларда сўзлашувчи мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги Анқара учрашувида фаол иштирок этди. У ердан келибоқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг навбатдаги йиғилишида қатнашиш учун Москвага, бир кун ўтгач, Хитой Халқ Республикасидек улкан мамлакатга расмий давлат ташрифи билан борди. Ана шу учала ташриф Каримовнинг ўзига хос сиёсат юргизиш усули, ўта кенг қамровли мулоҳазалари, аниқ ва ҳаётий таклифларини яна бир бор намойиш этди. Бор-йўғи 10 кун мобайнида рўй берган ана шу тарихий воқеанинг ўзи Президентнинг халқ фаровонлиги, Ватан равнақи, мамлакат ва бутун дунё тараққиёти йўлида сарфлаётган жуда катта куч-ғайратини, самарали фаолиятини кўрсатиб турибди.

Ота-боболаримиз «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади», — деб бежиз айтишмаган. Ақл-идрок, меҳр-оқибат устун ерда нифоққа ўрин қолмайди. Ватан ҳаммамизники, унда тинчлик устивор бўлиши учун барчамиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима қилдим, деган эътиқод билан яшашимиз керак. Назаримда, Каримов ҳам оддий фуқаро, ҳам ватанпар-

вар Шах сифатида ана шу эътиқодни ўзига шиор қилиб олган. 1994 йил декабрининг биринчи ўн кунлигида Можористоннинг пойтахти Будапештда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши конференциясида бунга яна бир қарра амин бўлдик. Мазкур конференция кейинги йиллар тарихида бағоят нуфузли халқаро анжуман сифатида қолади. Конференция Европа ва Евроосиё муаммоларини ҳал этиш, қитъада ва бутун жаҳон ҳамжамиятида бу обрўли ташкилотнинг тинчлик ўрнатишга доир ҳаракатларини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этди. Зеро, ўз хонадониди хотиржамлик бўлишини истаган кўшнининг уйида тинчлик бўлиши учун ҳам қайғуради. Конференцияда Билл Клинтон, Жон Мейжор, Бутрос Галий, Борис Ельцин, Гелмут Кол каби етакчи давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг бошлиқлари, замонамизнинг таниқли сиёсатчилари орасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов ўзига хос фикр юритиши, сиёсий қарашларининг кенглиги, туган йўлининг қатъийлиги, таклиф ва ташаббусларининг салмоғи ва мазмундорлиги билан ажралиб туради ҳамда яна бир қарра дунё жамоатчилигининг диққатини ўзига, яъни Ўзбекистонга қарата олади. У ўз овози, нияти ва сиёсатидан жаҳон аҳлини воқиф этди. Зотан, тинчлик гоёси бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштаракдир. Каримов ўз нутқида шундай деди: «Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши фаолиятида минтақавий фаолиятни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ ўрин эгалламоғи лозим. Тарих тақозоси билан ёнма-ён яшашга маҳкум бўлган давлатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик — улар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг, ҳозирги замонда тобора авж олиб келаётган миллатлараро ва минтақавий курашлар ва урушлар хавфини бартараф этишнинг энг муҳим омили ва воситасидир».

Биз диёримизда тинчлик ва барқарор турмушни таъминлашда Ислам Каримовнинг беқиёс хизматларини адолат ва холислик билан эътироф этган ҳолда, Президент фаолиятининг бу қиррасини атайин бўрттириб кўрсатиш ниятидан йироқмиз. Чунки, тинчлик деган бағри ва кўнгли бутунликка миллионларнинг онгли, жонфидо заҳматлари, изтироблари туфайли эришилди. Ҳар ким ўз меҳнат ўрнида ҳалол тер тўкса, ўз уйида оила аъзолари, жамоада ёр-дўстлари, биродарлари би-

лан сабр-бардош ва қаноатга асосланган собит ва барқарор муомала-муносабат ришталарини ўрнатса, ягона уй — мамлакатда тинчлик устивор бўлади. И. Каримов «Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оилага ўхшатаман», — деб бежиз айтмади. Шоиримизнинг ҳикматга айланган қуйидаги сўзи эса, мамлакат тинчлиги оилалар, оддий кишилар тотувлигидан кучқувват олишига далилдир: «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...» Инсоф билан айтганда, асл ва рамзий маънодаги оиламизнинг ҳар бир аъзоси ҳаммамизнинг ягона бойлигимиз — тинчликни сақлаш йўлида риёзат ва заҳмат чекишдан чўчимаслиги керак. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, дейдилар. Биз, табиатан, парча нон учун бир карра, қултум сув учун икки карра шукрона айтувчи, озни кўп, йўқни бор кўрувчи некбин халқмиз. Бу фазилят ортида, айримлар изоҳлаганидек, маҳдудлик эмас, ёруғ кунлар тилаги, эзгу мурод барқ уради. Халқнинг табиий ва илмий салоҳияти чароғон кунларни етаклаб келаверади. Шубҳа йўқки, тинчлик халқимизнинг иродасидир. Шу ўлка — шу тупроқ, шу осмон, шу Ватан бизга ажодлардан мерос қолди. Уни келажак авлодларга озод ва обод ҳолда қолдириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик, фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир.

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!» Мана шу биргина сўз билан дилингиз ёришиб кетади. Унинг замирида қанча-қанча сирли дунёлар яширин. Энг қувончлиси, шу сўзни эшитган ҳар бир инсон аввало ўзига тинчлик, омонлик тиланаётганини англайди. Юрагига энг тоза насимлар оқиб киради. Кўнгли осмондай ёришади. Сўнг...

Икки қўлини дуога очиб, Яратгандан шу юртга, шу халққа, шу курраи заминга осойишталик, сиҳат-саломатлик, омонлик сўраётган кексаларга беихтиёр қўшиласиз. Ана шундай катта дунёнинг бир буржи ҳисобланмиш ЎЗБЕКИСТОН деган мамлакатда олиб борилаётган ТИНЧЛИК сиёсатининг барча қирралари, қолаверса, ўша лаҳзада бу тинчлик дея аталмиш мустаҳкам ва забардаст олий қўрғоннинг тамал тошини қўйган катта меъмор кўз олдингизда намоён бўлади. Ана шунда юқоридаги бир калима сўзнинг маъносини юрак-юракдан англайсиз.

«Миллий тикланиш»,
1996 йил 30 январь.

ШАФҚАТСИЗ ҲАҚИҚАТ

Тарих табиатида шафқат ҳам, шафқатсизлик ҳам етарли. Жаҳон айвонида бу шафқатга мушарраф бўлган халқлар оз эмас. Улар ўз мустақил давлатларининг тамал тошини қўйишга муяссар бўлганлар. Зеро, давлат халқнинг қўрғони, яъни қалқонидир. Халқимиз дунё саҳнида ўз муҳофаза қалъасини, ўз мустақил давлатини мустаҳкам қилиб яратди. Давлатимиз халқимизни, халқимиз давлатимизни ҳимоя қилишга қодир.

Тарихнинг шафқатсизлиги ҳам ҳақиқат. Тарих бир-иккита одам билан сон-санок қилмайди. Қилса, «улгуржи савдо» қилади у. Унинг ҳукмига маҳкум бўлган салтанатлар, тиллар, дин ва эътиқодлар қанчалар мустаҳкам занжир ва тиканли симлар билан ўраб-чирмалган бўлмасин, дейлик, собиқ СССР сингари кунпаякун бўлиб, фақат солномалар саҳифаларидан, тарих сандиғидан жой олади. Жамият тадриж қонуниятининг ҳақиқати шундай. Бу қонуниятнинг зулми зўравонлик билан бузмоқчи бўлганларни тарих шафқатсиз жазолайди.

Халқимизнинг олтин одати бор. Зўрга зўрлигини билдиради, ожизга шафиқлигини изҳор этади. Яъни кучга қудрат, меҳрга муҳаббат билан жавоб қайтара олади.

Шу маънода, Русия Давлат Думасининг мазмун-моҳияти билан собиқ Совет Иттифоқини қайта тиклаш тўғрисидаги қарори нафақат мамлакатимиз аҳли, балки бутун дунё эркесвар халқларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлди. Зеро, шоир айтганидек, «Қафасдан бўшалган ҳар қуш қайтиб ўзини солурму?!» Ҳа, истибдод тузуми «шундоқ қолмади», ўзгарди. Бироқ бу ўзгариш кимларгадир ёқмаяпти. Билиб-билмай эски қафасни қўмсаётганлар кимлар? Уларнинг кимлигини билиш учун яна тарихга, фактларга мурожаат этайлик. Чунки, тарих қатларида эҳтиросдан кўра ҳақиқат устундир. Ҳақиқат эса мана шундай сабоқ беради.

...2500 кишилиқ Черняев отряди билан 1500 кишилиқ Кўқон қўшинлари тўқнашуви натижасида кўқонликларнинг 307 нафари шаҳид бўлди, 390 нафари жароҳатланди. Халққа қирон келтирган солдат ва зобитларнинг анчаси Русиянинг олий даражали жанговар орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Полковник Черняевга генерал-майор унвони берилди.

Русия оқ ва қизил империясининг сиёсати макр ва ҳийлага тўла эканига тарих шундоқ гувоҳлик беради:

Тошкентликлар уруш катта вайронагарчилик ва қурбонлар беришга айланиб кетаётганлиги ҳамда вазиятни ўнглаб бўлмаслигини назарда тутиб, музокара бошлашга мажбур бўлдилар. 1865 йил 17 июнда музокаралар бошланди. Черняев шаҳарнинг Ҳакимхўжа қозикалон, Абдулқосимхон эшон, домолла Солиҳбек охун сингари нуфузли кишилари билан суҳбат ўтказди. Натижада икки томон шартномага имзо чекди. Черняев ўз ҳаракатларини халқ олдида оқлаш учун оқсоқоллардан гўё Тошкент ихтиёрий равишда рус кўшинига бўйсунганлиги ҳақида хат уюштириб беришни талаб қилди. Бу хат мазмуни баён этилгач, йиғилган шаҳар катталари ҳайрон қолишди. Солиҳбек охун эса газаб билан шундай дейди: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва у ердан Фулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киритди. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри 42 кун давомида сувсиз, овқатсиз қолдирилди. Мулла Олимқул лашкарбоши шаҳид бўлганидан кейин кўшин сардорсиз қолди. Тошкент фуқаролари Ватан ва эътиқод учун қаттиқ туриб, уруш-савашни давом эттирди. Сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин, саҳарга яқин рус аскарлари Хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан ўтиб кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунгача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, очташна, сувсиз, яккама-якка уруш бўлиб, охирида ярашиш сулҳи тузилди».

Мавжуд ҳақиқий аҳволни Черняевга дадил ва тик боқиб айтган Солиҳбекнинг бу сўзи уни қутуртириб юборди. У ҳақиқий босқинчи башараси билан боқиб: «Эй бек, ким билан тортишяпсан, қўл қўй ҳужжатга, акс ҳолда, кунингни кўрсатиб қўяман», — деб газаб билан ўшқирди. Солиҳбек охун эса, ажалим сенинг қўлингга бўлса, тайёрман, дея, имон-эътиқоди, халқи иродасига қарши бориб сохта ҳужжатга имзо чекмаслигини қатъий билдирди. Шу заҳоти Солиҳбек охун ва унинг тарафдорлари чор аскарлари томонидан ҳибсга олинади ва Сибирга сургун қилинади.

Чор истибдоди тарихида бунақа мисоллар жуда кўп. Бу босқинчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этадиган фожиалар қизил империя даврида ҳам оз эмас, аксинча, кўп эди. Империянинг кечириб бўлмас жино-

яти унинг хотирага, эътиқод ва халқларнинг ватанига қилган тажовузидир. Рус — япон урушидан кейин, Узоқ Шарқни асл ватан билиб, қадим-қадимдан буён шу маконда истиқомат қилиб келаётган баъзи халқларнинг гуруҳлари Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудуди-га мажбуран кўчиртирилди. Айрим Кавказ халқларининг ўз ватанидан мажбуран мосуво этилгани, яна Марказий Осиё ҳудуди, Ўзбекистонга жойлаштирилгани-чи? Бу билан «халқлар отаси» ишончига сазовор бўлолмаган бутун бир халқ «доҳий» ғазабига дучор бўлган бўлса, яна бир томондан, ҳар жиҳатдан бири-биридан узоқ халқларни бир-бирига қўшиб, уларни аралаштириб юбориш, шу усул билан халқларни ўз тарихи, ватани, эътиқоди, урф-одати, миллий-қадрият ва маданиятидан айириш эди. Социалистик маданият деган сохта тушунча шунинг оқибатида пайдо бўлган эди. Мавжуд истибдод тузумининг ўзи «тарбиялаб вояга етказган» манқуртизм (Чингиз Айтматов) «социалистик маданият» деб жарангдор қилиб номланди.

Аслида, оқ империянинг ҳам, қизил империянинг ҳам миллати йўқ. Уларни тутиб турган нарса манфаат, халқлар устидан ҳукмронлик қилиш иштиёқи эди. Бу иштиёқ шунчалик зўрайиб кетдики, ундан рус халқининг ўзи ҳам азият чеккани рост. Ҳар хил тadbирлар, муносабатлар баҳонасида рус халқи вакиллари ҳам ўзларининг тарихий ватанлари ҳудудидан чет минтақаларга, ўлкаларга кўп миқдорда кўчирилган эди. Уларнинг кейинги тақдири билан эса империя ҳеч қачон қизиққан эмас.

Узоқ йиллар мобайнида мустақамланиб келган истибдод ўз мавқеини бирдан қўлдан беришни истамайди. Ўзининг аввалги зўравонлигини сақлаб қолиш учун қурол, ҳукумат, мафкура кучидан, турли сиёсий ҳийланайранглардан фойдаланиб кўришга уринади. Аммо, зулмни зулм билан эмас, ақл-идрок билан енгиш мумкин. Халқимизда эса ҳар қандай империя тазйиқини енга оладиган салоҳият бор. Бунинг учун мамлакатимиз иқтисодий-табиий захиралари ҳам етарли қолаверса, халқнинг, давлатнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир халқ ҳам, ҳар бир давлат ҳам ўз тарихий ватани, асл макони ўрнида тенг ҳуқуқли, тенг нуфузга эга. Фақат, ижтимоий-сиёсий, табиий сабаблар туфайли уларнинг имкониятлари ҳар хил бўлиши мумкин. Олий халқ, олий давлат тушунчаси империячилик руҳидан бошқа нарса эмас. Аслида, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон

АҚШ, Англия, Франция, Италия, жумладан, Русия сингари ривожланган давлатлар билан, ҳам ҳатто дунё харитасига тушмаган кичик давлатлар билан ҳам тенг ҳуқуққа эга.

Табиийки, Давлат Думасининг бошқа давлатлар мустақиллигига раҳна солувчи қарори дунё ҳамжамияти олдида Русиянинг обрў-эътиборини кескин тушириб юборди. Ўзбекистон эса ўзининг узоқ ва яқин қўшнилари ҳамжамият олдида катта нуфузга эга бўлишини истаиди ва бундан манфаатдордир. Зотан, қўшни давлатларнинг тараққиёти даражаси, ривожланиш раволиги мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётига ҳам таъсир этади. Чунки, дунё халқларининг фаровонлиги давлатларнинг тинчлиги билан осойишта. Ва ана шу осойишталик билан бир бутундир. Бирор бир халқ ёки давлатнинг раво йўлига раҳна солишга уриниш бутун дунёнинг тинчини бузишга уринишдир. Гарчи, бир давлатда қабул қилинган қарор билан бошқа бир мустақил давлат тақдирига дахл этишни орзу қилиш кулгули бўлса-да, бу зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб олиш учун асос бўлади.

Ҳар хил ҳийла, фитналарга қарши ақл-идрок жавоби қандай бўлади? Биз кўп ўринларда бой, ёрқин, илм-фан, маданияти юксак ривожланган ўтмишимиз билан фахрланишга кўникиб қолганмиз. Бунга ҳақлимиз. Ўтмиш билан фахрланиш яхши, аммо унга маҳлиё бўлиб, ҳозирги замон тараққиётидан орқада қолиб бўлмайди. Мамлакатимиз келажаги буюклигининг кафолати — замонавий фан-техника ютуқларини ўзлаштиришдир. Ҳаммамиз ҳам ўзбек космонавтлари коинотни тадқиқ этадиган, энг замонавий самолётларимиз, поездларимиз, автомобилларимиз мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини дунё шаҳарлари билан боғловчи, энг замонавий товарларимиз дунё бозорларига чиқадиغان кунлар тезроқ келишини интиқлик билан кутиб яшаймиз.

Бизнинг осойишталигимиз имконияти, дунё ҳамжамиятидаги тенглараро тенглигимиз имконияти, тараққиётимиз барқарорлиги, халқимизнинг ақл-идрок, илм-фан, тафаккур салоҳияти, шарқона маданиятимиз ва замонавий ривожланишимизнинг уйғунлиги имконияти, энг муҳими — мустақиллигимиз, дахлсизлигимиз имконияти — Русия Давлат Думасининг моҳиятан собиқ СССРни тиклаш ҳақидаги қарорига берадиган жавобимиздир.

Бизнинг йўлимиз — мустақиллик йўли. Биз бу йўлнинг тўғрилигига ишонамиз. Ҳеч нарса, ҳеч қачон бизни бу йўлдан қайтара олмайди!

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 11 апрель.

ТАФАККУР БАҲОСИ

Инсоният тарихи тафаккур тарихидан иборат. Миср пирамидалари, Юнон Уйғониш даври адабиёти, Аё София масжиди, «Уруш ва тинчлик», «Телба» романлари, XX аср ракеталари — бари-бари муайян реал қиёфага, шаклга кирган Фикрат тарихи. Улар бир парча темир, қоғоз, бетон, товуш эмас, балки Инсондан ўсиб чиққан ва мудом ўсишда бўлган тафаккурнинг яшноқ дарахтларидир.

Одамдан ўзга бирор-бир мавжудот онг, ақл ва сўз эгаси эмас. Табиат шу уч нарса билан инсонни мукаббат қилиб яратди. Шунинг учун Инсон доим мукамалликка — Комил Инсон бўлишга интилади. Комил Инсон — бу идеал. Инсоннинг бутун умри, номаи аъмоли ана шу идеал сари интилаётган йўлдир.

Тафаккур тарихи дедик. У қайси қаърд яширинган? Жаҳон мерос шаҳарлар рўйхатига кирган Хива, Бухоро миноралари, Самарқанд осори атиқалари ақл-идрок қудратининг намуналари эмасми? Инсон ўзи ҳақида яна бир инсонга, абадиятга, авлодларга хабар бериш учун сўз ва ёзувни яратди. Ҳаёт муаммоларини ечиш учун ақлини ишга солар экан, ҳозир оддий бўлиб туюладиган велосипедни ихтиро этди. Аслида, велосипеднинг кашф этилиши инсоният тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки велосипед ҳозирги бутун техник тараққиётнинг бошланиши бўлган бўлса эҳтимол.

Инсон ақл-идрокининг поёни йўқ. Тасвирий санъат, архитектура санъати, кимё ва осмонлар илми, риёзиёт ва шу сингари бошқа кўп инсон тафаккурининг дарёлари борки, бутун биру бор, «заррадан то коинот қадар» шу дарёдан сув ичади.

Ватанимиз ўз ўтмишини ёритиб турган чароғон юлдузлари билан фахрланади. Зеро, халқ тарихини ҳаммиса салоҳият эгалари белгилайдилар. Бутун-бутун авлодлар, шода-шода даврлар ўз бешигида даҳоларни улғайтиради. Халқ ва даврнинг туркум-туркум муноса-

батлари алоҳида Шахслар тақдирида ўз мужассамини топади. Ноёб архитектура ёдгорликларида, нодир китобларда, кўнгил ва ақлнинг баравар зарби билан айтилган сўзларда ҳам шундай мужассамлик мавжуд.

Ўзбекистон ўзининг интеллектуал салоҳиятидан бугунги кунда ҳам нолимайди. Гарчи ҳали дунёда у ёки бу халқнинг ақлий салоҳияти даражасини белгилайдиган ўлчов, ақл қудратини кўрсатиб берадиган мезон фан томонидан кашф этилмаган бўлса-да, тарих қатларига, бутун кенгликларига бир қур назар ташлаб, жаҳон маърифий тараққиётига қўшган улушига, маданий қадриятлари ва ўзига хос менталитетига кўра, миллатнинг ақлий потенциали — тафаккур захирасига маълум «ташхис» қўйиш мумкин. Бугунги дунёда, хоҳлайсизми-йўқми, халқ мана шу «кўрсаткич»га қараб тан олинади. Бу борада ўзбек халқининг дунё халқлари ўртасида тутган ўрни қандай? — деган савол пайдо бўлади. Яқинда матбуот саҳифаларида шундай хабарни ўқидик: «Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори жаноб Арпад Богш Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларга ташрифи давомида ўзбек халқининг бой маданий ва интеллектуал мерос соҳиби эканига яна бир қарра амин бўлганини таъкидлади». БМТ тизимидаги нуфузли халқаро ташкилот рабарининг бу эътирофи халқимизга берилган жуда катта баҳодир. Бу эътироф киши кўнглини фахрга тўлдиради.

Халқ тафаккурининг тарихи қанчалик бой бўлса, унинг бугунги кундаги интеллектуал имкониятлари ҳам шунчалик кенг бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мамлакатимиз мустақиллигининг қисқа беш йиллик даврига бир нигоҳ ташлаш kifоя. Ўзбекистон дарҳол ўз йўлини танлаб олди. Бу йўл улуғ салтанат бунёд этиб, халқни жаҳонга танитган Амир Темур йўлининг давоми эди. Асрларнинг даҳшатли долғалари бизни бу йўлдан четлатиб ташлаган, биз жонимизни жабборга тикиб бўлса-да, мудом шу йўлга интилиб яшаган эдик. Не бахтки, бу йўл бизга яна муяссар бўлди ва биз бу йўлда қаттиқ туриб олдик. Бу айтишгагина осон. Унинг замирида қанчадан-қанча меҳнат ва заҳмат, ақл-идрок, мардлик ва жасорат, ўзига ва келажакка ишонч руҳи ётибди.

Биз танлаган йўл аниқ — у эскилик ва янгиликдан, Шарқ ва Ғарбдан энг жонли, тирик, ўсувчан ва доимий ривожланишда бўлган хусусиятларни танлаб олган уйғун, равон ва фазилатли йўлдир. Долғали дунёнинг

долғали ҳудудда тўрт томонга тортишларига имкон бермай, мағрур ва ишонч билан одимлаш бутун дунёнинг ҳавас ва ҳасадини келтириши табиий. Бунинг ҳаммаси интеллектуал қудратимиз баландлигидан нишонадир.

Дунёда бойликнинг тури кўп: «оқ олтин», «қора олтин», сариқ олтин ва ҳоказо. Лекин яна бир хил бисот мавжудки, уни на зеб-зийнат, на зар-зевар билан қийслаб бўлади. Бу мулк — халқнинг интеллектуал мулкидир. Айтиш мумкинки, бир киши ҳар қанча потенциал бой бўлмасин, барибир унинг чегараси бўлади. Ҳеч бўлмаганда, умр панд беради. Ана шундай пайтда унинг ўрнини бошқа бир потенциал бой шахс тўлдириши, нафақат тўлдириши, балки, даража-даражага кўпайиши лозим. Шу маънода, халқнинг интеллектуал мулки чинакам ҳазина. У табиий конларга ўхшаб тугаб қолмайди. Халқ мавжуд экан, интеллектуал мулк ҳам кўпаяверади.

Биз юқорида жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори А. Богшнинг эътирофини қайд этган эдик. Жаноб А. Богш яқинда: «Илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссаси учун Юртбошимизга ЖИМТнинг олтин медалини топширди». У бу халқаро ташкилот давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президент Ислам Каримовни олтин медаль билан тақдирлаётганини билдирди. Бу мукофот айна пайтда халқимизнинг интеллектуал салоҳиятига берилган мукофотдир.

Ҳа, Ўзбекистон ўз миллий давлатчилик асосларини янги даврда, янгича шароитда, янгидан қура бошлаган беш йиллик қисқа тарихда мамлакатимиз илм-фани, илмий-техника ва технологияси энг замонавий даражага, жаҳон талаблари даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз миллий самолётсозлик, миллий автомобилсозлик, миллий электроника, табиий ресурсларни ўзлаштиришнинг миллий, айна чоғда энг илғор технологиясига эга бўлди. Бу борадаги минг йиллик анъаналаримизни ўзлаштириб, энг илғор фан ютуқларида мужассам этиб келаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги мактаби янги асосларда бунёд этилди. Дунё аллақачон тан олган ҳозирги замон ўзбек математика мактабига мустақиллик қанот бағишлади. Ёш йигит-қизларимиз мутараққий давлатларда илм ўрганмоқдалар. Боғча-мактабларимиз-

дан тортиб олий ўқув юртларию, академияларимизгача янги уфқларни, янги чўққиларни кўзлаб, янгича тартибу қоидалар билан ишламоқда. Бу албатта ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Биласиз, Юртбошимизнинг биринчи фармонларидан тортиб кейингиларигача мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришга, халқимизнинг интеллектуал мулкани асраб-авайлашга, тараққий эттиришга йўналтирилган. Президент И. Каримовнинг шу йўналишдаги улкан ташкилотчилик иқтидори, меҳнатини ҳар биримиз равшан кўриб турибмиз.

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 1 июнь.

ҚАДРИ БАЛАНД, ҚАДДИ БАЛАНД ВАТАНИМ

Дунё Ўзбекистоннинг сўзини тингламоқда. Ўзбекистоннинг овози дунёнинг энг баланд чўққиларигача етиб борди. Энг юксак чўққиларда Ўзбекистоннинг байроғи ҳам ҳилпираётир. Энди Ўзбекистон жаҳон саҳнига чиқди.

Ўзбек Давлати Президентига хос хусусиятлардан бири шуки, у очиқ, ойдин, рўй-рост сиёсат юргизади ва бундан ватандошларимизни, жаҳон аҳлини худди шу тарзда воқиф эта боради. У Президент йўлидан, давлат сиёсатидан чўпону деҳқон, ишчию зиёли аниқ хабардор бўлишини истайди. У яна истайдики, йўлимиз ҳеч бир юртдошимизни бедахл қолдирмаса, қизиқтирса. Унинг энг катта истакларидан яна бири, Ер юзига сочилган қондош, жондош, қариндошларимиз — биродарларимиз бизни бораётган йўлимиз, ташлаётган одимларимиз орқали билишса.

Шу маънода, Президентимизнинг дипломатик корпус вакиллари, хорижлик журналистлар ва маҳаллий матбуот ходимлари билан юзма-юз учрашуви, самимий ва ошқора суҳбатлар ўтказиши анъанавий тусга кириб бормоқда.

Бундан уч ой муқаддам, апрель ойида ўтказилган худди шундай учрашувдан олган таассуротларимизни, унда Юртбошимиз Европа Иттифоқи билан муносабатларимиз равон ривожланиб бораётгани учун мамнунлик изҳор этганидан кучли таъсирланганимни ҳамон унутолмайман. Ўша учрашувдан сўнг мен Ўзбекистон Европадаги чиқиб бўлди, деган хулосага келган эдим.

Бугун эса навбатдаги ана шундай учрашувлардан кейин, Ўзбекистон жаҳонга чиқиб бўлди, деган эътироф кўнглимга фараҳ бахш этиб турибди.

Мазкур учрашувнинг Президентимизнинг Италия ва Америка Қўшма Штатларига ташрифидан кейин ўтганида ҳам алоҳида маъно бор. Сўхбатда республикамиз ҳаёти ва халқаро сиёсий фаолиятида рўй берган кейинги муҳим воқеаларга Президент муносабати билдирилди.

Хўш, бу воқеалар нималардан иборат ўзи? Уларнинг қандай аҳамияти бор? Аввало, И. Каримов Россиядаги сайлов натижаларини Россиянинг бугунги кунда мустақил ва суверен давлатлар билан дўстлик ва тенгликда яшаш, улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда муносабат ўрнатишга интилиши, деб таърифлади. Дарҳақиқат, собиқ СССРдек тоталитар тузумни қайта тиклашга бўлган ҳаракат барбод бўлди. Россия қудратли давлат. Ундаги ўзгаришлар аввало МДХ давлатларига бевосита таъсир этади. И. Каримов Россия Борис Ельцин сиймосида ислохотларни давом эттиришига, янги суверен давлатларни эски тизим, эски иттифоққа қайтишга уринмаслик йўлини давом эттираришига ишонч бирдирди.

Шубҳасиз, кейинги вақтда мамлакатимизнинг халқаро сиёсий ҳаётидаги энг катта воқеа Президентимизнинг Италияга ва АҚШга ташрифи бўлди. Зеро, жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириш йўлини мудом давом эттириш ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишидир. Шу йилнинг 21 июнь куни Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Европадаги тўла эътирофини кўрсатади. Очиги, Европа унча-мунча сиёсатчи ёки давлатни тан олавермайди. Бу эътироф эса Ўзбекистоннинг бой табиий, илмий, ижтимоий, сиёсий салоҳияти, республикамизда демократик жамият муваффақият билан қурилаётгани, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинаётгани, фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқий давлат қадриятларига содиқлик туфайли юзага келди. Ўзбекистон бундан кейин ҳам Европа билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираверади.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг юзма-юз учрашуви, икки давлат ўртасидаги шериклик ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қатор ҳужжатларнинг имзоланиши эса юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятга тўла ҳуқуқли

аъзо бўлиб кирганидан, шу сафдан мустаҳкам ўрин олганидан далолатдир! Ташриф давомида оламшумул ва минтақавий хавфсизлик муаммолари муҳокама этилди.

Бугун дунё ягона — битта инсон каби мукамал яратилгандир. Жаҳон давлатлари битта инсон вужуди янглиғ бир-бири ила ва ўзаро вобаста. Бу вужуднинг бир аъзоси офриса, бошқа аъзоси зирқирайди. Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллигининг дахлсизлиги, ўзбеклар юртидаги барқарорлик ва ижтимоий равнақдан океан ортидаги Америка ҳам жуда манфаатдор эканини таъкидлади Билл Клинтон. Жаҳондаги етакчи давлат раҳбарининг бу эътирофи шунчаки, оддий гап эмас. Билъакс, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви диёримизнинг қадри баландлаб, қадди юксалиб бораётганини кўрсатади. Президент Клинтон Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ҳал қилувчи аҳамияти, барқарорлаштирувчи ўрнини эътироф этиши бошқа катта-кичик давлатларнинг ҳам эътиборини тортди. Ўзбекистонга яна бир бор дунёнинг эътибори қаратилди. Президентимиз мамнуният билан қайд этди: «Бугун шуни айтиш лозимки, биз Ўзбекистон аҳли АҚШдек буюк давлат билан яхши муносабатларни юксак даражада қадрлаймиз ҳамда бу муносабатларни асраб-авайлаймиз». Дунё бир-бировини асраб-авайлаш, қадрлаш, бир-бировининг ташвишини чекиш билан барқарор бўлиб келаётган кўҳна чамандир.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг Америкага ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Президент хорижлик журналист берган саволга жавоб қайтарар экан: «АҚШга ташрифнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бизнинг демократик, озод ва ривожланган давлат барпо этиш йўлидаги ҳаракатларимиз тўғри эканига ишончимиз янада ортди», — деб айтди.

Учрашувда демократия, инсон ҳуқуқлари ҳақида ҳам дастуриламал мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ортга қайтариб бўлмайдиган тусга киргани қайд этилди. Бинобарин, халқимизнинг эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда. Ислоҳотларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши Президентимиз бошлаган улуғ йўл тўғри эканини кўрсатади!

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 13 июль.

КЕНГ ДУНЁ САРИ УЛУҒ ЙЎЛ

Ўзбекистон — Ватаним улкан чинорга ўхшайди. Унинг илдизи минг йилларнинг қат-қатига сингиган бўлса, бақувват шохлари осмон юксакликларига уланиб кетган. Бу чинор илдизлари жуда чуқурдаги обирахматга етганки, шундан унинг шохлари мудом ўсиб боради. Яъни юртимнинг бугунги камолида тарих билан келажак мужассам.

19 июль куни Асакада оламшумул воқеа рўй берди. Ўша куни бу ерда одатдагидек анча барвақт тонг отди. Шаҳарчада ёниб турган минглаб чироқлар субҳидамни уйғотиб юборган эди. Бу тонгни нафақат куннинг оддий давоми, балки улуғ Куннинг бошланиши, Ўзбек Давлатининг салмоқли тарихидаги буюк ўзгаришлардан бирининг ибтидоси деса дегуликдир. Ўзбекнинг бу кичик шаҳрига эрталабданоқ дунёнинг тўрт томонидан яхши ниятли одамлар оқиб кела бошлади. Эҳтимол, шу пайтгача Асакага ўхшаш шаҳарларимиздан ҳеч бирига бир кунда бу қадар кўп хорижликларнинг қадами етмагандир.

Ўзбекистонни дунёга танитадиган воқеалардан бири шу заминда — Асакада рўй берди. Бу ерда «ЎзДЭУавто» Корея-Ўзбекистон қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу корхона ўзининг кўриниши, қуввати, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлари билан, хуллас, ҳеч бир жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг шу турдаги корхоналаридан қолишмайди. Унинг улкан цехларини айланар эканмиз, кўнглим фахру гурурга тўлди. Ахир, юртимиз буюк ўзгаришлар бўсағасида турганини ўз кўзим билан кўриб турибман. Бу корхона шунчаки бир иншоот ёки қурилма эмас. Балки ўзбек халқининг илм-фани, ақл-заковати, қудрати, ҳамдўстлигининг тимсолидир.

Корхонанинг очилиш маросимида Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири жаноб Ким Ток Ленг шундай деди: «Президент Ислон Каримовнинг фаол раҳбарлиги остида мамлакат бозор иқтисодиётини яратиш ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириб, жаҳонда катта обрў-эътибор топди. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб маданиятларини ўзлаштирган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда». Дунёга таниқли давлат арбобининг бу самимий эътирофи ўзбекистонликман деган ҳар бир кишини ҳаяжонлантирмасдан, гурурлантирмасдан қолдирмайди.

Мана, мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаш бўсағасида турибмиз. Инсоф билан айтганда, бундан беш йил олдинги даврда ҳам халқимиз ўзининг шундай имкониятларини намоён эта олармиди? Аксинча, совет тузуми Ўзбекистонни қолақ, аграр ўлка сифатида тутиб туришдан манфаатдор эди. Юртимиз улкан империянинг хом ашё базасига айланиб қолганди. Биз ўзимиз етиштирган пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш имконига эга эмас эдик. Оғир саноат ва машина-созлик эса Ўзбекистон учун мутлақо нолойиқ кўриларди. Гўё, оғир саноат, машина ва машинасозлик ўзбекларнинг қўлидан келмайдиган иш деб қараларди. Замонавий автомобиль ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон учун орзу эди, холос.

Мустақиллик аввало бизга ўз кучимизга ишончни берди. Биз қишлоқ хўжалиги, оғир ва енгил саноат, машинасозлик ва самолётсозлик, электрон ҳисоблаш техникаси сингари энг нозик соҳаларда ҳам анча илгарилаб кетдик. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз ҳисоб-китоб, ўз сон-саногини қўлига олди.

Мутахассисларнинг айтишича, бундай катта миқёсдаги қўшма корхона ҳеч бир жойда шундай қисқа вақтда иш бошламаган. Мунтазам ишлаб турган конвейерлардан «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари узлуксиз чиқиб келмоқда. Мазкур корхона миқёси ва қуввати жиҳатдан Марказий Осиёда ягонадир. Энди чиндан ҳам ҳар бир ўзбекистонлик машина миниб юрадиган замон келди. Бу юртимизда бўладиган чинакам фаровонлик, мўл-кўлчиликдан нишонадир. Бу мўъжизавий воқеа мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди. Чунки, Ўзбекистоннинг дунёга, жаҳон бозорига чиқиши учун яна бир катта йўл очилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жонбозлиги билан қурила бошлаган «ЎзДЭУавто» эндиликда мамлакатимиз хазинасига хорижий валюта келтира бошлади. Бундан ташқари, минглаб одамлар иш билан таъминландилар.

Бутун дунё мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, илмий-техник потенциалига қизиқиш билан қарамоқда. Кореянинг кўмаги билан ўзбек миллий автомобилсозлик саноатига асос солинди. Бу воқеа Ўзбекистоннинг мустақиллик тарихида энг ёрқин, энг унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бундан ҳар бир ватандошимиз чин маънода фахрланса арзийди. «ДЭУ» деганининг маъноси «кенг дунё» дегани экан. Бу Ўзбе-

кистон ўз автомобили билан кенг дунё йўлига тушди демакдир.

Бу йўл Ўзбекистонни энг ёруғ келажаклари сари олиб боради. Асрлар давомида улўф қарвонлар ўтиб қайтган Буюк Ипак йўли изларида Ўзбекистон автомобиллари диёримиз довруғини Шарқу Фарб, Шимолу Жанубга таратади. Ўзбекистоннинг шуҳрати оламга ёйилади. Биз бугун Асака автомобиль заводида тайёрланган бежирим автомобилларимизга ўзимиз ҳам маҳлиёмиз. Эртага бугун дунё мустақил ватанимизга маҳлиёлик нигоҳи билан қарайди. Амир Темур асос солган миллий давлатчилигимиз пойдеворига «ЎЗДЭУ-авто» сингари завод ва фабрикалар мустақкам тамал тоши бўлиб қўйилмоқдаки, янгидан қад ростлаётган Ватанимиз биносига энди на бўронлар, на тўфонлар қор қила олади. Ўзбекистоннинг иссиқ қуёши, сахий замини, серунум тупроғи бор бўлса, энг муҳими, диёнатли, мард, танти, айтган сўзининг устидан чиқадиган ҳалқимиз омон, юртимизда тинчлик барқарор бўлса, Ўзбекистоннинг қадди тоғлардан-да юксалиб бо-раверади.

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 23 июль.

ЭСКИЧА ҚАРАШЛАРДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАСИЗ?!

Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг: икки отлиқ тоғ чўққиси томон кўтарилиб бормоқда. Йўл ниҳоятда қалтис, маррага санокли қадамлар қолган. Шунда суворийлардан бирининг нигоҳи секин ортга бурилди. Шу заҳоти шеригининг ҳайқириғи уни хушёр торттирди: «Пастга қарама, отнинг кўзи тиниб йиқилиши мумкин!» Дарҳақиқат, бу нуқтадан тубанга қарашнинг ўзи ҳалокат билан тенг эди. Фақат нигоҳини чўққига қараб, олға интилгангина мўлжални забт эта олади.

Юқоридаги ҳолатни мажозий маънода шундай талқин этмоқчимиз: олға интилган — янгиликни ҳис қилган, пастга қараган — эскилик қобигидан чиқолмаган одамлар. Зотан, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида бугуннинг талабини, эртанинг эҳтиёжини чин юракдан ҳис этган, янгиликнинг моҳиятини дил-

дан иллаган ходимлар ижобий ўзгаришларга эришмоқдалар. Аксинча, эскича қарашлар бутун вужудига сингиб кетган айрим раҳбарлар (афсуски, улар ҳамон амал курсиларига ёпишиб олишган) ислоҳотлар гилдирагига тўсиқ бўлишяпти. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлгани каби эскилик ботқоғидан халос бўлолмаётган, аллақачон ўтмишга айланган одатларга канадай ёпишиб олган раҳбарларнинг хили, тури кўп. Улар қиёфаларини даврга қараб ўзгартириб туришади, ўзларини гўё жон қойитиб ишлаётгандай кўрсатишади. Ундай кимсалар «Келажаги буюк Ватанимга хизмат қилман», «Халқимга садоқатим чексиз» деган баландпарвоз, жозибадор сўзларни хитоб этиб эл кўзини бўйядилар.

Холбуки, ундайлар ҳар қанча турланмасинлар, барибир ҳақиқий башаралари фош бўлади. Чунки эскича қарашга муккасидан кетган зотлар бугунги омилкор, изланувчан, кенг тафаккурли одамлар олдида олақарғадай ажралиб қолмоқдалар. Янгиликни ҳис этолмаётган жаноблар кўзларини каттароқ очсалар, бугун қандай замонда яшаётганликларини ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Эндиликда ҳар бир ҳаракат учун тепадан фармон кутиб ўтириш шарт эмас. Бугун латифага айланаб кетган бир гапни эслайлик. Айтишларича, янги алифбо жорий этилган йилларда бир колхоз раиси райкомга шундай шошилиночнома юборибди: «Ўртоқ секретарь, одамларимиз берилган ҳамма ҳарфларни ўрганиб бўлишди, пландан ташқари бор бўлса беринг, буёғини ҳам қойиллатамиз». Шўролар давридаги «демократик централизм»нинг ярамас омили аксарият одамларни хавфсираб яшашга, бир чўқиб ўн қарашга ўргатди. Масъулиятни зиммасига ололмаган одамдан фикрий жўшқинлик, ишга ижодий ёндошишни кутиб бўладими?

Дадил қадамлар қўйиш учун эркин тафаккур керак. Ифодали қилиб айтганда, мустақил давлатимиз манфати ҳар кимдан мустақил фикрлашни талаб этади. Ўз вақтида Америка файласуфи Ральф Эмерсон «Ҳеч қачон ҳеч қандай улуғ иш ғайратсиз юзага чиқмаган» деганда нақадар ҳақ эди. Ғайрат кўрсатиб ҳаракат қилиш эса янгиликка интилувчи кишиларга хосдир.

Эски замон услубига ўрганган одамлар олдида икки-та йўл турибди. Биринчиси — ўз камчиликларига иқроор бўлиб, бугуннинг талабига мос ишлаш. Иккинчиси — улкан мақсадлар йўлига гов бўлмаслик, халақит бермас-

лик. Президентимизнинг «...биз ношуд, лаёқатсизлик ёки онгли равишда ишимизга халақит берадиган кишилар билан келиша олмаймиз», деган сўзлари ҳамиша ёдда турмоғи даркор.

Бугунги мамлакатимиз беш йил олдинги Ўзбекистондан бутунлай фарқ қилади. Тарихан қисқа муддатда бир неча ўн йилликларга татийдиган замон шитобини бошдан кечиряпмиз. Яна беш йилдан сўнг юртимиз салоҳияти бундан-да беқиёс кўлам касб этиши шубҳасиз. Бундай манзилларга эскича тушунчалар билан, бошқаларнинг «чўнтагидан» тушиб қолган ғоялар билан бориб бўлмайди. Шунинг учун, келинг, замон талабларидан келиб чиқиб, эскирган фикрлардан, одатлардан воз кечайлик, маънавий покланган ҳолда ХХI асрни қаршилайлик!

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 5 сентябрь.

УЛУФ ДАРД СУРАТЛАРИ

Шоирлик, у не ўзи? Қисматми, ё пешонага битилган ёзуқми? Балки ҳар иккиси ҳам эмасдир. Балки Яратгanning одамзотга ато этган бир буюк дардидир. Билмадим.

Шеърятда минг йилларки, бир ўлмас қонун яшайди. У ҳам бўлса, яхши шоир ҳеч қачон иккинчи бор шоир айтган сўзни такрорламайди. Қолаверса, ҳар қандай ижодкорнинг истеъдоди унинг қалбидаги ДАРДнинг нечоғлиқ катталиги билан ўлчанади, десак янглишмаймиз. Шу маънода, Усмон Азимни ҳеч иккиланмасдан дардлар шоири десам, янглишмайман.

У бутун борлиғи билан шеърларига кўчиб «яшайди». Бирга азоб чекади, бирга эзилади. Ўзини-ўзи бешафқат саволларга кўмиб ташлайди. «Ўзингни аяма, Бешафқат бўлгин. Жонингга солиб тургин гоҳида буров» дейиш осон эмас. Ана шу оғриқларни ўзида ҳис қилган ижодкоргина шундай ёзиши мумкин. Бу Усмон Азим шеърининг тарозу босадиган тарафидир.

Шу ўринда мен таниқли мунаққид Иброҳим Фафуровнинг «Бугунги поэзиянинг асосий қидираётган нарсаи ҳақиқат» деган сўзлари ҳар бир истеъдодли ижодкор юрагига сингиб кетмоғи шарт деб ўйлайман. Негаки, шеърятда ёлғон яшолмайди. Унга бу сирли оламда

жой кам. Шоирнинг ўзини ва ўзгаларни фош қилиб яшаши, шубҳасиз, оғриқсиз, азобсиз кечмайди. Бу улуғ оғриққа бардош бериб яшаган одамгина ўзини «Мен шоирман, Истасангиз шу» (Абдулла Ориф) дея олиши мумкин. Бу сўзларни айтмоқ учун каттакон юрак керак. Ҳеч муболағасиз айтаман, Усмон Азимда ана шу, сизу биз истаётган, талаб қилаётган улкан юрак вояга етди. Бу ҳақиқатни унинг ҳазрати бобомиз Алишер Навоий номига қўйилган мукофотга тавсия этилган «Сайланма»си ҳам яққол исботлаб турибди.

Бу китобдаги ҳар бир шеърида шоирнинг биз таърифлаётган юрагини бориचा кўриб турамыз. Ўтган ўн йигирма йиллик тинч ва нотинч ҳаётнинг асл қиёфаси, қалбнинг тозариши, кўнгилдаги турфа хил исёнлар, Муҳаббат дея аталмиш тилсимли дунёнинг ҳали ҳеч ким англаб-англолмаган сирлари, халқ оҳанглариининг нодир намуналари, умр фасллариининг нурли ва нурсиз суратлари... Буларнинг ҳаммасини бу ҳассос шоир яҳодининг ойнаси деса бўлади. Бу китобни фақат varaқлаб эмас, чин юракдан ҳис этиб кўрсангиз, кейин англаб етасиз.

Дарвоқе, шеър нима ўзи? ДАРДми, ё инсон руҳий оламининг сўнгсиз қийноқларими? Нима бўлганда ҳам уни ҳеч ким изоҳлаб бераолмайди. Менинг назаримда у покланиш, сийратни тинмай тозалаш умиди билан яшаётган юракнинг айтиб бўлмас қўшиғига ўхшайди. У кеча ё бугунни эмас, балки эртаниям ўйлаб нафас олади... Бир лаҳза ўйга толайлик. Нимани англадингиз? Ҳа, ана энди топдингиз, мана мен таърифлаётган Усмон Азим шеъриятининг сизу биз излаётган нодир бўлаги!

Усмон Азим шеърларидаги образлар тўқима эмас. Улар ҳаммамизнинг кўзимиз ўнгида турган одамлар ва бошқа манзаралардир. Бу шеъриятнинг асл кучини, қудратини белгилайди.

Бир мўъжазгина мақолада ўзбек шеъриятида ўз сўзини айтган ва бугун ҳам мағрур оҳангда айтаётган шоир ҳақида кенгроқ тўхталмоқнинг имкони йўқ. Энг яхши баҳони эл-улус айтади.

«Туркистон»,
1996 йил 12 октябрь.

«БИЗ УЧУН ВАТАН БИТТА!...»

Беш йил бўлди. Юрагимда учта баҳайбат сурат даҳза сайин каттариб бораётир. Уйлайман-у Яратганга илтижолар қиламан: Биз ВАТАНдан айрилмайлик. Яна кўксим ғурурга тўлади. Бу недан дейсизми? Ҳа, биз ҳам ХАЛҚ бўлиб дунёга чиқдик. Яна... бир сўз дилимни ўртайди. У ҳам бўлса ҲАҚИҚАТ! Унинг асл қиёфасини кўргим келади.

* * *

Куз охирлаб қолди. Фалвир сувдан кўтариляпти. Кимнинг тарозуси оғирроқ тош босяпти? Ўзбекистон харитасига қарайман. Андижонлик пахтакорнинг юзи ёруғ. Чунки у меҳнатига куймади-да. Фаройиб тажрибаси бутун мамлакатга овоза бўлди. Энди мақтанса арзийди. Лекин Жиззаху Сирдарё, у ёғи Наманган... Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Навоий ва бошқа вилоятларда сўнгги мисқоллар хирмонга тўкиляпти. Қиш эса, минг афсуски, осмонда қишламайди. Табиат сизу биз билан ҳисоблашиб ўтирмайди ҳам. Шу боисдан-да, Юртбошимиз Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларида бўлганларида бутун ўзбекистонлик деҳқону зиёлига, хуллас, ҳар бир фуқарога сабоқ бўларлик гапларни гоҳ ачиниб, гоҳ куйиниб айтдилар. Бу аччиқ ҳақиқатлар замирида Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдири турганлигини унутмаслик керак.

Тўғриси, бизнинг феълимизда ғалати бир қусур бор. Уни ҳар қадамда сезиб, билиб турамыз. Аммо эътибор бермаймыз. У нима дерсиз? Агар қайси вилоят ёки туман шаънига очиқчасига, ошкора танқидий фикр айтилса, ҳамма хатолик, нуқсон ўша худудга тегишли деб ўйлаймыз. Аслида-чи? Нега ҳамон Ўзганинг дардини ўзимизники дейишга ўргана олмаяпмыз? Ахир Ватан ягона-ку! Айтинг, уни бўлиб, ажратиб бўладими? Асло, шундай экан, энди ВАТАНни кенгроқ маънода кўнглимизга сингдирайлик.

Ватаннинг сурати борми? Бор, албатта. Фақат сизу биз сезиб-сезмаймыз-да. Унинг шакли-шамойилию, қадр-қимматини дунёнинг тўрт буржидан «Ўзбекистонни бир кўрсам» дея суюниб, кўз ёши тўкиб келаётган ватандошдан сўранг. Унинг митти юрагида улуғ юртининг каттакон сурати ўйиб чизилган. Керак бўлса, у

«Ўзбекистон» деган битта сўзга бутун умрини алишишга тайёр. Биз бўлсак... баъзан.

Ватанда туриб, Ватаннинг қадрига етмаймиз.

* * *

Ҳаётнинг ўзи бир имтиҳон. Яшаш ҳам катта синов. Яхши, тўғри, ҳалол яшаш эса янада масъулиятлироқ. Яхшиси, сизга кечагина ўзим гувоҳи бўлган воқеани айтайин. Аввал жиззахлик пахтакорлар билан гаплашдим. Барибир сўз айланиб пахтага, деҳқончиликка келиб тақалди. Кўпни кўрган кекса бригадир нолиб қолди: «Нимасини айтасиз, ҳалиям деҳқоннинг эрки қўлида эмас. Унинг ерига эга кўп. Уни экасан, буни экмайсан деганларни сўраманг. Аслида-чи, ерларимиз ҳориди. Алмашлаб экиш деган гап-сўзлар ҳозир йўқ. Мажбурий, зўрма-зўраки экин-тикинлар кузга келиб, ҳаммамизни уялтириб қўяпти. Раҳбарлар бўлса...» У истиҳолага борди. Шундаям яна Юртбошимизнинг ошқора айтган дардли сўзларини эслатди: «Ахир Президентимиз бекорга ҳар иккала вилоятда бўлганларидаям боқимандалик, ўзи бўларчилик, эгасизлик илдизлари халқ ва давлат ишончини оқлолмаётган, бурч ва масъулиятни унутиб қўйган субутсиз раҳбарларда эканини очик айтдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Бизлар кўриб турибмиз. Лекин...»

Ана шу огриниш ва «лекин»лар ортида минг-минглаб деҳқонларнинг бугунги қувончи ва ташвишлари ётгани аён. Ёки сирдарёлик бир зиёлининг ярим ҳазил, ярим чин маънода айтган мана бу сўзларида ҳеч қандай муболаға йўқ: «Яшириб нима қиламиз, Сирдарёда ер эгасиз қолди. Ўтган ҳам, кетган ҳам ўз манфаатини ўйлайди. Тўғри гапни эшитишмайди. Телевизор орқали Президентимизнинг сўзларини эшитиб туриб, очиги, йиғлагим келди. Чунки у киши бизлар кўриб, билиб, аммо айтолмай юрган ҳамма дардларни айтдилар-да...»

Булар элдошларимиз кўнглидаги ҳақли эътирофлар.

Шоир Абдулла Ориповда шундай бир сатр бор. Бу ҳаммамизга ёд бўлиб кетган: «Қачон халқ бўласан сен, эй, оломон?!» Йўқ, мен бу машҳур сатрни таҳлил қилмайман. Бироқ, беш йилдан бери дилимни бошқа бир юпанч, ёруғ умид ёритади. **БИЗ ЭНДИ ХАЛҚ БЎЛДИК!** Ана шу халққа хос ишларни қиладиган кун ҳам келди. Мен юқорида икки вилоят мисолида кўрганларимни бежиз айтмадим. Боиси, халқимизнинг руҳи аллақачон уйғонган. Тафаккурида «инқилоб» бош-

ланяпти. Энг қувончлиси, бугун кечаги ниятлар ижобат бўлаётир. Энди ҳамма гап фидойиликда. Фидойилик, ватанпарварлик қасрда туғилади ўзи? Албатта, юракдада! Юракда эса энг аввало миллий гурур илдиз отса, Ватан деган муборак сўз қадрини чуқур англасак, эртанги нури келажак остонасига руҳимиз тозарган ҳолда борамиз.

* * *

Абу Ҳамид Фаззолида бир ривоят бор. Бир куни Абдулла Тоҳир отасидан «Давлат сиз ва сизнинг авлодингиз қўлида неча вақт туради?» — деб сўрабди. «Адлу инсоф тугагунча», — деб жавоб берибди отаси. Ривоятнинг мағзи ҳали кўп асрларга татигулик. Келинг, энди ўтган кунларни эмас, айти ўзимизнинг бошимиздан кечаётган бугундан ҳикмат излайлик-чи!

Яна ҳар биримизнинг юрак-юрагимиздан тўғри чизиқ бўлиб ўтиб кетадиган сўзларни ўқийман: «Худо бизга бериб қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш», «Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбарларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ», «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак шиоримиз, даъватимиз узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланмасин...» Бизларга қўйилаётган талаб битта: **ҲАЛОЛЛИК!** Бундан бошқа йўл йўқлиги аниқ айтилди. Унинг замирида ҳаётнинг қолган ҳамма қонуниятлари бор. Айниқса иймон бутунлиги, комил ва собит эътиқод тушунчаси бугунги жамиятимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда беқиёс аҳамият касб этиши ҳар қадамда таъкидланяпти.

Ҳали-ҳали эсимда: туғилган жойим — Накурт қишлоғида ягона масжид бўларди. У ҳозир ҳам бор. Бўлмаса тоғларда қишлоқлар кўп. Лекин ҳеч ерда бошқа масжид қурилмаган. Ким хоҳласа жума куни ана шу масжидга келиб, намоз ўқир, сўнг бир-бирининг ҳолларидан хабардор бўлиб, етим-есирларга меҳрибончилик кўрсатарди. Бу муборак жойда ғийбат, гинақудрат, ҳар хил иғво, фисқу-фасодлар унутилари. Орадан неча ўн йиллар ўтди. У ҳамон эл-улусни бирлаштириб, яхшиликка чорлаб турибди. Мен бу ҳаётий мисолни бежиз келтирмадим. Сабаби Президентимиз Наманганда бўлганларида масжидлар қуришда «кампания»боз-

ликнинг авж олиб кетганини кескин танқид қилди. Бундай нуқсонлар ўз-ўзидан элдошларимизнинг руҳиятига таъсир кўрсатиши, ҳар хил бўлар-бўлмас гап-сўзларнинг кўпайишига, айниқса, иймонимизнинг сустлашувига олиб келиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Чунки, Оллоҳ ва халқ олдидаги муқаддас бурчни ҳар бир инсон чуқур англаган ҳолда бажариши зарур.

Яна бир нарсадан кўнгил хижил. У ҳам бўлса бизларнинг имконият майдонимиз ниҳоятда катта. Афсуски, ундан фойдаланишни билмаяпмиз. Ҳозир радиотелевидение, оммавий ахборот воситалари ходимлари, академиялар, ижодкорлар уюшмалари, маънавият, маърифат марказлари фаоллари олдига халқимиз онги, руҳига бугунги кунда мамлакат Президенти кўяётган талабларни сингдириш вазифаси аллақачон кўйилган. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган одил ва оқилона сиёсат мағзини, тафаккурни бутунлай янгилаш зарурлигини, қолаверса, ислоҳот дегани одамлар руҳиятида ўзгариш бошланиши билан белгиланиши кераклигини англатади. Ахир, эсланг, бир маҳаллар шўролар ўзларининг ёлғон сиёсатини халқ орасида қандай йўллар билан тарғиб этган эдилар-а. Бизларнинг йўлимиз эса Ҳалоллик йўли-ку! Уни халққа қанча тушунтирсак, таърифласак оз. Тўғри, йўл узоқ, маблағ масаласи оғир. Халқимизнинг асосий қисми олис қишлоқларда яшайди. Лекин қўлларимизда турли воситалар бор. Ана шуларни оқилона ишга солиш пайти келди. Бугун бепарволик қилсак, эртага ўзимиз мулзам бўламиз. Ортимиздан келаётган авлодлар олдида қарзимизни узайлик. Бу ёғи оғир йўлдан энди ўтиб олдик.

Қаранг, ҳаммамизни хушёрликка, фидойиликка, ҳалолликка чорлаётган дангал сўз айтилди: «Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак». Илоё ВАТАН, ХАЛҚ, ҲАҚИҚАТнинг қиёфаси ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагида каттариб бораверсин!

«Ўзбекистон овози»,
1996 йил 19 ноябрь.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖАҲОН САРИ ЮЗ ТУТМОҚДА

«Ўзбекистон овози» кўпни кўрган, салкам саксон йиллик тарихга эга бўлган отахон газетадир.

Демак, у ўзининг ижод ва тажриба мактабига эга. Жуда кўп устоз журналистларимиз шу қутлуг даргоҳда камолга етганлар, эл-юрт билан тиллашиш имкониятига эга бўлганлар. Бугун ҳам ёзувчи ва шоирларимизнинг энг сара асарлари «Ўзбекистон овози» саҳифалари орқали дунё юзини кўрмоқда.

БУГУНГИ кунимизнинг бир лаҳзасини ҳам матбуотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, одамзот ҳамиша ёруғликка, юксакликка интилиб яшайди. Матбуотнинг руҳияти кишилик руҳиятидан анча баланддирки, шунинг учун ҳам унга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда 400 дан ортиқ газета ва журналлар чоп этилмоқда. Марказий нашрларнинг сони ҳам 200 га яқинлашиб қолди. Бу шунчаки, зўрма-зўраки ўсиш эмас, балки миллий ва руҳий, маънавий ва маърифий эҳтиёжларимизнинг самарасидир.

Газета чиқариш ва уни элга манзур қилиш осон эмас. У ўқувчи қўлига етгунча сатрма-сатр, сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф ўнлаб ижодкорларнинг назаридан ўтади. Бир сўз билан айтганда, шу машаққатли меҳнат ва изланишлар натижасида оддий оқ қоғозга забон битилади. У келажакка тақдим этиладиган ноёб хазинага — тарихга айланади.

Шу нарса қувончлики, «Ўзбекистон овози» бугунги кунда ҳар жиҳатдан шаклланган ва ўз нуқтаи назарига, услубига эга бўлган барқарор жамоага эга. Мен улар билан ҳамма жойда фахрлангим келади. Чунки, яхши жамоагина яхши ва кўнгилдагидек газета чиқаришга қодир. Шуҳрат Жабборов, Аслиддин Болиев, Ҳамид Икромов, Норбобо Шакаров, Саида Йўлдошева, Замира Эгамбердиева, Норқобил Жалилов, Ҳайдар Носиров, Умида Файзиевалар ёзаётган мақолаларнинг изсиз кетмаётганидан севинаман.

Мустақил диёримиз ҳудудиди мислсиз ўзгаришлар юз бермоқда. Юртдошларимизнинг тафаккури, миллий ғурури шаклланмоқда. Ватанимиз камолини бутун дунё кузатмоқда. Демак, шундай улкан янгиликлар энг аввало матбуот юзиди ёритилмоғи ва бутун жаҳонга ёйил-

моғи даркор. Қаламкашларнинг вазифаси эса қўлга киритилаётган ютуқларимиз соясида қолиб кетаётган қусурлардан, чанг ва губорлардан халқимизни халос қилишдир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида матбуотнинг янги қурилаётган жамиятимизда тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Қалам аҳли олдига жуда муҳим ва айни пайтда аниқ вазифаларни қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида матбуот, ахборот воситаларининг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги таъкидланди. Лекин ана шу фаол мавқега эриша олаяпмизми-йўқми деган саволга Юртбошимиз «Йўқ!» деган кескин жавобни бердилар. Бу қатъий хулоса ҳар биримизни хушёрроқ яшашга ва ижод қилишга чорлаши табиий. Халқимиз журналистларга ишонади, матбуотни пок ва муқаддас деб тушунади. Биз эл-юртнинг ана шу юксак ишончини тандаги жонимиз ва иймонимиз қадар асраб-авайласаккина кўзлаган мақсадимизга етамиз.

Ҳа, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар олдимизга бутунлай янги вазифаларни қўймоқда. Газетамиз мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик, қоғозбозлик ва боқимандалик психологиясини ювиб юбормоқ учун курашмоқда. Бу борада изчиллик ва собитқадамлик жуда муҳим. Шу йил баҳорда республикамизнинг қатор вилоятларида «Мустабидлик асоратлари» рукни остида танқидий луқмалар бердик. На-тижа кутилганидан ҳам аъло бўлди.

Газетачиликнинг шундай жиҳати борки, уни ҳар куни ривожлантириб, эртасига тагин ҳам дадилроқ давом эттириб, ўзгартириб, янгилаб, яхшилаб бормоқ зарур. Яъни газета ҳар сонияда ўсишда бўлмаса, шаклан ва мазмунан мустаҳкамланиб бормаса, долзарб хабарларни чоп этишда жиндай сусткашликка йўл қўйса, кечикса, ўқувчининг назаридан тушиб қолиши ҳеч гапмас.

«Ўзбекистон овози» газетасида ана шундай ўзгаришлар, янгиликлар муҳитини, газета қиёфасини, мазмунини кундан-кунга мукамаллаштириб, мақолаларнинг моҳиятини сондан-сонга чуқурлаштириб бориш учун етарлича ижодий салоҳият ва замонавий техник база мавжуд.

Мен муассисимиз бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг газетамизга

бўлган эътиборини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Кейинги пайтда газета жамоаси маънавият ва матбуотга бўлган ижобий муносабатлардан руҳланиб, жуда муҳим ва жиддий мавзуларни ёритишга собитқадамлик билан ҳаракат қилди. Етук журналист Шухрат Жабборовнинг «Яккама-якка» рукни остида масъул шахслар — муҳим идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан қилган кескин руҳдаги суҳбатлари аста-секин ўз натижасини бермоқда. Журналист Замира Эгамбердиеванинг таҳририятга келган бир хат изидан бориб, Андижон вилояти Булоқбоши тумани «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида яшовчи, 30 йилдан буён тўшакка михланиб ётган шоира Бахтиёрхон Бойбуваевалар хонадонига қилган ташрифи ҳам туман ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги раҳбарларини савоб ишларга ундагани ҳақиқат. Бахтиёрхон Бойбуваева, унинг гунг ва кар икки синглиси, муштипар онаси таҳририятимиздан ниҳоятда миннатдор.

Шунингдек, танқидий мақолаларга, таҳлилий-мулоҳазали материалларга ҳам кенг ўрин бермоқдамиз. Биз қуруқ танқид эмас, умум ишига манфаати тегадиган асосли танқид тарафдоримиз.

Баъзан энг яқин кишингизнинг кўнглидаги гапни тополмай хуноб бўласиз. Энди бутун бир халқнинг, миллатнинг дилидаги дардни топиш ва унга малҳам бўлишни тасаввур қилиб кўринг. Нақадар қийин ва масъулиятли вазифа. Халқ энг мушкул саволларга газета саҳифаларидан жавоб қидиради. Шу маънода, биз «Ўзбекистон овози» саҳифаларида муштарийларимизнинг фикр ва мулоҳазаларидан кенгроқ фойдаланишга, уларнинг таклиф ва илтимосларини инобатга олишга интилоқдамиз.

ЭЪТИРОФ этиш керак, 3—4 йил илгари таҳририятга келаётган хатлар йўқ ҳисобида эди. Бугун биз юртдошларимиздан ҳар куни ўнлаб мулоҳазали мактублар олмоқдамиз. Кимгадир сирдош ва дардкаш бўлаётганимиздан таскин топамиз, албатта. Газета халқ онгига маънавий мулк ташувчи улкан қарвондир. Лекин бу қарвоннинг моддий ва техник жиҳатлари ҳам мавжуддирки, бу жиҳатлар ижодкорларимизни омма билан боғловчи, уларга баъзан ёрдам, баъзан панд берувчи жуда муҳим воситалардир. Лекин, минг шукурки, газетамиз материалларини яхшилашда, унинг чекланган

шакл майдонидан, ҳажмидан чиройли фойдаланишда компьютер ва бошқа замонавий техника яхши иш бермоқда.

Газетамизда босилаётган «Ўзинфо» хабарлари Президент девони Ахборот марказидан бевосита компьютер алоқаси орқали олинмоқда. Худди шундай алоқани Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги билан ҳам йўлга қўйиш тараддуди кўрилмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон овози»нинг тижорат-реклама иловаси — «Осиё бозори» чоп этилмоқда. У қисқа муддат ичида ўз ўқувчиларини топишга улгурди. Қолаверса, бу нашр бизга реклама ва тижорат материалларидан фойдаланиш ва буюртмачи юртдошларимизни йўқотиб қўймаслик имкониятини берди. «Осиё бозори» очилгач, илгари реклама билан банд бўлган газетанинг қимматли саҳнидан самарали фойдаланиш, муштарийларимизни қизиқтирадиган, мулоҳазали мақолаларни кўпроқ бериш мумкин бўлмоқда.

«Ўзбекистон овози» газетаси жаҳонга юз тутмоқда. Бугун газетамиз саҳифаларини дунёнинг турли минтақаларида яшовчи зиёли одамлар varaқлаши мумкин. Демак, биз энди юртимизда яшаётган одамларнинггина эмас, балки хорижлик оғайниларимизнинг дилидаги гапларни ҳам ёзишимиз даркор. Уларнинг маънавий оламини нималар биландир бойитишимиз, энг яхши урф-одатларимизни, анъаналаримизни, энг чиройли либосларимиз, энг ноёб асарларимизни тарғиб эта билишимиз лозим. Шарқ азал-азалдан ўзининг миллий нафосати, ахлоқи, нозик табиати, жозибаси билан машҳур бўлган. Ўзбек журналистларининг қаламидан халқимизнинг мақтанишга арзигули ана шу фазилатларининг нафаси уфуриб турса дейман. Журналистларимиз синчковлиги, зукколиги, чаққонлиги, тезкорлиги ва ҳозиржавоблиги билан жаҳонга танилишини истайман. Бу борада бизнинг режаларимиз жуда кўп, айниқса, мухбирларимизнинг тайёргарлиги ва қайта тайёргарлик масаласида. Бизнинг журналистларимиз дунё матбуоти талабларига жавоб беришлари керак. Улар хорижий тилларни, хусусан, бутун дунё билан боғланиши мумкин бўлган инглиз тилини мукамал ўрганиб олсалар, чет давлатларга иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун сафар қилсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Дунё ўзгармоқда. Барча корхона ва ташкилотлар янги иш қуроллари билан таъминланмоқда. Лекин газе-

тачиларимизнинг асосий иш қуроли ҳанузгача қалам билан қоғоз, холос. Бу заҳматкаш кишиларнинг иш қуроли юз йиллардирки деярли ўзгаргани йўқ. Истардимки, Ўзбекистонда ижод қилаётган ҳар бир журналистнинг қўлида диктофон ва фотоаппарат бўлса, иш кабинетлари замонавий журналистик жиҳозлар, компьютер, факс, радио, телевизор билан таъминланган бўлса!.. Мен бу фикрларни шунчаки бир яхши ният сифатида эмас, балки яқин кунларда эришишимиз аниқ бўлган ишончли ҳақиқат сифатида таъкидлаяпман.

Ахир, бор-йўғи беш йил ичида юртимизда 50—60 йиллар мобайнида қўлга киритолмаган ютуқларни қўлга киритдик. Агар ишонч ва эътиқод мустаҳкам бўлса, ҳеч қачон эзгулик ва яхшилиқнинг кечи бўлмайди. Қалам аҳли бир-бирига фақат холис нигоҳ билан қараса, хайрихоҳлик билан ёндошса, ҳасад ва кибрдан узоқроқ юрса, уларнинг ҳеч бири панд емайди, йиқилмайди.

НАСИБ ҚИЛСА, «Ўзбекистон овози» ҳадемай 80 йиллик табаррук ёшини нишонлайди. Биз бугун шунча йиллик ҳаётини кураш ва тажрибага эга бўлган отахон нашрни ёшларимиз қўлига ишониб топширяпмиз. Зеро, журналистлар учун энг катта бойлик ҳукуратимиз томонидан берилаётган кафолат ва имтиёзлар, қолаверса, ҳалқимизнинг ишончидир.

Ўйлайманки, ҳадемай ёшларимиз орасида дунё минбаридан сўз олувчи иқтидорли ва журъатли журналистларимиз етишиб чиқади. Эл кунига ярайдиган, унинг кўнглидагини топиб айтадиган, «Ўзбекистон овози»нинг овозини жаҳонга етказа оладиган инсонлар ҳамisha эл ардоғида бўлади. Улар адолат ва эзгулик элчилари сифатида дунё матбуоти тарихи саҳифаларидан ўзларига муносиб жой оладилар, деб ишонаман.

«Ўзбекистон матбуоти»,
1996 йил ноябрь-декабрь.

ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи
сессиясида қилинган маъруза)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши зиёлиларимизни беҳад мамнун этганди. Янги йил арафасида ўтган навбатдаги сессияда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг кун тартибига қўйилиши эса Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг қадр топаётганидан далолатдир.

Бу шахсан халқимиз Йўлбошчисининг ташаббуси ила бўлаётганлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Президентимиз анчадан буён Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақидаги ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб келмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, бу борадаги ишлар кўпчиликини қониқтирмаётганлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Гарчи, яхши журналистларимиз кўп бўлса-да, улар бугунги ҳаётнинг реал манзараларини, мураккаб қирраларини очиб беришга келганда қийналиб қолмоқдалар. Мустақиллик, ислохотлар аҳамиятини халққа етарлича етказиб беролмаяпмиз. Истиқлол даврида журналистларимиз, маълум даражада, довдираш ҳолатига тушиб қолганликлари сир эмас. Бу айниқса, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий халқаро йўналишдаги шарҳларга келганда яққол сезилмоқда.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари вакиллари орасида сараланиш ҳолати ҳам юз берди: бир тоифаси бозорларга чиқиб кетди, иккинчи бир тоифаси бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Бунга қарши ўлароқ, газета-журналлар сони ошди ва қолган бор кучлар бўлиниб-бўлиниб кетди. Кадрлар тайёрлаш эса яхшилангани йўқ. Ҳозир республикамызда газеталар сони 444 тага, журналлар эса 93 тага етгани ҳолда, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига зарур эҳтиёждан кўра камроқ талаба қабул қилинаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки: шунча газета-журналда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир давлат матбуотининг хорижий мам-

лакатларда реал ахборот узатгучи журналистлари бўлиши керак эмасми?

Нима учун газеталаримизда бир хиллик, муаллифлар ҳам ўша-ўша.. Қани жаҳон бўйлаб юрадиган журналист кадрлар? Уларни бизга ким тайёрлаб беради? Табиийки, истеъдод ҳамиша туғилавермайди, фидойилар ҳам ҳамиша пайдо бўлавермайди! Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги журналист кадрлар тайёрлаш масаласига эътиборни кучайтирса яхши бўларди. Биз ҳозир, ҳатто, биринчи, иккинчи курс талабаларидан фойдаланишимизга тўғри келаяпти. Матбуотимизнинг моддий аҳволини-ку айтиб ўтирмайман. Улар оғир юк ортилган аравани зўрға тортиб кетаётган ҳорғин тулпорлар ҳолини эслатади. Журналистларимизнинг моддий аҳволи яхши эмас. Нашрларимиз моддий кучга эга бўлган кимсаларга, ташкилот, корхона раҳбарларига қарам, муте бўлиб қолмоқдалар. Шундай экан, фелъетон қаердан бўлсин? Тагин бир гап, ҳеч ким хафа бўлмасин, жуда кўп ташкилот раҳбарлари ахборотлар, реклама, эълонларни миллат тилидаги газеталарга эмас, рус тилидаги газеталарга беришни афзал кўришади. Нима эмиш — давлат тилида ҳеч қандай раҳбар газета ўқимас эмиш.

Мен бу гапларни ҳамкасбларимизнинг дардларини дoston қилиш учун ёзаётганим йўқ. Мен журналистларимизнинг, нафақат, уларни, балки барча фуқарони бирдек қизиқтирадиган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлаш учун айтмоқдаман.

Ўзбекистон фуқаросига, журналистларига, ижодкорларга ахборот майдони яратилмоқда. Демак, имконият майдони яратилмоқда. Бу имкониятлар бизни тўртинчи ҳокимият соҳиблари бўлиш сари йўллайди! Биз унга ҳуқуқ ва масъулиятни унутмаган ҳолда эришиш йўлидан борамиз. Зеро, журналист ўз эркинликлари кафолатланганлиги ва қонунлар уни ҳимоя қилишига ишонган тақдирдагина сидқидилдан, юракдан сўз айта олади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1997 йил 3 январь.

БИЗГАЧА... БИЗ... ВА БИЗДАН КЕЙИН...

Шарқда ҳеч нарса, ҳатто оддий тароқ ҳам шунчаки яратилмаган. Ёғочга шунчалик нозик ишлов берилганки, бу бир эҳтиёж туфайли пайдо бўлган буюмми ёки ноёб санъат асарими, ҳайрон бўласиз. Бугун асосан музейларга тушиб қолган занжир-зулфинли ёғоч эшикларни кўринг. Сиз бундай эшиклар шунчаки гўзаллик ёки безак учун яратилган, дея ўйлайсизми? Янглишасиз. Гулдор нақшинли, ислимий битикли эшикдан остона ҳатлаб ичкари кирмоқчи бўлган ҳатто ёвуз ниятли кишиларнинг нигоҳи бундай инжа санъатга тушади, юмшайди. Инсон таҳайюл ва таҳайюри, яъни бадиий фантазиясининг кучи шундадир.

Дунёда ҳеч нарса шунчаки пайдо бўлган эмас. Ёзувлар, ёзувларнинг шакллари ҳам санъат. Боболаримизнинг ҳаётбахш нафаслари теккан кўҳна китобларни варақлаб кўринг. Ҳатто варақлар ҳошиясига шунчаки ёзилган хатларни томоша қилиб, кўзингиз тўймайди. Бундай шарқона инжа санъатдан эса кўнглингизга ёруғлик оқиб киради. Зеро, бу битиклар нафақат заҳматкаш хаттотларнинг, балки халқимизнинг, эҳтимолки, бутун одамийзотнинг тафаккур парвози, ҳиссиётининг мавж уриши, хаёлотнинг энг юксак осмонларда қанот қоқишидир.

Шарқ тасвирий санъати намуналарини асосан миниатюра асарлари ташкил этади. Сўз мулкининг подшоши, ҳақ тариқатининг гадоси Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро сиймолари акс этган миниатюра асарларини кўздан кечириб, шунчалик ҳам ингичка, шунчалик ҳам нозик чизиш мумкин экан-да, дея ўйланиб қоласан киши. Бир қараганда, бу асарларда акс этган буюмларнинг ўзаро нисбатида номутаносиблик борга ўхшайди. Моҳиятда эса ана шу номутаносибликда ҳам илоҳий мутаносиблик мавжуд. Ахир, шоҳ бўлмаса — фуқаро, кун бўлмаса — тун, оқ бўлмаса — қоранинг ўзаро ички муносабат ришталари чирт-чирт узилади-ку. Мутаносибликнинг номутаносиблиги, номутаносибликнинг мутаносиблиги — дунёни, ахир, шу мувозанат тутиб турмайдами?!

Хаёл қурғур яна тарихга олиб кетади. Зотан, йўқотган нарсангни, тополмаётган нарсангни, излаётган нарсангни ҳамиша тарихдан топасан. Шарқ уйғониш фаслининг абадият чинорлари бўлмиш қадимий Самарқанд, Бухоро, Кеш, Хива, Урганч, Қарши ва

ҳақозо диёрларимиздаги минораларнинг ҳар бир кирпичи бир китоб эмасми? Бу обидаларга сингдирилган халқимизнинг бадиий салоҳияти шу минораларнинг бўйидан-да баландроқ эмасми? Бу бадииятни эъзозлаш, авайлаб асраш, таъмирлаш боболаримиз руҳини ардоқлаш, пароканда бўлган хотирамизни таъмирлаш, ўз ёдимизни, ўзимизни тиклашимиз эмасми?!

Хотира кемтиклиги, хотира уйининг нураган деворини нима билан тўлдириш, нима билан тиклаш мумкин? Биринчи навбатда, ақлни, бадиий салоҳиятни тез ёрдамга чақириш лозим.

Биз яқин кунларда гувоҳи бўлганимиз — Президентимизнинг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони, мажозий тилда ифодалаганда, хотирамиз хасталигини даволаш учун чақирилган ана шундай «тез ёрдам» бўлди. Уни хотира дарди учун малҳам дейиш мумкин. Мазкур фармон давр кенглиги нуқтаи назаридан тарих, бугун ва келажакни, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан эса ижодкорларнинг бутун қатлами манфаатларини ўз ичига қамраб олади. Ижодкорларимиз халқимизнинг бир қисми экан, демакки, бутун миллатимизнинг манфаатларини ҳам ифода этади. Ушбу Фармоннинг ҳаётбахш кучи яна шундан иборатки, у нафақат бизга замондош ижодкорларнинг, балки бизгача бўлган ва биздан кейин ижод этадиган ижодкорларнинг манфаатлари учун ҳам хизмат қилади.

Фармоннинг манфаатли жиҳатларидан яна бири — у бутун миллатнинг мулкига айланган санъат асарлари умрбоқийлигини таъминлайди.

Сир эмас, ўтиш даврида бадиий ижод билан шуғулланиш оз наф берадиган соҳага айланиб қолди. Бир қанча иқтидорли ёшлар бадиий ижодни тарк этмоқдалар. Бу аҳволда санъат ва маданиятимизнинг келажagini кимлар тебратади, деган ўй барчамизни ўйлантираётган эди. Зеро, бадиий тарбияси мукаммал бўлмаган авлод мукаммал маданият ярата оладими? Маданияти етарли даражада шаклланмаган авлод миллий мустақиллигимизни ўз қўлида сақлай оладими? Ваҳоланки, ҳозирги замоннинг бирламчи талаби — бозорда бир кило олма учун харидор бўлсангиз ҳам, давлатлараро муҳим муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлсангиз ҳам юксак маданиятни тақозо этади.

Халқимиз орасида иқтидорли болалар, ёшлар кўп. Ушбу фармон шарофати билан ёшларимиз вилоятларнинг марказларида бадиий таълим олишлари, ўз иқти-

дорларини мунтазам равишда ривожлантиришлари учун имкон яралди.

Шарқимизда бадиий мактаблар кам бўлмаган. Уларни яхши билмаслик эса бизнинг камчилигимиздир. Ана шу камчиликни тўғрилаш, турли соҳаларда ижодий мактаблар тузиш ушбу фармон бизнинг олдимизга кўндаланг қилиб қўядиган асосий вазифадир. Шундай вазиятда республика Бадиий академиясини тузиш учун зарур бўлган маблағнинг давлат хазинасидан ажратилиши муҳтарам Президентимиз, мустақил мамлакатимиз ҳукумати санъат, маданият соҳасига нечоғлик катта эътибор бераётганидан далолатдир. Бадиий академия ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг беш йил мобайнида солиқдан озод этилиши ҳам бадиий салоҳиятимиз пойдеворини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамловчи асос бўлади.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 1 февраль.

ШАРҚОНА МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ

Инсон энг аввало ўз-ўзи билан муносабатга киришади. Ўз-ўзи билан ички муносабатларда мувозанат ўрнатаолган инсон оила, жамият миқёсидаги, дунё қамровидаги муносабатларида ҳам тартиб ўрната олади. Жамият барқарорлигини муносабатларнинг мувозанати таъминлайди. Андак таҳрир ила, жамиятнинг маданият даражасини муносабатларнинг маданияти даражаси белгилайди, дейиш мумкиндир, эҳтимол. Чунки шарқона муносабатлардаги маданият, ҳатто, подшоларнинг ўзаро урушларига барҳам берган. Душманларни дўст қилган. Қўллардан қуролларни туширган. Қиличларни қинга солган. Диёрларни тараққиёт сари етаклаган. Буюк Ипак йўлларини тузган. Карвонларнинг йўлларини очиқ қилган. Сабаби, муносабатларда маданият бўлса, у хоҳ икки киши, хоҳ ўлкалараро, хоҳ мамлакат ичкарасида бўлсин, сиёсатга айланган. Сиёсат даражасига кўтарилган. Давлатлар ривожланишининг яккаю ягона тўғри йўли одил сиёсат даражасидаги муносабатлар равонлигидан иборатдир, десак янглишмаймиз.

Муносабатлар одамларни бир-биридан ажратмаслиги, бир-бирига қарши қилиб қўймаслиги керак! Аксин-

ча, муносабатлар одамларни бирлаштириши, уюштириши, топилмаётган йўлларни топишга ёрдам бериши лозим. Фақат маданий муносабатларгина шундай қудратга эга. Фақат маданий муносабатларгина ижтимоий маъно касб этади. Фақат маданий муносабатларгина тараққиёт учун хизмат қилади. Инсонни, эл-элатларни, гуруҳ ва давлатларни, мамлакат ва қитъаларни бирлаштиради, тўғри изга, ҳақ йўлга солади, маърифий тамаддунни таъминлайди — маданий муносабатлар.

Ҳар қандай алоқаларнинг динамикасини ҳамкор муносабатларнинг тадрижийлиги таъминлайди. Бу кун ўзаро яқка шахслар ҳам, ўзаро идора, ташкилот, корхоналар ҳам маърифий, иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг икки ёқлама бўлишини, муносабат шартлари ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини яхши кўради. Зеро, халқимизда, бор товоғим, кел товоғим, боролмасанг, келолмасанг, ўртамизда син товоғим, деган нақл бор. Содда қилиб айтганда, шу «товоқ» борса-ю, келолмаса ёки аксинча келса-ю, боролмаса муносабат узилади. Муносабатларда ҳар икки томоннинг ҳам манфаатлари баробар ва тенг ифодаланиши зарур. Ахир, муносабат деган тушунча бир-бирига интилаётган манфаатларни, алоқаларни ифодаламайдими?

Шахслараро манфаатли алоқаларнинг узилиши ўртадан меҳр-оқибатнинг кўтарилишига, корхоналараро шундай муносабатлар ришталарининг узилиши умуман барча соҳалардаги халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш механизмининг бир меъёрдаги иши бузилишига олиб келади. Ислоҳотларнинг изчиллигига путур етказди. Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган янгиликлар ўсишининг гарови шахс, жамият, давлат, ишлаб чиқариш, ҳатто талаб-эҳтиёжларимизнинг муносабатлардаги уйғунликдир. Зотан, биз мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, чекланган имкониятларимиз билан чекланмаган эҳтиёжларимизни қондиришни, имкониятларимиз ва эҳтиёжларимизнинг ўзаро тенг муносабатларини ўрнатишни, улардан бирининг иккинчисидан устун келишига йўл қўймаслик малакасини эгаллашимиз зарур.

Бугунги кунимиз муносабатларида, назаримда, шарқона маданият етишмайди. Инсоннинг инсонга, оиланинг оилага, ишчининг ишчига, корхонанинг корхонага муносабатларида шарқона маданият, шарт-шартномага, замонавий тилда айтганда, контрактацияга риоя этиш маданиятимиз тўқис эмасга ўхшайди.

Шарқда ҳамиша тенг асосли алоқалар ўрнатилган.

Шу билан бирга, ҳисобли дўст айрилмас, деган мақолни ҳам ўзимизнинг боболаримиз айтганлар. Мақол шу кунимиз талабларига қанчалар мос тушади! Энди ўйлаб кўринг, бугунги кунда бизда қанчадан-қанча корхоналар, хўжаликлар бир-бирлари билан бўладиган ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмайди. Тараққиётимиз филдирагини ортга тортаётганлар ҳам ўшалар эмасми? Ўшалар эмасми халқимиз кўнглини меҳнатдан совутаётган? Шахсий, бирёқлама манфатлари йўлида бутун-бутун корхоналарни, хўжаликларни барбод қилаётган, ислохотларнинг туб моҳиятини тушунмасдан, ҳамон эски қўшиқни айтиб юрганлар ҳам ўшалар эмасми?

Инсоний феълимиздаги, ижтимоий муносабатларимиздаги бу нуқсон, боқимандалик каби, совет тузумидан қолган сарқитдир. Совет тузumi минглаб йиллар давомида шаклланган шарқона муносабатларимиз маданиятига қарши бор имкони билан курашди. Совет тузumi Шарқ маданияти, шарқона муносабатларда, эҳтимол, ўзининг энг биринчи душманини кўрган бўлса, ажаб эмас.

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирган мулоҳазаларини ўрганар эканман, уларда шарқона муносабатлар маданиятини соғиниш руҳи устун эканини англадим. Уларда мулк — мулкдор муносабатлари, деҳқон — хўжалик — давлат муносабатлари, ўқувчи — ўқитувчи — мактаб алоқалари, журналист — матбуот — омма алоқасини совет тузumi асоратидан, яъни шу тузумнинг ҳосили бўлган боқимандалик, ўзибўларчилик, лоқайдлик руҳидан халос этиш истагини кўрдим. Тўғриси айтганда, бу мулоҳазаларда нафақат шундай хоҳишнинг ўзи, тараққиётимизга тўсиқ ва ғов бўлиб турган шу сингари иллатлардан халос бўлишнинг йўллари ҳам кўрсатилган. Айниқса мустақил давлатимиз кишисининг қалби, шу қалбни ойдин этадиган маънавият манзили ва унга келадиган маърифат йўли хусусида очиқ ва ошқора, аниқ ва равшан мулоҳазалар билдирилган.

Шарқона муносабатларнинг моҳиятини нима ташкил этади ўзи? Нега бугунги кунда унга эҳтиёж сезяпмиз? Назаримда, ҳалоллик, поклик, савоб, тўғрилиқ каби азалий ва абадий қадриятлар шарқона муносабатларнинг асосини ташкил қилади. Шарқона муносабатларнинг маданияти бировлар ҳақида хиёнат қилмаслик,

ўзаро расмий ва норасмий келишув, шарт ва шартнома-ларни бузмаслик, ҳамкор шерикларни алдамаслик, фуқаронинг меҳнатини қадрлаш каби фазилатлар билан ўлчанади. Юртбошимиз ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кечаётган туб ислоҳотлар шарқона муносабатлар маданияти билан бойисагина тараққиёт гаровига айланади, деган фикрни илгари суради. Зеро, юқорида айтганимиздек, жамиятнинг маданиятлилик даражасини кўп ва ҳар хил тармоқлар муносабатлар-нинг маданияти белгилайди.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 25 февраль.

МАЪРИФАТЛИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

Қадим донишмандларимиз дунёни катта бозорга ўхшатганлар. Бу ҳикматни қандай талқин этишдан қатъи назар, унда бозор ҳам дунёдек қадимийдир, деган маъно мавжуд. Дарҳақиқат, бозор илгари пайдо бўлганмикин ёки инсон талаб-эҳтиёжларими? Уларни бири иккинчисидан олдин пайдо бўлган дейиш хато, улар барабар пайдо бўлган. Талаб-эҳтиёжлар бозорни бозор қилиб, шунга мувофиқ, бозор талаб-эҳтиёжларни бир изга солиб туради.

Бозор, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда дунёнинг марказига айланди. Бугун ҳамма нарса бозорга интилади: товар ва маҳсулот ҳам, фикр ва ҳатто инсоннинг ўзи ҳам. Бугун ҳамма нарса бозордан ўтади: товар ҳам, асар ҳам... Бозордан бус-бутун ўта олсагина жаҳонга чиқади. Бозорнинг синовлари эса бешафқат, имтиҳонлари сарани саракка, пучни пучакка чиқарадиган элакка ўхшайди. Икки кишининг олди-бердисидан бошланган бозор давлатларнинг муносабатларигача бўлган алоқаларни ўз ичига қамраб олади.

Албатта, бозордан бозорнинг фарқи бор. Бугунги кунда бизга социализмдан қолган мажруҳ ва фалаж бозор эмас, маърифатли бозор, марифий муносабатлар шаклланган, табиатида иқтисод ва молия, ижтимоий ва сиёсат, маданият ва ахлоқнинг энг илғор тенденцияларини жам этган бозор керак. Маърифатли бозор муносабатлари маърифий тараққиётни таъминловчи энг асосий омилдир.

Социалистик истибдод даври шарқона бозор муносабатларига тамомила барҳам берди. Гуёки, обод бозор бузиб ташланиб, унинг ўрнида ҳар хил нарсаларга тўла қуруқ майдон қолди. Бозор ва бозор муносабатларининг асосий бўғини бўлган сотувчи ва харидор алоқалари узиб ташланди. Натижада, нафақат бозор, ҳатто тузумнинг ўзига ҳам путур кетди. Бу эса маърифатли дунёни сотувчи ва харидор ўртасидаги маърифатли муносабатлар бошқаришини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Ҳар қандай доирадаги бозорнинг ҳам ўз қоидалари бор. Шунинг билмаган одамнинг бозори касодга учрайди. Ҳайвон терисига балиқ, ҳайвон гўштига темир алмашган ибтидоий одамларнинг савдосида бозорнинг ўзгармас қонунияти яширинган эди. Бу — керакли нарсани, мўлжалдаги баҳода, харидорнинг қизиқишини орттирган ҳолда сотиш илмидир. Бугунги давр одами эҳтиёжлари ибтидоий одам эҳтиёжларидан қанчалик фарқ қилса, бугунги бозор ҳам ибтидоий давр бозоридан шунчалик фарқ қилади. Бозор қонуниятлари — тараққиёт қонуниятлари. Уларни билмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди.

Бозор қонуниятларини ўрганиш — илм. Буни англамаган синади. Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ислоҳ этишга эришиш, бунинг учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш зарур. Изчил иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодий ўсишда барқарорликка эришиш эса аввало бозор қонуниятларини билишни талаб этади. Бозорнинг олтин қонуни — харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Маҳсулоти бозорда ўтмай қолиши корхона инқирозининг дебочаси. Бизда шундай корхоналар борми?

Мижоз кутиб, кун бўйи пашша кўриб ўтирган оддий сартарошхона соҳибидан тортиб, маҳсулотлари маҳаллий дўконларимизга сифмай, омборларда қалашиб ётган пойабзал фабрикаларининг бугунги аҳволи бозори синган тижоратчининг аҳволидан яхши эмас. Ахир, бу корхоналар яқин-яқинда ҳам машҳур эди-ку. Уларнинг хизматидан бутун эл-улус баҳраманд бўларди. Назаримда, кечаги кунда туриб бугуннинг, бугун эса эртанинг талаб-эҳтиёжларини билмаганликлари учун улар шундай аҳволга тушиб қолдилар. Аслида, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмаслик, бозорни ўтмайдиган товарга тўлдириб

ташлайвериш жиноятдан бошқа нарса эмас-ку. Юрт-бошимизнинг хулосаларига кўра, сотилмайдиган — «ўлик» маҳсулот ишлаб чиқаргандан кўра, корхона ишламай, ўз ишчиларига маош бериб туриши давлатга «фойдалироқ» экан. Негаки, унда «ўлик» товарларга — елга совурилган маблағ тежаллади, дастгоҳлар беҳудага ишламайди. Бунинг яна бир нозик руҳий жиҳати мавжуд. Яъни, ишчи бир ой ишладим деб кўнглини тўқ қилиб маош кутиб юради. Маҳсулот сотилмагач, ишчининг маоши бир, икки, уч ой... — номаълум муддатга кечикади. Шунда ишчи меҳнатига яраша ҳақ ололмаётганидан норози бўлади. Тўғри-да, меҳнат қилгач, ҳақини олиши керак-да. Дунё бўйича қоида шундай. Бу қоида бузилганда инсон ҳуқуқлари бузилади. Бозор қаерда-ю, инсон ҳуқуқлари қайда? Бир ношуд раҳбарнинг замонавий бозор қирраларига таъсир этиши мумкин. Боқибегам бу тоифа раҳбарларнинг иш услуги билан мурса қилиб бўлмайди. Чунки оддий фуқаро уларнинг фаолиятида давлат сиёсатини кўриши мумкин. Маърифатли бозор муносабатларига мутлақо барҳам берган собиқ советлар тузумидан қолган зарарли «мерос» ишимизнинг олдинга кетишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Туркистонимиз улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темургача ҳам ўз бозори билан бутун дунёни мафтун этиб келган эди. Ҳатто етти иқлим Буюк Ипак йўли орқали диёримизга интилган. Шу буюк йўл Туркистон довуғини ҳам олам-жаҳонга ёйган эди. Бугун ҳам бутун жаҳон ички бозоримизга қизиқиш билан қараётган экан, маърифатли бозор илмидан беҳабарлигимиз билан уларни бездирмаслигимиз лозим. Ички рақобатга бардош бериб, жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимиз турлари кундан-кунга ортиб бораётгани яхши. Лекин ўзимизда хориж товарларига нисбатан сифатлироқ, мустаҳкамроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти бўла туриб, ундан тўла фойдаланмаслик ишлаб чиқаришдаги раҳбарларимизнинг маърифатли бозор илмидан беахабарликлари туфайли эмасми?

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасини ўрганиш давомида асосий эътибор маърифатли бозор муносабатла-

рини шаклантиришга қаратилган, деган хулосага келдим. Ислоҳотлар жараёни ортга қайтмас, фақат илгарига ҳаракат қилувчи жараён экан, унинг муваффақиятини маърифатли бозор муносабатлари таъмин этади.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 6 март.

ЁШЛАР — ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИМИЗ

Ёшлар халқнинг гавҳари, давлатнинг жавҳаридир. Ёш йигит-қизлари кўп эл ҳамиша навқирон, ёшлари кўп давлат кучли бўлади. Ватанимизнинг келажаги шунинг учун ҳам буюкки, унда яшаётган аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Дунёда ёшлари ўзбекининг фарзандларидек кўп, оқибатли, меҳрли, виждонли, она тупроққа дил риштаси билан боғланган эл-юртни топиш осон бўлмаса керак. Ўзбек ёшларининг пешонаси шунинг учун ҳам ёруғ, иқболи баландки, уларнинг Ўзбекистондек жаннатмакон юрти бор. Бинобарин, ёшларимиз — қудратли қанотларимиз, илм-фан, замонавий техника, маданият-санъат соҳасидаги уларнинг парвози халқимизнинг жаҳон осмонидаги юксак парвозидир.

Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мағрур, жасоратли, қаҳрамон аجدодларимизга муносиб ёшларимизни вояга етказиш, яъни келажагимизни таъминлаш масаласи бугуннинг ёки умуман бирор даврнинг вақтинчалик муаммоси эмас. Бу ҳар биримизнинг, таълим-тарбия ўчоқларининг, матбуот, умуман маориф, маданият соҳасининг олдида турган ҳар кунги, доимий иши бўлиши зарур. Шу ўринда ўтмишда қандай бўлгани хусусида кичик чекиниш қилишга тўғри келади. СССР империяси мустамлака халқлар ёшлари илм-маърифатдан, фан-техникадан мосуво бўлиб қолишлари, маҳдуд бир муҳитда униб-ўсишларидан манфаатдор эди. Чунки, сизга маълумки, империяга ижрочи-хизматчилар, аччиқ, аммо очиқ қилиб айтганда, қуллар керак эди. Империянинг ақли, мияси, юраги унинг асосини ташкил этувчи халқ вакилларида иборат бўлишидек биз учун ҳақоратли сиёсат юргизилгани сир эмас. Яқин-

яқинларгача завод-фабрикаларимизда, банк ва илмий-тадқиқот институлардаги мутахассислар сонининг нисбати ўша даврнинг ҳақиқий манзарасини ойдинлаштиради. Ўша даврдан, назаримда, биз учун жуда муҳим бир сабоқ қолди: ёшлари илмдан, замонавий фан-техникадан йироқлашган халқ таназзулга маҳкум, жаҳонга танилишни истаган халқ эса ёш йигит-қизларини ўқитади, ўргатади.

Фарзандлар тарбияси, ёшлар таълими даставвал ота-оналарнинг бурчи, оиланинг вазифаси. Қолаверса, мустақиллик толеимизга насиб этганидан сўнг бу масала давлат сиёсатининг жуда муҳим бир қисмига айланди. Энди бу муаммо оила доирасидан чиқиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларни ўқитиш, тарбиялаш, улардан етук мутахассислар тайёрлаш масаласи билан бугун шахсан Президентимиз, ҳукуратимиз шуғулланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, жумладан, шундай дейилади: «Бугунги кун ёшлар билан мунтазам, қунт билан иш олиб бориш, истеъдодли болаларни саралаб, уларга чет элнинг яхши ўқув марказларида профессионал билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни тақозо этяпти... Бу муаммоларни ечиш учун, демократик ва бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамрай оладиган махсус миллий Дастур тузиш лозим».

Биламизки, Япония Иккинчи жаҳон урушидан шунчаки мағлуб эмас, чин маънода пароканда бўлиб чиқди. Лекин жуда қисқа муддатда фан-техника, компьютер, медицина ва машинасозлик сингари мураккаб соҳаларда ҳам ақлни шошириб қўядиган муваффақиятларга эришди. Энг муҳими, тараққиётда уни мағлуб этган давлатлардан ҳам ўзиб кетиб, «Осиё мўъжизаси» деган шуҳратли эътирофга сазовор бўлди. Бундай илғор тараққиётнинг сири нимада? Бу синоатнинг калити мамлакат ночор бўлишига қарамай, асосий эътиборни ёшларни ўқитишга қаратганидир. Ўқиган, илмли япон ёшлари ватанларини қолақликдан илғорликкача кўтариб қўя олдилар.

Мутахассисларимиз исботлаб беришар, ривожла-

ниш борасидаги бизнинг имкониятларимиз бошқа ҳеч бир давлатнинг имкониятларидан кам эмас. Табиий бойликлар, миллатимизнинг менталитети жиҳатидан эса ҳатто зиёда ҳамдир.

Давлатимизнинг ёшларимизни ўқитиш, тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлари мавсумий аҳамият касб этмай, балки тўлақонли, доимий ва катта сиёсатдир. Яқинда шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси халқимизнинг энг истеъдодли фарзандларини излаб топиш, уларнинг истеъдодини ривожлантиришга йўналтирилган. Ёшларга, уларнинг билими, иқтидори ва имкониятларига ишониш керак. Ёшларга булардан одам чиқмайди қабилада ёндошиш социализм сарқити бўлмиш бюрократиянинг эскича иш услубидан бошқа нарса эмас. Бугун одамлар ўзга, ҳаёт ўзгача. Кадрлар танлови, уларнинг тарбияси ва билим-малакасини, савиясини ошириш борасида бизда муайян тажриба, мактаб мавжуд. Юртбошимиз Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бу борада шундай деган эди. «Ёш кадрларнинг касб малакасини оширишга имконият туғдириб бериш, қўрқмасдан уларга кенг йўл очиб бериш, масъулиятли вазифаларни топшириш, уларга таяниш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланиб қолмоқда». Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериш тегишли вазирликлар ва идоралар олдида турган муҳим вазифадир.

Ўзбекистонга замонавий фан-техника кириб келиши учун ёшларимиз техника сирларини ўрганишлари керак. Бугунги ёшлар эртага Ўзбекистонни жаҳонга танитадилар. Ўз ихтиролари, кашфиётлари билан жаҳонга чиқадиладар. Зотан, илмли одамгина олам-жаҳоннинг эътиборини ўзига қарата олади.

Кейинги пайтларда ёшларнинг маълум қисми ўз меҳнат соҳаларини ташлаб, бозорларга чиқиб кетмоқда. Тижорат, чамаси, нисбатан фойдали соҳа бўлиб қолди. Уларни ҳам тушуниш мумкин. Бироқ саводсиз қолишдек кечирилмас гуноҳни тушуниб ёки оқлаб бўлармикин?! Давлатимиз раҳбари охириги нутқларидан бирида университет дипломи даражаси ва обрўсини ошириш зарурлиги хусусида беҳуда гапирмадилар. Чунки диплом — билим кафолати. Ана шундай кафолатгина ёшларнинг яхши иш жойларига ўрнашиб, ўз билимла-

рини намоён этишлари учун катта имкониятлар яратади.

Ёшларимизнинг ихтиролари Ватанимиз номини жаҳонга ёйса, бу аввало ёшларимизнинг ўзига берилган юксак баҳо бўлади. Давлатимизнинг ёшлар сиёсати моҳияти шунга қаратилган. Бу моҳиятнинг мазмунини Президентимиз шундай ифодалаган эди: «Бир сўз билан айтганда, биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак».

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 13 март.

НАВРЎЗ ГАВҲАРЛАРИ

БОЛАЛАР КЎЗИДАГИ ҲАЙРАТ

Инсон ўзининг азиз нарсалари билан тирик. Шу азиз нарсалар учун яшайди, улар учун машаққат чекишдан роҳатланади. Қадрли нарса нима? Булар, аввало, жуда оддий нарсалар: тупроқ, осмон, қуёш, ўз уйи, ўз уйида гултувакда ўсаётган гул... Она, фарзандлар, Ватан — ҳар биримиз учун ниҳоятда қадрли бўлган бу нарсалар қанчалар оддий. Шунчалар оддийки, уларни ҳадеганда пайқамаймиз. Уларнинг улуглиги ҳам ана шу оддийлигида эмасмикан!

Инсон ҳаёти узлуксиз равишда яна шу оддий нарсалар ичида кечади, шу оддий нарсалардан маъно, мантиқ топади. Наврўз — Йилбоши ана шундай кўзга ташланмас оддий нарсалардан топилган улкан Маъно десам ажабланманг. Бу маънода аждоқларимиз тафаккури ва тасаввури, орзу-армони, мақсад-нияти мужассамлашган. Тупроқ, сув, ҳаво, қуёш, ой, юдузлар — бутун табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари ва қурт-қумурсқадан тортиб дов-дарахтгача бўлган мавжудотнинг, яъни заррадан то коинот қадар ашё ва ҳодисаларнинг мувозанати илоҳий бир тенглик кашф этади.

Бугун тонг жуда эрта оқарди. Назаримда, одамлар ҳам жуда эрта уйғондилар. Буни мен фарзандларимнинг эрта тонгданоқ туриб олганларидан пайқадим. Уларнинг чеҳрасида болаларга хос беғубор қувонч балқиб турибди. Кўзларидаги ҳайрат гўё дунёнинг

баҳор қаршисидаги, Йилбоши олдидаги ҳайратига ўхшайди.

Осмон тиниқ. Ҳаво мусаффо. Шарқдан кўтарилаётган қуёш нурлари кўча-гузарларимизни, ҳовли-уйларимизни ёритиб юборди. Гўёки, нурафшон бир сурурдан қалбларимиз ёришиб кетди. Кўчаларда катталардан олдин болалар кўринди. Қаранг, ўзбекнинг болалари қанчалик бахтиёр! Байрамона уст-бош кийган. Ҳозир уларнинг бошқа дунё билан иши йўқ. Наврўз ҳаммадан ҳам болаларимизга севинч келтирадиган, болажонларимиз бошлаб берадиган байрам. Тинч, осуда бошланаётган тантаналар фарзандларимизга қанчалар татийди! Болалар балки дарахтзорда яшилланиб қолган ўт-ўланлар орасидан бойчечак ахтаргани боришаётгандир. Узоқ-яқиндаги кўшнилариимизнинг болалари, эҳтимол, бу тонгда ҳам урушда бедарак йўқолган ота-онасини излаб, кўзларида ёш билан кўчага отлангандир. Бизнинг болаларимизнинг бойчечак қидириши эса нақадар тинчликка, хотиржамликка хос машғулот. Бойчечак бугун оддийгина гиёҳ эмас. Фарзандларимиз орзуларининг тимсоли. Қишдан эсмон-омон чиқиб олган юртдошларимизнинг эртанги — келажак кунларга, униб-ўсишга бўлган умиди, фаровон турмуш сари интилишлари.

Йилбоши тонги шундай бошланмоқда. Лекин, назаримда, унинг тантаналари бир неча кун аввал бошланган. Уни айниқса, болалар бошлаб юборганлар. Барибир, ушбу тонгнинг шукуҳи бўлакча.

ТАРИХДАН БИР ЧИМДИМ

Буюк мутафаккиримиз Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида қайд этилишича, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомил даражасига етгунча давом этган вақтга тўғри келади.

Улуғ аллома Умар Хайём келтирган далилларга кўра, Наврўз Марказий Осиё ва Яқин Шарқда милоддан анча аввал пайдо бўлган. Эҳтимол, Наврўз дастлаб табиатнинг уйғониш ва баҳордаги деҳқончиликнинг бошланишини англатадиган халқ шодиёнаси сифатида нишонланган. Кейинчалик ҳамма жойда тантана билан ўтказиладиган бўлган. Шу тарзда аънанага айланган.

Умар Хайём «Наврӯзнама» асарида Наврӯзни нишонлаш қуёшнинг йиллик ҳаракатига асосланганлигини таъкидлаб ўтади. Асарда «Наврӯзда уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она ва бошқа яқин кишилар билан дийдорлашиш оддий халқ орасида ҳам одат тусига кирган» дейилади.

Наврӯздаги тун-кун тенглиги тушунчаси мумтоз адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, улуг шоиримиз Алишер Навоий ўз ғазалларидан бирида шундай ёзади:

*Васли аро кўрдим тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврӯз.*

ЭСКИ ЙИЛЛАРГА ҚАЙТМАЙМИЗ

Йилбоши тантаналарига отланар эканман, мустақилликкача бўлган даврда бу байрам қандай нишонланар эди, деган савол ҳаёлимга келиб қолди. Менга яқинда айтиб беришди. Наврӯз ҳақидаги қўшиқ ёзилган пластинкани қўйиш эллигинчи йилларнинг ўрталарида ўт билан ўйнашишдек хатарли экан.

Кейинчалик ҳам мафкурамиз бошида турган «раҳнома»ларнинг тазйиқ ва таъсири остида жойларда Йилбоши тантаналари ўтаётган давраларда «шотир»лар сумалак қайнаб турган қозонни ағдариб юборганини биламиз. Наврӯзни йўқотиб, ўрнига бошқа замонавий, империянинг мафкурасига мос келадиган байрамни сунъий равишда ўйлаб топмоқчи бўлганлари ҳам сир эмас. Совун кўпигидан ясалмоқчи бўлган шар, табиийки, ҳеч нарсага ярамайди, ёрилиб кетади.

Биз энди эски йилларга қайтмаймиз.

ШАРҚНИНГ ЮРАГИ

Мустақилликкина бизга Йилбоши — Наврӯзни чин маънода қайтарди. Истиклолимизнинг биринчи йилидаги Йилбошини эслайман. Ишониб-ишонмай, қўрқаписа тантаналарга қўшилишларимиз, одамларимизнинг дил тубидаги ҳадиксирашлар, Фалак яна чаппа айланиб кетмасмикин деган қўрқув. Ўшанда одамларимиз кайфиятида иккиланиш яққол кўришиб турарди.

Мустақиллик туфайлигина Йилбошимиз хонаки байрамдан дунёвий байрамга айланди. Ҳа, бугун уни

дунё байрам қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистонимизда Йилбоши сурури ўзгача.

Наврўз — бутун Шарқ ўзлигини намоён этадиган айём. Наврўз — бутун Шарқ халқларини бирлаштиради. Уларнинг илдишлари, теран томирлари ягона эканини исботлайди. Байрамлари муштарак халқларнинг урф-одатлари, демакки, қувонч-ташвишлари ҳам муштарак бўлади. Наврўзни, рамзий маънода, Шарқнинг юраги дейиш мумкин. Зеро, Шарқ халқларининг тили бошқа-бошқа бўлса-да, дили биттадир.

Наврўзни туркий халқлар Йилбоши дейдилар. Чунки у табиат мувозанатининг алмашилиши, фаслларнинг ҳақиқий алмашилиши давридир. Бу даврда деҳқон ерга дон сочади, боғбон кўчат ўтқазади. Чўпон қўй-қўзи, эчки-улоғининг ғамини ейди. Мусича кукулайди. Тупроққа иссиқ югуриб, ўт-ўлан қўзғолишга тараддулланади. Биринчи қалдирғочлар учиб келади.

Бугунги Йилбошимизнинг қишда кутиб олинадиган Янги йилдан кескин фарқ қиладиган кўпдан-кўп фазилатларидан бири — қишда бир кунлик тантана учун дарахтлар, ям-яшил арчалар кесилади. Икки-уч кун ўтгандан кейин эса бечора арчалар ахлатларга ташлаб юборилади. Ҳатто «хизматини ўтаб бўлган» арча дарахтлари кўча-кўйга ташланганини ҳам кўп кўрганмиз. Эсиз, бу арчалар қанчадан-қанча тоғларнинг кўрки бўлиши мумкин эди. Ахир бир тасаввур қилиб кўринг-а, байрам баҳонасида неча туп дарахт кесилиб кетади. Инсон ўз шодлиги учун билиб-билмай табиатга қанчалар зиён-заҳмат етказади.

Бугунги Йилбошимизда эса, энг аввало кўчат ўтқазилади. Янги-янги боғлар бунёд этилади. Ариқ-зовурлар тозаланади, сув очилади. Қишдан чиққач, ариқларда биринчи марта аввал лойқа, кейин тиниқ сув оқади. Ҳатто нуроний қарияларимиз ҳам яхши ният тилаб кўчат ўтқаздилар. Кўча ва йўлак четларида, ҳовли-гузарларда дарахтларнинг таги юмшатилади. Янги, навқирон кўчатлар пайдо бўлади. Ерга биринчи уруғ ташланади. Яхшидан боғ қолади деган гап бекорга айтилмаган. Демак, рамзий маънода, янги ҳаёт, тириклик бошланади. Шунинг учун ҳам уни Йилбоши дейдилар.

Мозорлар тозаланади. Марҳумлар эсланади.

ЙИЛБОШИ КАЙФИЯТИ

Йилбошининг биринчи куни бутун Ўзбекистонни карнай-сурнай садолари, байрам тантаналари уйғотиб юборди. Бутун мамлакат байрам қилмоқда. Наврўз — ҳамманинг байрами. Ватанимиз пойтахтида байрам таровати бутунлай алоҳида. Кўчалар тоза-озода. Йўллар четидаги турли рангли матолар, байроқлар майин шабадада ҳилпирайди. Тошкент одатдаги кунлардан бошқача безанган. Ҳар бир нарса байрамдан дарак беради.

Эрталабданоқ пойтахт аҳли Алишер Навоий номидаги миллий боғга оқиб кела бошлайди. Мен ҳам ўшалар орасидаман. Одамлар юзига диққат билан қарайман. Барчанинг юзида кулгу, севинч. Танишлар бир-бирини табриклаб, бахт тилайди. Байрам севинчи одамларни бир-бирига янада меҳрибонроқ қилиб қўйгандек. Одатда, қувонч ҳам, ҳайрат ҳам одамларнинг кўзида зуҳур этади. Мен бугун кўзларда балқиган қувончларни, ҳайратларни кўраман. Момоларга қарайман. Улар фаришталарга ўхшайди. Гўё Ўзбекистон Наврўзини нишонлаш учун фаришталар ҳам тушиб келгандек. Боболар юзига қарайман. Набираларнинг шодумонлиги уларнинг белига куч-қувват бағишлаб турибди. Қизларимизнинг чиройи, ибо-нафосати байрам кўркига кўрк бағишлайди. Йигитларимизни кўринг. Парвозга шайланган бургутлардек ўктам, шиддатли. Болалар... Байрамда ҳаммамиздан ҳам кўпроқ қувонаётганлар шулар эмасми!

21 март. Соат 11. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи. Байрам майдони. Бу ердаги ҳар бир нарса катта-кичиклиги, ранги, хусусиятига кўра, бир бутунликда, мутаносибликда безатилган. Майдон улкан саҳнага ўхшайди. Ҳар бир нарса рамзий маънога эга. Мармар фавворалардан отилаётган сув зарра-зарра сочилиб, қуёшнинг заррин нурларида товланади. Катта-кичик байроқлар, кўк сариқ, оқ, зангори рангдаги турли шарлар, узун шарлар тасмаси шамолда ҳар хил шаклга киради. Чиройли гуллар, атлас уст-бош, попукли зар дўппи кийган гуллардек чиройли қизлар байрам манзарасини безаб турибди. Қуёш тобора қиздириб, Наврўз ҳароратига ҳарорат бағишлайди. Қатор кўркам расталарда турли вилоятлардан келтирилган халқ амалий санъати намуналари. Болалар қўлида сопол ва ёғочлардан ясалган ҳар хил ўйинчоқлар. Уларнинг қувончи чексиз.

Барчага сумалак тарқатилмоқда.

Байрам даврасида эканман, одамларнинг кайфияти мени кўпроқ қизиқтиради. Ҳар хил миллий ўйинлар, Сурхондарё полвонларининг томошалари, Бухоро зардўзларининг инжа санъати акс этган буюмлар... Булар кишиларимизнинг тафаккурини кенгайтиради. Ватанни, унинг турли вилоятлари, туманларига хос бўлган санъатдан ўзига хос сабоқ беради. Зотан, Йилбошимиз шунчаки кўча айланиб келадиган байрам эмас. Ватанни ўрганиш, халқимиз маданиятидан баҳраманд бўлиш, дўстлар орттириш, дийдор айёми ҳамдир.

НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИ

Узундан узоқ, бир-биридан чиройли, дид билан безатилган дастурхонлар кўзни яшнатади. Баҳор таоми сумалак ва турли ширинликлар, миллий пишириқлар, ичимликлар таомлар ҳиди димоққа урилади. Барча савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш тармоқлари жамоалари ушбу қутлуғ айём кунларида халққа беминнат хизмат қилиш учун бел боғлаганлар.

НАВРЎЗ БЕЗАКЛАРИ

Бугун айёмни кенг нишонлаш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан етти иқлимга машҳур уста, ҳунарманд отахон-онахонлар ташриф буюришган.

Андижонлик Абдулҳожи Тўрақулов дурадгор уста, 80 ёшни қоралаб қолган. У киши ота-боболардан мерос ҳунарни бугунги кунда шогирдларига ўргатмоқда. Уста миллий ҳунармандчилик соҳасидаги ишларни халқ кўрсин деган ниятда Наврўзга олиб келган. Шогирдлар билан ҳамкорликда ясалган катта нақшиндор, беқиёс ижод маҳсули — дарвоза, равот, карнизий услубидаги буюмлар олдидан одамлар бефарқ ўта олмай, завқ-шавқ билан томоша қилишади. Шунингдек, байрам майдонини наманганликларнинг нафис санъат асарлари, кулlochилик, ҳар хил совғалари, хоразмликларнинг сув телпак, мусиқа асбоблари, Хива гиламлари, ёғоч ўймакорлик буюмлари, фарғоналикларнинг кандакорлик, заргарлик каби... хуллас, турли вилоятларнинг ўзига хос амалий санъатини намоиш этувчи кўрғазмалар безаб турибди.

НАВРЎЗ ДАЪВАТНОМАСИ

Майдонга Президентимиз Ислом Каримов ҳамда парламент ва ҳукуратимиз раҳбарлари кириб келадилар. Одамлар узоқ олқишлайдилар. Юртбошимизнинг юзидан нур ёғилади. Бу нур давлатимиз раҳбарининг қалб қувватидан, келажакни ёритиб турган қалб қуёшидан таралади, десам янглишмаган бўламан. Махсус ажратилган жойда ҳукуратимиз раҳбарлари, Тошкент шаҳри жамоатчилик вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган меҳмонлар, хорижий дипломатик корпус раҳбарлари жой оладилар.

Наврўз даъватномаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга берилади. Юртбошимизнинг табригини эшитдим. Нақадар оддий, содда, аммо юракка беҳато тегувчи сўзлар! Табрик байрам кайфиятига кайфият қўшади. Бу сўзларни барча жон қулоғи билан эшитади ва кўнглига жойлайди. Президентимиз ватандошларимизга энг эзгу тилаклар билдириб турганда ёнимда ўтирган боболар, оппоқ рўмол ўраган момолар дуога қўл очиб, «илоё омин, илоё омин» деб турдилар.

Мен 1990 йил Наврўзни эслайман. Ўшанда Йилбоши буюк ўзгаришларнинг бошланишидек таассурот қолдирган эди менда. Чиндан ҳам орадан икки кун ўтиб, 24 март куни Ўзбекистон халқининг ҳукуратдаги вакиллари биринчи Президентимизни сайлаган эдилар. Эҳ, у кунларнинг унутилмас таассуротлари... Кўпчилик хавотирда, энди нима бўлади, деган ўй ваҳимага айланиб, қанча кишиларни исканжага олганди. Собиқ иттифоқ ўзи учун ноқулай бўлган қайсар, ўжар И. А. Каримовни четлатиш, юртимизда нотинчлик чиқариб, ўзларининг ҳарбийларини киритиш учун қанчадан-қанча фитнес-найранглари ўйлаб топмади. Доно, узоқни кўрадиган, жаҳоний марраларни кўзлайдиган раҳбарларимиз кўрсатган йўлдан бориб, барча тўсиқларни, ифвогарликларни енгиб ўтиб, мана шундай — бугундек фаровон ва дориломон кунларга етиб келдик. Бундан етти йил аввал ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президентини бобо-момоларимиз худди ҳозиргидек дуо қилишган, пешонангиз ёруғ бўлсин, бизни ёруғ йўлларга бошланг, дея ният қилишган эди. Мана бугун ўша дуолар, ниятлар ижобат бўлиб, қарияларимиз Президентнинг тилакларига «илоё омин, илоё омин» деб турдилар. Қариси бор

элнинг париси бор, дейишади. Юртимизнинг ҳам париси — иқболи ўзи билан.

...Саҳнага раққоса қизлар кўтарилади. Гул ўйини намоёиш этилади. Гўё ҳамма ёқни — еру кўкни гуллар очилиши ва хушбўйи тутиб кетади. Саҳнада раққоса қизлардан иборат «фасллар алмашади».

Оппоқ кийинган спортчи йигит-қизлар давлатимиз байроғини баланд кўтариб ўтадилар. Байроғимизнинг юксак-юксакларда ҳилпирашини кўриб, қалбим гурурга тўлади. Ўзимизнинг ўзбек йигит-қизлари мустақил давлатимиз байроғини ана шундай дадил кўтариб юришларини, эҳ-ҳе, неча-неча даврлардан буён орзу қилардик. Мустақил юртнинг бедахл байрамида эркин йигитларимизнинг озод-озод қадам ташлашлари... Эҳ-ҳе, бунинг маъноси жуда чуқур, жуда кенг. Уни ифодалаш, юракда кўзғолган туйғуларга исм топиш учун бисотимиздаги сўзларнинг қудрати етармикин!

Рўпарада байрам саҳнига қараб турган Алишер Навоий ҳайкалига қарайман. Буюк бобомиз бизга ҳавас билан қараб турибди гўё. Бу оддий ҳайкал эмас, Ватанимиз ва халқимиз тарихига, ўлмас шеърятга қўйилган тимсолдир. Шубҳа йўқки, истиқлолимизнинг олтинчи йилидаги ушбу тантаналар ҳам халқимиз юрагида ана шундай мангу ҳайкал бўлиб қолади. Қуйироқда, анҳорда бир маромда айланаётган чархпалак гўёки ташна кўнгилларга бахтиёр ҳаёт, тириклик сувини ичиради.

Нилуфар, лола, бойчечак каби гуллар тимсолидаги раққоса қизлар «очилади», шамолда «тебранади».

Осмонга қарайман. Ўзбекистоннинг осмони нақадар мусаффо ва юксак. Қуёшимиз нақадар иссиқ. Одамлардан меҳрини аямайди.

Ҳаммани ҳайратга солиб, осмонга ҳаво шари кўтарилади. Мушаклар отилади. Бободехқоннинг рамзий қиёфаси улкан шарда намоён бўлади. Даврага мучал ҳайвонлари, улардан ташқари баҳорда янгидан ҳаёт бошлайдиган ҳайвонларнинг рамзи кириб келади. Осмонда чиройли парашютлар гул солиб учади. Энди майдондан баҳор сабзавотларининг рамзи ўта бошлайди.

Байрам тантаналари бутун мамлакатда баравар давом этади. Шаҳарлар, қишлоқлар, маҳалла-гузарлардаги шодиёналарга тўйлар уланади. Кўнгиллар сарафроз бўлади. Наврўз қувончи дилларда давом этади. Тун ва куннинг тенглигида фалаклардан тушиб келган Ҳумо — Бахт қуши Ўзбекистонимизни мангуга макон тутиб қолади.

Шу ўринда Ватаним ва халқимни Наврўз гавҳарлари, дегим келиб қолди. Чунки бу байрамда менинг юрагимга энг қаттиқ таъсир қилган нарса ана шу икки гавҳар бўлди. Бу гавҳарларни Худойимнинг ўзи мангуга асрасин!

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 22 март.

ҲАҚИҚАТ РОССИЯДАН ҲАМ УСТУН

Ҳақиқат Россиядан ҳам устун, деб ёзган улуғ ёзувчи Фёдор Достоевский. У, шубҳасиз, чор Россияси ҳақида шундай фикр билдирганди. Ростдан ҳам мазмунида ҳақиқат бўлмаган ҳар қандай Ватан қумдан тикланган омонат «қўрғонча»га ўхшайди, узоқ яшамайди.

Россиянинг энг йирик газ монополисти бўлган «Газпром»нинг саховат кўрсатиб, мамлакат оммавий ахборот воситаларига «ҳомийлик қилиши» ҳамда «Труд-7» газетасининг шу йил 11 апрель сонида босилган «Якдил қарор: «Газпром» фойдасига» сарлавҳали ахборотнинг мазмуни Достоевскийнинг ҳақиқат борасидаги мулоҳазасини эслати бизга. Хабарда ёзилишича, бир ой илгари ташкил этилган «Газета «Рабочая трибуна» ёпиқ акционерлик жамияти ҳиссадорлари йиғилиши ўз акцияларининг бир қисмидан «Газпром» Россия ҳиссадорлик жамияти фойдасига воз кечишга қарор қилганлар. Газета бош муҳаррири биринчи ўринбосарининг маълумотига кўра, фақатгина моддий эмас, сиёсий нуқтаи назардан ҳам шундай йўл тутилган. Хабарда, пиروвардида, тузилиши мўлжалланаётган шартномада ҳиссадорнинг таҳририят ички ишлари — редакция сиёсатига аралашмаслиги тўғрисида алоҳида кедишиб олиш режалаштирилгани баён этилади.

Русларда яна, ҳар нарсани ўз номи билан атайлик, дейилади. Ўз номи билан айтсак, бу таҳририятнинг бир меъёрда фаолият кўрсатиши учун «пул бериб қўйган» йирик магнатнинг газетани ўз йўриғидан юргизишга уриниши эмасми? Русларнинг ўзида: «Пулини берган одам хоҳлаган қўшиғини буюртиради», деган мақол бор. «Интернешнл Геральд Трибюн»нинг маълумотига кўра, бугунги кунда «Газпром»дан субсидия ва инвестиция олаётган Россиянинг 29 та газета ҳамда бир қанча телестанциялари «Газпром»нинг қўшиғини айтишга»

мажбур бўлмоқда. Зеро, ўзимизда, кимнинг аравасига чиқсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан, дейилади.

Демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлат қуришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс. Матбуот бежиз тўртинчи ҳокимият дейилмайди. Жамоатчилик фикрини уйғотиш, шакллантириш, бир мақсадга йўналтириш ишини матбуотгина бажара олади. Шундай экан, оммавий ахборот воситалари дахлсиз, эркин бўлиши зарур. Шундагина матбуот тўғри сўзни, Россиядан ҳам улуғ бўлган ҳақиқат манфаатларини ифода эта олади. Сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги фуқаролар эркинлиги ва давлат мустақиллигининг кафолатларидандир. Оддий шу меъёр ва кафолатлар сақланмас ва мустаҳкамланмас экан, демократия ҳақидаги фикрлар, уни ўрнатиш борасидаги уринишлар хўжақўрсинга бўлиб қолаверади. Биз Россияда айнан шундай бўлмоқда, деган мулоҳазани билдиришдан йироқмиз. Бироқ, фактлар мантиғи бизни дамба-дам шу фикрга етаклаб келаверади. Беш-олти йил орасида мустақилликка эришиб, «қўлдан чиқиб кетган» ёш давлатларга аламзадалик билан «демократия», «иттифоқ» дея жар солинаётган Россияда демократия пулдорларнинг ўз истагини қондириши, шу йўлда фуқаролар ҳуқуқи ва давлат қонунларини поймол этиши воситасига айланиб бормоқда. Йўқса, давлат бюджетидан катта миқдорда қарздор бўлган «Газпром» моддий манфаат ва сиёсий капитал излаб топиш йўлида матбуот кучидан фойдаланиш «компания»сини бошлаб юбормаган бўлар эди. Биз «Газпром» оммавий ахборот воситаларини «сотиб олишга» сарфлаётган пулини давлатдан қарзини узишга йўналтирса маъқулмасми, демоқчи эмасмиз. Бироқ Россиядек давлатда матбуотнинг молия гигантлари қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётгани ҳар қандай кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, «Интернет» жаҳон ахборот тизими маълумотларига кўра, Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов ва Россия ҳиссадорлик жамияти «Газпром»нинг раҳбари Рэм Вяхирев компаниянинг давлат бюджети олдидаги қарзини узиш бўйича келишиб олганлар.

«Газпром»га бизнинг ғайирлигимиз йўқ. Хоҳласа, янада кўпроқ газеталарга «ҳомийлик» қилаверсин. Қолаверса, мулоҳазаларимиз «Газпром» ҳақида эмас, Россиядаги демократия ҳақида. Ўзбекистонда демократия йўқ, инсон ҳуқуқлари чекланмоқда қабилдаги

ғараз уфуриб турган мақолаларни ёзишдан толмаётган Россия матбуоти олдин ўзининг у ёқ-бу ёғига қараб олса, рус демократияси пулдорларга хизмат қилувчи демократияга айланиб қолганини мардлик билан тан олса бўларди. Россияда матбуот эркинлиги ҳақидаги гап-сўзлар сафсата эканини тан олиб, мамлакат журналистлар уюшмаси президенти Всеволод Богданов биз юқорида номини қайд этган «Интернешнл Геральд Трибюн» мухбирига шундай дейди: «Бугунги НТВ телевидениенинг қандай қилиб бизнесга айланиши мумкинлигига ноёб мисол бўла олади».

Россия демократияси бугун дарди оғир бемордек ночор аҳволда қолди. Молия магнатлари эса уни даволаш хусусида эмас, унинг касалидан сиёсий капитал орттириш қайғусидадир. Оммавий ахборот воситалари ва радио-телевидение ҳар хил сиёсий гуруҳлар, магнатлар, гигантларнинг сиёсий қуролига айланмоқда. Улар, «Газпром»га ўхшаб, бу қуролдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Империячи дардига мубтало бўлган айрим тоифадаги россияликлар учун Ўзбекистонга туҳмат тоши ёғдириш ҳам ана шу манфаатлар доирасига қирадиганга ўхшайди. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик тизимни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш матбуотни тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш борасида улкан ишлар, бу борадаги вазифаларни изчиллик билан амалга ошира бориш, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асрашимиз — истиқболимизга ғараз билан қараганларга берган жавобимиз бўлади.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 17 апрель.

МУСТАҚИЛЛИК ИШИ ВИЖДОН ИШИДИР

Давр қарашларга ҳам, нуқтаи назарларга ҳам таҳрир киритади. Лекин барибир дунёни инсон ўзгартиради. Дунёни ўзгартираётган инсоннинг маърифатли, маънан комил бўлиши ўзгаришларнинг ҳам маърифатли, баркамоллик сингари ёруғ сифатлар касб этишига асос бўлади. Дунё ҳамиша ўзгаришларга муҳтож, жамият ҳамиша янгиликларга эҳтиёж сезади. Жамият ривожланишининг, ижтимоий тараққиётнинг марказида миллатнинг илми, зиёли фарзандлари туради. Жамият та-

маддуини миллат ва юрт равнақи учун меҳнат қилишдан роҳат топадиган мутахассислар таъминлайди. Бундай етук мутахассислар, халқ таъбири билан ифодаланганда, юртнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади.

Кўпинча мамлакатни битта рўзгор, битта оилага қиёслайдилар. Шундай экан, ҳар бир ота-она аждод-авлодларнинг нуфузини сақлашни, оиланинг фаровон келажагини ўйлаб, ўғил-қизларига замонавий таълим-тарбия беришга, уларни мавқеи баланд билим юртларида ўқитишга тиришади. Чунки ҳар бир шахснинг етук мутахассис бўлиб етишишини шиддат билан тараққий этиб бораётган замон, мустақилликни мустаҳкамлаш зарурати талаб этади. Оила учун ҳам, ота-она учун ҳам, қолаверса, давлат ва миллат учун ҳам илмнинг энг сўнгги кашфиётларидан, замонавий техника ва технологиядан бохабар мутахассислар керак. Қўл учуда, хўжакўрсин учун ишлайдиганлар бугунги даврнинг одамлари эмас. Ундай киши ҳатто ўзлигини, «мен»ини ҳам намоён этолмайди.

Ватанимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар — мустақилликка нима берди, деган мезон билан қараш лозим деган қоида тўғри. Бундай мезон ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда шаклланганми? Воқеаларга, ўзгариш ва янгиланишларга шундай юксак мезонларда баҳо бериш ўлчови ҳар биримизни имтиҳондан ўтказиб бошласа... Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги имтиҳондан, мустақиллик олдидаги синовлардан ўта олаимизми?

Ватанимизнинг мустақиллиги шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил ижтимоий қарашлар, нуқтаи назарларнинг маҳсули сифатида юзага келган ижтимоий ҳодисадир. Мустақиллик ўзгаришлари қарорлар ва нуқтаи назарларнинг ҳам юксалиб, янгиланиб боришни тақозо қилади. Гарчи улардан хизмат вазифаси ва бурчи тақозоси сифатида талаб этилса-да, ана шу юксалишлардан, янгиланишлардан ортда қолаётган, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги ўзгаришлар билан баробар одимлай олмаётганлар тараққиётимиз йўлида ғов бўлаётганлардир. Уларнинг эски замон кишиси, боқимандалик кайфиятидагилар, сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилдаги кишилар сингари бир қанча тоифалари бор. Тараққиётимиз суръати, хоҳлаймизми-йўқми, уларни четга суриб қўймоқда. Уларни эски тузум иллатларидан бутунлай қутила олмаганлар, дея аташимиз мумкин. Бугунги кунда мустақил давлатимиз етук мута-

хассислар, ўз иш соҳасининг моҳир устаси бўлган ёш кадрларга эҳтиёж сезмоқда.

Бугуннинг мутахассислари, кадрлари қандай бўлиши керак? Аввало, фақат бир ташкилот, бир жамоа доирасида эмас, мамлакат-давлат даражасида, миллат миқёсида фикрлайдиган бўлиши зарур эмасми? Мустақиллик ишини виждон иши, дея билиши, ўз хатти-ҳаракатлари ва меҳнатига жаҳон андозаларидан баҳо бериш малакасини ўзлаштирган бўлиши керак эмасми? Босиб ўтилган йўлдан тўғри хулоса чиқара билиши, истиқболни аниқ-равшан тасаввур этиши, ўз соҳасида таҳлил этиш салоҳиятига эга бўлиши лозим эмасми? Албатта, бугунги давр мутахассисларида, бугунги замон кадрларида ана шу хусусиятларнинг барчаси ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Маълумки, бизда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастурни тузиш» комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислом Каримов мазкур масала юзасидан шундай деди: «Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади».

Юртбошимизнинг мазкур анжумандаги маърузасини ўрганад эканман, шундай фикрлар ҳаёлимдан кечди. Кадрлар тайёрлаш масаласи бир-икки йилда ҳал бўладиган осон иш эмас. Етук кадрларнинг бир авлодини вояга етказиш учун ҳам қанча устоз-педагогларнинг фидойи меҳнати, дасрлигу қўлланмалар зарур бўлади. Бундай бир авлодни тарбиялаш учун илмий асосланган бутун бошли бир тизим ишлаб чиқилиши лозим. Бу, албатта, биринчи навбатда таълим соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Боғча ёшидаёқ бола дунёни бутун муносабатлари билан ҳис этишга улгуради. Мактаб ёшида эса идрок этади. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари ва уларга тенгдош бўлган бошқа ҳар хил таълим масканларида таҳсил олаётган ёш йигит-қизларда ҳис ва идрок этилган дунёни ўзидан ташқарига ифода этишга интилиш кучли бўлади. Тайёрланаётган миллий дастурда ана шу хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсати

даражасидаги масалага айланди. Чунки иқтидорли, лаёқатли кадрларни келажакда Ватанимизни жаҳон осмонига олиб чиқувчи шиддатли лочинларга ўхшатиш мумкин. Худди шундай пешонаси ярқироқ бўлган кадрларимиз чет эл дорилфунунларида тахсил олиб, меҳнат мактабларида тобланмоқдалар. Ҳаммамизга яхши маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз тараққиётида катта ўсишга муяссар бўлган Осиё давлатлари асосан ўз мутахассислари, миллий кадрларини билимдон қилиб тайёрлаш туфайли шундай даражага эришган.

Бугунги куннинг вазифалари улуғвор, залворли вазифалардир. Эртанги куннинг вазифалари эса бундан ҳам масъулиятлироқ бўлади. Бу вазифаларнинг тўғри ечим топиши ҳар жиҳатдан етилиб келаётган кадрларга боғлиқ. Шубҳа йўқки, мустақиллик иши мутахассис кадрларимизнинг виждон ишига айланади.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 12 июнь.

ЎЗ ХАЛҚИНИНГ ВИЖДОНИ

Газета — сиёсат майдони. Матбуот — сиёсат воситаси. Журналистика сиёсат билан шуғулланиш демакдир. Сиёсат фикрдан бошланади. Фикрда давом этади.

Фикрдан фикрсизлик чекинади. Фикрга фикр пешвоз чиқади. Фикр — ҳаракатда. Фикр — сиёсат. Бугунги ўзбек журналистикасининг суяги — Ватан, либоси — фикр, тарбиати — мустақилликдир. Журналистикамининг бошқа кўпгина давлатлар журналистикасидан афзал жиҳати бор. У ҳуқуқий пойдеворга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгги сессиясида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунларнинг қабул қилиниши биз журналистларнинг ҳам, журналистикамининг ҳам нуфузини оширди. Энг муҳими, журналистикамининг ҳуқуқий йўлини белгилаб берди.

Бу қонунларимизнинг ҳаракати, яъни амалий журналистикага бўлган таъсири ҳозирданоқ сезилмоқда. Газеталаримиз шакл жиҳатидан такомиллашиб, мазмунан ўқишли бўлиб бормоқда. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларнинг танқидий руҳи кучайди. Журналистларимиз ўз фаолиятида камчиликлар-

га йўл қўяётган мансабдор шахсларни, танқиддан холи деб тушунилган корхоналарни ҳам асосли факт ва далиллар билан танқид қилмоқдалар. Долзарб мавзуларда мақолалар кўпаймоқда.

Биз журналистлар ҳар қадамда Президентимизнинг бизга бўлган хайрихоҳлигини, қўллаб-қувватлашини ҳис этган ҳолда айрим вазирликлар, вилоят ва туман ҳокимлари ва улар даражасидаги корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятидаги нуқсонларни кўрсатиб бермоқдамиз. Бу жамиятда инсонларнинг адолатга бўлган ишончини оширишда жуда муҳимдир. Ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир кимса давлат қонунларидан устун эмаслиги тўғрисидаги тушунча ҳар бир ватандошимиз онгида чуқур илдиз отган бўлиши керак. Бу давлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу вазифани журналистика амалга оширади. Ҳа, ижтимоий адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш журналистикамининг энг асосий вазифасидир. Зеро, журналистикани тўртинчи ҳокимият дейишади. Юқорида таъкидланган икки қонуннинг қабул қилиниши журналистикани амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтаришнинг кафолати бўла олади.

Мамлакат ичкарасидаги воқеаларгина эмас, дунёнинг турли жойларида бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга журналистларимиз ўз муносабатлари, давлатимиз, ҳукуматимиз нуқтаи назарини ифода этмоқдалар. Бу халқаро журналистикамиз тобора такомиллашиб бораётганини билдиради.

Мен доим бир нарсани ўйлайман. «Нью-Йорк Таймс», «Дейли телеграф» деганда кўз ўнгимизга дунё биладиган газеталар келади. Бутун дунёда уларнинг ўқувчилари бор. Қачон бизнинг газеталаримиз ҳам дунё давлатларининг катта қисмига кириб борар экан? Одатда, бирор-бир давлатга саноат корхоналаримиз маҳсулотлари кириб боришидан қувонамиз, миллий сармомиз кириб-борди, деймиз. Бироқ газеталаримизнинг бошқа давлатга кириб бориши сармомиз кириб боришидан оз аҳамиятга эга эмас. Чунки газеталар билан бирга мустақил давлатимизнинг миллий сиёсати ўзбек давлатининг нуқтаи назари, сиёсий йўли ҳам ўша давлатга кириб борган бўлади.

Эрталаб газетани қўлга олган ҳар бир киши аввало унинг кўринишига, қиёфасига аҳамият беради. Газеталаримизда мавзу ранг-баранглиги, маъно ва мантиқ теранлиги, қамров кенглиги яққол кўзга ташланиши билан бирга уларнинг дизайни ҳам тобора такомиллашиб

бормоқда. Дизайн бугунги газета ишининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Ҳар бир нашр фақат мақолаларнинг мазмунига эмас, газетани кўркам, чиройли қилишга ҳам катта аҳамият бермоқда. Газеталаримизнинг икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш пайтлари ортда қолди. Ҳар бир нашр ўз қиёфасини изламоқда, ўз қиёфасига эга бўлишга интиломоқда. Бу борада, масалан, биз Европа ва Осиё мамлакатларида Америкада босилиб турган газеталардан ижодий ўрганишга уринмоқдамиз. Бугунги газета шакл жиҳатидан ҳам жаҳон газеталари андозасига мос бўлмоғи керак.

Журналист ҳар куни оқ қоғоз билан юзма-юз келади. Оқ тонглари бедор қаршилайди. Унинг ниятлари ҳам, орзу интилишлари ҳам қоғоздек оқ, тонгдек беғубор бўлиши лозим. Журналистларни, ўз халқининг виждони, дейишади. Мен касб байрами арафасида ҳам-касбларимга миллатнинг қоғоздек оқ, тонгдек беғубор виждонлари бўлиб қолиш саодатини тилайман.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 26 июнь.

АРОСАТДАГИ ОДАМ

ёхуд тўйда «нутқ» ирод қилган бир «олим»га жавоб

Памфлет ўрнида

Ҳурматли «домла»!

Орадан шунча йиллар ўтиб, сиз билан яна юзма-юз келаман, деб сира ўйламаган эдим. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганлари рост экан. Тўгрисини айтсам, сизни унутиб ҳам юборган эканман-у, бироқ сиз жон аччиғида, сўнгги талвасага тушган илондай заҳар сочиб, ҳали ҳам борлигингизни ёдимга солдингиз...

Яширмайман, сизни илгаритдан танирдим. Ўша тўйга мен ҳам боргандим. Бироз кечикканим боис, сиз «нутқ» ирод қилиб турган пайтингизга келиб қолибман. У ерда ҳам иззат-ҳурматингизни қилиб тўрга ўтқазишган, сизга биринчилардан бўлиб сўз беришган эди.

Гапларингизни ярмидан, унда ҳам тўй ғала-ғовурлари орасида чала-ярим эшитиб, наҳотки, дея сесканиб кетдим. Наҳотки, сиз ҳамон ўша-ўшасиз?

Сиз: «Бозорларга кириб бўлмайд қолди. Ҳамма ёқда қимматчилик. Нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Мана, масалан, мен эгнимдаги шу костюмимни ҳам совет замонида олганман. Ҳозир эса, костюм тугул қўйлак ҳам сотиб ололмайман. Илгари костюм арзимас пул эди. Энди ўша пайтдаги костюмнинг пулига қўйлак ҳам ололмайсиз. Мисол учун, илгари нон 20 тийин, гугурт 1 тийин эди. Бозорларда бодринг ва помидорнинг кило-сини 3 тийин, 5 тийинга олардик...» қабилидаги ҳар бир сўзларингизни оҳанг ва урғуларини жой-жойига қўйиб гапирардингиз. Ё тавба, ё алҳазар, наҳотки, озодлик-нинг, эркинликнинг, ҳурриятнинг, мустақилликнинг баҳоси гугурт нархи билан ўлчанса?.. деб юбордим беихтиёр.

Воҳ! Аъзои баданимга титроқ кирди. Ўтмишингиз ёдимга тушди. Сиз «хурматли домла», «муҳтарам устоз» эдингиз у пайтларда. Энг нуфузли институтлардан бирининг энг нуфузли раҳбарларидан эдингиз. Сиз соғинаётган даврларда дамингиз тош кесар, қўлингиз юлдузларга етар эди. Йўлингизни одам тугул ҳаттоки мушук ҳам кесиб ўтолмасди, десам муболаға бўлмайди.

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда ҳамма сизга қўл қовуштириб, таъзим бажо келтириб турар, оғзингиздан бир сўз чиқиши билан, айтган нарсангизни муҳайё қилишар, гаҳ десангиз казо-казолар ҳам қўлингизга қўнар эди. Ҳамма нарсанинг сараси, асли, тозаси сизники, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда эди.

Эсимда, барча тўю томошаларнинг энг тўрида салобат ва қўр тўкиб ўтирардингиз. Атрофингизда эса бир ишорангизга интиқ, ҳамма нарсага тайёр, салла деса бошни олиб келадиган кимсалар бўларди. Ажабки, сиз доим хизматингизга тайёр, олимликни «устоз»га шахсий садоқат билан хизмат қилиш деб биладиган «аспирант» шогирдлар қуршовида бўлардингиз.

Ҳа, мен сизни танирдим. Сиз соғинаётган у даврларда республикамизда ҳали ҳеч ким минмаган янги русмдаги машиналар сизнинг тагингизда бўларди. Ёдимда, сиз оппоқ машиналар оғушида бахту сурурдан сармаст, гўёки осмонларда парвоз қилиб юрардингиз. Пойтахтнинг энг гўзал, энг баҳаво жойида ҳовлингиз бўларди. Ҳа, мен сизни танирдим, сизнинг ҳовлингизда деҳқоннинг ҳовлисидек, помидор, бодринг ёки шунга ўхшаш тирикчилик учун зарур нарсалар эмас, бир-бирдан чиройли гуллар ўсарди. Бу гулларнинг ҳар бир

тупи ҳар қайси мамлакатдан келтирилганини айтиб, шу билан фахрланишингизни билардим. Сиз оддий ҳовлида эмас, Боғи Эрам ичида яшар эдингиз гўё. Ҳовли жойингизга қараш учун ўша пайтлардаёқ уйингизда хизматчилар тутган ҳам сиз эдингиз. Сиз истаган нарса-лар уйингизга ботмонлаб, дастурхон-дастурхон келиб турарди. Сиз фақат қора кўчқорнинг, каклигу беданаларнинг гўштини истеъмол қилардингиз.

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда йилнинг исталган фаслида, истаган пайтингизда Қрим ёки Сочидами, Ялта ёки Карлови-Варидами дам олишга қурбингиз етарди. Сиз Қора денгиз бўйларида ўйнаб-кулиб юрар, нур тегмаган танангизни қуёшда қорайтирар, тоза ҳаво, иссиқ кум, тиниқ сув ва майин қуёш нурида астойдил тобланар эдингиз. Билаклари юмшоқ, бармоқлари узун ойимтиллаларнинг нозик қўллари салқиган мушакларингизга, таранг вужудингизга чексиз бир лаззат, роҳат бағишлар эди. Албатта, у ерларга келиноғимиз билан бормас эдингиз-да. Умрингизнинг ярми Москва ресторани, Ленинград барларида ўтган, десам адашмайман.

Сиз маишату ялло қилиб юрган бир пайтда халқимиз оқ пахтанинг қора меҳнати тагида эзилар, саратоннинг сели бошидан ўтиб, товонини ёриб чиқар эди. Пахта даласида қулларча ишлаётган азиз аёлларимизу, норасида болаларимизни юзлари иссиқдан буришиб, тиришиб кетарди. Ўзбек рўзгорларида қора қозонда оқ шўрва қайнамаган кунлар кўп бўлгани рост. Болаларимизга мактаблар раво кўрилмагани, улар изғиринли пахта далаларга ҳайдаб чиқарилгани ҳам рост. Бизнинг болаларимиз ўқиш, илм олиш учун эмас, гўёки фақат меҳнат, фақат қуллик меҳнати учун туғилган эдилар. Асарларингизда бундай қуллик — эксплуатация эмас, деб ёзилар эди. Букун мустақиллик туфайли у мусибатлардан қутулган, катта йўлда аниқ манзил сари бораётган бўлсак-да, ўша қора кунлар азияти ҳали қалбларимиздан ўчгани йўқ.

Ҳа, жаноб «арбоб», мен сизни танирдим. Сиз соғинаётган у даврларда салобатингиздан от ҳуркарди. Узоқ пойтахтга қовун-тарвуз, олма-анор, писта-бодом ташиб, «КПСС тарихи»ни фан билиб, ундан ёқлаган «диссертация»нингизни халқимизга, меҳнаткашларимизга неча пуллик фойдаси борлигини бошқалар тугул ўзингиз ҳам тушунмасдингиз. Тушунмасдингиз-у, аммо буюк кашфиётлар қилган ихтирочилардек кўкрак ке-

риб, ғоз юришни қойиллатардингиз-а?! Сиз фаол жамоат арбоби, сиз — фан дарғаларидан бири эдингиз. Аслида эса, нақадар аччиқ бўлмасин, сиз истибдод тузумининг қўлидаги мафкуравий қурол — дарангловчи ноғора, қўғирчоқдан бошқа ҳеч нарса эмасдингиз. Собиқ СССРнинг собиқ марказидан келган битта арақхўр-пиёнистага пойи-патак бўлганингизни, унинг оёғини ўпиб-ялаганингизни, унга югурдаклик қилганингизни айтсам...

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда сизнинг асосий касбингиз ҳар йили институтларга казо-казоларнинг, лавозимдору мансабдорларнинг арзандаларини ўқишга киритишдан иборат эди. Яширмасдан айтганда, техникумлар ҳам сиздан четда қолмасди. Сиз муомала, олди-берди қиладиганларнинг энг кичиги район раҳбари ёки колхоз раислари бўларди. Мабодо, бирор мискин ҳақиқат сўраса, ҳақиқат талаб этса, уни... Очиғини айтсам, сиз ўзбекча гапиришдан-да, ор қилардингиз. Ўзбек қўлини кўксига қўйиб пешвоз чиқса, қўлини узатмай, бурнини жийрадиганлар хилидан эдингиз. Сизга ўзбек ҳам, ўзбек тили ҳам қолюқлик белгиси бўлиб кўринар эди. Ўзбек тили давлат тили бўлолмайди. У тараққиётдан орқада қолган, сўз бойлиги қашшоқ, дея айюҳаннос солганлардан бири сиз эмасмидингиз? Мени маъзур тутинг-у, ўзбекнинг супрасида қорилган, тандиридан узилган нонни еб, ўрнини булғаб кетишдан тоймайдиган, халқнинг тузини татиб, тузлиғига тупурадиганлар хилидан эдингиз-ку. Тасодифан опангиз оламдан ўтгани эсингиздадир? Маъракага боришни ор билган, етим қолган жиянларингизга бир оғиз кўнгилга таскин берувчи сўз айтолмаган «маданиятли», «илғор», «замонавий» киши сиз эмасмидингиз?

Эсимизда, инсоният тарихида энг улуғ давлатлардан бирини тузган буюк бобомиз Амир Темурни бир чақага олмас, уни золимдан зўравонга, зўравондан золимга олиб солар, Аҳмад Яссавийлардек улуғ пирларимизни диний-мистик ғоялар тарқатган дея қоралардингиз. Бу халқнинг тарихи йўқ, совет ҳукумати бу ўлкага рўшнолик олиб келди дея оғзингизни тўлдириб гапирганларингиз эсингиздами? Ўзбек халқининг 98 фоизи саводсиз бўлган, совет ҳукумати буларга ўқиш-ёзишни ўргатди, дея гапирганларингиз-чи? Сиз эмасмидингиз минг-минг йиллик ўзбек тарихини унутиб, Самарқанд, Бухоро, Хива осори атиқаларини гўёки кўрмай, узоқ ўрмонлардан топилган бир тақани асрлар қаъридан ха-

бар беради, дея кўкларга кўтариб мақтаган? Ҳа, ҳукумат тепасига ким келиб қолса, сиз худди шундай йўллар билан унинг кўнглига йўл топиб, ҳамма ишингизни битказар эдингиз.

Ҳа, мен сизни билардим. Сиз нафратланадиган деҳқон-пахтакорлар сизга ҳайратланиб, осмондаги ойга қарагандай қарар эди. Сиз улар учун, ёш авлод учун бир орзу, бир намуна эдингиз гўё. Чиндан ҳам осмондаги ойдек ярақлаб кўринадигиз. Чунки газета, журналларда кулиб турган суратингиз дам-бадам кўринар, ойнаижаҳонда эса чиқмаган кунингиздан чиққан кунингиз кўпроқ бўларди.

Сўнгги йиллар... Ўрганган кўнгил ўрганса қўймас, деганларидек, Гдлян, Ивановлар тимсолида мустабид тузум томонидан ўзбек халқига қилинган навбатдаги қатағонни, «ўзбек иши» дея аталган адолатсиз сиёсатни биринчилардан бўлиб олқишлаган, порахўрлик, танишбилишчилик ўзбек халқининг қон-қонида мавжуд, дея жар солганлардан бири ҳам сиз эдингиз-ку, жаноб «олим»! Ваҳоланки, етиштирилаётган миллион-миллион тонналик пахта хирмони — ҳақиқий ўзбек иши шу эканини билардингиз! Орадан анча сувлар оқиб ўтди.

Халқимиз мустақиллик байроғини озод кўтарди. Сиз эса ўз йўл-кўчангиз билан бирга кўринмай қолгандингиз. Тўй баҳона сизга яна дуч келдим. Мана қаерда экансиз! Чекка-чекалардаги базми жамшидларда, мишмишлар тарқатиб? Сут билан кирган, жон билан чиқади, деганларидек эски «касбингиз»ни қилиб юрган экансиз-да. Ажабо, сиздек довьорак кўринган одам ҳақиқатнинг, воқеликнинг кўзига тик қарашдан чўчиб, ғаламислик қилиб юрса-я?! Сиз ҳозир ўзингиздан, атрофдаги истиқлол ўзгаришларининг ҳайбатидан кўрқиб яшаётган ожиз бир бандага айланиб қолибсиз-да. Сиз энди горларда нурдан, ёруғликдан қочиб юрган кўршапалакка ўхшаб зулматда кун кечираркансиз-да. Қоронғуда ўзингизни кўрсатмай, бойқушдек совуқ сайрайсиз. Панада туриб, жон чекиб қўлга киритганимиз Улуғ Истиқлолга тош отасиз.

Сиз — тирик мурда! Арвоҳингиз хилват-хилватларда беркиниб юради. Ҳамтовоқларингизни кўрмасам-да, танимасам-да, уларни қалбим кўзи билан кўраман. Бир қолипдан тушган гиштлардай ҳаммангиз бир-бирингизга ўхшайсиз. Сизлар — эски гиштарсиз. Сизлар янги иморатга, Истиқлол деган янги улкан иншоотга бир гишт ҳам бўлолмайсиз. Ярамайсиз! Яхшиямки, сиз-

лар — мустақиллик руҳига раҳна солувчилар энди мутлақ озчиликсиз.

Биламан, жанобим, зулматлар тарқаб, ёруғ кунлар келди-ю, уйингизга қора қўчқорлар бормай қолди. Қимизлар дастурхонингизни беэмамай қўйди. Ҳа, костюм-шимингиз эскирди. Нафақат либосингиз, энди сизнинг ўзингиз ҳам эскирдингиз. Фикрларингиз, орзу интилишларингиз бари-бари эскирди. Энди сиз ва сизга ўхшаганлар ҳеч нарсага эришолмайди. Ҳамтовоқларингиз ҳам кўзларини каттароқ очишин!

Замонлар эврилди. Одамлар ўзгарди. Аммо сиз ҳали ҳам ўзгармабсиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг байроғи жаҳон узра ҳилпираётганига олти йил бўлди. Сиз буни кўриб, кўролмаясиз. Билиб қўйинг, Ўзбекистоннинг мустақиллигини икки юзга яқин давлат тан олди. Сиз буни биласиз, аммо билиб билмаганга, кўриб кўрмаганга оласиз, жаноб!

XX асрнинг энг буюк воқеаларидан бири Ўзбекистоннинг Мустақилликка эришгани бўлди. Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида биз:

Ғалла мустақиллигига эришдик. Нефть мустақиллигига эришяпмиз. Пахтамизни ўзимизнинг эҳтиёжларимиздан орттириб, бошқа давлатларга ҳам сотмоқдамиз.

Сиз пойтахтда энг замонавий бинолар қад ростлаётганини, пойтахтимиз жаҳон пойтахтлари билан беллашадиган қиёфага кираётганини гўёки кўрмайсиз.

Водийга элтадиган Қамчиқ довони қурилишларини, Буюк Ипак йўлининг қайта тикланаётганлигини сиз кўрмайсиз? Кўролмайсиз!

Бухородаги Қоровулбозорда улкан нефтни қайта ишлаш заводи катта қувват билан иш бошлаганидан, энергетика мустақиллигига эришганимиздан гўёки беҳабарсиз.

Сиз кўрмайсиз Андижондаги автомобиль заводи-мизни.

Жаҳон андозаларига мос ҳаво лайнерлари ишлаб чиқараётган Тошкент авиасозлик заводимизни-чи?

Сурхондарёда «Сурхон-Ажанта» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган дори-дармонларни ҳам кўришни истамайсизми?

Сиз нега кўрмайсиз Навоийдаги дунё тан олаётган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Қизилқум фосфорит заводини?

Намангандаги Мингбулоқ нефть конини ҳам кўролмаяпсизми?

Сиз нега кўрмайсиз Муборақдаги газни қайта ишлаш мажмуини?

Қашқадарё ва Сурхондарёни туташтирувчи Гузор — Бойсун — Кумқўрғон темир йўли қурилаётганини кўрмайсизми?

Сирдарёда «Ўзалтайтрактор» қўшма корхонаси, Тошкент вилоятида «Кобул-Тўйтепа-текстайлз» қўшма корхонаси, Жиззахда Ўзбекистон-Буюк Британия «Жибри» қўшма корхонаси, Қорақалпоғистонда «Эл-текс» тўқимачилик мажмуи, «Катекс» комбинати, Кўнғирот сода заводи, Хоразмда Дўстлик «Мерседес» юк ташиш машиналари заводи, Фарғонада «Ўзсаламан» қўшма корхонаси, Самарқандда Ўзбек-Британия Ургут тамаки-ферментация заводи ишга тушганини, Улуғ Амир Темур руҳи Ўзбекистонга қайтганини кўришни истамайсизми?

Кўришни истамайсизми, Наврўзнинг Ҳумо қуши янглиғ Ватанимиз тоғ, қирлари, чорбоғларига келиб кўнганини?

Кўзларингиз очиғ-у, аммо нечун кўролмайсиз Ўзбекистонимизнинг ўз Йўли, ўз Йўлбошчиси, ўз Манзилига эга эканлигини, ўз Йўлбошчиси раҳнамолигида белгиланган йўллардан адашмай олға бораётганини? Сиз нега кўролмайсиз Ўзбекистон бир тузумдан бутунлай бошқа бир тузумга ўтиб янгиланганини, бозор иқтисодига ўтиш даврида ҳам бирорта миллатдошимизни бурни қонамаганини, давлат ҳеч кимни четга суриб қўймаганини, юртимиздаги тинчлик, барқарорликни, sanoатдаги тараққиётимизни, бутун халқ хўжалигидаги ўсишни сиз нега кўролмайсиз?

Айтинг-чи, сиз нега буларни кўрмайсиз? Йўқ, сиз уларни жуда яхши кўрасиз. Аммо, келажак ҳақидаги тасаввурларингиз кўлмакда туриб қолган сувдек бўтана, қўланса.

Сиз эски даврдан узилиб, янги даврга киролмай қолган, аросатдаги одамсиз. Сизни кўкларга кўтариб, тириклигингиздаёқ сизни ҳайкалга айлантириб қўйган «КПСС» деган замин энди оёғингиз тагида йўқ, сиз уни ўрнидаги ботқоққа ботиб қолган гумроҳ бандасиз. Янги замонга, мустақиллик даврига киролмаган, йўлида адашган, тўғрироғи, йўлини йўқотган одамсиз.

Сиз лоақал набираларингиз келажagini ўйласангиз бўлмайдими? Улар ҳам сиз каби мустамлакачиларга

умрбод қуллуқ қилиб яшашини наҳотки истар эдингиз? Худо кўрсатмасин, мустақиллик бўлмаганда улар ҳам ўз миллий давлатларига эга бўлмасликлари, сизга ўхшаб англаб-англамай кимларнингдир хизматини қилиш эвазига рўзгор тебратишлари мумкин эди-ку. Шуларни ўйлаб даҳшатга тушмайсизми, жаноб «олим», жаноб «арбоб!»

Жаноб, кун келиб хокингиз бошқа тупроқда эмас, шу мустақил Ўзбекистон тупроғида ётишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сиз наҳотки бир кун келиб ота-боболарингиз ёнидан жой олганингизда қабрингизни мустабидлик руҳи босиб ётишни хоҳлайсиз?

Умри бўйи ёлғон ғояларга ишониб яшаганингизни нега мардона тан олмайсиз, жаноб? Эл-юрт олдида тавба-тазарру қилиш ўрнига нега чекка-чеккаларда паналаб миш-мишлар, бўҳтонлар тарқатасиз? Шу билан наҳотки кўнглингиз таскин топса, шу билан наҳотки ўзингизни юпатсангиз?

Билиб қўйинг, сиз соғинаётган тузум умрини яшаб бўлди. У тузум одамларининг ҳам даври ўтди, жаноб! Жаноб, сиз руҳингизни уйғотинг! Қалбингизни уйғотинг!

Тўйда гапларингиз чала ярим қулоғимга чалинарсан, мен аламдан, изтиробдан титраб кетдим. Мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, виждон-иймонимизга айланганига ишонч ҳосил қилдим. Мен мустақиллик сўзини ҳеч қачон ҳиссиз, оддий, шунчаки айтолмайман. Кўкрагимни тўлдириб Истиқлол десам, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетади. Аммо бу саодат ёшлари! Толе, қувонч ёшлари! Мени, мени эмас, бизни — халқимни дегим келади, энди ҳеч нарса Истиқлолдан ажрата олмайди. Мустақиллик бизнинг тақдиримиздир!

Мен бугун кўкрагимни тўлдириб ҳайқиргим келади:

Мустақиллигимиз Байроғи абадий ҳилпираб турсин! Абадий ҳилпираб турсин Миллий давлатимизнинг нурли Байроғи! Миллат Байроғи бизни юксалишларга чорлайверсин. Ҳуррият Байроғи бошимиз узра мангуга ҳилпирайверсин!

Мустақиллик Герби абадий барқарор бўлсин! Мустақиллик Мадҳияси жаҳон узра абадий янграйверсин!

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 19 август.

МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЯТИ

Пойтахтимизнинг Бош майдонидаги байрам
тантаналаридан репортаж

ОЛТИ ЙИЛНИНГ МАЗМУНИ

Олти йил... Кафтга қўниши мумкин бўлган қушдек мўъжаз, Абадиёт чексизлиги олдида эҳтимол камалак умридек қисқадир. Абадий дунёнинг энг қадим ижоди — Ватанимиз, «...миллатларнинг энг қадими» (Амир Темур) халқимиз ёшига денгизга қуйилган олти қатра сувдек қўшилгандир. Уммонга қуйилган олти томчи сув сезилмай, билинмай, беиз кетади. Бироқ қадим ва навқирон Ватанимизнинг улуғ ёшига қўшилган Мустақиллигимизнинг олти йили... О, бу олти йилнинг улкан мазмуни, салобати, улуғворлиги ҳақида адашмай гапиришга олтин қафасдан озод бўлиб, чаманзорга етган булбулдай ёниб куйлашга овоз пардаларим чидаб берса эди, илҳомим кучи етса эди кошки!

Олти йил... Олтита ям-яшил тоғ. Бунда ҳамма нарса ўсади, гуркирайди. Олтита шарқираган дарё. Ундан ҳар гиёҳу, ҳар дарё сув ичади. Олтита гувуллаган денгиз. Унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Чексиз. Ҳа, Мустақиллигимиз чексиздир.

Мустақиллигимизнинг ибтидоси Тўмарис ва Широқнинг юрагидаги ўчдан, Жалолиддин Мангуберди ва Намоз ботирнинг қалбидаги қасосдан бошланади. Курашнинг қонуни шуки, озодлик учун курашганларнинг аксарияти озодлик кўрмай кетадилар — шаҳид бўладилар. Бизнинг замондошларимиз шунинг учун ҳам омадлики, ажодларимиз асрлар мобайнида гоҳ эришиб, гоҳ бой бериб келган хурриятни абадий қўлга киритдилар.

Биз баъзан мустақилликка эришдик, деймиз. Йўқ, биз уни қўлга киритганмиз. Курашларда қўлга киритганмиз уни. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, ўз курашлари, ўз кураш усуллари бўлади. Истиқлол асримиз ва давримизнинг, миллатимиз ва Ватанимизнинг номи тарихларда қоладиган қаҳрамони — доно Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг жасорати, кураш усулини тўғри танлай олгани туфайлигина бешикаст, беаҳамат қўлга киритилди. Ахир, озодликни қўлга киритишнинг энг мақбул йўли шу бўлганини вазият кўрсатиб турибди-ку.

Ҳар куни эрталаб уйдан кураш учун чиқмаган ин-

сон яшамаяпман деса ҳам бўлади, деган экан файласуфлардан бири. Биз ҳам ҳар куни эрталаб атрофида фарзандларимиз ўтирган дастурхондан Мустақилликни мустақамлаш кураши учун турайлик, ватандош! Мустақилликни мустақамлаш, асраб-авайлаш, қўлда сақлаш ҳам курашдир.

БАЙРАМ ЧИРОҚЛАРИ

31 август. Оқшом. Ватанимиз пойтахтининг барча кўчалари, йўллари, майдонлари, саҳналар байрамона безатилган. Тошкентда буюк байрам руҳи ҳукмрон. Шарқ машъали — азим шаҳар улуғ айём либосида. Кўчалар четларидаги ранг-баранг байроқларнинг ҳилпираши дилларни ҳам мавжлантириб юборади. Бинолар пештоқида Мустақиллик йилномасини ёдга солувчи рақамлар. Ҳикматлар, доно битиклар. Мана уларнинг айримлари: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Истиқлолинг, эркинг муборак бўлсин, азиз Ватан!» Улкан шаҳар нурлари уммонига фарқ. Чироқлар ёруғида атроф-теварақ янада гўзаллашган.

Мустақиллик майдони. Қизил, сариқ, яшил, сиёҳ-ранг, зангори ёғдулар оғушида майдон денгиздек тўлқинланади. Бу чироқлар майдоннигина эмас, одамлар кўнглини ҳам ёритиб юрган. Осмон эса ўз чироқлари — юлдузларини ёқишга шошилмайди. Майдон марказида гўёки улкан бир театр бунёд этилган. Бу театрда ҳамма нарса мисли кўрилмаган заковат билан жой-жойига қўйилган. Ҳар бир чироқ, ҳар тола нур рамзий маънога эга. Рамзийлиги шундаки, театрда ўтмиш, бугун ва келажақ, табиат ва инсон, кеча ва кундуз, куй ва қўшиқ, сўз ва шеър, йил фасллари, ҳайвонот ва наботот дунёси санъаткорона уйғунликда ифода этилган. Қадим Шарқ кентларини эслатувчи (электр таблолар) чироқ-шаҳарларда «ҳаёт қайнайди». Чироқ — дарёларда тўлиб нур оқади.

Мустақиллигимизнинг олти йиллик байрамини — эл-юртимизнинг қувончи шодиёнасини бутун дунё ҳайрат ила томоша қилмоқда — юксак тагликдаги глобус сарҳадсиз коинот аро сузиб юрган Ер шаридек ёғдулар шарорасида ярақлаб товланади. Глобусда Ўзбекистон харитаси ёниб-ўчиб алоҳида бўлиб турибди. Атрофдаги осмонўпар бинолар, узоқ-яқиндаги паст-баланд иморатлар, дарахтларгача — барча-барчаси байрам саҳна-

сини тўлдириш, безатиш учун хизмат қилишга бўйсундирилган.

Мустақиллик майдони улкан фазовий маконга айланади гўё. Гўёки ҳамма нарсанинг ранги, туси ўзгара бошлайди. Майдон узра кўкдан илоҳий нур ёғилади. Бу — байрам чироқларининг сеҳри.

«ВАТАН ҲУРЛИГИГА ТЎЛДИ ОЛТИ ЁШ»

«Ҳукумат уйи» пештоқида — юксакда Ватан байроғи нурлар оғушида нур таратиб ҳилпирайди. Улкан саҳнанинг икки ёнида, баландда Ватан рамзи — Гербимиз порлаб кўринади. Кўнгиллар фахру ифтихорга тўлади. Мустақилликнинг мазмунларидан бири шуки, энди Байроғимизга ҳам, Гербимизга ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса даҳл қилолмайди.

Соат 19.30. Байрамнинг чорлов мусиқаси янграйди. Демак, байрам тантаналари бошланади.

«Ватан ҳурлигига тўлди олти ёш..» — ҳайбатли овоз янграйди. Байроқлар денгизи чайқалади.

Байроқлар кўтарган оқ либосдаги кўп сонли йигитлар қатор-қатор, саф-саф бўлиб тизилдилар. Майдонга давлатимиз раҳбари кириб келади. Ҳамма оёққа қалқади. Президентимизни олқишлар билан кутиб олади. Гўё майдонга Йўлбошчимизнинг улкан самимияти, салобати, одамларга бўлган муҳаббати ҳам кириб келади. Йўлбошчимиз қалбида миллатни ойдинликка етаклаётган ёруғликни, нурафшон чехрасида донолик нурини ҳис этгандай бўламан. Ҳавога кўк, қизил, яшил шарлар кўтарилади. Саҳнага миллий либосдаги раққосалар кириб келади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Президент халқимизни Мустақилликнинг олти йиллиги билан табриклайди. Юртбошимизга тушаётган чироқ нурлари унинг атрофини ёритиб турибди. Президентнинг гапларини жон қулоғим билан эшитаман. Табрик халқимизга бўлган чексиз меҳр билан суғорилган. Унда Мустақиллигимизнинг олти йиллик йўлига бир қур назар ташланар экан, меҳнаткашларимизнинг улкан бунёдкорлик меҳнатига муносиб баҳо берилади, истиқболимизга катта ишонч билдирилади. Мустақилликнинг катта моҳияти шу кичик табрикда жо, десам янглишмайман.

Гимн янграйди. Ҳамма оёққа қалқади. Назаримда, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг янгроқ овозини бу-

тун дунё тингламоқда. Ҳайбатли театрнинг пастдан юқорига кўтарилган «жонли девори»да Ўзбекистоннинг «жонли» байроғи ҳилпиради.

МУСТАҚИЛЛИК БОЛАЛАРИ

Дунё болалари саҳнага чиқади. Бири ой, бири юлдуз, бири қуёш болалар. Бахтли болалик рақси, бахтиёр болалик қўшиғи янграйди. Улкан «Ҳумо куши» учиб ўтади. Фарзандларимизга, мустақиллик болаларига саодат улашиб кетади гўё. Саҳнанинг икки четидаги баланд тўр (электр таблода) Ой момо ва бобо Қуёш акси. Эртақлар олами барчани ром этиб олади.

МУСТАҚИЛЛИК ҚЎШИҚЛАРИ, МУСТАҚИЛЛИК РАҚСЛАРИ

Саҳнага Қорақалпоғистон Республикаси санъаткорлари вакиллари кириб келади. Саҳна улкан раққосалар чаманзорига айланади. Юлдузлардек порлаб товланаётган раққосалар, бўғзини куйдириб қўшиқ айтаётган ҳофизлар қардош қорақалпоқ халқининг асрий армони ушалганини, Ўзбекистон мустақиллиги қорақалпоқ халқининг ҳам бахт-саодати эканини изҳор этадилар.

Фарғона вилояти санъаткорларида фарғонача тўн, фарғонача дўппи, фарғонача белбоғ. Чилдирманинг фарғонача янграши осмонларни тутади. Оппоқ либосдаги раққосалар дарахтлари шамолда тебранаётган боғни эслатади. Жиззахликлар қўшиғида нафақат байрам иштирокчилари, балки бутун ватандошларимиз кўнглидаги туйғу ифода этилади:

*Мен учун азиздирсан,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!*

Жиззахлик раққосаларнинг рақси оқаётган дарёни ёдга солади. Майдонни чанқовузнинг дилбар садолари тутади. Қашқадарёлик бахшининг қудратли овози, миллий этнографик ансамбль раққосаларининг санъати болаларнинг «тулпор» ўйнатишлари, ўзбекона улкан тўй-танталар манзараларини жонлантиради.

Саҳнада наманганлик санъаткорлар. Бу раққосалар хироми ёки баҳор фаслининг зеболигию, ороланишими, ажратиш қийин. Саҳна гоҳ олма гули, гоҳ гилос гули, гоҳ шафтоли гуллари рангига киради.

Навоийликлар санъатида дўстлик, аҳиллик рамзи, миллатлар дўст-иноқлиги мадҳ этилади.

Самарқандликларнинг қўшиқ ва рақсларида қадимият, бугун ва келажак мазмуни муштарак.

Айтиш керакки, бу пайтда раққосаларнинг ҳар бир ҳаракатидан тортиб, майдондаги энг улкан иншоотларгача бир бутун мазмун ва шакл уйғунлигини, яхлит композицияни ташкил қилади.

Сурхондарёликлар миллий чўпоёқ рақсини намойиш этадилар. Ушбу лавҳада миллий бўёқлар қуюқ. Бахши: «Амударё бўйида Термизийнинг қабри бор» деб айтади. Имом Термизийнинг руҳи ҳаммамизни қўлласин!

Бухоро ва хоразмлик санъаткорларнинг истиқлолни мадҳ этувчи қўшиқ-рақслари, уларнинг миллий либослари, чўгирма телпаклари, хоразмча «шақилдоқ» рақсларни барча узоқ олқишлайди. Ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган Бухоро ва Хива шаҳарларига бутун дунёнинг интилиши бежиз эмас.

Саҳнада Ўзбекистон ҳарбийлари — ҳарбий санъаткорлар. Ҳарбийларимиз — халқимизнинг муносиб посбонлари, ватандошларимиз оромини асровчи мудом сергак, ҳушёр, истиқлол учун жон фидо қилишга тайёр бўлган ўғлонларимиз, халқимиз тинчлигининг таянчларидир. Ҳарбийлар қўшиғининг садолари қалбларни ҳаяжонга солади.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар Ўзбекистонни жонажон Ватан деб биладилар. Ўзбекистон равнақи учун меҳнат қиладилар. Қозоқ, қирғиз, туркман, рус тилларида ижро этилган қўшиқларда истиқлолимиз шарафланади.

БАЙРАМ МУШАКЛАРИ

Мустақиллик майдони узра гўёки ранг-баранг юлдузлар сочилади. Мустақиллик саодатининг энг ёруғ шуълалари бутун мамлакатни, барча хонадонларни, барча қалбларни ёритиб юборгандек бўлади. Осмонимиз ҳам, заминимиз ҳам ойдин тортади. Бу мунавварлик энди бахт-саодатга элтгувчи йўлларимизни абадий ёритиб туради. Бундай миқёсдаги тантанага етти иқлим ҳавас қилса арзийди.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРУҒ ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбекистон осмонида ёруғ юлдузлари кўп. Уларнинг ҳар бири ўзи бир осмон, уларнинг ҳар бири куёшнинг бир парчаси. Ватанимизнинг мунаввар Каҳкашониди Самарқанд туркумидаги юлдузлар, Шаҳрисабз туркумидаги юлдузлар, Шеробод, Денов, Термиз, Марғилон, Қўқон, Тошкент туркумидаги ёруғликда бир-биридан ўзаман дейдиган юлдузлар... Улар инсон қўли билангина яратилганига ақл бовар қилмайди. Уларнинг тупроғи, кирпичи, бўёғида юлдузлар нуригина қоришиқ эканига ишонгингиз келмайди. Баъзан илоҳий жамол хусусида айтилади. Эҳтимол, улуғ марҳамат ила диёримиз осмонигагина сочилган шу юлдузлар истарасига шундай жамол ёғилгани, ёғилиб турган ва ёғилиб тураверажаклиги учун ҳам улар қалблар кўзларини куйдиргудек иссиқ нурлидир? Эҳтимол, шу боис бу мукамал, бу бемисл, бу илоҳий ижод сир-асрорини, сиру синоати моҳиятини англашга бизнинг қусурли ақлимиз ноқислик қилар?

Ўзбекистон осмонида ёруғ юлдузлар кўп. Бухоро билан Хива мусаффо осмонимизнинг Зухроси билан Зуҳали. Бу қўш юлдузимизнинг нури жамики қироллару султонларнинг қасрларига, жамики президенту давлат раҳбарларининг қароргоҳларига, жамики иймонлиларнинг қалбларига ёғилиб туради. Бор фалак юлдузлари, фарзандлари, коинот ёритқичлари Бухоро ва Хива сифатларига термулиш учунгина ҳар кеча йўл, манзилу маъво қарайди десам, балки муболаға бўлар, балки муболаға бўлмас. Нега етти иқлим фуқаролари — фаранглар, олмонлар, инглизлар, испанлар, японлар, қурияликлар, араблар, форслар, ҳабашлар уммонлару дарёлар, тоғлару саҳролар оша Бухоро билан Хивага интиладилар? Ақалли бир бора кўриш, мусулмон кирпичларга, мусулмон битикларига бир бармоқ учинигина теккизиб, ҳайратланиш, ҳаяжонланиш, пастдан миноралар қалпоғига термиларкан, бош гир-гир айланишини ҳис этиш... ва бу ҳис этганлари, англаганлари хусусида юртларига, фарзандларига сўзлаб бериш учунгина узундан-узун йўл тортиб, азият ва заҳмат чекиб тупроғимизга, диёримизга қадам ранжида қиладилар? Нима, уларнинг ишюмушлари, турмуш-рўзгори, бола-чақа ташвишлари оз ёки сармоялари кўп дея ўйлайсизми? Дунёларни мангу ҳайрон этган Бухорою Хива нега бизни —

аксариятимизни ҳайратлангирмайди? Наҳотки, ҳайратларимиз шу қадар сусайган бўлса? Бир қадам ма-софада туриб нега ўзимиз — кўпчилигимиз бориб кўрмаймиз Бухорою Хивани? Жаҳонга инсонпарвар тамаддун, инсонпарвар маданият тарқатган ўз ажодларимиз махсус биз учун мерос қолдирган Бухоро, Хива деган муқаддас китобларни қайта-қайта саҳифалаб, қайта-қайта ҳижжалаб ўқимаймиз? Бухоро ва Хива чек-чегарасиз мазмун-моҳиятини тушунишимиз учун тупроқ, кирпич, бўёқлар, ақл-идрок ва қалб ҳароратларидан бунёд этилган ушбу икки муқаддас китобни қайта-қайта ўқишимиз ва ўқишимиз зарур.

Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари ана шу мақсадда ўтказилмоқда. Шунчаки байрамларимиз озлиги ёки тантаналарга ўчлигимиз учун эмас, дунёи дунга аслида ким эканимизни, кимларнинг авлодию, қай маданиятнинг ворислари эканимизни кўрсатиш учун ўтказилмоқда Бухорою Хиванинг 2500 йиллик тўйлари. Бизга нисбатан бўлган истибоднинг бутун кўламини, энию бўйини башарият кўрди. Истиқлолни кўлга киритганимизни ҳам кўриб турабди. Лекин биз энди оҳ-воҳ қилмаймиз, дод-фарёд кўтариш-да бизнинг ишимиз эмас! Биз поймол бўлиб кетмаганимизни, суягимизни бутун сақлаб қола олганимизни, уст-бошимиздаги тупроқларни қоқиб ташлаб, букилиб-букчайиб кетган белимиз зирқирашини сездирмай, қадди-бастимизни тик тутганимизда, ҳали ҳам бўйимиз фарангларнинг, ҳиндларнинг, олмону инглизларнинг, кўйингки, ҳеч кимнинг бўйидан паст эмаслигини кўрсатиб кўйиш учун ўтказмоқдамиз Бухорою Хиванинг 25 асрлик тўйлари!

Тарих янгича англанаётир. Тарих бу — ҳақиқат. Қийшиқ кўрсатадиган кўзгу синди. Бизнинг ойнадан ўпкалайдиган қусуримиз йўқ. Бугунги Мустақиллик — бизнинг негизимиз. Ўзагимиз, илдизларимиз жуда чуқур, мустаҳкам. Бухоро ва Хива бақувват илдизларимиздан. Мустақил Ватанимизнинг буюк келажаги шу негизда бунёд этилади. Кўша юбилей ўтказаётганимизнинг мазмунларидан бири шунда. Ҳуррият ҳамиша янги, азиз, соғинчли. Кўша юбилей — ҳурриятимизнинг ҳақиқатидир.

Биз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини ўтказишнинг мақсади, мазмуни, Мустақиллик моҳиятини англашга қандай таъсир этиши, Ватан шухрати, шарафига дахлдорлиги, нафақат ёшлар тарбиясига, балки миллат-

лар маънавиятига таъсири хусусида мулоҳаза юритмоқ-дамиз.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қўш шаҳримизнинг юбилейлари дунёнинг бош қароргоҳи — БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти эътиборида ўтказилар экан, шунинг ўзиёқ ўзбек халқи тарихини, маданиятини, миллатимизнинг башарият тараққиётига қўшган ҳиссасини жаҳон тан олиб турганини кўрсатади. Ахир, Бухоро Х—XV асрларда ярим олам маданияти, тафаккури, илм-фаннинг маркази бўлганини тан олмасликнинг иложи йўқ-ку. Иложи йўқ-ку ахир, Хива фарзандлари бугунги кунда жаҳонда энг биринчи ўриндаги фанга айланган илмнинг пойдеворини яратиб берганини тан олмасликнинг! Биз айниқса нақадар маданиятли, илм-фани ривожланган, бу борада дунёни лол қолдирган халқ бўлганимизни олам-жаҳонга кўрсатиб қўйиш учун шу юбилейларни ўтказмоқдамиз, дейишни истаяпман. Бу миноралар аждодларимиз тафаккур тарзидаги геометрия, архитектура, алгебрининг инъикоси эмасми? Фикратдаги уйғунликни кўринг! Мен дизайн деган замонавий тушунча яқин-яқинда фикримизга кириб келди деб ўйлар эдим. Ажабки, 2500 ёшни қоралаган Бухоро ва Хива меъморчилигидаги, шаҳар санъатидаги, боринги, битта минорадаги дизайнни кўринг! Ҳайратланмасликнинг иложи йўғ-а. Қизиқ, олис боболаримиз «дизайн»ни қандай истилоҳ билан аташди экан-а! Кўнгилсиз такрор бўлса-да, маданият бизга «экспорт» қилинмаганини, балки... айтмоқчи эдим мен. Менгина эмас, улкан кўламда юбилей тантаналарининг мазмунида ҳам шу фикр жо, назаримда.

Биз ёшларни китоблар ва мураббийлар тарбиялайди, дея ўйлаймиз. Айни пайтда нураган миноралар, синган кирпичлар, босқинчилар ўқидан тешилган қалъалар, минг йиллар тўфонидан бутун ва ярим бутун ҳолда қолган бинолар ҳам гоҳ хатомиз, гоҳ шуҳрату ғуруримиз сифатида фарзандларимизни китоблару мураббийлардан кам тарбияламайди.

Икки шаҳримизни XXV асрлик юбилей тантаналари жаҳон миқёсида кенг нишонланиши Ўзбекистоннинг маданий мавқеини, Мустақиллик нуфузини Марказий Осиё минтақасидагина эмас, балки бутун дунё миқёсида мустаҳкамлайди. Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида Ватанимизнинг тараққиёт йўлини шундай бел-

гилаб беради: «...Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим». Юбилей тантаналари ана шундай интеграциялашув жараёнларига куч беради, деб ўйлайман.

Ўзбекистон осмонида ёруғ юлдузлар кўп. Бухоро ва Хива Ўзбекистоннинг энг ёруғ қўш юлдузларидир. Бу юлдузларнинг ёруғлиги улар Ер куррасининг илоҳий жамол энг кўп ёғилиб турган нуқталарида бунёд этилганидан бўлса ажабмас. Албатта, доно аждодларимиз табиат қонунларини оқилона ўрганиб, шу икки шаҳарни айнан шу икки жуғрофий ҳудудда барпо этганлар. Табиат қонунларида эса илоҳийлик бор.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 16 октябрь.

ЯНГИ ДУНЁНИНГ ЯНГИ ОДАМЛАРИ

Ўзбекистон ислоҳотларини бутун дунё тобора қизгин қўллаб-қувватламоқда.

Яқинда «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиостанциялари Ўзбек хизмати ҳамда жаҳонда нуфузли нашрлардан бири сифатида танилган «Известия» газетаси мухбирларининг Ўзбекистон Президенти билан бўлиб ўтган самимий учрашувлари диёримизда кечаётган эзгу ўзгаришлар самарасига катта ишонч натижасидир. Бу ишонч қайдан пайдо бўлди? Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар муваффақиятига Президент кафолат эканлигига имон комиллигидан эмасми? «Известия» мухбирлари: «Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов МДХ давлатлари орасида мулоҳазали, лекин мустақил, зийрак ҳамда ўз йўлини қаттиқ ҳимоя қиладиган инсон сифатида ном чиқарган. Унинг ўзига ишончи катта», — дея ёзадилар. Бу сўзлар бутун халқимизга қаратилган эмасми? Бу сўзлар мазмунида Ўзбекистонни, мустақиллигимизни, халқимизнинг бунёдкор қудрати ва тараққиётимизнинг йўли тўғри эканини эътироф этиш ётмайdimи?

Демократик матбуот фикр қидиради. Зеро, демократия тарихи фикр тарихидан иборат. Президент демократик матбуотга ҳамиша катта эътибор қаратади. Чунки доим халққа, жамоатчиликка айтадиган гапи бор. Барчадан фикр сўрайди. Таққослаш, солиштириш ва

ўрганиш учун фикрга катта эҳтиёж сезади. Фикрларни таҳлил этади. Чоғиштиради ва муайян хулосага келади. Президентнинг гапларидан фикрсизлик, ижтимоий турғунлик ва узоқни кўра билмаслик демократиянинг ашаддий кушандаси, деган мулоҳаза, фикрнинг маҳсули ҳам, кафолати ҳам демократия деган мазмун келиб чиқади.

Демократия бизнинг ягона мақсадимиз эмас, балки мақсад сари интилишларимизнинг воситасидир. Жамиятда, одамлар орасида интилиш бўлиши учун дунёқарашни, фикрлаш услубини ўзгартириш лозим. Одамлар, кенг омма, меҳнаткашларимиз, бутун халқимиз бугунги ўзгаришларни ҳис этмоқда. Айни пайтда ўзгаришлар чуқурроқ бўлишини истаяпти. Бугунги муаммолар уларни қониқтирмаяпти. Демак, уларнинг интилиши бор. Одамларда қониқмаслик, интилиш кайфияти пайдо бўлмас экан, муаммолар ечими топилиши қийин, ислоҳотлар олдинга кетиши маҳол. Ҳажман энг катта, энг кўламли ўзгаришлар Ўзбекистонда кечаётгандек туюлади. Бироқ бутун дунёнинг яхлит қиёфаси ҳам тобора янгилашиб бормоқда. Янги дунёда эски одам бўлиб яшаб бўлмайди. Янги дунёга янги одамлар керак. Халқимизнинг ҳеч бир вакили «янги инсон» деган меъёр чегарасидан четда қолмаслиги лозим. Шундай бўлишига униб, ўсиб келаётган ёшларимиз кафил.

Мухбирлар билан бўлиб ўтган учрашувдаги икки асосий жиҳатни, давлат раҳбарини қийнаётган фикрни жамоатчилик яхши тушуниб олиши, нега шундай экани хусусида ўйлаб кўриши зарур, назаримда. Юқоридан қуйига йўналтирилаётган ислоҳотлар жойларда яшаётган одамлар ҳаётига кўнгилдагидек даражада таъсир этяптими? Ислоҳотлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётига таъсир этишига эришиляптими? Жойлардаги раҳбарлар ислоҳотлар ривожига ижобий таъсир кўрсатяптиларми ёки унга тўғаноқ бўлмоқдаларми? Худога шукрки, бундай муаммоларни ечишга қодир мустақил давлатимиз бор. Биз ана шу давлат учун, унинг ёруғ келажаги учун меҳнат қилишимиз зарур. Зеро, дунё эски, уни эса одамлар ўз меҳнатлари билан янгилайди.

Президент журналистларга ўз талаблари ҳақида гапирди. Ҳар бир раҳбардан ўзи масъул корхонанинг кўп йиллик тараққиёт йўлини, асосли режасини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Қоронғу жойда пайпасланиб, тахминан қадам ташлаш тараққиёт эмас. Раҳбарлар —

йўл бошловчилар, улар йўлларни ёритишлари керак. Бироз эриш туюлса-да, ҳар бир раҳбарда Юртбошимизнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий сифатлари мужассам бўлмоғи лозим деб ҳисоблайман. Президент, бир-биримизга қаттиқ гапларни ҳам гапирамиз. Мен кўпинча раҳбарларнинг кўзларига қараб тураман тушундими, тушунмадими? — деди. Раҳбар ўздан нима талаб этилаётганини тушунмасдан ўзини тушунганга солса, бу — жиноят. Ҳар бир раҳбарнинг кўзига тегишли жойдаги фуқаро қарайди. Агар излаган нарсасини шу кўзлардан топмаса, халқимизнинг одати шундай, сўкинмайди, эътироз ҳам билдирмаслиги, фақат ислохотлар ҳақиқатига ишонмай қўйиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Мухбирлар билан суҳбатда Президент бир неча муҳим принципларни илгари сурди. Шулардан бирига эътиборингизни қаратмоқчиман. У «Известия» мухбирлари саволларига жавоб берар экан, жамиятдаги ижтимоий иллатларга қарши фақат жазолашнинг ўзи билангина адолат ўрнатиб бўлмайди, деди. Ҳар қандай адолатсиз жазо акс таъсир қилади. Ҳукм нақадар адолатсиз бўлса, у ўзига қарши кўп ҳаракатларни келтириб чиқаради, деган мазмунда гапирди. Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг бош мезони ҳам адолат, адолатли қонунлардир.

Йўлбошчимиз журналистларга юртимизда ўрнатилаётган демократия ҳақида гапирди. Бизга четдан бўлаётган айрим салбий муносабатларда Ўзбекистонга ижрочилар керак, деган фикрни пайқаб қоламиз. Юртбошимиз биз ислохотларни тўла амалга оширишда ўз ҳуқуқларини, инсон ҳуқуқларини англаб етган, шу асосда англаб ҳаракат қиладиган меҳнаткаш кишиларга таянамиз, деган фикрни илгари сурдилар: «Демократиянинг умумий қонунлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Шу билан бирга, давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик кадриятларни ўзгартириш ўзига хос ҳолда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади». Жаҳон кўриб турибдики, бизнинг инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинликлари бўйича қабул қилинган қонунларимиз шахс ва давлат муносабатларини бир меъёрга солади. Президентнинг мухбирлар саволларига берган жавобларида давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг етакчи тамойиллари ўз аксини топган.

Биз «янги дунё» дедик. Уни маърифатли жамият ҳам дейиш мумкин. Маърифатли жамиятни маърифатли инсонлар бунёд этади. Биз, раҳбарми, оддий ишчими, ким бўлишимиздан қатъи назар, ўзимизга шундай савол бериб кўрайлик-чи, янгиланаётган дунё мезонларига жавоб бера оламизми? Назаримда, Ислом Каримовнинг журналистлар саволларига берган жавобида ҳар биримизга қаратилган ана шундай савол бор. Бу саволга жавобни эса биз ўзимиздан, юрагимиздан қидиришимиз лозим.

«Ўзбекистон овози»,
1997 йил 15 ноябрь.

ЯНГИ КУННИНГ ЖАМОЛИ

Дунё ҳар куни, ҳар соатда янгиланаверади. Чексиз ўзгараверади. Олам ва одамнинг ярим кучи ўзгариш, ярим кучи турғунлик томонида. Шу сабаб эски билан янги ўртасида мангу кураш мавжуд.

«Янги» нима ўзи? Нима янги ўзи? Том маънода янги ёки янгилик бўлган бирор нарса борми? Донишмандларнинг ҳар қандай янгилик яхши унутилган эскиликдир, деганлари бежиз эмасдир.

Назаримда, оқаётган сув — янги. Ўсаётган ниҳол — янги. Ўзгараётган кун — янги. Ҳаракатдаги фикр — янги. Оқмай қолган сувни қўлмак дейдилар. У эски. Қуриб қолган чинор, гарчи у баланд ва улуғвор бўлсада, эски. Кечадан фарқсиз бугун, ўтмишга ўхшаган бугунги кун — эски. Тўнғиб қолган ҳиссиёт, турғун фикр — эски. Эскилик — умри тугаган, ён-атрофга берадиган ҳеч нарсаси қолмаган, сарғайиб-сўлган хазон. Бу хазонни супириб ташлаш керак. Акс ҳолда, у чириб, бад бўй таратади. Эскилик жонсиз жасад. Уни кўмиш лозим. Эскилик билан янгилик ўртасида хотира деган кўприк бор. Шу кўприк туфайли бу хазонлар илгари ям-яшил дарахт бўлганини, жасадлар ажодларимиз эканини ёд этиб юрамиз. Хотира диёридан унутиш юртининг қушларини учуриб юборамиз.

Ҳар қандай эскилик, таъбир жоиз бўлса, қуриб қолган тўнка. Энди унда ҳаётдан бир асар йўқ. Четга олиб ташланмаса, у энди йўлдан келаётганларни йиқитади. Ҳаёт ҳақиқатлари аччиқ бўлса-да, барчани ўз кучига ишонтиради. Барчани ўз измига бўйсундиради. Ахир,

шу тўнка бир пайтлари навниҳол эди. Гуркираган дарахт бўлди. Соя берди. Мева берди. Энди эса тўнка. Начора. Энди давр ундан ўтди. Энди у янгиликка халал бермаслиги керак. Энди...

Тўғриси айтганда, тўнка ҳам, яъни эскилик ҳам азиз. Чунки янгиликка эскилик орқали ўтилади. Шу боис эскилик ҳам изсиз кетмайди. Эскиликнинг хизмати шундаки, у янгиликнинг хамиртуришидир.

Атрофга қарайман. Ҳозир кўриб турганим нарсаларни, одамларни кеча ҳам, ундан олдин ҳам, жуда авваллари ҳам кўрганман, кўраман. Ён-атрофдан янгилик қидираман, янгилик кутаман. Гўёки бутун ҳаётим янги бир нарсани кутиб ўтаётганга ўхшайди. Оддий мисол. Ҳар куни ишга битта йўлдан бориб-келаман. Атрофда эса қанчадан-қанча ўзгаришлар, янгиликлар. Мана бу — мамлакатимиз парламентининг янги биноси. Мана бу — Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси. Бу — янги бозор. Янги мактаб — мана бу. Бу — янги кўприк. Ундан кўплар — авлодлар, йиллар, яхшиликлар, эзгуликлар, ўтиб-қайтади, бир ёқдан иккинчи ёққа эзгуликлар, яхшиликлар боради энди. Рост айтсам, мен ҳар куни юрадиган мана шу йўл ҳам янгиланган. Кенг ва равон. Янги кўчатлар, янги боғлар, гулзорлар янги, юксак ва музайян бинолар, муҳташам иморатлар — барчаси янги. Янги йўлларимизнинг номлари ҳам янги. Уларда юрган машиналар ҳам — «Тико», «Нексия», «Дамас»... Нақшбанд, ал-Бухорий, Яссавий, Амир Темур, Фарғоний, Беҳзод... — бу табаррук ва шарафга кўмилган номлар ҳаётимизга, қалбимизга янгиланиб қайтганини англайман. Эрталаб иш бошлар эканман, турмушимизга кириб келаётган янгидан-янги меҳнат қуроллари, яъни Янгиликни ҳис этаман. Компьютер, факс... Жамоамиз янги компьютерлаштирилган тизимда ишламоқда. Чунки бунинг афзал жиҳатлари кўп. Луғатимиз, нутқимиз, тилимиздаги сўзларга эътибор бераман. Қанчадан-қанча янги сўзлар. Илгари бундай сўзлар ғайриоддий туюлар эди. Бугун эса янги сўзлар мағзини биринчи синфлардаги фарзандларимиз ҳам яхши тушунади. Мен эса хурсанд бўламан. Тилимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам янгиланмоқда, боймоқда. Янгича одам бўлиб, янги ҳаёт қуришмоқда. Бундан севинмай бўладими?

Бугун бир, икки киши эмас, бутун мамлакат янгича яшашга, янгиликка интилмоқда. Ватанимизни бутун жаҳон «Янги Ўзбекистон» дея эътироф этмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг илк қадамлариёқ дунё учун

янгилик бўлди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани XX асрнинг энг улкан воқеаларидан бири бўлди, десам янглишмайман. Бу оламшумул тарихий ҳодиса ўзгараётган дунёнинг қиёфасини янада янгиледи. Жамиятимизнинг янгланиши, тозаланиши, покланиши жаҳон ҳамжамиятининг янгиланиши ва тозаланишига таъсир этмайдими? Таъсир этмайдими янгиликнинг ривожига, тараққиётнинг таъминланишига? Хўш, нега биз бир кундагина бўладиган эмас, балки ҳар куни бўладиган янгиланишларни, ўзгаришларни истаймиз, шуларга талпинамиз? Чунки янгилик ўз афзалликлари, устунликлари билан эъзозли ва қадрлидир. Янгиликка бўлган эҳтиёжimizни бир кунлик ўзгариш, битта янгилик билан қаноатлантира олмаймиз. Аслида, йилнинг ўзгаришигина янгилик эмас, балки шу йилларда рўй берган, халқimiz тақдирига, Ватанimiz истиқболига янги мазмун, янги нур бахш эта олган воқеа ва ҳодисалар том маъноси билан янгиликдир.

Йил ўзгараётир. Йилдан ҳам кўра кўпроқ фикр, тафаккур ўзгармоқда. Қишлоқда бир танишим бор. Оддий деҳқон эди. Бир йилда фермер бўлди, яъни мулкдор. Мол-қўйлари, оти бор. Ҳатто товуқ ҳам кўпайтирган. Каттагина лимонзор ҳам бунёд қилди. Энг қизиги, вақт топиб, газета-журналларни ҳам мунтазам ўқиб боради. Бир куни янги кун, янги тафаккур тўғрисида баҳслашиб қолдик. Бугун янгича одам бўлиши керак, собиқ совет ақидалари билан мутлақо яшаб бўлмайди, дейди у. Мисол қилиб қўшнисини айтди. Эртадан-кечгача эр-хотин сўрида чой ичиб ўтиради. Эр ёнбош ётиб, иссиқ чойни пуфлаб-пуфлаб ичаверади, хотини қуйиб туради. Кўчадан ўтиб-қайтган ёш-ялангнинг ҳам, дунёнинг ғийбати ҳам улардан хафа бўлиб қолмайди. Лекин ҳафтада икки-уч марта ё ўзи, ё хотини қарз сўраб чиқади дейди у. Бу гапларни эшитиб, эскилик ва янгилик ҳақида, эскиликнинг ҳаминиша тўғаноқ бўлиши хусусида ўйлаб қолдим.

Афсуски, эскича тафаккур нафақат оддий кишиларимиз, балки ҳукуратимиз даражасидаги айрим масъул шахслар дунёқарашида ҳам ҳали-ҳануз мавжуд. Яқинда ўтган Олий Мажлиснинг X сессиясида ҳурматли депутатларимиздан бири сўз олиб, ишлаш учун у йўқ, бу йўқ, у етишмайди, бу етишмайди қабилида, хуллас, камчиликлар тўғрисида эҳтирос билан гапириб қолди. Шунда ушбу сўзларни диққат билан тинглаб турган Президентимиз, худди шу нарсаларни ким тузатади, модомики сиз

уларни бартараф этиш борасида ўз нуқтаи назарингиз, ўз мулоҳаза ва таклифларингизга эга эмас экансиз, демак, сиз эскичасига яшаётган одамсиз, сиз бугун ҳам эскича усулда яшаяпсиз-ку, сизнинг фикрларингиз эски-ку. Бизга янги фикрлар, янгича фикрлайдиган одамлар керак, деган мазмунда гапирдилар. Шундан билдимки, давлатимиз раҳбари бугун янгилик билан янгиликда яшаяпти. Ҳар бир ватандошимизнинг янги даврга мос янги инсон бўлишини истайди.

Ўзбекистон янгиланиб бормоқда. Янгилик сари бормоқда Ўзбекистон. Энди халқимиз ҳам мутлақо янгиланиши зарур. Бугунги даврнинг эҳтиёжи шу. Аслида, Ўзбекистон ҳам, ўзбек ҳам жуда қадимий. Бироқ бугунги дунёнинг, бугунги даврнинг эҳтиёжи, талаби хоҳласангиз шарти шуки, ҳар бир ўзбек Ўзбекистонни ҳам, ўзбекни ҳам янгиламоғи зарур!

Мен асосан сўзлар билан ишлайман. Касбим шуни тақозо этади. Яхшироқ бир сўз эшитсам, бирор манбадан топиб олсам, жуда севиnamан. Яқинда ҳам шундай бўлди. Олий Мажлиснинг X сессиясида Ислom Қаримов «бадавлат» деган сўзни ишлатди. Шунда мен бу сермазмун сўзни кўпдан буён эшитмаганимни, ишлатмаганимни англадим. «Бадавлат» — одатда мол-мулки бисёр бўлган кишига шундай дейилади. Кўчма маънода эса билимдон, илм-маърифатли кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Юртбошимиз шу ўринда мазкур сўзни жуда зукколик билан ҳар икки мазмунда, шунга қўшимча равишда яна бир маънода қўллаганини аниқ ҳис этдим. Бу эса келажакда давлатимиз янада бадавлат бўлади, деган маъно эди. Албатта, ҳар қандай юрт ва ҳар қандай халқ учун энг катта давлат бу мустақилликдир. Давлатимизнинг энг катта давлати меҳнаткаш, некбин халқимиз, халқимизнинг энг катта бойлиги эса мустақил давлатимиздир. Шу сабабли Ўзбеклар ҳам, Ўзбекистон ҳам бадавлат ва буюқдир.

Йил ўзгармоқда. Кечагина 1997 йилда эдик, бугун 1998 йилнинг биринчи кунида бир-биримизни табрик-лаб, хандон-хушнуд ўтирибмиз. Бугун ҳамма нарса кўзимга янги кўринади. Кўнглимда — сурур, хаёлимда — фикр, кўзимда — нур... Барчаси янги. Эй замондош, сиз ҳам янгиланинг! Ана шу янгиликлар муборак бўлсин!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 1 январь.

МУСТАҲҚАМ ОИЛА — МУСТАҲҚАМ ДАВЛАТ

Дунёда ҳар бир нарса — заррадан то коинот қадар — оила тузишга интилиб яшайди. Чунки оламнинг ўзи улкан бир оиладан иборат.

Оила ҳаёт манбаи эканлиги учун ҳам муқаддас. Дарҳақиқат, коинот аро тирикликдан-да дахлсизроқ, муқаддасроқ яна бирор нарса бормикан? Тупроқда ҳам, сувда ҳам, дарахтлару ўтда ҳам, тоғда ҳам, тошларда ҳам, кеча билан кундузда, қорларда, ёмғирларда, ҳам фикрда, хаёлда, ҳам тилларда, сўзларда барчасида тириклик, барчасида ҳаёт ва барчасида умр бор.

Оила қуриш — инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатдир. Бу муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Шарқда оила ҳамиша мустаҳкам бўлган. Шу сабаб муқаддас саналган. Оила шаъни Ватан шаъни каби эъзозланган. Босқинчиларга қарши қўлда қилич, дилда қасос билан курашга отланган йигитларимиз аввало оила номусини ҳимоя қилмаганмидилар? Улар юртни, Ватанни севишни оилани севишдан бошламаганмидилар? Ҳар хил ёмон назарлардан, турли гап-сўзлардан аввало оила ва оила аъзолари шаънини муҳофаза қилмаганмидилар? Зеро, оиланинг ўзи кичик бир мамлакат. Кичик-кичик оилалар кўрғони мустаҳкам бўлса, улкан мамлакат кўрғони ҳам мустаҳкам бўлади.

Шарқ оиласида тенгҳуқуқлилик, ҳурфикрлилик биринчи ўринда туради. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, деган мақол ана шу ҳурфикрлилик замида пайдо бўлганига шубҳа йўқ. Бу ҳурфикрлилик ўсмир фарзандларнинг ватанпарвар, иймон-этиқодли, ҳурриятга ташна, озодлик туйғуларига тўлиб-тошган, ота-онага берган оқ сут ҳурмати садоқат кўрсатиб улғайишида кўринади.

Оила бошлиқлари ўз фарзандларига эртақлар, маллар, топишмоқлар, дostonлар, ривоятлар, афсоналар айтиб берганлар. Бу ўзига хос сабоқ, ўзига хос дарс бўлган. Бу сабоқлар эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат ҳақида эди. Бу дарсларда Ватанни севиш, керак бўлса юрт учун жонни фидо этиш, бир бурда нонни дўст билан баҳам кўриш, оғир кунга тушиб қолган инсонга ёрдам бериш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, муҳаббат ва садоқат ҳақида эди. Буни ахлоқий, маънавий ва руҳий поклик, покланиш ҳақидаги ўзига хос мактаб, дейиш мумкин. Ростини

айтганда, эртақлардаги, дostonлардаги хурфикрлилик қаерда бор? Ота-оналар дostonлар, матал ва афсоналар айтиш билан бирга ўз фарзандларини хурликка, озодликка даъват этганлар. Эътибор берсангиз, барча эртақлардаги қаҳрамонлар эл-юрт мушкул вазиятларда қолганда, босқинчилар муқаддас Ватан тупроғига истилочилик ва зулм ила бостириб кириб, муқаддас туйғуларни поймол эта бошлаганда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлар. Эл-улусни улуғ курашлар сари бошлай олганлар. Алпомишлар ҳайқирганида уйқудагиларнинг уйғониб кетганини, уйғoқларнинг кураш учун кўтарилганини эсланг.

Шарқда бу борадаги таълим-тарбия чегарасиз бўлган. Ҳар бир оилада аввало ота-она фарзандлар учун ибрат намунаси эди. Бу фарзандларга панд-насихатлар бериш, эртақлар айтиш ёки гап-сўзлар билан эмас, ахлоқ-одоб, ўзини тутиш ва амалий ишлар билан бошланган. Фарзанд учун энг биринчи устоз ота-онадир. Ота-она пок дил бўлса, фарзандлар ҳам жасоратли, ўқимишли бўлиб ўсадилар. Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтилмаган. Фарзандлар олдидаги ота-оналар масъулияти ҳам энгил эмас. Уқитиш, панд-насихатлар қилиш, таълим бериш, ибрат бўлиш, бир болага етти маҳалла ота-она дейилганидек, фарзандларни жамоага ўргатиш... Булар бари шарқона таълим-тарбия усуллари бўлиб, улар чегараланмаганини кўрсатади.

Айни пайтда Шарқда ахлоқий чекланиш, одоб-ахлоқ чегараси бўлган. Ота-она ўз фарзандларини кўнглига тегмайдиган қилиб тергаб турган. Болаларга нега эрта кетдинг, нега кеч келдинг, ким билан бўлдинг, қаерга бориб, нима иш қилдинг сингари сўроқларни бериш, албатта, ота-онанинг бурчи саналади. Бу болалар ҳуқуқини чегаралаш эмас, балки улар ўз ҳуқуқларини тўғри англашлари, эгри йўлга кириб кетмасликлари, ҳаётда фарзандлар ўз ўрнини топишига ёрдам беради, холос. Оилада юз ёшли чолнинг 80 ёшли ўғлини тергаши, саксон ёшли ўғилнинг юз ёшли ота олдида одоб сақлаши, ота гапини икки қилмаслиги шарқона фазилат намунаси эмасми?

Шарқона фазилат намуналаридан яна бири бизда оилада сиз ва сен сўзлари борлигидир. Шунинг ўзи ота билан ўғил, она билан қизининг оиладаги мавқеини белгилайди. Оталар ва болалар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради. Баъзи халқларда ота

билан ўғил, она билан қизнинг фарқи йўқ, деса ҳам бўлади. Улар барчани, бир-биларини сен деб гапирадилар. Шарқ оилаларида, айниқса қизлар ҳеч қачон одоб доирасидан ташқарига қўйворилмаган. Уларга алоҳида таълим-тарбия берилган. Аёлларга бўлган муносабат жамиятнинг маданиятлилик даражасини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилган. Аҳли аёлнинг, онанинг покизалиги, садоқати ва вафодорлиги, донолиги оила муқаддаслигини таъминловчи омил бўлган. Шарқда эрхотинлик муносабатларининг ўзи бир мактаб...

Афсуски, истибод йилларида ушбу мактаб сабоқларини бир қадар унутганимизни тан олиш керак. Оилавий ажралишлар, никоҳ бузилишлари бир қадар кўпайди. Етим болалар, қариганида қадр топмаган қариялар пайдо бўлди. Қўйган жойини унутган зирак учун опа-сингил юз кўрмас бўлиб кетмоқда. Иккаласида ҳам бир нечтадан данғиллама ҳовли бўла туриб, ака-ука бир-бири билан бир парча ер учун урушади.

Бунга ўхшаган салбий оқибатларнинг бари, шубҳасиз, мустабидлик замонасининг таъсиридир. Шундай таъсир туфайли оилаларда китоб кам ўқиладиган бўлиб қолди. Булар, таассуфки, бугунги ҳаётимизга хос манзаралар, иллатлардир. Тараққиётга, ривожланишга хос бўлган хусусиятларни инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, ҳамма нарсада меъёр бўлгани маъқул. Гўзаллик яланғочликда ҳам, маҳдудликда ҳам эмас, меъёрда. Дунёни эса гўзаллик кутқаради деган гап беҳуда айтилмаган.

Китобхонлик ўзбек оилаларининг устун фазилати ҳисобланади. Чунки китобхонликдан ҳурфикрликка ўтилади.

Оила Шарқда ҳамиша муқаддас гулшан саналган. Оила мустаҳкам бўлса, демак, давлат ҳам қудратли, мустаҳкам бўлган.

Давлатимиз раҳбари оилаларга эътиборни тубдан ўзгартириш зарурлиги, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳукуматимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини қайта-қайта уқтирадилар. Бу, айниқса, келажак учун жуда муҳимдир. Оиланинг ёруғ иқболини таъминлаш жамиятимизнинг диққат-марказида турибди. Зеро, Ўзбекистон Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзилган.

Кунларимиз кўнгилларда сурур, лабда табассум билан ўтмоқда. Мустақиллигимиз даврони барчамизнинг оиламизга қут-барака, файзу камол, омонлик келтиришига ишончим комилдир.

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 20 январь.

ТАРИХ ВА ШАХС

Тарих — улкан китоб, уни ўқиган сайин инсоният ўз болалигига, яъни беғубор даврига қайтади. Бу китобнинг сатрлари паст-баланд, тошли-қояли, нур-сояли йўллардир. Тарих — гўзал китоб, у инсониятнинг орзу-армонлари, мақсад-интилишлари, фикр-ўйларининг кўркем гулдастасидир. Тарих — шафқатсиз китоб, унинг сатрлари, сатрларнинг узук-юлуқлиги инсоният ҳаётининг синиқлари, халқлару ватанлар умрининг бўғинлари, парчаларидир. Қалб ва фикр бор жойда тарих яралаверади. Тарих — тафаккурнинг маънос масофасидир.

Тарихнинг яралиши осон эмас. Уни жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар яратади. Жараён нима? У мунтазамликдир. Фақат дунё узлуксиз, фақат дунё бардавом. Дунё улкан корхона бўлса, жараён унинг иш қуроли, воқеа-ҳодисалар унинг маҳсулотидир. Кеча бугунга нисбатан, худди шу каби бугун эртага нисбатан воқеа. Бу жараён доимий. Жараёнлар чигаллашиб, мураккаб-лашиб, портлаш — воқеа юз беради. Ҳодиса эса... тарихнинг бурилиш нуқталаридагина пайдо бўлади. Ҳодиса шахсни, баъзан шахс ҳодисани етилтиради. Давр минглаб, миллионлаб кишилар орасидан бир кишини танлайди-да, уни шу юксак даражага кўтаради. Унинг табиатида шахс даражасига кўтарилиши учун зарур сифатлар мужассам бўлса, у энди тарихни ўзгартириб юбориши мумкин.

Шахслар даврлар оша халқнинг инсоният ва тарих олдидаги ўрнини белгилайди. Турли-туман замонларда шахслар халқнинг ақл-салоҳияти, ўлчов-мезони, бўйбастини намоён этувчи ибрат чироғидир. Кейинги авлодлар улардан ўрнак олади, уларга ўхшашга интилиб яшайди.

Шахс — миллат фазилатлари, мардлик ва жасорати, доно ва зукколиги, шафқат ва меҳрининг ҳосиласи.

Шахсни миллатнинг кўзгуси, халқнинг йўлчи юлдузи дейиш мумкин. Шахсда давлатнинг куч-қудрати, мустақамлиги, шон-шавкати мужассам бўлади. Давлатни эътироф этганлар, демак, шу Шахсни ҳам, Шахсни эътироф этганлар демак давлатни ҳам эътироф этган бўладилар.

Инсоният яралибдики, яхшими-ёмонми тарих яратиб келади. Асрий зулм салтанатларининг емирилиб йўқолишларида, тараққиётларнинг таназзулларида, диёрларнинг бўҳронларида тарих яралади. Ҳақ ва ҳақсизликларда, адолатсизлик ва адолатда яралади тарих. Тарих инсониятнинг энг улкан ижодидир.

Бани башар бир ота, бир онанинг фарзандлари. Қари дунёнинг улкан кечмиши бир ота-она болаларининг ўтмишидир. Шу сабабли тарих барчаники, ҳар бир кишиники. Дастлабки фарзандларга нисбатан биринчи ота, биринчи она шахс эди. Фарзандлар жуфт-жуфт бўлиб яшадилар. Оила шаклланди. Оила ўз қонунлари, ўз тузукларига эга қўрғон бўлди. Вазият ота ёки онани оила миқёсида шахс мақомига кўтарди. Илоҳий ва инсоний истаклар тўфони бани башарни уруғларга, қавмларга бўлиб ташлади. Уруғ ва қавм жамоаларида бошбошдоқлигу, парокандалик билан яшаб бўлмай қолди. Шундай мураккаб вазиятларда ўзига хос шахслар пайдо бўлди. Улар ўз жамоаларини битта туғ остида уюштирдилар. Шахслар йўл тополмай қолган жамоага йўл кўрсатувчилик вазифасини ўташ учун пайдо бўладилар. Башар жамоалари эл-элат, халқ, миллат бўлиб шаклланганида ҳам шафқатсиз синовларга муттасил тортилиб турди. Яхши-ёмон тарих яратиб ортида қолдираверди. Ўз шахсларини тарбиялашга, яратишга интилни. Аммо, тан олиш керакки, ҳар қандай талантли, доно одам ҳам шахс бўлавермайди. Шахслар ҳар юз, балки ҳар беш юз йилда бир яралар. Улар бутун миллатни ягона байроқ, ягона ғоя остида бирлаштирадилар. Минг, ўн минг кишига эмас, бутун халққа тўғри йўлни кўрсатадилар. Шахс тарихнинг ижоди, айна пайтда шахс ҳам тарих ғилдираги тезроқ айланишига таъсир кўрсатади. Бундай шахслар Шарқда оз ҳам, кўп ҳам эмас...

Иккита одамдан башарият, тош ва қояларга ўйилган расм, чизиқ белги, ёзувлардан тарих бунёд бўлди. Ижтимоий муносабатлар жамиятларни йўқдан бор қилди. Жамиятлар шахсларни етиштирди. Шахслар халқ осмонининг порлоқ юлдузлари бўлдилар. Шу сабабли Шарқ

осмони ёп-ёруғ. Чароғон юлдузларга тўла... Ўз халоскорлари ҳақида халқ дostonлар тўқиди. Уларнинг иши ва номини авлодлардан авлодларга қолдирди.

Шахсларни ҳам тарих иккига — яхши-ёмонга ажратади. Бировни эзулик шоҳсупасига кўтарса, бировни ёвузлик чоҳига қулатади. Чунки, тарих ҳақиқат демакдир. Ҳақиқат эса осмондаги қуёшдек сарбаланд. Уни хаспўшлаб, беркитиб, алдаб бўлмайди. Унга на бўронлар, на суронлар қор қила олади. Тарих сардафарида ҳар хил номлар бор. Шоир ёзганидек, «Шуҳрат қолдирмоқ-чун Геростратдек Диана маъбудин ёққанлар» оз эмас. Оламда баъзан адашган гумроҳ гуруҳлар ҳам замон зайли ила ҳокимият эгаси бўлиб қолишлари мумкин.

Бир мутлақ ҳақиқат бор. Унинг ҳукми қатъий. У ҳамма нарсани — оқнида, қорани-да, жой-жойига қўяди. У миллат ҳақиқати. У Ватан истиқболи, Ватан ҳақиқати, умуммиллат ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат шахс деган юксак мақомга сунъий равишда кўтариб қўйилганларни чирпирак қилиб учириб юборади. Чунки муайян гуруҳларнинг ҳақиқати нисбийдир. Катта ҳақиқатлар сиёсатлардан ҳам, манфаатлардан ҳам устунлик қилади. Чинакам тарихни катта ҳақиқатлар яратади. У бутун инсониятнинг умумҳақиқатига айланади. Муайян фурсатгача катта ҳақиқатлар юзини қора булутлар тўсиши мумкин, бироқ бир замон келиб, қуёш каби осмонни тўлдириб чарақлайди. Катта ҳақиқатлар катта шахсларни вояга етказишади. Катта ҳақиқатлар йўли Сомон йўли каби узун ва ҳадсиз. Сомон йўли юлдузларга тўла бўлганидек, катта ҳақиқатлар йўли ҳам шахсларга тўла. Бироқ юлдузлар орасида дафъатан Ой пайдо бўлганидек, шахслар орасида ҳам бир улкан шахс пайдо бўлади. Ва ойдек ҳақиқат йўлини ёритади.

Уммонлар қаъридан улкан кемалар чиқиб келгани каби халқ денгизи ичидан ҳам улкан шахслар сузиб чиқиб келади. Қирғоқларни нигоҳ илғамаса-да, денгизда тўфон турган бўлса-да, улкан шахслар маёқ каби барчага тўғри йўлни кўрсата олиш салоҳиятига эга бўлади.

Халқнинг қодир, теран фикрли фарзандлари кўп. Улар орасида шахсга айланиш учун доимий интилиш мавжуд. Бу интилишлар кураш шаклида бўлиши мумкин ва бундай ҳол шахсларни тарбиялайди, пишитади. Тарих гувоҳлик берадики, умуммиллат манфаатлари учун баъзан айрим гуруҳларнинг манфаатларидан воз

кечиш ҳам айна ҳақиқатдир. Бу курашда баъзи бир «талабгорлар», яъни шахслар саҳро чўлга, бирлари дашту қумга, яна бирлари қир-адирга ўхшаса, тоққа ўхшайди яна бирлари. Ўзаро синовлардан ўтиб, биттаси чўққига айланади. Чўққи ҳамма ердан кўриниб тургани каби чўққи — шахс ҳам олам-жаҳонга баробар кўриниб туради. Дунё миқёсидаги бундай улкан шахслар халқ тақдиридаги энг улкан ҳодисалардан биридир.

Илм-фан ва умуман ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларига хос шахслар етишиб чиққан, улар ўз соҳаларида бурилиш ясаган бўлишлари мумкин. Аммо, яна шундай алоҳида шахс ҳам бўладики, у миллат қисматида дахлдор барча жабҳа, барча соҳаларда баробар бурилиш ясаши, муайян бир тармоқда эмас, бутун халқ ҳаётини ўзгартириши мумкин. Амир Темурни, Маҳатма Гандини, Дэн Сяопинни, Мустафо Камол Отатуркни ана шундай мақомдаги шахс сифатида эъозласа арзийди... Чунки бу шахсларнинг ҳар бири тарих силсиласида ҳодисага айланганлар. Ватан ва миллат тақдирида, умуман жаҳон тараққиётида улкан ҳодисалар ижодкорлари бўлганлар. Уларнинг донолик ва жасорати туфайли тарих тараққиёти бошқа ўзандан кетган. Мустамақалик қулаган, истибдод барҳам топган. Таназул ва бўҳронлар тўхтаган. Энг муҳими, оддий инсонларнинг ҳам, бутун халқнинг ҳам турмуши яхшиланган. Одамлар яхши яшай бошлаганлар. Ватанлар мустақил бўлган. Ўлкалар цивилизация палласига кирган. Халқни ҳам, ватанни ҳам дунё эътироф эта бошлаган. Улар ватан ва миллат тарихига, тимсолига айланганлар. Чунки шахс сифатида тарих яратганлар.

Мустақил Ўзбекистон, мен жон қадар жонажон Ватаним, сенинг етти йиллик қисқа тарихинг ҳам етмиш минг йиллик бутун дунё тарихининг бир бўлаги, Мустақиллигимиз йиллари эса бутун бошли улкан тарихдир. Азиз Ватан, Иқбол Ватани, қадди баланд, қадри баландим! Сенинг истиқболинг улуг! Сен келажаги буюк давлатсан! Юрт ва миллат тараққиётини абадийлик, эзгулик сари бура олган, тарихни ўзгартира олган, тарих ярата олган Шахс сенинг қисматингда, сенинг бахтингда!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 30 январь.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГРОҚ ОВОЗИ

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислохотлар моҳиятини очиб бериш, Президент ва ҳукуматимизнинг Истиқлол сиёсатини халқимиз қалбига олиб кириш, янгича тафаккур ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш, юртдошларимизнинг сиёсий маърифатини, ҳуқуқий маданиятини ошириш сингари долзарб масалалар газета ижодкорларининг энг биринчи галдаги вазифасига айланди. Газетамиз ўтиш даврининг мавжуд мураккаблиklarини энг биринчилардан бўлиб очиқчасига, ошкора айта олди, маълум бир даврда «ғимирлаб» қолган турли муҳолиф кучларга тегишли жавоб бера олди, десам янглишмайман.

Мустақиллик йўли — «Ўзбекистон овози»нинг ҳам йўлига, мустақиллик нуқтаи назари «Ўзбекистон овози»нинг ҳам нуқтаи назарига айланди.

Ўзгаришлар, янгиланишлар даврида биринчи ва энг муҳим вазифа — газетанинг номини ўзгартириш зарур эди. Унинг бир неча номлари таклиф этилди. Ҳар қайсиси ҳам ўзига хос жарангдор туюларди. Бу номлар тавсия этилганда, Юртбошимизга «Ўзбекистон овози» номи маъқул келди. Бунинг чуқур рамзий маъносини мана энди бутун бўй-басти билан равшан англаб турибмиз: газетамиз Ўзбекистонимизнинг шону шуҳратини, амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар жараёнини бутун жаҳонга ёймоқда. У чиндан ҳам ўз номига муносиб равишда Ватанимизнинг, миллатимизнинг жаҳон бўйлаб янграётган овозига айланди. Қай ўлкада сафар билан бормайлик, у ерда «Ўзбекистон овози»нинг кўплаб муштарийларини учратиш мумкин.

Бир куни нима бўлди-ю, газетанинг навбатдаги сони чиқмай қолди. Ўша куниёқ Юртбошимиз бунга ўз муносабатларини билдирдилар. Матбуот учун масъул бўлган кишиларни ҳузурларига чақириб, эртадан бошлаб «Ўзбекистон овози» газетаси мунтазам чоп этилишини тайинладилар. Бу — биз учун бениҳоя катта мукофот эди.

Шошилинч тадбирлар кўришимиз натижасида «Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сонини кичик ҳажмда чоп этишга муваффақ бўлдик. Кейинги сонларидан то ҳанузгача газетамиз ўз вақтида босилиб, ўқувчилар кўлига етиб бормоқда.

Яна бир муҳим тадбир — газета учун маблағ топиш масаласи эди. Бизга бюджетдан маблағ ўтказиш тўх-

татилганидан сўнг ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаш муаммоси кўндаланг бўлди. Бу, тан олиб айтганда, мамлакатимиз газетачилиги тарихидаги янги муаммо бўлиб, биз уни баргараф этиш борасида муайян тажриба ёки иқтисодий малакага эга эмас эдик. Бу борадаги ишларни индаллосидан бошлашга тўғри келди. Бу биздан молиявий, ҳуқуқий билимларни ҳам талаб этарди. Чет эл газеталари тажрибасини ўрганиш, бир сўз билан айтганда, изланиш ва яна изланиш бизни мавжуд вазиятда қутқариб қолди. Ўрни келганда айтай: бугунги кун муҳаррирдан нафақат ижодкорликни, балки энг биринчи навбатда сиёсатшунос бўлишни, ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий билимларга ҳам эга бўлишни талаб этади. Бугунги кун муҳаррири ташкилотчи, жамоанинг куч-ғайратини бирлаштира олувчи, янги марраларга сафарбар этувчи жонкуяр раҳбарлар бўлиши керак.

«Ўзбекистон овози» бир жиҳатдан Истиқлол тенгдоши бўлса, иккинчи жиҳатдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан баробар дунёга келганини алоҳида ғурур билан таъкидлайман. Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш ва ташкилий жиҳатдан мустақамлашда, унинг халқ ўртасидаги обрўси ва нуфузини оширишда газетанинг роли озмунча бўлмади. Бу ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топдики, биз бундан беҳад мамнунмиз.

1993 йилнинг 12 июлида «Ўзбекистон овози»га бош муҳаррир этиб тайинланганимдан буён ўтган ҳар бир йилгина эмас, унинг бағрида ўтган ҳар бир ҳафта, ҳатто ҳар бир кун хотирамдан мустақам ўрин олди. Газетани ҳақиқий Мустақиллик минбарига айлантириш осон кечгани йўқ. Келажакда у қандай газета бўлиши керак, уни қай тарзда шакллантириш зарур деган ўй менга сира тинчлик бермас, ҳаловатим йўқолган эди. Журналистларимизнинг дунёқарашини, воқеа-ҳодисаларга нуқтаи назарларини янада чархлашни, ҳақиқий ижодий муҳит яратиш талаб қилишини чуқур англадим. Ҳукумат газеталари, партияларнинг вақтли матбуот нашрлари, ёшлар ва тармоқ газеталари ҳам қаттиқ изланаётган даврда бизнинг олдимизда журналистик топқирликни, таҳлилий қобилиятни янада ривожлантириш муаммолари турганини аниқ ҳис этардим.

Энди газетани нафақат эскича дунёқараш, балки эски босмаҳона ва техника воситалари билан чоп этиб

бўлмаслигини ҳам яхши тушунардик. Гап бу ерда янги, замонавий компьютер техникаси устида бораётганини англагандирсиз. Уни сотиб олиш ҳам катта маблағ билан боғлиқлигини айтиб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Ягона йўл — обуначиларни кўпайтиришда қолган эди. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун биринчи галда газетани ўқимишли, қизиқарли, ҳаммабоп қилиб чиқариш, муаллифлар доирасини кенгайтириш, ҳаётни кенг қамраб олиш лозим эди. Тажрибали журналистлар, ўрта ёшли ва ёш журналистлар маҳоратини бир-бирига уйғунлаштириб, уларнинг истеъдодларини ягона бир муштга тугиб газетанинг ўз қиёфасини яратишга дадил интилдик.

Буни алоҳида таъкидлаганимизнинг боиси — давлатимиз раҳбари биз, матбуот ходимларига ўз вақтида беҳад гамхўрлик ва эътибор билан йўл-йўриқлар бериб: «Ҳар бир газетанинг ўз қиёфаси бўлиши зарур!» — дея таъкидладилар. Газета — воқеалар моҳиятини очиб бериши, ўқувчилар ва воқеалар ўртасида воситачи бўлиши зарурлигини уқтирдилар. Матбуот нашрлари, зарур бўлса, газетхонларни ҳимоя қилиши, воқеаларга теран кўз билан қарашларига ёрдам бериши кераклигини тушундик. Президентимиз кўрсатмаларига биноан биз бугунги кунда воқеаларнинг ортидан бориш, шунчаки қайд этиш эмас, ўзимизнинг қалб кўримиз, янги тафаккуримиз қуввати билан ҳаётдаги ўсиш-ўзгаришлар жараёнини очиб бериш йўлидан боряпмиз.

Шукрлар бўлсинким, ҳозир газетамиз тўла шаклланди. У ўз қиёфасига эга бўлганини қаламкашлар ҳам, ўқувчиларимиз ҳам эътироф этишяпти. Таҳририятимизда энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган марказ фаолият кўрсатмоқда. Шу боис газетани саҳифалаш, безаш, яъни дизайни ишларида ҳам мунтазам равишда тараққий этиб бораётганимизга ҳамкасбларимиз ҳавас билан қарамоқдалар. Газета «Интернет» халқаро ахборот тизимига уланди.

Газетамизнинг мундарижаси бойиб бормоқда. Янги мавзуларни саҳифаларга дадил олиб чиқишга эътиборни кучайтирдик.

Энг муҳими, газетани ишлаб чиқариш минбарини ижтимоий-сиёсий минбарга айлантирдик. Бунинг натижасида илгариги «жонсиз», қуруқ қайд этувчи фактларни санаш ўрнини жонли, эҳтиросли, янги тафаккур эгаллади.

Чет эл газеталарига ҳавас қилардим: мавзулар ранг-

баранг, материаллари кўп ва хилма-хил, бунинг устига лўнда ва қизиқарли. Журналистлар таъбири билан айтганда, «суви» чиқариб ташланган. Бизда ҳам халқаро ҳаёт бўлими ташкил этилди. Бугун айрим ахборот ва маълумотларни кўпгина мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларига нисбатан аввалроқ ёритиш имкониятига эгамиз.

Мен янгиликларнинг барчасини санаб ўтиш ўрнига, яхшиси, газетамизнинг мустақиллик йилларида чоп этилган тахламларини яна бир бор синчиклаб varaқлашларини истардим. Ички бир ғурур билан баралла айта оламанки, қалб кўримиз бежиз кетмабди: ҳали тарихчиларимиз, олимлару фузалоларимиз, барча қизиққан кишилар газетамиз тахламларига кўп бор мурожаат қилсалар ажаб эмас.

Назаримда, газета бугун энг баркамол, кучга тўлган паллада. Ахир, инсон ҳам маълум бир ижодий жараёни босиб ўтгандан кейингина ижодий камолотга эришади-ку. Демак, айтиш мумкинки, газета ҳам инсон сингари жонли вужуддир. У ҳам ўз вақти билан шаклланади, улғаяди, ўз сўзи, ўз овозига эга бўлади. Бу оддий ҳақиқатни «Ўзбекистон овози» босиб ўтган тарихга назар ташлаш билан ҳам исботлаш мумкин. Биз — газетанинг бугунги жамоаси фахр билан шуни таъкидлашимиз мумкинки, саҳифаларда чоп этилаётган энг кичик хабардан энг катта мақолагача Ватан, уни мустақиллигини асраб-авайлаб, миллатга фидойилик руҳи билан йўғрилган. Ижодий жамоамизнинг мақсади ҳам бир: Ватан мустақиллиги йўлида оғишмай, илғор анъаналарга содиқ қолган ҳолда газетани давр талабларига мослаб боравериш, қадриятларимизни, маънавиятимизни, топталган удумларимизни асл ҳолига қайтариш учун имкон қадар кўпроқ хизмат қилишдир.

«Ўзбекистон матбуоти»,
1998 йил, 3-сон.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ

Болаликда саодат ва беғуборлик бор. Болаликнинг осмони, қуёши, ёмғирлари, кечаю кундузлари бўлакча. Болаликнинг кўзлари бошқача бўлади. Дунёни бошқача кўради. Ғубор кўрмаган қалб ҳам болаликнинг қалби-дир фақат. Болаликнинг тупроқ кўчалари... Оёқни куй-

диргувчи сўқмоқлар. Тошларга урилиб, болаликнинг ўзидек шарқираб оқгувчи сой. Тандирдан янги узилган иссиқ кулчанинг кўлни куйдиришлари, оқизоқ қилиб нон ейишлар... Момоларнинг эртаклари, боболарнинг суюшлари... Кунлардан бир куни карнай-сурнай чалинади, доира даранглайди. Катта ҳовлига тумонот одам тўпланади. Беқасам тўн, дўппи кийилади. Тўй... Сўнгра болалик эртаклари.

Ўзбек болаларининг болалиги шундай бахтиёр кенгликларда ўтади, Эрк ва Озодлик осмонида парвоз этади. Бахтли болалик, шубҳасиз, мустақилликнинг туҳфасидир. Мустақиллик йилида туғилган болалар етти ёшга тўлдилар. Демак, бу йил биринчи синфга борадилар. Истиқлолимизнинг бўй-басти уларнинг камоли билан тўлишиб боради. Уларнинг жуссалари қанчалик нозик бўлмасин, онглари шунчалар теран бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, улар чин маънода мустақиллик болаларидир. Яъни янги даврнинг, янги асрнинг, янгиланган Ватан, янгиланган миллатнинг қалб кўзи, тийрак болаларидир.

Эслаб кўрайлик, тупроғимизда қизил истибдод ҳукм сурган йилларда болалигимиз қандай ўтарди? Ҳатто, биринчи синф болалари ҳам сентябрнинг биринчи кунлариданоқ алифбе ва мактаб партасини ғариб синфхоналарда қолдириб, пахта далаларига чиқишга, пахта теришга мажбур этилмасмиди? Дефолиация қилинган ғўзаларнинг чангини ютиб, нозик бармоқларини чаноқлар тилиб, минг машаққат билан терилган пахта сини болаларнинг ўзи узун эгат бошига кўтариб чиқишмасмиди? Куёшли кунларда уларнинг бошидан иссиқ, намли кунларда оёқларидан зах ўтмасмиди? Ўзбекистонда бир неча авлоднинг болалиги шундай ўтгани сир эмас. Шу туфайли болаларимиз орасида турли хил оғир хасталик кўпайган эди. Балоғатга етмаган болаларнинг жисмоний меҳнатга тортилиши ирсият билан боғлиқ касалликларни ва уларнинг оғир оқибатларини келтириб чиқарарди. У давр ҳақида гапираман десак, ичимизда дардимиз, тилимизда сўзимиз кўп. Аммо, мен истиқлолнинг нурафшон кунларидан сўзлашни истайман.

Ватанимиз хуррият бахтига мушарраф бўлгач, Президентимиз ва ҳукуратимиз энг биринчи навбатда болаларнинг жамиятдаги ижтимоий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Болаликни ҳимояга олиш сиёсат даражасига кўтарилди. Болаларимизнинг соф-

лом, жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб вояга етишини давлатимиз ўз ҳимоясига олди. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимида аниқ мақсадга йўналтирилган режалар, дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳаётга татбиқ этилди. Давлатимизнинг болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган сиёсатини бутун халқимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Чунки бу тадбирлар ҳар бир оиланинг тақдирига дахлдор эди. Нега деганда, диёримиздаги ҳар бир хонадонда болалар ўсиб-улғаяди. Айниқса, мустақилликнинг илк кунлариданоқ «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тузилиши тез орада ўзининг ижобий самарасини берди. Ушбу жамғарма фарзандларимизнинг болалик бахтини ардоқлашни ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Халқимизда бола азиз, одоби ундан азиз, деган мақол бор. Шарқда бола тарбияси ҳамма нарсадан устун саналган. Аждодлардан мерос қолган моддий ва маънавий бойликка муносиб ворислик руҳида камол топиш — фарзандларимизнинг энг катта бойлиги. Халққа, ватанга, тарих ҳақиқатига садоқат, инсонпарварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат — Шарқ болалари асрлар давомида ўзлаштириб келаётган энг катта сабоқ. Шарқ аниқ фанлар тараққиётининг ўчоғи саналади. Бинобарин, фарзандларимиз бу соҳада ҳам фаннинг энг сўнгги ютуқларини кунт билан ўзлаштираётдилар. Ўзбекистон болалари фазоларни забт этадиган, мураккаб компьютер амалларини бажарадиган кунлар арафасида, балки шундай мўътабар кунларда турибмиз. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғриси»даги Қонун асосида халқ таълими тизимида туб ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Юртбошимиз доимо фарзандларимизни ўқимишли, саводхон қилиб тарбиялашга даъват этади. Шу даъват асосида «Истеъдод», «Умид», Улуғбек номидаги жамғармалар ташкил этилди. Бу жамғармалар истеъдодли болаларимизни танлаб, билим олиш учун уларни энг ривожланган мамлакатларга жўнатади. Яъни истеъдодли, лаёқатли болаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Шу ўринда аниқ мисоллар келтириб ўтишни лозим, деб топдим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорига кўра, мамлакатимизда илк бор мактаб остонасига қадам қўйган биринчи синф ўқувчиларига 12 турдаги ўқув қуроллари текин берилди.

Ўзбекистонда истеъдодли ўқувчилар учун Президент грантлари жорий этилганига бир неча йил бўлди. Уни қўлга киритган ўқувчилар чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар. Президентимиз кўплаб йўналишда бўлгани каби болаларга муносабатда ҳам кўпчиликка шахсан намуна кўрсатадилар. Зеро, бугунги болалар мамлакатнинг эртанги ойдин келажаги, моддий ва маънавий бойликларимизни, куч-қудратимизни яратувчилар, деганидир. Бу борада Ислом Каримов ўзининг: «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай ёзади: «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир».

Бу сўзларда аввало давлатимиз раҳбарининг, қолаверса, бутун бир авлоднинг Ватан ва халқ олдидаги, фарзандлар олдидаги масъулияти акс этган. Бу сўзларда ҳар бир жамиятда мавжуд бўладиган авлодлар муносабати — оталар ва болалар муносабатининг шарқона табиати муҳассам.

Бир болага етти маҳалла ота-она, дейилади. Бола тарбияси аввало ота-она, қолаверса, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик вазифасидир. Чунки, миллат ва мустақиллик истиқболи ёшлар кучи билан мустаҳкамланади. Ёшлик теран бўлиши учун болаликнинг илдизи ҳам чуқур бўлиши керак. Болаларимиз ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик — бизнинг ота-оналик бурчимиз. Улар дин ва диёнатни унутмаган ҳолда дунёвий билимлар, дунёвий иқтисод, дунёвий сиёсатни эгаллаш йўлидан бориши лозим. Боланинг тафаккурини тоза, оқ қоғозга ўхшатадилар. Унга нима ёзилса, онгда ўша нарса муҳрланиб қолади. Биз соғлом, жисмонан бақувват, фикри тиниқ, фикрида собит болаларни Ўзбекистоннинг келажаги дея айта-миз.

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунда мулоҳаза қилиб ўтириб, асримизнинг машҳур спорт юлдузларидан бири — Пеленинг футбол билан хайрлашиш пайтида кўзда ёш билан айтган гаплари ёдимга тушади. Жа-

моатчилик юлдуздан бошқа сўзларни кутаётганда: «Болаларни асранг, — деди у бирдан. — Асранг!» — деб ҳайқирди кўзида ёши.

Хўш, Ўзбекистон болаларини нимадан асрайлик, нимадан муҳофаза қилайлик, дея ўйланиб қолдим мен. Ҳар хил ёвузлик ва ёмонликлардан, меҳрсизлик ва жаҳолатдан, қолаверса, энг оддий ҳаётгий фожиадан, отасизлик ва онасизликдан асраш керак, деб ўйладим. Болаларга кўп нарса керак эмас, меҳр-муҳаббат, ота-она севгиси бўлса, кифоя.

Болаликнинг яна бир катта бахти бор, бу — болалик китобларидир. Бу китобларда ҳамиша эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик курашади. Эзгулик ва яхшилик ғолиб чиқаверади. Яхшилар мурод-мақсадларига етаверадилар. Қани эди, ҳаётда ҳам доим шундай бўлаверса! Китоблар улғайтирган болаликда гўзаллик, ишонч, мунавварлик бор. Болаликнинг ота-онадан кейинги тарбиячиси, назаримда, болалик китобларидир. Ватанимизда болаларнинг шу тахлитдаги тарбиясига беқиёс куч-ғайрат сарфланади.

Мен болаларга аввало инсонни севишдан инсоннинг, юрт ва миллатнинг қадрини муқаддас билишдан сабоқ бериш тарафдориман. Инсонга, Ватан ва халққа севгиси бутун бўлган бола улғайганда ҳам ҳеч қачон уларга қарши жиноятга қўл урмайди.

Болалик... Инсоният ҳамиша талпиниб, аммо ҳеч қачон ета олмайдиган беғубор олам. Қани эди, бутун дунёни ҳам шу беғуборликка ўраб олсак! Шоирлар айтганидек, болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунгинага...

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 2 июнь.

БУТУНДИР ОНА-ЮРТ, БУТУНДИР!

Осмонўпар иморатларни ҳам зах нуратади. Имонни ҳасад емиради. Инсонни касаллик йиқитади. Ҳар қандай бутун, барқарор жамиятни ижтимоий иллатлар пароканда қилиб юбориши мумкин. Адолатсизлик, ёлғон кичик жамоани ҳам, катта жамоани ҳам тўғри йўлдан адаштиради. Чунки, буларнинг барчаси муҳитда тарқоқликни, бошбошдоқликни юзага келтиради.

Эсланг, бўладиган эл бирикади, бўлмайдиган эл

тўзади, дейди донолар. Эсланг, кечмиши узун халқимизнинг бутун кўргуликлари, фожиаларининг илдизи тарқоқликда эмасми? Кўҳна Шарқ тарих тараққиётини ажралаишда, тор тўдачиликда, фирқаларга бўлинишда эмас, билъакс, жамоада кўрганини, бирликда деб билганини ва бу мантиққа муқаддас битикларимизда ҳам алоҳида урғу берилганини эсланг. Эсланг — Тошкент, Кўқон, Фарғона, Хива, Бухоро, Самарқанд алоҳида-алоҳида босиб олинганини. Умуммиллат тақдирига дахлдор ҳалокат олдида, бутун халқни бор ёки йўқ қилиб юбориши мумкин бўлган фожиа олдида улуғ халқнинг бирикмаганини, бир-бирининг мағлубиятини, ер билан яксон бўлишини томошабиндек бўлиб кузатганини, буюк ўзбекни бирлаштирадиган қудратли наъра, буюк ўзбекни бирваракайига даст кўтарадиган вулқондай қудратли исён тарих бисотида етишмаганини эсланг. Бир-бирини кўролмаслик, лоқайдлик, кўрқоқлик, манфаатпарастлик, қабила-уруғчиликнинг чиркин ва чирик, лойқа оқаваси, ахир, бир замонларда дину диёнатнинг, илму урфоннинг, куч-қудратнинг рамзи бўлган давлатларнинг тагига сув қуйганини, замбараклар тўпи, тулпорлар парвози, қиличлар дами, ақлу фикрат шиддати ололмаган кўрғонларни, мамлакат дарвозаларини фисқу фужур, иғвою бўҳтон, бўлиб-бўлиб ташла-да, сўнг эгалик қилгин, деган ҳийлаю найранг забт этганини эсланг.

Бугун-чи... Мустақиллигимизнинг еттинчи йилида, дунё бизни ягона миллат деб тан олиб турган, биз дунёни, дунё бизни танийётганда буюк юксалишларимиз билан етти иқлимни лол қолдириб турганимизда тараққиётимизга, ривожланишимизга раҳна солувчи, бизни олдинга эмас, ортга тортувчи бундайин иллатлардан, маҳаллийчилик «касали»дан наҳотки қутулолмасак? Наҳотки, икки кўзнинг бир-бирига душманлиги абадий давом этса? Наҳотки, икки қош ҳеч қачон бир-бири билан туташмаса? Наҳотки, икки қулоқ бир нидони баҳамжиҳат тинглай олмаса? Наҳотки, икки лаб битта оғиз бўлиб жуфтлашмаса ҳеч қачон?

«Қачон халқ бўласан, эй, сен, оломон?!» дея ҳайқирган замондош шоиримизнинг куюнишлари ўтган асрларда яшаб ижод этган қадрли шоиримиз Турди Фароғийнинг ҳайқиригига нақадар монандлигидан ҳайратланмай, ёқа ушламай илож йўқ. У ҳам, эй кўланкаси майдон беклар, сиз ҳам кенглик қилинг, тўқсон икки ўзбек уруғига тенглик қилинг, деган мазмунда беҳудага

куюнмаган экан-да. Туркман — Махтумқули, қозоқ — Абай, қорақалпоқ — Бердақ, турк — Юрдақулни ҳасрат ўтида куйдирган дард ҳам шу эмасмиди? Шу эмасмиди «Манас»у «Шоҳнома»ларнинг яралиши учун «туртки» бўлган азобли изтироб? Наҳотки, тарих такрорланса, юз, икки юз йилда ҳам тарихда сифатий ўзгаришлар содир бўлмаса? Наҳотки, юз, икки ёки уч юз йилда ҳам одамзот, унинг феъл-хўйи, табиати ўзгармаса? Унда миллатни, одамзотни нима ўзгартиради ўзи?

Буюк халқнинг хатолар ва фожиалари ҳам, зафарлар ва галабалари ҳам буюк бўлади. Буюк халқларнинг келажаклари ҳам ўтмишлари сингари буюк бўлаверади.

Тарих — донишманд ота, у ўз фарзандларини доимо ўзидан ибрат олишга ўргатиб келади. Тарихда мисоллар жуда кўп бунга. Сабоқ бўлгули силсилалар, ҳодисалар айниқса туркий халқлар тарихида, айниқса ўзбек халқи тарихида жуда кўп. Афсуски, инсон боласи тарихдан осонгина сабоқ чиқаравермас экан. Такрор-такрор адашишларга, хато устига хато қилишларга, қавмчиликка, гуруҳбозликка, тарафкашликка берилишга мойил бўлар экан.

Ўзбекистон — илдилари теран кетган азим Чинор. Унинг шохлари, шохчалари, буюқлари кўп. Бинобарин, у ана шу новдаларнинг қудрати билан қудратли. Новдалари қанча кўп ва қанча бақувват бўлса, дарахт ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Ҳатто азим дарёлар ҳам кўпдан-кўп ирмоқларнинг қўшилишидан ҳайқириб оқади. Ирмоқлар бўлмаганда дарёлар қайда эди. Дунёда яна бир юксак ҳақиқат бор: нима бўлганда ҳам новдановда, ирмоқ-ирмоқ, у азим чинор ёки азим дарё бўлолмайди. Дарахт — халқ, дарё — халқ, уни бўлмаслик, аксинча, бирлаштириш керак. Бўлинган шох қурийди, бўлинган ирмоқ қумга изсиз сингиб йўқолади!

XXI асрга бўйлаяпмиз. Янги аср туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг асри бўлади, деб тан олмақда жаҳон. Ҳолбуки, бугунги кунда тожигу туркманлар ҳам, қозоғу қирғизлар ҳам, худди шунингдек, биз ҳам уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик «касали»дан батамом халос бўла олганимиз йўқ. Ваҳоланки, XXI асрда тараққиётга эргашиб эмас, тараққиётни ортимиздан эргаштириб юрадиган халқлармиз, халқмиз-ку, ахир.

Менга қолса, ҳеч қандай тошкентлик йўқ, ҳеч қандай сурхондарёлик ёки самарқандлик, жиззахлик ёки

фарғоналик йўқ. Ягона ўзбек халқи бор. Ягона ўзбек давлати бор!

Ахир, биз бу саодатни неча-неча асрлар мобайнида армон билиб, орзу қилиб яшамадикми? Ў, бу гапларни ёзаяпман-у талабалик йилларим эсимга тушади. Совет империяси яратган муҳитда талабалар орасида гуруҳ-бозлик кучли эди. Мен узоқ-яқин йиллар китобини, сарғайган саҳифаларни титкилаб ўтирмай, ўзимнинг 1988 йилда ёзган «Ўзбекистон» дostonимдан бир парча-ни эсладим:

Етмишинчи йиллар
ёдимда ҳамон,
Талабалик гашти... ўқиш, иш уйқаш.
Бироқ бир одат бор
эди кўп ёмон —
Тўдалар жанжали:
ХорСам, ФАН, СурҚаш!
Арзимас нарсдан чиқариб ғавғо —
Шўрлик ўзбек халқин «келажаклари»
Бир-бирин бўғизлар
эди-ку, ҳатто,
Ақли пуч гуруҳнинг кўр «лашкарлар»и!

Бугунги ёшлар, бугунги талабалар, бугунги ўқувчилар орасида шундай маҳаллийчилик, тўдачилик, оломончилик кайфияти йўқми?

Худога шукрки, тоза виждон билан йўқ, дея айта оламиз. Мустақил мамлакатимизда илм-фаннинг, меҳнатнинг, ўқишнинг қадри чандон ошди. Бугунги ёшларимиз техника ва фазолар тилини, олий математика ва энг замонавий физика тилини ўрганмоқдалар. Янги қурилган завод-фабрикаларда меҳнат қилмоқдалар. Яъни ўқиш ва меҳнат билан бандлар.

Одамларнинг қариндош-уруғчилик ришталари билан боғланиши табиий ҳол бўлиб кўринса-да, уни мутлақлаштириш жамиятда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай ёзади: «Лекин қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ва ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норас-

мий уюшмалар) умумий ишга, умумдават, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади».

Таассуфки, Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Йўл-бошчимиз вилоятдаги мавжуд ижтимоий аҳволни батафсил таҳлил қилиб берар эканлар, бундай нохуш вазият вилоят туман ва ҳўжаликларида илдиз отганини очиб ташладилар: «Вилоятдаги ва туманлардаги, ҳўжаликлардаги барча катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда ҳолисона қараш ўрнига таниш-билишчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар ҳукм сурмоқда».

Мамлакат — тирик вужуд. Муайян вилоятдаги ижтимоий иллат — шу танадаги яра. Уни зудлик билан даволаш зарур. Акс ҳолда, у бутун вужудга ёйилиб кетиши мумкин. Яхшиямки, ҳуқуқий-демократик тамойилларига асосланган давлатимиз табиатига ёт, эндигина бош кўтариб келаётган иллат таг-томири билан кесиб ташланди.

Баъзан ўйланиб қоламан. Дунёда энг азиз, энг улуғ, энг қадрли нарса нима? Аҳли миллат. Ягона давлат. Бир бутун мамлакат. Мустақил Ўзбекистон халқи тарихнинг ана шундай неъматидан баҳраманд. Биз ана шу умуммиллий қадриятни бизни туққан онамиз, дунёга келтирган отамиз каби асрашни ўрганайлик!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 13 июнь.

«ТОҒЛАРИДА ОТ ЎЙНАТИБ, БОҒЛАРИДА ШЕЪР ЁЗАМАН»

(Сухбатдош: Саидолим Ҳайдаров)

Муҳтарам ўқувчи! Таниқли адиб ва мунаққид Иброҳим Гафуров меҳмонимиз ҳақида бундан йигирма йилча бурун қуйидаги фикрни айтган эди: «Азим Суюн шеърни ёниб ёзади, ёниб ўқийди, ёниб изланади».

Кўлимга қалам олар эканман, айни пайтда ҳаётнинг қайноқ нуқталарида ҳозир у нозир инсон ҳақида жўя-лироқ гап айтиш осон эмаслигини ҳис қилардим. Ёлчи-тиб ёзсанг бир нави, аммо ишию сўзи ёниб турган одам тўғрисида тутантириқ гап айтишдан ёмони йўқ-да. У инсон бутун эл ардоқлаган шоир, мамлакатимизнинг ота-хон нашрларидан бирининг бош муҳаррири, Олий Мажлис депутаты, жамоатчилик ишларининг чинакам фидо-кори...

— Азим ака, сиз билан касб байрамимиз арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Шу кутлуғ кун олдида хаёлингизда қандай ўй-хаёллар кечмоқда?

— Эътибор берганмисиз: халқимизнинг энг катта шодиёналари Мустақиллик майдони ҳамда Миллий боғда нишонланади. Албатта, бунда буюк тушунча ва рамз мужассам. Шахсан мен эртага нишонланадиган касб байрамимиз ўша мўътабар ошёнда нишонланишини эшитиб, кўксимда ғурур, кўнглимда ажиб бир фахр туйғусини ҳис этдим. Ушбу лаҳзалар мамлакатимиз Президенти, ҳукуватимиз томонидан биз, журналистларга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, қалам аҳлининг обрў-эътиборини кўтариш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни таъкидлаш, она-юртимизнинг мустақиллик салоҳиятини кўтариш йўлида журналистларнинг баҳоли қудрат хизматларини унутмаган ҳолда устозу тенгдошларимни, навқирон ижодкор дўстларни чин дилдан қутлаш истагидаман.

Қолаверса, газеталаримизнинг барча жамоалари ҳам байрам руҳи, байрам кайфиятида ижод қилишмоқда.

— Ҳаёт йўли ҳамиша ҳам текис эмас. Шу маънода, умрингизнинг пасту баланди, қувончлию, ташвишли онлари ҳақида нима дея оласиз?

— Халқимизда «Кўрган кунингга шукр қил» деган ибора мавжуд. Биз ҳам бундан мустасно эмасмиз. Мен бир инсон сифатида яхши кунларни ҳам, алғовли-далғовли кунларни ҳам бошдан кечирдим. Бир ижодкор сифатида элу халқ эъзозлаганда бошим осмонга етди. Бир ижодкор сифатида ғаламислар томонидан асоссиз танқид қилинганимда руҳимни чўқтирмадим, яхши кунлар келишига ишондим. Шукрким, бунга ҳам эришдим. Агар ёдингизда бўлса, 1987 йили «Гулистон» журналида миллатимиз ҳақида «Ўзбеклар» деган шеърим чоп этилганди. Ўша пайтларда Фафур Фулом номидаги нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Мени танқид қилмаган газетаю журнал қолмади ҳисоб. Охир-оқибат

чекиниш десакми, туғилган қишлоғимга кетишимга мажбур бўлдим. Мен-ку шеъримга «мукофот» олдим. Алам қиладиган жойи шуки, журналнинг ўша пайтдаги муҳаррири, ҳурматли адибимиз Мирмуҳсин домланинг бошида ҳам анчагина қора булутлар айланиб юрди.

— **Ўша шеърингизни эслай оласизми?**

— Ўзбек қачон эл бўласан, тўлиб-тошган сел бўласан? Шу кетишда кетсанг агар, бир кун қаро ер бўласан! Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Не бахтким, орадан тўрт йил ўтиб, замон бизга шундай ботирни инъом қилди ва биз ҳаммамиз унинг шижоату ғайратидан воқиф бўлиб турибмиз.

— **Ота-она олдида фарзанднинг бурчи ниҳоятда кўп. Бу борада сизнинг қарашларингиз?**

— Халқимизда «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас» деган мақол бор. Миллатимиз хислати ва фазилати билан ҳар қанча фахрлансак, шунча оз.

Нокамтарликка йўйманг-у, дунёнинг турли сарҳадларида бўлдим. Лекин ҳеч қаерда фақат бизнинг халқимизга хос ва мос фазилат саналмиш фарзанднинг ота-она олдидаги бурчини тўла-тўкис адо этишларига гувоҳ бўлмадим. Мен орзу қилардимки, минг-минг йиллар эзгу анъаналаримиз завоқ топмасин.

— **Сизнингча, ўзбек матбуотчилигининг ҳозирги мавқеини янада кўтариш учун нималар қилиш керак.**

— Ҳеч бир жамиятда мамлакат раҳбарининг журналистика мавқеини кўтариш учун бизнинг Президенти-миз сингари йўл тутганини эшитмаганман. Ҳаттоки, қаранг, ўткир, долзарб мавзуларда тавсиялар бериш баробарида, ёзинглар, сизларга озгина тазйиқ бўладиган бўлса, мана мен турибман, дейишига биз қандай йўсинда жавоб бераймиз.

Яна бир нарсани таъкидлашни истардим: бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган журналистикага оид қонунлардир. Албатта, булардан кўзда тутилган мақсад ўзбек журналистикасининг мавқеи, обрў-этиборини кўтариш. Энди эса олдимизда ана шу қонунларни ҳаётга, амалиётга кўчириш масаласи турибди. Рўй-рост гапни айтадиган бўлсак, журналистларимизда жанговарлик, фидойилик етишмаяпти. Мен ишонаманки, ҳар қандай тўғри танқидий, таҳлилий мақола ҳеч қандай тўсқинсиз газета юзини кўра олади. Ўзимча ўйлайман, нима, журналистларимизда совет тузумининг сарқити — қўрқув, ҳадик ҳамон сақланиб қолганми? Яна бир тоифа журналистлар бор: ўта дангаса,

ҳатто ойлаб бир хабар ёзмайди, сўрасанг, елка қисади. Гарчи журналистикамизнинг мавқеини кўтариш кун тартибда турар экан, бу ҳар бир журналистнинг фидо-корлиги, касбга садоқати, жамият олдидаги бурчни тўла адо этиши билан амалга ошириши мумкин, деб ўйлайман. Баъзи бир ёшлардан ҳол сўрасанг (ижод маъносида) иқтисодий қийинчиликни пеш қилади. Юриш-туришига қарасанг, бинойидек. Соҳасининг етук кишиси бўламан, деган инсонга важ-корсон баҳона эмас.

— **Сиз кўплаб шеърий тўпламлар, хонандалар томонидан айтилаётган дилрабо кўшиқлар муаллифсиз. Муҳаррирлик ижодий жараёнингизни чеклаб қўймаяптими?**

— Биласиз, «Ижод — кўнгил мулки» дейдилар. Мана, «Ўзбекистон овози»да иш бошлаганимга 5 йил тўлди. Яширмайман, дастлаб қийналдим, довдираддим. Бу — табиий. Сабаби — газета ўқувчиларининг қамрови, салоҳияти ниҳоят даражада юксак. Мен ишонч ва садоқатни жуда қадрлайман. Гарчи турли нашрларда ишлаган бўлсам-да, қаламқашлик қонимда жўш урса-да, ҳеч ўйламаганман, тарихий ва мўътабар нашр «Ўзбекистон овози» газетасига бош муҳаррир бўламан деб. Давлатимиз раҳбарияти менга ишонч билдирган экан, менинг олдимда турган биргина мақсад — ўша юксак ишончга зарра доғ туширмаслик.

Бевосита ижод масаласига келсак, шукрим, у тўхтагани йўқ. Аксинча, журналистик ижодий жараёнимни тўлдириб боряпти. Аслида, ижод қиламан деган одамга ҳар қандай баҳона ўринсиз. Айтишади-ку, имкон берилмайди, у изланади, топилади. Шу маънода, шеърий чиқишлар, публицистик мақолаларни ҳам чоп этиб турибман.

— **Қайси таомларни хуш кўрасиз? Бўш пайтингизни қандай ўтказасиз?**

— Менинг ота-боболарим етук илм кишилари бўлибгина қолмай, тоғлиқларнинг оғзига тушган овчилари ҳам бўлишган. «Қазисан, қартасан, асл зотингга тортасан», деганларидек, бўш вақтим бўлди дегунча болалигим ўтган, юрагимда ажиб бир муҳаббат уйғотган Нурота тоғларига ошиқаман. Баланд қоялардан қараб юртим жамолига ошуфта бўламан. Нурота атрофларида кулчатоини суюб тановвул қилишади. Мен ҳам бундан истисно эмасман. Албатта, тоққа чиққанингдан кейин каклик шўрва билан иштаҳа қондирилади-да.

Айни пайтда бўш вақт муаммоси йўқ эмас. Муҳаррирлик, депутатлик, Ўзбекистон Ёзувчилари уюш-

масининг топшириқларини ҳам бажариб туришга тўғри келади.

— **Матбуот саҳифаларида баъзан ясама, сунъий мақолалар учрайди. Унинг замирида қандай мақсад ётишини сезасизми?**

— Жуда тўғри, ўзбек матбуотчилигининг даҳшатли касали бор. Журналистларимиз дунёвий матбуот миқёсида қалам тебрата олмаяптилар. Ривожланган мамлакатлар матбуотидаги чиқишларда лўндаликка, қисқа, лекин мазмунли хабарларга, бор манзарани рўй-рост кўрсатишга интилиш кўзга ташланади. Бизда совет тузумидан қолган касалликми, мақолаларда кимгадир ақл ўргатишга, ундоқ қилайлик, бундоқ қилайлик каби «до-нишмандларча» йўл тутишга интилиш сезилади. Кимгадир кўрсатма бериш, кимларнидир устидан ҳукм чиқариш — нотўғри йўл. Биз қонунлар муҳокамасида ушбу камчиликларни бартараф қилишга интилдик. Сиз айтаётган ясама мақолалар ҳам юқоридаги фикрлардан келиб чиқади. Энг ачинарлиси шуки, улар аҳён-аҳёнда учраётгани йўқ, аксинча, аксарият кўпайиб қолди. Албатта, бу тоифадаги мақолалар замирида қандайдир мақсад ётгани ҳам сир эмас. Шахсан мен таҳририятимизга келиб тушган бундай мужмал мақолаларни тез илғайман ва уни бартараф қила оламан.

— **80-йилларнинг охирида ўткир, долзарб мақолалар билан элга танилган журналистлар бор эди. Ҳозир шундай мавқени топаётган қаламкашлар камайиб қолгандай...**

— Ўша йилларда халқнинг ҳам сабр косаси тўлиб бораётганини Москвадаги оғалар ҳам сезиб қолишган чоғи. «Қайта қуришни» бошлаб юборишди. Ўзбек матбуотчилигида нафақат журналистлар, балким адиблар, шоирлар ҳам долзарб муаммоларни кўтариб чиқа бошладди. Шахсан мен ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бир саҳифа мақола эълон қилганман. Унинг сарлавҳаси «Қайта қуриш йўлларида», бўлиб, уни ўқиган таниқли шоирлардан бири менга: «Ие, сиз дурустгина мақола ҳам ёзар экансиз-ку. Шундай йўл билан ҳам курашса бўлар экан-да», — деганди. Ҳатто уни «Озодлик» радиосидан ҳам ўқиб эшиттиришган эди.

Албатта, уларнинг моҳиятида халқнинг кўзини очиш, етилиб қолган муаммоларга эътиборни қаратиш нияти бор эди. Журналистларнинг бугунги мавқеига келсак, ҳозир ҳам ёмон эмас. Халқда «Ҳар ким эккани-

ни ўради» деган мақол бор. Жумладан, қалам аҳли ҳам эл назаридаги гапни айтар экан, сўзсиз ардоқланади. Масалага чуқурроқ кирадиган бўлсак, мамлакатимиз Президентидан тортиб, каттаю кичик раҳбар юрт равнақи йўлида ҳаракатда. Бу борада журналистлар камарбаста бўлибгина қолмай, муаммоларни ечиш йўлида собитқадамлик билан фаолият юритишлари зарур.

— Газетамиз ўқувчиларига тилакларингиз?

— Дастлаб газетангиз хусусида икки оғиз сўз. Мен унинг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Ўғилларим Камолиддин, Оловиддин ҳам унинг доимий ўқувчиларидир. Ташкил қилинганига 5—10 йиллар бўлган газеталар бор. Лекин уларнинг «юзи» йўқ. Албатта, «Мулкдор» бундан мустасно. Унинг минг-минглаб ўқувчилар орасида Азим Суён хонадони бўлганидан фахрланаман. Кўп нарса бош муҳаррирга боғлиқ. Бу борада газетангизнинг толеи кулган. Илоҳим кўз тегмасин.

Касб байрамимиз арафасида барча ҳамкасбларимизга, азиз ўқувчиларимизга эзгу тилаклар билдиришдан кўксимда ғурур барқ урганини яширмайман.

«Мулкдор»,
1998 йил 26 июнь.

ПОРЛА, ПОРЛА, МИЛЛАТ БАЙРОҒИ!

XX аср ниҳоясига етмоқда. Қолган бир чимдим фурсат аср учун лаҳзадек гап. Лаҳза — шам ҳаёти ёки аср умрига тенг бўлиши мумкин.

Асримиз тарихда қандай из қолдирди? Инсоният XX асрда қандай мафкура билан нафас олди? Ўтаётган асрнинг асосий мафкураси нима эди? У қандай мафкура эди бутун инсониятни XX асрда гоҳ таназзул, гоҳ тараққиёт сари етаклаган? Умуман, одамзот ўтган асрда нималарга эришди-ю, нималарни бой берди? Нималар топди-ю, нималарни йўқотди?

Қавмлар, элатлар, халқлардан ташкил топган кишилик жамияти XX асрда қайси мафкурани ўзи учун асосий мафкура деб билди?

Саволлар... Саволлар...

Башарият, инсоният нуқтаи назаридан олиб қараганда, йигирма аср мобайнида, хусусан XX асрда ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўз мафкураси шаклланди. Айрим халқлар ўзларини «олий ирқ», айримлари «катта

оға» дея эълон қилдилар. Бунга жуда кўпчиликни ишонтирдилар ҳам. Бу, албатта, замона зайли учун хизмат қилган мафкуранинг кучи эди. Бироқ, XX асрда қайси халқнинг мафкураси етакчи ҳисобланди? Қайси халқнинг мафкураси тараққиётга тезлатувчи таъсир этди?

Дарвоқе, XX аср ихтиролар асри бўлди. Бани башар турли-туман кашфиётлар қанотида адолатли ва фаровон жамият сари интилди. Шу ниятда трактордан тортиб, овоздан тезучар ракеталаргача ўйлаб топди. Инсон оёғи Ойга етди. Инсон ақли олдида осмонлар пасайди.

Коинот муҳитида она-сайёрамиз тухумдек кичиклигини англаб етди асримизнинг ҳар одами. Шу улкан, шу митти тухум ичида бутун инсоният яшаётганини англади. Мана шу тухумдек Ер шарида юзлаб халқлар, динлар, ватанлар яшаётганини билди ҳар одам. Илм-фан тараққиёти Ер шарининг япроқдек омонатлигига ишонтирди барчани. Қарама-қарши томонлар беҳад кўп қурол-яроғларга эга бўлди. Бу аслаҳаларнинг бир қисми беозоргина сайёрамизни бир неча бор кунпаякун қилиб юбориши мумкин. Шундай машина аждаҳолар борки, улар Ер кўрасининг бу чеккасидан у чеккасигача, у чеккасидан бу чеккасига яшин шиддатида, чақмоқ тезлигида етиб боради. Айтайлик, Тошкентдан қўтарилган оддий йўловчи само машиналари Вашингтон ёки Токиога, Париж ёки Лондонга бир неча соатлардагина етиб бориш тезлигига эга.

XX аср инсон ақлини, башарият тафаккурини, фоизлаб ўлчайдиган бўлсак, юзлаб, минглаб фоизларда ўзгартириб юборди. Инсон ва инсоният, ер ва самоларда йўллар етмаганидек, денгиз ва океанлар тубига тушди.

Шу қадар кашфиётлар, ихтиролар, башоратларга қарамай, Ер шарининг қайсидир ўрмонларида ҳамон номаълум қавмлар, элатлар, эллар яшаб турганини биламиз. Айни пайтда, инсон ёки инсонга ўхшаш мавжудотлар осмонда ҳам яшамаёптимикиан, деган ўйда яна кўкларга талпинамиз.

Инсониятга XX асрда Ер шари торлик қила бошлади гўё. Бир ёнда бетимсол эзгулик, бир ёнда ёвузлик, бир ёнда қоронғу зулмат, бир ёнда ёруғлик, бир ёнда донишмандона илм-фан, бир ёнда жаҳолат ва маҳдудлик. Ўртада, марказда эса ҳаммиша Инсон. Буларнинг барчаси инсон ақл-заковати, тафаккури ҳаракати туфайлидир.

Ўзимиз-чи, ўзимиз? XX асрда қандай ҳодиса, қандай воқеаларнинг марказида бўлдик? Бизнинг тафаккури-миз қай даражада ривожланди? XX асрда ўзбек халқининг ғалабалари, фожиалари нималардан иборат бўлди?

Ҳатто, XX асрда ҳам тафаккур ривожи ибтидоий даражада қолиб кетган халқлар бор. Улар ҳали ҳам тош асрида, ўрмон ва чангалзорларда умргузаронлик қилдилар. Уларнинг ёзуви йўқ, муомала тили эса имо-ишоралар бўлса, эҳтимол.

Бир томонда айрим халқларнинг тафаккури осмонлардан-да юксалиб, ривожланиб кетди. Ҳатто юлдузлар чақмоқтошдек ўрганиш, таҳлил этиш мумкин бўлган оддий буюмга айланди. Шимолий кутб, асрий музликлар, асрий сувликлар инсон ақли олдида оддий, тушуниш осон китобга айланди, десам янглишмайман.

Инсон тафаккури ҳам табиат сингари ўзгарувчан, нотенг. У денгиз тўлқинидек кўпириб, бир томонга кетиб қолса, уни жиловлаш, тўхтатиш жуда қийин. Шунинг учун ҳам одамлар орасида, халқлар орасида зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар мавжуд, хилма-хилликлар, нотенгликлар бор. Тарих шунни кўрсатиб турибдики, қайси халқнинг, қайси жамият, қайси давлатнинг тафаккури ривожланган бўлса, у энг мутараққийдир.

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай миллатнинг тараққиётини белгиловчи асосий мезонлардан бири — мафкура. Шу сабабли ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг ўзига хос, ўзига мос мафкураси бор ва бўлиши шарт. Ўзбек халқининг, мустақилликни қўлга киритган, XXI аср бўсағасида турган халқимизнинг Мафкураси унинг бой тарихи, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган бугуни, буюк келажагини бир мақсадга муштарак этган, миллатимизнинг феъл-атвори, табиатини, потенциал-қудратини, интеллектуал салоҳиятини янги асрда тўла рўёбга чиқариш учун хизмат қилувчи ягона Ғоядир. Шунинг учун Президентимиз: «Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир», — деб айтди.

Эй ўзбек байроғи, сени баланд, юксак кўтариб, олға, илгари кетгувчи ким бўлади, кимлар бўлади?

О, XXI аср, сен кимнинг асри бўласан? Сенда кимлар макон қуради? Сенда қандай халқлар яшаб кетиш қобилиятига эга? Сенда қайси миллатлар, қайси халқлар етакчилик қилади?

XXI асрда жамиятимизнинг мафкураси қандай бўлади? Уни қандай куч ҳаракатга келтиради?

«Халқни — халқ, миллатни — миллат қиладиган» куч нима? Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бундай куч мафкура эмасми? Одамларни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи, янги-янги ғалабалар сари руҳлан-тирувчи куч гоё эмасми?

Баъзан ўйлаб қоласан киши: Ер шарининг узоқ бир нуқтасида жойлашган Американинг мафкураси қандай экан? Америкадек улкан ва қудратли давлат жамиятини қандай мафкура бошқаради? Нега улар, биз — ягона америкаликлар, дея фахрланишади? Ахир, уммон ортидаги ўлкада қанча миллат, қанча халқ, қанча эл-элат вакиллари яшайди. Уларнинг тиллари, динлари хилма-хил-у диллари биттами? Уларнинг феъл-атвори, дунёқарашлари турли-туман-у, гўёки қалблари биттадек.

Шундай улкан, кўпмиллатли, кўп сонли мамлакатда нега давлат тили ягона — инглиз тили? Ҳукумат ва давлатнинг барча расмий ҳужжатлари, идора ишлари ягона — инглиз тилида амалга оширилади?

Бунинг тагида қандай сирли маъно яширин?

Миллатпарварлик, ватанпарварлик шу эмасмикан?

Демак, мафкурани шакллантириш учун ягона давлат тилининг аҳамияти буюк экан-да.

Демак, жамият мафкурасини шакллантириш учун миллий тилдан чекиниш, ҳукумат даражасидаги, хусусан халқаро ҳужжатларни миллий ёки давлат тилида эмас, бошқа тилларда юритиш, давлат аҳамиятига эга бўлган ишларда миллий тилни, давлат тилини четга суриб қўйиш, шак-шубҳасиз, мафкура парокандалигига олиб келади.

Бу ҳол ватанпарварлик, миллатпарварлик қоидаларидан чекиниш демакдир.

Бу ҳол ҳукумат вакилларининг ҳукуматнинг ўзи чиқарган қонун талабларидан чекиниши демакдир.

Бу, демак, миллий мафкурани шакллантириш учун давлат тили ичида давлат тилининг юз фоиз амал қилинишини таъминлаш демакдир.

Бу, демак, давлат ташкилотлари ҳукумат идораларида, халқаро муносабатларда давлат тилининг камида 95 фоиз амал қилишини таъминлаш демакдир.

Бу дегани ҳар қандай жойда, ҳар қандай пайтда фақат, фақат ва фақат давлат тилида иш юритиш демакдир!

Бу дегани Ўзбекистонда катта-кичик, умуман барча даражадаги анжуманлар бошқа тиллардан инглиз тили-

га эмас, айнан давлат тилидан, миллий тилдан инглиз тилига таржима қилиниши лозим демакдир.

Бу дегани бизни айнаи замонда мавжуд бўлган тил қоидаларидаги айрим салбий тамойилларга чек қўйиш демакдир.

Бу дегани Ўзбекистонда ўзбек тилидаги матбуот нашрларининг бошқа тилдаги матбуот нашрларидан устунлигини таъминлаш демакдир.

Бу дегани асосий тарғибот воситалари — телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришларда миллий руҳ ва миллий тил устунлигини таъминлаш демакдир.

Чунки миллий ғояни фақат ва фақат миллий тил воситасидагина амалга ошириш мумкин.

Чунки, донишмандлар айтганидек, тиф етмаган жойга ҳам сўз, ақл етиб боради.

Чунки, кучли мафкурани кучли миллат, кучли давлат, кучли жамият яратади.

Бу дегани энг замонавий техникани ишлата оладиган миллий кадрларни тарбиялаб етказиш демакдир.

Чунки, биз ўзимизни қанчалик у ёқ-бу ёққа ташламайлик, миллий кадрлар, миллий мафкура билан қуролланган миллий кадрлар миллий давлатчилигимизнинг асосини ташкил қилади!

Миллий кадр — миллат таянчи, миллий кадр — давлат суянчи!

Миллий кадр — кўчмас тоғ! Йўловчи кадрлар — йўловчи булутлардек қўнимсиз.

Миллий мафкура байроғини миллий кадрлар кўтаради!

Миллий кадр — ўзбек давлатининг бойлиги, унинг давлат ташида бошқа «аэропорти» йўқ.

Миллий кадрнинг ўз уйи — ўлан тўшаги, яъни Ватани бор!

Миллий кадр, Президентимиз «Тафаккур» журнали саволларига жавобида таъкидлаганидек: «жамият таянчи бўлмиш оддий инсон...»

«Кучли давлатдан кучли жамият сари» етакловчи куч ўша «оддий инсон»дир.

Эй ўзбек халқим! Буюк халқим! XXI аср сенинг асринг бўлишига ишончим комил! Халқим, бунинг учун сенда ҳамма асос бор. Сен тенгсиз ўтмишинг, ёруғ бугунинг ва порлоқ келажагинг билан шундай асосга эгасан, халқим!

Миллатни бирлаштирувчи байроқ — миллий мафку-

ра қўлингда! Бу қутлуғ байроқни бирлашган, жипслашган қўллар кўтаради. Йўқ, йўқ, уни қўллар эмас, эътиқод, орият, ор-номус кўтаради.

Мустақиллик байроғини — Президент байроғини халқимизнинг эътиқоди юксак-юксакларга кўтаражак!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 7 июль.

СУВДЕК, НОНДЕК, ҲАВОДЕК ЗАРУР...

Мустақиллик... она тили... Бу икки тушунча бири бири билан узвий боғлиқ. Сувдек оддий, нондек азиз, кўёшдек иссиқ, ҳаводек зарурдир улар... Ўз миллий давлати, миллий тилига, мустақиллигига эга халқгина икки қаноти ҳам бақувват бургутга ўхшайди. Бундай бургут баландларда парвоз этади, юксакларни кўзлайди. Халқимизнинг қанотлари ҳам, шаҳду жаҳди ҳам қудратга тўла. Мустақилликнинг ибтидоий белгиси, миллий тилнинг эркин ҳаракати, эркин ривожланиши, ҳар хил қутку ва зуғумлардан халос бўлишидир.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигини нишонлаш арафасида тилимиз тарихига бир назар ташлашни истардим. Тарих тақозосига кўра, ўзбек тили бошқа бир неча тиллар, айниқса қардош туркий тиллар, форс ва араб тиллари билан ўзаро алоқада ривожландики, бу тилларнинг бир-бирига таъсирини инкор этиб бўлмайди.

Тарихдан яхши маълумки, ҳукмдорлардан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо, яъни теурийлардан чиққан подшолар ўз давлатларида барча иш ва юмушлар, давлат ва идора ишлари туркий тилда юритилиши учун интилганлар. Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро бу борада ҳатто бир неча фармонлар ҳам чиқарган. Ҳофиз Хоразмий, Яссавий, Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур Мирзолар ёзма адабиётда, илм-фанда туркий тилнинг мавқеини мустаҳкамлаш, барча, яъни омма ва хос аҳли учун тушунарли бўлган туркийда асарлар яратиш, шу билан туркий тилнинг содда, равон, ҳар қандай дабдабалардан, баландпарвозлик ва жимжималардан, ортиқча диний-исломий руҳдан холи эканлигини исботлаганлар. Шу ўринда Алишер Навоийнинг, инсон она тилини ўз туққан онаси каби асраб-авайлаши лозим, деган фикри

эсга тушади. Дарҳақиқат, буюк устоз алломаларимиз туркийда буюк асарлар, илмий ихтиролар, кашфиётлар, тарихий, ҳатто диний, исломий асарлар яратиш мумкинлигини исботлаганлар. Шу ўринда «Хамса» ва «Бобурнома»ни, Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарларини таъкидлаш ўринлидир.

Буюк мутафаккирларнинг улуғ, катта курашига қарамасдан, бу курашларда, назаримда, изчиллик, мунтазамлик, доимийлик етишмади. Тўғри, Амир Темур, Улуғбек, Бойқаро, Бобурдек боболаримиз давлатни идора қилиш ишларини қисман туркийда юргизганлар. Бироқ, бу кенг кўламда, барча тармоқларда, барча идора, мактаб ва мадрасаларда эмас, асосан ҳарбу зарб соҳасида, биргина тармоқда, яъни аскар ва зобитлар орасида бўлиб қолган. Ҳарбийда барча ишлар, буйруқлар туркий тилда бўлганини, туркий тилнинг содда, осон, ихчам, жарангдорлигини, ҳайқириқларга мослиги ва бу ҳарбий ғалабаларни, зафарли юришларни таъминлаган омиллардан бири эканини Амир Темурдан қолган ҳарбий-жанговарлик санъати ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Шунга қарамай, изчилликнинг етишмаслиги, ҳаётнинг барча жабҳаларига татбиқ этишга уринмаслик тил тўғрисидаги қонун ва фармонларнинг унутилишига, бажарилмаслигига олиб келган.

Маълумки, чоризм даврида ҳам, қизил империя «доҳий»лари Ленин, ҳатто Сталин даврида ҳам давлат тили тўғрисидаги қонун мавжуд эди. Ўша даврларда ҳам бу қонун бажарилмади. Тўғриси айтганда, бажарилиши мумкин ҳам эмас эди. Нега деганда, қизил империя амалда умуман бошқача сиёсат юргизди. Маҳаллий халқ, миллий тил, миллий ўзликни йўқотиш учун жуда катта кўламдаги, изчил ва мунтазам давом этган сиёсий-мафкуравий «кураш»ни бошлади. Тилимиз учун курашганларни пантуркист, миллатчи деб ноҳақ айблаб қирғин қилишгача бориб етгани сир эмас. Ҳатто, совет халқлари бориб-бориб ягона битта миллатга уйғунлашади, тил ҳам битта бўлади, деган асоси пуч ақида пайдо бўлди. Истиқлол учун, миллат учун, тилимиз учун курашганлар қатағон қилинди. Алифбо — тил либоси дейилади. Тилимизнинг либоси ўта қисқа даврда кўп марта ўзгартирилди. Юксак адабиётнинг ҳам, ривожланган фаннинг ҳам ибтидоси оддий хат-савод ва она тилидир. Алифбонинг тез-тез ўзгартирилиши эса, табиийки, тилимиз тараққиёти учун салбий таъсир этди.

Мустақилликнинг энг асосий белгиси миллий тилга давлат тили мақоми берилишидир. У давлат ичидаги барча муносабатларда етакчи тил ҳисобланиши керак. Тарихда биринчи марта Президент Ислон Каримов тилимизга чинакамига давлат тили мақомини берди ва «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши учун жон куйдирмоқда. Айтиш мумкинки, бу борада кўпчиликка намуна бўлмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун бажарилиши борасидаги изчил, режали сиёсати ва назорати туфайли бу борада улкан ишлар қилинди. Аммо, жойларда бу борадаги ишлар ҳануз кўнгил тўладиган эмас. Ҳануз айрим давлат идораларида, расмий учрашувларда давлат тилида эмас, негадир бошқа тилда гапирилади. Ўзбекчадан эмас, негадир бошқа тилдан инглизчага ўгирилади. Кўпгина қўшма корхоналарда, фирма ва банк, медицина муассасаларида айрим йирик завод ва фабрикаларда, хусусан уларнинг раҳбарлари бошқа миллатга мансуб бўлса, расмий муомала тили ҳанузгача бошқа тил бўлмоқда ёки бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай йиғинлар, қандай доирада ўтишидан қатъи назар, ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилиши керак эмасми?

Назаримда, мустақиллигимизнинг асосий вазифаларидан бири ўзбек тилини жаҳон тиллари сафига киритиш бўлиши зарур. Нега энди, жаҳон тиллари сафида туркий тиллардан бирортаси ҳам йўқ? Ахир, туркий халқлар дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқлардан бири ҳисобланади-ку. Менимча, бу шарафли вазифани ўзбек халқи ўз зиммасига олиши, ўзбек тилини жаҳон тиллари сафига қўшиши шарт. Чунки, ўзбек тили бунга ҳар жиҳатдан мос. Биринчидан, ўзбек тили туркий халқларнинг барчаси учун тушунарли бўлган ўрта тилдир. Иккинчидан, бизнинг Ватанимиз туркий халқлар жойлашган катта ҳудуднинг марказидаги ўлка. Бу — геополитик жиҳатдан ҳам мос келади. Аввало, тилшунос олимларимиз, умуман барча зиёлиларимиз **ўзбек тилини жаҳон тиллари сафига олиб чиқиши учун ҳаракат қилишлари зарур!** Мана, айтиш мумкинки, кўпгина чет элларда ўзбек тилини ўрганишмоқда. Чет элларда ўзбек тили луғатлари яратилмоқда. Биз лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтмоқдамиз. Бу ўзбек тили жаҳон тиллари сафига қўшилиши учун қанот бахш этади.

Она тилида сўзлашиш, ёзиш, расмий идора ишларини юргизиш ҳам маданиятимизнинг узвий қисми, мада-

ниятлигимизнинг белгисидир. Баъзан ўзбек тилида ёзилган расмий хатлар, идора қоғозлари матнини ўқиб, ҳеч нарса тушунмайсан, киши. Улар аввал бошқа тилда ёзилиб, кейин ўзбек тилига нўноқларча таржима қилинганга ўхшайди. Бундай «ҳужжат»лар иш юритишни қийинлаштиради, ҳар хил чалкашликларга олиб келиши мумкин. Мустақил, келажаги буюк давлатимизда бундай нохуш ҳолларга йўл қўйиб бўлмайди.

Истиқлол ва она тили... сувдек оддий, нондек азиз, қуёшдек иссиқ, ҳаводек зарурдир улар... Уларсиз яшаш мумкин эмас! Мустақиллигимизнинг буюк неъматига қадрига етайлик!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 21 июль.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

ёки матбуотимизнинг бугунги аҳволига яна бир назар

Йўлсизлик вазиятларида шундай кескин савол пайдо бўлади. У аниқ жавоб талаб қилади.

Хўш, бугун саволни шу даражада кескин қўйишга эҳтиёж борми? Бор. Шиддаткор давримиз муттасил тараққиётда. Талаб-эҳтиёжлари ҳар куни янгиланмоқда. Бугунги битта талабга жавоб берилмаса, эртага иккита, индинга тўртта талабга жавоб беришингизга тўғри келади. Шунга мажбурсиз. Акс ҳолда, тараққиётнинг ўзи четга улоқтириб ташлайди.

Не тонгки, матбуотимиз олдида аниқ талаблар қўйилган сайин, у шу талаблардан тобора чекинаётганга ўхшайди. Не тонгки, равшан мезонлар ошқора қўйилган сайин у шу мезонлар ўзанидан тобора четга чиқаётгандек туюлади. Нега шундай?

Матбуот — қудратли дарё. У бепоён денгизни тўйинтириб, керак бўлса, унга пўртаналар солиб туради. Унинг ўзани Асосий Қонунимиз, парламентимиз қабул қилган матбуот тўғрисидаги қонунлар... Қонунлар масъулият, мажбурият бўлиш билан бирга имтиёз ҳамдир. Уларни билмаган матбуотчи кундуз куни катта йўлда адашган ношуд йўловчига ўхшайди. Нега бугун матбуот ҳам, матбуотчи ҳам бугун халқимиз олдида шундай таассурот қолдирмоқда?

Мамлакат бугдойзорларида бошоқлар йилдан-йилга бўлиқроқ пишмоқда. — Янгича меҳнатдан.

Мамлакат пахтазорларида ҳосил йилдан-йилга эрта-роқ етилмоқда. — Услужий янгиликлар туфайли.

Мамлакат қурилишларида мангу туражак давлати-мизнинг метин пойдевори мустаҳкам қўйилмоқда. — Меъморий кашфиётлар сабабли.

Мамлакат спортчилари энг нуфузли халқаро мусобақалар муҳитини Байроғимиз жамоли билан беамонмоқдалар. — Ватанпарварлик туйғусидан.

Мустақиллик тенгдоши бўлган ўғил-қизларимизнинг ўқиш-ёзишларида ўзгариш. Дарслиklarимиз, муаллимларимиз, мактабларимизда ҳар кун бир янгилик. Дунёга чиқиб, дунё кўриб келаётган ёшларимизнинг биз «яхши» ва «зўр» баҳолаб чиқараётган газеталаримизни варақлаб кўришга ҳафсалалари чидамайди. Исроилга бориб келган фермерлар сигирларни янгича усулда соғиб, аввалгидан кўп сут олмоқдалар. Голландияга бориб келган сабзавоткорлар янгидан-янги навларни яратмоқдалар.

Ахир, дунё мутғасил ўзгараяпти. Дунё сиёсатида ҳар куни ўзгариш. Ўзбекистонимизнинг ҳам ҳар бир кунида янгиланиш. Мустабид тузум занжирларининг товушлари тобора ортда қолмоқда. Йўлимиз, манзилимиз янги. Жамият ҳам она-табиатга монанд тинимсиз эврилмоқда.

Шундай улкан миқёсдаги янгиланишлар, ўзгаришлар оламида матбуотимизнинг қиёфаси, мавқеи қандай? Нега бугун энг кўп танқид қилинадиган, юмшоқроқ қилиб айтганда, истак билдириладиган соҳа матбуот бўлиб қолди? Чунки, матбуотчилар ўзларидан нима талаб қилинаётганини, матбуот олдига қандай талаблар қўйилаётганини ҳалигача англаб етганлари йўқ. Матбуотчининг тафаккури ўзгармаса, матбуот ҳам ўзгармайди-да. Ҳар куни эрталаб газеталаримизни кўздан кечирар эканман, уларнинг бир қолипдан чиққан гиштдек бир-бирига ўхшашлигидан изтироб чекман. Ҳамкасбларим кечирсинлар-у, газеталаримизнинг аксарияти ибтидоий даражада. Эски услублар, эски мавзулар, пала-партиш ишлатилган сўзлар, унут замонлардан қолган андозалар... Ҳатто янги мавзулар, ҳаётимизнинг янги қирралари ҳам эскича услубда, эскича йўсинда ёритилади. Ҳамма газеталарни битта муҳаррир, битта масъул котиб ва яна уч-тўрт ходим чиқараётгандек... Газеталарнинг қиёфаси бир хил.

Матбуотнинг энг биринчи белгиси — тил. Нега газеталарда оҳорли, оҳангли сўзларни кам ўқиймиз? Ҳар бир замон тилининг ўз хусусиятлари бўлади. Истиқлолимиз даврида ўзбек тили қандай жарангламоқда? Унинг жарангини жаҳон эшитаяптими? Мустақиллик ҳаётимизга янги-янги фазилатларни бахш этди. Шу сифатлар газеталаримиз тилида акс этмоқдами?

Ҳаётга янгича нигоҳ!.. Журналистиканинг ўзи шу. Минг афсуски, бугунги журналистларимиз оламшумул янгиликларга ҳам эскича нигоҳ билан қараш иллатидан қутулолмаётдилар. Бу нима — саводсизликми? Ўз устида ишламасликми? Янгиликлардан хабарсизликми? Ёки ҳаётдан ортда қолишми? Замон талабини англамасликми?

Журналистларимиз оёқ-қўллардаги занжиру чегараю тақиқлардан халос бўлдилар, энди тафаккурдаги «занжир»ларни қачон итқитиб ташлайдилар?!

Ташаббускор, янгиликка ўч, елиб-югурадиган, изланувчан (зеро, журналистлик ҳаёти шундан иборат) журналистлар қани?

Раҳбарият ёки маълум бошлиқлар топширган вазифаларни бажариш билангина иш битмайди. Берсанг ейман, урсанг ўламан деган ақида аллақачон эскирди. Журналист фақат ижрочи эмас! Ташаббускор бўлмоғи керак!

Қаламқаш дўстларим гапларимни оғир олишмасин-у, бугунги газеталаримиз тўғрисидаги аниқ эътирозларимни ошқора айтай:

1. Газеталаримизнинг қиёфаси ҳамон бир-бирига ўхшаш.

2. Бирор газета яхши бир мавзу топса, уни бошқа газеталар ҳам «тала-тала» қилади.

3. Рукнлар газетадан газетага кўчиб юради. Қайси рукн қай газетаники эканлиги чалкашиб кетади.

4. Бирор газета бирор оригинал шакл топса, дарҳол бошқалари томонидан «забт этилади».

5. Газеталарнинг масъул котиблари бир-биридан кўчиради.

Тўғрисини айтганда, санокни ҳали кўп чўзиш мумкин эди. Аммо... Аммо рақобат ҳам, мусобақа ҳам ҳалол, муайян қоида ва тартиблар доирасида бўлсагина наф келтиради. Акс ҳолда... Акс ҳолда, машҳур масалчининг асарида тасвирланган воқеадаги каби ҳамма ҳар ёққа тортгани билан арава бир жойда тураверади.

Гоҳ иқтисодий аҳволни, гоҳ почта хизмати яхши эмаслигини, гоҳ яна бошқа сабабларни рўкач қилишад-ю, лекин мен энг биринчи навбатда халқимизнинг дилидагини топиб айтолмаётганимиз учун газеталаримиз ўқувчилари тобора озаймоқда деб ҳисоблайман. Негаки, газеталаримизда шу куннинг энг долзарб масалалари, мамлакат миқёсидаги муаммолар хусусида чуқур, кенг қамровли мулоҳаза, мушоҳада етишмайди. Қонунлар, қарорларнинг қанотли шарҳлари оз. Ҳукумат миқёсида олиб борилаётган ишлар мунтазам ёритилмайди. Муаммоларга республика миқёсидан эмас, тор, маҳаллий доирадан қаралади. Асосли танқид, тафсилий таҳлил, «жони бор» таклиф камдан-кам кўзга ташланади.

Газеталар мавзуларида шундай камчиликларни кўраман:

1. Муаммони факт ва рақамларни чоғиштириш орқали таҳлил этмаслик.

2. Янгиликни «тани совимасдан» ўқувчига узатиш.

3. Ўзбекистон иқтисодиётидаги янгиликларни жаҳон иқтисодиёти билан қиёслаш.

4. Фотосуратлардан старлича фойдалана олмаслик.

5. Ҳар бир мақолада давлат миқёси, мамлакат миқёси етишмаслиги.

6. Дунёнинг бугунги сиёсатидан, бугунги халқаро ҳаётдан ўқувчини бугун бохабар қилиш.

7. Жаҳон сиёсати, иқтисоди, маданияти, санъатини Ўзбекистоннинг бугунги аҳволати билан уйғунликда кўрсатиш.

8. Ҳукумат вакиллари, давлат идораларининг раҳбарларини доимий равишда матбуотга жалб этиш ва уларнинг фикрларини халққа етказиш.

Камчиликлар кўп. Лекин нега уларни тузатолмаяп-миз? Тузатиш истагимиз борми ўзи?

Матбуотимиз бугунги кунда фотожурналистларга, махсус тайёргарликдан ўтган компьютер операторлари, саҳифаловчи ва дизайнерларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Бугунги замонавий оммавий ахборот нашрларини буларнинг меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ривожланган давлатларда газета ишининг ҳаттоки 70—80 фоизи шундай мутахассисларнинг зиммасига тушмоқда. Бойси, бугунги газетхонда нафақат ўқиш, балки кўриш орқали ҳам кўпроқ ахборот олиш эҳтиёжи ўсмоқда. Бу соҳанинг энг оқсоқ томони кадрларнинг етишмаслигидир. Яқинда хорижлик ҳам-

касбларимиз баъзи нашрларни кўздан кечириб, компьютернинг мингдан бир имкониятидангина фойдаланаётганлигимизни таъкидлашди.

Таҳририятлар ўз кучи билан фотоқоғозлар, кимёвий моддалар топмоқда. Лекин уларнинг топилмаслиги ҳам бир муаммо. Умуман, газетани босиш учун қоғоз топишнинг «бош оғриқ»лигини қўяверинг. Ижодий ишни юргизишдан ташқари иқтисодий, молиявий масалалар ҳам бугунги кунда таҳририятларнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Газета ишининг бу йўналишини тушунадиган мутахассисларни топиш, тарбиялаш осон эмас. Чидам ва вақт талаб қилади.

Хўш, шундай вазиятда нима қилмоқ керак?

Энг аввало, журналист кадрлар тайёрлаш масаласини қайта кўриб чиқиш зарур. ТошДУ журналистика факультетини битириб ишга келаётганларни кўриб «ҳайратга тушаман». Уларнинг ўз ишларига, умуман журналистикага қизиқмасликлари тезда аён бўлиб қолади. Ҳали талабалик даврида матбуотда ишлаб юрганлар ҳам ўқишни битириб, бошқа соҳага ўтиб кетмоқда. Чамаси, ҳозир талабаларни танлаш мезони нотўғри ёки беш йиллик ўқиш давомида уларнинг қизиқишлари сўниб қолмоқда. Журналист кадрлар тайёрлаш тартибини мутлақо бошқатдан кўриб чиқиш зарур.

Журналист талабалар чет элларда ўқитилмоқда. Ўқишни тугатгач, уларнинг ўзбек матбуотига қайтишларига кафолат борми? Хорижий оммавий ахборот воситаларига ишга ўтиб кетаётган ёш журналистларимиз сони кун сайин кўпаймоқда-ку. Ўзбек матбуотининг аҳволи яхшилигидан шундай бўлмаётгандир ахир?! Нега ўзбек газеталари АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия каби катта давлатларга ҳам ўз мухбирларини жўната олмаяпти? Биз қачон дунё янгиликларини ўз мухбирларимиз орқали олиш даражасига кўтариламиз? Узатилаётган ахборотда албатта воситачининг мафкура-си зуҳур этади.

Журналист кадрлар тайёрлаш масаласи аллақачон ҳукумат даражасида қайта кўриб чиқишга муҳтож бўлиб қолгани сир эмас. Агар фақат бугунги факультет тайёрлаган «қўлбола» журналистлар билан матбуотни кўтарамиз деб ўйласак, қаттиқ янглишамиз.

Бугунги кунда газеталаримизни қийнаётган яна бир муаммо — бу иқтисодий беқарорликдир. Нашрларимизнинг иқтисодий аҳволи яхши эмас. Кўплаб таҳририятларда ходимлар ҳатто ўз вақтида маошларни олол-

майдилар. Қоғоз, босмахона, почта хизматлари, ижара ҳақи каби тўловлар газеталарнинг «кўзини» очирмайди. Маълумки, иқтисодий мустақил бўлмай туриб, бошқа жиҳатлардан мустақил бўлиш мумкин эмас! Шу сабабли газеталаримизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамловчи восита ва шакллар топилиши зарур. **МАТБУОТ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАҢ ҲЕЧ КИМГА ТОБЕ, ҚАРАМ БЎЛМАСАГИНА, ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ МУМКИН!!!** Кунни кеча газета-журналлар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғин бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Президент Девони Аҳборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимов иштирок этган мазкур йиғинда матбуотимиз муаммолари ва журналистлар олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Йиғинда билдирилган мулоҳазалар шахсан менинг ва умуман барча матбуотчиларнинг фикр-уйларига, орзу-армонларига уйғун эди.

Ўзимнинг озгина тажрибамдан биламанки, газета-журнални бошқариш осон иш эмас. Раҳбар замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳам ижодкор, ҳам иқтисодчи, ҳам ташкилотчилик каби фазилатларга эга бўлмоғи лозим.

— Ўзбек матбуоти жаҳон матбуоти даражасига кўтарилиши;

— жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши;

— Президент ва ҳукумат матбуот олдида қўяётган вазифаларни уддалаши;

— халқ эътирофига сазовор бўлиши учун

Матбуот тўғрисида бир неча Қонунлар бўла туриб, Эркин Матбуот, Эркин Фикр, Эркин Минбар, Эркин Сўз имконияти бўла туриб

хўш, яна нима қилмоқ керак?

Шахсий мулоҳазаларимда айрим бир ёқлама фикрлар бўлиши мумкинлигини инкор этмаган ҳолда айтман:

Журналист ҳар кунни ўз тафаккурини янгилаб, чархлаб бормоғи лозим!!!

«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 15 октябрь.

БУХОРИЙ НУРИДАН ОЛАМ НУРАФШОН, АҲМАД ФАРҒОНИЙГА ТАЪЗИМДА ЖАҲОН

**23 октябрда рўйи замин сайқали Самарқандда,
24 октябрда Фарғонада ўтган юбилей тантаналаридан
репортаж**

ҲИДОЯТ ЗИЁСИ ЁФИЛГАН ЗАМИН

Бу кун тонг шукуҳи бўлакча. Унда гўё бир туғён вояга, портлашга етилди. Бутун олам — заррадан то коинот қадар зиёга бурканган. Юлдузлар ҳам кўпроқ ва ёрқинроқ порлади. Фалак пештоқидан тушгиси келмас уларнинг. Ой-да осмонни тарк этишни истамас сира. Юртимиз узра машғалалар ёқиб турибди осмон ёритқичлари. Бутун Еру Само кутяпти Ўзбекистонда содир бўлишини бир мўъжиза.

Мўъжизаки, дунё яна бир карра ҳайрат бармоғини тишлагай! Олам аҳли таҳсинлар айтгай она-халқимга! Бундан ўн икки аср муқаддам-да осмоннинг бугунгидай чароғон бўлгани муқаррар, юртим! Яна шу ҳам муқаррарки, бундан ўн минг аср, юз минг аср кейин ҳам абадият қадар мусаффо бўлгай осмонинг!

Осмон... Улкан самолёт учади Тошкентдан Самарқандга ошиқиб. Одатдагидан тезроқ учади. Самолётда интиқлик ва интизорликлар, ҳаяжону ҳайратлар, орзу ва умидлар учиб бормоқда. Самолётда бир ярим асрлик орзулари ушалган ватандошларим учиб бормоқда. Миллатимизнинг номуси, ори, қаторда нори учиб бормоқда. Худди Ўзбегимдек қудратли самолёт самоларга-да қудратини намоён этиб, парвоз этмоқда. Йўқ, бу самолёт эмас. Миллатимиз тақдирида битилган, пешонасида ярқираган Ҳумо қуши! У қанот кермоқда юксак фалакларда!

Бобо қуёш ҳам бугун бутун оламдек жуда эрта уйғонган бу кун. Диёримизга ҳидоят ва раҳмат назарини ташлайди у энг биринчи бўлиб. Биз самолётдан тушганимизда Ургут тоғларидан чиқиб келарди Бобо Қуёш! Ассалому алайкум, эй Офтоб! Ассалому алайкум, эй Дунё! Бу кун бутун оламга қўшилиб сен-да Самарқандда бир мўъжиза содир бўлишини кузатмоқчимисан? Кўраяпсанми, халқимизнинг кимлигини! Ахир сен минг-минг йиллардан буён гувоҳсан-ку бу халқнинг мўъжизаларига. Ахир, сен тафтни, кўксингдаги оташни миллатимизнинг бағридан, меҳридан ол-

гансан-ку, эй Бобо Қуёш! Коинотнинг тождори, сенга ҳам меҳр берган-ку шу халқ!

Эй тождор Қуёш, бу дунёнинг ишларига гувоҳсан-ку сен ўзинг. Дунёнинг энг яхши одамлари Самарқандга ошиқаётганини ўзинг кўриб турибсан. Бу кун барча йўллар Самарқандга олиб чиқмоқда. Одамларнинг либослари, уст-бошлари, тиллари ҳар хил. Ким оқ танли, ким қора танли, ким қизил... Аммо, ҳамманинг фикр-ўйида, қалбида Имом Бухорий ёлқинлари гуриллаб турибди. Буюк ватандошимиз 13 аср муқаддам ёққан оловнинг қўрида исиниш учун жаҳон жам бўлиб келмоқда. Бухорий руҳи бутун дунёни оёққа қалқитганига ўзинг гувоҳсан-ку, Бобо Қуёш! Ўн уч аср-а! Ўн уч аср! Ўзинг айт, эй, Бобо Қуёш. Халқимизнинг шундай зақолари, закийлари, даҳолари олдида тиз чўкмаслиги мумкинми оламнинг?! Мумкинми, шундай даҳоларнинг хоки пойларини кўзга суртмаслик. Мумкинми, мен ўзбекман, дея ҳайқирмаслик.

Бугунги ёруғ кунларда кечаги зулмат даврларни бир эслаб қўймасак бўлмас. Бундай кунда мозийга қайтмоқ, зулмат саҳифаларини титмоқдан мақсад — хатолар такрорланмасин. Биз, биздан катта авлод тортган жабрларни фарзандларимиз тортмасин!

Самарқанд биқинидаги Хартанг қишлоғини илгари унча-мунча киши билмасди... Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг номини илгари унинг юртдошлари тузукроқ билармиди! Билганлар бормиди буюк муҳаддиснинг буюк мероси ҳақида, айтинг-чи! Билганлар ернинг устида эмас, ернинг остида эди. Билганлар Ватандан мосуво қилинган эди. Билганлар оғиз очсалар, бошларида қонли қиличлар ўйнар эди. Билганлар... Улар сара фарзандлар эди. Улар кўксиларига кўмиб яшадилар Бухорий бобомизни. Улар кўксиларида асраб яшадилар Бухорий бобомизни.

Неча хонлару тахтлар, амиру беклар ўтди, қиличини қайрабон золиму зулмлар ўтди. Барига сен ўзинг гувоҳсан, эй Бобо Қуёш. Дунёни бир кунжида Хартанг деган мўъжаз қишлоқ борлигини билмай, унга эътибор бермай ўтди. Қишлоқда мўъжаз бир қабр борлигини Худодан бошқа ҳеч ким билмасди, эҳтимол. Харобазор аро бир тепалик ётарди чивинларга маскан бўлиб...

Давру давронлар ўтди. Асру замонлар ўтди. Ўтди, ўтди, ўтди-ё... Ҳамма ўтиб кетди-ё... Лекин Ватан ўтмади. Ватан Бухорийлари ўтмади.

Бир хор бўлган жой бир обод бўлади, дейдилар.

Чархпалак дунё-да. Ўзбекистон ҳам, Хартанг қишлоғи ҳам, Бухорий қабри ҳам бир зот чиқишини асрлар давомида кутганига ўзинг гувоҳсан-ку, эй Бобо Қуёш. Шундай зот чиқди. Гўёки халқ бошига офтоб чиқди. Шу офтобнинг назари олис-олислардаги Хартанг қишлоғига ҳам, барчани эсидан чиққан унут қабрга ҳам тушди. Хор бўлган жой обод бўлганига ўзинг шоҳидсан-ку, эй Бобо Қуёш. Бутун дунё шу томонга ҳайрат нигоҳини қадади. Бу ерга нафақат бутун дунё, сен ҳам лолу ҳайрон қараб қолдинг-а, эй тождор Қуёш. Бу нима мўъжиза, ер қаъридан вулқон отилдими, ёки кўкдан нури ҳидоят тушдими, дея ҳайрат бармоғини тишлаб қолдик-ку. Бунақасини ҳеч кўрмаган эдик. Бир зум дунёнинг етти мўъжизаларидан бири Тожмаҳал шу ерга келиб қолдимикан ёки Гўри Амир мақбараси эмасмикан, деб ўйланиб қолдинг. Мажмуанинг энг тепасида ҳилол, ярим ой порлаб-пориллаб турибди.

Имом ал-Бухорий масжид мажмуи... Бундай мўъжизани дунё кам кўрган! Нақадар салобат, нақадар ҳайбат, нақадар гўзаллик, нақадар жозоба, нақадар нафислик... Ўзбекона ғурур тирилади кишида. Тошлару, деворлар ҳам, ёғочлару, бўёқлар ҳам гўё бир овозда жўр бўлиб ягона катта қўшиқни куйлаётгандек. Бу қўшиқ овозида ўн уч асрлик тарих ҳам, бутуннинг ранго-ранг товушлари ҳам, абадиятнинг мангу овози ҳам жаранглаб турибди. Бу ерда энг кичик тошдан тортиб, ҳар қандай шакллар, бўёқлар ягона хаёлга, ягона мақсадга бўйсундирилган. Ҳаммаси бир-бирига уйғун, бир-бирига мутаносиб. Улкан бу манзарадан ёлғиз бир унсурни олиб ташласангиз, бу жозиб улкан манзарага путур етиши турган гап. Бу ганч ўймакорлик санъатида, нозик ганч чизиқларида она Шарқнинг қаноатли хаёл парвози, Ғарбнинг қаноатли фантазияси бир-бири билан «қўл ушлашиб» турибди.

Мажмуанинг ғарб томонидаги ҳашаматли катта дарвозани (баландлиги 5,5 метр, эни 3,60 метр) кўриб ҳайратга тушасиз.

Улуғвор бунёдкорлик ишларида самарқандлик уста Мирҳабиб Аброров ўғиллари Жавоҳир, Жамшид ва шогирдлари Амир, ака-ука Мавлон ва Муродларнинг ҳиссаси алоҳида.

— Пайшанба кuni туш кўрдим, — дея ҳикоя қилади уста. — Оқ яқтақда, бошига олтин рангли салла ўраган, улугсифат чеҳра намоён бўлди ва менинг қўлларимдан тутиб, чинорлар тагидаги сарҳовуз бўйига бошлади.

Кафтларида сув олиб, оғзимга тутди. Ҳўплдим. Сўнг икки қўлини равоқ шаклида қиблага қаратди ва юзларига фотиҳа тортди.. Чўчиб уйғониб кетдим. Саҳар. Тонг ёришар маҳали. Тунда ўқиётган китобни қўлимга олдим. Улуғ аллома, тенги йўқ даҳо ҳақидаги сўзларга кўз югуртирдим. Шунда хаёлимдан бир китобда ўқиганим шундай сатрлар ўтди:

Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор?

Унинг чакмонига энг бўлар ким бор?..

Ҳашаматли мадрасадаги кошинкор дарвозалар Марказий Осиёда ягона. Бунақаси ҳеч жойда яратилмаган. Яратиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Мўмин-мусулмон бу муборак қадамжога бундан буён ҳаж ва умра зиёратларидан аввал келишади ва муҳаддис бобомиз қабрини тавоф айлайдилар.

Маҳобатли қадамжо ичкари саҳнининг уч тарафи баланд айвонлардан иборат. У ерга 86 та устун ўрнатилган. Айвон тепасидаги вассаларга боқиб лол қолади киши. Баландлиги 7,5 метр келадиган устунларга наманганлик ўймакор усталар жило беришди. Устунлар мрамар курсиларга ўрнатилди. Асосий дарвозадан киришингиз билан ўнг тарафдаги катта мадрасага кўзингиз тушади. Бу маърифат ва маънавият даргоҳига шарқона оро берилди. Бунда олий даражадаги қабуллар уйи ва 200 кишилиқ мажлис зали ҳам бор. Бу ердаги наққошлиқ ва кошинкорлик ишларини бухоролик қўли гул усталар бажаришди. Чап тарафдаги мадрасанинг арғамчи пештоқи, тепасидаги арабча ёзувларни бухоролик усталар Икром Маҳмудов, Мансур Бердиев ва Жўрабой Жумаев битган.

Тошкентнинг Кўкча ва Шайхонтоҳур даҳаларидан келган ганчкор усталар маҳорати ва ҳунарларига асосий равоқ — дарвозадан кирган ҳамано гумбаз тагидаги заррин жилоларига кўзингиз тушади. Мажмуа ичкари-сида чинорлар тагида сарҳовузга, унинг тўрт томонидаги кўкаламзор яшилликка нигоҳингиз тушиб, мўъжиза масканининг сеҳрли олами оғушида нафас оласиз. Бош минора сари қадам ташлайсиз. Мақбара гумбази бетимсол. Маҳобатли миноранинг пастки қаватида Ҳазратнинг қабри бор. Устки қисмида эса, Эрондан келтирилган қора нефрит тошидан қабр тош ясаб ўрнатилди.

Сен ҳам, эй Бобо Куёш, ушбу ноёб иморат тепасида бир зум туриб қолдинг. Маҳлиё бўлиб қолдинг. Гўё боғланиб қолдинг. Ҳар бир устунда, ҳар бир кошинда

жило берилган ҳар бир тошда сенинг тилло нурларинг ёғилиб турибди. Бу ердаги ҳар бир нақшда, ҳар бир чизиқда қуёш ўйнайди. Оназаминда яна бир Қуёш пайдо бўлганига ҳайратланыпсанми, эй Бобо Қуёш?! Ахир, у бугунмас, бундан ўн икки аср муқаддам пайдо бўлган эди. Бугун эса унга жило берилди, холос.

Улкан намозгоҳда катта жамоа намоз ўқиди. Бутун жаҳон ҳайратга тушадиган намозгоҳ! Бу ерда ҳамма гўё Имом Бухорий ёдидан, улуғ муҳаддис руҳидан нажот ўтинади, савоб сўрайди. Сен бунинг барига шоҳидсан-ку, эй Офтоб!

Қуёш, сен тиккага келганда Йўлбошчимиз Ислон Каримов кириб келади. Дадил қадамлар ташлайди. Тийран нигоҳлар билан боқади. Унинг чеҳраси, юзкўзларидан балқиб турибсан, эй азиз Қуёш. Президентнинг хаёлидан шу дамда нималар кечаётган экан? У олис тарихни ўйлаяптими? Бугунимиз тўғрисида қайғураяптими? Ёки келажакка меҳрибонлик кўрғазмоқдами? Президент шошмасдан дона-дона қилиб нутқ сўзлайди. Ҳар бир сўзи халқимизга, Ватанимизга муҳаббатнинг рамзи! Юзларидан муҳаббат балқиб турибди. Осмон ҳам, қуёш ҳам, шамоллар ҳам бу донишманд зотни олқишлайди. Президент чеҳраси ва юрагидаги ёруғлик барча тўпланганларнинг, бутун халқимизнинг чеҳраси ва юрагига кўчади.

Бундан саккиз ой олдин хароба майдонда қурилишнинг биринчи қозиги қоқилганини ўзинг кўргансан-ку, Қуёшим! Орадан саккиз ой ўтди. Халқимиз юрагида 13 асрдан буён тўпланиб келаётан туғён отилиб чиқди шу ердан. Нақадар гўзал туғён! Унда қуёшнинг етмиш етти хил рангию камалакнинг етмиш ранги ўйнайди. Биз бу кунни асрлар мобайнида кутмаганмидик?! Соғинмаганмидик шу кунларни?!

Қуёш, нурларинг ҳазрат Бухорийнинг пок руҳлари билан қоришиб дилларни, юртларни, бутун оламларни ойдину мунаввар қилиб юбормоқда. Бутун дунё одамлари ҳаяжон ила кузатадилар дунёнинг бундай ўзгаришлари, эврилишлари, янгиланишларини. Бу пок руҳ қора танли, оқ танли, қизил танли... — бутун башариятни бирлаштиради, ҳаммани бирлаштиради ҳазрат Бухорий.

Қувайтдан ташриф буюрган дорилфунун профессори Халид ал-Мазкур шундай дейди:

— Қуёшли ва мустақил диёрингизда бир неча марта бўлганман. Не бахтки, бугун ислом оламининг буюк алломаси Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрлари-

ни зиёрат қилиб, кўнглимда Оллоҳга ҳамду санолар айтиб турибман. Бу қабрнинг ва масжиднинг собиқ шўролар даврида қандай аҳволда эканини эшитганман... Мустақиллик туфайли Юртбошингиз саъй-ҳаракати билан қурилган улуғ кошона гўзал гўшага айланибди. Улуғларни улуғлаш давлатни улуғлашдир.

Миср олимлари делегацияси раҳбари, Ал-Азҳар университети ректори, Миср Араб Республикаси Халқ мажлиси депутати, профессор Аҳмад Умар Ҳошим:

— Мусулмон оламида донг таратган ватандошларингиз билан ҳар қанча фахрлансаларингиз арзийди. У кишининг мўътабар асарларини биз дарслик сифатида ўрганамиз, қўлланма сифатида фойдаланамиз. Алломанинг муборак таваллуд тўйлари ҳаммаларингизга муборак бўлсин! — дейди.

Мустақиллик туфайли, шахсан Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бундай юксалишларга йўл очилди. Энди дунёнинг барча йўллари Ўзбекистонда, Имом ал-Бухорий мақбарасида туташади.

Дунёнинг йўллари шу ерда бирлашади.

Бу мустақилликнинг навбатдаги мўъжизаларидан биридир. Эҳ-ҳе, ҳали бундай мўъжизалардан неча-неча мингларига гувоҳ бўласан, эй Бобо Қуёш. Олқишлар, ҳайратлар, қарсақлар кўкни забт этмоқда. Халқимизнинг ҳали олам аҳлини ҳайратга соладиган мўъжизалари жуда кўп!

Бобо Қуёш! Эй тождори олам, сен ҳали бу мўъжизалар ҳақида йиллар, асрлар оша келажакка сўзлайсан. Бугунги тантаналар хусусида бундан минг, юз минг йиллар ўтгандан кейин ҳам эшитган одам ҳайрат бармоғини тишламоғи ҳақиқат!

ЮЛДУЗЛАРНИ КЎЗЛАГАН ДАҲО

Фарғонада ёруғ тонг отди. Янги кун бошланди. Бу куннинг шукуҳи ўзгача. Куни кечагина Самарқандда Бухорий бобомизнинг қадамжоларида бошланган халқимизнинг катта тўйи Фарғонага кўчди бу кун. Бу кун аҳли олам Фарғонага Фарғоний бобомизнинг руҳи покларини тавоф этмоққа шошилди. Кеча йўллар Самарқандда туташган бўлса, бугун йўллар Фарғонада бирлашди. Саҳархез қушларнинг ёруғ ва янгроқ овозлари бугун Еру Самони ҳар кунгидан эртароқ уйғотди. Ҳаттоки, дарахтлар, гуллар ҳам жуда эрта уйғондилар бугун. Бобо Қуёш бизни Фарғона заминида кутиб олди.

Дунёда гўзал гўшалар жуда кўп. Уни жондан азиз биладиган фарзандлар учун эса бу макон янада қадрлироқ ва эъзозлироқдир. Аммо, заминнинг ўз киндик қони томган парчасини асрлар оша маълуму машхур қилмоқ учун қобил фарзандлар керак. Ўз ватани қобигидан ёриб чиқиб, башарият гами билан ёнадиган, бутун инсоният дардини ўз дарди деб биладиган, унинг келажаги учун ҳиссасини қўша оладиган олиму уламо-лар керак.

Эй Бобо Қуёш! Эй тождори олам, кўраяпсанми миллатимизни? Кўраяпсанми Ўзбекбобом авлодини? Унинг шуҳратига, унинг шаънига ҳавасинг келмаяптими сенинг, эй Бобо Қуёш! Бизни эса бугун ҳам фахрдан, ғурурдан, кўксимизга сифмаётган ҳайратдан ҳайқиргимиз келаётир. Ҳайқиргимиз келаётир дунёларни тўлдириб.

Эй Бобо Қуёш, сен неча минг йиллардирки гувоҳсан. Фарғона водийси азалдан яшиллиги, гуллари билан машхур. Боғлари, гулзорлари билан дунёга донг таратган. Аршнинг Ердаги бир бўлаги, жаннатнинг саккизинчи қисми Фарғона дейишлари бежиз эмас. Яна шу аниққи, бу гўзаллик, бу боғ-роғлар дунёга келиши учун инсон қўли зарур. Фарғона ўзининг ана шундай меҳнаткаш инсонлари билан ҳам машхури оламдир. Водий ўзининг олимлари, зукко шоирлари, маърифатпарвар шоҳлари билан машхур азалдан. Айтадиларки, водий илоҳий назар тушган муқаддас жой. Буни кечаги тарих ҳам, бугунги байрам ҳам кўрсатиб турибди. Мустақиллик Фарғона заминига янги-янги боғларни ато этди. Бу боғларда халқимизнинг истиқболга бўлган ишончи, қалб ҳарорати барқ уриб яшнайти. Халқимизнинг келажаги гуллайди бу боғларда. Бу боғларга зоғлар оралай олмайди. Чунки бу боғлар — Мустақиллик боғлари.

Кўраяпсанми, эй Бобо Қуёш! Барчанинг водийга, Қувага оқишини кўраяпсанми, ахир. Дунё кўҳна Қуванинг Шаҳристонига ошиқмоқда. Бундан 12 аср муқаддам ҳам бу ердаги мўъжизага, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудига ўзинг гувоҳ бўлгансан. Эй Бобо Қуёш, сендаги боқийлик, Заминдаги боқийлик, Осмондаги боқийлик халқимизнинг бир фарзандига ҳам насиб этганига ҳавасинг келмаяптими? Азиз ватанимизнинг кичкинагина бир Шаҳристонида дунёга келган, тупроқ кўчаларини чангитиб катта бўлган Аҳмад бир вақтлар келиб, олам аҳлини ҳайратга соли-

шини билгандирсан, балки билмагандирсан. Лекин бугун ўзинг гувоҳ бўлаётганинг тўй, унинг даҳоси олдида башарият таъзим қилаётганидан далолатдир. Аҳмад ал-Фарғоний туғилган заминга қўйилган ёдгорлик унинг аждодларини миннатдорчилик рамзи эмасми, эй Бобо қуёш!

Кеча эмасмиди, «ўзбекнинг 98 фоизи саводсиз» деб тамға босганлари. Кеча эмасмиди, Ўзбек болаларини илмга қобилиятсиз, илмга лаёқатсиз деб ёзганлари. Кеча эмасмиди, Ўзбек фақатгина далада ишлашга қодир, унга кетмондан бошқасини ишониб бўлмайдиганлари. Кеча эмасмиди, империяпарастлар биз Ўзбекистонга ёруғлик олиб келдик, илму маърифат олиб келдик, деб кўксиларига урганлари. Кеча эмасмиди, биз сенга билим берганимиз учун қуллуқ қил деб пешонамизга чертишганлари. Кеча эмасмиди...

Балки, бугунги тўйда кечани эслашимиз кимгадир нотўғри туюлар. Лекин, кечасиз бугун бўлмайдиган, ахир.

Эй Бобо Қуёш! Эй олам тождори! Ахир сен гувоҳ эдинг-ку Ўзбекбобомнинг қудратига. Ўзбекбобомнинг салоҳиятига ўзинг гувоҳ эдинг-ку, эй Бобо Қуёш! Нега сен уларни куйдириб қул қилмадинг. Нега сен айтмадинг уларга ал-Фарғонийдек боболари бор Ўзбекнинг деб. Нега сен айтмадинг Шарқ — Ўзбекистон дунё маданиятининг, дунё илму фанининг бешиги бўлганини. Билардинг-ку, миллатимиз дунёга қанчадан-қанча даҳоларни тарбиялаб берганини. Билардингку, осмон илмига, тиб илмига, ал-жабр ва ҳоказо-ҳоказо илмларга даҳоларимиз қўшган ҳиссани. Балки била туриб айтмаганинг ҳам яхши бўлгандир. Ўзбек ўзлигини ўзи танисин, ғурури уйғонсин, деб ўйлагандирсан. Балки билгандирсан бир куни Ўзбекнинг бошига ҳам офтоб туғишини. Миллатни уйғотишга қодир, юксакларга чорлагувчи раҳбар юрт тепасига келишини ҳам билгандирсан, эй Бобо Қуёш!

Қувончдан, фахрдан, ҳайратдан Қуванинг юраги қандай ураётганини сездик биз бугун. Қадим Қуванинг шундай биқинида жойлашган 260 метрлик кўҳна қалъанинг қайта тикланиши ҳам халқимизнинг қудратини яна бир қарра намоёиш этди.

Қува бугун гўзал фавворалар қуршовида. Сув эмас, гўё шуълалар ёғилмоқда маржон-маржон. Ҳар бир нарса даста-даста нурдек товланади. Даста-даста гулларни эслатади бу фавворалар. Шарқона фавворалар... Туркиёна фавворалар... Ўзбеккона фавворалар... Минг

икки юз йил аввал ҳам бу ерларда худди шундай фавворалар сув сачратиб, тош ариқлар тўлиб оққан. Ариқлар бўйида алвон-алвон гуллар шаббодаларга ихтиёр бериб тебранган. Ўзбек заминида гўё баҳор кезиб юрибди. Такрор бўлса-да айтамыз: Мустақиллик бизга фаввораларни ҳам қайтариб берди.

Эй Бобо Қуёш! Эй ождори олам, сездингми, биз—Қувага борган меҳмонлар унинг ҳар бир хасини, тупроғини кўзимизга суртишга тайёр эдик. Чунки, бунда 1200 йил муқаддам Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз дунёга келган. У кишининг қадам излари бор бу тупроқда. У кишининг ҳидларини димоғимизда туйдик биз. Тўйга келган ҳар бири киши у кишининг руҳлари билан бақамти тургандек сизди ўзини. Биз ўсдик. Биз осмон билан бўйлашдик, эй Бобо Қуёш! Сиздик боқий осмонни-да бизга ҳаваси келди. Ўзбекка ҳаваси келди унинг, эй Бобо Қуёш!

Фарғона шаҳрида бунёд этилган Аҳмад ал-Фарғоний боғига ҳам ҳаваси келди осмоннинг. 21 гектарлик боққа одам сифмади бугун. Бу ердаги ранго-ранг гуллар, азим чинорларнинг шивири ҳам ал-Фарғоний бобомизнинг руҳи покларига салавот айтаётгандек. Бугун Фарғона, бугун Ўзбекистон, бугун Жаҳон кўчди бугун ана шу мўъжазгина боққа. Бугун бу боғ Фарғонанинг қалбига айланди. Фарғонанинг юрагига айланди бу боғ. Бобомизнинг саккиз метрлик маҳобатли ҳайкали, уни ярим ой шаклида ўраб турган 19 метр баландликдаги олтита устун миллатимиз қудратидан далолат берди дунёга. Тантаналарга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам ўз ҳайратларини яширмадилар.

Қўлида юлдузлар чизмасини ушлаб турган алломанинг улкан ҳайкали рўпарасида турганлар қалбидан нималар ўтмади дейсиз. Ҳа, Оллоҳнинг назари тушган, унинг Ўзи қобилу доно фарзандлар ато этган бу юртга бугун бугун жаҳон тасанно ўқимоқда. Оққан дарё барибир оқади, дейдилар, бу юртдан эрта-индин яна шундай олимлар етишиб чиқади, деган умид дўстлар кўнглидан кечаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир, башариятни севганларни бугун башар ҳам севади-да. Бу бугун ўз исботини топиб турибди.

Тақдир, дейдилар. Халқимиз бошидан қора кунлар ҳам ўтди. Уша манфур дамларда фақат тириклар эмас, шу юрт обрўйини кўкда тутиб турган боболар руҳи ҳам қувғинга учради. Аммо... билмадиларки, улар Ернинг фарзандлари эдилар. Айланиб турган шу сайёрани як-

сон қилмасалар, бу мўтабар инсонлар ёдини йўқ қила олмас эдилар.

Шундай бўлди ҳам. Жаҳон халқлари уларни ўз қалбида, асарларини ўз бағрида асраб-авайлади. Бугун Миср, Ироқ, Тунис, Марокаш, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Буюк Британия, Германия, Франция, Нидерландия, Ирландия, АҚШ... каби кўплаб мамлакатларда сақланаётган ал-Фарғоний асарлари бунинг ёрқин мисолидир.

«Китоб фий ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий астраномия китоби»), «Китоб ал-ҳайъа ал-фусул ас-салосин» («Астурлоб яшаш ҳақида китоб»), «Китоб амал бил ас-турлоб», («Астролябия билан ишлаш китоби»), «Жадвал ал-Фарғоний» («Ал-Фарғоний жадваллари»), «Рисола фий маърифа ал-авқот аллатий якун ал-қамар фийҳо фавқ ал-арз ав тахтҳо» («Ойнинг ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»), «Ҳисоб ал-ақолим ас-сабъа» («Етти иқлимни ҳисоблаш»), «Китоб амал ар-рўҳомот» («Қуёш соатини яшаш китоби»), «Таълил ли зиж ал-Хоразмий» («Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш»).

Дунё кутубхоналарида сақланаётган бобокалонимиз асарларини санар эканмиз, ал-Фарғоний деган зотнинг ақлу заковати қудрати нақадар юксак эканлигини ҳис қила борамиз. Ахир, бу китоблар ҳам ҳали унинг яратган илмий дунёсини ўзида тўла мужассам эта олмаслиги тайин. Йиллар силсиласи ва ур-тўполонлари бундай китобларнинг қанча-қанчасини ютиб юборганлиги ҳам бор ҳақиқат. Бунинг устига ҳали жаҳон кутубхоналаридаги минглаб ўқилмаган асарлар орасида ҳам буюк бобомизнинг мукамал асарлари яшириниб ётган бўлиши эҳтимол.

Кўнгилдан кечаётганларни ким биландир ўртоқлашгимиз келиб беихтиёр теваракка аланглаймиз. Во ажабо, атроф бунча мунаввар бўлмаса. Ҳайкал пойига тўшалган ям-яшил майсалару очилиб турган қип-қизил гуллар гўё бутун дунё бўйлаб чўзилиб кетгандай. Бутун борлиқ ана шундай гўзалликка буркангандай. Энг ажабланарлиси, баҳор яна қайтиб келгандай гўё.

Дарвоқе, кўнгилларда ростдан ҳам баҳорий кайфият ҳукрон бугун. Балки кўнгилда уйғонган бу туйғунинг рамзий маъноси ҳам бордир. Ахир, Ватанимизга бундан етти йил муқаддам ростдан баҳор қайтиб келмаганмиди? Бугунги ҳаяжонли дамлар, бугунги шодиёналар,

буюк боболарнинг руҳини шод қилиб, уларни эслаб қўл ураётганимиз савобли ишлару адо этилаётган фарзандлик бурчимиз ҳам аслида ана шу баҳор туфайли, баҳоси тенгсиз Мустақиллик туфайли эмасми?

Илмнинг икки томони бор дейдилар. Илмий хулосалар қила туриб, шимолда юрган одамга узоқ жанубда кўринадиган юлдузлар кўринмайди, бу эса Ернинг думалоқ эканлигига асос бўла олади, деган эди ал-Фарғоний. Бу фикр ўз илми доирасида маълум маъноларни беради, албатта. Аммо, биз бугун уни рамзийроқ тушунгимиз келади. Баъзан шимолда юрган одамларга жанубнинг ёрқин юлдузлари кўринмаслиги табиий экан. Чунки, бу дунёни чарх деб қўйибдилар. Мана у бугун бошқа томонга айланиб турибди. Бугун Шарқнинг юлдузлари яна порлаб кўринмоқда.

Шу ерда беихтиёр руҳланиб кетасан киши, балки эрта-индин бу юртнинг янги-янги юлдузлари ҳам ўзини кўрсатиб қолар. Ахир, Фарғонийнинг, юлдузлар узоқдан кичик кўринса-да, аслида жуда катта эканлиги ҳақидаги гапларини орамиздаги юлдузларга йўйсак нимаси ёмон.

Биз боя Ватан номини шарафлаш учун унинг фарзандлари ана шу доирадан чиқиб кета олиши кераклиги ҳақида гапирган эдик. Ҳозир эса бошқа бир нарсани англагандай бўляпмиз. Яъни соддадил ва кўнгилчан халқимизнинг ақли бўлиб ўзини намоён қила олган бобокалонимиз ал-Фарғоний зеҳни ҳатто Ер шаридан ҳам баландга кўтарилиб кетган экан. У гўё Фарғонада илдиз отиб, шохчалари бутун Ер юзидан нафас олаётган, осмону фалакни кўзлаган бақувват дарахтга ўхшайди. Унинг илдизи Фарғонада, макони эса Ер деб аталган, Оллоҳ ўз бандалари учун яшаш уйи қилиб яратган сайёра эди.

Мана бугун шу зотнинг ўз фарзандлари қўли билан яратилган ҳайкали ёнида турибмиз. Яна хаёл олиб қочади. Шу дамда бобомизнинг руҳи нақадар шод бўлаётган экан? Балки, илмий ютуқларга эришган, янги кашфиётларини оламга тарата олган пайтлари ҳам унинг ўзи бунчалик суюнмагандир?

Биз эса унинг руҳи покига таъзим қила туриб, бутун оламга жар солгимиз келади: Олам аҳли, билиб қўйинг, пойига гуллар тўшалган бу инсон Бизнинг бобомиз. Вақтида Миср аҳли деҳқончилиги учун мислсиз самара берган Нил дарёси сувни ўлчовчи асбобда ҳам, қанча-

қанча одамларнинг йўлини равон қилган Маъмун харитасида ҳам ана шу зотнинг ўткир ақлу заковати ўрни бор эди. Бу заковат инсоният учун осмон илмига, юлдузлару сайёралар томонга йўл очишда ўзининг муносиб хиссасини қўшган эди.

Ва яна бир гапни айтмасак бўлмас, бир кун келадик, ўтган замонда эмас, ҳозирги, ҳатто келаси замонда ҳам шу юрт фарзандлари ишлари ҳақида дostonлар битилажак. Шу кунларни Оллоҳ бизга яқин қилган бўлсин!

... Ҳайкал пойига тиз чўкканча яна атрофга термуламиз. Халқ. Қувончдан қанот ясаб парвоз қилаётган халқ. Уларнинг кўзида эса... во ажабо, биз айтаётган гапларнинг ҳамма-ҳаммаси!..

Эй Бобо Куёш! Эй тождори олам, Президентимиз сўзлаётганида эътибор бердингми унга. Унинг юзидаги меҳр, қалбидаги иссиқликни ҳис қилдингми сен. Сен ҳис қилдингми миллатимизнинг нақадар қудратли, донишманд авлодлари борлигини. Кўрдингми, улар ўз аждодларини нақадар эъзозлашаётганлигини. Биз эса бугун яна, балки мингинчи мартадир, Мустақиллик нима эканлигини юрагимизнинг туб-тубида ҳис этдик. Мустақиллик Темур бобомизнинг Ўзбекистонга қайтиши эмасми? Темур бобомизнинг юртимизга қайтиши муносабати билан Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари қайта туғилгани рост-ку. Мустақиллик Имом ал-Бухорий бобомизнинг, Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг ўз юртларига қайтишларида бор бўй-бастини намоён этмаяптими, ахир. Кимлардир босқинчидан олиб қонхўрга солган ҳазрат соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди боболаримизнинг юртга қайтишлари мустақиллик аслида. Эҳ-ҳей, бундай мисолларни санайверсак адо бўлмайди. Ана шуларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати, Йўлбошчимизнинг ижодий тафаккури сарварлигидандир.

Агар бундан 8—10 йил муқаддам хоҳлаган ўқувчини тўхтатиб, Жордано Бруно ҳақида сўрасангиз ёки Галилей хусусида савол берсангиз, у сизга тугилмасдан жавоб бера оларди. Лекин, Имом ал-Бухорий ким, Аҳмад ал-Фарғоний ким, Ибн Синою Берунийлар ҳақида умумий тасаввурдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди уларда. Айниқса, ал-Фарғоний бобомизнинг номи негадир бирор ерда тилга олинмасди. Ахир, Фарғонийдай дунё тан олган алломани ўз авлодлари билмаслиги уят эмасмиди?

Эй Бобо Қуёш! Сенга маълум, Имом ал-Бухорий бобомиз ислом оламининг, руҳий оламнинг салафларидан бири сифатида аҳли олам томонидан тан олинган бўлса, Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз аниқ фанлар оламининг салафларидан бири сифатида тан олинган. Биз ҳар қанча фахрлансак арзийдики, Имом ал-Бухорий ҳам, Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бизнинг, халқимизнинг фарзанди. Йўқ, улар нафақат Ўзбекистоннинг балки Туркистоннинг, йўқ, балки башариятнинг фарзандларидир. Балки улар Ўзбекнинг башариятга қилган туҳфаларидир.

Бизнинг мана шу қайдларимизни ўқиётган азиз муштарий, жаннат ҳақида ҳам ўқиган чиқарсиз. Балки жаннат ҳақида ўзингизнинг тасаввурингиз ҳам бордир. Бугун сиз ўқиган ўша жаннат, сиз тасаввур қилган боғи Эрам Фарғонанинг юрагига — Аҳмад ал-Фарғоний боғига кўчди. Биз ҳам ўзимизнинг тасаввуримизни, қувончларимизни, фахру ғуруримизни сизга илиндик. Яна сизга тиладикки, Бухорий бобомизнинг мақбараларини, Фарғоний бобомизнинг қадамжоларини зиёрат этишдек буюк бахт насиб этсин, сизга. Зеро, улар бизники! Ўзбекники! Бугун уларни зиёрат этиш ниятида дунёнинг минг бир бурчагидан меҳмонлар ташриф буюрдилар. Оллоҳга шукурларки, улар бизнинг шундай ёнимизда, Оллоҳга шукурларки, улар бизга руҳан ва маънан елкадошдирлар. Оллоҳга шукурларки, биз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашларимизда уларнинг маънавий кўмаklarини сезиб тураримиз. Оллоҳга шукурларки, шундай фарзандлари бор миллатнинг келажаги буюк эканлигига ҳеч ким шубҳа билдиrolмайди!

**Тошкент — Самарқанд — Хартанг —
Кува — Фарғона — Тошкент.**

**«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 25 октябрь.**

«ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН...»

ҚУЧАЙ ДЕСАМ — ҚУЧОҒИМ ЕТМАС

Ватан тоғлари, қуёшга талпинган чўққилар — қамровига хаёл ожиз қоладиган юксакликлар!.. Бу тоғларнинг ҳар тошида дунё қадар ҳикмат яширин. Бу тошларнинг ҳар заррасида юз-юзлаб авлиёларнинг назари зоҳир. Бу ҳасларнинг ҳар бўғинида неча-неча азизларимизнинг руҳи барқ уриб яшнайти. Ватан дарёлари... Ў, уларнинг тўлқинларида асрлар ҳас мисол чайқалибон оқди. Ватан дарёларининг мавж-беланчагида не-не баҳодирлар, жасурлар улғайди. Бу дарёларга не-не гўзаллар, фаришталар қаро-қаро кокиллариини солган экан? Бу дарёлар сувдан пок, тонгдан бокира неча-неча ҳурлиқо келинчакларни, ҳаё ва ифбатга, номус ва орға либос каби ўранган неча-неча ойжамол қизларни бадбин назарлардан, чиркин қўллардан яширган экан?

Яратган юртимизни бир-бирига ўхшаган ва бир-бирига ўхшамаган тоғлар билан музайян қилган. Бу тоғлар, бу тошлар, бу дарёлар, ирмоқлар ўлкамизнинг чиройи, кўрки, бойлиги. Булар фақат гўзаллик эмас — Ватан, Ватаннинг бир бўлаги. Булар фақат Ватан ёки Ватаннинг бир бўлаги эмас, балки жонимиз, тирикликимиз, имон-этиқодимиз. Тоғларда ётган оддий бир тошга тил битганида эди, у бутун-бутун китобларга сиймайдиган дostonлар сўйлаган бўларди.

Ватан булоқлари... Бундан тоза нима бор? Кийикларнинг кўзидек тиниқ. Ўн саккизга бугун тўлган қизнинг ой жамолидек беғубор! Бу булоқларга қараб не-не гўзаллар соч тараман!

Ватан шаршаралари... Уларнинг чарҳида гулмоҳидек нозик, ингичка балиқлар ҳам қайроқтошдек қайралиб кетган. Ватан шаршараларидан сув ичган бургуту лочинлар юлдузу ойларни кўзлайди. Бу шаршараларнинг афсун ва домида тошлар ҳам балиқлардай сузади. Ўткир ҳиди нафақат димоқни, юракни ҳам тарс ёрадиган чечаклар, ўтлар шу шаршараларга чирмашиб, қояларга талпиниб ўсади.

Ватан тоғлари... Ватан дарёлари... Ватан шаршаралари... Ватан булоқлари... Қучай десам, қучоғим етмайди.

ТОҒЛАР ҚУРШОВИДА

Тоғлар йўлга чорлади бизни. Ҳисор тоғ тизмалари. Ёлғизоёқ йўл. Сўқмоқ. Бу сўқмоқнинг бошланиши ҳам, охири ҳам кўринмайди. Биз ўз меҳнат таътилимизни шу тоғлар, шу чўққиларда кезишга, юртимизнинг энг юксак чўққисини забт этишга бағишладик.

Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари... Бу чўққилар кўпдан бизни ўз бағрига тортади. Уларни ишғол қилмоқчи бўлган бизнинг юрагимизни Ватаннинг энг юксак чўққилари ўз сир-синоати, сеҳру жодуси билан ишғол этиб қўйганди. Бутун ўй-хаёлимиз юксак чўққи жамолини кўриш иштиёқи билан ёнарди. Билардик, коинот маъвосида абадиятнинг суврати, вақтнинг ҳайкали янглиғ қотган қоялар қошида биз, бизнинг кундалиқ ташвишларимиз нақадар майда...

Инсон ҳамиша юксак орзулар қанотида яшайди. Биз юксак чўққини забт этишни кўнгилга тукканмиз. Буни сафар деса ҳам, саёҳат деса ҳам бўлади. Лекин бу энг аввало Ватанни ўрганиш, Ватанни билишга бўлган интилишнинг ҳосиласидир. Боиси, бу оддий чўққи эмас, юртимизнинг бир бўлаги. У ўз салобати билан халқимиз қалбига ғурур, жасорат, мардлик бахш этиб туради. Энг аввало, юртимизга шундай тоғ, шундай чўққи ато этгани учун Яратганга шукроналар айтишимиз лозим. Ахир, на тоғи, на чўққиси бўлган халқлар ҳам оз эмас-ку рубъи маскунда.

Чўққилар асов табиатнинг барча бало-қазоларини биринчи қаршилайди. Довул, бўронларни тўсади. Халқимизнинг ўз чўққилари, ўз тоғлари бўлгани каби тоғларимизнинг ҳам ўз чўққилари бор!.. Бургут ҳамиша энг юксак чўққини кўзлайди. Бургут халқимиз ҳам!..

ЙЎЛ, ЙЎЛОВЧИ ВА ЙЎЛБОШЛОВЧИ

Сариосиёда Нор деган йигит бор. Довруғи воҳага кетган. Тоғларни шеър каби ёд олган десак, лоф бўлмайди. Ҳар сўқмоқ, ҳар булоқ, ҳар қояга қон-қариндош, оға-ини.

У бизга йўлбошловчилик қилди.

Қишлоқда қорамағиз, гапдон, шўх, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бола бўлар, ўйинқароқлиги

билан тенгдошлари орасида ажралиб турар, бўлса-бўлмаса тоққа чиқиб кетаверарди. Аста-секин тоғ-тошларга ўрганиб қолди. Бургуту какликлар, ҳилолу юлдузлар билан ака-ука тутинди.

Назар бобо ён-атрофга донг таратган. Унинг ўктамлиги, чаптастлигига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Бир куни бола Назар бобога эргашиб қолди. Бобо милтиқни олиб, патронбоғни белига боғлаб, овхалтани орқасига илиб, тоққа чиқиб бораётганди. Ортидан эргашиб, тўхтамай келаётган болага, эй бола, бор, уйингга бор, қоронғида тоғда сени бўрилар еб кетади, деб дўқ урди, ота-онанг қидириб қолади, деб тушунтирди, бўлмади. Гўё бола ҳеч нарса тушунмасди. Қайсар болага тош отиб ҳайдади, итдан ҳам баттар экансан, итни ҳам ҳайдасанг, урсанг-сўксанг кетади, деди. Бола ҳар тош отилганда нарироқ кетар, кейин яна эргашиб бораверди. Хуллас, ўша куни бобо болани ўзи билан биринчи марта тоққа олиб чиқди. Кечқурун чопонининг ўнгирига ўраб, совқотиб қолмасин деб, бағрига босиб ётди. Бобо унча-мунча одамни ўзига тенг кўрмас, менинг синовларимга дош беролмайди, деб ўйларди. Лекин мана шу болакай қаттиққўл овчининг ишончига кирди. Аста-секин иккиси бир-бирига боғланиб қолди. Устоз-шоғирд бўлди.

Ўша қайсар бола бугун машҳур. Уни Нор овчи дейдилар. Нор овчи бугун бизга йўл бошлаб бормоқда.

КЕЧУВ

Тоғ ён бағрида майда баргли, ўртача катталиклдаги олма дарахтича келадиган сийрак дарахтлар ўсган. Назар бобо, 75 ёшли кекса шу дарахтларнинг бирига жуда чаққонлик билан чиқиб олди. Кичик бир бутани синдириб тушди.

— Бу дарахт татум, — деди у. — Фақат шу ерда ўсади.

Дарахтнинг майда-майда, тукли, зич мевалари бор экан. Барг ва мевалари ҳар томонга эмас, варақ қоғоздай бир текис ўсган.

— Меваси шамоллашга, гриппга даво, — деди Назар бобо. — Меваси сидириб олинади-да, шимилади. Суяқ овқатга ҳам солиш мумкин.

Биз майда, тукли меваларни оғизга солдик. Шимилган сари шўртоб, хуштаъм мазаси чиқди. Таъми қолмагач, меванинг донаси тупуриб ташланаркан.

Сангардакка чиқиш йўли тор. Нотекис. Кескин муюлишлар кўп. Бир томони тошқин ўпирган жар. Машина қийналиб ўрмалайди. Машинадагилар ҳам чўчийди.

Баҳордаги тошқинлар Сангардак дарёсининг эски бир кўпригини бузиб кетгач, тол ёғочлари териб янги кўприк қурилган. Энсиз. Битта енгил автомашина зўрға ўтади. Ҳайдовчи негадир тор кўприкдан эмас, дарёнинг сув ёйилиб оқувчи кенг тошлоқ қисмидан ўтишни афзал билди. Машинадан тушиб, олдинги ғилдиракларни ҳам кучланишга қўшди. Машина секин сувга тушаверди. Биз энди нима бўларкин дея хавотир аралаш кузата бошладик. Ҳайдовчи тоғликларга хос мағрурлик билан, ҳозир сакраб ўтиб кетамиз, деб гапини ҳали тугатмаган ҳам эди, машина туриб қолди. Чамаси, ҳам олд, ҳам орқа ғилдираклари бараварига чуқурга тушган эди. Ҳайдовчи газни оширган сайин машина кўпроқ чўкаверди. Кабинага сув кирди. Глушитель карнайидан сув фавворадай отиларди. Машина сув йўлини тўсгани учун сув тобора юқорига кўтарилади. Биз энди сувнинг ўртасида қолдик, деган хаёл билан тургандик, ҳайдовчи, мана энди қаранглар, деди-да, олд ва орқага чайқалаётган машинанинг маромини олиб бирдан газни босди. Машина баҳайбат қурбақадек сакраб-сакраб сувдан чиқиб кетди. Оғир мушкулотдан осон қутулгандек хурсанд бўлдик. Машинага кириб қолган сув оқиб тушади.

Биз чўққи сари йўлда давом этавердик. Энг баланд чўққилар ҳали олдинда!

САНГАРДАК САЙРИ

Сангардак шаршараси узоқдан кўзга ташланади. Девордек тик, осмонўпар қоялар бағрини ёрган сонсиз булоқларнинг тип-тиниқ кўз ёши шовқин солиб, шиддат ва тўполон билан пастга отилади.

- Бу сувнинг сирини нимада?
- Сирини бир Оллоҳ билади...
- Бу ерларга кўп келишадими?

— Ҳатто чет эллардан, Америкадан ҳам келганларни кўрдим.

— Суви май ойдан июль ойигача кўпайиб, атрофни чиройли қилиб юборади. Шунда камарни ҳамма ёғидан сув чиқади. Шабадаси ана у йўлдан ошиб ўтади. Сувлар Ҳасан-Ҳусан ёй тортади, одамлар сувнинг шамолидан кўрқиб, пастан ёки узоқдан айланиб ўтади.

Сангардак — ноёб ҳодиса. Дунё мўъжизаларидан бири. Қиз сочидек эшилиб ётибди. Гўё сув томчилари эмас, балиқ кўзидек маржонлар, оппоқ тутдек марваридлар сочилаётганга ўхшайди. Тошлар, қояларга чирмашиб ўсган бахмал ўтларнинг илдизларию япроқчаларидан сув бир-бир томчилаб турибди. Тошларга урилиб синаётган сув зарралари ҳавога ёйилади.

Биз дунё мўъжизаларини кўриш, янги ҳаяжонларга берилиш учун баъзан минглаб чақирим йўл босиб, вақт ва маблағ сарфлаб чет элларга бориб келамиз. Аммо, унча-мунча гўзал жойларни кўрган кишилар сифатида айтишимиз мумкинки, Сангардак қаердан кам?!

Денгиз сатҳидан 3 минг метрдан ҳам баландроқ Сангардак шаршарасидан ҳовуч-ҳовуч сув ичиб, атрофни кузатамиз. Энг юксак чўққилар ҳали олдинда! Осмон билан таллашиб, кўкка тутлашиб кетган чўққилар булутлар елканига беписанд улкан кемалардек тураверади. Олис-олислардан, туманлар орасидан энг баланд номсиз чўққи гира-шира кўринади. Лекин унғача ҳали кўп узоқ!

«ЁМФИР ЁҚҚАНДЕК СУВ ТОМЧИЛАРИ...»

Ўрта асрда ўтган турк адмирали Сейди Али Раис машҳур денгизчи эди. Сейди Али Раис Миср флотилияси бошлиғи қилиб тайинланиб, Португалиянинг Сувайиш каналига юборилади. Сейди Али турк флотининг омон қолган кемалари билан Гужарот ва Шимолий Ҳиндистонга боради. У ердан Марказий Осиё, Эрон, Озарбойжон орқали Туркияга қайтиб келади. Унинг бу тўрт йиллик сафари Бобурнинг ўғли Ҳумоюн (1553—1556) яшаган йилларга тўғри келади. Ҳумоюн унинг ҳамроҳларини яхши кутиб олади. Совғалар беради.

Сейди Али Раис ўзининг «Мироътул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») китобида «У ердан Чағониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга келдик. Ўзбек султонларидан Темур султон номига қўйилган ерга келиб, сўнгра Сангардак тоғидан ошдик. Тоғдан ёмғир ёққандек сув томчилари тўхтовсиз томиб турарди. Тоғнинг этагида шу томчилардан бир катта сув ҳосил бўлган эди. У ерда Ҳақ таолонинг қудратини томоша қилдик». («Мироътул мамолик», Тошкент. «Фан», 1963, 97-бет).

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ

Сангардак шаршараси нега бу қадар ташландиқ? Ахир, бутун дунё сайёҳлари келиб томоша қиладиган, завқ-шавқ оладиган, ҳордиқ чиқарадиган масканга айлантириш мумкин-ку бу ерни. Наҳотки, шундай гўзал мўъжиза қаровсиз ва эгасиз бўлса?

Бу жойни вилоятдаги сайёҳлик ишлари билан шуғулланадиган ташкилотлар ўз ҳомийликларига олиб, янада гавжум, ҳатто даромад келтирадиган оромгоҳга айлантиришса бўлмайдими? Бўлади. Балки Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясидаги мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришар? Амалий ишга киришилар? Шундай бўлса савоб бўлар эди.

Дунёга номи чиққан Ниагара шаршарасига етти иқлимдан сайёҳлар ёғилиб бориб тургани учун уни ҳамма билади. Ниагара туфайли бутун давлатнинг номини ҳам жаҳон билади. У давлат ғазнасига қанчадан-қанча фойда келтиради. Сангардакни ҳам шундай жой қилиш мумкин эмас-му?!

Сангардакни нега кўплаб юртдошларимиз билишмайди. Ҳатто номини ҳам эшитишмаган. Ахир, ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан, унинг табиатини билишдан бошланмайдими?! Ватанни муқаддас билиб севишга сабаб бўладиган нарсалар кўп. Шулардан бири — унинг табиати. Табиатга муҳаббат — Ватанга муҳаббат!

Сангардакка ўхшаш табиатимиз мўъжизаларини ўрта мактабларнинг жуғрофия дарсликларига киритиш мумкин. Уларни ёш авлод билса, табиатимиз мўъжизалари билан ҳайратланса... Юртимизда Сангардакка ўхшаш мўъжизавий жойлар оз эмас-ку.

Туманлар орасидан оқариб кўринаётган олис-олис

чўққилар қараганимиз сайин бизни ўзига қаттиқроқ тортаверади. Энг баланд чўққига етиш орзуси бизни бир дам бўлсин тарк этмайди. Бутун вужудимиз, ўй-хаёлимиз шу орзу билан банд. Энг баланд чўққилар эса ҳали олдинда!

ТОҒ ҚУШЛАРИ — ТОҒ БОҒБОНЛАРИ

— Тоғ писталариям бир мўъжиза, кўп дардга даво. Хусусан, кўзни равшан қилади, юракка ҳам фойдаси бор, — дейди шу тоғларнинг «эгаси», боғбон Урозбой Мирзаев. — Айниқса, қадим-қадимдан жигар, ошқозон, ичак, камқонлик, ичбуруғ касалликлари ва турли яраларни даволашда ундан фойдаланишган. Унинг ёғочидан пишиқ ва чидамли қайиқлар ясашган. Шу пайтгача ҳайрон қолиб юрар эдим, тоғ чўққиларига бу писта дарахтларини ким эккан деб, қояларга қандай қилиб писта уруғлари «учиб» борди экан деб, сўнг эътибор қилсам, тоғ қушлари асли тоғ боғбонлари экан. Тоғда нима кўп — турли қушлар кўп. Какликлар, булбуллар, ёввойи каптарлар...

Мана бу ёнғоқларнинг ёши нечада деб ўйлайсизлар? Баланд тоғларга бўйлашгудек бу ёнғоқ дарахтларига қараб: юз йил бўлгандир-ов, деймиз.

— Э йўқ, бу ёнғоқлар уч юз ёшдан ошган бўлса ошган, лекин кам эмас. Мана, ёнғоғидан чақиб кўринглар, пўстлоғи юпқа, дарров чақилади. Мағзи эса бўлиқ. Тоғларимизда мағзи оқ-сарик, қизғиш ва худди шундай пўстлоғи юмшоқ, қаттиқ ёнғоқлар кўп.

Тоғ ҳаёти — ўзгача ҳаёт. Унинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Тоғда юрмоқчи бўлган ҳар бир киши унга бўйсунушга мажбур. Акс ҳолда... Тоққа кўтарилган сайин юриш ҳам, нафас олиш ҳам оғирлашади. Энг баланд чўққига етиш муроди бизни ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишга ундайди. Чўққи ҳали ҳам кў-ўп олисда. Тоғлар салтанатининг буюк ва олиймақом тахтидай салобат ва сарватли кўринади.

ҚИРҚҚИЗ АФСОНАСИ ЁКИ 500 ЁШЛИ АРЧАЛАР

Назар бобонинг гурунглари йўлнинг узоқлигию оғирлигини билдирмайди. 75 ёшли Назар бобонинг қадами тегмаган тоғлар, сўқмоқлар қолмаган. У машҳур

«Дерсу Узала» фильмидаги Дерсуни эслатади. Назар бобонинг қиёфасиёқ унинг тоғ-тошларга жон-қони билан сингиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

— Мана шу ўтирган жойимиз Қирққиз қояси бўлади, — дейди Назар бобо. — Бир замонлар ёвдан қочиб келиб шу тоғларда паноҳ топган қирқта малика, бир кечада тоғ бағрига сингиб кетган. Улар ўрнида эса қирқта кўркам арча ўсиб чиққан.

Арчалар... Арчалар жуда кўп. Аммо бир жойда тўп бўлиб ўсан тоғ бағридаги қирқ туп арча бир хил яшнаб, неча юз йилларки сир-синаот гувоҳи, сир-асрор рамзи бўлиб турибди.

— Бир йили қиш пайти эди. Сўқмоқда ўтириб, кўзим илинган экан. Анча ухлаб қолибман. Бир пайт кўзимни очиб қарасам, қаршимда иккита айиқ, — дея суҳбатни давом эттиради Назар бобо. — Бутун баданим музлаб кетди. Миямга келган фикр шу бўлди: айиқдан кўзимни узмай: «Кет, мен одамман», — дедим. Шу гапимни айтганим ҳамона катта қўнғир айиқ орқасига бурилиб лўкиллаб кета бошлади. Иккинчиси ҳам бир муддат менга қараб важоҳат билан ириллаб турди-да, шартта орқасига бурилиб жўнаворди. Айтиб қўяй, одам учун ёввойи чўчқадан хавфлиси йўқ. Ёввойи чўчқа жуда хавфли. У бирдан одамга хужум қилиб қолиши мумкин. Бир гал шундай бўлганда, зўрга қутулиб қолганман.

Гурунглр... гурунглр... отлар ҳақида, овлар ҳақида, тоғлар ҳақида... Назар бобо берилиб, терлаб-пишиб сўзамоллик, ровийлик қилади. Йўл юраётганимиз гоҳ билинади, гоҳ билинмайди. Яқинлашганимиз сари чўққи ўз сеҳру жозибаси билан диллару ақлларни кўпроқ ром этади. Ўзига қаттиқроқ тортади гўё. Ҳамон олисда Чўққи!

ОСМОНТАЛАШ, ХҲЖАПИРЯХ ВА ИСТИҚЛОЛ ЧҲҚҚИЛАРИ

Тоғларда қалбни йиғлатгудек улуғлик ва сулувлик ҳукмрон!

Денгиз сатҳидан 4200 метр баландда, Осмонталаш чўққисидамиз. Ёнимиздан оғир булутлар шовуллаб сузиб ўтади. Узоқ-узоқларга қараймиз. Чўққилар салтанати — заминнинг тахти, тоғларнинг тожи! Ватанимиз чўққилар тимсолида юксалиб бораверади. Ўзбекистон

чиндан ҳам нақадар улуғ, бепоён диёр! Унинг чегараларини хаёлда бирдан тикласангиз, қамраб олишга ҳатто хаёл қуввати ҳам етмайди. Юрагимиз ўз-ўзидан тўлиб-тошиб бормоқда. Кўксимиз фахр-ифтихорга тўла! Ич-ичимиздан бир ҳайқириқ отилади: «Ўзбекистон — бахтга ёр диёр!» Шу муқаддас ерларда Истиқлолимизнинг бўй-басти ҳам ушбу чўққилардек юксалажак, Истиқлолимиз ҳам ушбу чўққилардек коинот маъвосида абадиян қолажак, бутун дунё ушбу чўққиларга ҳавас билан қараган каби Ўзбекистонга ҳам бутун жаҳон ҳавас билан қараяжак, дея иймон келтирамиз!

Бу ерда бир-бирига яқин уч юксак чўққи бор. Осмонталаш, Хўжапирях ва номсиз чўққи. Хўжапирях ва номсиз чўққи мангу музликлар исканжасида узоқдан ярқираб кўринади. Туманлар қоплаб олган. Тоғлар, қирлар биздан пастда, бир неча баробар кичрайган шаклда кўзга ташланади.

Бизга совуқ билинмасди. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари билан ёнма-ён турганлигимиздан гурурга тўла юрагимиз гўё мангу музликлар муҳитини иситиб турибди. Қўл чўзсангиз — осмонга етгудек. Бу чўққиларни сахий табиат ижодининг энг нодир асарлари дейиш мумкин. Энг баланд — номсиз чўққи ўзига қанчалик чорламасин, унга яқинроқ бориш жуда мушкул. Биз шу ерда бир нарсани аниқ ҳис этдик. Энг баланд чўққига чиқиш, унга етиш осон эмас. Чиқиш учун, керак бўлса, альпинистларга хос тайёргарлик, махсус ёрдамчи жиҳозлар зарур. Биз ана шу жиҳатларни назарда тутиб, уни забт этишни кейинги сафарга қолдирдик. Афсуски, бу галги орзуимиз яна орзулигича қолди. Лекин бизни ҳеч нарса ниятимиздан қайтаролмайди! Тоғларнинг ўз тортиш кучи бор. Бу қудратли куч. Тоғларга бир марта меҳри тушган одамни шу қудратли куч умрбод ўзига тортиб туради. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси... Қанийди, у ерда Давлат Байроғимиз ҳилпираб турса!

Сафаримиз оддий саёҳат эмас. Ўлкамиз табиатининг нақадар бойлиги, ранг-баранглигини кўришни, ундаги ўзгариш ва жараёнларни кузатишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйгандик. Табиат — инсоният бешиги. Бу бешиқда ватанлар, халқлар улғаяди. Миллатимиз юртимиз табиати — ўз бешигида дунёни таниди, ўзини дунёга танитди. Бу табиатни кўриш, билиш — уни

севмоқ, севмоқ эса — унинг учун фидоликдир! Зеро, ватанпарварликнинг моҳияти ана шунда.

Чўққилар — сакраб чопаётган олқорни эслатади.

Чўққилар — яшиндек ярақлайди!

Ер юзининг энг баланд нуқталаридан бири бўлган номсиз чўққи мустақил Ватанимизнинг истиқболдаги юксалишлари рамзи. Юксак чўққилар камдан-кам мамлакатлар тақдирига битилган. Шу қутлуғ тақдир раво кўрилган юртимизнинг қадди-басти ҳам, иқболи ҳам шу чўққи монанд юксак бўлгай, иншооллоҳ!


Биз яхши ният билан номсиз чўққига ўзимизча **ИСТИҚЛОЛ** дея ном бердик. **ИСТИҚЛОЛ ЧЎҚҚИСИ!** (Чўққи шундай номланишини таклиф қиламиз). Иншооллоҳ, Истиқлолимиз шу чўққи сингари юксакдан-да юксак ва абадий бўлгай!

Тошкент — Сарийосиё — Тошкент.


«Ўзбекистон овози»,
1998 йил 3 ноябрь.



Учинчи қисм



Яшил наво





СУФИ ОЛЛОЁРНИНГ СУЊГИ КАРОМАТИ

1991 йил қишининг охирлари эди. Шоир Азим Суюн:

— Қишлоқдан бир жомадон бойлик олиб келганман. Эски китоблар. Ўтинглар, бир ўқишайлик, — деб қолди.

Шундай бир хазинанинг дарагини эшитамиз-у, бор-маймизми! Ёш бўлса ҳам, жумҳуриятимиздаги машҳур хаттотлардан — Ўзбекистон Фанлар фарҳангистони (академияси) Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмгоҳи Алишер Навоий бўлимининг аспиранти Сайфиддин Рафиддин билан бирга жўнадик. Азим ака Ўзбекистон Фанлар фарҳангистони Тилшунослик институтининг илмий ходими Рустам Сафоев билан бизни кутиб ўтирган экан. Кейин ота-бобосидан қолган бир эски китобни чопоннинг ичидан қўлтиққа қистириб Азим аканинг бир кўшниси ҳам кириб келди.

Хонтахта усти тўла китоб. Бир хиллари шунчалар катта, шу қадар салобатлики, бундай маънавий сарватларни яратган кўчирган, муқовалаган аждоқларимиз руҳи олдида ҳаммамиз бир муҳлат бош эгиб қолдик.

— Бобом мулло Суюндан отам мулло Олимга, ундан менга қолган мерос шу! Қишлоқда яна бир сандиғи бор, — деди Азим ака.

Сайфиддин қори вазиятни нозик илғаб:

— Келинлар, шу китобларни битганлар, кўчирганлар, муқовалаганлар, асраганлар руҳи поклари, Азим аканинг боболари, оталари ҳақиқага бир Қуръон тиловат қилиб қўяйлик, — деди-да чордана қуриб ўтирган жойидан қўзғалиб чўк тушди-ю, шундай бир ширали қироат билан тиловат қилдики, баданларимиз жимирлаб кетди. Руҳимиз ўзгарди, бошқа бир оламга кириб қолаёздик...

— Қироатингиз жуда зўр экан-ку, мулло, — деди Азим ака.

Сайфиддин камтарлик қилиб ўтирмади:

— Мен тиловат қилганда онам кўзларига ёш олиб ўтирадилар. Овозим худди бобомнинг қироатларига ўхшар экан. Ана шу қорилигию илми туфайли Шаҳ-рисабзда — бутун Қашқа воҳасида элнинг хурматига сазовор бобомни шўро ҳукумати олиб кетиб, Тошкент-да отиб ташлаган...

— Қаранг, менинг бобом ҳам сургун қилинган, — деди Азим ака. — Отам ҳам бобомдан ўрганган шунча илмини ичига ютиб, умрини оддий чўпонлик билан ўткарди. Янги тузум тарафдорлари бобомнинг кўзи олдида унинг қанчадан-қанча китобини ёқиб юборган экан. Буларни, — деди Азим ака китобларга ишора қилиб, — отам бир амаллаб сомонхоналарда яшириб асраган...

— Бари қулоқларнинг болалари йиғилиб қолиб-миз, — дедим мен ҳам. — Шўро ҳукумати она бобомни она сутидек ҳалол арзимагангина ота меросига эга бўлгани учун Гуржистонга (у киши худо раҳмати «Гур-жинистон» дердилар, эҳтимол, ўша тўғрироқдир) қулоқ қилиб юборган. Ота бобом мулло Олим эса тўрт йилгина Бухоро мадрасасида ўқиганлари учун, укам Мирзааҳмад шеър қилиб ёзганидек, «бир чимдим илм деб» умр бўйи давлат олдида гуноҳкор бандадек ўтдилар бу дунёдан...

Қиш кунлари боболаримиз овлоқ-овлоқ меҳмон-хоналарда, сандал атрофига йиғилиб олиб китобхонлик қилганларини биз тенгилар яхши эслайди. Шу куни биз ҳам ўзимизни хонтахта атрофида ана шундай ҳолатда ҳис қилдик. Мулло Сайфиддин қўлёзмаю тошбосмаларни бир чеккадан варақлаб, қандай китоблигини айтиб берди. Орадаги суҳбат у савол-жавоблар асносида гап келиб авлиёю шайхларга тақалганда, Сайфиддин мени танқид қилишга ўтиб қолди-ку:

— «Шайхлар каромати» деган мақолангиз (бу «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1991 йил, 1 февраль сонисида чиққан эди) кичик сарлавҳасидаги «Навой ва экстрасенслар» деган сўзлар тўғри келмайди-да. Шайхларнинг кароматларини экстрасенслар ишлари билан бир нарса қилиб қўйиш мумкин эмас. Каромат кўрсатиши учун одам, аввало, шариат қоидаларига тўлиқ амал қилиши керак.

— Хўш, — дедим қизишиб, — аввал шариат, кейин тариқат ва шундан сўнг ҳақиқат. Лекин, мана, Кашпировскийни олинг. Телевизор экранисида туриб қанча одамнинг чандиқларини йўқотди, оқ сочларини қорайтирди. Ёки инглизлардан биттаси ўз уйида ўтириб, Лон-

дондаги машхур қадимий соатни тўхтатиб қўйибди ёки яқинда Москвадан «Время» кўрсатувида намойиш қилинган воқеани олайлик. Бир ҳинди ўйингоҳ майдо-нида — минг-минг одамнинг кўзи ўнгида бир чойшаб узра чалқанча ётди, устидан ўша чойшабга ўн-ўн беш баробар келадиган чойшаб ёпдилар. Кейин у дуосини ўқий-ўқий секин ўша чойшаблар билан бирга ерда қандай ётган бўлса, шу зайлда ҳавога икки-уч одам бўйи кўтарилди. Сўнг секин яна ўша маром билан ерга қўнди. Чойшабни очдилар. Ичидан ҳалиги одам чиқиб, икки кафтини бир-бирига қўйиб, томошабинларга таъзим бажо келтирди. Бунга нима дейсиз? Ахир, у мусулмон бўлмаса ҳам: «Худога илтижо қилдим. Дуо ўқидим. У менинг илтимосимни бажарди», — деди-ку!

Масала жиддий қўйилган, тўғриси, бу саволларимизга муфассал жавоб топишга ҳамсуҳбатлардан ҳеч бири-мизнинг илмимиз етарли эмас эди. Қадим Шарқ асрлар мобайнида яратган ботиний ва зоҳирий илмларнинг кўпидан қарийб тамоман беҳабар бўлсак, бундай чўнг муаммолар ечимига қаердан ҳам онгимиз етсин. Шунинг учун мулло Сайфиддин гапни бошқа ёққа буриб:

— Келинглар, бу гапларни қўя турайлик. Яхшиси, китобларни варақлашни давом эттирайлик, — деди.

Кейин у навбатдаги китобни кўлига олди. Юзининг чангини артган бўлиб:

— Сўфи Оллоёр экан. Озгина ўқиб берайми? — деди-да, тасодифан китобнинг ўртароғини очди-ю, ўқий бошлади.

Биз мавзуни бошқа ёққа буриш учун Сўфи Оллоёрни варақламоқчи бўлдик. Аммо, хоҳ ишонинг, хоҳи йўқ, Сўфи Оллоёр бизни яна ўша — ҳозирги баҳслашиб турган масаламизга чорлаётган эди. У гўё орадан уч аср ўтгандан кейин тирилиб келиб, суҳбатимизга бевосита аралашди. Чунки Сайфиддиннинг қўллари тасодифан очган саҳифадаги мисралар худди ўша — шариатсиз кишининг ҳавога учиши ҳодисаси ҳақида сўйлар эди:

Шариатсиз киши учса ҳавога,
Кўнгил берма анингдек худнамоға.

Ҳавога учса, монанди чибиндур,
Ани ҳоди дема, шайтони диндур.

Шариатсиз киши гар ютса ўтни,
Ҳаво ўртасида минса булутни,

Қачон топқан эрур қурбат ҳидини,
Вали билманг тақий андоқ кадини.

Бўлубтур мундоғ ишлар кофирийдин,
Начукким, бўлди сеҳри сомирийдин.

Бу сўзларни тинглаб, ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Чунки Сўфи Оллоёр одамнинг дуо билан ҳавога учишидан бохабар экан, у бизга шариатсиз кишининг ҳавога учиши ўзини кўрсатиш («худнамо»лик), у гўё бир чивин (пашша), деяётибди. Уни «ҳоди», яъни йўл кўрсатувчи шайх деб билма, унинг дини — шайтоний, деб, ҳатто у шариатсиз одам оловни ютса ва ё осмонга чиқиб булутни минса ҳам, у қурбат, яъни Оллоҳга яқинлик ҳидини қаёқдан билсин, бундай кади, яъни ошқовоқни вали деб билманг, чунки бундай ишлар кофирдангина келади, деб уқтираётибди.

Баҳс мулло Сайфиддиннинг фойдасига ҳал бўлган эди.

— Тасаввуфда кароматлар бевосита мусулмон дини, яъни шариат билан боғлаб талқин этилиши маълум, — дедим. — Бироқ ўша бошқа дин вакиллари ҳам Худо орқали шундай шарафга эга бўлдик, деб тан олади-ку.

Сайфиддин мени тинглаган бўлди-ю, жавоб ўрнига айнан қолган жойдан Сўфи Оллоёрни ўқишга тушди. Буни қарангки, Сўфи Оллоёр ҳатто услубан ҳам худди менга уқтириб айтаётгандек эди:

Эшиткил, балки фиръавн амридин Нил,
Қуйидин юққориға оқди беқил.

Муни билгилки, Ҳиндистонда ҳоло,
Учарлар кофирин санноси боло.

Шариат ҳукмин этмай истиқомат,
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.

Бояги сўзларга-ку ҳанг-манг бўлиб қолган эдик. Энди Сўфи Оллоёр ҳатто ўша бевосита Ҳиндистонда осмонга учган одам ҳақидаги баҳсимизга жавоб айтаётган эди. Ҳиндистонда осмонга учган одамнинг таажжуб қиладиганишлари ҳам қаромат эмаслигини, бу тугул, фиръавн амри билан Нил дарёси тескари оққанда ҳам у каромат бўлолмаслигини исботлаётган эди.

Бу — Сўфи Оллоёрнинг руҳи поклари орадан уч аср

ўтгандан кейин кўрсатаётган каромат эди! Агар бу каромат бўлмаса, шу лаҳзада биз Ҳиндистонда одамнинг осмонга учганини айтамузми-ю, китобнинг шундай ҳодисалар кароматми-йўқлиги битилган саҳифалари ўз-ўзидан очиладими-ю, яна худди ўша осмонга учиш ва яна айнан бу ҳодисанинг Ҳиндистонда содир бўлиши айтиладими?! Демак, Ҳиндистонда одамнинг осмонга учиши неча асрлар илгаридан ота-боболаримизга маълум экан. Биз эса буни телевизорда кўриб, гўё энди пайдо бўлган янгилик каби ёқа ушлаб ўтирибмиз.

Шу лаҳзада Азим Суённинг ижодхонаси, ҳазрат Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, «авлиёуллоҳ файзидан тўлган» эди. Негаки, Сўфи Оллоёр фақат шоиргина бўлмаган, у киши, аввало, шайх — авлиё ўтган. Самарқанднинг ҳозирги Оқдарё туманига қарашли Минглар қишлоғида туғилган, милодий 1616—1706 йилларда яшаган бу зоти шариф Бухородаги Жўйбор шайхлари қўлида узоқ йиллар тасаввуф йўлида тарбия топган, охири ўзи ҳам камолга етиб, шайх бўлган, мурид тўплаб, тариқатни тарғиб этган эди. Бу авлиёнинг тириклигида каромат кўрсатгани аниқ. Аммо бугунги ҳодиса у киши руҳининг уч асрдан кейин ўз авлодларига кўрсатган ажиб ва ўзига хос каромати эди.

Бежиз эмаски, «Ўрта Осиёда одатда савод чиқарилгандан сўнг, албатта, Сўфи Оллоёр ўқитилар эди» (Маҳмуд Ҳасаний. Сўз боши ўрнида. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Тошкент, 1991, 3-бет). Шунинг учун унинг ёзганлари дунёнинг турли ерларида, Туркистондан ташқари, Қозон ва Бокуда, Саудия Арабистони, Покистон каби мамлакатларда чоп этилган, «Сабот ул-ожизин» деган асарига ҳатто икки марта махсус шарҳ китоб ҳам битилган. Биз узоқ йиллар ана шу бобомизнинг гўрларига ўт қалаб келдик. Олий мактаб адабиёт дарслигида, жумладан, унга шундай «айб»лар қўйилган: «... бу китоб («Сабот ул-ожизин» — С. О.) «азиз-авлиёлар» каромати, гўр азоби, мункар-накирлар даҳшати, қиёмат ва қилқўприк каби афсона ва сафсаталарга бағишланган. Бу билан Сўфи Оллоёр кишиларга даҳшат солиб, уларни қўрқитиб, онгини заҳарлаб, уларни эксплуататор синфларнинг ҳар қандай жабр-жафоларига кўниш, ердек вазмин бўлиш руҳида тарбияламоқчи бўлади» (2-китоб. Тошкент, 1980, 115-бет). Беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг 3-жилдида (Тошкент, 1978, 115-бет) ҳам Сўфи Оллоёр қорадан олиб, қорага солинади: «Сўфи Оллоёр... ўзи-

нинг ...ҳаётдаги реакцион фаолиятидек, адабиётда ҳам ислом ақидаларини пеш қилиб, эксплуататор доираларга маддоҳлик қилар эди. ...Бошдан-оёқ хурофий байтлар тўқиб, оддий халойиқни ваҳимага солади, уларни ҳукмдорларнинг топшириқларини сўзсиз ижро этишга ундайди».

Ахир, Сўфи Оллоёр кароматни сиз билан биздан яхшироқ, теранроқ тушунгандирки, у ҳақда шунчалар ёзган. Унинг бу гапларига биздан олдинги авлод адабиётшунослари ишонмаган бўлса бордир, биз ушбу суҳбатимиз чоғида бундай ҳодиса мавжудлигига, инсон ўз руҳини камолга етқариб, Оллоҳнинг шарофати билан ғайриоддий, фавқулодда ишлар қилиши — мўъжизаю кароматлар кўрсатиши мумкинлигига яна бир бор имон келтирдик.

Кўп даврлардан буён Сўфи Оллоёрнинг номи шарифлари, руҳи поклари Ўзбекистонни тарқ этган эди. Суҳбатимиз кечган пайтгача ҳали бу шоиримизнинг ҳозирги ёзувда ҳеч қачон асарлари чоп этилмаган эди. Қарангки, ўша кунлари байтлари бизни лол этган «Сабот ул-ожизин» манзумаси «Чўлпон» ва «Меҳнат» нашриётида чоп этишга тайёрланаётган экан. Эҳтимол, шунинг учун у кишининг руҳлари юртимизга қайтиб келгандир. Авваллари бир йилда икки нашриёт бир асарни чоп этса, «кўринг тамошони» эди. Ҳамма нарса юқоридан туриб бошқарилар эди. Энди эса, мана икки нашриёт бир китобни ўзаро рақобатлашиб эълон қилибди.

Мен Сўфи Оллоёрдек руҳи азизлар кўп йиллар бизни тарқ этганига ўқиниб, улар яна ўзбек хонадонларига нурдай бўлиб кириб, кароматлар кўрсата бошлаганидан туғилган қувончимни сизлар билан баҳам кўришни лозим топдим.

**Султонмурад ОЛИМ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Адабиёт
илмгоҳининг докторанти.**

**«Фан ва турмуш»,
1992 йил 5—6 сон.**

НОРБИБИ ЭНА

Оналарнинг ҳаммаси яхши. Оналарнинг ҳаммаси бахтли. Негаки, инсон боласининг жисму тани, бутун вужуди, руҳияти унинг муҳаббати билан йўғрилган.

Биз Ватанга таъриф бериб, Она-Ватан деб улуғлаймиз. Она учун ватан фарзанддир. Бу шундай ватанки, она уни ўзидан бошқа ҳеч бир инсонга ишониб топширолмайди. Ҳамиша бағрида асрашни истайди. Бироқ...

Бизнинг тасаввуримизда табиатдаги ҳар бир тиррик жон — ҳар бир инсон фақат бир марта туғилади. Фақат оналаргина бу темир қонуниятни четлаб ўтишга қодирдилар. Улар ҳар гал фарзандлари билан қайта-қайта дунёга келадилар, улар билан бирга улғаядилар.

Одат бўйича мусулмон дунёсида ибодат пайти оламни сув босса ҳам намозни бузиш гуноҳ ҳисобланади. Фақат бир ҳолдагина, агар ўша муслим ёки муслимани волидаи муҳтарамаси чорлаб қолсагина намозни тўхтатишга руҳсат этилади. Бу тасодиф ёки шунчаки урф эмас, балки фарзанд олдидаги она қадрининг тимсолидир.

Она ўз жигарбандини Яратганнинг мукофоти, тиркликнинг неъматини деб эъзозлайди, гард юқтирмай катта қилади. Ҳамиша кўз ўнгида юришини, ҳар бир ҳаракати, ҳатто ўй-хаёлларидан ҳам воқиф бўлиб яшашни истайди. Бироқ ҳаёт шафқатли эмас: бир-биримизга қанча интилайлик, фурсат етиб тақдир деб аталмиш уммоннинг икки соҳили эканлигимиз намоен бўлиб қолади. Эндигина онажонимизнинг қадрига етаётганимизда ундан беихтиёр узоқлашиб кетамиз. Онаизоримизни меҳримизга илҳақ, йўлларимизга интизор қилиб қўямиз.

Олти нафар ўғилни дунёга келтириб камолга етказган Норбиби эна Нурота тоғ тизмаларининг пинжиги кирай-кирай деб турган дўппидеккина Накурт қишлоғида кечаю кундуз болаларини дуо қилиб яшайди. Гоҳо дуодан бўлак юмушга ярамасам, нима қилай, деб ўзича зарланиб қўяди. Йўқ, аслида тошлардан гул ундириб, дарёларни тескари оқизган ҳам, қирғинбарот урушларга барҳам бериб, хурлик ниҳолларини ундирган ҳам оналар дуосидир.

77 ёшли онахон ширин хаёллар билан ёстиққа бош кўяди. Энанинг сергак кўзларига ҳадеганда уйқу кела-вермайди. Улар ҳар бир нуқтадан ёруғлик излашга, ҳар бир сониядан яхшилик кутишга ўрганиб қолган. Қола-верса, бу қишлоқда юлдузлар шунчалар ёрқин чарақ-лайдики, осмон тўла ой дейсиз.

Халқимиз шоирларни азиз билиб, бошига кўтарган улуғ халқ. Бизнинг юртимизда қадим-қадимдан шоир туғилган уй, шоир юрган йўллар, шоир сув ичган булоқлар табаррук аталган. Шоирнинг турмуш ўртоғи, ўғил-қизларининг кўрар кунларини ҳам элнинг мубо-рак назари мунаввар этади. Лекин не-не тарихий би-тиклар борки, уларда шоирларнинг оналари ҳақида биз излаганчалик кўп маълумотлар йўқлиги кишига малол келади. Ҳолбуки, биз Навоийнинг, Машрабнинг, Но-диранинг волидаи муҳтарамалари тўғрисида кўпроқ би-лишимиз, уларнинг ҳаётий тажрибалари ва ўғитларини ўрганишимиз даркор эди.

Норбиби эна ҳам шоирнинг онаси. Бахшиёна шеър-лар муаллифи, эл назарига тушган Азим СУЮНни ал-лалаб, улғайтирган она.

Норбиби эна ўғлининг шеърларини эмас, шеър ўқиш оҳангларини ёддан билади, китобларини муқо-вадаги ёзувиданмас, ҳидидан танийди. Эна телевизор кўришга иштиёқманд эмас, лекин шоир ўғли чиқадиган кунларни кўнгли сезиб, ойнайи жаҳонга термулиб ўти-ради.

— Азимбой жуда яхши бола бўлган. Инжиқлик қилишни ҳеч билмасди. Оёғи чиқиши билан отасининг ортидан эргашиб мол боққани тоққа чиқиб кетган. Мактабга ҳам тўққиз ёшга етиб, бўйи анча чўзилиб қолганда борган. Лекин бир гап эшитса, тагига етмас-дан қўймай савол бераверарди. Газета-журнал кўлига тушиб қолса, биринчи варағидан тортиб охирги бетига-ча битта сўзиниям қолдирмай ўқиб чиқарди.

— Эна, мана сизнинг олти ўғлингиз бор. Азим ака болалигида ака-укаларидан нимаси билан фарқ қиларди? Ўғлим катта бўлса зўр бир шоир бўлади деб ҳеч хаёлингизга келтирганмидингиз?

— Бир қориндан талашиб тушгани билан болалар-нинг ҳаммаси бир хил бўлмаскан, ҳар хил бўларкан. Азимбой бирор иш қилса, ҳеч кимдан тап тортмай қиларди. Томни бошига кўтариб қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Китоб-питоб ўқисаям овозини баланд чиқа-риб бақириб-бақириб ўқирди. Акаси Нурбек ва укалари

хам ўқишарди-ю, лекин улар анча тортинчоқ эди. Шоир бўлар деб ўйламовдим-у, лекин шу боламдан ҳар доим кўнглим тўқ юрарди. Азимбойим тегирмонданам бутун чиқади худо хоҳласа, деб қўярдим ўзимча. Мана, айтганимдай бўлди. Элликка кираяптики, ҳеч қуйдиргани йўқ. Мартабаси бундан ҳам улуғ, насибаси бутун бўлсин, илойим!

— Азим аканинг қишлоққа — бағрингизга қайтиб келишини хоҳлайсизми?

— Қайси она хоҳламайди дейсиз, боласининг ёнида бўлишини... Мен ҳам ўғилларимнинг ҳаммасини кунда кўриб турсам дейман. Лекин бунинг иложи йўқлигини ҳам биламан. Чунки болам бундан ўттиз йил олдин Тошканга бир ўзи кетган бўлса, ҳозир ёлғизмас. Аёли, бола-чақа билан ҳам ҳисоблашиш керак-да! Ўзи жон деб келарди-ю, ўғил-қизлари шаҳарда туғилиб, Тошканга ўрганиб кетишган. Майли, қайда бўлишсаям, омон бўлишса бўлгани. Бошлари тошдан бўлсин болаларимнинг...

Норбиби эна ҳар бир гапини қутлуғ дуолар билан якунлайди. У менга қарамайди ҳам, ерга тикилганча, хотиржам, сокин бир оҳангда сўзлайверади. Мен эса нуроний қиёфага қараб ўйланиб қоламан: бу ажинлар қисмат чизиқларимикин ёки тақдир дарахтининг томирларимикин! Уларнинг қаърида онахоннинг ёлғиз ўзигагина аён бўлган қанча сиру синоат, меҳнат ва машаққат, хуш ва нохуш хотиралари яшириндир...

— Отам уста Мамадалибой 80 ёшда, энам Бегимой 84 ёшида қазо қилишган. Жойлари жаннатда бўлган бўлсин, илойим. У пайтларда куёв ҳам тайёр турган эканми, мени 14 яшарлигимдаёқ 5—6 та оҳорли кўйлагу, 3—4 сўзанани сеп қилиб узатиб юборишган. Бир қўра молимиз бўларди. Кунда икки маҳал 18—20 талаб сигирни кўрдим демай соғиб ташлардим.

Норбиби энанинг ҳикояларини ярим тунгача алла эшитгандек ҳузур қилиб тингладим. Онахон ҳозир қаддини тик тутиб юролмайди. Лекин ёшлигида ниҳоятда сарвқомат, дилбар аёл бўлганлиги шундоққина кўриниб турибди.

— Ўзим яхши келин бўлганим учун Яратган менга ҳам оёқ-қўли чаққонгина келинларни насиб этди.

Эна ҳовлида елиб-югуриб хизмат қилаётган келини Зулайҳога астагина кўз қирини ташлаб қўяди. Дарвоқе, беш қиз ва икки ўғилнинг онаси бўлган Зулайҳо қайнонасининг кўнглидаги гапни кўз қарашиданоқ сезади.

Қайнона-келин меҳмонлар ёнида ҳеч бир гап-сўзсиз, имо-ишорасиз, фақат кўзлари билангина сўзлашадилар.

Одамзот одатда болаликда бетоқат бўлади. Сал-пал оқ-қорани таний бошлагач ношукурлик дардига учрайди. Сабр-бардошлилик эса кексалар фазилатидир. Норбиби эна ҳам ҳар бир ҳодисани табиийдек қабул қилади, ҳеч қачон нолимайди, зерикмайди, «уфф» тортмайди. Уғилларининг, бир-биридан ширин невараларининг йўлига кўз тикишдан толиқмайди.

Накурт худо ярлақан қишлоқ. Бу қишлоқнинг сон-саноксиз хуштаъм булоқлари бор. Норбиби эна ҳовлисининг биқингинасида ҳам оби ҳаёт — кечаю кундуз қайнаётган булоқни одамлар АҲМАДБУВА БУЛОҒИ деб атайдилар. Булоқдан сув олиш учун келган кишилар бир этак неvara, эvara ва чевараларнинг пиру бадавлат буваси — 86 ёшли Аҳмад бува ва унинг 85 ёшли фариштадай кампири Яхшигул эналарнинг оқ фотиҳаларини ҳам қўшиб олиб қайтадилар.

Азим Суюннинг жўшқин болалиги ҳам шу булоқ бошида ўтди. Кексалар булоқнинг бошидан сув ичган элнинг палаги тоза, дийдаси юмшоқ, юраги бақувват бўлади, дейишарди. Рост экан...

Норбиби эна бизни қандай кутиб олган бўлса, худди шундай кузатиб қўйди. Онахон яна дуога қўл очади. Мен интизор кўнгилнинг дуолари албатта ижобат бўлгай деб ишонаман. Губорларим аригандай, бир қадар таскин топгандай бўламан.

Одамлар шоирларнинг турмуш ўртоқларига ҳам қийин бўлса керак деб ўйлайдилар. Бу тахминда жон бор. Ижод оловида тоблангувчи вужудга, юракка далда бўлмоқ чиндан-да мушкул. Лекин энди билсам, шоирларнинг оналарига ҳам осон эмаскан. Шоир онасини соғиниб кечалари безовта бўлади, шеър ёзади. Она фарзандини қўмсаб кўз юмай тунларни тонгларга улайди. Шоир шеър ўқиса руҳланади, она дуо қилса енгил тортади.

Меникимас кўпники бўл, деб боласини алқайди. Шоир эса кўпчиликнинг кўрки бўлиб юраверади. Она бугунни ҳам, келажакни ҳам, қувончни ҳам, бахтни ҳам болалари тимсолида тасаввур қилади.

Қуёш порлар шудринг бағрида,
Бахтсиз бўлмас сира аёллар.
Оналарни ҳар куни тунда
Эркалайди ёруғ хаёллар.

Шоирлар қанча бўлса, уларни соғиниб яшаётган Норбиби энадай кўзлари йўлларга нигорон оналар ҳам ўшанчадир. Шоирга она бўлмоқ осонмас, бунинг учун меҳру муҳаббатнинг ўзигина камлик қилади. Ўшанча сабру тоқат, заковат ва жасорат ҳам керак бўлади. Кўнглим сезиб турибди, бир кунмас бир кун «Шоир оналари» деган муборак мажмуа яратилади ва у Ер юзидаги барча аёлларга ҳаёт сабоғи сифатида тортиқ қилинади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Азим СУЮН

ОНАЛАР

Қўл силкитиб қолар оналар,
Хайр, десак мунис қучоққа.
Қўл силкитиб толмас оналар
Биз кетар чоғ йироқ-йироққа.

Турналардек тоғлардан ошиб,
Денгизлардан шошиб ўтармиз.
Уфқларга аста ёндошиб,
Кенгликларга сингиб кетармиз.

Қўл силкитиб турар оналар,
Бизлар кетган ёқларга қараб.
Узун хаёл сураар оналар
Ўтган учқур дамларни санаб.

Бизлар-чи, гоҳ осмону фалак,
Ўйларимиз бегона, холи.
Орзулар деб жонимиз ҳалак,
Ахтарамиз саодат, толеъ.

Оқ сочларин жимгина тараб,
Кўзлари тўрт кутар оналар.
Бизнинг кетган йўлларга қараб,
Қўл силкитиб ўтар оналар...

«Saodat»,
1997 йил, 6-сон.

ЎЗБЕК ШОИРИ — ЖАҲОН МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОСИ

Буюк Британия бошкенти Лондондан хушхабар келди: ўзбек шоири, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Азим Суюн Жаҳон маданият ва санъат Академиясининг аъзоси этиб сайланди. Бу воқеа ўзбек шеъриятининг шарафини яна бир поғона юқорига кўтаради. Айни пайтда эса бу воқеанинг собиқ иттифоқ ҳудудида иккинчи эканлиги республикамиз учун қадрлидир.

Ўзбек адиблари ва китобхонлари узоқ мустамлакачилик сиёсати туфайли бундай муҳим адабий ташкилот борлигини ҳам билмас эдик. Ҳолбуки, бу ташкилот 1969 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган экан.

Дастлаб Филиппин шоири Амадо Юзон, Чин шоир Тин Вэн Чунг, Ҳиндистон шоири Кришна Шринивас ва АҚШ шоири Лоу Лу Тоу бошчилигидаги ташаббус гуруҳи Филиппинда учрашиб, бутун дунё шоирларининг бирдан-бир ташкилотини тузишга келишдилар. Сўнг кўп ўтмай 14 мамлакат шоирлари Филиппинга келдилар ва Бутундунё Шоирлар Конгрессини таъсис этдилар. Бу ташкилотнинг мақсадлари қуйидагича белгиланди:

1. Дунёда бирлик — ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун:
 - давлатлар орасида юзага келган тушунмовчиликларни бартараф этиш;
 - шахсни ҳурмат қилиш;
 - диний тенгликни ривожлантириш;
 - инсонга меҳрибонликни кучайтириш;
 - тенгликка қаршилик қилувчи сиёсий тўсқинликларни йўқотиш;
 - дунё миллатларининг тенглигини таъминлаш — бу ишларни юксак шеърият воситасида олиб бориш.
2. Адабий ташкилотларни сиёсий таъсирлардан сақлаш учун умуминсоний қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш.

3. Маҳаллий шоирларга кенг минбар бериш, уларни қўллаб-қувватлаб, асарларини дунёга таништириш.

4. Ва ниҳоят, энг муҳими, дунёда тинчлик ва қардошликни шеърият орқали мустаҳкамлаш.

Бутундунё Шоирлар Конгрессига аввало юқорида номлари саналган ташаббус гуруҳи аъзолари гал-гал президентлик қилдилар. Сўнг Конгресс қошида миллатлараро қўмита ташкил этилди. Қўмитага Испания-

дан Одон Бетанзос Плалакиос, Шимолий Кореядан Чи Лунг Ванг, Япониядан Ютака Акия, Даниядан Эстер Гресс, Словакиядан Милан Рихтер, Хитойдан Ай Кинг, Жанубий Кореядан Ким Ун Сонг, Австриядан Родней Милгайт каби шоирлар сайландилар. Булар айна чоғда мазкур Конгресснинг бўлажак президентлари деб белгилаб қўйилди.

Бутундунё Шоирлар Конгресси 1973 йилда ўз номи-ни ўзгартирди ва Жаҳон маданият ва санъат Академияси деб аталди. 1985 йилда АҚШнинг Калифорния шта-тида корпорация сифатида рўйхатдан ўтди.

Ҳозир Жаҳон маданият ва санъат Академиясининг расмий ишчи тиллари сифатида араб, хитой, инглиз, француз, испан, яҳудий тиллари олинган.

Шу кунгача дунё шоирларининг конгресслари 13 мамлакатда 14 марта бўлиб ўтди: Филиппинда (1969), Чинда (1973), Ҳиндистонда (1975), АҚШда (1976), Ко-реяда (1979), АҚШда (1981), Испанияда (1982), Маро-кашда (1984), Грецияда (1985), Таиландда (1988), Мисрда (1990), Туркияда (1991), Исроилда (1992) ва Мексикада (1993). Бу йилгиси Тайванда ўтказилади. Унга ҳамюртимиз Азим Суён ҳам таклиф қилинган.

Мазкур Академия раҳбарларидан бири, бутун тур-кий дунёдан биринчи бўлиб Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатилган қибрисли турк шоири Усмон Туркой Азим Суёнга ёзган хатида Академия келгуси йили ўз конгресси (қурултой)ни «Манас» эпосининг 1000 йил-лиги муносабати билан Қирғизистон пойтахти Бишкек-да ўтказишни режалаштирганини маълум қилган. Ус-мон Туркой ўз хатида яна «Ўзбекистон Маданият иш-лари вазирлиги Академия билан ҳамкорликда шунга ўхшаш қурултой ўтказиш юзасидан келгуси йилларда бу мавзуда келишиб олиши мумкин бўлади» деган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазир-лиги Жаҳон маданият ва санъат Академиясининг бу таклифини эътиборга олади, деган умиддамиз.

Мирализ АЪЗАМ.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1994 йил 15 июль.

КАМАРБАСТА ЮРАК

Оллоҳ шоирга икки нарсани иноят қилди: қалбига дарду шоирлик истеъдоди. Аслида ҳаёт дардлар силсиласидан иборат. Шоирнинг бору йўғи, бурду бахти ҳам шу дард. Эл дарди. Халқ ташвиши. Ҳазрат Алишер Навоийга Низомиддин рутбасининг қўшиб айтилиши ҳам асли шу туфайли.

Абдулла Орипов, Азим Суюн. Икки шоир — бир дард. Юрт фаровонлиги, мамлакат равнақи, эл осойишталигига камарбаста юрак.

Шоир — дард. Дард — ҳаёт. Ҳаёт — халқ. Заҳматкаш халқимизнинг орзу-умидларини ўз қалбига жойлаган шоирларимизга, Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида омад тилаймиз.

«Маърифат»,
1994 йил 14 декабрь.

«ЎҲ, БОТИРИМ, ҚАЙДАСАН?...»

1987 йил. Ўзбекистоннинг боши узра қора булутлар кўланкаси қуюқлашган, Московдан келган «десантчи» раҳбарлар республикани батамом ўз исканжаларига олган бир пайт. Ўзбеку Ўзбекистоннинг буюк қалқони Шароф Рашидов номи булғаниб, унинг қабрию руҳини ҳақорат қилиш пойгаси давом этаётган ва «пойга» ғолиблари Бош муртаддан қандайдир мурувват кутиб турган вақтлар. Ҳамма нарса: матбуоту радио, ижодий уюшмалару тўю мотамлар қаттиқ назорат остига олинган, миллатимизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан буткул синдиришга аҳд қилган ёвуз кучлар жазава билан иш кўраётган кунларнинг бирида... бир шеър пайдо бўлди. Узоқ қарахлик ва руҳий зарбалардан ўзини йўқота-ёзган кимса борки, ҳаяжону ҳайратдан бир қалқиб тушди. Чунки, шеър умидсизлик қаърига улоқтирилган, маънавият пойдеворлари вайрон қилинган, баъзан ал-лалаб, гоҳо кўрқитилиб, уйқуга кетказилаётган бутун бир авлодни бедорлигу бирликка, жасорату шижоатга аччиқ алам билан даъват этарди. Бу шеърнинг муаллифи шоир Азим Суюн, шеър эса, «Гулистон» журналида чоп этилган эди.

Мазкур шеърни, бугунги ёруғ кунларимизда сиз, азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топ-

дик. Бу энг огир дамларда ҳам ҳақ сўз шоир юрагию дилидан айтилишига бир гувоҳдирким, «Ботир изидан, шоир сўзидан» ҳеч қачон қайтмасин.

Тахририят.

БУЗИЛГАН ЭЛНИ БОТИР ТУЗАТАР

(халқ айтими)

Тупроғимни ёв олган йўқ,
Юртимга қирон солган йўқ.
«Ўзим-ўзим» дейди ўзбек,
Элни бузган худди шу ўқ.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Шафақ бағри алвон-алвон,
Тўралардан ватан вайрон.
Ғажирдай ғажир бир-бирин,
Тумшуғи қон, тирноғи қон.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбекнинг ўти бор, дерлар,
Ва лекин «чўп»и бор, дерлар.
Ҳайҳот, бундай халқ кўрмадим,
Бир-бирин кавлашиб ерлар.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Бири чиқса баланд тоққа,
Бири тушар қулатмоққа.
Ўлимлигин бўзи учун
Ярамас ҳатто арқоққа!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Қуруқ ёғоч ёнишин кўр,
Тараф-тараф ҳамнишин, кўр,
Ўзбек ўзбекнинг ортидан
Биқиб қилич солишин кўр.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Эрлигини унутган эл —
Эрклигини унутган эл.
Ёвин танглайин кўтариб,
Бирлигини унутган эл.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Тоғларимнинг бўй-басти тик,
Қояларда ўйнар кийик,
Ҳатто жондор қадрин билар,
Ўзбек қадрин қадди эгик.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбек, қачон эл бўласан,
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Гап танобини тортайин,
Дардимни кимга айтайин?!
Ўз элимни қарғамасдим,
Тузалмаса, ҳей, қайтайин?!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

1987 йил, март.

Азим СҮЮН.

«Ўзбекистон овози»,
1992 йил 6 ноябрь.

ЯШИЛ НАВО

Во ажаб! Кечагина ҳазиллашиб, туртишиб юрган жўрам бугун элликка кирибди. Муборак бўлсин! Умр югурик деганлари шу эканда. Лекин у югурган жойларда из қолар экан, гул униб боғ кўқарар, ифорлари оламни тугаркан. Кечагидай эсимда, учинчи курсда ўқирдик, дўстим Саъдулла Ҳаким бизнинг кўшни қишлоқдан бир шоир чиққан, ҳозир журналистика факультетига имтиҳон топширяпти, таништириб қўйсам, дўстлашиб кетасизлар, деб қолди. Янглишмасам, Азим-жон Алимов деб таништирди. Ҳақиқатан дўстлашиб кетдик. Шоирлардаги инсоний сифатлар мени қизиқтирар, одамийлик мени ҳам кўп қатори мафтун этар эди. Азимбой камсуқум, камтарин, ҳатто тортинчоқ, айтиш мумкинки, ўта тортинчоқ йигит эди.

Унинг бир фазилати ҳеч эсимдан чиқмайди, у ҳассос шоирлар каби бир суврат, гўзал тасвир ёки ҳаётда бир ажойиб манзарага дуч келиб қолса ёш боладек севинар, қаттиқ ҳаяжонга тушиб, уни титроқ ва тер босарди.

Лекин у ўзгарди. Албатта, яхши томонга. Бугун у катта оила, катта жамоат бошлиғи — бош муҳаррир, Миллатимиз Вакили — ноиб, жаҳон шоирлари конгресси аъзоси, «Сайланма»си чиққан дарёдил шоир. Иқболи бор экан. Қутлуғ бўлсин!

Мен ҳаргиз уни гўзаллик қошидаги ҳаяжон тарк этмасин дейман! Чунки у гўзал масканларда туғилиб, ойдин кенгликларда ўсган, ҳарбий хизматни кўрган, газета, нашриётларда обдон чиниққан. Янглишмасам, унинг ижодий фаолияти етмишинчи йилларда тобга кела бошлаган. — «Туя ўркачи, Хайри, Нега бўлади айри?» — «Катта-кичик минганда, Йиқилмасин деганда!» Болаларга бағишланган бу шеъри эса «Гулхан»дами, «Фунча»дами, 1963 йил босилган эди. Демак, ўзи ярим аср яшаб, ўттиз йил чин ижод қилибди. Ҳорманг, жўра! — десак арзийди.

Ўзи ҳам ажойиб удумларга бой, ўркач-ўркач адрлар ва тоғларнинг мовий бағрида улғайганидан, баҳор чоғлари энтикиб: «Олам тўлиб борар яшил навога!» деб куйлаб юборади. Эшитиб кўксингиз тўлади. Самовий бир мусиқа оғушида сезасиз ўзингизни. «Оққуш каби ой сузди, Оққуш каби ой сузди, Сакраганда балиқлар Ойнинг патлари тўзди» каби сатрлари поэзиянинг гўзал шуълаларига йўғрилганки, иншооллоҳ, умрзоқдир. Шоирнинг ҳам умри узоқ бўлсин, кўп йиллар унинг ажойиб шеърларини ўқиб, шундан завқланиб юриш бизга ҳам насиб этсин!

Ўша камтаринлик, ўша самимийлик, садоқат тарк этмасинким, бу фазилатлар инсон мартабасининг, камолотининг олий нуқталаридир! «Азим Суюн ёзиғинг қўлимда», — деди кўп кас, Билмасларки, тақдиринг ёлғиз Оллоҳ измида», — деган ўйлари, сўздан қурган қошонаю уйлари ва умр тўйлари муборак бўлсин! Ўша беғубор хотиралар оғушида сизга парвозлар тилагувчи биродарингиз —

Йўлдош ЭШБЕК.

ҚОРА СОЧ

Кўкда учган қалдирғоч
Дайди ўқдан йиқилди.
Толим-толим қора соч
Толим-толим қирқилди.

Толим-толим қирқилди,
Сиз биров қирқди деманг.
Бўғзимга жон тиқилди,
Йўқ, ажал тиқди деманг.

Толим-толим бу сочни
Имонимдай севардим.
Толим-толим у сочни
Имконимдай севардим.

Толим-толим қора соч
Ташланди-ку оловга.
Шундан буён бағрим оч,
Ёрим айланган ёвга.

1979 йил.

ЎЗБЕК ДАВЛАТИ

(қўшиқ)

Бир кам дунё бутундир бутун,
Юраклардан ечилди тугун,
Кўнгиллар шод, чеҳралар гулгун,
Мустақиллик — Оллоҳ неъматини,
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

Қарға, зоғлар солмагай соя,
Орзуларга йўқдир ниҳоя,
Авлодларга боқий ҳикоя,
Шарафлидир инсон меҳнатини, —
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

Жаҳон бўйлаб кўчмоқда шонинг,
Муқаддасан — ҳалолдир нонинг,
Фарзандларинг — қилич, қалқонинг.
Ўзбекистон — олам жаннатини, —
Яша, юксал, Ўзбек Давлатини!

1996 йил.

МИЛЛАТ БАЙРОҒИ

(кўшиқ)

Қора ўтмиш қолди ортида,
Дориламон кунлар юртида,
Меҳр — кўзда, муҳаббатда,
Порла, Миллат байроғи!

Осмон тўла юлдуз — оппоқ,
Бир-биридан чақноқ, бироқ —
Ўн иккиси энг ярқироқ,
Порла, Миллат Байроғи!

Мангулик хур йўлидасан,
Ўнгидасан, сўлидасан,
Озод халқнинг қўлидасан,
Порла, Миллат Байроғи!

1996 йил.

ОЛЛОҲ БИЛУР

Кечаги яшил япроқ бугун сариқ,
бугун хазон,
Кечаги тар довучча бугун хандон,
бугун ларзон,
Кечаги оқ оқибат бугун сарсон,
бугун арзон,
Билса билгай бани одам, билмаса
Оллоҳ билур.

Муз дарёлар бағрида
бир тола сув қайноқ, нечун,
Ўтмас шамшир учунми? —
тошлар ўзи қайроқ, нечун,
Оҳ, одамзот денгизнинг
ўртасида чанқоқ, нечун,
Билса билгай бани одам,
билмаса Оллоҳ билур.

Азим Суюн, чоғидир,
ишқ-толедан дoston ярат,
Азим Суюн, чоғидир,
эл кўнглида бўстон ярат,
Азим Суюн, чоғидир,
ҳақ йўлида имкон ярат,
Билса билгай бани одам,
билмаса Оллоҳ билур.

1997 йил.

ҲАЙРАТ

Айланур ел, айланур ер, давру
даврон айланур,
Айланур кун, айланур тун, кун-тун
инсон айланур.

Кўнгил кўзи бирла, оҳким, боқсам
дунёга, ёрон,
Умрим йўлин паст-баланди мисли
тўзон айланур.

Тоғу тошни қушдай севдим, кўрдим
даралар аро,
Тўрт томонга ўзни ташлаб ваҳшат
бўрон айланур.

Чарх иши боқий жафоми, дашту
сахрога тушсам,
Минг сайёднинг дастидан бир оҳу
сарсон айланур!

Яхшиликни пеша қилдим — отамдан
мерос, ахир,
Ай, лекин теграмда доим нечун
шайтон айланур.

Етар, қора булутлардан тип-тиниқ
дурлар ёғар, —
Бошинг узра ваҳм бирла
гарчи ёмон айланур.

Азим Суюн, ёдда тутгил,
ёлғиз Тангри — подшоҳинг
Ва Ойгулинг ёнинггадир —
бахт шу — имкон айланур.

1997 йил.

БИЛМАЙ ҚОЛИБМАН

Кимнидир йиғлатиб, кимни кулдириб,
Бойчечак чиқибди қирни тўлдириб,
Бир ОҚ АТИРГУЛга мени суйдириб,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.

Юлдузлар учибди, кўчибди ойлар,
Ўзанин ўзгартириб тошибди сойлар,
Қаёққа кетибди мен билган жойлар,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.

Насимлар эсибди ўйлар мисоли,
Бирдек ширин ҳаёт заҳари, боли,
Менга насиб этмиш ул ГУЛ висоли,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.

Йиллар оқар, оқар, огоҳ бўл, Азим,
Умр қаён қалқар, огоҳ бўл, Азим,
Ким у, эшик қоқар, огоҳ бўл, Азим,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.

1998 йил.

«Ёзувчи»,
1998 йил 11 ноябрь.



МУНДАРИЖА

Сўзбоши. *И. Ғофуров* 3

БИРИНЧИ ҚИСМ

Бўронларда бордек ҳаловат...

Шоира сув ичган булоқ	8
Дилдаги гаплар	10
Суйган кўнгил фарёди ва ёки бир дўст ёди	14
Бурилиш йўллариди	19
Ҳам йиглаб, ҳам йиглатиб	25
Гулхан гурилламоқда	27
Жаҳолат	30
«Ҳар сўзинг бўлса...»	33
Кийим эскиргани айбга кўшилмас	34
Она тилисиз халқ — чироғи ўчган халқ	45
Муҳаддислар устоди	50
Мустақиллик йўли	55
Тўмарис гуноҳкор эмас	62
Ажунда сочилиб ётурмиз	63
Тилла топди (ҳикоя)	66
Ҳайдаркўл — иккинчи Орол	70
Ватан	72
«Миллат учун қайғуринг»	77
Сарчашма	82
Спорт — миллат баркамоллиги демак	91
«Дунё тижорат ила ободдир...»	96
Тоғ одами (ҳикоя)	102
Мен муҳаббатга сифинаман	106
Япония жаннат эмас, аммо	118

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ҳуррият ҳақиқатлари

Мустақиллик қасидаси	124
Ўзлик	133
Оққан дарё оқмай қолмас	142
«Тирикликнинг гами ҳам совға...»	148
Кўнгил кўнгилдан сув ичар	159
«Улкан бир гул каби...»	162
Битта томир эканмиз	165
Тил инқилоби	166
Асл тулпор эрур ўзбекнинг оти	170

Тоғлар орасида	173
Тиллашув	176
Ватан юкини юраги бор кўтаради	183
Менинг икки қорақалпоқ шоир дўстим	188
«Қирғизистонда ўзбеклар, Ўзбекистонда қирғизлар бахтли яшасинлар...»	192
Кўксимизда Ватан яшайди	195
«Келажакни ўз кўлимиз билан яратишимиз керак»	206
«Билмаганлар билсин бизни...»	216
Эски дўст эсан чиқмас	227
Хайрли фасллар	233
Олис ва афсонавий диёрда	235
Тарихий қадам	243
Ватан шарафи, миллат обрўси деб	245
Истиқлолнинг оддий ҳақиқати	249
«Ниятим халқ орзу-армонларини рўёбга чиқариш»	252
Муқаддас Туркистон туйғуси	257
Улуғ даргоҳга таъзим	259
Ассалому алайкум, Туркистон	259
Ҳақиқат бор жойда халқ бор	265
Тинчлик йўли — инсоният йўли	269
Шафқатсиз ҳақиқат	285
Тафаккур баҳоси	289
Қадри баланд, қадди баланд Ватаним	292
Кенг дунё сари улуғ йўл	295
Эскича қарашлардан қачон қутуласиз	297
Улуғ дард суратлари	299
«Биз учун Ватан битта!»	301
«Ўзбекистон овози» жаҳон сари юз тутмоқда	305
Имконият майдони	310
Бизгача... биз... ва биздан кейин	312
Шарқона муносабатлар маданияти	314
Маърифатли бозор муносабатлари	317
Ёшлар — қудратли қанотларимиз	320
Наврўз гавҳарлари	323
Ҳақиқат Россиядан ҳам устун	331
Мустақиллик иши виждон ишидир	333
Ўз халқининг виждони	336
Арсатдаги одам	338
Мустақиллик абадияти	346
Ўзбекистоннинг ёруғ юлдузлари	351
Янги дунёнинг янги одамлари	354
Янги куннинг жамоли	357
Мустаҳкам оила — мустаҳкам давлат	361
Тарих ва шахс	364
Ўзбекистоннинг янгроқ овози	368
Ўзбекистон болалари	371
Бутундир она-юрт, бутундир	375
«Тоғларида от ўйнатиб...»	379
Порла, порла, миллат байроғи	384
Сувдек, нондек, ҳаводек зарур	389
Нима қилмоқ керак?	392
Бухорий нуридан олам нурафшон, Аҳмад Фарғонийга таъзимда жаҳон (Абдусанд Кўчимов билан бирга ёзилган)	398
«Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан...» (Салим Ашур билан бирга ёзилган)	411

УЧИНЧИ ҚИСМ

Яшил наво

Сўфи Оллоёрнинг сўнгги каромати	422
Норбиби эна	428
Ўзбек шоири — Жаҳон маданият ва санъат Академиясининг аъзоси	433
Камарбаста юрак	435
«Ўҳ, ботирим, қайдасан?..»	435
Яшил наво	437

Азим СУЮН

ЎЗЛИК

*Мақолалар, суҳбатлар, шеърлар,
ҳикоялар, таржималар*

Муҳаррирлар: *А.Аҳмедов, Б.Эшпўлатов*

Рассом: *Ю. Габзалилов*

Бадий муҳаррир: *Ф.Башарова*

Техник муҳаррир: *Л.Хижова*

Мусаҳҳих: *Ж.Тоирова*

Теришга берилди 28.05.99. Босишга рухсат этилди 12.11.99.
Бичими 84x108^{1/32} «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 23,52+1,68 зарв. Нашриёт-ҳисоб табоғи
23,79+2,95 зарв. Адади 5000 нусха (умумий адади 15000).
Буюртма №4148. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

А 37

Азим Суюн. Ўзлик: мақолалар, суҳбатлар, шеърлар, ҳикоялар, таржималар. — Т.: «Шарқ», 1999. — 448 б. + 32 б. зарв.

Ў32